

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

49- йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ва САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1981

1

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Уйғун. Янги довлонлар. Ш е ъ р | 3 |
| Опти миллион. (Ўзбекистон мушоираси) | 5 |
| Ш. Рашидов. Ҳамиша олдинда | 14 |
| Ислон шоир. Москва шахрини кўрдим. Ш е ъ р | 21 |
| Мирмуҳсин. Илдишлар ва япроқлар. Р о м а н | 22 |
| Ҳ. Гулом. Машраб. Р о м а н | 106 |
| Р. Бобожон. Юсуф ва Зулайхо ёки оға-инилар игвоси. Д о с т о н | 164 |
| Р. Қодиров. Мўмин. Ҳ и к о я | 187 |

ОЧЕРКЛАР

| | |
|---|-----|
| А. Эшонев. Чўлни ватан қилганлар | 197 |
| Б. Исроил. «БАМ»да | 202 |
| А. Эгамназаров. Мураббий масъулияти | 207 |
| Ш. Қурбонов. Улуғ. рассом | 212 |

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

| | |
|---|-----|
| Ғ. Мўминов. Улкан олим | 215 |
| О. Ёқубов. Танқидчининг камолоти | 218 |
| Н. Худойберганов. Таҳлилу баҳслар қудрати | 219 |

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

| | |
|--|-----|
| Н. Қаюмова. Қ. Маркс ва Ф. Энгельс санъат ҳақида | 222 |
| Н. Комилов. Ибн Сино ва жаҳон адабиёти | 225 |

ТАҚРИЗЛАР

| | |
|---|-----|
| Ҳ. Худойбердиева, Т. Сулаймон. Тонг билан тун тўқнашуви | 231 |
| Х. Зайниддинов. Теран ҳикоялар | 233 |
| С. Содиқов, Т. Халим. Мунаққиднинг ижод кўзгуси | 235 |

«ГУЛҚАЙЧИ»

| | |
|--|-----|
| М. Қодиров. Камолнинг камоли | 233 |
| Т. Қаҳҳоров. «Гулқайчи» почтасидан | 234 |
| Уртоқлик ҳазиллари | 235 |
| Маданий ҳаёт | 239 |



**СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ
СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ
ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг пахтачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга оширишда жуда катта муваффақиятларга эришганликлари учун, 1980 йилда давлатга 6 миллион 150 минг тонна пахта сотганлиги, пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари, картошка, узум, мева, канош харид қилиш юзасидан ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги учун **Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ленин ордени билан мукофотлансин.**

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

МОСКВА, КРЕМЛЬ,
1980 ЙИЛ 14 НОЯБРЬ.

Янги довоңлар



онли партиянинг ҳар бир Съезди
Юксак бир доводир мақсад
ийлида.

Инсонлар, замину замон тақдири
Коммунист аталган мардлар қўлида.
Халқимиз ошганда ҳар бир доводан
Келажак яна ҳам яққол кўринур.
Эзгу йўлимизни ёритиб турар
Коммунизм асри сочаётган нур...
Бўронлар, довуллар, қасирғалардан
Ҳайиқмай, мардона жанг билан ўтдик.
Музаффар йўлларда, метин қўлларда
Ленин байроғини мустаҳкам тутдик.
Улуғ Партиямиз йўлда раҳнамо,
Тинчликсеварларнинг сафида бормиз.
Оламнинг тинчлиги ва бахти учун
Доим курашдамиз, — кўп бахтиёрмиз!
Озод яшасин деб меҳнаткаш инсон
Биз яқсон этганмиз шоҳлар қасрини.
Илму ҳикматимиз юксалган ҳадсиз,
Биз бошлаб берганмиз космос асрини.
Фазода мўъжиза яратган халқимиз,
Довруқ солмоқдамиз жаҳонлар бўйлаб,
Музаффар халқимиз меҳнатда мудом,
Келажак авлоднинг бахтини ўйлаб.
Йилимиз мазмунда асрларга тенг,
Топган ютуғимиз улкан, беҳисоб.
Ижодкорларимиз янги дунёнинг,
Тарихимиз улуғ мазмундор китоб.
Ёвларнинг таҳдиди, дағдағалари
Бизни улуғ йўлдан қайтара олмас!
Замонлар келади, ёруғ жаҳонда
Қасофат урушдан асар ҳам қолмас.
Маркс башорати, Ленин ғояси
Онларда чақнаган муқаддас чақин,
Бизни бошлаб борур шонли Партия,
Коммунизм яқин, истиқбол яқин...

20 октябрь, 1980 йил.



КПССНИНГ ШОНЛИ XXVI ВА
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ
XX СЪЕЗДЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ



(ЎЗБЕКИСТОН МУШОИРАСИ)

Ураф! Қанот ёзди шонли хушхабар
Олтин водийлардан учди сарин ел!
Муборак, азизим, мислсиз зафар,
Ҳорма энди, сахий, танти деҳқон эл!

Қўлимиз кўкракда, эй азиз Ватан,
Эй муқаддас диёр, ғалабанг қутлуғ!
Мисқолдан миллионлар барпо айлаган
Пахтакор, энг аввал ўзингга қуллуқ!

Унинчи беш йиллик, саксонинчи йил —
Рекорд йили бўлди Ўзбекистонда!
Пахтадан кўтардик энг буюк ҳосил,
Бундоғи учрамас ҳеч бир замонда!

Давр тарихини ёзувчилар — биз,
Бу шонни шеър билан этгаймиз баён.
Олти миллион тонна йиққан пахтамиз
Мисли осмон ичра тағин бир осмон!

Қуллуқ, сенга минг бор, азамат деҳқон,
Қуллуқ, сенга минг бор, қуёш ўлкаси.
Олти миллион юкни даст кўтаролган,
Пахтакор ўзбекнинг тоғдай елкаси!

Қуллуқ, опагонлар, эй онагонлар,
Тенгсиз қаҳрамонлик учун ҳасанот!
Бошингиздан юлдуз сочиб бу онлар
Қутласа арзийди еру самовот!

□

Бу йилнинг шуқуҳи ўзгача бутун,
Замин дастурхони тўлиб турибди.
Қарангки, қуёш ҳам шодон ва гулгун
Меҳнаткаш йигитдай қулиб турибди.

Ер узра сочилмиш жавоҳир кони,
Йўқ, жавоҳир эмас, эзгу муддао.
Боболар айтадир, юртнинг хирмони
Бу қадар ҳосилни қўрмаган асло.

Агар олис фазо қаъридан бу дам
Кўз ташлар бўлсангиз Ўзбекистонга.
Товланар пахтазор гўё бир олам,
Кўз-кўз этса бўлур бутун жаҳонга.

Баҳордан тупроққа меҳрини экиб,
Саратонда кўксин қилиб соябон,
Ҳар бир туп гўзага қалб кўзин тикиб,
Ҳар гулдан бир умид тилади деҳқон.

Ишнинг энг қизиғини, энг мураккаби
Бардош, фидойилик талаб қилса мўл,
Чиниққан ва ўтли бир юрак каби
Коммунистлар солгай ўшал томон йўл.

Партиям, фарзандлар сени улуғлар,
Пешвоз борар дадил энг ёрқин кунга.
Нуригдан ёришиб буткул уфқлар,
Шарафдан зеб бердик буюк якунга.

Чунки ҳар бир сўзинг — дил ифодаси,
Ҳамиша зафарга бошлади халқни.
Сен — буюк Ватаннинг қалб, иродаси,
Сен — Инсониятнинг виждони, ақли.

Улуғвор кеманинг йўли ҳам улуғ,
Уфқларни кўзлар моҳир капитан.
Режалар аниқдир, аниқ йўл-йўриқ,
Жой олдик майдонда мардлар сафидан.

Томчилар қўшилиб дарё бўлгандай
Зарра-зарралардан йўғрилгандай тоғ —
Миллионлар меҳнати бир қўшилганда,
Минглаб мўъжизадан бўлгай буюкроқ.

Аму ва Сирдарё чорраҳасида
Кумуш хирмонларки, бўй чўзди баланд,
Унинг ҳар толаси бахтга қасида,
Меҳнату мардликка пайвасту пайванд.

Бағрида мужассам хазинасини
Армуғон айлади юртим даласи,
Улчар олтин қўллар ганжинасини
Олтин тарозунинг олтин палласи!

Қарвонлар юрдилар вазмин, изма-из,
Улуғ тўй юкини ортмоқлаб мағрур.
Зафар қутлуғ бўлсин, миллион йигит-қиз,
Меҳнат лочинлари, сизга ташаккур!

Раҳмат, моҳир дарға, буюк раҳнамо,
Сенинг ижодингдир бугун, эртамиз,
Офтоб билан озод бўлгандек само,
Сени қалб кўкида эъзоз этамиз.

Чунки сен Ватаннинг юксак биносин
Жаҳонга сарбаланд этолган меъмор.
Сийнангда кўрамиз Ленин сиймосин,
Ҳар сўзинг зафарга чорловчи шиор!



Коммунистик аср бизнинг ўлкага
Қутлуғ уфқ бўлиб, йўл бўлиб келди.
Ёғду тараб келди ҳар бир кўлкага,
Чўлларга жон тутган қўл бўлиб келди.

Этагин ушладик уфқларнинг биз,
Умрга мезондир ирода, меҳнат.
Баҳтимиздай очдик кўриқларни биз,
Ватан тарихида буюк жасорат.

Коммунист деган ном ер куррасининг
Қуёшдек ягона таянчи бугун,
Чунки мазмуни зўр мафкурасининг:
Иқбол оқ бўлсин дер, ризқу рўз бутун.

Коммунист раҳбардир. Тун-кун ўйида
Бутун юрт тақдири, ҳар жон тақдири.
У — раис. У бош-қош элнинг тўйида,
Ундадир барака, хирмон тақдири.

Уч сўзга — деҳқон-у, ишчи, зиёли, —
Қўшилса коммунист, келажак сўзи,
Беш чаноқ ичида оқ нур мисоли,
Ярқираб кўринар келажак ўзи!



Азиз пахтакорим! Сен буюк инсон,
Сен — она Ватаннинг меҳнат фарзанди.
Меҳнат жасоратинг билади жаҳон,
Аҳдига вафодор, баҳодир, танги.

Ўз меҳнатинг билан, ўз қўлинг билан
Заминни ардоқлаб, қўйдинг обида.
Матлабга етишдинг ўз йўлинг билан,
Номинг ардоқланар Бахт китобида.

Заминдай бедорсан, билмайсан ором,
Ҳаловат бермайди пахтанинг гами.
На сахар тиним бор, сенда на оқшом,
Азиз ҳар мисқоли, ҳар бир грами.

Эфир тўлқинида қулоқларимиз,
Кўзимиз газета сводкасида.

Тун бўйи ўчмайди чироқларимиз
Пахта штабининг ҳар хонасида.

Кўнглимиз боғ айлар, кўксимизни— тоғ,
Матбуот марказин ҳар бир хабари!
Кимки эъзозласа — сахий бу тупроқ,
Шунданмасми доно деҳқон зафари?!

Номимизга кирган Деҳқонбой бўлиб,
Сепини ёяди кузда Ҳосилой.
Тўйларин қутлайди қуёш ҳам кулиб,
Базмида — юлдузлар, ўйнар — тўлин ой.

Телефон симларин «асаб»и таранг,
Телетайп «сайраш»дан тўхтамас, бироқ,
Чўтга сигмаётган сонларга қаранг,
Қалам тебратишдан бармоқлар қадоқ.

Паҳлавон рақамлар, таниш рақамлар,
Меҳнат фронтининг элчилари — сиз!
Сизни барпо этмиш ботир одамлар,
Деҳқон юрагининг тилмочлари — сиз!



Тафаккур-ла инсон кўзга кўринмас
Заррани минг бўлак қилган замонда,
Пахтакор ишида илмга ихлос —
Барқ урди, дўстларим, Ўзбекистонда.

Селекция илми — қуримас булоқ,
Далага оқмоқда энг аъло навлар.
Сенга ҳам ташаккур, эй олим ўртоқ!
Мана, жавлон урар пўлат бедовлар!

Пахтакор! Бу йил ҳам дўндирдинг ишни,
Излайсан меҳнатлар зафарини сен!
Дарғасан, билмайсан ҳеч энгилишни,
Пахта коинотин Гагарини сен!

Ўзбек диёрида ҳамма пахтакор,
Алоқам йўқ деган шахснинг ўзи йўқ.
Фақат меҳнат ила мардга камол ёр,
Бахтимиз шундандир, шундан диллар тўқ,

Сен бир китоб ёздинг, сенинг китобинг,
Миллион саҳифали буюк пахтазор!
Минг йиллар ўқилур китоб — офтобинг,
Ўзинг академик, илминг бетакрор!

Иш осон бўлмади, бу қутлуғ Ватан
Фарзанди ҳамма вақт меҳнатда нодир.
Тўғри, баъзилар бор; кифти куймаган —
Уроқ-машоқда йўқ, хирмонда ҳозир.

Бизларга кўз тиккан жаноблар ҳам бор —
Манфаатдор дунё нотинчлигидан.

Ўзбек зафаридан шодланмас зинҳор,
Қиринди ўтмоқда улар ичидан.

Ўтса ўтаберсин қиринди ичдан,
Бизлар ишимизни болай берамиз!
Пойдор бўлсин дея жаҳонда тинчлик,
Меҳнатимиз ила олтин терамиз.

Емғир, дўлни энгиб, вильтни ҳам энгиб,
Ҳасадни ҳам энгиб, ўзбек турар дов.
Қалбига садоқат кетмишдир сингиб,
Паҳлавон ўзбекка дош келмас ҳеч ғов!



Эй, азиз пахтакор, эй азиз сиймо!
Партиямиз сени қўллайди доим.
Ойдин йўлларингда бўлиб раҳнамо,
Буюк зафар сари йўллайди доим.

Сенинг азиз бошинг силаб Марказком
Қаддингни этади тоғдек сарбаланд.
Шиддатли қалбингга бахш этиб илҳом,
Меҳрингни айлайди Заминга пайванд.

Мушкул лаҳзаларда бўлиб елкадош,
Мардлик майдонига сени чорлайди.
Энг оғир синовга берсин деб бардош,
Зафарли уфқда кундек порлайди.

Қадоқ қўлларингни қисди-да маҳкам,
Улуғ орзуларга ёр этди сени.
Бўлсин деб Ғалаба қасри муҳташам,
Олдинги сафларда бор этса сени!

Ғалаба қасрининг ол пештоқида
Кундай балқди — олти миллионлик рақам.
Шарафга бурканган зафар боғида
Дунёнинг шодлиги бўлган эди жам.

Марказком айлади сенга зўр Хитоб,
Бу Хитоб бир зумда тутди ўлкани.
Қалбингни кўкида ёқиб бир офтоб,
Зафарга ундади республикани.

Партия сўзи бу — халқнинг сўзидир,
Халқнинг сўзи эса — Партия сўзи!
Партия дегани — халқнинг ўзидир,
Халқ билан Партия — бирлик юлдузи!

Бу юлдуз бошларда порлагай абад,
Абад сўнмаяжак нури, зиёси!
Халқимни зафарга чорлагай абад,
Абад ёғдулангай башар дунёси!



Она Ўзбекистон, сўзма-сўз банд-банд,
Шаънингга ўқиймиз ўтли қасида.
Яша, обрўйинг зўр, ҳурматинг баланд
Бузилмас Советлар оиласида!

«Олтин қўллар» дея этганида лутф
Шавкатли дарғамиз Леонид Ильич,
Рекорд-рекордлардан мардона ўтиб,
Қойил қилиб кўйдинг, чекинмадинг ҳеч!

Игна билан қудуқ қазгандай гўё,
Мисқол-мисқоллардан пайдо қилдинг тоғ.
Э-ҳе, меҳнатингга таъриф йўқ асло,
Меҳнати буюксан, шундоқсан, шундоғ!



Олтмиш уч йилдирким, бахтим пойдор,
Шахдига душманлар бера олмас тоб.
Сен эса, пахтакор, ҳар йили бир бор
Меҳнат жабҳасида қилгунг инқилоб!

Меҳнат жанггоҳида мудом мард туриб,
Бахтнинг бошларини этасан тошдан.
Улкан рақамларни ҳар йил орттириб,
Орзулар уммони тошгани тошган.

Далага сочасан шитоб бирма-бир —
Беором кунларнинг меҳнатларини.
Сен битган ёзувдан ўқир Октябрь
Ўзбекнинг сермазмун дастхатларини.

Шундан Октябрнинг қадами катта,
Ватан эга бўлар тоғ-тоғ олтиңга.
Сени тўйлар кутар ушбу фурсатда,
Марҳамат, пахтакор, ўтгил олдинга!

Сенга мунтазирдир дил энтиктирар —
Карнай-сурнайларнинг қайноқ олқиши.
Кўз интиқ, сўз интиқ, дил интиқ турар,
Сенсиз битмас ахир дунёнинг иши!



Олтин рангга кирди водийлар мана,
Боғ-роғларга келди қирмизи кузак.
Дехқон меҳнатига гўё расмана
Олтин ранглар билан берилди безак.

Ўзбек дехқонининг пахта, атласин
Таъриф этмасак ҳам оламга машҳур.
Айтмасдан бўлурми аммо минг таҳсин,
Боғларин неъматин тотганда бир қур.

Табиат не неъмат яратган бўлса,
Уни жаҳон кезиб излаш шарт эмас.
Оддий ўзбек боғин келиб бир кўрса,
Жамини мукаммал топа олур, бас.

Куюшда товланган олмаю узум
Гўёки очилган жавоҳир сандиқ.
Бу диёрда ҳатто шамол ҳам бир зум
Маст этиб, қалбларга бағишлар ҳордиқ.

Тонг чоғи боғларда товланиб турган
Шудрингмас, деҳқоннинг пешона тери.
Боғбон меҳнатидан шунча барқ урган
Ўзбекнинг диёри, ўзбекнинг ери!

Тасаввурга келар тоғ-тоғ хирмонлар
Фаровон кунларнинг ойдin йўлида,
Тинмай ўтиб борар оппоқ карвонлар
Шу олти миллионнинг олти нолида.

Байрам кунин кийса янги кўйлагин
Бола қалбин нечоғ суюнтиради.
Пахтакорим, машҳур олтин қўлларинг
Ахир, олам халқин кийинтиради.

«Пахта оламшумул бир масаладир»—
Ленин баҳосига ярашиқ азминг.
Чиндан, жавоҳирлар ичра сарадир,
Жаҳон бозорида олтиндан вазмин.

Қалб кўрин, кун нурун сипқорган сайин
Обрўси, қудрати чандон ортади.
Гарчи тинч баҳсларда момикдай майин,
Гоҳо атомлардан қаттиқ ботади.

Меҳнат, она Замин деган ҳар инсон
Қалбида — урушга нафрат белгиси.
Чаноқ очилганда ёришар осмон,
У оқ кабутардай тинчлик элчиси!

□

Азалий удумда — заминун замон,
Бу кўҳна Заминда бор экан башар.
Диллар олқишига қолур бегумон,
Байналминал руҳли ўзбакий ҳашар!

Писанд этган эмас бирор ташвишни,
Ҳаёт ҳақиқатин халқим билади:
Бир киши юз кунда бажарар ишни
Юз киши бир кунда қойил қилади.

Ҳали хотирада турибди қоим
Жаҳонга доврўкли Тошкент ҳашари,
Пахтакор! Ёнингда бўлғуси доим
Кўмакчи лашкари, ёрдам лашкари!

Фартуққа алмашиб ишчи пешбандин,
Шахдам одимлайди пахтазор томон.
Ахир, кўксидаги ғурур ўшандан,
Ўшандан қалбида бутундир имон!

Талаба отилиб чиқар майдонга,
Улкан сабоқхона — далалар азал.
Юрт, тупроқ меҳрини сингдириб жонга,
Ватаннинг ҳуснига берурлар сайқал!

Халқим! Шоиринг ҳам бир четда турмас,
У ҳам қаламини чархлайди бутун.
Илҳомни кўклардан қидириб юрмас,
Илҳом пахтазорда қайнайди бугун!

□

Дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳар ерда устун,
Ҳамжиҳатлик билан ғолибдир инсон.
Инсон афзал тутар ҳамжиҳат дўстин
Ҳамма тилсимлардан, нисор этиб жон!

Ким у — ўзбекми, ё русми, тожикми,
Қозоқми, қирғизми, татар ё туркман...
Олам яратади, бу — дўстлик ҳукми,
Ягона бир олам — қонуний, ҳукман!

Ернинг таноби ҳам, кўкнинг изми ҳам,
Ҳамма нарса унинг ҳукмида бугун.
Деҳқон шиддати ҳам, деҳқон азми ҳам,
Унинг амри билан дастурхон тўкин.

Навоий дўстликни қўлдош атаган,
Тоғдай орқаси бор, деган, зап айтган!
Дўстликнинг сеҳрига олам берур тан,
Унга нафас кетган, унга дам кетган!

Тюпко машинаси кирганда жангга,
Пўлат этагидан тўкканида зар,
Турсуной шон олиб келди Ватанга,
Олқишлар ёғдирди жумлаи башар!

Озар қиз Саодат шаҳдидан ернинг —
Олтин хазинаси очилганида,
Энвер Алиевдай меҳнаткаш эрнинг —
Шуҳрати юлдуздай сочилганида,

Яна дўстлик рамзин этасан эъзоз,
Бирлашган дарёлар тушар ўйингга,
Бўзлик — бўзликлардан беради овоз,
Куйлар, куйлар қуйиб шаррос куйингга!

Дўстлик қудратига шараф, ҳасанот!
Ҳамма жасоратлар қамоли, боши!

У шараф майдонин этгувчи бунёд,
Мардлик, матонатнинг туғма қўлдоши!

□

Олти миллион! Эҳ-ҳе, олти довондир,
Жасур пахтакорим зафар марраси.
Севгиси, шиддати, қалби аёндир,
Унда юракларнинг олов зарраси.

Оқ хирмон — оқ карвон, нурафшон йўл бу,
Бордир бу манзилда йўлчи — дарғаси.
Заминни беагаган олтинкор қўл бу,
Бошида Байроғу Уроқ — Болғаси!

Бунақасин мутлоқ кўрмаган олам,
Миллион-миллионларни ҳатлаб ўтдик биз.
Нурин улашдию қуёший қалам,
Тарих китобига хатлаб кетдик биз!

Бор бўлсин зафарлар қатида порлоқ
Олтин миллионнинг очган саҳифаси!
Бор бўлсин дунёда кўнгиллардай оқ,
Ниятдай беғубор ўзбек пахтаси!

Соғ бўл, она халқим, эй тоғмас билак,
Доим баланд бўлсин табаррук бошинг!
Хирмонинг қаддингдай бўлсину юксак,
Бахтингдай ҳамиша кулсин қуёшинг!

Комил ЯШИН, ЗУЛФИЯ, УЙҒУН, Ҳамид ҒУЛОМ,
Рамз БОБОЖОН, МИРМУҲСИН, Асқад МУХТОР, Ту-
роб ТУЛА, ШУКРУЛЛО, Ибройим ЮСУПОВ, Жума-
ниёз ЖАББОРОВ, Барот БОЙҚОБИЛОВ, Нормурод
НАРЗУЛЛАЕВ, Эркин ВОҲИДОВ, Абдулла ОРИПОВ,
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА, Муҳаммад АЛИ, Омон МАТ-
ЖОН.

ҲАМИША ОЛДИНДА

НИКОЛАЙ ГРИБАЧЕВ 70 ЁШГА ТУЛДИ



Еъриятнинг абсолют, алжабр воситасида текшириб чиқилган формуласи йўқлиги, поэтик ижоднинг фақат маълум зарурий қондасигина мавжудлиги илгаритдан маълум. Бироқ ҳаммасини қонда бўйича ёзган билан битта ҳам чинакам поэтик мисра яратмаслик мумкин. Поэзия фақат таланга бўйсунди.

Талант — бу даставвал шоир шахсининг ғоявий-бадий мақсади бирлиги ҳамда диалектик бутунлиги юзага чиқадиган ўзига хосликдир, ижоднинг мақсади эса санъаткорнинг барча поэтик воситаларини белгилайди. Ғоявий жиҳатдан чиниқиш юксала борган сайин уни сўз санъатида гавдалантириш тобора мураккаб ва қийин бўла боради.

Юксак мақсад ҳар қандай ноқерак қиёсларни, нафис қўфияларни ва мураккаб ритмик шаклни, агар булар ўзича мавжуд бўлса, кулгили ҳамда аянчли қилиб қўяди. Албатта, ижодиётнинг бу кўринишини ҳам санъат деб аташ мумкин, лекин бу теран одамий мазмундан маҳрум ёинки ўша мазмун ташқи, иккинчи даражали вазифаларга бўйсундирилган юзаки, формалистик санъат бўлади. Социалистик реализм ўзида энг инсонпарвар жамият санъати сифатида, ҳар бир оддий киши қалбига кириб борадиган йўл сифатида, ер юзидаги барча софдил инсонлар манфаатини ҳимоя қилиш воситаси сифатида қарор топганлигининг боиси ҳам худди мана шундадир.

Халқ учун ёзмаган шоир бўлмаса керак, аммо уларнинг барчасига ҳам чинакам, халқ шоири бўлиш насиб қилавермаган. Бунинг учун кенг меҳнаткашлар оммасининг умидорзулари, тилак ва армонлари билан яшаш, ижтимоий ҳаёт қон томирининг ҳар бир уришига сезгирлик билан амал қилиш, барча ёт нарсаларга қарши курашда, янгиликнинг ҳатто кичик куртагининг ҳам ғалабасига имконият яратишда куч-қувватни аямаслик керак.

Агар Николай Грибачев ижодига мана шу мезон билан ёндашилса, уни улкан, халқ шоири деб айтиш мумкин бўлади. Ёзувчининг ҳар бир сатри — бу унинг амалидир, амаллардан характер ташкил топади, инсонга унинг амалларига қараб баҳо берамиз.



Завқу шавқ ҳамда мурасизлик — Грибачевнинг асосий ҳислатларидир. Бу ҳол ҳамма нарсада ва айниқса ўз-ўзига, ўзининг ҳар қандай сатрига, у шеърми, прозами, публицистика ёки танқидми — бари бир, талабчанлигида намоён бўлади. Менинг назаримда, бу санъаткорга хос мўлжалга аниқ олиш манбалари мана шундадир.

Бироқ, Николай Грибачев ижодиётидаги дастлабки лирик асосларнинг моҳиятини етарли баҳоламаслик хато бўлур эди. Бунинг учун «Северо-Запад», «Метель», «Думка», «Разговор с певцом» китобларидаги урушдан олдин ёзилган шеърларини эслаш кифоя.

Шоир «Разговор с певцом» китобини қуйидаги мисралар билан якунлайди:

*Истеъдод муҳаббат берди, сўзни эса халқ,
Билимни ҳаёт — ҳаётдан олинар ақл.
Беҳадик хулқиму некбинлигим маним —
Бергандир онам билан жонажон тупроқ.*

Муҳаббат, ҳаётий билим, некбинлик ва беҳадик хулқ уруш пайтида ҳам шоир билан ҳамдам бўлди.

*Ортдаги мовийликда сингиб кетди Россия,
Булутли кунда ёмғир ўчиради изларни...
Агар оламда бор бўлсанг солдатлик қудрати,
Қўзғолгин,*

бор,

даф қил балони

қутқар бизларни!..

*Тун. Туман. Позицияни эгаллар танклар.
Тонггача, жангга ҳали тўрт соат бор.
Совуқ ертўлада юрак менга ғул-ғула солар,
Ва ухлашга қўймайди овозлар,
овозлар...*

Ўз халқининг овозини эшитиш, унга қулоқ солиш шоир учун биринчи даражали вазифадир. У ҳақиқатни фақат мана шундан излайди ва топади. Ўзининг кейинги тўпламларидан бири, фақат янги шеърларидан ташкил топган «...И песня звезда»да Николай Грибачев ёзади:

*Ҳақиқат қўрқмагай текширувлардан,
Ёлғон эса, қочиб қолар жуда узоққа.*

Худди мана шу тўпламда шоир томонидан қилинган ишларни тушуниш калити, уларнинг ўзига хос якуни деса бўладиган шеър бор:

*Қишиларнинг сершовқин давраси аро,
Оламу замонлар туташган ерда,
Мен инсон, ўзимни ишга банд қилиб,
Унута оламан. Бутун. Мутлақо.*

*Шухрат учун эмас. У — нима ўзи? Ноз, ишва.
Шунга хушомад қилиб, унга югурарлар,
Гардига бошларин қўймоқликчун. Бу шева,
Сигирни эгарлашдек бемаъни менга.*

*Умрим меҳнатда, йўлу баҳсда мушглашиб кечди
Улфатчилик, тўй-томоша нима ёқтирмай асло.
Сўнги нафасимда ҳам ортга йўл йўқ ерда
Мени жангда топсинлар деб қилдим тавалло!*

Ўткинчи юлдузлар атрофидаги танқидий эҳтирос ҳамда шов-шувлар аллақачон қайнаб тиндилар. Грибачев асарларига улар тегмадилар. Уларнинг хўжақўрсин зилу бомлари ҳам ўтиб кетди. Шов-шув бўлмади, лекин ҳақиқат замонавий радиотехника томонидан кучайтирилган овознинг баландлигида эмас, балки ҳақиқатга яқинлик (даражасида эканлигини тушунган китобхонларнинг уларга ихлоси йилдан-йилга орта борди. Шундай қилиб, Грибачев шеърларидан инсонни қизиқтирадиган турмуш ҳамда истиқболни белгилайдиган муаммоли саволларга жавоб топиш мумкин бўлган ижодкорлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Грибачев, шундай жанр қиладики, бу сиртдан қараганда унчалик таъсирли кўринмаса ҳам, лекин оқибатда душманни ер билан яксон этади.

У ҳарбий киши, жанговар камбат бўлганлиги учун. Улуғ Ватан уруши майдонларида мудофаада ўтираверишни ёмон кўрарди, унинг стихияси — атака, у ҳамиша ҳужумда бўлади:

*Жангга юз буриб тура олмайман,
Янги ишлар олдида бурчлиман бурчи.
Эски нафратим ва муҳаббатим билан —
Гарчи йиғласанг ҳам — хайрлашолмайман.*

*Чарчаганимдан асло шикоят қилиб,
Бир лаҳзага бўлса ҳам, сафдан чиқмайман.
Дўстларни ранжитиб, душманларни эса —
Шодлантиришига сира ҳаққим йўқ дейман.*

(«Қалбимга»)

Коммунист шоирнинг Ватанга садоқат ҳақидаги қасам сўзларидан иборат қуйидаги мисралари дастуриламал бўлиб қолган:

*...Буюк Ватаним маним...
Ҳали бор экан танамда жоним
Кўзимда сўнги нур сўнмаган экан, —
Солдатингман, амринг кутурман.
Бошла мени, Совет Россияси,
Меҳнатга,
Ўлимга,
жасоратга —
лаббай деб борурман!*

Бу жўшқин сатрлар Ленин партияси идеаллари учун толмас курашчи, совет турмуш тарзининг хормас тарғиботчиси, адабиётимизнинг истиқболига комил ишонч билан қаровчи санъаткорлардан бири томонидан ёзилган.

Грибачев ижодиётининг бош қаҳрамони — бу коммунист эканлигини танқидчилик ўз вақтида адолатли равишда қайд қилган. Шоир ўзининг новаторона ёзилган, СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Большевик» колхозини ва «Победа»да баҳор» деган машҳур поэмаларида колхоз материали асосида партия раҳбарларининг ёрқин образларини яратган. Айниқса партторг Зернов образи муваффақиятли чиққан. У ҳалол, мард, тўғри одам, урушдан кейинги қийинчилик йилларида дарҳол колхоз экономикасини кўтариш йўлига киришиб кетади, колхозчиларга таъсир кўрсатишда моддий ва маънавий воситаларни оқилона қўллайди.

Коммунистни куйлаш, коммунистик белгиларни улуғлаш Грибачев шеърятининг мағзини ташкил этади.

Бу билан бошқа бир нарса ҳам чамбарчас боғлиқдир. Унинг учун коммунист — Инсон ҳақидаги олий тасаввурнинг жамулжами, лекин шундай бўлса ҳам, маҳлиё бўлиш учун объект эмас. Грибачевнинг тушунчасича, маҳлиёлик жозибадор машғулот эмас, у шоир қалбига яқин қаҳрамонлар учун тўғри келмайди. Шоир меҳнат аҳлини, бўйсундирувчилар, қайта яратувчилар, исёнкорлар наслига мансуб ҳаракатчан кишиларни улуғлайди, олдинга борувчи, ўзидан кейингиларни ундовчи, мақсад сари интилувчи — замонамизнинг тўлақонли қаҳрамонлари кўнглига хуш келади унинг. Шоир мана шулар учун ҳамма вақт жанг қилади! У буларни қалбларини занг босиб қолган мажмағилларга қарама-қарши қўйиб, биринчи планга чиқаради. У меҳнатни ва меҳнат аҳлини куйлайди, ишёқмасларни қаттиқ масхара қилади. Бу жиҳатдан «Танбаллик» миниатюраси ибратлидир:

*Танбал печь устида туғилди,
Кун бўйи ланж бўлиб чўзилди.
Дебдилар: ишлашчун настга туш,
Эшитмади — бу гўё юмуш.*

*Далага боришга мажол йўқ,
Уримга чиқ, деса — жони пўк.
Овқатга чақирсанг баногоҳ,
Қозон тепасида кўзи лўк.*

Бу ўринда халқ оғзаки ижоди мотивларини оддий кўз билан осонгина илғаб олиш мумкин. Зотан Николай Грибачев шеърятининг кучи шундаки, у халқ ижоди билан узвий равишда боғланиб кетган. Халқ манбаи — шеърят учун обиҳаётдир. Мақол, қочирик, эртақ ёки достон усули — буларнинг барчаси Грибачевнинг поэтик хўжалигида қўлланилади, унинг шеъряти бўёқларини бойтади ва товлантиради.

Грибачев шеърлари — бу жингиртоб қилиб ўралган пружинага ўхшайди, шунинг учун уларда улкан ички қудрат яшириниб ётади. Уларни қабул қилиш ҳам ёки қабул қилмаслик ҳам, уларга қўшилиш ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин — лекин улар лоқайд қолдирмайди: дўстни қўллаб-қувватлайди, душманни қамчилайди. Ва энг жўшқин шоир, агар вазият талаб қилса, совуққон бўлиб қолиши мумкин, лекин асло лоқайд бўлиб қололмайди. Грибачев учун лоқайдлик билан сотқинлик тушунчаларининг фарқи йўқ.

Шоирнинг ижодий фаоллиги унинг ижтимоий қиёфаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий фаолиятга қанчалик кўпроқ диққат, куч ҳамда вақт сарф этилса, бериладиган поэтик маҳсулот шунчалик сифатлироқ бўлишини аксиома деб ҳисоблаш мумкин.

Бу қонуний: фаолият тўқнашувни, курашни, зиддиятни — поэтик учкун чиқариш учун зарур компонентларни тақозо этади. Ҳамиша воқеа-ҳодисаларнинг қайнаган, ерида, идеологик курашнинг олдинги сафида бўлиш керак — Николай Грибачев шундай ва фақат шундай деб ўйлайди.

Табиатан тиниб-тинчимас, буюк эзгулик учун кўчманчи ҳаётни тан оладиган, исталган дақиқада, яқинми ёки узқми, сафарга жўнашга ҳозир, бутун Иттифоқни учиб, поезд, машинада, пойи-пиёда кезиб чиққан, деярлик ҳамма давлатларга ҳеч қачон турист бўлиб эмас, ҳамма вақт Советлар мамлакатининг мухтор вакили бўлиб борган, биздаги ҳамда ажнабий эллардаги турмушни бировлардан эшитиб эмас, балки бевосита биладиган, ўрганишни, қиёс қилишни, ўткир публицистик хулосалар чиқаришни биладиган ва бунини севадиган Николай Грибачев Маяковский традицияларининг энг яхши давом эттирувчиларидан бири

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у Маяковскийдан кейин «мен партиявий китобчаларимнинг бутун юз жилдини большевистик партбилет каби баланд кўтараман» деб тўла ҳуқуқ билан айтиши мумкин. Грибачев поэзиянинг асосий тамал тоши деб унинг одамийлигини, партиявийлигини билади. Унинг йўлчи юлдузи — кураш. Ҳатто манзара лавҳасида ҳам, айтайлик, сокин қиш кунда бирданига Грибачевга хос одатий ҳол юз беради:

*...Ҳаммага тин бермайди қисталанг шошиш
Эски-тускини емириб ва дафн қилиб*

Айниқса бу ҳол мунозарали равишда «Жимжитлик» деб гоят алдамчи номланган шеърда ёрқин намоён бўлган. Даставвал обломовона бўёқларни эслатар даражадаги ҳақиқатан осуда манзара чизилади:

*Ҳаммаёқ ҳам жимжит, —
сув қуйгандек жим —
На отиш
на додлаш
на ўт кетиш бор,
Сариқ япроқлардан
қуёш томчилар,
Ўтлоқдан қуруқ мезон ипини тортар
Ва кузак, ёшини яшаган кампир,
Ром олдидаги
малла ўтларда мудрар.*

Тинч, осуда манзара. Яна кимда денг — Грибачевда? Мумкин эмас! Мумкин эмаслигини унинг ўзи ҳам билади, ўқувчини осудаликка ишонмасликка қақиради, чунки жимжитлик алдоқчи. Олам тинчлик тақдирини учун курашаётган бир пайтда, жангга тайёр солдат бўлиб туришга ундайди:

*...Ҳар бир имкониятдан
борини сиқиб,
Нолийди ва алдайди,
ўрмалар мешчанлик орқа томонда
Юракка шубҳа уругин секиб.
Олифта ғингшийди,
қутуради нолиб,
Бемаъни фисқ-фасодларга
тайёрланган у,
Қилгиликни қилгач
ботқоқлик кечиб,
У маънавий разил —
Кетади
бегона соҳилга жилиб.*

Бу ўн беш йил олдин айтилган. Лекин ўзининг аҳамиятини бугунги кунда ҳам йўқотган эмас.

Грибачевда келажакка қарашга хос ҳавас қиларли даражада замон туйғуси бор. Бу унинг публицистик руҳ билан йўғрилган шеърятигагина эмас, балки, агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, соф газета-журнал публицистикасига ҳам тааллуқлидир.

Газетанинг умри қисқа — бир кун. Журналники нари борса бир неча ой. Кўп миллионли газета-журнал материаллари уммонида кўпин-

ча ҳатто энг ёрқин мақолалар ҳам осонгина йўқолиб кетади, тезда унутиб юборилади. Николай Грибачевнинг мақолалари бундай ноҳуш қисматдан холидирлар. Ҳатто куннинг долзарб масалалари юзасидан маълум воқеа-ҳодисадан кейиноқ у ёзган откликлар ҳам бир кунлик бўлиб қолмади. Бу эса энг юксак маҳорат, сиёсий сезгирлик, олдиндан кўриш кўрсаткичи, қандай ёзиш, воқеа-ҳодисани қандай баҳолаш намунасидирким, булар беш, ўн, йигирма йилдан кейин ҳам одиллик билан айтилган фикрлар бўлиб қолаверадилар.

Чорак аср муқаддам у совуқ уруш пайғамбарларининг ҳажвий портретлари сериясини яратган эди — улар бугунги кунда ҳам ўшандай қизиқиш билан ўқилади. Уларнинг умрбоқийлиги сири, танқидчилик одиллик билан қайд этганидек, шундаки, уларда улкан умумлаштириш кучи мавжуд, Грибачев учун биринчи планда муайян воқеа-ҳодиса ҳақидаги шунчаки факт эмас, балки фикр, хабар эмас, балки ўй-хаёллар туради. У ифодалаган нарсанинг қиммати мана шундадир. Ҳар бир материалда муаллифнинг жонли фикри, тасвирлаётган нарсасига шахсий муносабати сезилиб туради.

Николай Матвеевич В. И. Лениннинг: «Зарарли нарса ҳақида га-забланмай ёзиш — зерикарли ёзиш демакдир»,— деган насиҳатини ўзига дастуриламал қилиб олган.

Грибачев ҳамма вақт эҳтирос билан ҳаяжонланиб, ўз хайрихоҳлиги ва нафратини заррача ҳам яширмай, партиявий публицистиканинг энг яхши традициялари руҳида ёзади. Айни пайтда Грибачев публицистикасида ўзининг бетакрор, ўзигагина хос қиёфаси намоён бўлади. Унда бир қатор манбаларнинг ёрқин бирикмаси юзага келади. Чунончи, поэтик ибтидо (мажозийлик, нафислик ва деталларнинг беназирлиги, психологик таҳлил ва характеристикаларнинг теранлиги), мунозара (фактларни бир-бирига қиёслаш ҳамда таҳлил қила билиш, ифодадаги тарихийлик унсурлари, қатъий илмий ёндашиш, мафкуравий душманнинг даъволарини билиш) бунга ватанпарвар ёзувчи позициясининг партиявийлиги, санъаткорнинг сезгирлиги қўшилади. Ва буларнинг барчаси у ҳимоя қилаётган иш туфайлидир. Чунки бу иш ҳамма нарсадан юқори туради.

Грибачевнинг илҳом париси бой ва саховатли. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам публицист, ҳам танқидчи, ҳам муҳаррир, ҳам таржимон. Бу — фидокорликка, ўзида борини тўла айтиб олиш учун улгуришга интилиш, бошқалар — китобхон билан ўзини қизиқтирган фикрларини ўртоқлашишга ташналиқдир. Кимда шахс, ижод ҳамда ижтимоий жўшқин эҳтирос шундай мос келса, кимда улар шундай ажралмас бирликни ташкил этса, у одам бахтлидир.

Унинг шеърларида, прозасида бошидан кўп воқеаларни кечирган, кўп нарсани кўрган одамнинг таржимаи ҳолига оид талай нарсалар бор. Ижодиётининг жанговарлиги, ҳиссизликка нафрати оловлиги шундандир.

Бир хил шоирлар бўладикки, уларнинг асарларида ҳис-туйғу асосий ўринда турса, бошқаларда рационал манба асосий ўринда туради. Грибачевда асосий ўринда униси ҳам, буниси ҳам бирга қўшилган ҳолда яхлит бўлиб келади. Унинг сирасига кирадиганлар фаолиятларини бутун жабҳа бўйлаб курашга режалаштирганлар, ҳузур-ҳаловат улар учун ҳалокатли бўлган кишилардир. Зотан Грибачев ижодиёти ва ижтимоий ҳаёти ўз халқин, ўз мамлакати тақдири билан бирикиб кетган.

Николай Грибачевнинг таржимон сифатидаги халқларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссаси ҳақида ҳам айтиб ўтгим келади. Уни бу энг мушкул ишнинг устаси деб аташ мумкин. У таржима қилиш учун қўлига олган, у хоҳ шеър, хоҳ проза бўлсин, асарнинг муаллифи мансуб бўлган халқнинг тарихи, мадания-

ти, анъаналари, урф-одатларини ипидан игнасига қадар ўрганади, оригиналга ғоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Таржимада шеърнинг миллий безагини ифодалашга, унинг мусиқасини, колоритини сақлаб қолишга интилади.

Таржимон — Грибачевнинг шарофати билан қардош республикаларнинг кўпчилик шоирлари Бутуниттифоққа танилдилар, жаҳон шеърияти майдонига чиқдилар. Унга яқинлашиб, у билан биргалашиб ишлаш кўпчилик адабиётчилар учун маҳорат мактаби бўлиб, шеърятнинг жанговар сафида ўз ўринларини белгилаб олишларига ёрдам беради. Ундан ёзувчилар аниқликни, тасвирий воситаларни тежашни, лўндаликни ва мақсадга мувофиқликни, ленинча партия идеалларига садоқатни ўрганадилар.

...Москвадаги СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси яқинда фазо забткорларига аталиб қад кўтарган монумент пештоқига жездан қуйилган ҳарфлар билан шу сатрлар рақам қилинган:

*...Ноҳақлик ва зулматни
ағдариш учун,
Қилган азмиimiz
тақдирланмиш бот,
Узимизга
мамлакатга
ва ўз асримизга
Биз тобладик
оташим қанот!*

Бу эҳтиросли қуйма мисралар Николай Грибачевга тегишли. Улар тоабад яшайдилар. Қоммунист ёзувчи томонидан яратилган барча асарлар абадий яшаганларидек яшайдилар.

Фронтда у жанговар комбат бўлган эди. Адабиётда ҳам, ижтимоий сиёсий фаолиятида ҳам партиянинг шонли фарзанди, КПСС МК аъзолигига номзод, РСФСР Олий Совети Раиси, «Советский Союз» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ленин ҳамда Давлат мукофотлари лауреати, тинчлик учун толмас курашчи, улкан совет ёзувчиси Николай Матвеевич Грибачев бугунги кунда ҳам сафда, жанговар позицияларда туриб меҳнат қилмоқда.

МОСКВА ШАҲРИНИ КЎРДИМ

*Чақирди пойтахт — Москва шаҳри,
Элларнинг юраги, бахтларнинг наҳри,
Кўрган кишин қолмас дилда ғубори,
Остонаси улғу шаҳарни кўрдим.*

*Тўрт кунда бордим Москвага етиб,
Делегат қиз олди бизларни кутиб,
Метрога олиб борди ияртиб¹,
Ер тагида ажиб шаҳарни кўрдим.*

*Кундуздай равшан ҳамма жойлари,
Қушдан ҳам тез юрар трамвайлари,
Нақш этилган ҳам чиройли жойлари,
Кеча-кундуз ойдин шаҳарни кўрдим.*

*Москвада кўп кўрдим нақшли иморат,
Доҳий Ленин Мавзолейин кўрдим ниҳоят,
Ленин — партияга бўлсин зўр ҳурмат,
Янги дунё тузган раҳбарни кўрдим.*

*Улуғсан Москвам, шаҳри азимсан,
Шаҳарлар онаси — пойтахтимсан,
Элимнинг обрўйи, кўрки, бахтимсан
Қариганда улғу шаҳарни кўрдим.*

*Улуғ доҳий элу юртим посбони,
Пўлатдан мустаҳкам ҳар бир қўрғони,
Бу шаҳарни кўрганнинг йўқдир армони,
Жаҳонга нур сочган Москвани кўрдим.*

*Ислом шоир ҳавасдайди кўрмоққа,
Ёшлар каби энди даврон сурмоққа,
Ҳам бахтиёр бўлди қариган чоқда,
Ғалаба кунининг салютин кўрдим.*

1946 йил.

¹ Ияртиб — эргаштириб.

Мирмуҳсин

Илдишлар ВА ЯПРОҚЛАР

РОМАН

МУАЛЛИФДАН

Ушбу роман иштирокчиларини илдишлар ва япроқларга қиёс этдим. Бу, албатта, рамзий. Илдишу япроқсиз дарахт йўқ. Бири қуёшдан нур эмади, бири тупроқдан озуқа... Аммо илдишлар боқий, беқарор япроқларнинг умри бир йил... Бир неча китобга мўлжалланган бу асарнинг дастлабкисида ҳурматли китобхонни жанубга, Сурхондарё тупроғига олиб бораман. Бу ер кишилари билан таништираман. Бир шахс қисматидан мустасно, бошқа образлар тақдири кейинги китобларга ўтади. Пахтакорларни, фақат меҳнат қилишни биладиган инсонлар, деб атаётган мухолифларимиз ҳам бор. Ишимизга, ҳаётимизга қинғир назар ташлайдиганларни фош этиш ҳам муддаомдир. Пахтакорнинг руҳий дунёси ғоятда кенг, ақлан етук, иродаси мустаҳкамдир. Ҳалоллик ва саботни, инсоний севгини, она тупроғигаю табиатига, муҳаббатни қўлимдан келганча тасвирлаш мақсадим бўлди.

Ўзбек халқи минг йиллардан буюн пахта экади. Пахтакорлик бизга ота касб. Лекин биз ҳозирги пахтачиликдаги мислсиз тараққиётга осонликча етганимиз йўқ. Бебаҳо тупроғимизу иқлимимиз, мардона меҳнатимиз, садоқатимиз туфайли олти миллион тоннадан ошириб «оқ олтин» олмоқдамиз. Табиат офатларини енгиб, баъзи қолоқ фикрли кимсаларнинг тўғаноқ бўлишларини ҳам енгиб, кураш билан ғалаба қозонмоқдамиз. Иш хамирдан қил суғургандек бўлаётгани йўқ, албатта. Ҳар бир тўғаноқ олдида пароканда бўлиб, енгиладиган нодон ҳам йўқ! Бизнинг илдимиз гоятда бақувват¹.

Шароф РАШИДОВ.

БИРИНЧИ КИТОБ

СУРХОН ҚИЗИ

I боб

Бемаврид ёмғир

Кечадан бошлаб яна ҳавонинг авзойи бузилиб, Қўҳитанг, Бойсун тоғлари оша шитоб билан сузиб келаётган қорамтир булутлар кўк юзини қоплай бошлади. Кимдир уни хафа қилгандек, дарғазаб булутлар ярадор йўлбарс мисол панжаларини кериб, осмондан пастга тикилар, тўс-тўполон кўтариб, водийдаги барча ишларни уч-пул қилмоқчи бўларди. Ишқилиб табиат бир ўйин кўрсатмаса яхши бўларди дерди одамлар. Кучли шамол тўзон кўтариб, далалар узра гувиллар, дов-дарахтлар бошини эгар, рўмолларни учуриб, чиябўридек этаклардан тишлаб тортарди. Шамол аралаш битта-яримта совуқ томчилар ҳам қизиган, чўғ танларга тушиб «жазз» этиб буғлангандай бўларди. Кечга яқин ёмғир япроқларга урилиб, тинимсиз шитирлаш бошланди. Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлади. Ҳаво босимининг оғирлашгани ёш-ялангларга сезилмаса ҳам, кексаларни илондек бўғиб, азоб берарди. Қизгин терим кунларида далаларда ишлаётган йигит-қизларнинг осмон қош-қовоғига қарашга вақти йўқ: қош устида қурум; лаблар ёрилган, ёноқлар анор, қўл-қўлга тегмасди.

Ёмғир ҳаммани шошириб қўйди. Олис-олисларда терим машиналари ҳам вағиллаб, гўзаларнинг чангини чиқариб, шоширарди. Пешоналар танғилган, енглар шимарилган, нигоҳлар лўппи пахтада. Бу кунларда шаҳарликларнинг ҳам кўзи маълумотда — республика кунига икки, икки ярим фоиз пахта бераётгани қалбларга қувонч соларди. Ўзбеклар ичида, пахта ишига алоқам йўқ, дейдиган кимса топилмайди. Далаларда бўлса, одатдагидек: «Ҳа, бўл! Ҳа, бўл!» авж олган, раҳбарларнинг бош қашишга қўли тегмайди. Шундай долзарб кунларда табиатнинг бу ўйини қимматга тушиши ҳаммага маълум. Хўжа кўрсинга далага чиқиб қолган казо-казоларга ҳам ортиқча илтифот йўқ. Эртасига эрта билан ёмғир яна авж қилди. Табиатнинг бу ҳазили кишиларни кўкрагидан итариб, уйларга қамади. Ҳатто яктаги шалаббо, кўкси очик

¹ Пахтакорлар активида сўзланган нутқдан.

Ҳақназар ота, етим қўзидек бўзлаб дала кезиб юрган шоп мўйловли бригадир Қўчқорвой акаю оёғига қирза этик кийиб юрадиган раиса Ҳанифа Бегимқулова ҳам ноилож уйга тиқилди. Мени ол, деб талпиниб турган лўппи пахталар бўкиб, чаноқларда осилиб қолди. Ҳаммининг кўзи осмонда — даргазаб қорамтир булутлар тинмай қуяр, далаларинингни савалайман, ер билан яксон қиламан, дегандек бўларди. Кучи етмай лол қолган одамлар тишини тишига қўйиб, хонаки ишлар билан машғул, аммо кексалар: «Бу ҳам худонинг хоҳиши», деб юракка сабр, тасалли солишдан бўлак иложлари йўқ эди.

Дағдаға икки кунга чўзилди. Учинчи кун булутларнинг чоки сўкилиб, Бойсун тоғлари тепасида осмон кўрина бошлади. Даргазаб «дев» бўлак-сўлак бўлиб, Боботоғ томон, ундан Кофирниҳон далалари томон сурилиб кетди. Куннинг ўрталарига бориб, Шўрчи, Термиз осмони ҳам чарақлаб очилди. Сурхонликларнинг айтишича, Шаҳрисабз далаларида ҳам тоза ёмғир қўйибди. Кеча Қаршида ёмғир ёққан бўлса, эртасигаёқ Деновга келади. Сурхон томонларда «афгон шамоли», деган бир дардисар ҳам бор... У асли Афғонистондан эмас, синоптикларнинг маълумотича, Урал, Фарбий Сибирь кенгликларидан келаётган совуқ ҳаво оқими Урта Осиё тупроғига бостириб кирганда, жануби-шарқий тоғлар унинг йўналишига тўқинлик қилар эмиш. Натижада бу ҳаво оқими Ҳисор тоғи тизмасини айланиб ўтишга мажбур бўлар экан. Шамол, бир томондан, совуқ ҳаво оқимининг келиши, иккинчи томондан, жануби-ғарбдан эсувчи иссиқ ҳавонинг қисилишидан ҳосил бўлади. У Амударё устидан ўтиб, Афғонистондан келаётгандай бўлиб кўринар экан. «Афгон шамоли» иссиқ ва қуруқ, кучли чанг-тўзон кўтаради. Ҳаво намлигини кескин камайтириб юборади. Шу сабабли киши унинг ёқимсиз таъсирини сезиб, ўзини нохуш ҳис этади, асаблар қақшайди. Айниқса Термизда бу ёқимсиз шамол йил давомида қирқ кундан етмиш кунгача эсиб туриши қадимдан маълум. Табиийки, шамол қишлоқ хўжалигига зарар келтирмасдан қолмайди. Айниқса, ёз ойларида эсиб қолса, ўзи билан бирга иссиқда тобланган қум ва чангларни учириб келади, гўзаларни пайҳон қилади. Куз, қиш ойларида у ернинг устки қатламини қотиради, ҳаво кескин совийди. Лекин чигирткалар Афғонистон заминидан келади. Улар Амударё устидан қора булутдек ёпирилиб ўтиб, Сурхон далаларидаги зироатни кўрилади. Бу офатдан афгон халқ ҳам катта зарар кўради. Балх, Мозори Шариф, Қалъайи Зол, Тошқўрғон, Қундуз, Сурхоб ва ҳатто Шибирғон, Чуқур Гузар томонлардаги деҳқонлар ҳам ундан безор. Афғонистондаги пахта экадиганлар ҳам асосан ўзбеклар...

Бемаврид ёмғир, иқлимимиз табиатининг шундай инжиқликлари пахтакорларга қимматга тушади. Тундрада темир йўл ётқизиб, заводу шаҳар қураётганлар, қозоқ кенгликларидаги чорвадорлар ва ҳатто куз намгарчиликларию ёзги қурғоқчиликлардан юрак олдирган ғаллакорлар ҳам ўзбеклар каби зада бўлган эмас. Ҳа, Шимолий қутбдан келган совуқ оқим ёки Атлантик океан оша нортауялар карвонидай сузиб келган булутлар Сурхон тоғлари устига келганда, индамай ўтиб кетмайди. Самарқанд нонидек қизариб пишган замин юзига андак сув пуркаши керак бўлиб қоладими, ишқилиб, булутлар бир қилиқ қилмай ўтиб кетолмайдилар. Ҳой, ноинсоф, айни терим кунларида шу «ҳунаринг»ни сал нарироққа, ёмғир талаб чўлу саҳролар устига бориб қилсанг бўлмайдими, дейдиган кимса йўқ! Океанлар устида шалвираб, ҳўл латта бўлиб учган паға булутлар икки дарё оралиғидаги бу ер тепасига келганда дам қантарилган отдек кишнаб, дам ҳанги бўлиб ҳанграб, қилиқ қилгани-қилган! Қани энди Ҳақназар ота қўлига каттакон гавронни олиб, бу қутурган булутларни ҳайдаб солсаю улар лўкиллаб қочсалар...



Бугун учинчи октябрь. Эрта билан далага чиққан киши шарқижануб осмонда уч кунлик ҳилсол чексиз денгиздаги олтин қайиқчага ўхшаб, қалқиб турганини кўради. Ҳилсол, ундан юқорироқдаги Зухро тўқ ложувард пардага олтин ҳал билан чизилган эскича • (нун) ҳарфига ўхшаб кетади. Тунда «Олтин қозик» атрофида мингларча юлдузлар йилтирайди, улар кенг далада қўл узатса етгудай яқин туюлади. «Етти қароқчи» Вахшивор чуққиларининг нариги томонига оғиб кетибди. Эрталаб салқин самарқандий насим юзларга урилар, ҳаво ниҳоятда тоза — кечаги бемаврид ёмғирдан «жафо» чеккан теримчиларга мана мен, азизлар, мен борман, дегандек бўларди.

Теримчилар наридан-бери нонушта қилиб, далага йўл олишди. Пайкаллар четидаги қатор тутлар учига офтоб тушиб ётибди. Ердан ҳовур кўтарилиб, гўза устидаги ёмғир нами ғойиб бўлган. Терим машиналари кўринмайди, яна бир-икки кунсиз улар пайкалга туша олмайди. Пахтазорга сочилган теримчиларнинг қўли-қўлига тегмасди. Бу ерларда экиладиган ингичка толали ипак пахтанинг иши анча мушкул. У оқ пахтага ўхшаб кўпчиб, чаногида лўппи бўлиб осилиб турмайди. У, ўз баҳосини билгандай, «серноз», машаққатли, ўзига ғоятда бино қўйиб, кўпроқ парвариш талаб қилади. Қуёш ҳарорати мўл бўлиши керак, сувни ҳам кўпроқ ичади. Бошимда офтоб, оёғимда сув турсин, дейди. Культивацияни, қатор ораларини юмшатишни яхши кўради, аммо оёғи остида ўралашадиган ёввойи ўтларни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам бир куни мажлисда Қўчқорвой ака тилга ихтиёрсизлик қилиб, «ипак пахтамыз сернозлиги, одамга иш орттириши билан Ҳанифахоннинг ёшлигига ўхшайди...» деган гап оғзидан чиқиб кетиб, балога қолай деган. Тил ўлгур бесуяк-да. Бу дўлоб, совуқ одамга ҳазилни ким қўювди! «Вой, мен нега серноз бўлар эканман! Танқид ҳам ўлсин, одамни бундай ҳақорат қиладиган бўлса! Менга нима қилти! Ёшлигида... эмиш! Қўчқорвой ака «опа» деб юрганида ҳам индамган эдим, энди «момо» дея қолсин! У кишининг қизлари тенги бўлсаму!...» деб гаримдоридек қизариб, қаттиқ хафа бўлган эди. Ушанда Ҳақназар ота: «Ҳой, Қўчқорвой, ўйлаб гапириш керак! Ҳар қалай Ҳанифа ўттиз йил илгариги жамалак соч Ҳанифа эмас, Ҳанифа Бегимқулова! Раисамиз! Унинг обрўси — бизнинг обрўйимиз!» — деган. Усал бўлиб, пешонасини қашлаб қолган Қўчқорвой: «Мен у маънода гапирганим йўқ, бу маънода гапирган эдим...» деб кўзини лўқ қилиб ўтираверди. Қанақа маъно эканини ҳеч ким тушунмади. Шундан буён «ипак пахта» сўзи айтилса, Қўчқорвойнинг кўз олдида Ҳанифа Бегимқулова пайдо бўлади. Ҳатто раҳбарларнинг қулоғига ҳам бу гап етиб борибди. Ипак пахта билан Ҳанифа Бегимқуловани муқояса қилиш пайровга айланди. Шаҳардан чиққан хашаки бир лектор ҳам бу гапни бехосдан айтиб юбориб, бригадир билан раис орасини анча бузиб кетган эди...

Ёмғирдан кейин ҳавонинг чарақлаб кетгани хуфтон дилларни равшан қилди — Сурхон водийсида деҳқонларнинг қўли-қўлга тегмай қолди. Фурсатни бой бермаслик учун бошқа унча-мунча ишларни орқага ташлаб, пахта учун қаттиқ жанг бошланди. Афғон шамоли ҳам тўсадан пайдо бўлиб, ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқариб кетмаслиги учун отни қамчилаш керак! Ёшу қари, барча, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари — ҳамма-ҳамма далада. Ёмғирдан кейин пахталар бодроқдек оппоқ очилган, терган сари тергингиз келарди. Терим палласининг ўз файзу завқи бор, буни пахтакорлар билади. Уйда ивирсиб, диққинафас бўлиб ўтирганлар буни қаёқдан билсин! Теримга бир тушиб олгандан кейин қандай қилиб кеч бўлганини киши пайқамай қоларди.

Худди шундай, ишнинг авжида, тушликка яқин узоқдан келаётган икки кишига теримчиларнинг кўзи тушди. Уларнинг бири Қўчқорвой ака. Иккинчисини таниб бўлмас эди. Улар анча яқинлашгач, бошида сомон шляпа, костюм-шим кийган, ёқаси очиқ, ўрта бўйли, зиёлинамо бир одам бригадир билан бирга хирмон ёнига келиб, теримчиларга қаради: «Ҳорманглар!» Шу атрофдаги қизлар бош кўтариб, нотаниш одамга салом беришди. Шу лаҳза қаёқдандир пайдо бўлган кўзлари олма-кесак териб турган фотоаппаратли новча йигит ҳам Қўчқорвой акалар ёнига келди. Тарозибон, прицеп-машиналарга пахта уювчи киши, шофер ҳам улар билан қўл беришиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Сомон шляпа кийган кишини қизлар дафъатан бир қарашда муҳбир бўлса керак, деб ўйлашган эди. Чунки, кейинги пайтларда Қўчқорвой ака газетада мақталиб, фотосурати чиққандан буён у фотоаппаратни кўрса, унга рўпара бўлгуси келаверарди, ўша кезларда кўп таниш-билишлар орасида: «Бир гап борки, Тошкентда чиқадиган катта газетада Қўчқорвой аканинг сурати чиқди. Бу бекорга эмас. Эҳтимол яна катгароқ орден олар, эҳтимол, қаҳрамон бўлар, эҳтимол депутат, эҳтимол, эҳтимол...» деган гаплар тарқалганди. Ҳар қалай, газета-журналда сурат чиқиши яхшиликдан белги, ҳамманинг ҳам сурати чиқаверармиди! Шундоқ бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўладиган Уғилонинг сурати чиққани йўқ. Лекин ойтовоқдек Нортोजининг сурати ҳар йили икки-уч марта босилади. Москвада ҳам чиққан. Бу ҳам омадга қарайди, бўлмаса Тошбиби билан Чиннихол Нортожидан кам ишлайдими? Яна бунинг устига, Нортोजи чаккасидаги гажагини, ёноғидаги сунъий кўк холини кўз-кўз қилиб суратга тушади. Бу аҳволга ўлай дейсизми, кулай дейсизми? Ҳанифахоннинг жигар-бағри куйиб кетади. У шунча фотомухбирларнинг нишобини ўзига оғдирса ҳам бўлмайди. «Опажон, сиз раисасиз, бизларга бевосита ишләётганларнинг суратини олиб келинг, деб топшириқ берилган... Ўзингизга есдаликка олиб беришим мумкин». Бу гап Ҳанифани бўшаштириб, тарвузини қўлтиғидан туширарди. Лекин Қўчқорвой ака мана шундоқ пайтлардан фойдаланиб, ўзининг ҳам, бригададаги илғорларнинг ҳам суратини олдириб қоларди.

Сомон шляпали киши одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб олгач, ким қанча тераётгани, илғорлик кимнинг қўлида экани билан қизиқди. Табелчи йигит қизил қўйлагининг устидан нимча кийиб, сочини чамбар қилиб олган қизни кўрсатди. «Эрталабдан кечгача саксон килодан юз элликка олиб боради. Ҳозирча энг илғори шу!» Қўчқорвой ака билан сомон шляпали киши ялт этиб юз қадамча нарида қўли-қўлига тегмай пахта тераётган қизга қарашди.

— Оти нима? — Қўчқорвой ака табелчидан сўради.

— Онахон...

— Ҳей, Онахон қизим, бу ёққа кел! — Қўчқорвой ака овозининг борица чақирди.

Қиз этаги тўлиб, оғирлик қилаётган пахтани хирмонга тўкишни мўлжаллаб турган эди. Катталар чақираётганини кўриб, қатор жўякларни кесиб, улар ёнига келди. Шу ўртадаги бошқа қизлар ҳам бригадир атрофини ўрай бошлади. Сомон шляпали одам рўпарасига келган қорача, кўзлари ёниб турган қизга қўл узатиб, у билан омонлашди:

— Кунига юз элликка етказётган экансиз, табриклайман! Маладес! — Онахон райком секретарининг тили чучуқроқ экани, «с»ни яхши этолмаслигини сизди.

— Унчалик эмас...

— Қизим, бу киши ўртоқ Жўрақулов бўладилар, — деди луқма ташлаб Қўчқорвой ака, — райкомнинг биринчи секретари. Раҳбари-

миз. — У мактаб болалари; айниқса юқори синф ўқувчилари сал-пал шаддодроқ бўлишини билгани учун, тагин бирон ноқулай гап айтиб юбормасин, деб ташвишланарди. Лекин қиз ҳам жим турди.

— Нечанчи синфда ўқийсиз? — бир муддатли сукутни бузиб Жўрақулов сўради.

— Унингча ўтдик. Лекин ҳали синфга кириб ўқиганимиз йўқ. Теримга олиб чиқиб кетишди.

— Уқийсан, қизим, албатта, — деди луқма ташлаб Қўчқорвой ака, — ҳали кўп ўқийсан. Терим ҳам ғанимат...

— Биз ишдан қочмаймиз, лекин бу йил давлат имтиҳони бор! Бунинг устига, биз томондан институтга борган кўплар йиқилиб қайтиб келяпти!

Жўрақулов индамай турарди.

— Уқийш сифати паст, айниқса математика, химия, тарих... Қишга бориб, дарс устига дарс! Буёғи нима бўлади?

Кўзлари чақнаб турган қорача қизнинг кутилмаган бу гаплари Қўчқорвой акани эсанкиратиб қўйди. «Ана, айтмадимми, — деди у ўзига-ўзи. — Булар райком олиб бораётган ишга зид гапиришади! Хато қилишяпти». — Ҳозиргина ипакдек эшилиб, унинг кўзига олмос узукдек ярқираб кўринган «илғор» Онахон чақир тиканакка ўхшаб, қўлига «порт» этиб кирди. «Булар шунақа, буларнинг ёнига бекорга келдингиз, ўртоқ Жўрақулов! Юринг; тезроқ кетайлик! Бу ерда тўхтамайлик!» — дегандек безовталанди. Табелчилик қилаётган муаллим йигитга хўмрайиб қараб қўйди. «Сизлар шунақа тарбия берасизларми?! Биринчи секретарь олдида одоб қани? Хонаси келмаса ҳам, ҳамма нарсани гапиравериш керакми?! Пахта — муҳим масала! Ҳукуматнинг қарори бор. Болалар бунақа тутуриқсиз гапларни айтаверса, охири нима бўлади?! Уқиганинг билан бари бир шу пахтазорга келасанларку! Ҳанифа ҳам Тошкентда ўқиб, охири бу ерга келди, қаёққа борардиларинг! Жўрақулов ҳам, мен ҳам ўқиганмиз... Колхоз — бизнинг бор дунёмиз, бахтимиз, бойлигимиз. Бу ёшларнинг ақли киргунча бизлар адо бўладиганга ўхшаймиз», — дерди ичида ёниб Қўчқорвой ака.

— Шунақа денг. Бир томондан гапингиз тўғри, — деди Жўрақулов. — Дарҳақиқат, бир оз дўппимиз тор келганидан сизларни далага олиб чиқяпмиз. Иккиламчи, об-ҳаво шошириб қўймоқда. Машина яқин келажакда бизни бу қийинчиликлардан тамоман қутқаради. Унгача иложимиз йўқ...

— Бошқа карталарниям кўрайлик, ўртоқ Жўрақулов! — деди Қўчқорвой ака, гўё мактаб талабаларидан хафа бўлгандек. «Мен нодон бўлмасам, келиб-келиб биринчи секретарни сенларнинг олдинга олиб келаманми», деди яна ичида.

— Сабр қилинг, — деди Жўрақулов, унинг гапини бўлиб.

— Ўртоқ биринчи секретарь! Эҳтимол, биз билан бирга овқатланарсиз, — деди пахтасини хирмонга тўка туриб Онахон. У гапириб, сўзамоллик қилаётгани сабабли бошқа қизлар жим туришарди. Бунинг устига, Онахон синфком. — Бизнинг овқатимиз ширин.

— Онахон, оппоқ қизим, бизни кутишяпти! Далада ҳали қиладиган ишларимиз кўп, — деди энтикиб, кўзлари ола-кула бўлиб Қўчқорвой ака.

— Ихтиёрингиз. Лекин бизларни деб келибсизлар, бизлар билан овқатлансанглар яхши бўларди. Ана, занг урилди.

— Бўпти, — деди Жўрақулов, — сизлар билан бирга тушлик қиламиз.

— Мана бу яхши гап, — деди чақнаб Онахон.

— У ёқда дастурхон тайёрланган, ўртоқ Жўрақулов, Ҳанифахон хафа бўлади! У атайин сизнинг келишингизга тайёргарлик кўрган.

Бормасак бўлмайди! Юринг, кетдик!.. — деди паст овоз билан хуноби ошган. Қўчқорвой ака.

— Сабр қилинг!

Шу лаҳза, бир томонда, қизлар чувиллашди, савол ва кулги, бир томонда, дала шийпониди тайёрланган зиёфатнинг қолиб кетаётгани, жизиллаб пишаётган кабоблар ва бир томонда, без бўлиб турган фотограф йигит Қўчқорвой аканинг бошини қотирган эди. У хотиржам, шошилмай иш қилишга ўрганган, бунақа бизбизак чалиб, икки-уч томондан савол ёғилиб турганида ўзини ййғиб ололмай, бақрайиб қоларди. Худди шу пайт область газетасидан келган бояги новча мухбир Қўчқорвой акани саволга тута бошлади. Қўчқорвой ака бўлса, ёнидаги Жўрақуловдан хижолат бўлиб, оғзини балиққа ўхшаб катта-катта очиб, антикарди:

— Укажон, кейин... Э, билмайман!

— Фамилиянгиз нима? Шунинг айтилиб фақат!

У бирдан ўйланиб қолди. Умр бўйи унинг исми айтилиб келган эди. Ёнида турган қизил чит кўйлакли, жамалак соч неварасига беихтиёр қаради:

— Памилам нима эди?

— Рисолатхон Шермуҳаммадхўжаева...

— Э, жинни! Бу энангнинг памиласи-ку!

— Сизники Шермуҳаммадхўжаев.

— Бундай дегин, — у ялт этиб мухбирга қаради, — бизники Шермуҳаммадхўжаев...

— Эсдан чиқарса арзийдиган фамилия экан, — деди кулимсираб мухбир. — «Шеров», деб қўя қолсангиз бўлмайми? Учта одамга етадиган фамилия-я!

— Бўлмайди-да, ука! Бу книжкага ёзилган. Бўлмайди!

Жўрақулов хахолаб кулиб юборди. Бошқалар ҳам унга қўшилишди.

— Ҳам бошингиз, ҳам қўруғингиз билан шўнғийсиз-а, Қўчқорвой, ишингиз доли-ғулига келган-да! Фамилияни унутибсизми, демак, иш жуда авжида. Бу даражага етиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Иш кўп! Айниқса, мана бу бемаврид ёмғирдан кейин жуда иш кўпайиб кетди. Бош қашишга вақт йўқ. Памилиямизни ҳам эсдан чиқардик. Энди бунинг қаранг, ака, шу тобда памила сўрайди? Памила сўрашнинг ҳам вақти бор. Отдан яхшиси борми, осонгина, «Қўчқорвой» денг-қўйинг! — мухбир йигитга гап қотди, — укажон, бирпасдан кейин ҳув анови шийпонда гаплашамиз...

— Хўп! — деди қарашлари лочиннамо мухбир мамнун, — муҳарриримиз фамилияни аниқ ёзишни талаб қиладилар...

Онахон меҳмонларни хирмон ёнидаги брезент палосга таклиф этди. Шу муддат катта оқ бидонларда олиб келинган макарон шўрва алюмин товоқчаларга сузила бошлади. Бир «ошпаз» йигит энгини шимариб, дастлабки косаларни Жўрақулов билан Қўчқорвой акага, ундан кейин фотомухбирга, Қўчқорвой аканинг жажжи невараси олдига қўйди. Кимдир бир даста ёғоч, алюмин қошиқларни пақирдаги сувга чайиб келди. Брезент палос устига чордона қурган райком секретари олдига газета ёзиб, нон, кўк пиёз, шиша банкачада майда туз ҳам қўйишди. Бир қиз каттакон чойгумни олиб келиб, пиёлалар ичидан чегаланмаган, пахта гуллисини танлаб олиб, обдан чайқаб, чой қуйиб, райком секретарига узатди. Онахон ва яна бир-икки шаддод қиз атай секретарь ёнига келиб ўтиришди. Товоқдаги шўрвадан оз-моз қорамой ҳиди анқиб турарди. Жўрақулов бир коса макарон шўрвани паққос туширди. Қолхоз боғидаги шийпонда жиз-биз қилиниб, кабоблар, қул-қул

товуқлар эти пишаётгани, «ўлик ичса тирилиб кетадиган» серпиез оқ шўрванинг қозонда милдираб қайнаб тургани Қўчқорвой аканинг кўз олдига келиб ҳидли тандир кабоб бўйи димоғига урилгандай бўлди. Начора, у райком секретарини ташлаб кетолмайди. Жўрақулов теримчиларга берилаётган овқат сифатсизлигини айтади, деб турган эди, бундай бўлмади. Қизлар таомни иштаҳа билан ичишди. Ишлаган кишига макарон шўрва палов, кабоблардан минг чандон мазалик туюлар экан.

Яна занг урилди. Қизлар ўринларидан туриб, наридан-бери ишга тушиб кетишди. Жўрақулов билан Қўчқорвой ака ҳам турдилар. Жўрақулов, баъзи ташкilot раҳбарлари орасида тушқи овқатдан кейин кабинетини қулфлаб, бир соат ухлаб оладиганларни ҳам биларди. Қўчқорвой ака бўлса бу «шум» қизлар олдида тезроқ кетишни кўзлаб, Онахонга хайр ишорасини қилди. У Жўрақуловга имо қилаётган эди. Онахон жиддий деди:

— Озгина пахта термаймизми, Ҳотам Жўрақулович?

— Ҳа, албатта, терамиз! — деди Жўрақулов хахолаб, — макарон шўрвани бекорга ичиб кетаверамизми!

— Бизни қийнама, қизим, жон қизим, — деди ялиниб, бўғилиб Қўчқорвой ака, — кейин териб берамиз! У ёқда зарур ишларимиз бор. Раисамиз кутиб қолди. Гаплар эвида бўлсин, жон қизим! Давлат иши билан юрган одамни бундақа чалғитмаслик керак!

— У ёқда зиёфат кутяпти сизларни. Лекин афсуски қорин тўқ. Энди озгина ишлаймиз! — қаттиқ турди Онахон, — бу давлат иши бўлмай нима? Агар бу фақат Ҳанифа Бегимқулованинг иши бўлганида аллақачон этагимизни қоқиб, даладан чиқиб кетган бўлардик. Қани, юринглар! Бари бир орденни биз эмас, сиз оласиз. Жиндек белингиз офрисин!

Қўчқорвой аканинг ранги ўчиб, индамай қолди.

Жўрақуловнинг салобатли одам бўлишига қарамай, хушфезллиги Онахонга ёқди. Макарон шўрвани ҳам у шунчаки кўнгил учун эмас, бошқалардек иштаҳа билан ичганини сезиб турарди. Унда қандайдир сохта расмиятчилик аломатлари сезилмасди. Онахон умрида биринчи марта шундай масъул раҳбар киши билан ёнма-ён туриб гаплашаётган эди. У шартакилик қилгани билан ичдан ҳаяжонланар, лекин буни сездирмасликка уринарди. Қўчқорвой акага ҳам «қалтис» гаплар гапириб юборганидан хижолатда эди.

— Терамиз, албатта, терамиз! — деди Жўрақулов белига этак боғлаб. — Ҳавонинг яхшилигини қаранг! Шундоқ ҳавода пахта теришнинг ўзи роҳат-ку! Қани, этакни олинг!

Жўрақулов Онахон билан ёнма-ён жўякка тушиб пахта тера кетди. Қўчқорвой ака ҳам, унинг невараси ҳам ҳайрон. Гижинг бўлиб турган фотомухбир ҳам бирпас райком секретарига анграйиб қараб тургач, теримга тушди. У макарон шўрвани ичмай, зиёфатга тезроқ бориш пайида эди. Табелчи, шофёру тарозибонлар орқада бақрайиб қараб қолишди. Ҳаммадан ҳам Қўчқорвой акага «жабр» бўлди, узоқ-узоқдан кабоб ҳиди келаётгандай туюларди унга.

Бир оз вақт ўтгач, чап томонда, дала четида чанг кўтарилди. Дўнгликлар орқасидан дам кўриниб, дам кўринмай, энгил машина келарди. Бир муддатдан сўнг у ўнга бурилиб, катта майдонга кирди-да, хирмон ёнига келиб тўхтади. Машинадан тушган кўркам, иш кийимида бўлса ҳам ҳинд раққосаси Вийжантималадек сарвқад, гўзал бир аёл у ёқ-бу ёққа аланглаб, тарозибон билан гаплашиб турганида, Қўчқорвой ака райком секретарига мурожаат этди:

— Уртоқ Жўрақулов, ана, раисамизнинг ўзлари ҳам келиб қолдилар. Кетдик!

— Анча пахта териб бердинглар, раҳмат! — деди Онахон. — Сизнинг бу ерга келишингиз, ғайратимизга ғайрат қўшди, ўртоқ Жўрақулов!

«Тилинг кесиладиган қиз экансан!» — дегандек бўларди Қўчқорвой ака Онахонга бўзрайиб қараб туриб. У бир лаҳзадан сўнг Жўрақуловга жилмайди. Лабининг таноби қочди. Секин гапирди:

— Булар мактаб болалари-да. Ҳали хом... Оғзига келганини қайтармайди.

— Сизлар билан бирга пахта терини биз учун ҳам кўнгилли бўлди,— деди Жўрақулов унга эътибор бермай,— терган пахта беш кило чиқармикан?

— Чиқади!

— Анча терибсиз-ку, Ҳотам Жўрақулович! — катта қадам ташлаб теримчилар ёнига келган колхоз раисаси Ҳанифа Бегимқулова этак тутиб олган райком секретарига ҳайратомуз гап қотди. — Яшанг! — Кейин у Қўчқорвой акага секин қаради,— икки соатдан бери кутамиз. Ош тагига олиб кетди! Сизда ўзи инсоф борми?!

— Қандай қилай...— Қўчқорвой ака сўйиладиган ҳўкизде кўзларини ола-кула қилиб, айб ўзида эмаслигини билдирди. Елкасини ҳам қисди, — мана бу қизларингиз қўйишмади. Анавинисининг оғзи ботир экан. Жўрақуловни улардан ажратиб олиб кетолмадим...

— Улинг! Ношуд, латта!

Ҳанифахон қизларга ялт этиб қараб қўйди. Жўрақуловдан сал нарида турган қорача қизга ўқрайди. Уларнинг шумтакалигини кўнгилдан ўтказиб, бўлган воқеани дарҳол фаҳмлаб олди. Шу лаҳзада раиса машинасини ҳайдаб юрган Чўли деган бесўнақай йигит ҳам узоқдан Жўрақулов атрофида пахта тераётган Онахондан кўз узмай турарди.

— Терган пахтаңиз учун катта раҳмат! Қани, кетдик, Ҳотам Жўрақулович! — Ҳанифахон ўзига хос чиройли табассум қилиб, бу гапни буйруқнамо айтди.

Жўрақулов дилбар қизлар билан хайр-хўшлашиб, хирмон томон юрди. Терган пахтасини хирмонга тўкиб, этакни табелчига топширди. Мухбир йигитни ҳам олиб машинага ўтиришди. Енгил машина яна дала чангитиб, колхоз боғи томон йўл олди.

Жўрақулов кетгандан сўнг қизлар тўдасида бир оз жимлик ҳукм сурди. Қизлар тўлиб, оғир бўлиб кетган этакларни елкага, бировлари бошига қўйиб, хирмонга келишди. Яна Онахон бир нима дедими, қизлар бирдан гурра кулиб юборишди.

II боб

Табиат мувозанатини бузиб ўзгартираверишдан маъно борми?

Қўчқорвой ака бригадасидаги ҳашарчи қизлар билан учрашув Ҳотам Жўрақуловда яхши бир таассурот қолдирди. Айниқса шадлод Онахон ҳамон кўз олдида чақнаб турарди. Колхоз боғидаги гўзал шийпонда тайёрланган зиёфатга келиб, ҳеч нарса ея олмади. Дарҳақиқат, ошу кабоб, товуқ гўштию коньяклар стол устини безаб турарди. У номигагина тотинган бўлиб, сигарета чекиб, чой ичди, холос. Ўйга келгач, яқинда бўлган «кўнгилсиз воқеа» яна қора булутлардек дарду дунёсини қоплади. Райком секретари лавозимидаги кишиларни баъзилар плакатлардаги пешонасида ажини йўқ кишиларга ўхшатишди.

Аслида шундоқми? Йўқ, айниқса Жўрақуловга ўхшаган кишилар, гарчи сип-силлиққина кўрингани билан, дилида қанча сирру синфат борлигини ҳамма ҳам билавермайди.

«Пахтага сув ҳам, офтоб ҳам керак. Лекин унга тинчлик-хотиржамлик ҳаммадан кўпроқ зарур. Пахта шов-шувда ўсмайди — ҳадеб текшир-текшир қилавериш гўзани говлатиб юборади. Уни қулогидан тортиб, ўстириб бўлмайди. Унга хотиржамлик лозим. Пахтани ўз ҳолига қўйиш керак!» деб юрадиган Жўрақулов бу гаплар учун бир марта яхшигина дакки еган эди. Яқинда область партия активида сўзга чиққан Жўрақулов ёзиб тайёрланган ўн варақлик нутқини бошидан озгина ўқиб, кейин тили қичиб, «ўтлаб кетди». Зал яхши тинглаётгани, Тошкентдан келган ўртоқларнинг: ҳа, ана шуни айтинг, дегани сабаб бўлдими, кўнглида йиғилиб юрган гапларни шартта айтиб солди: «Амударё бўйигача ер ҳайдаб, пахта экдик. Дори сочилмайдиган бўш ер қолмади. Қушлар қабристонларда яшаб, бола очишади. Бошқа ерда юрадиган жониворларни асло сўраманг. Муборақ даштини йўқотиб, яхши иш қилдикми?! Жаҳон халқаро аукциониде тенги йўқ баҳо оладиган Хўжа Муборақ даштининг қорақўллари камайиб кетди. Фарғона томонлардаги яхши ўтлоқларда наслини кўпайтирмоқчи бўлишди. Лекин натижа чиқмади. Аксинча, қорақўл терининг сифати бузилди. Муборақ даштидаги қизиб ётган тошлар, қуёшнинг кучли ҳарорати, у ер-бу ердаги қовжираган гнёҳни чимдиб, жазирамада юрган қорақўл қўйларининг жунни жингиртоб бўлиб, бебаҳо олтинга айланарди. Бу териларга қараб томоша қилардингиз, у уч юз, тўрт юз йилгача «сур» ва «мунчоғ»у «қаламчаси»ни йўқотмасди. Амир Темур замонидаги бир телпак барлос уруғимизда ҳамон сақланади. У Хўжа Муборақ даштида стилган қўзичоқнинг териси эди. Чўлқуварлар ибораси, «Даштга ҳужум қиламиз!» деган шиоримиз яхши. Аммо тамоман даштни йўқотиш керакмикан?! Табиатнинг ҳамма ери ҳам муҳим, бир ери йўқотилиши уни тинч қўймайди, иккинчи ердан у ҳисобни тўғри қилиб қўяди — зилзила бўлади, сув босади, бемаврид сурункасига ёмғир ёғади ёки қурғоқчилик ҳаммаёқни қовжиратади... Халқ бир гапни бекорга айтмайди. Муборақ даштини сақлаб қолиш керак!».

Шундан кейин Ҳотам Жўрақулов яна бир неча далиллар келтирди. Қадим Амударё бўйларида, қамишзорларда йўлбарслар бўлгани; улар тамоман қирилиб, йўқ бўлиб кетганини эслатди. Муборақ даштида асл қорақўл қўйлари камайиб кетгани, сифати пасайиб қолгани ҳам «чўл қувилиб» юборганидан, деди. Катта қурилишлар — ГЭСу тўғонлар қуриш керак, аммо ҳамма дашт ерларни эгаллаб ташлайвериш — қовун-тарвузни селитра билан семиртиришдек гап. Кейин афсус қиламиз! Бугун бизнинг баъзи бирларимиз шуҳратни ўйлаб иш қилаётимиз. Ордени ҳам оламиз, кейин «ким боқса боқаверсин» қабилида иш тутиб, жуфтакни ростлаймиз. Лекин тупроқ шўрлик узоқ йиллар давомида қўйналади. Кишилар ҳам... Мен партияимизнинг солдатиман, менинг етти пуштин деҳқон, чорвачи бўлган. Бу ерларнинг келажагини ўйлаш керак, ўртоқлар! Дашт ҳам керак! Қаттиқроқ айтаман, дашт ҳам кера-а-а-к! Қимда-ким даштни ўлик ер деса, хато қилади! Аксинча, у ниҳоятда тирик ердир! Сизлар, гуллар очилиб, булбуллар сайраб, ариқларда сувлар шарқираб оқиб турган ерни гўзал дейсизлар. Бу тўғри, аммо дашт — қорақўл қўй учун мислсиз чаман! Бу гапни фаҳм эта оласизларми, йўқми, билмайман! Табиат мувозанатини бузаётганларни келажақда авлодларимиз лаънатлайди! Бу, Регистон ёки Минорай Калон обидасини бузиш билан баробар! Еримизнинг қаҳри қаттиқ, у хинд-филидек номатлаб кишини елкасидан итқитиб ташлайди. Бу ерда иш қиламан деган одам филдек кучли еримизни босиб-янчавериши керак эмас! У билан тил топишиб, унинг қадрю қимматини ерга

урмай гаплаша билиши керак. Уни эъзозлаб, қадрдон бўлиши керак. Тариллатиб бульдозер солиб юборган билан бўлармишми! У, бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индинга ўпкаси йўқ кишиларни елка-сидан йтқитиб ташлайди. Ернинг тил-оғзи йўқ, соқов деб ҳар мақомга солавериш яхши эмас! Уйлаб иш қилиш керак!»

Бу гапдан кейин баъзи мажлисбозлар кўзига Жўрақулов «аксил»-га ўхшаб кўринди.

Бу гапга ҳам уч йил бўлди, ҳозирча Жўрақуловнинг кемаси секин, бир меъёрда сузмоқда. Кемани чайқатиб, ағдариб ташлайдиган бўронлар йўқ. Ҳамма иш ҳозирча сув қуйгандек қетяпти. «Хап, сеними!» деб тишини гижирлатаётганлар жим турганга ўхшайди.

У кунлар ўтиб кетди. Шундай ишлар киши пешонасига ажинлар тушира берар экан, дерди ўзига ўзи Жўрақулов. Табиатни сақлаш, унинг тозалиги ҳақида ҳам уйламайдиганлар — йиртқишлар. Лекин ҳақиқий йиртқишлар бу ҳақда қайғурадилар, деган бир гапни ҳам хаёлидан ўтказди.

III боб

Онахон ва Жўмард

Жўрақулов келган кун катта картада, қизлар тўпидан анча нарида Жўмард Бойбўсинов деган хушбичим йигит ҳам бўйнига этак осиб, пахта терарди. Унинг фикру хаёли ўнг томонда, ўзидан нарироқда пахта териб юрган Онахонда эди. У дамо-дам ўша томонга, сочини чамбар қилиб, ҳеч кимга қарамай пахта тераётган Онахонга қараб кўярди. Бригада бошлиғи Қўчқорвой ака билан райком секретариининг иттифоқо келиб қолиши, фотомўхбир билан бўлган суҳбат Жўмард юрагига гулгула солди — у Онахон ёнига бориб, булар кимлар, деб сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин одамлар кўзи олдида унинг ёнига боришга журъат қилмади. Унинг юрагига гулгула тушиб, кечгача овози чиқмади. Атрофдаги ошналари унинг нафаси ичига тушиб кетганига ҳайрон. Қўчқорвой аканинг йигитлар ишлаётган томонга келиш у ёқда турсин, қайрилиб қарамагани ҳам Жўмардга таъсир қилди. Кечқурун одатдагидек улар усти брезент билан ёпилиб, тўрт қатор тахта қўйилган юк машинасига тушиб, қишлоққа қайтишди. Қўчқорвой ака ўглини уйлантирармиш, деган гап ҳам Жўмарднинг қулоғига етган эди. Онахоннинг кейинги кунларда ўзига нисбатан илтифоти камроқ бўлаётганини у икки нарсдан кўрди: ё Қўчқорвой ака хонадони билан Онахонлар ўртасида бир гап бор, ёки ўрталаридаги яқинлик сирлари ошқор бўлиб қолмаслиги учун ўзини жуда ҳам эҳтиёт қилмоқда. Илгари ҳеч нарсдан чўчимаган шаддод қизнинг бирдан тортиниб қолгани Жўмарднинг ўйлатиб қўйди: Бу тахмин тўғри чиқаётганга ўхшарди. Дарҳақиқат, кечқурун улар чарчаб, уйга келгач, овқат ейишга ҳам ҳафсала келмай ётиб ухлаб қолишарди. Қўл, бел, оёқлар қақшаб оғрирди. Шундай бир шароитда уларнинг учрашуви, хотиржам гаплашуви мумкинми? Асло! Шу сабабли ҳам Онахондан ўпка қилиши ўриили эмас.

Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Тушки овқат вақтида бирон нимани сабаб қилиб, Онахон билан бир лаҳза гаплашгиси келди. Эрта билан далага кетаётганида орқадан қандайдир овоз эшитилди. Овоз жуда ҳам Онахонникига ўхшаб кетарди. Жўмард ялт этиб орқасига қаради — йўқ, тамоман бошқа қиз экан. Овоз ҳам овозга шунчалик ўхшайди, деб таажжуб қилди. Бу нима ўзи? Неча йил Тошкентда ўқиб юриб қанча қизлар билан танишди, лекин биронтаси ҳам Онахончалик юрагини жизиллатмаган эди. Бир ердан бўлгани учунми ёки ўзи бир аломат қиз бўлгани сабаблими, Жўмарднинг юраги ёна бошлади. Қорамағиз,

буғдойранг Онахон ҳинд фильмларидаги гўзалларга ўхшарди. Бордию у ўшаларга ўхшаб зарбофу парча ва ҳарир либосларга ўралса борми, маликалар унинг соясида қолиб кетади. Қимдир Онахонни истараси иссиқ, қорамағиз, ажойиб бир раққосага ўхшатибди. Бу гап ҳам Жўмард юрагидаги оловни баттар аланга олдирди. Бу қиз яқингинада ҳали кўзга ташланмайдиган, жамалаксоч қиз эди. Жўмарднинг Тошкентдан ўқишни тамомлаб келишига манамаман деб етилибди. Кўзларига фусун, лабларига ишва қўнибди. Нигоҳлари ўткир, жон-жонингдан ўтиб кетадиган, бўйинлари узун, кўзлари катта — шарқ миниатюра расмларида тасвирланган маҳбубаларникига ўхшайди... Қўчқорвой ака уни келин қилмайди! Жўмард ўз ниятини тезда онаси орқали отасига маълум қилмоқчи бўлди. Шу йил, дала ишлари саранжом бўлиши биланоқ тўй қилишни мўлжаллади. Бунга Онахон қандай қараркин?

Учинчи кунни ёш муаллим тушқи овқат пайтида бу ерга — теримчилар ҳузурига келган қишлоқ ҳаваскорлари ансамблининг концертида атай Онахон ёнига келди. Доира ясаб, чирмандага завқ билан қарсак ураётган қизлар орасида турган Онахон ўзига яқин келган Жўмардга ялт этиб қаради. Салом берди. Жўмарднинг беихтиёр юраги уриб кетди. «Менга бир нима демоқчимикан», деб Онахон ҳам унга нигоҳ ташлади. Жўмард юрагидаги туғённи Онахон унчалик сезмасди. Фақат бошқа ўқитувчилар қатори ҳурмат қилгандек эди. Лекин бу янги ва ёш ўқитувчининг уйланмаганини биларди. Кейинчалик унинг область ижроия комитети раис муовинининг ёлғиз ўғли эканини ҳам билди. Мактаб ўқитувчилари талабалар олдида одобдан ташқари гапирмаслик, педагогик қоида ва умуман тарбияга зид бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйса, бу жуда ҳам оғир нуқсон эканлигини билган Жўмард Бойбўсинов икки ўт орасида қолди. Лекин Онахоннинг ўн саккиз ёшда экани, унингичи тамомлаганидан кейин турмушга чиқиши мумкинлигини ҳам биларди. Жўмард даладаги «катта концерт» пайтида қўрқаписа Онахонга гап қотди:

— Талант ноёб нарса, эҳтимол бу ҳаваскор раққосалар ичидан келажакда Мукаррамахонлар чиқар...

— Ҳа, — деди Онахон, бир оз уялиб. Дафъатан гапирган Бойбўсиновнинг салобати босдими, унга тикилиб боқолмай, ерга қарагандек бўлди. — Мукаррама Тўрғунбоева «Баҳор» ансамблини тузиб, жуда катта иш қилди. Мен Мукаррамахон опани кўрганман. Сурхондарёга келиб концерт беришган, — у гапни бошқа ёққа бурди: — қўлингиздаги «Муштум»ми? Янгими?

— Ҳа, — букланган журнални Жўмард Онахонга узатди. У гапнинг шу лаҳза бошқа томонга кўчганига таажжубланди. — «Муштум» этик қўнжида, «Саодат» кўкрак чўнтагида юрармиш. Бирини — эркаклар, бирини — хотин-қизлар журнали эмиш.

Онахон кулимсиради:

— Ўхшатиш ўрнига тушибди. Сиз кўп нарсани билар экансиз.

— Унчалик эмас, — деди Жўмард.

— Мана бу карикатурага қаранг! Жуда бошлабди, — деди Онахон ярқ этиб Жўмардга.

Уст-устига тахланган қоплар ёнида гўё бўридан ҳам катта бўлиб, ханжар тишларини очиб, дарғазаб ўтирган даҳшатли сичқон омбор эшигига кўз ташларди: «Ким у миёв-миёв деяётган?!» «Мен, — деб титрарди сичқондан ҳам кичкина бўлиб кетган мушук, — аёлманд бўлиб қолдим. Очман...» «Бор, анави бир қоп донни олиб кета қол! Йиғлоқларни жиним ёқтирмайди! Қайфимни бузма!»

Карикатура тагидаги сўзларни ўқиган Онахон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Жуда бошлабди!

— Боплабди!— деди Жўмард.

Шу лаҳза ёнида пайдо бўлиб қолган бир йигит атай, гаши келиб Жўмардни туртди:

— Қелишган қиз экан! — йигит ўртага тушиб ўйнаётган раққосага ишора қилди, — жуда ҳам эгари зўр-ку!..

Жўмард индамади. Нима ҳам дейиши мумкин, бу гапга эътироз билдириб, йигитга танбеҳ бериш яхши эмас. Унинг гапига қўшилиш — бу ҳам яхши эмас. Онахон ноқулай аҳволда қолди. У ўрталикни тутиб, ғазабини ичига ютди. Тишини-тишига қўйиб турди. Кўзлари ола-кула бўлди, лекин миқ этмади.

IV боб

Сурхон қизи орзуси

Бу дунёга одамлар фақат шодлик учун келганлар, ҳамма дўст, ҳамма бир-бирига яхшилик қилиши керак, деб юрарди Онахон. Бундай ғоятда умидли, яхши фикрлар уни қуршаб юришига уйдагилари ҳам ҳайрон. Ариқлар бўйига ва умуман ҳамма бўш ерларга нега райҳону жамбиллар, атиргуллар экилмас экан? Ёмонлик мутлақо бўлмаса, ёмонлик кимга керак, дерди. У суйгунчак, эрка ўсганиданми, ғийбату қувликлардан тамоман узоқ, туғилиб ўсган қишлоғи сингари ҳаммаёқ фақат яшил кенгликлардан иборат деб тушунарди. Бу заминда жар-ликлару ўпқонлар, қизиган қумлигу қурдум дарёлар борлигини у қаёқдан билсин! Онахон чиройли куларди. Бундай ёқимли кулгини ҳеч қаерда тополмайсиз. Ҳазилни яхши кўрар, кайфи чоғ пайтларида ғинғиллаб ашула айтар, буви учун Онахон севиқли хонанда. Унинг ёқимли овози, каптарнинг полонидек кафтларини учириб ўйнаши бир лаҳзада киши диққатини ўзига жалб этиб, беихтиёр кайфичоғлик яратади. Қичкинагина шу жуссада қанча жозибаю оташ! У тартибли дастурхон ёзиб, ўзи овқатни ҳам тез ер, саришта озодалик — сеҳн ўткирлигидан нишона. Онахоннинг нимчасига билинтирмай тумор ҳам тақиб қўйишган. Бу иш унга мутлақо ёқмаса ҳам, начора! Буви, буви!

Кейинги пайтларда Жўмард уни рашк этарди. Усмирликда, айниқ-са, билагон ёшлар келгусида ким бўлишни орзу қилиб ўйламасликлари, хаёл сурмасликлари мумкин эмас. Фақат ҳалов-ҳулов, «бир қайнови ичида» кимсаларгина бундай фазилатлардан маҳрум. Ҳар кимнинг кўнглида бир шода гавҳар, дейдилар, келажак сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада бир турғун солиб, кишини ўйлатади. Дунё ғоятда қадимий, аммо бу дунёга келган ҳар бир ёшга у янгидир. Ҳар бир ёш инсон бунда Далварзинтепа, Сополтепалар... устига чиқиб, атроф ёқдаги яшил текисликлар, беҳудуд манзараларни томоша қилиб, долалар терганида, унинг оёғи остидаги дўнгликлар неча асрлар аввал баланд кўрғонлар, қасрлар, беҳисоб уйлар, кўчалар бўлганини, бу уйда ҳам қора кўз қизлар яшаганини, ёшлар бир-бирини севганини, қандайдир бир айвонда она ўз чақалогини аллалаганини у мутлақо сезмайди. Тепалик устида юрган одам долаларни терради-ю, узоқ-узоқларда дарё шовуллаганини эшитади, холос. Сочларни тортқилаб, ғир-ғир эсган шабада ўша замонда ҳам худди шундай эсган. У замон, у одамлар, муҳорабалар, тўю дабдабалар —

бари шу тепаликлар остида қолиб кетганини ҳамма ҳам кўз олдига келтиравермайди. Асрлар садосини фақат билагон, зеҳни ўткир одамларгина тинглай олади. Қатламдаги асрий аждод билик авлодини кутиб ётади.

Ақл кўзи ўткир инсонлар ўша аждодини эъозлаб, қайта тирилтиргандай бўлади. Тупроқ остидаги алломалар ёруғ дунёни яна битта кўрсам, деб илҳақ ётармиш...

Имтиҳонлардан аъло ўтган Онахон Тошкентга бориб, Ленин номидаги Давлат университетига киришни орзу қилди. У физика-математика факультетига имтиҳон топширмоқчи, ядро физикаси бўйича мутахассис бўлишни ўйларди. Физика лабораториясида ўтказилган тажрибаларда жуда ҳам берилиб қатнашарди. Бу орзу-хаёллар Валентина Терешкова-Николаеванинг космосга парвози, унинг жаҳоншумул ғалабаси кунларида ўз оғушига олди. Қосмонавтика кўпроқ физикага боғлиқ. Онахон доскага чиқиб ечган узун масалалар, теоремалар уни Валентина ёнига олиб бориши ҳам аниқ. Янги космонавтлар, рус қизининг мислсиз қаҳрамонлиги Онахон юрагига ҳаяжон солди. Валентина Терешкова ҳам ишчидан чиққан. Тўқувчи. Оддий бир ишчи қизнинг фалакда, куррани айланиб учиши — ақл бовар қилмайдиган қаҳрамонлик. Ишчидан космонавт чиқса, нечун деҳқондан чиқмайди? Албатта, чиқади! Бу аниқ!

Шундай хаёлларда юрган Онахон кунлардан бир кун туш кўрди. Тушида у Валентина Терешковага ўхшаб, устига скафандра кийиб, космодромда, учиш олдида турган эмиш. Атрофида ҳаммага таниш, машҳур космонавтлар: Гагарин, Титов, Николаев, Биковский, Леонов, Береговой, Шаталов... Валентина унинг қўлида ушлаб, Бухоро минорасидан ҳам баланд, фалакка бўй чўзиб, пишиллаб турган улкан ракета ёнига олиб келибди. Олиса мингларча одамлар, фотомухбирлар... Валентина Онахонга йўл-йўриқлар кўрсатармиш! Бир муддатдан сўнг Онахон ракета томон юра бошлади. У, Валентина билан хайрлашиб, лифтга кирди. Шу атрофдаги бошқа кишиларга ҳам қўлларини силкитиб хайрлашди. Лекин унинг энг яқин кишиси, севимли Жўмардан дарак йўқ эди. Онахон кўтарилиб, ракетага кириб кетаётганида ҳам пастга қаради, негадир Жўмард кўринмасди. У жуда ҳам хафа бўлди. Шундоқ улуғ кунда севикли кишисининг йўқлиги қалбининг жижимларди. У ўксиниб, хафа бўлди. Орадан кўп ўтмай у лифтда энг юқорига кўтарилиб, кема ичига кирди. Кабинани кўздан кечирди. Ўз креслосига ўтириб, уни «горизонтал ҳолатга келтирди». Ҳамма аппаратлар унинг назарида нормал ишляпти. У ердан кўтарилни буйруғини кутмоқда. Бир нафасдан кейин бошлиқ, академик... командаси, «Беш... тўрт... уч...» сўзлари эшитилиб турди. Ҳамма аппаратлар соат милдек чиқ, чиқ, чиқ... этиб ишлаб турарди. «Бир!» сўзидан кейин оташ пуркаб, еру кўкни ларзага солиб, кема осмонга кўтарила бошлади. Онахон беҳудуд фалак сари учиб бормоқда. Бир лаҳзадаёқ улкан ракета булутларни ёриб ўтиб, вағиллаганча жуда тезлик билан юқорига кўтарила бошлади. Яна бир оз вақт ўтгач, ракета қуюқ атмосферадан ўтиб, ионасферага чиқди. Онахон иллюминатор — дарчадан пастга қарар, ер юзи улкан глобусга ўхшаб, секин айланаётгандай бўларди. Тоғлар, кенг далалар, ундаги дарёлар, денгизлар харитадаги чизикларга ўхшаб кўрина бошлади. Кема яна ҳам тезлашар, Онахон микрофон орқали ердагилар билан гаплашиб, аҳволи яхши экани, ҳамма аппаратлар яхши ишляётганини айтарди. Ионасферадан ҳам ўтиб, космосга, юлдузлар оламига чиқиб олди. Шундан сўнг кема кўтариб чиққан ракетадан ажралиб, ер атрофида айлана бошлади. Онахон яна ерга хабар қилгандан кейин программа бўйича иш бошлаб юборди. Вазисизлик пайдо бўлиб, кема кабинасида укпардай енгил

учиб юрарди. У яна иллюминатордан ерга қарар; ярим палла Ер қуёш нурлари остида жуда ҳам чиройлик кўринарди. Кема секин-аста сузаётгандек бўларди, аслида унинг тезлиги дақиқада ўн бир километр. Онахон дамо-дам ерга қарар, она-ер, дарёлар, унинг гўзал Сурхон водийси жуда олисда қолди. У коинот бўшлиғида юлдузларга ошно бўлиб, секин учаётгандай бўларди-ю, аслида отилган ўқдан ўн икки баробар тез учарди. Унинг хаёлидан қадрдонлари ўтар, ҳозиргина кузатган Валентина Терешкова-Николаева, савлат тўкиб турган машҳур космонавтлар, кузатгани келган Жўрақулов, Ҳақназар ота ва бошқалар ҳам кўриниб кетди. Юрагига ғашлик солиб, келмай қолган Жўмард ҳам пайдо бўлди.

Киши хаёли қанчалар бепоён — хаёл орқали кишиларни коинотга ҳам чиқариб, олиб келиш мумкин. Инсонки шундай чексиз хаёллари билан муаззам экан, у ҳамма мураккаб нарсаларни ечишга қодир. Инсон, тезучар кема яратиб, фалакка кўтарилди. Энди, у юлдузлар оламида кезиб юрибди. Моддий дунё нақадар қарама-қаршиликлар билан тўла. Ҳали жуда кўп дунёвий сирру синоатлар очилгани йўқ...

Онахон кема ичида, беҳисоб аппаратлар оғушида хаёл сурар, унинг хаёли Ер сари йўналган. Ер юзидаги гўзал Сурхондарё далаларида кезарди, Инсон ҳар қанча юксаликка кўтарилавергани сари у Ер ҳақида, ердагилар ҳақида кўп ўйлайди. У арши-аълодаги фаришталар зурриёди эмас, у нон еб, сув ичиб, пахта экадиган сурхонликлар авлодидан!

Онахон ер атрофида бир кеча-кундуз айланди. У ҳар соатда ерга ахборот бериб турди. Кема ичидаги аппаратлар яхши ишлаётгани, ўз аҳволи ҳам яхши эканини айтиб турди. Шундан кейин ердан берилган буйруққа биноан, Онахон кема двигателини яна ҳам кучайтириб, учиш йўлини ўзгартирди. Кема ер тортиш қувватидан чиқиб, жуда ҳам катта тезликда Марс томон учиб борарди. Иллюминатордан Ерга қарар, ер аввал қўқон арава гилдирагидек катта бир шаклда кўринди. Океанлар, тоғлар, улкан дарёлар тушиб қолган чизикдек элас-элас кўзга дашларди. Шимолий қутб ялтираб, қуёш нурлари тушган океан юзлари ярқирарди. Ер узра буралиб турган оппоқ салланамо булут циклонлари ҳам кўзга чалинарди. Кема учган сари Ер аста-секин кичрайиб, тарвуздек бўлиб қолди. Кеманинг ўнг томонидаги Ой борган сари катта бўлиб кўринарди. Уч кеча-кундуздан кейин Ой ҳам орқада қолиб кетди. Кема Марс томон учиб борарди. Йўлларда астероидлар, чанг-намо булутлар тўғри келар, аммо кучли кема уларни ёриб ўтиб, яна олға интиларди. Ердан берилган маълумотга кўра, кема ўз йўналишини сал ўзгартариши керак бўлиб қолди. Рўпарадан катта бир комета учиб келаётган, у Икариусга ўхшаган бир осмон жинси бўлиб, Қуёш доирасида сузиб юрар экан. Агар кема ўз йўналишини ўзгартирмаса, яна бир ҳафтадан кейин у билан тўқнашиб кетаркан. Онахон кема двигателини яна ҳам тезлатиб, йўналишини ўзгартирди. Орадан бир ҳафта ўтгач, йўналишни яна тўғри изга солиши керак эди...

Учиш яхши борарди. Онахон Марс сайёрасига қўниб, уни ўрганиб, тупроғидан намуналар олиб, ерга қайтиши лозим. Бориш-келиш ва унда бир муддат туришга бир неча ой вақт кетарди. Кеманинг йўналишини ўзгартирган Онахон яна бир кеча-кундуздан кейин олисда турган улкан бир тоққа кўзи тушди. Бу «тоғ» қисман Вахшивор ва Бойсун тоғларига ўхшаб кетарди. Лекин бу «тоғ» коинотда муаллақ учар, унинг ҳам қирралари, тик чўққилари борга ўхшарди. Икариусга ўхшаш бу комета ҳар ўттиз беш йилда Ер атрофида пайдо бўлади. Кейин қуёш томонга йўналади, деган гапни эшитган эди. Унинг диаметри йигирма километрча бўлиб, олимларнинг айтишича, у асосан «чангу ғуборлардан» ташкил топиб, бизнинг Галактикамизда

сузиб юраркан. Бундай «ғубор»лар беҳисоб. Онахон кометани кемадаги телескоп ёрдами билан обдан яхшилаб кузатди. Унинг қирралари, табиатини ҳам ўрганиб, борт дафтарига нималарнидир қайд қилди. Шундан сўнг овқатланди. У энди Ердач шу даражада узоқлашган эдики, кеча ва кундузни билмас, фақат Ердан берилган буйруқ билан иш қиларди. Бир муддатдан сўнг, программа бўйича ётиб ухлади. Уйқудан туриб бадантарбия қилди. Бундаги велосипедни миниб, гилдирагини тоза айлантирди. Яна у севикли бувисини эслади. Бир куни тўйдан қайтиб келган буви кўчада кутиб турган такси машинага тугунини қўя олмади. Ушанда унинг жаҳли чиқиб, «Вой, қуриб кетгур, одам тўқсонга кирмай туриб ҳам қариб қоларкан-а!»— дегани ёдига тушди. Тиниб-тинчимас, питирак бу кампирнинг бошида дунёнинг ташвиши, эртадан кечгача югуриб-еларди. Онахоннинг Жўмард билан гаплашиб юргани, бу йигитнинг хушфёъл, одобли экани бувига маълум эди.

Яна одатдагидек Ер билан алоқа боғланди. Онахон ахборот бериб, программа бўйича иш бошлади. Лекин кема рўпарадаги метеорга қараб бораётганини сезиб қолди. Иллюминатордан рўпарадаги «тоғ»га тикилди. Дарҳақиқат, у борган сари катта бўлаётган эди. Наҳотки яна бир неча кунлик йўл қолганида иш бузилса? Шу лаҳза Ер билан алоқа яна боғланди. Дарҳақиқат, кема комета томонга қараб учаётганини хабар қилишди: Дарҳол йўналишини ўзгартириш лозимлигини таъкидлашди. Онахон шоша-пиша двигателни секинлатди, бошқа аппаратларни ҳам бурай бошлади. Лекин комета яна ҳам катта бўлиб, жуда ҳам катта тезликда кема томонга учиб келаётганини аппаратлар кўрсатиб турарди. Шу аснода бирдан қаттиқ портлаш юз бериб, Онахон уйғониб кетди.

У терга ботиб, ёстигини ҳўл қилибди. Атрофга қаради, ҳеч ким йўқ, у ўз хонасида, юмшоқ каравотида ётарди. Бошини ёстиқдан кўтариб, хомуш ўтирди. Космодрому кема, фазодаги вазнсизлик, аппаратлар... бари, бари ғойиб бўлди.

Онахон каравоти тепасидаги қайси бир журналдан қирқиб олиб рамкага солиб қўйгани Валентина Терешкова суратига тикилди. У, Онахонга жилмайиб: азизим, гарчи бу туш бўлса ҳам, сенинг юрагингдаги орзунни сездим. Сен, пахтакор ўзбек қизини бу умиду интилиш, албатта, космосга олиб чиқади. Мен ҳам космосда учганимга қадар қанча орзую қанча ҳаяжон-ёнишларни кечирганман, йўлимдан қайтмаганман! Мен ҳам тушлар кўрганман, севги ўтида ёнганман... дегандек бўларди.

V боб

Чағаниён¹

Юқори синф ўқувчилари Бойбўсинов раҳбарлигида илгари автобус билан Денов яқинидаги Халчаён тепалигига экскурсияга боришган эди. Бу гал у Онахонни ўз синглиси Чиннихон билан бирга Жарқўрғон

¹ Мелоддан олдинги VI асрда ҳозирги Сурхон замини Бақтрия давлатига қараган, Тоҳаристон, Амударё эса Укуз (Окуз) деб аталган. Бизнинг VII асрга келиб, Сурхон водийси Чағаниён номини олган.

томондаги тарихий ва маданий ёдгорликларни бориб кўришга таклиф этди. Онахон мойиллик билдирди-ю, лекин уйдагилар рухсат берсагина боришни маъқул қилди. Жўмард тиним куни эрта билан синглиси Чиннихолни олиб, Онахонлар эшигига борди. Машинасини анча бериди, йўл четида тўхтатиб, уларникига синглисини киритди. Машина йўлга тайёрлаб, ўриндиқларига янги ёнғичлар ташлаган, артиб-суртиб йилтиратган эди. Қўзичоқ нимтасини тандир кабоб қилиб, дастурхонга ўраган. Нон, қанд-курс, бир-икки шиша лимонад, минерал сув ҳам ташлаб қўйган эди. Жўмард машина ичида ўтириб, тез-тез орқага қараб қўяр, синглиси билан Онахоннинг эшикдан чиқишини бетоқатлик билан кутарди. Кутганга дақиқалар ҳам кундек узайиб кетганидек, орқасига қайрилиб қарайвериб бўйни оғриди. Юракда ҳаяжон, унинг бир нарсани баҳона қилиб бормай қолиш хавфи. Жўмард шу якшанбада у билан саёҳат қилишни жуда ҳам истаган эди. Агар Онахон саёҳатга рози бўлмаса, бу билан унга кўнгли йўқлигини билдирган бўлади.

Ярим соатлардан кейин эшикда Чиннихол билан Онахон пайдо бўлди. Жўмарднинг юраги орзиқиб тушди. Шу пайт унинг кўксига қўл босган одам юрагининг босқон ургандек гурса-гурса ураётганини сезиши мумкин эди. Онахон қизил атлас кўйлак устидан юпқа плаш кийиб, билагига рўмолини ташлаб олган. У яшнаб, Чиннихолга гап қотиб эркаланиб келарди. Жўмард унга суқланиб тикилди. Бу қиз ҳали ҳеч нима билан иши йўқ, юрти тарихидан беҳабар, куз келиши билан узоқ Бандихон дашти ёки Халчаён тепаликлари атрофидаги колхозларда пахта териш билан овора. Ғўза парвариши, ягана, культивация, ёввойи ўтлар ғўзага кони зарар экани — озуқа моддаларини еб, сувни шимиб қўйишию ипак пахта оқ пахтага нисбатан иссиқни кўп талаб этиши ва ҳоказоларни биларди, холос. Заминга келганда, кузда, октябрь, ноябрь ойларида, шимолдан учиб келган турли қушлар галаси Амударё ўртасидаги Пайғамбар оролига тушиб, бир-икки кун тунаб, дам олиб, тўйиб, бундан Афғонистону Ҳиндистон, ундан Нили муборакка учиб кетишларини эшитган. Билган гаплари, асосан, шулардан иборат. «Юртимиз тарихан жуда бой,— деган эди бир куни унга Жўмард. — Машҳур археолог олима Галина Анатольевна Пугаченкова бир неча йил Халчаёнда қадимги Чаганиён пойтахтини текширди. Тупроқ қатламларидаги ўтмиш тараққиёт даврини мингдан биринигина очиб ўргандик, десак тўғри бўлади. Келгуси археолог олимларнинг елкасида ҳали кўп ишлар бор. Боболар яратган, лекин тупроқ қатламлари орасида қолиб кетган обидалар устида кўр одамдай юриш, тарихга лоқайд қараш асло мумкин эмас! Еб-ичиб, тараллабедод қилиб, шартшурт гапириб ўтиб кетадиган авлод бўлсак, бу — юртнинг шўри! Албатта, ҳамма бундай бўлавермайди. Ичимиздан кимдир чиқади, албатта!»—Жўмарднинг бу гаплари Онахонга ёққан. Унинг ўз уруғларидан бири ҳам эски Термиз вайроналарига, ундан Пайғамбар оролига бориб, қуръонда номи зикр этилган Зулкифил авлиё мақбараларини ҳам зиёрат қилиб келган эди. Жонлиқ сўйган. Ҳаким ал Термизий мақбараларини ҳам зиёрат қилган.

Онахон билан Чиннихол катта йўл четида турган кумушранг «Волга»га яқинлашганда, Жўмард ташқари чиқди-да, сиполик билан Онахонга қўл узатди. Икковлари ҳам Чиннихол олдида уялиб, қизариб кетишди. Чиннихол бўлса ўз сўзлик, чакказарб ака буйруғини бажарганидан мамнун, «келинойига» тикилиб, завқланиб турарди. Онахонни у бундан илгари ҳам район комсомоллари слётида кўрган эди. Қорамағиз, чиройли бу қиз ўзининг қилиқлари билан тезда киши диққатини жалб этиши, эсда қолиши билан Жўмардни «асир» этган бўлса эҳтимол. Ҳар қалай, оддий бир хонадоннинг қизи бўлса ҳам, ўз жозибаси

билан хонадонимизга келин бўлиб тушса арзийди, деди ичида Чиннихол. Нима, унинг отаси Хуррам Бойбўсинов ҳам аслида деҳқон. Уқиб, ишлаб шундай мартабага етган. Умуман, Чиннихолга Онахон ёқди, шу сабабли ҳам акасининг тўй тараддудига алоқадор буйруқларини «ша- раф билан бажарарди».

— Уйдагилар майли, ўйнаб кела қолинглар, дейишди. Чиннихолнинг келганларини кўриб хурсанд бўлишди, бир пас ўтиринг, чой тайёр эди, дедик. Лекин шоширдилар.

— Рози бўлишгани яхши бўлди, — деди Жўмард қизлар яхши ўрнашиб ўтириб олишгач, машинага газ бериб, — Чиннихол ҳозир уйда тушиб қолади, унинг иши бор. Биз ўзимиз айланиб келамиз.

— Йўқ, йўқ, — деди жонҳолатда Онахон, — агар Чиннихол бормаса, мен шу ерда тушиб қоламан!

— Қўрқманг, — деди хахолаб кулиб Жўмард, — мен шунақа даҳшатли одамманми, тавба, мендан ҳамма кўрқадия!

Орага бир лаҳза жимлик чўкди. Чиннихол гап тополмай, оғзига толқон солиб ўтиргач, яна Онахон сукутни бузди:

— Гап унда эмас...

— Хўш?

— Сиз «даҳшатли» одам эмассиз, сизни ҳамма ўқувчилар ҳурмат қилади, — деди Онахон. Лекин у Жўмарднинг «мендан ҳамма кўрқадия», сўзини айлантириб, «ҳамма» ким, деб савол бермоқчи эди, Чиннихол олдида бу жуда одобсизлик бўлишини сезиб, дарҳол гапни бошқа ёққа бурди.

— Сен ҳам гапир, — деди Жўмард синглисига қайрилиб, — гапинг йўқми? — Жўмард синглисига мурожаат этардию, кўзи Онахонда эди.

— Вой, мен нима дейман! — Чиннихол қип-қизариб кетди. Дарҳақиқат, у гап билмас, айниқса ҳурмат қиладиган одамлари орасида «гунг» бўлиб қолади. Акасининг «фош қилувчи гапи» таъсир қилди: ми, тўсатдан тилга кирди: — Энамлар сизга атаб базадан венгер гарни- турини олиб қўйдилар...

Қизнинг гарнитур «сеп» бўлиб, қиз томонидан боришини фарқ қилмагани Онахонни ҳижолатда қолдирди. Чиннихолнинг бунчалик содда эканини билмас экан, анчагача ўзига келолмай жим қолди. Машина тасмадек асфальт йўлда учиб борарди.

— Қовун туширдинг, — деди Жўмард, — бошқа гап тополмадингми? Сен шўрликнинг жим ўтирганинг маъқул. «Хушовоз созанданинг куйлари жонга роҳат, сен қандай созандасан, жим турсанг жонга роҳат», деган Шайх Саъдий.

— Ҳа, нима! Ўзингиз гапир дедингиз-ку, тўғриси айтдим. Мени ўрталарингда «Қоработир» қилиб олиб кетаётганларинг ҳам тўғри эмас!

— Ана халос, — деди Жўмард, — биз Онахон билан бирга биринчи бор мана шундай сафарга чиқишимиз. Мен мамлакатимиз тарихидан дарс бераман. Бир суҳбатда Онахонга ўзимизнинг Сурхон водий- миз тарихи ҳақида ҳам ҳикоя қилган эдим. Энди ўша тарихий ёдгор- ликлардан баъзиларини кўрсатмоқчиман.

— Ёлғон! — деди Чиннихол, боя ўзининг «гунг бўлиб қолиши» айтилиб, камситилганидан жаҳли чиқиб, — бу гап ёлғон! Сиз, акажон, уйланишингиз керак. Отамлар ҳам, энамлар ҳам ҳар куни шуни айти- шади. Бу жуда ҳам муҳим масала! Ҳаётинг масала! (Бу гапларни отасидан, қандайдир бир тўйда косагул бўлган обрўли одамдан эшитиб, билиб олган эди). Бунинг гапига ишонманг, Онахон, бизнинг уйимизда сиз тўғрингизда гапиришади. Энам сизларникига совчи бў- либ бормоқчилар. Акам сизни оламан, бошқага уйланмайман, дедилар. Вассалом! Саёҳат — бир баҳона...

— Жинни бўлдингми!?— Жўмард машинани у ёқдан-бу ёққа қалқитиб, «сўзамол» синглисини қўрқитмоқчи бўлди. — Э, тентак!

— Ҳа-а! Мен ҳам гап билар эканманми!

— Ҳа, уста экансан! Бас!

Онахон бармоқлари билан оғзини бекитиб, қотиб-қотиб куларди.

— «Пистаи бемағз агар лаб во кунад, расво шавад...» — деди Жўмард.

— Бунга тушунмайман!— деди Чиннихол акасини ўсал қилиб.— Менга ўзбекча гапиринг!

— Бўпти! Ўзбекча гапирман! Сен ўзбекчага ҳам тушунмайсан! Сен ўзбекчани билмайдиган ўзбексан!

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи!

— Қаёққа кетяпмиз, Жўмард ака? — Онахон биринчи бор унинг исмини айтди. Шу кунгача «ҳурматли муаллим» деб келган эди. Бу гап Жўмардга ёқди. «Жўмард» сўзининг чиройли эшитилишини ҳам пайқагандек бўлди.

— Аввал султон Саодат ансамблига. У ўнинчи асрда қурилган. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний даврига тўғри келади. Жарқўрғондаги Минорага ҳам борамиз. У ўн биринчи асрда қурилган. Зурлама минорасига ҳам. Бу ўн иккинчи асрдан ёдгор. Ҳаким ал Термизий ва йўл-йўлакай бир неча қўрғонларни ҳам кўрамиз...

□

Онахон бу ёдгорликларни, бир ерга тўпланган, Термиздаги ҳайвонот боғини томоша қилгандек икки соатда айланиб чиқамиз, деб ўйлаган эди. Улар орасидаги масофанинг узоқлиги Жўмардга унча сезилмас, чунки унинг юрагидаги фахр бундан устун турарди:

Қадимги ёдгорликлар, айниқса буюк Кушон давлатининг гуллаган давридан ҳикоя қилувчи топилмалар ҳозирги вақтда алоҳида қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Тарихчилар ўрта аср обидаларига суюниб, Чингизхон босқинчилиги оқибатида вайронага айланган кўҳна Термиз ҳақида аниқ маълумот тўпламоқдалар. Бу воқеа мелодий ҳисоб билан 1220 йилда содир бўлган. Амударё қирғоғидаги бу шаҳар қачон пайдо бўлган, ёши нечада деган савол туғилади. Еттинчи асрларга оид будда манбаларида ёзилишича, Термиз (Тармит) шаҳри мелоддан илгари ҳам мавжуд бўлган. Искандар Зулқарнайн (мелоддан олдинги IV аср) билан ҳам алоқадордир...

Машина ғизиллаганча борарди. Икки томон кенг пайкаллар, саргайиб, қўнғир тусга кирган майдон учиб бораётган машинанинг икки томонидан чарх айланиб қоларди. Кейинги кунлар яхши бўлди; байрамгача ҳаво шундоқ туриб берди. На «афғон шамоли» ва на ёмғир. Кўп пайкалларда ғўзапоя йиғиб олинмаган, намгарчилик бошланмай, ғўзапояларни йиғиб олмай шудгор қилишни ўйламаган раислар райком бюросида ҳисоб бераётганини Жўмард биларди. Улар кўп юриб султон Саодат даҳмасига боришди. Қадимий Термиз харобаларини томоша қилиб Жарқўрғонга йўл олишди. Бунда, боғ ичидаги буюк минора ёнига келишганида, Онахон чарчаганини, туфлисининг орқаси оғини ураётганини Чиннихолга айтди. Лекин бу ер жуда ҳам баҳаво боғ, улкан минора ҳам Жўмард мақтаганича гўзал эканини кўришди. Қунгирадор, гўё ўн икки ўймакор осмонўпар устунларни мармартош устига

тургазиб қўйгандек. Устунлар сирти шу даражада нафиски, на атлас ва на палак унга тенг келарди. Минора кўкка бўй чўзиб, энг тепасида кичик меҳроблар гир айланган. Меҳроблар тепасида «ҳатти шикаста» «ҳатти гирих» билан гулпечакка ўхшатиб оят ёзилган. Жўмарднинг айтишича, бу ўймакорлик санъати қадим Урта Осиё мислсиз ривожланганидан дарак бериб турибди. Онахон билан Чиннихол бу ерда бир тош устига ўтириб, минорага обдан тикилишди. Жўмард Чингиз ҳам, теурийзодалар ҳам шу ерда ўтириб, минорага тикилишганини эслатди. Аждодлар санъати — илми билан фахрланса арзишини ҳижжалаб уқдиради.

— Минг йил аввал қурилган дейсизми, ака? Уша вақтда ким подшо бўлган?

— Ун, ўн биринчи аср. Асосан султон Маҳмуд Ғазнавий. Шу даврда «Шоҳнома» ҳам яратилган.

— Мана шу минораи султон Саодат ансамбли даражасидаги катта ёдгорлик экан, — деди ўтирган ерида Онахон, — мен бориб кўрган эмасману, лекин Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликлардан бўлак муҳим нарса йўқ, деб ўйлардим. Жарқўрғон минораси чиройли ёдгорлик экан.

— Ҳиндистонда Қутб минор бор. У ҳам катта минора. Бутун дунёдан, океаннинг нарёғидан ҳам сайёҳлар келиб томоша қилади. Бизнинг минора Қутб минордан чиройли бўлса чиройли, аммо кам эмас.

Икки қиз яна минорага тикилишди.

Жўмард машинадан йўл учун олинган хўракни олиб чиқиб, ариқ бўйига жой ҳозирлади. Лимонад бутилкаларию туз, нонни ҳам олди. Қизларни чақирди.

— Мана бу ер соз. Келинлар, озгина тамадди қилиб оламиз.

Олдинда Чиннихол, орқасида сал оёғини эҳтиёткор босиб Онахон келди.

— Оёғингиз оғрияптими?

— Сал-пал.

— Туфлигингизни беринг, ураётган ерини болға билан тўғрилайман.

— Керак эмас, овора бўлманг.

— Ечиб беринг.

— Нима, ечиб беринг. Нимадан уяласиз, — деди Чиннихол, — булар учун бир минутлик гап. Биз ямоқчи қидириб, кечгача қийналиб юришимиз мумкин.

Гўё унинг ҳам оёғини туфли ураётгандай, Онахон нима қилса, унга ўхшатмоқчи бўларди. Жўмард туфлини эҳтиёткорлик билан ушлаб, гўё тушиб кетса синадигандек, у ёқ-буёғига қаради. Жарқўрғон минорасига ҳам бунчалик тикилмаган. Онахон Жўмардни киши билмас кузатиб, ўз туфлисини эҳтиёт қилиб, тумшугига теккан лойни ҳам энги билан артиб, машинаси томон кетаётган Жўмардга ичдан кулиб қўйди. Жўмард машина юкхонасидан болғача олиб, эҳтиёткорлик билан туфли четини бир-икки қоқди. Қўллари билан кенгайтирди. Шундан сўнг уни рўмолчаси билан яхшилаб артиб, Онахон оёғига кийгизаётган эди, қиз уялиб Жўмард қўлидан олди-да, ерга қўйди.

— Нечанчи размер киясиз?

— Уттиз олтинчи, — бирдан Онахон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Билиб қўйган яхши-да, — деди Чиннихол кулимсираб, — акамлар жуда уста, буни қаранг, шу баҳона билан размерингизни ҳам билиб олдилар. Эрта-индин керак бўлади...

— Чиннихол, жон синглим, сенинг тилингни... размери ҳам борми?!

— Ха-ха-ха-ха! Биз галирсак ёқмайди! Унда мени нега олиб кел-

дингиз?! «Қоработир» бўлиб, сизларнинг орангизда юриш кимга керак? Уйда ҳам ишим бошимдан ошиб ётган эди. Сизнинг бу вайронаю эски минораларингиздан кўра зарурроқ ишим бор эди! Мен лимонад ичмайман, Жарқўрғонда чой ичишмайдами? Ака, бирон ердан чой топинг!

— Сен Хайриддин билан гаплашиб юрганингда, мен «Қоработир» бўлганмидим!— Жўмард синглиси юзига бу билан шапалоқ тортгандек бўлди.— Бўпти, чой топаман!

Онахон кулиб юборди. Кейин тилини тишлади. У ҳозир Чиннихолни тартибга чақиролмас, танбеҳ ҳам беролмасди. Меҳмонга борган, ёш бола ҳадеб ширинликка қўл чўза бошлаганида онаси қўлига шартта уролмаганидек, Чиннихол ҳам оз-моз ҳаддидан ошаётганини Онахон сезиб турарди.

— Тушунарли, — деди Чиннихол, — ҳамма ерда хўроз бир хил қичқирар экан.

— Лекин сен жўнроқ қичқирасан, — деди гармдори бўлиб Жўмард.

Онахон яна маза қилиб кулди. Ака-сингил оз-моз жўжахўроз бўлишгани уни завқлантирарди.

— Биз турган ерлар, айниқса, Денов қадимги Чағаниён мамлакатининг ўрта қисми, — деди Жўмард. — Қани, гўштдан, нондан олинглар. Агар майли десанглар, мен мелоддан илгариги, шу заминда бўлган Кушан, Чағаниён давлатлари ҳақида гапириб берардим. Буни билишингиз керак. Ўз мамлакати тарихини билмаган кишини...

— Ака, мана бу гўштлардан ейлик. Менга Кушан тарихидан кўра ҳам... Нима?!— ялт этиб Чиннихол акасига қаради, — сўқир кишидан фарқи йўқ, демоқчимисиз?

— Умрингда бир маротаба доно сўз айтдинг. Ибн Сино ҳам бунчалик сўз айтолмаган...

— Жуда ошириб юбордингиз! — Чиннихолга гўшт тиқилиб қолай деди.

Унинг ичида гап ётмайдиган, шалдир-шулдирлиги, «думбуллиги» Онахонга ёқарди.

— «Сурхон водийси, Амударёнинг юқори ва ўрта ҳавзаси қадимги Бақтрия давлатига кирган. Бу, форс обидаларида Доро ҳокимлик қилган, мелоддан илгариги VI асрни эслатади. Маҳаллий халқ ўз юртини Тоҳаристон деб атаган. Еттинчи асрга келиб бу водий Чағаниён, Укуз-ни (Амударёни) эса — Чағанрўд деб атаган. Маҳаллий ҳокимни «Чағам-худуд» дейилган. Чағаниён пойтахти йигирма тўрт фарсада. Тахминан Кува — ҳозирги Денов шаҳрида бўлган. (Дахи Нау — янги қишлоқ). Тарихчи Маҳмуд Вале XI асрда «Худуди Чағаниён ки имрўз ба Дихи нау машхўр аст» деб ёзгани фанга маълум. XI асрга келиб Чағаниён султон Маҳмуд Ғазнавийга тобе бўлади. Шу асрда Балх урушсиз салжуқийларга теккач, Амунинг юқори қирғоғида Чағаниён ва Хутталон қўзғолонлари бостирилиб, мамлакат султон Али Арслонга ўтади. XII асрга келиб Чағаниён Самарқанд ҳокими Муҳаммад ал Ҳотиб ас Самарқандий давлатига тобе бўлади. Мўғуллар даврида Чағаниён эсланмайди, фақат XIV асрда Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида тилга олади. Деҳинав шаҳрини кейинчалик Бобир Мирзо ҳам эслайди. Сурхон водийсини мўғуллар кўп талаган. Тулкига унинг чиройли мўйнаси ўлим келтиради, деганларидек, Сурхон водийсининг табиатан беқиёс гўзаллиги, бойлиги мўғул босқинчилари қиличига дуч келтирди. «Ўша даврда ўзбек уруғлари сиқигида бошқа уруғлар батамом суриб чиқарилган. Араб истилосигача ўрта аср шаҳарлари йўқ бўлиб кетган...»¹.

¹ В. В. Бартольд. Асарлар. III ж.

— Ака, сиз кўп тарихий гапларни айтяпсиз-у, биз ҳаммасига тушунмаямиз. Эҳтимол, биз институтга кирганимизда, лекциялардан билиб олармиз. Менинг бу қулоғимдан кириб, у қулоғимдан чиқиб кетяпти. Яхшиси, менга ҳам мана бу Онахон кийиб юрган туфлидан олиб беринг. Отамларга айтинг! Сизнинг айтганингизни қилиб, бу ерларга келиб юрибман! Хизматим бор.

— Мен боядан бери қулоғингга танбур чертаётган эканман-да! Туфли олиб берамиз. Ҳозир гапга халақит берма!

— Мен тушунаяман, айтаверинг, — деди шу лаҳза Онахон, — мен тарихни билишим керак.

— Акам айтгандан кейин сизга ёқади-да. Бу гапга яна хафа бўлманг.

— Хафа бўладиган гап йўқ.

— Ўзига қийин, қўяверинг, Онахон. Бу ўзи пўстак, отамларнинг иззатларини қилиб, мактабда унга баҳо қўйишган.

— Сиз меҳмонимиз олдида ҳам ҳаддингиздан ошяпсиз! Отамларга айтаман!

— Бўлди, тушунарли. Энди қаттиқ гапирмайман. Ўзинг бошладинг. Тарихий ёдгорликларни томоша қилгани чиқдикми, гап ҳам шу ҳақда бўлиши керак. Мен сенинг кимлигингни ўзингга танитиб қўймоқчи эдим. У бўлса...

— Мен ўзимнинг кимлигимни ўзим биламан! Онахон ҳам билади! Мен Бойбўсиноваман!

— Кўрдингизми, бу ҳозир ҳам тушунмаган!

— Ха-ха-ха-ха...

— Хи-хи-хи-хи... Тўхтатинг энди бунақа ақлли гапларни! — деди кулиб Чиннихол, — бирпас одамга ўхшаб гаплашайлик! Ҳамма тарихчи бўлаверса, подани ким боқади? Сурхондарё — чорвадорлар области. Одам ҳадеб ақлли гапларни эшитаверса ҳам кўзи тиниб кетар экан. Бизга кийимдан гапиринг. Сапожкалардан гапиринг...

Шу лаҳза каттакон бир қовоғари Жўмард боши атрофида айлана бошлади.

— Ҳей, ҳей, эҳтиёт бўлинг! — деди Онахон қўллари билан арини ҳайдаб.

— Қўяверинг, бу қовоғари заправкага келганга ўхшайди, — деди Чиннихол, — заҳари тугаб қолган бўлса керак, Жўмарддан олади.

Онахон бирдан хахолоди-ю, кейин «бу ортиқча»лигини сезиб жим бўлиб қолди.

— Денов Самарқандни эслатади, қадимги Мовароуннаҳрнинг пойтахти — бир томонидан Амударё, бир томонидан Сирдарё бўлган, Денов ҳам географик жиҳатдан ўшанга ўхшайди: бир томонидан Сангардак, бир томонидан Тўпаланг, — деди, Онахон бўғилиб турган Жўмардни яна гапга солиш мақсадида.

— Сангардак бўйида Чўлоб деган қишлоқ бор, — деди Жўмардга яна жон кириб — бу қишлоқ ҳақида афсона ҳам бор: қадим замонда Наврўзойим деган бир гўзал аёл эрининг вафотидан сўнг қариндош-уруғидаги эркаклар одам қўйиб, мен оламан, деб талашгани сабабли Балх шаҳридан чиқиб кетиб, шу томонларга келган экан. Сангардак бўйидаги тоғлар этаги, дарё ёқасидаги гўзал жойни Наврўзсой деб атаганлар. Бу ерда Наврўзойим бола-чақалик бўлиб кетган, ундан тарқалган болалар қорлуқ уруғидаги ўзбеклар бўлган экан...

Онахон ҳам қорлуқ уруғидан эди. Бу афсонани эшитган Онахон Жўмардга жилмайиб қўйди. Кенагас, юз, қутчи, қипчоқ, қўнғирот, қагагон, чигатой, барлос, манғит, найман, қиёт... уруғлари ҳам қорлуқ турк-ўзбекнинг катта уруғларидан...

Жўмард қизларга чой олиб келишга ўрнидан тураётган эди, Онахон: чойхонага ўзимиз борамиз, бу ерга чой ташишнинг ҳожати йўқ, деб дастурхонни ўрай бошлади.

— Қумқўрғондаги чойхонани кимдир яхши деган эди. Юринглар! — деди Онахон. Бу гапни Бандихон даштида пахта териб юрганида эшитган. — Минг йил илгари шундоқ минора қурган қумқўрғонликларнинг яхши чойхонаси бўлмаслиги мумкин эмас.

Улар қайта машинага чиқиб, унча узоқ бўлмаган, йўл ёқасидаги кўркам чойхонага тушишди. Бу ердан ҳам гўзал минора шундоқ кўри-ниб турарди.

— Минораи Қалон қурилганига саккиз юз эллик йил бўлди. Уни қорахонийлар даврида шу сулоладан Арслонхон қурдирган, — деди Жўмард. — Мен Бухорода бўлганимда таъмир қилаётганлар билан қизиқиб, бир ошнамнинг ёрдами билан Минораи Қалон тепасига чиққанман. Жоме масжид тоmidан ўтилар экан. Айланма зинапойлар билан тепага чиқдик. Саккиз юз эллик йилдан ортиқ вақт ўтгани билан ичкарида, фиштлар орасидаги ганчхокларда усталарнинг бармоқ излари шундоқ билиниб турибди. Саккиз юз эллик йил-а!

— Улим минораси дейилади-ми? Устидан одам ташланганми? — сўради Онахон, — Шу ростми? Кинофильмда ҳам қизил қонга бўяб кўрсатадилар?

— Фирт ёлғон! — ҳаяжонланиб жавоб қилди Жўмард. — Эътиборли тарихчиларнинг айтишича, биронта ҳам одам ташланмаган. Қадимги манбаларда ҳам бу ҳақда гап йўқ. Шундай дейиш киночиларга керак бўлиб қолган. Аслида у қумликларда, даштларда келаётган карвонлар учун маёқ вазифасини ўтаган. Бухоро кўп асрлар давомида савдо маркази, дунёнинг кўп мамлакатларидан савдо карвонлари келган. Улар қумликларда адашмаслиги учун бу катта минора қурилган. Иккиламчи, қорахонийлар шан-шавкатиани кўрсатиш, ийд-ҳайитларда сурнаю карнай-ноғоралар чалиш, баъзан муаззин учун ҳам бу минора (Жоме масжиди ёнида, Бухорои Шарифнинг қоқ ўртасида қад кўтарган) керак бўлган.

— Тушунарли, — деди Онахон, — водийнинг Чағаниён аталиши қайси даврга тўғри келади? Минораи Қалондан эскими?

— Эҳ-ҳа-а, жуда эски. Араблар истилоси, ислом дини келганига-ча Чағаниён деб аталган. «Еттинчи аср манбаларида бу мамлакат қадимий экани, тоғ тепасида Хориён деган мустақкам қалъа бўлгани, Искандар Зулқарнайн ололмагани, уни «қоядаги ин» деб аталгани ҳам тарихан маълум»¹. Уша вақтда бизнинг ота-боболаримиз зардуштий динида бўлиб, оловга сиғинганлар. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто» бўлган. Араблар истилосидан кейин ҳам бу замин Чағаниён деб аталаверган.

— Колхозимиз номини «Чағаниён» деб аталишида гап кўп экан, — деди Онахон Чиннихолга чой узатиб, — қайси ақлли раҳбар бу номни қўйди экан? Ақли бутун экан. Дидсиз раҳбарлар ҳам йўқ эмас. — Онахон бу гапни айтди-ю, бирдан кўрқиб кетди. Чунки Жўмард билан Чиннихолнинг отаси ижроқўм раиси. Энди нима бўлади, деди у кўзларини жовдиратиб. Лекин Жўмард бу гапга илжайиб, кўнглига олмади. Бу ҳолатни кўрган Чиннихол ҳам одатдагидек қизариб кетмай, ўзини қўлга олди.

— Биладиган, тушунадиган раҳбарлар ҳам кўп, — деди Жўмард. Бу гап билан менинг отам шунақа, доно демоқчи бўларди. — Лекин тушунмайдиган, мансаб столига ёпишиб олган кимсалар ҳам йўқ эмас. Сурхондарёдаги археологик қазилмалардан бирида ичи сирланган

¹ Г. А. Пугаченкова, «Халчаян».

сопол хумчадан бир сиқим чигит топилган. Ундан сал илгарироқ, шунга ўхшаш хумчадан яна бир сиқим бугдой ҳам чиққан. Илмий текширишлар бу хумчаю уруғларни мелоддан илгариги учинчи асрга мансуб деб белгилади. Шу даврда ҳозирги Сурхондарё тупроғи Чағаниён, деб аталиб, асосан сак қабилалари яшаган. Бир ривоятда «Саканиён», яъни Саклар юрти маъносини ҳам беради. Профессор Г. Пугаченкова ўзининг илмий тадқиқотларида бу қазилмалар ҳақида аниқ маълумот берган. Эрон шоҳи Доронинг бу томонга босқинчилик юришига қарши курашган ҳамда қаҳрамонлик кўрсатган Широқ ҳам мана шу Сак уруғидан бўлиб, Чағаниён элида яшаган. Саклар асосан чорва ва зироат билан шуғулланганлар. Хумчадан топилган чигитларнинг чуқур илмий анализи шунини кўрсатадики, ўша даврда пахта экилган ва бу пахта толаси ипакка анча яқин бўлган. Бир селекциячи олимнинг энг яхши ипак пахта навига «Чағаниён» номи берилди. Бу навни ҳаётга татбиқ этишда бошқаларнинг юраги дов бермай, кенг миқёсда экишга рози бўлмаганларида, колхоз раисаси Ҳанифа Бегимқулова жасорат кўрсатиб экди, унинг ниҳоятда яхши нав, келажаги бундан ҳам яхши эканлигини исботлади. Шу сабабли бу хумчадан топилган навга бобо уруғ номи берилди. Тўрт минг йил яшасин, деган маънода колхозни ҳам «Чағаниён» деб аташган. Шу баҳона бўлиб аجدодлар юртининг номи ҳам тирилтирилди.

— Италиянинг Пиза шаҳридаги «Қулаётган» минора ҳақида бир асрдан буён шов-шув кўтарилди, — деди Жўмард. — Бу гўзал ёдгорликнинг бир томонга ҳар йили бир ярим миллиметр оғаётгани, баъзи йиллари оғмаётгани ҳам таажжуб эканини жар солиб, жаҳон халқларини хабардор қилиб турилибди. Бу жуда яхши. Пиза минорасини халқ қурган. Унинг сақлаб қолиниши ҳақида олимлар бош қотириб, турли дойиҳалар таклиф қилинмоқда ва бунинг учун миллионлаб пул чиқарилган. Бизнинг Ўрта Осиёда ҳам жуда кўп тарихий ёдгорликлар бор; уларнинг кўплари Давлат муҳофазасига олиниб, бузилиб-ёрилиб кетмаслиги учун катта пуллар чиқарилиб, таъмир этилмоқда. Бизда давлат улардан ҳам яхши қарамоқда. Лекин мен бошқа нарсани айтмоқчиман, — дея таъкидлади Жўмард. — Пиза минорасини тилга олганимда, баъзилар хаёлига дафъатан бу одам уларда яхши, бизда ёмон демоқчи бўлади, дейдилар, албатта. Йўқ, бундай эмас! Бизнинг халқимиз ичида ғафлат босган, еб-ичишдан бошқа нарсани билмайдиган одамлар анча-мунча. Улар Минораи Калон, Вобкент минораси, Тошовуз минораси, Қумқўрғон минораси, Зурмала минораси, Хива минораси ва бошқа миноралар атрофида юришади. «Бу минорадан қадим одам ташланар экан...» деган ўта нодон гапларни ҳам гапиришади. Бу одамлар сохта гаплар қоронғи қўланкасида қолган, улар ўз тарихларини билмайдилар ва бу тарих билан фахрланиш шарафидан маҳрумдирлар. Улар қандайдир сабаблар билан шу ҳолга тушиб қолганлар. Улар базм қилиш билан умр ўтказиб келмоқдалар. Миллий онг ҳали жуда ҳам паст. Пиза минорасининг «қулаётгани» ҳақидаги ташвишни тилга олишимнинг сабаби ҳам шу бўлса керак... Эски Термиздаги олтинчи метрдан баланд бўлган минора замбараклар ўқиға мўлажал қилиниб, вайрон бўлди. Бу бизнинг жоҳиллигимиз, тарихий ёдгорликларга нисбатан ваҳшийлигимиз бўлди. Лекин кейинчалик бу жароҳатни ўзимиз тuzатдик. Ўз хатойимизни рўй-рост айтишдан қўрқамиз. Коинотда фарзандлари чарх уриб юрган бир улуғ мамлакат учун бир минорани таъмир этиш ҳеч гап эмас...

Кечга яқин улар уйга қайтишди. Йўлда Онахон Жўмарддан рулни олиб, машинани анча жойгача ўзи ҳайдаб борди. Бу ишга Чиннихолнинг ҳаваси келди.

Онахон сафардан мамнун, у тарихий ёдгорликлардан кўра ҳам

Жўмард юрагини кўргандек бўлди. У тирикчилик учун муаллимлик қилиб юрган киши эмас экан, ватани тарихини жуда ҳам севадиган, тўғри сўз бир йигит эканини сеза бошлади. Бойбўсиновлар хонадонидан чиққан йигитнинг димоғдор эмаслигига ишонди. Бу жуда муҳим эди.

VI боб

Шабона буви ўз неваралари бахти ила масту фикрда Арасту...

Киши ўзини керак бўлмай, бола-чақасига юк бўлиб қолганини сезса, тезда ўлиб кетади. Бу синалган гап. Яхши ҳамки инсон ўзининг ўладиган кунини билмайди. Агар у бу кунни билганида бир кун ҳам яшай олмасди. Табиат бешафқат! Шу сабабли ҳам асло кексаларни ёлғизлатмаслик керак. «Войдод, касал бўлмаларинг! Доғларингни кўрмайин! Касал бўладиган бўлсаларинг, мен ўлгандан кейин бўлинглар! Юрагим узилиб кетади-ку!» — дерди неваралари тепасида жизгинак бўлиб юрган Шабона буви. У невараларининг сал бўлса ҳам иссиғи чиқиб, учинишидан юрак олдириб қўйган. Онахоннинг тез-тез пешонасини ушлаб қўярди, унинг термометри — кафти. Буви баъзан тезоқар ариқда у ёқдан-бу ёққа урилиб оқиб кетаётган қийма тахтасига ўхшаб, ҳаяжони дам у қирғоққа, дам бу қирғоққа уриларди. Тўқсонларга бориб, қазо қилган Розия бувининг азасидан келиб, болаларига далда берди. Болалари эмас, кўпроқ ўзига далда берди: «Бу — аза эмас, бувининг тўйи! Табаррук бўлиб қолган эди. Бу дунёдан зерикиб ҳар кунни худодан омонатини олишни сўрарди. Азиз-авлиёлардан ўргилай, яхши ҳам ўшалар бор, бир нима ўқийсан, сўмрайиб, мум тишлаб ўтирмай, азиз-авлиёларнинг ҳақиға бир нима дейсан. Мен Московда ҳам шу ердан ўтган азиз-авлиёларга дуо ўқиганман. Керак-да! Улганларни эслаб бир нима дейиш керак. Аммо ўлганларнинг кетида «шаҳид бўлиш» яхши эмас! Бу билан уларнинг руҳини шод этолмайсан. Ҳамма нарса меъёрида бўлиши керак. Меҳру муҳаббатингни гўдакларга бағишла, улар дунёга энди келяпти. Кўзингдаги нур қабрларга эмас, давомчиларнинг жамолига тушсин, дерди Шабона буви. Бу унинг фалсафаси. Бу «фалсафа» меъёридан ошгач, эшитавериб зериккан Онахон кулимсирарди: «Моможон, ҳаммасига тушундик. Энди ухлайлик, ўрага сичқон тушди, гулдир гуп-п!» Хўп, майли, дегандек буви ёстиққа бош қўярди. Уйқуси келмай, яна ёстиқдан бош кўтарар: «Кўчада қариллаб юрадиган давангир Қўчқорвой болаларига қарамайди. Қишли-қировли кунда ҳам бурни оқиб, шиппақда юришади. Чойхонада ош еб, ароқ ичиб юргандан кўра ўйингдаги дераза синиқларига газета ёпиштирмай, ойна сол! Шу замонда ҳам деразасига қоғоз ёпиштирадиганлар бор-а, тавба! Болаларингга иссиқ пальто, иссиқ ботинка олиб бер, дейман. Йўқ, ўз памиласини тўғри айтолмайдию, ичгани ичган... Мен жузман, эт емасам, ичмасам илигим қуриб қолади, дейди. «Жуз» бўлмай ўл, сендан қарлуқларнинг нимаси кам! Уйингга газ тушир, сандалингда тошкўмир сасимай ўлсин!» Онахон яна бошини кўтаради: «Момо, энди ухлайлик! Эрта билан соат тўққизда имтиҳонга бораман!

Тошкентга бораман-а...». Шабона буви майли-майли, деб бош қимирлатарди. Уйқуси келмай яна хаёлот дарёсига фарқ бўлиб, ўй ўйларди: ётиб қолса бўлмаса, ҳаммалари катта бўлиб, сочилиб кетган... Ёшлигида бир куни шу Онахон «сув томизишни», «Ёмбини» эшитиб, бувисига гап қотган эди: «Бувижон, сиз касал бўлганингизда мен ўзим сув томизаман, ўлганингиздан кейин нарсаларингизни мен оламан-а?» — деган эди. Шабона буви бу гапни эшитиб тоза кулган. Ҳозир ҳам пишиллаб ухлаб қолган Онахонга ёстиқдан бошини кўтариб, бир қараб қўйди.

Буви ориқ, жиккак, ҳиндилардек қорачадан келган. Мабодо торт-тирса ўтгиз килограммдан ошмаса керак. Тиниб-тинчимас, питирак, куйгинчак... Баъзилар уни «оғача» ҳам дейди, елкасига жун хуржунни ташлаб бозорга ҳам қатнарди. Эти суякларига ёпишган, соябон симларидек йиғса бир сиқим қовурға суяклари мустаҳкам. «Илойим ёт неваранг томдан итариб юборсин...» деб, яхши кўрган одамларини «қарғарди». Тишқоли билан тишларини қорайтирган. Шундоқ бир қараган одам дарҳақиқат уни оғачаларга ҳам ўхшатарди. Йўқ, Шабона сурхонликларнинг асл «жуз» ва она томондан қорлуқ уруғидан. Насл-насаби азиз. Кўзи ўткир, гаплари серҳикмат. Одам танийди. Қўнғиротликларга тушиб, икки уруғни қариндош этган. Баъзан хаёли ўша келинлик даврига кетади. У вақтлар инқилоб йиллари, аммо ҳамон Бухоро таҳтида амир Олимхон ўтирарди. Манғитлар Шерободда ҳам, Деновда ҳам, Патта Кесарда ҳам ҳокимлик қилишарди. Ҳисор томонда дақай отликлари қўшин тузиб, Шўро аскарларига қарши чопди-чопди бошлаган. Ҳаммаёқ нотинч. Ҳақназар ота, ўша вақтдаги ёш куёвтўра, Шерободда, қизил аскарлар сафида Иброҳимбек кўрбоши босмачиларига қарши курашарди. Уруғларининг айтишича, Шабона момосининг момоси қадим, дарёнинг нариги томони — Балхда, Ҳиротда Ҳамида ақо, Гавҳаршодбегимлар хизматида бўлган... Бувисининг бувиси Малоика, Сароймулк ақо хизматида бўлиб, уларнинг «лутфу карамига сазовор бўлган» эмиш. Бу гаплар ҳақиқатга яқинми, узоқми. Шабона буви аниқ билмас, аммо қорлуқлар йчида шу гап кўпдан бери юрарди. Барлослар жуда ҳам кам қолиб, бошқалардан узилиб яшашига қарамай, ўтмиш аждодлари ҳақида кўп ҳикоялар айтишар, неча юз йил ўтганига қарамай темирыйлар, бобирийлар ҳақида афсоннамо гапларни эслаб юришарди. Аждоди шундоқ қорлуқ қизи бўлишига қарамай эрининг қизил аскар сафига кириб, қўлига милтиқ олгани, Шўролар ҳукумати, инқилобни ҳимоя қилаётгани билан яна фахрланарди. Файзулла Хўжаев ёш инқилобчилар сафига раҳнамо бўлиб, амир салтанатига қарши курашаётгани сурхондарёликларга ҳам маъқул. Келиб чиқиши хўжалардан бўлган бу йигит ҳам қизил аскарлар сафида эди. Бу гаплар Шабона юрагига далда берарди. Ўтмишдаги бойларнинг болалари қизил аскарлар сафига киришга ҳаққи йўқ, деган баъзилар вақиллаганича қолаверишди. Ҳар қалай, бувининг аждоди ҳам инқилобий, ҳам аслзода...

Онахон ўн тўрт ёшга кириб, еттинчидан саккизинчига ўтганда Шабона буви, мундоқ бўйи чўзилиб, қадду қомати шакл олган неварига тикилиб туриб, булар ўқиб илм олишга олади, лекин бувиси олдида оғзини катта очиб эснагани кишини ўйлатади, деб кўнглидан ўтказди. Худди шу ёшда Шабонаниннг ўзи онаси Парвона ёнида оғзини катта очиб эснаганида, онаси оғзини чап қўлининг орқаси билан беркитишни қаттиқ таъкидлаганди. Иккинчи бор беихтиёр шундай қилиқ қилганида бир шапати туширган ҳам эди. Буви Онахонга чап қўли, мабодо чап қўли банд бўлса, ўнг қўли орқаси билан, бармоқлари учи билан оғзини енгилгина беркитиши кераклигини ўргатди. Кулиб, бувини мазах қилган шаддод қизга, «мениннг бу таълимимга бепарво бўлма, Гавҳар-

шодбегим ҳам қизлиқларида мана шу важхдан шапалоқ еганлар. Қичик бир одобсизлик ҳам кишининг тарбия кўрмаганини, биздек аслзодалар хонадонидан чиқмаганини билдиради. Овқатни шапиллатиб емаслик, қошиқни қўлга ёши катталардан кейин олиш, жуда ҳам уялиб, ипакдек товланавермаслик кераклигини ҳам уқдирарди. Катталар олдида ялпайиб ўтирмаслик, танишми, нотанишми, қарияларга салом бериш кераклигини қулоғига қуярди.

— Моможон, мени биласиз-ку, мен ҳеч кимдан уялмайман, — деди Онахон, севикли бувини қучиб. Ориқ буви унинг қучоғидан чиқиб гандираклаб кетди.

— Биладан. Лекин сен бўйинсаларнинг орасида шундоқ бўлганинг маъқул, кексалар олдида уятчанроқ бўлгин, ҳушёр туриб, уларнинг хизматида доимо ўзингни тайёр тутгин. Бу кимнинг қизи, жуда одобли қиз экан, дейишсин. Одамлар олдида асло қовоқ солиб ўтирма. Чунки киши юзидаги сўниқлик эснашдек даррөв бошқаларга ҳам ўтади. Ҳамманинг руҳи сўнади. Қиз бола чақнаб туриши керак. Ҳозиржавоб бўлиш, зеҳни ўткирлик — киши мартабасини баланд қилади. Гапни ўйлаб гапир! Катталарнинг насиҳатини сабр-тоқат билан тинглашга одатлан. Лекин ҳар бир пилчираган эзманинг гапига қулоқ солиб вақтингни ўтказма!

— Сизга ўхшаган...

— Оҳ, айланиб кетай, қизимдан! Сен момонгни эзма десанг, унда менинг шунча таълимим қаёққа кетади! Ҳозиржавоблигинг билан бир жаҳонсан, қизим. Шунинг учун ҳам мен тарбиянгни зиммамга олдим. Гавҳаршодбегим кўп оқила, жуда ҳозиржавоб бўлишган деб эшитганман.

— Менга таълим бераман, деб ишдан қолиб кетмайсизми, моможон!

— Йўқ! Бу жуда керак!

Шундай қилиб, ўша йиллари буви неварасини Гавҳаршоддек йф-фатли қиламан деб, тарбия дарсини бошлаб юборган эди. У дарсини идиш-товоқ ювишдан бошлади. Овқатдан сўнг ёш келин ёки бўйи етган қизлар тезда иссиқ сув билан идишларни ювиб, ошхонада ўз жойига тўнкариб қўйиши, кексалар турганида идиш-товоқни тарақ-туруқ қилмаслиги, қозонни тозалаб, устларини ёпиб қўйишини ўзи қилиб кўрсатди. Тузлиқ, сочиқ, қалампир идишлари озода бўлишини, ҳатто гугурт ҳам ўз жойида доимо муҳайё туришини, ўчоқнинг кули олиниб, кейинги овқатга шай қилиб қўйилиши кераклигини алоҳида уқдирди.

— Моможон, кўп эзма бўлаверманг! Биз буларни биламиз!

— Сенга булар майда нарса бўлиб кўрингани билан аслида жуда муҳим! Гавҳаршодбегим чаққонликда ном чиқарганлар...

— Э-э, Гавҳаршодларингизни қўйинг! Бизлар ҳозирги замоннинг одамларимиз! Беш юз йил олдин ўтган ўшалар кафанини чулғаб келавермасин!

— Ҳой, қизим, тавба қилдим де! Уларга тил теккизма! Айниқса азиз-авлиёларнинг малонкалари бўлади! Бугунги дарсим: идиш-товоқ... Эртасига Шабона буви Онахонни яна ўз ёнига олди.

— Бугунги «лекциянгиз» нима?

— Мен «лекция-пекциянгни» билмайман! Меники ҳақиқий таълим. Фойдасини кейин биласан! Анави исполкомнинг қизига ўхшаб сонингни очиб юрмайсан! Мен бунга ҳеч йўл қўймайман! Сенинг буванг Шўрони тузганлардан бири бўлгани билан, янгича бўлгани билан, қизларнинг сонини очиб юришини ёмон кўрадилар! Узун иштон киясанлар! (Бувининг жаҳли чиқса сан-санлаб юборарди). Дунёда тошбақа ҳам бор, лочин ҳам. Машойихлар бир одамни таъриф қилганда тошбақага эмас, лочинга ўхшатади. Шунинг учун ҳам худойи таоло одамни одам, ҳай-

вонни ҳайвон қилиб яратган. Одам либос билан одам. Барлос уруғидан бўлган Гулбаданбегим ниҳоятда зеҳнли, дидли, моҳирўй эканлар.

— Бувижон, мен уларингизни кўрмаганман!

— Мен ҳам!

— Унда улар нега керак?

— Жуда ҳам керак-да! Бурунгининг одамларида сал-пал ҳаё бор-эди! Рўпарангда чақчайиб папирос чекиб турса яхшими?!

— Э, ҳамма гапингизга ҳам қўшилиб бўлмайди! Дам инқилобчи, дам ўтмишдаги феодаллар хотинини мақташ... Қани, ишга ўтайлик, буви!

Шабона буви овқат пишириш, овқатлар тури ҳақида «лекция» бошлади. Бу, Онахонга ҳам, унинг икки дугонасига ҳам ёқди. Улар зерикшмади. Лекин кампир яна Гавҳаршодбегимдан гап очган эди, Онахон ўрнидан туриб кетди:

— Энди ҳаддингиздан ошманг, моможон!

— Бўлди, тушундим. Мулозамат ҳақида гапираман... Қадим бир бойнинг уч қизи бўлган экан. Уччалови ҳам дудуқ экан. Бир куни совчилар келибди. Онаси довдир-дудуқ қизларига совчилар олдида қилиқ қилмай жим ўтиришларини тайинлабди. Улар миқ этмай ўтиришибди. Бир вақт бурчакдан бир сичқон чиқиб, чопқиллаб қоча қолибди. Қизларнинг каттасидан садо чиқибди, «Айи-айи, чичон-чичон...» Иккинчисидан ҳам садо чиқибди: «тани-тани!». Бу гапни эшитган учинчиси: «Шижла дапиршайла ҳам ман дапирмайман...» деб юборибди. Бу гапларни эшитган совчилар қочиб кетишган экан.

Онахон хахолаб кулиб юборди.

— Обба эзма буви-е! Индамаганимизда ҳам шунча гап!

— Ҳа, майли. Қалай, яхши ўтирибсизларми? Ҳеч ким касал эмасми? Ёки яна биронталаринг касалмисизлар? Қани, пешоналарингни олиб кел! (У лабини теккизиб, иссиқ даражасини шу йўл билан термометрдан кўра ҳам аниқроқ биларди). Ҳа, хайрият, иссиғинг ўттиз олти ярим...

□

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарига бориб бу томонда негадир ўлим кўпайиб кетди. Тошкенту Самарқандларда ҳам шундоқ экан. Ёки номдор кишиларнинг қазоси — газеталардаги таъзиялар бир қадар бўрттириб юборган бўлиши мумкин. Айниқса машҳур адибларнинг ўлими кўпларни ваҳимага солиб қўйди. «Ҳамма нарсдан саломатлик азиз», деган гаплар тез-тез айтилиб турадиган бўлиб қолди. Езувчининг ўлими айниқса катта-кичикда оғир таассурот қолдирарди. Бир даврдан иккинчи даврга ўтиш жараёни бўлдими, ҳар қалай, кекса авлод Узоқ Шарқ, Усурий заминидаги дарёларга океандан кирган баликларга ўхшарди. Улар тиқилиб, зурриёт қолдириш мақсадида қанчалаб масофани питирлаб йиртқичларга ем бўлиб, уруғ қўйишлари, шундан сўнг ўзлари ўлиб кетишларига бир қадар ўхшашиб кетарди. Газеталарда тез-тез таъзиялар, марҳумнинг фотосурати, таржимаи ҳолига доир маълумот, унвону мукофотлар айтиларди. Улуғ Ватан уруши тугаганига салкам ўттиз йил бўлди. Уша пайтдаги офицерлар ҳам олтмишдан ошиб, кўплар гални авлодга топширарди. Илгари унча сезилмаган бўлса ҳам олтмишинчи йилларнинг ўрталари ана шундай абадулабад вирожага эришганнинг энг қуюқлашган даври бўлди. Улим — кишли-қировли кунга ўхшайди, қиши бўлмаса келгуси йили ҳосили

ҳам яхши бўлмагандай, музу қиров ҳам зарурат, юракнинг бир тепгани баҳор бўлса, иккинчи тепганигача бўлган жим лаҳза балки қишдир. Куч тўплаш ҳам керак. Баъзан биз тилимиздан бол томиб, бу одам эллик баҳорни кўрди, деймиз. Лекин фаслларнинг ўзгасини менсима-гандек бўламиз. Фаслларнинг ёмони йўқ.

Аммо, мана шу бир даврдан иккинчи даврга ўтиш жараёнининг энг оғир ва енгил томони шу бўлмоқдаки, ҳаётдан кетаётган бобо атрофидаги муносиб фарзандлар, дўстларнинг парвоналиги тақдирга тан бердириб, ўлимни бир уйқу даражасига олиб келмоқда. Аммо, но-муносиб ёшлар баъзи жойларда ўзларининг совуқ башараларини кўр-сатиб, абадий видолашаётганларни қийнамоқдалар. Сўнги дамларда, касалхоналарда баъзилар жигарларидан холи, ёлғизликда кўз юммоқ-далар. Бундай ҳоллар ҳам учраб турибди.

Қизларга турмуш икир-чикирларини ўргатиб туриб, Шабона буви хаёлга чўмарди. Қазони ўйламайдиган инсон йўқ.

— Бувижон бўлди, «дарс» тамом! Одамлар олдида эснаганда оғ-зимизни бекитамиз. Бўлар-бўлмасга гапирмаймиз...

— Ха-ха-ха-ха,— Онахоннинг дугонаси бирдан кулди.

— Куласан, болам! Оғизни бекитиш ҳам кичкина гапмас, айниқса қиз бола қўл-оёғи чаққон, ёқимли, бўзрайиб ўтирмайдиган бўлиши ке-рак. Шунинг учун Бадахшон қизларининг баҳоси баланд...

— Хў-ў-ў! — деди Онахон, — Бадахшонни махтаманг, ўзингизни оёғингиз остидаги бу қизларнинг ҳар бири бир дунёнинг тагига ўт қўяди. Сиз бизни нима деб ўйлаяпсиз! Бувилингизни ҳурмат қилиб, ўзимизга маълум насиҳатларингизни эшитиб ўтирибмиз, «Чичон-чичон...» дейдиган буруннинг қизлари йўқ бунда! Бизлар ўз бахтимиз-ни ўзимиз яратамиз!

— Сизлар онангизнинг қорнидан отинойи бўлиб тушасиз, биламан.

— Қани, турдик, қизлар! Бувижонимизга катта раҳмат!

Шу аснода эшик тақирлаб, ҳовлига гавдали, дўлвор йигит Чўли кирди-да, салом берди. У Онахонга тикилиб туриб, бир лаҳзадан кейин: «Ҳа, майли...» деб яна орқасига чиқиб кетди. Онахон ҳайрон бў-либ елкасини қисди. У чиқиб кетаётган ерида буви мурожаат этди:

— Чўливой, бир юмушингиз бормиди?

— Отамларда гапим бор эди. Ҳақназар отамлар уйдадилар?

— Йўқ. Отангиз қачон уйда ўтирибдилар! У киши менга ҳам ке-рак эдилар.

— Масодиқ ота қазо қилибдилар, шунини айтиб қўймоқчи эдим.

Шабона буви пичирлаб, дарҳол юзига фотиҳа тортди. У ёнидаги Онахонга ҳам хўмрайиб, юзингга фотиҳа торт ишорасини қилди. Онахон унча қовушмай, қўлини даҳанигача олиб келди. Лекин Чўлининг ҳар ҳафтада бир нимани баҳона қилиб, Онахон атрофида пайдо бўлиши қизни бу гал ҳам андак ўйлатиб қўйди. Лекин қазони хабар қилиш баҳона эмас, бу инсоний бурч эканини хаёлидан ўтказиб, бўйи етган қизлар ўйлайдиган нарсаларни миясидан чиқариб ташлади.

— Чўливой, ўғлим, отангизга айтиб қўяман. Қай вақтга чиқари-лар экан?

— Жума намозидан кейин, соат учларга дейишди.

Чўлидан кейин Онахонлар ҳам чиқиб кетишди. Ҳовлида якка қол-ган Шабона буви хаёл сурарди. Баъзан унинг кўнглидан ўтган кимса иттифоқо рўпарасидан чиқиб қоларди. Бу, савқи табий, деди ўзига ўзи буви. Сурхондарёнинг машҳур кишиси, Социалистик Меҳнат Қаҳ-рамони Ҳақназар Худойназаровнинг хотини бўлгани билан бирга ўзи-нинг назаркарда бир одамлигидан ҳам фахр этиб қўярди баъзан буви.

VII боб

Муҳаббатга йўқ қонун

Эрта билан туриб, ҳовлига қараган Онахон ҳаммаёқни оппоқ қор босганини кўрди. «Қиш ҳам бошланди», деди у қорга тикилиб. Еқасига камбар қундуз қопланган, томоғини ўраб турадиган янги модадаги палтосини елкасига ташлади. Бу пальто унга жуда ярашиб, баъзиларнинг ҳавасини келтирган эди. Бугун шу пальтони кийиб мактабга борди. Лекин у йўқ... Нега унинг келмаётганини суриштиргиси келди. Бу жуда ноқулай. Узига ярашиб турган пальтони Жўмард кўришини истарди. Бу пальтода ўзини неча бор ойнага солиб кўрган. Бу пальтода у кўркем кўринарди. Пальтони биринчи кўрган Холчанинг ичи куйиб, жон ҳолатда, қаёқдан олдинг, деб юборди. Жўмард йўқ, хомуш уйга қайтиб келган Онахон бир лаҳза дераза ёнида туриб хаёлга чўмди. Янги пальто елкада, ҳовлига чиқиб қиш гўзаллигига тикилди — даракт новдаларини оппоқ қор эгибди. Атиргуллар устида қор. Томлар, мўрилар, деворлар устида қор. Ҳаммаёқни, бутун дунёни қор босгандай. Унинг хаёли Қумқўрғон минораси томон учди — бу гўзал минора атрофини ҳам оппоқ қор босгандир. Унинг кўз олдига ўзи оқ, сочлари тим қора, қирра бурун Жўмард келди. У сурхондарёликларнинг ҳеч бир уруғига ўхшамасди. Унча семиз ҳам эмас, бўй-бошлари ҳам расомат. Синглиси Чиннихол оз-моз дағал, пучуқроқ. Бир онадан шундай икки хил ҳам туғиладими? Жўмарднинг лаблари юлқа, қўйкўз, қошлари ҳам қуюқ. Ишни вақтида қилиши, аниқ гаплашиши, соатига тез-тез қараб туриши, бекорга вақт сарф қилмасликка уриниши — замонавийликдан дарак. Гап кишининг жамолида эмас, лекин бари бир унинг кўзларида бир сеҳри борми, киши диққатини дарҳол жалб этарди. Ундан кўркемроқлар бор, лекин негадир шу қўйкўз йигитга Онахон сеҳрлангандек бўлди.

Сурхон водийсида қорнинг умри қисқа. Осмонни қоплаган булутларнинг чоки сўкилиб, офтоб чиқиши билан қорлар ғойиб бўлди. Қиш гўзаллиги — шимол ёқдаги ғарч-ғурч қорлар йўқ, фақат баъзида физгизон қора совуқ, яйдоқ ерларни ялаб ўтувчи кечки изғиринлар жонга тегарди. Туни билан ёғиб, водийни қиш қучоғига олиб кираман деган қор эртасига кечгача аранг етиб борди.

Онахонга Жўмард ёқиб қолди. Уни узоқдан кўриши биланоқ негадир қизариб кетарди. Бундай ҳолат Жўмардда ҳам кечаётганини сезгандек бўлди. Наҳотки улар бир-бирларини яхши кўриб қолишган бўлса.

Душанба куни Жўмард мактабга келди. Улар бир лаҳза бўлса ҳам гаплашиш имкониятини топиша олмади. «Бойбўсиновнинг Тошкентга бориб келганини» кимдандир эшитди. Жўмард коридорда Онахонга рўпара келиб, бир нима демоқчи бўлаётгандай эди, Онахон ўқитувчисига бош ирғаб, салом бериб ўтиб кетди. Эртасига катта танаффус пайтида мактабда пайдо бўлган Чиннихол атай Онахонни қидириб топиб, уни бир муддат гапга солди. Гап ичида онаси бетоблигини, акаси Тошкентга олиб бориб стационарга ётқизиб келганини, адаси ҳам қайтиб келганини, келаси ҳафта ўзи боришини маълум қилди. Чиннихолнинг бу гаплари Онахонга Жўмарднинг бир ҳафта йўқ бўлиб кетганига узрдек туюлди. Эртасига Онахон ўқишдан чиқиб, дугоналари билан уйга кетаётганида, орқада бир машина дам тўхтаб, дам секинлаб юриб келаётганини пайқайди. Онахон дугоналарига сездирмай қайрилиб орқага қаради. Ҳа, бу Жўмарднинг машинаси! Юз қадамча орқада кумуш-

ранг машина секин келарди. Машина бўш... Онахон дугоналари билан чулдирашиб, чорраҳага етганда рўмоли ёдидан чиқиб қолганини айтиб, мактабга югургандай бўлди. У қумушранг машина ёнидан ўтишда Жўмард эшикни очиб, машинадан чиқди. Онахон чўчиб кетди.

— Вой, сиз шу ердამидингиз?

— Ҳа, сизнинг изингиздан келаётган эдим.

— Рўмолим ёдимдан чиқиб қолибди, олиб келгани кетяпман.

— Машинага чиқинг, марҳамат. Рўмолни эртага оламиз, — деди Жўмард.

Онахон кўчада ўзини кўп намоиш қилиб туравермай, лип этиб машинага кирди.

— Онамлар бетоб бўлиб, тўсатдан Тошкентга учиб кетганимизни Чиннихол айтган бўлса керак, — деди Жўмард ўз ўрнига, рулга ўтириб.

— Ойингиз ҳозир тузукмилар?

— Ҳа, анча тузуклар.

Машинага газ бераётган эди, Онахон тўхтатди:

— Қаёққа кетяпмиз?

— Мен сизни ёмон ерга олиб бормайман. Қўрқманг. Сизга бир гапни айтмоқчиман. Анчадан бери айтмоқчи бўлиб юраман, лекин журъат этолмайман. Мен... сизни яхши кўраман...

Улар бир лаҳза жим бўлиб қолишди. Уларнинг иккови ҳам қипқизариб кетди: Бир муддатдан кейин Онахон кулиб юборди:

— Сиз бу гапни шундай айтмоқчи бўляпсизки, телеминиатюралардаги ишқ изҳорига ўхшайди...

— Астойдил айтмоқчиман. Худо ҳаққи! — деди Жўмард тепадаги кичкина ойнадан орқада ўтирган Онахонни кузатиб турар экан. Бу гапдан кейин қайрилиб орқасига қараб, Онахон кўзларига тикилди. — Мен сизни дачамизга олиб бормоқчи эдим. Йўл-йўлакай жуда ҳам ажойиб бир тарихий ёдгорликни кўрсатмоқчиман. Тез қайтамиз.

— Эртага. Энди мен тушай, биров кўриб қолса яхши бўлмайди.

— Сизга Тошкентдан бир эсдалик... — Жўмард костюмининг қўйин чўнтагидан кичик бир чарм қутичани олиб Онахонга узатди.

— Йўқ.

— Олинг.

— Нима бу?

— Соат.

Онахон қутичани очиб, тилла суви юритилган билагузукка ўрна-тилган, балиқ кўзига ўхшаб ёниб турган жажжи соатга қаради. Уни қулоғига босиб, билинар-билинемас чиқиллаб турганини ҳам тинглади.

— Сўзларим кутилмаганда бўлди, хафа бўлманг, — деди Жўмард бўшашиб, ўйламосираб турган Онахонга, — бў сўзларнинг муқаддас эканлиги ва бир маротаба айтилишини яхши биламан. Онамлар тузалиб келганларидан кейин уйингизга бормоқчилар. Отамлар ҳам билдилар. Мен бу сўзларни жуда ҳам ўйлаб гапиряпман. Иккинчидан, мен сиздан олти ёш каттаман, шу маҳалгача, гапнинг очиги, бирон киши юрагимни жизиллатмаган. Учунчидан, мен педагогман, сизнинг ўқитувчингиз. Ҳамма томонини ўйладим, тўртинчидан — олий ўқув юртига ўқишга киришингизга ҳам ёрдам бераман. Бизнинг тўйимиз фақат давлат имтиҳонидан кейин, мактабни тамомлаганингиздан кейин бўлади. Бешинчидан — область раҳбарларидан бирининг ўғлиман, сизга ёлгон-яшиқ гапларни гапириб, бебурдлик қилиб, дадамларнинг шаънига ёмон гап теккизиш ниятим йўқ.

— Олтинчиси... тушунарли.

— Сиз ҳам муаллим бўлиб, қирқ беш минутлаб лекция ўқиганингизда бизга ўхшаб эзма бўлиб қолардингиз.

— Ха-ха-ха-ха-а. Хайрлашамизми?

— Хайр!

— Хайр, Жўмард ака! Чиройли соат учун раҳмат! — Онахон оҳиста машина эшигини очиб, ташқарига чиқди. У йўлда юриб кета туриб, қўли билан хайр ишорасини қилди. Жўмард унга завқланиб тикиларди. Онахон анча узоқлашгандан кейин Жўмард машинасига газ бериб, қайрилиб, орқага қайтди. Лекин Онахон сал юриб дугонаси Холчага рўпара келиб қолди. Бу тасодифми, тасодиф эмасми, билмади. Холча узоқдан Жўмарднинг машинаси турганини кўрган эди. Ичидан қиринди ўтиб, Онахон билан шунчаки ҳол-аҳвол сўрашгани шундоқ сезилиб турарди. Онахон зарур иши борлигини айтиб, тезда уйга жўнади. У бугун ўзида йўқ шод, Жўмарднинг юракдан айтган гаплари унга ёқиб, кечадан буён пайдо бўлган шубҳаю гумонлар тумандай тарқаб кетди. Жўмард туҳфа қилган жажжи соатни уйга келибоқ қўлига тақди. Шундоқ ёпишиб тушди. У пальтосини ечиб, кўйлаги енгларини шимариб, чап билагига бадиқ кўзига ўхшаш, олтин ранг соатнинг ярашиб турганини ойнага солиб кўрди. Беихтиёр ашула ҳам айтди. Бу соатни бувисига кўрсатсамикан, кўрсатмасамикан? Нима қилишини билмай, боши қотди. Жўмард туҳфа қилди, деган гапни қандай айтади? Айтмас, яшириб сақлаш мумкин эмас. «Кўрсатаман», деди ўзига-ўзи. Шу кун у соатни бувисига ҳам, бувасига ҳам кўрсатди. Лекин бувиси ўйланиб қолди. Эртасига тушдан кейин: «Мен бундай саёҳат қилиб юраверсам, дарс тайёрламасам давлат имтиҳонидан қандай ўтаман», деганига ҳам қарамай, Жўмард Онахон йўлини пойлаб туриб, машинада далага олиб кетди. Бу гал Онахоннинг ўзи ҳам шайланиб турган эди. «Бўлганча бўлди», деди Онахон. Улар яна Қумқўрғон томонга жўнашди. Жўмард Онахонга юқориликдаги Совуртепани кўрсатиб, кейин Сурхон сув омбори бўйида қурилган қатор коттеджларни ҳам кўрсатмоқчи бўлди.

Қумқўрғондан то Совуртепага боргунча ўнг томон улкан кўл. Қирроқдаги бирон тепаликка чиқиб қарасангиз бепоён Қўнғирдала ўртасига улкан бир зумрад кўзгу тушиб ётганга ўхшарди. Табиатнинг бе-ниҳоя гўзаллигига маҳлиё бўлиб қоласиз. Қишлигига қарамай, у ер-бу ерда қор ётгани билан ҳамон сарғиш дала ўртасидаги зилол кўл чинака-мига олтин узукка зумрад кўз бўлиб тушган. Бу атрофларда ҳали ер ишлари кетаётганлиги сабабли у ёқ-бу ёқларда тупроқ уюмлари, бульдозерлар, скреперларнинг шовқинлари ҳам эшитилиб турарди. Машинани пастда қолдириб, баланд тепаликдан кўлга тикилишиб турган икки ёш худди ой сатҳида тургандек эди, бепоён колхоз далалари, каналлар, йўллар, қишлоқлар... Кўлнинг нариги томони — Сарносиё тарафдаги баланд тепаликлар ҳам узоқдан кўриниб турарди. Яхшилаб тикилган киши бу тепаликдан, узоқда қад кўтариб турган минорани ҳам кўриши мумкин. Кўлнинг юқори томонидан Совуртепа, Шалдироқ, ундан юқорида Шўрчи, Миршоди, ундан нарида Дегрез сув омбори, Ҳалқажар суви Олачопон дарахтзорлари оралаб оқиб ўтади. Ундан юқорида Денов. Узоқ асрлар давомида босқинчи қўшинлар — Қутайбаю Чингизхон, кейинчалик темурийлар, Бухоронинг Манғит амирлари оёғи остида топталди. Қадимий Чағаниён мамлакати қайтадан тикланаётгани фақат чўпонлар мод ҳайдаб ўтиб кетадиган ерларда қанчалаб қишлоғу шаҳарлар, мевазорлар, каналлар пайдо бўлаётганини Жўмард хаёлидан ўтказди.

Онахон билан Жўмард баланд тепаликдан пастга тушиша бошлади.

— Қаранг, шу кўл энди икки ёшга тўлди, — деди Жўмард эҳтиёткорлик билан тушиб келаётган Онахоннинг қўлидан ушлаб. У йиқилиб, тойиб кетмасин, деб ўзи аввал йўл бошлади. Жўмарднинг қўлини маҳкам ушлаб олган Онахон унинг одобли, кучли йигит эканини сезди.

Бундай пайтда уни бемалол бағрига босиб, лабларидан ўпиб олиши мумкин эди. Жўмард бундай қилмади, унинг негадир журъати етмади. Қандайдир бир ҳаё йўлини тўсарди.

Кўл бўйи кимсасиз. Совуқ шамол юзларга уриларди.

Тепаликдан тушиб келатуриб, Жўмард Онахон қўлини ушлаб, унга тикилди. У, Онахонни елкаларидан ушлаб ўзига тортаётган эди, қиз эътироз билдирди:

— Қўйсангиз-чи! Уят!— Ургатилган цирк йўлбрслари ҳам баъзан ўз аслига қайтиб йиртқичлик қилиши мумкин деганларидек, «маданиятли» Жўмард айнагандек бўлди.

— Йўқ! — деди Онахон, кейин паства тушиб кетди, Жўмард ҳам унинг кетидан тушиб, яна уни ушламоқчи бўлди.

— Бу нимаси! Ҳеч кутмаган эдим!

— Нима бўпти?

— Сўраб ўпадиларми... — бирдан Онахон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. — Эҳ, сиз, ўртоқ Бойбўсинов...

Атрофида одамлар йўқлигини кўрган Жўмард Онахон қўлларидан ушлаб, бағрига босиб, лабларидан ўпди. Улар машина ёнида бир лаҳза жим туриб қолишди. Уларнинг икковлари ҳам титрашарди. Улар яна машинага ўтириб, аввал дачага, кейин Совуртенага боришди. Онахон боя уйдан олиб чиққани суратли журнални варақлаб, шармдан боши қуйи, гапирмай келарди. Кўл атрофидаги олмазор ичидаги коттеджлардан бири олдида машина тўхтади. Бу Бойбўсиновнинг дачаси эди.

— Мана шу уй бизники.

— Яхши ерга тушган экан. Бу ёғи кўл, олмазор...— деди Онахон бир муддатли сукутдан кейин.

Боғ кимсасиздек кўринган эди, лекин аллақайси коттеждан радиоприёмник овози эшитиларди. Шу атрофда кимдир борлигини пайқашди. Диктор қиз жуда ҳам бийрон гапирарди; атрофидан қандайдир бир бадий асар ўқиларди.

— Ўзбек тили чиройли-а? — гап қотди Онахон.

— Жуда ҳам! — деди Жўмард, — эшитяпсизми, қандайдир жарангдор. Баъзилар инглиз тили жарангдор дейди. Йўқ, ўзбек тили жарангдор. Жуда ҳам чиройли. Мен она тилимни жуда ҳам севаман.

— Ёмон кўрадиган киши ҳам бормикан?

— Бо-о-ор, топилади.

— Наҳотки!

— Шунақа нусхалар ҳам, афсуски, бор. Ғарбга сажда қиладиганлар.

— Тушунарли.

— Ватансиз, она тилисиз киши яшолмайди.

— Тўғри, — деди Онахон Жўмарднинг юрак сўзларига жонқулогини тутиб. Демак, олий ўқув юртини тамомлаганлар мана шундай фикри очиқ бўлади, сўзга ҳам уста бўлади, деган гапни хаёлидан ўтказди.

Улар икки қаватли коттеджни томоша қилиб, яна ҳовлига чиқишди. Уй жиҳозлари шаҳарга олиб кетилган, фақат стол-стул, қақир-қуқурлардан бўлак нарса йўқ эди.

— Тўйдан кейин биз шу ерда турамиз.

— Сизлар шу ерда турасизларми?

— Сен билан мен демоқчиман, — деди Жўмард Онахонга тикилиб.

Шу заҳоти у ўз хатосини тўғрилади: — «Сиз билан мен демоқчиман...» Онахон индамади. Жўмард яна гап қотди:

— Сўрамасдан ўпиш мумкиндир-у, лекин сўрамасдан уйланиб бўлмайди.

Онахон кулиб қўйди.

Хивич, новда пўстлоғидан ясалган, бешикдек тебранадиган креслога ўтирган Онахон қўлидаги суратли журнални Жўмардга узатди.

— Мана бу даҳшатли мақолани ўқидингизми?

— Йўқ.

— Икки севишганларни ўлдиришибди. Буни қаранг, қиз қирол наслидан экан. У шариат қонунини бузган эмиш...

Жўмард унинг қўлидан журнални олаётган эди. Онахон фотосуратни кўрсатди, юзига оқ парда тутган жаллод қилич селлиб, йигитнинг бошини узаётган эди. — «Жума, ҳайит куни оқ ғалабия кўйлак кийган мусулмон аҳли жазони кўриш учун бозор майдонига тўпланишган эди. Майдон ўртасида узун қора кўйлак кийган, қадди қомати келишган, текис, сочи ҳам европаликларга ўхшаб қирқилган қиз тик турарди. У бошини баланд кўтариб, нигоҳини бир нуқтадан узмасди. Бир муддатдан сўнг солдатлар уни қум уйилган ерга олиб келиб тўппончадан уч бор ўқ узиб, қизни ўлдиришди. Сал нарироқда, қўллари орқасига боғланган йигит олдида бир солдат қилич яланғочлаб турарди. Шу лаҳза қилич яқираб, хивичдек ҳавода товуш чиқариб йигитнинг елкасига тушди. Иккинчи бор урилганда йигитнинг гавдаси ҳам ерга қулади... Бу фожиа ўрта асрда эмас, шу кунларда Жадда шаҳрида бўлди. Саудия Арабистони қироли Холид ўз қизи Мисъа билан унинг яхши кўрган йигити Муслеҳ-аш Шаъарни фожиона ўлдирди. Бу фожианинг сабаби нима эди? Йигирма уч яшар қиз отасининг рухсатисиз фуқаро бир йигитни севиб, унга тегишга журъат этган. Қирол мусулмон қонуни бўйича фақат қиролгагина қиз узатиши мумкин эди. Бу қиз Байрут дорилфунунида ўқиб юрганида, ўз мамлакати элчиси, собиқ генералнинг ўғли Муслеҳ билан танишиб, бир-бирларини севиб қолдилар. Мисъа ўз отасига хат ёзади, аммо қиролнинг акаси Муҳаммад бундоқ никоҳга рухсат бермайди. Қирол фақат қирол боласига турмушга чиқиши мумкинлигини айтади. Мисъани ўз ватанига чақариб оладилар. Аммо ёш севишганлар ўз аҳдларида мустаҳкам турадилар. Улар араб ерида махфий никоҳ ўқитиб, турмуш қурмоқчи бўладилар. Бунинг учун улар Сауд Арабистонидан чиқиб кетиб, чет элдагина никоҳ ўқитиб озод муҳаббатга тегишан мумкин, деб ўйлайдилар. Мусулмон қонунига кўра никоҳ қилинмаган аёл билан чет элга кетиш — икки кимсани ҳам ўлим жазосига олиб келарди. Қиролнинг топшириғи билан унинг шахсий соқчилари қиз билан йигитнинг кетига тушиб, таъқибга оладилар. Мисъа кунлардан бир куни денгиз бўйида кийим-кечакларини қолдириб, ўз-ўзини ўлдирган қилиб, яширин соқчилар кўзидан қочмоқчи ҳам бўлади. Лекин бу иш муваффақиятсиз чиқади. Мисъа анча вақтдан кейин, тайёргарлик кўриб, сочини олдиради, эркакча кийиниб, оқ ғалабия кўйлақда аэропортга боради. Лондонга учаётган самолётга билет олишиб, учиб кетишаётганида иш чаппасига кетади. Хавфсизлик хизмати ходимлари уни ушлаб олиб отасига топширадилар. Қирол Холид ўз акаси Муҳаммадга нимани лозим топсангиз шуни қилинг, деб қиз тақдирини топширади. Мисъа қирол хонадонига доғ туширди, қироллик ва давлат ишига путур етказди, деб ўлим жазосига ҳукм этилди. Қизни йигитдан аввал, тўппончадан ўқ узиб ўлдирадилар. Шундай қилиб, жума куни пешин пайтида Жадди шаҳри бозорида икки севишган қалб — Мисъа билан Муслеҳ ваҳшиёна ўлдирилди».

— Мана шунақа даҳшатли воқеалар ҳам бўлади. Муҳаббат деб икки ёш қурбон бўлди.

— Тўғри,— деди Жўмард икки араб ёшининг қонли фожиаси хаёлини қамраб.

Бир муддатдан кейин улар ёзлик боғ билан ҳам хайрлашиб, Совуртепа томон йўл олишди. Йўлда Жўмард Совуртепа ва Чағаниён маданиятли Бухоро ва Хоразм ҳокимларининг бу томонга ҳужумига доир гапларни айтиб берди. У гапирар, андак совқотган Онахон орқада мудраб келарди:

«...XIII аср бошида Хоразмдаги қонли курашларга оид диққатга сазовор тарихий манбада қуйидагича айтилади: «...жаҳонгир Чингизхон Жўжи, Чиғатой, Тулуйхон ва саркардалар Субутой-баҳодир ҳамда Бурундук нўёнлар бошлиқ, кўп сонли мўғул қўшинларини Хоразмни истило қилиш учун юбормоқчи бўлган вақтда, Хоразмда шайх Нажмиддин Қубро борлигини англаб, киши юбориб, улуг мартабали ҳазрат барча аҳлу аёнлари билан шаҳарни тарк этишини талаб қилган. Аммо шайх Қубро (Шайх Аҳмад ибн Умар Абдулжаноб Нажмиддин Қубро ал-Хивақий ал-Хоразмийдир) ҳоқонга рад жавобини берган!»— деб ёзади машҳур солномачи Рашидиддин ўзининг «Жомеъат-таворих» асарида. Айтишларича, ғоят қутурган ваҳший мўғуллар ўч олиш бора-сида етмиш бир ёшли олимнинг жонсиз жасадига ҳар томондан қилич уриб, уни нимталаб ташлаганлар.

Тарихан ёзилишича, мўғул қўшинлари Хоразм тупроғига бостириб келиб Қўҳна Урганчга яқин ерда ўрнашадилар. Афтидан, мўғуллар Урганчни вайрон қилгилари келмаган бўлса керак, мўғулларнинг «сирли қисса»ларида айтилишича, Жўжихон баланд бир тепалик устига чиқиб, у ердан шаҳарни томоша қилган эканлар. Бу тарихий гаплар ҳам араб ёшлари фожиасидан қолишмайди.

Совқотган Онахонни мудроқ босиб, уйқу элитган эди. У на Қубро, на Жўжихонни эшитди. Жўмард бу ҳолни кўргач, гапни тўхтатди. Бир муддатдан кейин улар Шўрчига тушиб, овқатланишди. Қош қорайишига яқин уйга қайтиб келишди.

— Сиз билан бундоқ дала кезиб юрганимни акам эшитса, калламни олади,— деди Онахон ранги ўчиб.

— Биз калла оладиган иш қилаётганимиз йўқ-ку?

— Бунинг унга тушунтириб бўлмайди.

— Акангиз тушунди. Биз келаси йил тўй қилмоқчимиз. Биз бир-биримизни яхши кўрамыз...

VIII боб

Оқимга қарши

Дарё ёқасидаги асрий чангалзор ерларга бульдозер солиб юборилганини эшитган Хотам Жўрақулов машинасига ўтириб, югурганча «Чағаниён» колхозига келди. У раисни идорадан топди. Баъзан кутилмаганда келиб қоладиган райком секретарининг бу сафарги келиши ҳам Ҳанифа Бегимқуловани ҳайратга солгани йўқ. У ўрнидан туриб, Жўрақулов билан илиқ омонлашди. Стулга ўтиришга таклиф қилди. Жўрақулов раиса столига яқин бир стулга ўтириб, ёнидан рўмолчасини олиб, бўйни, қулоғи орқасидаги терларни артгандай бўлди. Қиш, у аслида терлаган эмасди. Умуман, у терлайдиган бирон иш қилгани йўқ эди. Диққат бўлган пайтларида беихтиёр рўмолчаси билан бўйнини артиш одат бўлиб қолган. Жўрақуловнинг «кутилмаганда келиб қолгани» сабабини қисман Ҳанифа сизди. Бу ишни ундан яширган эди.

Табиат муҳофазаси деб, бу чакалакзорни анчадан буён буздирмай келарди. Қушларга, жониворларга гамхўрлигидан, бир куни кимдир «ўртоқ Жўрақулов Термиз ҳайвонот боғига директор бўлсалар кўп яхши бўларди...» деган эди. Жўрақулов: «Партия мени қаерга лозим топса шу ерда ишлайбераман, мен партиянинг солдатиман»,— деган экан. Жўрақуловнинг авзойи бузуқроқ кўринди. У Ҳанифа Бегимқуловага қаттиқ тикилди. Ҳанифа ўзини ноқулай сеза бошлади. Бу ўткир қарашга дош беролмай, жавоб қила бошлади:

— Иложимиз бўлмади, Ҳотам ака, бизга ер керак, ер! Юз гектардан ошиғ-а! Қандай қилиб биз уни ташлаб қўямиз?!

— Тўғри ўлчамабсиз, икки юз етмиш уч гектар!

— Эҳтимол шундоғдир. Биз ҳаммасини ҳайдаганимиз йўқ, эллик гектарга...

— Бульдозерлар буталарни, дарахтларни янчиб, суғириб, баъзи жойларда дарёнинг шундоққина лабига борибди. Дарахтлардаги қушларнинг ини ҳам ерга тушиб ётибди... Кўриб келдим. Ваҳшийлик бу!

Ҳанифа Бегимқулова Жўрақуловнинг кўзига бир қараб қўйди-да, ҳимояга эмас, ҳужумга ўтди. Ёнида турган бухгалтерга «чиқиб туринг» ишорасини қилди. Ранги ўчиб ўрнидан турди. Жўрақулов депутат бўлса, у ҳам депутат! Жўрақулов бюро аъзоси бўлса, у ҳам бюро аъзоси! Манманлик, киборлик ҳисси кутилмаганда Ҳанифанинг вужудини қоплади. Нима, у жиноят қиляптими? Пахта майдонини кенгайтириш жиноятми? Ўзи райком секретари бўлиб, бундай таъқиқ этиши тўғри эмас! У бир хўрсиниб, сал ўзини қўлга олиб гапирди:

— Ҳотам ака, тушунинг...

— Расмий гаплашайлик! Мен — Жўрақуловман! Сизга, ўртоқ Бегимқулова бу гапни бюро мажлисида ҳам айтган эдик. Ҳар қалай мени бюро қувватлаган эди...

— Мен колхоз правлениеси билан маслаҳатлашганман, правление қарши эмас.

— Энди шунга келдикми? Мендан бошқа ўртоқлар ҳам шу ишга қўл урманг, гектар бошига ҳосилдорликни оширайлик, деган эмасмиди?! Сизнинг бу ишингизга илгариги раис Ҳақназар ота ҳам қўшилмайди! Агар биз «правление аъзолари билан маслаҳатлашдим...» деб, бундай иш қилаверсак, эртага Пайғамбар оролига ҳам трактору бульдозер соламиз. Бу орол Юнеско ихтиёрида, шунини биласизми?!

— Дарё ёқасидаги чангалзор ерлар ўзимизники! Колхоз ерининг этаклари. Давлатга бу ер учун рента ҳаққи ҳам тўлаймиз. Юнескога бу ерларнинг алоқаси йўқ, ўртоқ Жўрақулов! Сиз ўзингиз мендан кўпроқ пахта талаб қиласиз. Мантиқ қани?

— Мени сиздан эмас, авваламбор, партия ва ҳукумат пахтакордан кўпроқ ҳосил беришни сўраяпти! Лекин партия, нима қилсанг ҳам пахта бер, чорва ерларини бузиб, қушлар ва жониворлар инини бузиб, дарахтларни қулатиб, бутазорларни вайрон қилиб пахта эк, деяётгани йўқ! Ҳосилдорликни оширишга қаратилган тадбирларни ўйлаб топиш керак! Айниқса сиз раҳбарлик қилаётган колхозда!

— Пахтачи районида юз гектардан ошиқ жарликни,— деб кучли далил билан Жўрақуловни мот қилмоқчи бўлди Ҳанифа Бегимқулова,— тепаларни бульдозер билан суриб, пахта майдони қилишган. Хабарингиз борми? Райкомнинг биринчи секретари менинг дугонам...

— Хабарим бор. Саратонда кишилар бориб дам оладиган, ичидан яхшигина сой ўтадиган мезазор, дарахтзор жойни, истироҳат боғи қилса арзийдиган салқин ерни кўмиб юборишди. Хабарим бор. Бу ишга айна вақтда кишилар эътибор бермаган бўлса ҳам, кейинчалик ўша ўртоқлар халқ олдида жавоб бердилар! Бу аниқ! Агар сиз ҳам уларга

ўшаб, бу асрий табиат мўъжизасини бузиб юборадиган бўлсангиз, хато қиласиз! Сиз Регистонни бузмоқчи бўляпсиз. Ҳозироқ бу ишни тўхтатиш керак! Илтимос қиламан, тўхтатиш керак! Ахир, Ҳанифахон, сиз билан биз шу ерлик бўлсак, шу ерда туғилиб ўсган кишилар бўлсагу асрий дарахтзор, бутазорларни бузсак! Қушлар ҳозир қабристонларда тунайдиган бўлди. Буни биласизми? Жой йўқ уларга! Қабристондаги дарахтларга уя қўйишмоқда. Кузда, дефолиация вақтида осмондан сочган, заҳар дорилар майда қушларни қириб юборди. Баъзи жойларда чумчўқ қолмади. Бу қушнинг қишлоқ хўжалигида зараридан фойдаси кўплигини Хитойдаги жоҳиллар билмади.

Бухгалтер йигит чой олиб кирди. У пиёлада чойни бир-икки қайтариб, аввал Жўрақуловга, кейин Бегимкуловага узатди. Раиса билан райком секретари жим бўлиб қолишгани, улар ўртасида жуда муҳим гап кетаётганини пайқаган бухгалтер яна тезда чиқиб кетди.

Жўрақулов чойдан ҳўплади. Ҳанифа ҳам сал-пал бўшашиб, жойига ўтирди. Лекин бу аёлнинг баъзан кулиб туриб, «рақибига» кескин зарба беришини ҳам Ҳотам Жўрақулов яхши биларди.

— Уша ерга бирга борсак.

— Марҳамат!— деди Ҳанифа. Бу гап Жўрақуловдан сал-пал ҳайиқиб. Унинг терламаган бўйини беихтиёр тез-тез артиб туриши — гоятда дарғазаблигидан далоят берарди.

Янги дамланган чой ҳам стол устида қолиб кетди. Улар кабинетдан чиқиб, райком машинасида ёнма-ён ўтиришиб, дарё ёқасидаги чангалзорга жўнашди.

Улар анча жойгача сукут ичида боришди. Ҳотам Жўрақулов енгил машинада физиллаганча текис йўлда борарди-ю, Сурхоннинг кучли оқимиغا қарши қийналиб, зўр билан сузаётгандай бўларди.

□

Сурхон зар сочувчи Зарафшон дарёдек бир томчиси бекор бўлмай ўз-водийсини сувга қондириб оқади. Шам зиё тاراتиб тугаганидек, бу дарё ҳам то Амуга етиб боргунча водийни бўстон қилиб, сувга сероб қилиб, бутун вужудини бағишлаб, охири кичкинагина бўлиб, катта дарё бағрига киради. Бу билан ҳам унинг иши тугамайди, у яна туркману қорақалпоғу Хоразм ерларига чиқиб жон бағишлайди. Амуга қўйилишдан унча узоқ бўлмаган Сурхон ёқаларида қанча колхозлар бор. Сангардак, Қоратоғ, Тўпаланг сувларининг Сурхонга, Сурхонни Амуга қўшилиш жойларида, Аму ўртасидаги Пайғамбар оролидан ҳам қолишмайди. Қадим шу Амударё бўйидаги «Мозандарон»да тўқайлар ичида йўлбарслар бўлган дейишади. Баҳорда узоқ Африка ва Ҳиндистондан бизга учиб келадиган қушларнинг аксарияти мана шу Амударё ва Сурхон ёқаларига тушиб, дам олиб, куч тўллаб, Ўрта Осиё кенгликларига ва ҳатто бундан ўтиб, Волга бўйларига ҳам борадилар. Гангу Нил сувини ичган қушлар Аму, Сурхон, ундан кейин Сирдарё сувини ичмай иложлари йўқ. Ўрта Осиё дарёлари ёқасидаги қўриқ ерларининг жаҳоний аҳамияти бор, буни кексалар яхши биладилар.

Яқиндагинада ака-сингилдек яқин, шийпондаги кабобу коньякли дастурхон устида «олинг, олинг» бўлиб юрган Ҳанифа Бегимкулова билан Жўрақулов бу тўқнашувдан кейин расмийроқ гаплашадиган бўлиб қолишди. Жўрақулов дарё бўйи бутазорни бузишни тўхтатди. Ҳанифа ўз кишиларини тезда бу ердан олиб, экскаватор ишлаётган бригадага ташлади. Лекин у бу масала юзасидан Обкомга бориб айтишини Ҳотам Жўрақуловга маълум қилди.

IX боб

Бу мағлубиятми?

Райондан ташқарига чиқмаган Онахон Жўмард сабаб бўлиб, Сурхон водийсини айланиб чиқди. Бу иш зўр бўлди! Ўз тупроғидаги тарихий ёдгорликларни кўрмасдан, билмасдан одам қандай қилиб ўзини маданиятли санаши, шу ер фарзандиман, дея олиши мумкин! Шу ёшга-ча водийдаги Зурмала ва Қумқўрғон миноралари, Термизий ва султон Саодат ёдгорликларини, Деновдаги «Саид Оталиқ» мадрасасини кўрмай юриш, бу — бадавийлик эмасми! Чўкиб ўтирмай, юрган кишига йўл очилавериши далда бўлиб, Онахон имтиҳонлардан қутулиб, сорбургутдек Тошкентга парвоз этишга жазм этди. Жўмард унинг Тошкент университетига ҳужжат топширишига, конкурс имтиҳонларига ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

Иссиқ ёз кунларининг бирида Онахон бир неча дугоналари билан ЯҚ-40 да Тошкентга учди. Тошкентда ўқиётган акаси Кунтуғмишга телеграмма берилган, у кутиб олиши керак эди. Тошкентда, бировнинг ҳовлисида ижарага турадиган бир дугонаси ёнига тушиши керак эди. Ҳовли эгасини яхши одам деб эшитган. Бундан ташқари, Жўмард ҳам Тошкентга келишини айтиб, унга адрес ва телефон номерларини берди. Бир соатдан мўлроқ учган лочин сурхон қизларини пойтахтга олиб келиб қўнди. Дарҳақиқат, уларни Кунтуғмиш кутиб олди. Онахон енгилгина чамадончасини акасига бериб, аэропортдан чиқди, у биноларга, кўча тўла одамларга маҳлиё бўлиб боқарди. Шаҳар шов-шуви, тинимсиз ҳаракат, автобусларнинг тинмай ғувуллаб чопиши, трамвайлар жаранги уни ўз қучоғига олди. Улар таксига тушиб, аввал Алишер Навоий кўчасига, ундан Юсупов кўчаси орқали Уста Ширинга чиқишиб, кўча юзидаги ҳовлилардан бирига киришди.

Июндан бошлаб асосан тошкентликларнинг баъзилари курортларга жўнашади. Шундоқ улкан шаҳарда ҳам кўчалар бир қадар тинчиганлиги сезиларди. Бу асосан уч нарсадан: ҳавонинг ниҳоятда қизиб кетгани ёши катталарни деналарга қамашни бўлса, иккинчидан, путёвкани борларнинг Қора донгиз бўйига учини ва ниҳоят, метро ҳам гавжум йўлкаларда чумолидек ўрмалаган кишиларни хўшлаб, ер ости саройларига тортиши. Анҳор бўйлари, Хадра ва истироҳат боғларида одамлар бир қадар камайган. Шимол ёқдан учиб келган гала қушлардек, бу кунлар Ўзбекистон пойтахти узоқ қишлоқлардан келган ёшларга тўлиб кетади. Йигитчалар, қизлар қариндошлари ё таниш-билишлариникига келиб тушаверишади.

Сурхонлик қизларнинг бири биофак, бири филфак, Онахон билан Бозоргул физматга ҳужжат топширишди. Конкурс катта бўлишига қарамай, улар ишонч билан келишган. Сурхондарё шароити тошкентлик ўқувчиларга нисбатан оғирроқ бўлгани, салкам икки ой теримда бўлишгани ҳам қўрқита олмасди уларни. Қизгин дарс, тайёргарлик, олинган «аъло» баҳолар, Бозоргулнинг олтин медали уларнинг бир қадар кўнглини тўқ қиларди. Бундан ташқари республиканинг узоқ жанубий районларидан келган ёшларга имтиёз берилишини ҳам билишарди. Кунтуғмиш синглиси ва ҳамқишлоқларини Бозоргулларнинг танишиникига жойлаштириб, югуриб, кўчадан сомса, нон олиб келиб, гўё тинчитиб, ўз иши билан кетди. Онахон акасининг жуда қийинчилик билан ўқиётганини биларди. У Бозоргулнинг учинчи курсда ўқиётган опаси Жумагулдан Кунтуғмишнинг шанба, якшанба кунлари мардикорликка чиқиб туришини, бир ошнаси ўзи билан бирга олиб юришини эшитиб ранжиди. Бир кун у иттифоқо ўзини ўқитаётган домласи ҳовлисида ке-

либ қолибди. Домла таниб, шу лаҳза ўзи ҳам ечиниб, лой ишига тушиб кетгани, қип-қизариб турган Кунтуғмишга у ҳам студент вақтида тирикчилик учун бировларнинг ишини қилгани, ота-онаси ёшлигида ўлиб кетиб, болалар уйда ўсгани, доимо томсувоққа борганини айтиб бериб, Кунтуғмишни ҳижолатбозликдан қутқазибди. Домла ва шогирд кечгача ишлаб, шеърят ҳақида гаплашишган, домла пул ҳам, китоблар ҳам бериб, ош дамлатиб, уни яхшилаб зиёфат қилиб жўнатган... Бу гап Онахонни хомуш қилди. Акасининг тирикчилик учун ишлаб юрганини у ёқда ҳеч ким билмасди. Лекин бу гап лип этиб ўтиб кетгандай бўлса ҳам, Онахонга қаттиқ таъсир қилди. Бир муддатдан сўнг у ўзини чалғитиб, қизлар гурунгига қўшилиб кетди. Гап янги причёскалар мода бўлгани, «жинси» деган тор шимни қизлар ҳам кияётгани устида борарди.

— Қизлар,— деди иссиқ қомсани пуфлаб еяётган Бозоргул,— хозайкамизнинг қизлари бор, сочини «гарсон» қилиб, «жинси» кийиб юради.

— Чиройлими, нима иш қилади?

— Эридан чиқиб келган... Мана бу ери бундайроқ,— Бозоргул бош бармоғини чаккасида айлантиради,— атир-упа магазинида ишлайди. Аясини куйдирган...

— «Мана бу ери мундайроқ» бўлса, ўзимиз қатори экан...

— Ха-ха-ха-ха.

— Тошкентда ҳам «мана бу ери мундайроқ»лар бор эканми,— деди Онахон гапга араллашиб,— мен пойтахтдагиларнинг ҳаммасини аллақандай одамлар дердим.

— Сабр қилсанг кўрасан,— деди Бозоргул,— во-о, жуда ҳам модний кийинишади. Бизларни «кўрпа чит киядиганлар», дейишади, тош асри одамларига ўхшаб қоламиз. Чўтмат ака «центнер», «тонна» сўзини кўп ишлатгандай, хазяйка аямиз «грамм»ни кўп айтадилар.

Негадир Онахон хомуш ўтирарди. Уни кузатиб турган дугонаси:

— Нима, сени қитиқлаб кулдирамизми! Ташвишларинг бўлса у ёқда қолди. Сен Тошкентдасан! Хурсандчилик қилайлик!— деди.

— Тўғри. Лекин катта хурсандчилик имтиҳондан ўтолсак бўлади. Сенинг ишинг бизга қараганда яхшироқ — олтин медаль билан тамомлагансан. Битта имтиҳон берасан.

— Гап унда эмас.

— Буғдойдами?

— Қизлар! Пора берганлар ўтмай қолиб, биз ўтиб кетсак зўр бўларди-а!

— Чучварани хом санама! Улар ёмон, пул ҳамма нарсани қилади.

— Бултур қайси бир институтда шундай иш қилганларнинг сирини очилибди.

— Телефонбозлик, мансабдорларнинг «илтимослари»чи?

— Ҳа. Афсуски, ҳали йўлимизда «қора девлар» бор, улар панд беради. Таваккал қилиб, имтиҳонга кираверамиз.

— Мен таваккал қилолмайман, яхши тайёрланганман, киришим керак!— деди Онахон.

— Менинг ҳам киришим керак!— деди физматга топширган қиз,— агар киролмасам шарманда бўламан. Яна бошқа гаплар ҳам бор... Қайси юз билан қишлоққа қайтиб бораман. Ўзимни поезд тагига ташлайман.

— Ҳей, бундай гапларни айтма! Аҳмоқ!

— Мен, албатта кираман! Мабодо киролмасам, бориб эрга тегаман. Бу ёғини ҳам тўғрилаб қўйганман. Йиқилсам харсанг тошга эмас, пар ёстиққа йиқиламан. Қизлар, сизлар ҳам шунақа қилинглар, нима жонимиз бекорга келибдими, ишқилиб ҳаммамиз ўтайлик. Мабодо йиқилсак пар ёстиққа, партўшакка йиқила қолайлик...

— Ха-ха-ха-ха-а.

— Ҳазимиз томондаги партўшакка! Тошкентнинг партўшаги қаттиқроқ.

— Ха-ха-ха-ха-а.

— Бунда чалғиб, партўшакка йиқилиб юрганлар ҳам бор, эшитганмиз. Туғиб қўйганлар ҳам бор...

— Э, бети қурсин ўшаларни! Номусларга ўлдиришяпти. Она-оталари билса сўяди!

Шу кунни қизлар кечгача гурпанглашиб, гаплашиб ўтиришди. Етиб ухлаб, эрта билан университетга боришди. Ҳаммаёқни айланиб, жадвалларни кўриб, имтиҳон соатлари, аудиториялар ва бошқаларни кўздан кечиришди. Бу «разведка» кунни бўлди. Эрта, индин ва кейинги кунлар яна шу ерда ўралашди. Куннинг иккинчи ярмида Навоий кутубхонасига боришди. Ора-чора Кунтуғмиш ҳам улар холидан хабар олиб турди. Бир ҳафта деганда Жўмард ҳам учиб келиб, Онахонни топди. Эрта билан келиб, қизлар турган ҳовлига пиширилган гўшт, нон, бир корзинка Даштнавотнинг аноридан ташлаб кетган экан. Кечга яқин Онахон билан учрашиб, шаҳарни айланиб келишди. Меҳмонхонага тушганини, нимаки зарур бўлса, тўғрилаб беришини айтди.

— Биронта мансабдор киши билан гаплашасанми?— деди Жўмард,— маориф министрлигининг муовини отамларнинг жўралари.

— Кераги йўқ,— деди Онахон,— мутлақо!

— Ҳазингиз биласиз, лекин сал-пал ҳаракат қилиш керак.

— Мен тайёрландим, имтиҳонга тайёрман. Яна қанақа ҳаракат қилишим керак. Энг муҳими шу!

— Шундай. Лекин...

— Э, «лекин»ни қўйинг. Шу даврга келиб яна «лекин-пекин...» деб ўтирсан қанақа гап! Мен — комсомол аъзосиман. Сурхандарёдан келдим! Бу — инқилобий шаҳар, шарқдаги маёқ. Имтиҳон комиссиясининг раиси эҳтимол ректорнинг ўзидир. У коммунист. Мен, бир деҳқон қизи, ўз тақдиримни наҳотки шундай буюк одамларга ишонмасам. Ишонаман! Гарчи конкурс қатга, талабгорлар кўп бўлса ҳам, мен яхши тайёрлаганман, ўзимга ишонаман.

— Ҳазингиз биласиз.

— Жўмард ака, сиз Ҳазингиз менинг ўқитувчимсиз. Сиз мenden имтиҳон олдингиз, комиссия билан маслаҳатлашиб «5» баҳо қўйдингиз. Тўғри қўйганмидингиз? Ҳамма саволларга мен тўла жавоб берганманми?

— Ҳа, «5» баҳони сизга бир мен эмас, бошқа ўртоқлар ҳам айтган. Тўғри қўйилган. Сиз биргина тарих эмас, ҳамма фанлардан ҳам «5» баҳо олдингиз. Битта «4» бор. Шу сабабли олтин медаль ололмадингиз. Асосан юқори баҳо билан Тошкентга келдингиз.

— Шундай экан, нега мен кимларнингдир телефон қоқишини илтимос қилиб, ўз ғуруримни ерга уришим керак! Нега мен ўз виждонимни ҳақорат қилишим керак! Нега мен тўғри йўлдан бормаслигим керак! Сиз, ҳурматли ўқитувчим сифатида менга тўғри йўлдан боришни маслаҳат беришингиз керак эмасми?

— Керак. Мен сизга фақат «ҳурматли ўқитувчи» эмасман.

Онахон юриб кета туриб, Жўмардга жилмайди. Одамларга сездирмай, унинг қўлларидан маҳкам ушлади.

— Ҳа, сиз устозимсиз, энг севикли, ёлғиз... Тушундингизми, ўртоқ Бойбўсинов!

— Тушундик. Сизнинг характерингиз менга маълум, сиз мағрур тоғ бургути, пахтазор лочини, эгилмас пўлат, ўтюрак комсомол...

— Зоя Космодемьянская, деб қўя қолинг.

— Ундан ҳам зўр!

— Уҳ-ўҳ-ўҳ! Сиз билан биз Сурхон фарзандларимиз, бизнинг тарихимиз минг йиллар билан ҳисобланади. Зўр! Биз давлатга пахта берамиз, бизнинг пахтамыз ипак пахта! Мен ҳам ўқиб, ҳам икки ойлаб, уч ойлаб пахта тераман. Қўлларим ёридиб, тирноқларим қон бўлиб кетгунча тераман. Уйга келиб белларимизни кўтаролмай ётамыз. Макарон шўрва ичиб, пахта терамиз. Қуёшдан аввал туриб, қуёш ботгандан кейин даладан чиқамиз. Буни мен миннат қилаётганим йўқ, буни мен фақат сизга айтяпман. Биз буни давлатимиз учун қиляпмиз. Давлат ўзининг сурхонлик қизларини хафа қилмаса керак! Партия ҳамма ишимизни билиб турибди. Мен жуда ҳам ишонаман, мен комсомол сафига ишониб кирганман, унинг ишига садоқат билан бел боғлаганман. Сиз, қизларни Зоя Космодемьянскаяга ўхшатсангиз, буни биз киноя эмас, тўғри тушунамыз. Бир Космодемьянская ҳозир минг, миллион... Мен фахр ётаман, чунки бизнинг даладаги ишимиз ҳам қаҳрамонлик намунаси...

Жўмард ҳаяжонланиб, дам эркаланиб, очилиб, ўзини жуда ҳам эркин тутиб гапирётган Онахонга қараб кулиб қўйди. Дарҳақиқат, бу юрак сўзларини унга гапирмаса кимга гапирди. Бу қиз арши аълода экани, юраги покиза, қинғир-қийшиқ ишлардан тамоман узоқ, баландпарвоз гаплар тагида самимият ётганлигини, лекторлар, газеталардаги мақолалар, телевизордаги ҳамма гапларни тўғри тушуниши, комсомол ташкилоти топшириқларини чин юракдан бажариши, умуман плакатлардаги пахтакор, ажойиб қиз шу эканлигини пайқарди. Ниҳоятда ҳақгўй, софдил қиз қидирилса, мана, Онахон яққол мисол! Уни район комсомол комитетига биринчи секретарь қилиб сайлашса ҳам хато бўлмасди.

— Онахон, сиз яна бирон ҳафталардан кейин имтиҳонга кирасиз, мен эрта ёки индинга қайтишим керак. У ерда ишлар борлигини биласиз...

— Албатта, Жўмард ака, сиз боришингиз керак. Иншодан ўтишим билан сизга телеграмма бераман. Бизлардан хабар олгани келганингиз учун раҳмат!

— «Сизлардан» эмас, фақат сендан. Сенинг ажойиб қиз эканингни биламан, ишонаман. Мана шу уйда дарс тайёрлаб, имтиҳондан ўтгандан кейин тезда қизлар билан уйга қайтинглар. Зиёфатга чақиришса бориш керак эмас. Дугоналарингдан ажралмаслигингни илтимос қиламан.

— Асло ажралолмайман. Кунтуғмиш акамлар ҳам ҳар куни келиб турибдилар. Хотиржам бўлинг.

— Емон одамлар кўп. Мен шу ерда ўқиганман, биламан. Эҳтиёт бўлиш керак. Баъзи қизлар...

— Сиз! — Онахон одатдагидек Жўмарднинг қўлини ушлади, — сиз ишонинг. Жуда ҳам ишонинг.

Индинга Жўмард кечга яқин Онахон билан хайрлашиб кетди. У эрталаб соат тўққизда Термизга учар экан.

Яна кунлар ўта бошлади. Сурхон қизлари бошқалардан қолишмай имтиҳонга тайёргарлик кўришди. Айниқса ўзига ишонган Онахонлар жуда қаттиқ киришишди. Келганларига кўп бўлмаса ҳам, сурхонликлар бунда кўп нарсани кўришди, яхшини ҳам, ёмонни ҳам — софдил кишиларни ҳам, вайсақиларни ҳам. Киши яшамайдигар кимсасиз зах хоналарда, хонақоҳларда ва мақбаралар ичида киши ҳаётига хавф соладиган ёмон микроблар бўлади, дейишади. Лекин одам гавжум жойларда, айниқса, кўчаларда фойдали микроблар ҳам бўлармиш. Кўп вақт зарарлиларини инсон учун фойдали микроблар емириб, кўча чанги, ҳавоси доимо инсон саломатлиги учун фойдали бўлармиш. Кўча чангидан қўрқмаслик керак...



Биринчи август куни эрта билан қизлар иншодан имтиҳон бериш учун университетга келишди. Турли аудиторияларга киришди. Имтиҳон — ёзув туш маҳалигача чўзилди. Тушда улар ташқарига чиқиб, юраклари така-пука бўлиб, уйга қайтиб келишди. Баҳо эрта ёки индинга маълум бўлиши туфайли, улар иккинчи имтиҳонга ҳозирлик кўриша бошлади. Лекин Бозоргул мана шу бир имтиҳоннинг натижасини билишга шошарди. Индинига улар яна саҳарлаб университетга келиб ўтиришди. Физматга ариза берган дугоналарига «3» баҳо қўйилгани, Бозоргул ёзмадан «5» баҳо олгани, Онахон билан дугонасининг йиқилгани маълум бўлди. Онахон буни эшитиб, эси оғиб қолди. Коридордаги скамейкага ўтириб ҳайрон бўлар, ҳеч нарсага тушунмасди. Ия, бу қандай бўлди! Негадир лабларигача оқариб, титрарди. Наҳотки унинг ёзма ишидан кўп хато чиқиб, «2» қўйилган бўлса! У умрида «2» олмаган, аксинча «икки»чилар билан иш олиб бориб, уларни кўтарган эди. У ярим соатдан мўлроқ жим бўлиб қолди, дугоналар ҳам бир нима дейиша олмади. «Аёло» баҳо олиб хурсанд бўлган Бозоргул ҳам тешилган пуфакдек шалвираб қолди. Қадрдон дугонасининг «йиқилиши» уни хурсанд қилолмайди! Бир муддатдан сўнг у Онахонга мурожаат этди:

— Ректорга кирамизми?

Онахон бош чайқади.

— Текширишимиз керак!

— Нимасини текшираамиз. Йиқилибман-да.

— Бундоқ бўлиши мумкин эмас!

— Нега? Бўлиши мумкин. Кўп хато қилганга ўхшайман.

— Вайй, энди нима қиламан. Сен билан бирга туриб ўқимоқчи эдим.

— Мен ҳам шундай ўйлаган эдим. Ҳамма вақт биз ўйлагандек бўлавермас экан.

Университет вестибюлида сингисини қидириб юрган Кунтуғмиш узоқдан Онахонларни кўриб югурганича келди. Аҳволини сезиб, унинг ҳам тарвузи кўлтиғидан тушди. Бундай пайтларда йиқилган курашга тўймайди, деганларидек, ректорга ариза, ректор кабинетини тақиллатиш, қабулхоналарда кутиб ўтиришлар кўпаяди. Имтиҳонлар якулланганда «балл»и етмаганларнинг шикоят, мандат комиссиясига ариза берадиганлар ҳам топилди. Бу ҳангомаларни Онахон эшитган. Акаси ва дугоналарининг, энди нима қиламиз, деганига Онахон ўйлаб туриб жавоб қилди:

— Ҳужжатларимни олиб, қайтиб кетаман. Вассалом!

— Сал ўйлайлик, сабр қил,— деди Бозоргул.

— Шу бугун кетаман! Кечқурун поезд бор, ака, мени жўнатиб юборинг,— Онахон алаmidан кулди,— ЯҚ-40 да осмондан келган эдим, энди поездда ердан кетаман. Буни конкурс дейдилар. Ҳамма ҳам ўтавермайди. Сени, Бозоргул, чин юракдан табриклайман!

Бозоргул ерга қаради.

Бир оздан кейин Онахон дугоналари, Кунтуғмиш билан бирга таксида уйга қайтиб келишди. Нарсаларини йиғиштириб, ака-сингил вокзалга боришди. Икки соатдан кейин йўлга чиқадиган «Тошкент — Душанбе» поездига билет олишди. Кунтуғмиш сингисини вокзал ресторанига олиб кириб, яхшилаб қорнини тўйдириб, поездга чиқарди. Онахон ёнидаги юз сўм пулни ҳам акасига қолдириб, ҳайё-ҳув деб Сурхон томон жўнади. Ичига чироқ ёқса ёримасди. Қиличи синиб, қалқони тешилган паҳлавондек, абжағи чиқиб, тақа-тақ, тақа-тақ... жануб томон борарди..

X 606

Чуқур илдишлар

Онахон поезддан тушиб, ўткинчи бир машинада қишлоғи Қакайдига етиб келди. У бўлган гапни уйдагиларга айтди. Поездда шамолладими, асаби бузилиши натижасими, оғриб қолди.

Водийни ўраган Бойсуну Қўҳитанг, Вахшивору Боботоғларнинг баланд чўққилари осмон ўпиб турибди. Асрий миноралар ҳам собит. Худди шундай бу заминда боғу бўстон яратган, шу замин учун жонини берган бобокалонлар ҳам жойида. Ҳой қиз, бизнинг зурриётимиз, невараларимиз, сен нега йиқилиб, сарнигун ётибсан, дегандек бир нидо унга эшитиларди.

Қакайди қизғиш рангда ёйилиб оқиб ётган Сурхоннинг чап қирғоғида. Пасту баланд уйлар, бир неча айланма тор кўчалар ўрталаридаги майдон, ўрқач деворлар, молхона, очиқ майдондаги ер тандирлари, дарахтларнинг камлиги билан у Сурхон ерларидаги бошқа қишлоқларга ўхшарди. Қишлоқ ичида макка экилган ерлар анча-мунча. Дарё яқинида битта-яримта қорамол, қўй-эчкилар ўтлаб юрибди. Қишлоқ ўртасидаги жимжит майдонда бир эшак ернинг чангини чиқариб, у ёқдан-бу ёққа ағанамоқда. Иккинчиси унга тикилиб қараб турибди.

Неварасининг Тошкентдан қайтиб келиб, бетоб ётгани Ҳақназар отани ҳам уйга қамади. Доктор чақирди. Шу неварасини яхши кўрган учунми, ўз қўлида катта бўлгани сабаблими, кеча кун бўйи тепасида ўтириб бугун у баланд шийпонига чиқиб, қишлоқ кўчаларига, майдонга, ундан наридаги дарё бўйларига тикилиб, хаёл суриб ўтирарди. Унинг хаёли ҳамма вақт фахр билан ҳимоя қилиб юрадиган йигирма тўққиз, ўттизинчи йилларга: ўтли йилларга кетди. Қакайди қишлоғининг дарёга яқин томонида атрофи пастқам девор билан ўралган ҳовли бор, қуёшга юз ўгирган кўримсизгина уй-айвон бу ҳовлининг кўрки, ўша пайтда айвон ердан бир газ кўтарилиб, олдига уч устун қўйилган эди. Ёнидаги уйга айвондан кирилади. Хона ярим қоронғи, унинг ҳовлига қараган биттагина деразаси бўлиб, унга увада бир парда тутиларди. Ҳозирги ёруғ хоналару ойнавон ганжилар олдида у товукхонага ўхшарди. Тор кўча юқорисида томи босган, ўт кетиб, қорайиб қолган уй ҳам бор бўларди. Бу ҳовлию пастак уй Ҳақназар отага боболаридан мерос; шу чолдивор, торгина ҳовлисига ўша пайтда соғ-саломат қайтиб келганига, қариндош уруғлари билан юз кўришганидан хурсанд эди. У беш-отар милтиғини доимо уй қозиғига илиб қўярди. Ушанда у ажбир йигит Қакайди юқорисида бўлган қонли жангда қўрбоши Иброҳимбек йигитларини тор-мор этиб, Ёвон, Норин, Обикийик қишлоқлари ва Кофирниҳон томонлардан шиддат билан келган босмачи йўлини тўсган. Қўрбоши қашқирлари билан Термизни кўзларди. Қизил командир Дроздовскийнинг отлиқлари сафида бўлган Ҳақназар полвон даштда бир неча кунга чўзилган отишмада ўзини кўрсатди. Ўттизлардан ошган мўйловли бу йигит отда яхши чопар, милтиқдан мерган эди. Иброҳимбек йигитлари билан бўлган жангда ҳалок бўлган Молчановни ўз қўли билан Қакайди қишлоғига дафн этган. Ўзи қаттиқ ярадор бўлиб Термизга жўнатилган эди. Уқ еган Ҳақназар тезда тузалиб, Қакайдига қайтиб келиб, қашқирлар томонидан таланган, ёндирилган қишлоқда ота-бободан қолган бир парча ерни ватан қилиб, шу ерлик Шабона деган қизга уйланган эди. Беш қиз, бир ўғил кўришди. «Беш қиз кўрдинг, Ҳақназар, энди шундоқ жаннатга кириб кетаверасан», дейишарди ошналари. Ҳақназар кулиб, худонинг бергани, қиз бола — бахт, дерди. Ўғлига Қилич деб, қизларига Инқилоб, Адолат, Маъмура, Хуррият,

Ўғилой деб ном қўйди. Кимсасиз чолдевор ҳовли болалар билан яшариб, бўстонга айланди. 1931 йили Сурхондарёга келган Йўлдош Охунбобоев «партизан Ҳақназар»ни Термизга чақириб, бу ерда, область партия ташкилотида у билан суҳбатлашди. Сурхондарёда колхоз тузиш ишлари билан юрган Охунбобоев кейинчалик Қакайдига келиб, Ҳақназарникида бир кун тунади. Шундан кейин якка хўжаликлар бирлаштирилиб, «Зарбдор» колхози тузилди. Колхозга Ҳақназар раис қилиб сайланди. Фарзандлар бўйга етиб, узатилди. Сурхон бўйидаги кичик «Қизил кетмон», «Зарбдор», «Қўшчи» колхозлари бирлаштирилиб, «Чаганиён» колхози ташкил топди. Бу йириклаштирилган колхозга ҳам Ҳақназар раис қилиб кўтарилди. Жўрақул — партизан Ҳақназар отага муовин бўлди. Жўрақул ҳам ўғил кўриб, номини Ҳотам қўйди. Ҳотам ва Қилич вояга етганларида уруш бошланиб, ҳарбийга чақирилишди. Қакайди, Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон йигитлари Термизга тўпланиб, ундан фронтга жўнашди. Қўплар қайтмади... Лекин қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади, деганларидек, Ҳотам билан Қилич олдинма-кейин қайтиб келишди. Ҳотам енгил ярадор бўлиб, тузалиб кетган бўлса ҳам Қилич бомбардимонда бир оёқдан ажралиб, олти ойга яқин госпиталдан-госпиталга ўтиб, ногирон бўлиб қолди. Иккала йигитнинг ҳам гимнастёркаси кўксига Қизил Юлдуз ордени ярқирарди. Иккала йигитни ҳам тўй-томоша билан уйлантиришди. Қилич бир ўғил, бир қиз кўрди. Ўғлига Кунтуғмиш деб ном қўйишди. Ғалаба қилдик, қуёшимиз яна ҳам барқ урди. Бу фарзанд қуёшли ўлка фарзандидир, дедилар. Ҳақназар ота Эрназар шоир айтadиган дostonдаги машҳур қаҳрамон Кунтуғмишни ҳам кўзда тутган эди. Икки йилдан кейин Онахон туғилди. Ҳақназар бобо чақалоқни қўлига олиб: «Онажоним, онам, она қизим...» деб эркалади. Серсоқол, барваста бобо икки неваранинг қадрдон ўртоғига айланди. Лекин орадан икки йил ўтгач, Улуғ Ватан уруши йилларида, операция вақтида наркозни кўп олгани сабаб бўлдим, Қилич дунёдан ўтди. Шунча қирғин жанглардан соғсаломат келган Қилич «арзимаган» бир сабаб билан дунёдан ўтди. Ҳақназар ота йигирма бир невара кўрди, лекин улардан иккиси ўз ҳовлисида, қаноти остида эди. Ота ўтгиз йилдан мўдроқ «Чаганиён»га раислик қилиб, кейинги йилларда раисликдан озод бўлиб, пенсияга чиққан. Лекин деҳқон кишига пенсия ярашмайди, ишлаб ўрганган одамлар жим тура оладими?— у колхоз правлениесининг аъзоси сифатида ҳамма ишларга аралашарди, маслаҳатлар берарди. Ҳақназар ота билан Шабона буви наинки ўз неваралари ўртасида, бутун Қакайдида: «Чаганиён» хўжалигида, қолаверса водийда асрий чинорлардай чуқур илдиэ отиб, селу довулларга, гиёҳларни қовжиратган жазирама иссиқларга, афғон шамолига дош бериб келмоқда. Бу чинорлар илдиэи сурхон ерлари бағрида ётибди, томирлар бир-бирига пайванд бўлиб кетган, уни асло узиб ташлаб бўлмайди!



Тошкентдан келиб, касал бўлиб қолган Онахон ёнига бобо ҳар куни кириб турарди.

— Тузукмисан, болам?

— Бугун тузукман,— деди Онахон ёстиқдан бош кўтариб,— ҳам томоғ оғриғи, ҳам шамоллаш. Поездда муздек лимонад ичган эдим...

— Тушунаман,— деди чол неварага бароқ қошлари остида ярқираб турган кўзларини қадаб. У неварасининг «лимонад ёқмади» эмас, йиқилиб келиб андуҳ тортаётганини, ёшларнинг ўқишга киролмай, қайтгани ҳазилакам гап эмаслигини биларди. Иброҳимбек қашқирлари кишлоқни ёққанда, қизил аскар болаларни ушлаб, эл кўзи олдида отганини ҳам, хотин-қизлар номусига тажовуз этганини ҳам кўрган... Бу

аламларга бардош берган. Шунинг учун ҳам Қакайди юқорисидаги бўлган жангда қизил аскарлар, тоқати тоқ бўлган халқ босмачини тор-мор этди. Қўрбоши ҳам Қофирнихонда зўлга тушган.— Менинг неварам, зурриётимга озор берганларнинг заволини кўрмай ўлиб кетадиган подон йўқ! Ёстиқдан бош кўтариб ўтирган Онахонга гап қотарди.— анор егин, кўнглинг ёришади. Раисамиз Ҳанифа Бегимқулова кеча анча-мунча анор юборибди. Анор юракнинг тафтини олади. Қосага сиқиб берайми?

— Йўқ, бува, безовта бўлманг.

— Яна санга бир гапни айтишим керак. Ҳеч нарсани ўйлама, ҳадеб ўйлайвериш ҳам кишига таъсир қилади. Андуҳ ёмон! Худога шукр, ҳамма нарса яхши, бу йил бўлмаса янаги йилга, албатта, кириб оларсан. Сени Тошкентга ўзим олиб бораман, кўкрагимга Олтин Юлдузимни, ҳамма орденларимни тақиб оламан.

— Буважон, аслида сиз билан бирга борсам бўлар экан.

— Мен сенларга айтаманки, ҳой, қизлар, бунақа муҳим ишларга мен билан бирга боринглар! Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бир ерга кириб боргандан кейин у билан ҳисоблашмай иложлари йўқ! Сенларнинг илминг кўп бўлгани билан бари бир ёш боласанлар! Мени олиб борганларингда мана бундақа кўрпа-тўшак қилиб йиғлаб ётмас эдинг. Гурурларинг кўп, бировга илтимос қилишга бўйнингиз ёр бермайди, ҳаммангиз ўзингизча бир нимасизлар! Ҳа, майли, хафа бўлма, келгуси йил сени Тошкентга ўзим олиб бораман. Шу баҳона бўлиб, у ердаги кадрдонларни ҳам кўриб келаман. Қори Ниёзий домла, яхши юрганмикинлар. Сени ўша кишига ҳам тайинлайман ёки Академиясидаги ўқишга киритиб қўяйми? Юрасанми, биратўла академик бўласан-қўясан. У ҳамма институтларингдан юқори, деб эшитганман. Ҳақназар буванг анча-мунчага илтимос қилмайди, ҳа, биз паст кетмаймиз, қизим, хафа бўлма, битта сани ўқишга киритолмасам нима деган одамман! Дунёда нима қилиб юрибман! Й-ў-ў-ў-қ, ҳали Ҳақназар ота тирик экан, ҳамма нарса яхши бўлади!

Онахоннинг чиройи очилди. Унинг ёнаётган юрагига Дашнавог анорининг суви эмас, буванинг пахтадек беғубор гаплари тасалли берди. У ҳатто андуҳ тортиб ётганига ҳам уялди, шундай мўътабар бобосини изтиробга солганидан хижолат бўлди. Бува ҳам бу гапларни азбаройи куйиб кетганидан айтганини фаҳмлаб турарди.



Орадан бирон ҳафта ўтиб, Қумқўрғондан қайтаётган Ҳотам Жўрақулов Қакайдени босиб ўтиб кетишни эп кўрмай, машинасини Ҳақназар ота эшигида тўхатиб, ичкарига кирди. У бобони кўргани келдими ёки пахта терим вақтида танишиб олгани тили аччиқ, шаддод қизнинг университетга киролмай қайтиб келиб касал ётганини эшитиб келдими, ҳар қалай, кутилмаганда Ҳақназар ота ҳовлисига кириб келди. Бундай фавқулода ишларни Жўрақуловдан кутиш мумкин эди. У, мен райком секретариман, деб пояндоздан четга чиқмай юрадиган баъзилардан тамоман фарқ қиларди. Район туғруқхонаси билан «тез ёрдам»га ўзининг ва иккинчи секретарнинг машинасини бир ойга бериб қўйган ҳам шу одам. Райондаги ҳамма ишдан хабардор, ҳаммага баробар, одамларнинг айтишича, «Жўрақулов пўристой, ўзимизга ўхшаган одам» дерди. Лекин шу «пўристой» одам «думсиз каламуш» деб ном чиқарган база мудирини халқ мулкига хиёнат қилгани учун жиний жавобгарликка тортирилишида «пўристой» бўлгани йўқ. Аксинча!

Жўрақуловнинг ҳовлига кирганини кўрган Шабона буви билан

Онахон шошиб қолишди. Ичкари хонага олиб кириб, дастурхон ёзишди. Онахон чойга ҳаракат қилди.

— Тинчмисизлар? Ота қаёқдалар?

— Эрта билан калхозга кетувди,— деди Шабона буви, Жўрақулов рўпарасида чўкка тушиб ўтириб, фотиҳага қўл жуфтлаб.

— Она қизим, бу ёққа кел-чи!— Жўрақулов айвонда, электр чойнак олдида турган Онахонни чақирди.

— Бувамни чақириб келайми?— Онахон ичкарига кирди.

— Йўқ. Буванг келганида Жўрақулов келди, салом айтди, деб қўясан. Менга сен ўзинг кераксан! Утир.

Онахон ҳайрон бўлиб, бувиси ёнига чўкди.

— Мени танияпсанми?

— Уртоқ Жўрақулов, сизни неварам яхши танийди. Бизларнинг хонадонимизда сизни ҳамма болаларим, Ҳақназар отангиз, ҳамма ҳаммамиз ҳурмат қиламиз.

— Раҳмат! Мен бунинг дадаси билан фронтда бирга бўлганимни билармикан?

— Ҳа-а, садағангиз кетай ўртоқ Жўрақулов, нега билмасин. Жуда билади. Бизлар, ҳаммамиз, қариндош-уруғлар, ҳаммамиз яхши биламиз.

— Мени Ҳотам деяверинг, кампир.

— Йўқ, айланиб кетай, бундай деёлмайман, сиз каттамызсиз.

— Хўп, майли. Менга қара, Онахон қизим, Тошкентга бориб, университетга қиролмай қайтиб келдингми?

— Ҳа.

Жўрақулов бир муддат жим бўлиб қолди.

— Конкурс катта бўлган бўлса керак?

— Ҳа.

— Шуми фақат?

— Ҳа.

— Балл пастроқ бўлдими?

— Йўқ, биринчи имтиҳондаёқ йиқилдим.

— Тушунарли,— деди Жўрақулов буви узатган чойдан хўплаб,— гап бундоқ, қизим. Сен райкомда мен билан бирга ишлайсан. Келаси йилдан ўқиш масаласини ҳал қиламиз.

— Райкомдами?— Онахон ўйланиб қолди.

— Ҳа. Биринчи секретарь қабулхонасида секретарь бўлиб. Нима дейсан?

— Билмасам. Бобомдан сўрашим керак.

— Бобанг қарши бўлмайди. Сен комсомол аъзосисан, умум ишимизга ёрдам беришинг керак. Партия ишининг катта-кичиги бўлмайди.

— Шу ўрин бўшмиди?— Онахон райком биринчи секретари қабулхонасида Лаълихон дейдиган аёл ишлаши, у районга отнинг қашқасидек маълум эканини биларди.

— Эртага ҳужжатларингни олиб райкомга бор, соат ўн, ўн бирларда.— Жўрақулов пиёлани дастурхонга қўйиб, ўрнидан турди. Ҳақназар отага салом айтиб қўйишларини қайта-қайта таъкидлаб, дарвоза олдида кутиб турган машинасига ўтириб, жўнаб кетди. Машина кўздан йўқолгунча Шабона буви билан Онахон кўчада кузатиб қолишди.

Ҳақназар отанинг ҳовлисига Жўрақулов келганини шу куниёқ қишлоқда кўпчилик эшитди. Кечқурун ҳалқиллаб ҳовлига кирган Ҳақназар ота ҳам ўзини йўқлаб биринчи секретарь келганидан боши осмонга етди. У жуда ҳам хурсанд бўлиб кетди. Эртасига эрта билан невараси Онахон билан машинага ўтириб, Олтин Юлдуз тақилган костюмининг ҳам кийиб, райкомга жўнашди.



А. ХОЛИҚОВ чизган расм.

XI БОБ

Йўлларнинг чорраҳасида

Биринчи секретарь қабулхонасига ишга чақирилган Онахон шу кунидеъ телефон дафтарларини, райондаги муҳим ташкилотлар номерлари, райижроком, бюро аъзолари, обком секретарлари телефонлари, ундан кейин Тошкент, Марказий Комитет секретарлари телефон номерларигача топиб, иш жойини тартибга сола бошлади. Ёзув столи тортмаларини очган эди, бунда могорлаб кетган помидор, пиёз ва қачонлардир чайнаб ташланган равоч қолдиқларига кўзи тушди. Яна бир тортмада дарз кетган ойнача, лабга сурадиган битта қизил бўёқни олиб саватчага ташлади. Соч илашиб ётган тароғу бўшаб қолган атир шишалари ва шунга ўхшаган ипирисқи нарсалар ғаладонларда тўлиб ётарди. Соч бўяйдиган «басма» коробкалари, эски бир японча парик ҳам ётарди. Онахон ҳайрон қолди. Телефон номерлари дафтари йўқ, умуман ҳеч вақо йўқ. Қачонлардир ёзила бошлаган алвафит дафтари ҳам чала. Ҳотам Жўрақуловичнинг бир, икки, уч... деб, ўн икки рақамгача қабулхонани тартибга солиш вазифаларини айтиб берганини ёзиб олган Онахон шу кун кечгача бу ишни бажаришга киришди. Жўрақулов айтиб берган «қирқ сўмлик» ва «юз сўмлик» ходимлар латифасини ҳам мароқ билан эшитди.

— Бу Лаълихон деганимиз ўзи кўп яхши аёл эди-ю, лекин ўз иш жойига тушмаган эди. Ўзига ҳам қийин бўлди, бизга ҳам... Маиший хизмат кўрсатиш уйига кетди. Бу яхши иш бўлди, моянаси ҳам тузук эмиш...

Онахон Жўрақулов гапига зеҳн билан қулоқ солиб, ҳар бир сўзининг маъзини чаққандай бўларди. У, Лаълихонни асло ёмонламас, лекин иш тутиши бу ерга тўғри келмаганини маданий қилиб айтарди. Онахон мийиғида кулди. Юзи чўзинчоқ, оқ, қирғий бурун, ориқ Лаълихон ўзини жуда чиройлиман, деб ўйларди. Қулогини узиб юборай деб осилиб турган шода зирагию оғзи тўла тилла тиш, агар бармоқларини лунжигача олиб бориб оғзини очса ҳаммаёқ тилла бўлиб кетгандай бўларди. Баъзилар уни «Ювилархон» деса, баъзилар, «Чувалчанг хоним» деб атарди. Бу лақабларнинг тагида ҳам гап бўлса керак, бировга биров бекорга ном қўймайди-ку!

Ишга ҳужжатларни расмийлаштириб, эрта билан биринчи секретарь қабулхонасида, уч-тўрт телефон аппаратлари қўйилган шинам столи ёнида ўтирган пайтида қабулхона эшигини очиб, биринчи кириб келган киши Жўмард бўлди.

— Ассалому алайкўм!

— Салом!— Онахон дик ўрнидан турди!

— Вазифалар муборак!

— Раҳмат!— улар қўл қисишиб кўришаётган эди, Жўмард ўпаман деб унга талпиниб, ғўлдираётганда, Онахон ўзи эркаланиб унинг бағрига ташланди. Жўмард қучиб, ўпди. Шу лаҳза Онахон яна тисарилиб, ўз креслосига яқинлашди.

— Қим бор?

— Сиз.

— Биринчи бормилар?

— Ҳотам Жўрақулович ҳали келганлари йўқ.

— Яхши бўлибди-да, ишга келганингиз. Мен, Чиннихолни ҳовлин-гизга юборган эдим. У билиб келди.

— Сиз норози эмасмисиз?

— Асло! Жуда яхши иш қилибсиз. Уртоқ Жўрақулов меҳрибон киши, бу одам ҳақида кўпчилик яхши фикр айтади. Мен хурсандман.

— Раҳмат! Бу менинг учун жуда муҳим. Бу иш тўсатдан бўлиб қолди.

— Райком иши катта мактаб. Мана шу ердан обком комсомолга биринчи секретарь бўлиб кетсангиз ажаб эмас.

— У-ў-ў! Мусье, лоф қилманг!— У француз фильмидаги бир гўзал жононга ўхшаб эркаланди.

— Сизда комсомол етакчисининг ҳамма сифатлари бор.

— Лаълихон опамга ўхшаб бу ердан сартарошхонага борсам-чи?

— Ундай деманг, фаришталар омин, деб юбормасин.

Иккалалари хахолаб кулиб юборишди. Қайфичоғлик, қувноқлик улар юзларида барқ уриб турарди. Университетга киролмай йиқилиш андуҳи аллақачон тумандай тарқаб кетган эди. Онахоннинг шодлиги, бу вазифага иштиёқ билан киришаётганини, бобоси сабаб бўлибми, ёки Жўрақулов йиқилганларни суяб, турғизадиган, мадад берадиган олижаноб одамлигиданми, бу бир чивиндек қиз ҳам эътибордан четда қолдирилмаганини сезиб, Жўмард дилдан қувонди. Ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўзини тўшакка бериб ётганида Чиннихолни юборди-ю, лекин ўзи у билан учрашолмади. Жўмард Онахоннинг ишларига халақит бермаслик учун бу ерда узоқ турмай, яна бир карра табриклаб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Бир муддатдан сўнг ташкилий ишлар бўлимида хизмат қиладиган кексагина аёл қабулхонага кириб, Онахон билан саломлашди.

— Ишга келдингизми, оппоқ қиз, хабар олгани келгандим.

— Келдим. Лекин ўртоқ Жўрақулов ҳали келганлари йўқ.

— Ҳотам Жўрақулович вақтида келадилар,— аёл қўлидаги соати-га қаради,— ҳали ўн бўлгани йўқ, бешта кам... Сиз барвақт келибсиз.

— Узоқда тураман, машина учраб қолган эди. Тўққиздан олдин келганга ўхшайман.

— Бунақа қийналманг, ўнга етиб келсангиз бўлади. Ҳақназар отамнинг неваралари бўласизми?

— Ҳа.

— Ота бардаммилар?

— Раҳмат.

— Райкомхон деган синглингиз бор экан, салом дедилар, деб қўйинг. Мени кўпдан шундай деб аташади, ўрганиб кетганман. Асли номим Рихсихон. Раяхон ҳам дейишади. Фамилиям — Итолмасова. Баъзиларга фамилиям ёқмайди. Қандоқ қилай, отамиз чўпон бўлган, отлари Итолмас бўлган. Ҳақназар отанинг кўп яхшиликларини кўрганман.

— Албатта, айтаман.

Шу лаҳза қабулхонага Ҳотам Жўрақулович кириб келди. У Онахон билан ҳам, Райкомхон опа билан ҳам қўл бериб омонлашди.

— Рая Итолмасовна, қизимиз Онахонни табрикланг, ишга келди. Ҳали булар ёш — ёшлар хизматда, шундоқми?

— Узим расмийлаштирдим-ку, Ҳотам Жўрақулович.

— Э, дарвоқе.

Жўрақулов кабинетига кириб кетиши билан Райкомхон опа соати-га қаради.

— Мана, кўрдингизми, роппа-роса ўн. Жўрақулов билан ишлайдиган одамлар учун соат тақиш шарт эмас, мабодо соат бўлмаса, унга қараб вақтни билаверса бўлади. Бу одамчалик вақтнинг қадрига етадиган кишини билмайман. Во-ой, баъзи тепса тебранмаслар ҳам бор, ёқамни ушлайман! Дарё тошса тўпиғига чиқмайди. Одам деган шундақа бемалолхўжа бўлавермай, сал куйинчакроқ бўлгани ҳам маъқул экан. Баъзи ҳўкизтабиатлар бор, калтак олиб қувимагунча чиқиб кетишмайди, Ушаларнинг хотинларини шўри қурсин! Эркак деган сал

шаддодроқ бўлиб қора байирдек ер тепиниб турса экан, зоопаркимиздаги каркидондек сувга тушса кечгача ётадиганлар бўлса, юрак сиқилиб ўласан. Районимизни орқага тортадиганлар ҳам шу «бегемот»лар.

Опа бирпас шакаргуфторлик қилиб, кейин ўз хонасига чиқиб кетди.

Тушга яқин бу ерда пайдо бўлиб, коридордан қўнғироқдек жангалаб овози келаётган Ҳанифа Бегимқулова кўп ўтмай биринчи секретарь қабулхонасига кирди. Елкасига икки фотоаппарат осган, тепакал, сергап, ёпишқоқ фотомухбир унинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрарди. У иши ниҳоятда зиқ одамдай коридорда у ёқдан-бу ёққа юрар, устида ял-ял ёнаётган атлас кўйлаги, сочини орқага қубба қилиб олгани ўзига жуда ярашиб тушган эди. Қабулхонанинг бир четида, телефонлар ёнида ўтирган қорамангиз, ҳиндиларга ўхшаш кўзлари чақнаб турадиган Онахон бу «Сурхон водийси устунларидан бири»ни жонжаҳди билан кузатиб ўтирарди. У атлас кўйлаги енглари шимарган, оппоқ билагини олтин билагузук сиқиб турарди. Бўртиб турган кўксига икки чўққи атлас кўйлакни ичидан итариб турар, унинг келишган қадди қомати кишилар эътиборини тортмай иложи йўқ. У илгари дала қарумлари қошида, гўзақатор ораларида кезгани билан ҳозир машина асфальт йўллари, мажлислар, зиёфатлар... Эҳтимол, булар ўша қадимги қилинган қаттиқ меҳнатнинг самараларидир? Киши бахтга, обрўю шон-шухратга меҳнат билан етади. Ҳанифа Бегимқулованинг бугунги шаъну шавкати осонликча келган эмас. Телефонлар ёнида унга кўз қадаб ўтирган Онахон Бегимқуловага тикилар, ҳаваси келарди. Бу орденларни Совет давлати унга гўзал, қадди қомати келишган бўлганлиги учун бермаган! Аммо, у дарҳақиқат, жуда келишган жувон, ўзига нисбатан кўпларнинг ёмон тикилишини ҳам сезарди. Уттиз ёшда баъзи жувонлар шундай ҳусну камолга тўлиб етиладики, улар юрган йўлларда кўзлар тийрибаронидан асло чиқмайдилар.

Ҳанифа Бегимқулова саломдан сўнг Онахонга мурожаат этди:

— Ҳотам акам бормилар?

— Борлар.

— Ичкарида одам борми?

— Ҳа.

— Қим?

— Иккинчи секретарь.

— У киши ҳам керак эди, киравераман!— Ҳанифа бу ерда кутиб ўтирганларга ҳам қарамай, шахдам қадам ташлаб ичкарига кириб кетди. Онахон ҳайрон бўлиб қолди. Кутиб ўтирганлар ҳам бу ким экан, Жўрақуловнинг хотиними, деб таажжуб қилишди. Бу кутилмаганда рўй берган илтифотсизлик Онахонга ёқмади, нописандлик юрагини сиққан бўлса ҳам, одамларга сездирмади. Мухбир у фоточи йигит Бегимқулованинг қайтиб чиқишини кутиб, диванга ўтиришди. Яна бир киши Онахонга кўз қисиб, коридорга чиқиб кетди. Колхоз раиси ҳам. Ҳамма ёқда Бегимқулова, Бегимқулова... Онахон бу машҳур аёлга қандайдир ҳурмат билан қарарди. Ҳозир унинг «кичик одамларни» назарписанд қилмай, ичкарига тикка кириб кетиши Онахоннинг энсасини қотирди. Нега мен «кичик одамлар» бўлар эканман? Анов кишининг кўз қисиши ҳам совуқ бўлди: «Ҳаммаларинг шу хотин кетидан тилларингни осилтириб юрибсанлар...»— деди ичида Онахон. Кейинги пайтда газеталарда Бегимқулова номи кўпроқ зикр этиларди. Баъзан фотосурати, баъзан радиода ипак пахта ҳақида мухбир саволига жавоби, баъзан телевизорда ҳам ҳаммага отнинг қашқасидек таниш Бегимқулова жамоли кўриниб қоларди. Илгари қайрилма қош, дўндиқ Ҳанифа Бегимқуловани «пахтазор лочини» дейилса, кейинги йилларда раиса бўлиб сайланиши муносабати билан энди у звено бошлиғи сифатида суғориш, культивация, машина терими... эмас, арбоб сифатида ипак

пахта нави ва центнерлар, тонналар... план... ҳақида кўпроқ гапирарди. Ҳамма йиғинларда президиумда ўтирар, зиёфатларга ўзининг кўнги-роқдек овози ва ёқимли қилиқлари билан фэйз киритарди, баъзан шўх, кишини беихтиёр кулдирадиган «сахардаги иш учун атлас кўйлак...» деб бошланадиган беибороқ лағифаларни ҳам дугоналарига айтиб, қаҳқаҳа кўтарарди. Мабодо у катта йиғилишларда кўринмай қолса, раҳбарлар уни суриштириб қолишарди. Москвадан келган меҳмон ҳам Ҳанифа Бегимқулованинг номини эшитган экан, учрашувга чақирди.

Кутилмаганда эшик шарт очилиб, яна Ҳанифа Бегимқулова кўринди. У Онахонга мурожаат этди:

— Яхши қиз, бир чой дамлаб кириңг!

Онахон индамади. У яна ичкарига кириб кетаётганида костюми ёқасидаги орденлар, ўнг томондаги Бутинттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасидан берилган олтин медаллар жаранглаб кетди. Жойида қимирламай ўтирган Онахон бир муддатдан кейин қабулхонадаги жовондан пахта гулли чойнак-пиёлаларни олиб, стол устига қўйди-да, чойнакка чой солиб, коридорга чиқиб кетди. Ташкилий ишлар бўлимидаги чойгумдан чой дамлаб, кабинетга олиб кириб берди. Бирон соатлардан кейин чиқиб кетаётган Ҳанифа Онахон ёнида бир лаҳза тўхтади:

— Яхши қиз, ўзимизнинг колхоздан экансан?

— Ҳа. «Чағаниён» колхозиданман.

— Нечанчи бригадада турасизлар?

— Қакайди қишлоғида.

— Яхши, — деди Ҳанифа негадир ўрнидан дик турмай ўтирган жойида жавоб қилаётган қизга разм солиб, — райком аппаратида ўзимизнинг колхоздан ҳам одам бор экан, яхши бўпти!

Онахон индамади.

— Кечқурун бизникига боргин, — деди кибор Ҳанифа бирдан мулойимлик билан, зиёфат бор, қарашасан. Ҳотам ака ҳам бўлади. Кутаман, хўпми?

— Хўп, — деди Онахон.

Лекин у бормади. Ҳанифа Бегимқулова уйда зиёфат борлигини бувасига ҳам гапирмади, чунки Ҳақназар ота Ҳанифанинг кейинги йилларда зиёфати кўпайиб кетгани, шу йўл билан обрў оламан, деб ури-наётганидан норози эди. Ҳанифа эртасига кечга яқин атайми ёки бирор иши бормиди яна райкомга кирди. Қабулхонада чет киши йўқлигини кўриб, Онахондан сўради:

— Яхшимисан, синглим, кеча келмадинг?

— Ишим чиқиб қолди.

— Яхши эмас! Мен — раисангизман!

Бу гап Онахонга оғир боғди.

— Мен, маликанинг этагини кўтариб юрадиган чўриси эмасман!

Район Партия Комитети биринчи секретарининг референтиман!

— Бюро аъзосиникига бориш айбми?! Нима бўпти!

— Ҳаддидан ошиб, мартабасини пеш қиладиганларни, бюро аъзоси бўлса ҳам, партия кечирмайди!

— Тилинг кесиладиган қиз экансан! Тухумдан чиқибоқ ўз йўлинг-ни ўзинг беркитяпсан! Қимнинг қизисан?

— Бунинг аҳамияти йўқ!

Ҳанифа Бегимқулова чимирилиб, зарда билан чиқиб кетди.

Онахоннинг кўнглидан Ҳотам Жўрақулович айтган гап ўтди: шуҳрату мартаба баъзан ҳар қандай камтару хокисор одамни ҳам секин-аста кибор қилиб қўяр экан. Хомсут эмган инсон. Мен асли шунақа эканман, деб бошқалардан ўзини ажратади. Инсон жисми, ҳужайралар ҳали шуҳрат васвасасига бардош бериб, ўз аслини сақлаб қоладиган даражада

эмас. Агар унинг «патини тўзитиб» зардўз ўша хилқатдан тамоман ҳоли этилса, шундагина у яна ўз аслига қайтиб, одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашади, кимларгадир мурувват қилади, кимларнидир эъзозлайди. «Зардўз хилқат» шунақа ёмон нарса... Кўп асрлардан буён аҳвол шу, сўкиниб фиғон бўлишнинг асло ҳожати йўқ! Бу хотин бобосидан кейин раис бўлганини, бобоси ўз ўрнига муносиб бир кишини қўйиб кетмаганини дилидан ўтказди.

Кечга яқин Ҳотам Жўрақулович Онахонга заготскот бошқарувчиси Яхшибек Тайлоқовни чақиришни илтимос қилди. Онахон кабинетдан қайтиб чиқибоқ телефон дафтарларини титкилаб, заготскот идорасини, Тайлоқовни топди. Дарҳол телефон қоқди.

— Ҳозир етиб бораман,— деди Тайлоқов Онахонга босиқлик билан. Тайлоқов ганидан ўпкасини қўлтиқламаган, тажрибали кишига ўхшади. Қабулхонада ўтирган Онахон фақат кишиларни чақириб бериш эмас, уларнинг қанақа одам, давлатнинг шунча мукофотларини олиб, обрў орттирган бўлса ҳам, Бегимқуловага ўхшаган мақтанчоқ, талтайган, ҳаммадан ўзини юқори қўядиган кимсалардан эмасмикан, деб қарарди. Кўп ўтмай Тайлоқов биринчи секретарь қабулхонасига кириб келди. У ўттиз беш, қирқларга бориб қолган сарбат, келишган киши экан. Устида янги костюм, галстук, оёғида қора ботинка, қошлари қуюқ, қалин сочи баррадек жингалак, басавлат. Бу кўркем йигит олдида бошқалар ғажилган суякдек бўлиб қолишарди. Қўлида қорамтир папка. Ичкарига кириб, Онахонга тавозе билан салом берди.

— Мен, Тайлоқовман. Кечикмадимми?

— Йўқ, кечикканингиз йўқ,— деди беихтиёр ўрнидан турган Онахон. Тайлоқов бошқалардек қўл чўзиб, унинг қўлини сиқиб омонлашмагани ҳам Онахонга ёқди. Онахон Ҳотам Жўрақулович атрофида мана шундай қиличдек йигитлар борлигини кўриб, фахр қилиб қўйди. Шу лаҳза Жўрақуловнинг ўзи қабулхонага чиқиб қолиб, Тайлоқов билан илиқ кўришди.

— Қалай, Яхшибек Тайлоқович, ишлар тузукми?

— Ҳамма ишлар жойида, Ҳотам Жўрақулович,— деди Тайлоқов генералга доклад қилаётган офицердек итоат билан лўнда гапириб,— чақиртирган экансиз?

— Азизим, Менгнор отани биласиз-а? Қоровул...— деди Жўрақулов хонада улардан бўлак чет кишилар йўқлиги сабабли. Онахон ўз жойида китобга қараб ўтирарди.

— Ҳа, биламан.

— Қампири анчадан буён бетоб. Буларнинг икки ўғли фронтда ҳалок бўлган. Илгари ҳам ёрдам берган эдик. Шуларнинг уйини ремонт қилиб беришимиз керак. Бу, сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот компетенциясига кирмайди, ижроком бор... Лекин сиз райком аъзоси сифатида шу ишга ёрдам берсангиз. Эрта-индин яна пахта иши билан шуғулланиб кетамиз. Бу иш ёддан кўтарилмасин, деб сизга мурожаат этяпман. Қиш келаяпти.

— Бўпти, Ҳотам Жўрақулович. Ҳамма ишни бажариб, отани хурсанд қилиб, ўзим сизга рапорт бераман. Бу иш бизнинг қўлимиздан келади.

— Яшанг дўстим, шундоқ бўлсин.

— Бошқа топшириқ йўқми, Ҳотам Жўрақулович?

— Йўқ, шу.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Менга рухсатми?

— Бемалол.

У Жўрақулов билан қўл қисишиб, хайрлашиб чиқиб кетди. Қабулхонада ёлғиз қолган Жўрақулов Онахонга қаради.

— Жуда уддабурон йигит. Ремонт қилиб бериш унинг иши эмас,

лекин исполкомдаги баъзи қоғозбоз ўртоқлар чолни овора қилиб қўйганликларини эшитиб, мен Тайлоқовга мурожаат этдим. Бу боплайди. Фронтчи оиланинг тинч бўлуви биз учун жуда муҳим.

Онахон секретарнинг гапига жон қулгини тутиб турарди. Жўрақуловдек киши Тайлоқовга суянгандан кейин, демак, бу одамда бир фазилат бор, деди ўзига-ўзи, Онахон. Жўрақулов кабинетига кириб кетгач, қабулхона тирқишидан секин мўралаб, Райкомхон опа Итолмасова кириб келди.

— Қалай, оппоқ қиз, анча ўрганиб қолдингизми? Машинка қалай?

— Яхши. Анча ўрганиб қолдим.

— Одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ: Машинокани ҳам чиқил-лятяпсиз, ўрганиб кетасиз. Главнийси, Жўрақулов яхши одам. Уч йилча шу Лаълихондек кимсага ҳам чидади-ю! Ишқилиб шу аёлнинг маиший хизмат комбинатига кетгани рост бўлсин. Райком аппаратида урушмаган одами қолмади.

Онахон кулиб юборди.

— Утиринг, опажон.

— Йўқ, йўқ, Жўрақулов ака чиқиб қолсалар уяламан. Бизда чой қайнади, дамлаб ичинг, хўпми?

— Хўп.

— Районимиз асосан пахтачилик райони, ҳамма ишимиз пахтага боғлиқ, ейиш-ичишимиз ҳам шу пахта устидан бўлса-ю, бу Лаълихон тушмагур пахтаги ёнғоққа ўхшаб кузда қоқиб оламиз, деб ўйласа... Бирон марта теримга чиқмади-я! Ё, тавба! Қомсомоллар чиқсин! Партия аъзолари чиқсин, мен партия аъзоси эмасман дейди-я, ноинсоф!

Шу куни кечга яқин давангир Чўли қабулхона эшигини очиб, ичкарига киришини ҳам, кирмасини ҳам билмай, Онахонга тикилиб қараб қўйиб, яна чиқиб кетди. Бу йигит тўладан келган, қорача, суяклари бузуқ, оёғига каттагина кирза этик кийиб юрарди. Унинг коридордан гурсиллаб юриб, сўнг зинапоялардан тўқ-тўқ қилиб пастга тушиб кетаётганини Онахон эшитиб турди. У нега келиб, нега чиқиб кетди, Онахон тушунолмади. Бу йигитнинг ўзига амма томонидан қариндош, қора қўнғирот уруғидан эканини, ҳозир колхоз раисаси Ҳанифа Бегимқуловани машинада олиб юришини Онахон биларди. Бегимқулова шу атрофда бўлса қидириб юргандир-да, деб ўйлади. Чўли бир қадар бесўнақай, лаблари негрларникига ўхшаш қалин, қошлари қўмир билан чизиб қўйгандек қопқора йигит. Унинг ёғи чиқиб кетган дўппи, палапартиш кийимда кириб келганига Онахон ҳайрон қолди.

Келаси ҳафта эрта билан қабулхонага кутилмаганда Яхшибек кириб келди. У вазминлик, катта мансабдор кишиларга хос сиполик билан битта-битта қадам босиб, Онахон ёнида тўхтади.

— Салом алайкўм, Онахон!— Тайлоқов қўл узатди.

— Салом!— Онахон дарҳол ўрнидан туриб, Тайлоқовга қўл берди.

— Қалай, янги вазифага киришиб олдингизми?

— Ҳа, секин-секин.

— Ҳақназар отамларнинг неваралари бўлар экансиз-да. О, ота ҳам фахримиз, ҳам бахтимиз. Шундоқ неваралари борлигини билмас эканман,— у жуда яхши кийинган, жингалак сочи йилтираб турарди. Онахонга жилмайди. Салобати босдимми, Онахон ерга қаради. Тайлоқов бир лаҳзалик сукутдан сўнг асосий гапга ўтди:— Ҳотам Жўрақулович бизга топширган вазифани деярли бажарай деб қолдик. Чол хурсанд, кампири ҳам. Уйларини жуда яхшилаб ремонт қилиб бераётимиз. Шу ҳақда ахборот бергани келган эдим. Томини қайта шифер қиляпмиз, хона ичини алебастр билан яхшилаб суваяпмиз. Менимча чол райкомга келиб, Ҳотам Жўрақуловичга, албатта, ўз миннатдорчилигини айтади.

— Утиринг, ўртоқ Тайлоқов,— деди мулойимлик билан Онахон.— таклиф қилишни ҳам унутибман.

— Йўқ, раҳмат! Мен шу гапни биринчимизга етказиб қўйишингизни илтимос қиламан,— у яна Онахонга қўл узатиб, илиқ хайрлашиб чиқиб кетди.

Тайлоқов чиқиб кетгандан кейин, Онахон мамнун ўз жойига ўтирди. Дунёда қандай яхши одамлар бор, маданиятли, ўзини босиб олган. Баъзилардек димоғларидан эшак қурти ёғмайди. Райком шуларга суянади, шулар билан алоқада бўлади. Ҳотам Жўрақулович одамлар билан ишлагани яхши билади, дейишарди. Рост экан.

Онахонга ўзининг секретарлик вазифаси ёқа бошлади. Олдин бу ишни унча назар-писанд қилмаган эди, бу ер ниҳоятда муҳимлигини, районнинг уриб турган қалби эканини энди ҳис қила бошлади.

XII боб

Атала ичиб ҳам тиш синадими?

Энди воқеа Тошкентга кўчади.

Тонг ёришмасданоқ шаҳри азим трамвайларининг жиринглаши, автобусларнинг кучаниб, пишиллаб югуриши, кўчалардаги юлдузсимон беҳисоб чироқларнинг йилтираши, заводларга шошаётган ишчи йигитлар билан гавжум бекатлар, майдонлардаги чироқлар шуъласида отилиб турган фавворалар...— бари, бари Тошкент жамодидир.

Тонготарда, шаҳарнинг Беруний кўчаси четида дамо-дам қўл кўтариб турган икки киши, енгил машинасини физиллатиб учуриб келатган йигит диққатини тортди. Узоқдан қараб, уларнинг бири кекса одам экани, у ариқ лабида чўққайиб ўтирганини, иккинчиси ёшгина қиз эканини кўрди. Чол бетобга ўхшарди. Кўнгли бўлмай, машинани секинлатиб, қўл кўтариб, тўхташга ишора қилаётган қиз ёнига яқинлашганда, гийқ этиб, тормоз берди. Бундан бир неча ой бурун шу йигитнинг ўз отаси кўчада кета туриб кўнгли беҳузур бўлиб йўл четида ўтириб қолганди, физиллаб ўтиб кетаётган машиналардан биронтаси ҳам тўхтамаган. Ёки бу ер тўхташга рухсат этилмаганми, ёки бағри-тош кишиларга тўғри келиб қолганми, ҳар қалай, унга илтифот қилишмаган. Бир таниш киши кўриб қолиб, қаёқдандир такси топиб келиб, зўрға уйига элтиб қўйган. Бу воқеани отасидан эшитгач, у қаттиқ хафа бўлганди. Шу-шу кўчада илтимос қилиб қўл кўтарган кекса одамларга бепарво қараб, ташлаб кетмас эди. Агар шундай иш бўлса виждонан эзиларди. Чўққайиб ўтирган қора чопонли чол дарҳол ўрнидан туриб келиб, машина эшигини очдида, бемалол чиқиб ўтира бошлади. Атлас кўйлаги устидан жикет кийиб олган қорача қиз ҳам қўлидаги оғир корзинкасини кўтариб, йигит ёнига ўтирди. Машина яна физиллаганича юриб кетди.

— Барака топинг, болам!— деди орқада ўтирган гавдали чол,— боядан бери қўл кўтарамиз, тўхтатишмайди-я! Сиз инсофли одам экансиз.

— Қаёққа борамиз, ота?— йигит келиштириб кийинган, у товус патига ўхшаш галстук тақиб, янги дазмолланган оқ кўйлакда, сочи таралган, ҳозиргина сепилган «Шипр» одекалонининг хушбўй ҳиди димоққа уриларди. Йигит орқадаги чолга, кейин ёнида ўтирган янги тандирдан чиққан нондек қорамғиз қизга бир қараб қўйди.

— Тоштурмага,— деди чол.

- Лаббай.
- Тоштурма деган жой бор экан Тошкентда. Уша жойга олиб бориб қўясиз, ўғлим. Илтимос. Айтган пулингизни берамиз.
- Менинг йўлим бошқа томонга эди-ю, отахон?
- Энди, шаҳрингизга бир келиб қолибмиз, илтимос қиламиз.
- Илтимос қиламиз,— деди қорамағиз қиз ҳам.
- Бўпти,— деди йигит машинани чапга буриб.
- Неварам ёқалашиб қамалиб қолибди. Бизлар Сурхондарёдан, Қумқўрғон районини эшитгандирсиз? Уша томонданмиз. Нодон боланинг ташвиши билан келдик.
- Емон бўлибди-ку! Жим юришса нима қиларкан! Отасини молини талашадими?
- Йўқ,— деди қорамағиз қиз,— фақат ёқалашибган...
- Тоштурмага чиқарган бўлса статья қўймабдими? Статъясини билмайсизларми? У ерга бекорга чиқармайди. Жиддийроққа ўхшайди.
- «Бир юз икки ва бир» статья,— деди дарҳол қиз,— безорилик... Акамлар учинчи курс студенти, безори эмас! У фақат тўполонга аралашиб қолибди.
- Бундоқ денг.
- Шундоқ, ўғлим. Неварам Кунтуғмиш безори эмас! Фалокат-да. Муштлашган...
- Бир ўзими ёки яна шериклари ҳам борми?
- Бир ўзи,— деди чол йигитнинг яхши суҳбатдош, дилкаш бир кимса эканини фаҳмлаб,— биз мана бу неварам, ўша Кунтуғмишнинг сингисини Онахон билан кеча Термиздан учиб келдик. Бу ерда бир таниш одамни кичига тушдик. Неварамга овқат-повқат олиб кетяпман...
- Тушунарли,— деди йигит.
- Бир муддатдан сўнг машина йўл четига бекат ёнида тўхтади.
- Айтган ерингизга келдик. Ана у эшикка кирасизлар, келтирган овқатингизни ўша ерда олади.
- Раҳмат, ўғлим!
- Катта раҳмат сизга!— деди Онахон ёнидан пул чиқариб.
- Пулингизни олмайман. Отамларни узоқдан кўриб, бетобга ўхшаганлари сабабли... тўхтаган эдим. Неварангиз иши юзасидан ҳеч ерга мурожаат этмаганмисиз? Адвокат олмаганмисиз?
- Йўқ, ўғлим.
- Менда бир маслаҳат бор.
- Айтинг.
- Буни қаранг-а! Менинг отам адвокат, юрист. У киши ёрдам беришлари мумкин. Агар лозим топсаларинг мана бу бизнинг адресимиз,— у ёнидан дафтарча олиб, адресини ёзди-да, варақни йиртиб чолга узатди,— айтишингиздан бу оғир иш эмас. Неварангизга ёрдам бериш керак.
- Раҳмат, ўғлим! Минг маротаба раҳмат! Қира ҳақини олинг!
- Йўқ!
- Отингиз нима, ўғлим?
- Ҳумоюн.
- Катта раҳмат сизга!— деди Онахон йигитга тикилиб.
- Ҳумоюн машинасини яна орқага буриб қайтиб кетди. Онахон йўл-йўлакай дафтарчадан йиртилган адресни ўқиди: Беруний кўча, проезд Чимбой, уй № 21. Дўстмухамедов Фаррух. Адвокат».
- Ана, мен сенга айтдим-ку, қизим. Тошкентда яхши одамлар кўп. Тошкент халқи яхши, юраги кенг. Лекин сенинг имтиҳондан ўтолмай, институтга киролмаганингда Тошкент халқининг айби йўқ. Ленин орденини ҳам менга Тошкентда топширилган. Кейин яна Ленин орде-

ни, Олтин Юлдузни ҳам Тошкентда, Олий Совет залида топширилди. Ҳамма ишимизга Масков, Тошкентдан омад келади. Сен бекорга хафа бўлиб юрибсан, болам!

Онахон индамади. У «Ҳумоюн» деган исм борлигини биринчи эшитиши эди. Бу қанақа исм, деди ўзига-ўзи. Шунақа исм ҳам бўларканми, деб ўйлади ичида. Маъноси нима? У бувасидан Ҳумоюн деган исми ҳеч эшитганмисиз, деб сўради. Ҳақназар ота ўйлаб туриб, худойи таолонинг минг бир исми бўлар экан, эҳтимол шу исмлардан бири бўлса керак, деди. «Биз, раҳмону раҳимни биламиз, эҳтимол, Ҳумоюн ҳам бордир. Гап исмда эмас, лекин ўзи анча инсофли йигит кўринади...» — деди бобо.

Улар шу куни Кунтуғмишга келтирган насибани топширишди. Ундан сўнг милиция бўлимига келиб, терговчига йўлиқишди. Кунтуғмишнинг иши билан танишишди. Гап бундоқ бўлган экан:

Кунтуғмиш билан Дастагул деган студент қиз озиб-ёзиб бир кинога тушишган. Шу куни Дастагул оёғим тортмаяпти, қўйинг, шу кинога тушмай қўяқолайлик, яхшиси, кутубхонага бора қолайлик деган экан ҳам. Дастагул ҳақ бўлиб чиққан. Аттанг, агар улар ўша куни кутубхонага боришганида акт, қамалиш, тергов... деган гаплар йўқ эди. Ётоқхонада Дастагул, Кунтуғмишнинг милицияда ўтирганига жуда ачинди. Уқиб ўқишни, ишлаб ишлашни эпломмаган кимсалар болалигида билинмай, ёши катта бўлиб, йигит бўлгач, яхши кийиниб яхши егиси келади. Улар жуда ҳам обрўталаб, ўзига нисбатан, ёлғондан бўлса ҳам, хушомадни ёқтиради. Булар бўлмагач, асабийлашади, атрофидаги яхши йигитларга ҳасад қилишади. Шунақа хунгазор, тўнканамо йигитчалар кўпайиб, жамоат ичида, тўй-ҳашамда қилиқ чиқариб, кишилар дилини сиёҳ қиладилар. Улар жуда бўлмаганда, бировнинг ёқасидан туюлмаганларидан маданий, ўз йўлини топиб олган кишилар олдида ё тупуриб, ё бир қилиқ кетадилар. Булар Кунтуғмиш дилидан ўтарди.

Энди Кунтуғмиш билан Дастагул бошига тушган ташвишга ўтайлик. Улар ўша куни ҳиндча кинофильм бир ҳафтадан буён қўйилаётганини эшитишган эди. Соат бешларда бошланса, еттиларда чиқишни кўнгилдан ўтказиб кинога киришди. Билетларида кўрсатилган жойга — ўртароқдаги қаторга келиб ўтиришди. Орқа қаторда ўтирган икки йигит стулда оёқларини дам кўтариб, чалиштириб, дам тиззалари кўзи билан Кунтуғмиш столини туртиб итара бошлашди. Ора-чора беибо сўз айтиб, Дастагулни хижолат қилишарди. Кунтуғмиш йигитларга хўмрайиб бир қараб қўйди. Лекин бу ҳолатдан юраги шигиллаб кетган Дастагул секин «оғир бўлинг», деб туртиб қўйди. Зал қоронғи бўлиб, кино бошланди. Оғзига писта ташлаб, атрофига тупуриб, одамларнинг гашини келтириб ўтирган бу йигитчалар, яна бир муддатдан сўнг сигарета чекишиб. Дастагулга уфура бошлашди, «Ҳаддингиздан ошмай, жим ўтиринглар! Кинода чекилмайди!» — деди Кунтуғмиш уларга қайрилиб қараб. — «Сенинг уйингда чекаётганимиз йўқ, анавиёққа қара!» — деди улардан бири Кунтуғмишни жеркиб. Улар энди сигарета тутунини тикка Кунтуғмишнинг юзига уфура бошлашди. Бир тўполон чиқиб кетмаслигини ўйлаб, Дастагул яна Кунтуғмишни туртди: «Кўйинг, шулар билан тенг бўласизми! Юринг, чиқиб кета қолайлик!», «Нима, шу ярамасларни деб кино ҳам кўролмаимизми!» «Ҳей!» деди буни эшитиб йигитлардан бири ва Кунтуғмишнинг бошига туртиб, шу лаҳза юзига шапалоқ тортиб юборди. Қалтак еб, ўрнидан туриб кетганини билмай қолган Кунтуғмиш орқасида ўтирган йигитнинг ёқасидан ушлади. У анчагина новча экан. Залда тўполон бўлиб, одамларни нотинч қилмаслик учун Кунтуғмиш уни маҳкам ушлаганча «қани, ташқарига чиқ!» деб қатор орасидан суғуриб олиб кетди. Шу

лаҳза унинг ошналари ҳам кетма-кет ташқарига чиқишди. Қапалаги учиб кетган Дастагул ҳам улар орқасидан эргашди. Кунтуғмиш билан у йигит тарса-тарса солиша кетишди. Безорининг шериги ҳам муштлишига аралашди. Фақат девор тагида Дастагул қалтирар, атрофга аланглаб бирон милиционерни изларди. Муштлишиш авжга миниб, ғазоби қайнаган Кунтуғмиш бирининг қорнига чунонам мушт туширдик, у гандираклаб бориб, ерга йиқилди. Кунтуғмиш иккинчиси билан ёқалаша кетди. Шу лаҳза Дастагул дод солиб, аллақадан дружиначиларни топиб келди. Аксига одамлар кинога кириб кетиб, ҳеч ким йўқ эди. Дружиначи йигитлар югуриб келганда Кунтуғмиш иккинчи безори билан муштлашарди. Ерда чўзилиб ётган «каттаси» ўрнидан туролмасди. Дружиначилар икки йигитни ажратиб, икки томонга қўйиб, ерда ётган сўлақмон тепасига боришди. У қимир этмай ётарди. Дарҳол у ёқ бу ёғини титкилашди, қон кўринмади. Кунтуғмишнинг ҳам, ғўдайиб турган йигитнинг ҳам ёнларини титкилаб пичоқ қидиришди. Ҳеч қандай тигдан дарак йўқ. Дружиначилар икки йигитни оператив пунктга олиб кетиб, бир киши ерда ётган хунгзор ёнида қолди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас бу ерга милиция етиб келиб, машинадан тушган милиция ва экспертиза ходимлари ерда ётган йигитнинг беҳушлигини кўришди. Суратга олиш, ўлчаш, акт... ва ҳоказолар бошланиб кетди. Бир мири пиён, уч мири зиён дегани шу бўлади. Хунгзор йигит касалхонада ётибди. У бир мансабдорнинг ўғли экан... Қўли синибди. Ана энди бу ёғи тергов, суд, қамоқ... Кунтуғмиш қамалиб қолди. Дастагулнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, нима бўлаётганини ўзи ҳам билмасди. Шумоёқ бўлдими, улар бир-бирларига кўнгил қўйиб, аҳду паймон тузиб юрганларида фалокат оёқ остида ётган экан, уларни бир-бирдан айирди... «Ҳей, нодонлар, ҳаммаларинг бир ернинг болалари бўлсангизу, бу бемаъни муштлашув қайдан чиқди», деган кишиларга ҳам қулоқ солишмаган.

Бу хунук хабар Қакайдига етиб келди. Безори йигит тузуккина хонадондан экани маълум бўлди. Ҳақназар ота билан Онахон оёғи куйган товукдек тўрт томонга югуришди. Дастагулнинг ётоқхонасида куйиниб, сўкиниб, фйон бўлаётган Ҳақназар отани Онахон жеркиб тўхтатди: «Бува, озингизга қараб гапиринг! Дастагулда нима айб?! Ҳозир ёшлар енгил бўлиб кетган. Кунтуғмиш акам ёмон эмас, у ўзи урушга қўзғаган, бирон кор жойига мушт теккан-да...» дейди. Бу гапларни у Дастагулдан суриштириб билган эди.

Эртасига Онахон билан Ҳақназар ота аввал Беруний кўчасини, ундан адвокат Фаррух Дўстмуҳамедов ҳовлисини қидириб топиб келишди. Очиқ дарвозадан гулзор ҳовлига киришди. Кечаги машина ҳам ҳовли четида, усти шиферли гаражда турарди. Катта дарвоза олдида уч гилдиракли велосипедини ушлаб турган, матросча кийинган бир бола уларга тикилди.

— Уғлим, бу сенинг ҳовлингми?— Ҳақназар ота болага мурожаат этди. Бола бош қимирлатиб, бу гапни тасдиқлади:— отинг нима, ўғлим?

— Эркин.

— Сен домланинг болаларимсан?

— Мен адалларнинг болалариман. Домла менинг бувамлар.

— Эркинжон, бизнинг бувагларда ишимиз бор эди, кирсак майлими?— деди Онахон.

— Кириглар, марҳамат.

Кеча Онахон Ҳумоюнни сиртини силаган, фирибгарроқ кимса эмасмикан, деб ўйлаган эди. Баъзан келишган, бир қарашда кишининг ҳаваси келадиган, машинада юриб, ҳеч кимни меҳсимайдиган йигитлардан кандидатими, ё бир масъул хизматчими деб ўйласангиз, фирибгар

чиқиб қолади. Бундай воқеаларни Онахон кўп эшитган. Айниқса бошига иш тушган кишилар фирибгарларнинг «нони ҳалоли» бўларди. Тошкентда етаклаб юриб, дам у ташкилотга, дам бу ташкилотга олиб бориб, ишни тўғрилайман, деган баҳона билан даладан келганлар ёнидаги бор-йўқ пулини қоқиб оладиганлар ҳам бўлар экан. Қолхоз раислари билан ошна бўлиб, товламачилик қиладиган кимсалар орамизда йўқ эмас. Аммо Ҳумоюн бундайларга ўхшамади. Кўчада танишган, ўтиб кетаётган бир йигитнинг тасодифан йўлиққан кимсаларга шунчалик мурувват қилишини қандай тушуниш мумкин? Онахон бир лаҳза ўйланди. Кичкина Эркин Ҳақназар ота билан Онахонни бошлаб ҳовлига олиб кирди.

Ҳовлида, гулзор четида пайдо бўлган қария билан ёш қизга кўзи тушган кампир ичкари хона эшигини очиб, ойнавон айвонга чиқди.

— Келинлар, марҳамат, бу ёққа келинлар.

— Хўп бўлади,— деди Ҳақназар ота олдинда, орқада Онахон, икки қаватли гиштин бинонинг биринчи қаватига қираберишдаги зина-поялардан кўтарилишиб,— бисмиллоҳи раҳмонур раҳим...

— Келинлар. Уғлим айтган эди. Домла ичкаридалар.

— Ассалому алайкўм!

— Ва-алайкум ассалом.

— Мана бу кичкина неварангиз ақиллик бола экан, омон бўлсин.

— Эркинжон, тайлогим у шунақа ақилли.

Шу лаҳза пижамада, кўзойнакли ориққина бир одам ўқиётган газеталарини диванда қолдириб, йўлакда меҳмонлар билан рўпара бўлди.

— Келинлар, келинлар!— у Ҳақназар ота қўл бериб омонлашди.— Хабарим бор, уғлим Ҳумоюн кеча сизларни кўрган экан. Эшитдим.

Бу киши адвокат Фаррух Дўстмухамедов, маҳалладагилар «Фаррух домла» деб аташарди. У етмиш ёшларга борган, жуссаси кичик, қиррабурун, зиёлинамо бир одам. Ҳақназар ота ҳам етмишлардан ошганига қарамай, серсоқол, йўғон эди.

— Марҳамат, ўтиринлар,— домла меҳмонларни каттакон, жиҳозланган бир хонага бошлаб кириб, юмшоқ духоба креслоларга ўтказди. Бу хонада китобли жавонлар, телевизор ва яна катта жавон ичида биллур ва чинни идишлар турарди.

— Қадам етди, бало етмасин, облоҳу акбар!— Ҳақназар ота билан Фаррух домла юзларига фотиҳа тортишди.

— Чопонни ечиб қўйинг, ҳаво иссиқ.

Ҳақназар ота қора чопонини ечиб, Онахонга берди. Онахон уни олиб чиқиб йўлакдаги қозиққа илди. Отанинг костюми ёқасидаги Олтин Юлдузга Фаррух домланинг кўзи тушди. Шу аснода Ҳумоюн ҳам кириб, Ҳақназар ота билан Онахонга салом берди.

— Уғлим чой олиб келинг,— деди Фаррух домла Ҳумоюнга.

Онахон ҳайрон бўлди. У биринчи марта ўз ўглини «сизлаб» буюрадиган отани кўриши. «Ҳумоюн» деган исмининг ҳам маъносига унча тушунмаган эди. Буваси айтгандек, «Худонинг исми»лигига ишонгиси келмади. Партия ветерани, кекса коммунист бувасининг ҳадеб «худойи таоло» деявериши унга ёқмасди. «Иброҳимбекка қарши курашганман... Сурхондарёда Совет ҳукуматини ўрнатишда иштирок этганман. Биз, кекса партизанларнинг ҳам Қишки Саройга ҳужум қилганларча инқилобий ишимиз бор...» деб юрадиган буванинг ҳадеб «сўфи оллоёр» бўлавериши унча ярашмас экан. Яна бунинг устига кўкрагида Олтин Юлдуз ярқираб турса! Ё тавба!

— Невара жанжалга аралашиб, қамалиб қолди, денг?

— Шундоқ, домла. Бу ёшлар тинч юришмайди! Учинчи курснинг устуденти-я! Комсомол яна! Тавба дейсан киши!

— Усмирлар ўртасида безорилик кўп. Бунинг сабаби маълум, тўқликқа — шўхлик! Қаттароғлари орасида, мен сендан баландман, деган бир ёмон димоғдорлик, худбинлик ҳам шунга олиб келмоқда. Ичкилик ҳам. Турмага тушгандан кейин кўзи мошдай очилади. Обру тўкилади, ота-онани ташвишга қўяди.

— Гапларингиз тўғри домла.

— Мен неварангизнинг исми-шарифини, ёшини, иши қайси район халқ судида эканини, қандай статья қўйилганини, терговчиси кимлигини ёзиб олай,— Фаррух домла қоғоз ва ручка олиб чиққани ичкари хонага кириб кетди.

Хумоюн дастурхон ёзди. Нон ва чой олиб кирди. Стол устига ҳар хил ширинликлардан қўйди. Катта хонага кирган унинг онаси Онахонга бир қараб қўйиб, столга яқинроқ ўтиришини сўради. Чой қўйиб берди.

— Нечта боласизлар?— Онахонга мурожаат этди Хумоюннинг онаси.

— Катта акамлар, ундан кейин мен... Бу киши бувамлар. Адамлар урушда ярадор бўлиб келиб, қирқ ёшларида қазо қилдилар.

— Дастурхонга қаранг, олинг, қизим.

Онахон уялиб, тортиниб турди. Рўпарада ўтирган Хумоюн Онахондан кўз узмасди. Онахоннинг лаблари, гапиришлари унинг диққатини тортаётгани, умуман, бир қарашдаёқ Онахон бу йигитнинг диққатини жалб этгани кеча машинада ҳам сезилган эди. Бугун атай рўпарасига келиб, ўзидан кўз узмай тикилиши Онахонни қизариб, безовталанишига сабаб бўлди. Узини ноқулай сезиб, ҳадеб девордаги манзара суратга тикилаётган Онахон, бир лаҳзадан кейин стол устидаги пиёлани кўтар туриб, ял этиб Хумоюнга ўткир қараб қўйди. Бу қараш Хумоюннинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Бу қиз келишган, ниҳоятда истараси иссиқ эди...

— Қалай ўқирди невара?— Фаррух домла Ҳақназар отага мурожаат этди.

— Яхши.

— Яхши ўқийдилар,— деди Онахон ҳам гапга аралашиб.

— Университет деканатидан характеристика олиш мумкинми?

— Мумкин.

— Бу жуда муҳим,— деди адвокат Фаррух домла.

— Олиб келамиз.

— Агар улар ҳам ҳимоя қилса яхши бўларди.

— Биринчи марта бундай кўнгилсиз воқеа юз бериши. Деканат албатта ёзиб беради,— деди Онахон.

— Катталаримизнинг ёнига ёрдам сўраб бораёми, домла? Нима маслаҳат берасиз? Иброҳимбек қўрвошини ўз қўлим билан Кофирниҳон дарёси ёқасида ушлаган бўлсам. Колхоз тузган бўлсам... Битта неварам мелнсага тушиб, қамалиб ўтирса, менинг еган-ичганим ичимга тушадими, домлажон?! Нима қилай?

— Гаплашамиз. Қонун бор. Катталарни безовта қилишнинг ҳожати йўқ. Ишни бир кўрайлик-чи. Мен ўйлайман, мушглашишга пичоқ аралашмаган, тўда бўлишмаган бўлса бу иш оғир бўлмайди. Кўрамиз, суриштирамиз. Ташвиш тортманг.

— Омон бўлинг, домла. Болаларингизнинг роҳатини кўринг, кам бўлманг.

Умри кўп йиллар суд ва адлия соҳасида хизмат қилиб ўтган, адлия министри муовини ҳам бўлган охири пенсияга чиқиб, адвокатлик қилиб юрган Фаррух домла ўзининг Тошкент четидаги участкасида пишиқ ғиштдан икки қаватли шинам иморат солди. Ерғўланинг ўзи бир уйдек бўлгани сабабли иморатни уч қават деса ҳам бўларди. Ма-

ҳалладаги баъзилар Фаррух домлага қойил қолишарди, хоналарини ҳам қинғир-қийшиқ, кесак девор қилиб ташламай план билан, ҳатто катта хонасини Уста Шириннинг шогирдларидан бирини илтимос қилиб, пештоқию ички тоқиларини ганч-ўймакор қилиб ишлатган эди. Айланма зинапоялар билан иккинчи қаватга чиқиларди. Хоналарини деярли шарқ услубида безаб, тоқчаю тахмонлар қурдирди. Узи турадиган айвонга иситгичлардан ташқари қиш чилласида оёғини тиқиб ётиш учун сандалга ҳам жой қилиб, пол тахталари билан ёпди. Озода қозоқи намат ва пўстак ҳам сақларди. Ваннахоналарига ҳожату таҳорат учун ҳам қулайликлар қурдирди. Ҳовли юзига ҳар хил қинғир-қийшиқ, пастқам нарсалар солмай, ток экиб гулзор қилди. Бир томонда олти туп шафтолиси ҳам бор. Йўқолиб кетяпти деб, икки туп шотут ҳам экиди — бу қанд диабетни хасталиги учун бебаҳо дори эканлигини ҳам биларди. Ҳовлиси саранжом, редискаю пиёзу лукпару кашничу ошрайҳонгача ўзидан чиқар, бозорга қатнашга эҳтиёж йўқ. Баъзилар адвокатни «тоза уста бўлибсиз-е, эрта баҳорда, ердан қор кетмай туриб редискаю помидор сотадиганлар чангингизда қолиб кетибди!» дейишарди. Хотинига яхши бир сигир ҳам олиб берган, қишлоқдан думини шовдиратиб, ирkit бўлиб келган говмиш адвокат ҳовлисига кириб, вақтида овқатини еб, тез-тез шланг билан ювилиб, йилтираб кетди. Пашшадан қутулиб, жони ором олган мол, мана, сут бериш бундақа бўлади, деб косаларни қаймоққа, хурмачаларни қатиққа тўлдириб юборди. Гали-гали билан адвокату Рисолатхону болалари говмишга қарашарди. Фақат катта ўғли Ҳумоюн ўзининг масъул ишлари билан овора. Пенсияга чиқиб, баъзи газеталар ёзадигандай, «кексалик фароғатини сураётган» Фаррух домла уйда тинч ўтирмай, ўзи қўлбола қилиб тандир, катта-кичик ўчоқлар қурди. Уларнинг сиртини альбастр билан андавадан чиқарди. Баъзи-баъзида тандир сомса, тандир кабоб ва умуман тандирда саксовул ёқиб пиширилган кулчани яхши кўрарди. Лочирани қовурма шўрвага тўғраб емоқнинг ҳам файзи бошқача! Тандир фақат сомса учун эмас, уйдан чиққан хас-чўп, кераксиз қоғоз-поғозларни, латта-лутталарни... челақка йиғиб ўтирмай куйдириш учун ҳам яхши эди. Бу билан ҳовлида ҳам тозалик доимо собит. Бу ёмонми? — Фаррух домла ўзбек таомлари ҳақида яхшигина китоб ёзган бир муаллифни эъзозлар, шу ишга эътибор берган бу мулла йигит билан ошначилик ҳам қиларди. Яшашдан мақсад емоқ-ичмоқ эмас, лекин яхши меҳнат қилмоқ учун ҳам лаззатли таом емоқ лозим. Ҳа, инсон мол эмас, у чиройли ва мазали таом истеъмол этиши керак. Киши ҳусни оғзидан киради, дейдилар. Бу сўз дафъатан айтилишдан қўполроқ кўринади. Лекин ўйлаб қаралса, саломатлик ва гўзалликнинг кўп омиллари ўз вақтидаги таомга ҳам боғлиқ. Фаррух домла «ёшни худо, кексани овқат асрайди», деган гапга риоя қиларди. Шу сабабдан ошхонада тандиру ўчоқлари, газ-печлари... — ҳамма-ҳаммасини муҳайё этган. Бундан ташқари ғусл жойларини ҳам бекаму кўст қилиб қўйган. «Худо айтармишки, мен ҳам ўз саломатлигига яхши қарайдиган одамга яхши қарайман». Ўз жонига қасд қилиб, ароқ ичиб дилозор бўладиган бандаларидан юзини ўгирар экан, дерди Фаррух домла.

Абдулла Қодирийлар даврида «Мактаб ва маориф» журналида ишлаган Фаррух домла «Тажанг» таҳаллуси билан ҳажвий шеърлар ёзарди. Баъзан «Муштум»даги фельетонига «Мўлтоний» деб ҳам имзо қўйган. У тили ачиқ бўлишига қарамай, жуда хокисор, кўнгилчан одам. Шу одам, мана, олтмишинчи йилларнинг охирига келиб ҳам соғсаломат юрганига ўзи ҳайрон. Биз семирмадик, ароқ ичмадик, ҳадеб еб-ичишга ружу қилмадик, доимо хипча бўлиб юрганимиз учун ҳам умримиз дароз бўлгандир, дерди. Илгари фаол зиёли бўлиб, бўйнига чучвара галстук, оёғига ипли ботинка, бурни устига илгаксиз кўз-

ойнак қўндириб юрган пайтида ҳаммаҳалласи, ўзидан ўн ёшча катта Тавалло билан ошначилик қилгани, уйда у билан бирга Хислату мулла Тўйчи Ҳофиз бўлиб туриши ҳақида қизгин баҳс-гурунлар авж оларди. «Кавокиб сайрини шаб, то саҳар бедор ўландин сўр...» ғазалига мухаммас боғлагани кейинчалик бошига бало бўлган; бу мисра Фузулий қаламига мансублигини билмаган бир шахс «Тажанг аксил... шеърлар битадур» деб устидан шикоят қилган. Бир тойфа одамлар борки, дерди Фаррух домла.— Улар жуда оз, аммо кўплардек, ўзларининг борликларини дилзорлик билан сездириб турадилар. Улар, вақтида ўқиб, бир касбнинг бошини ушлолмаган, омадсиз бўлиб қолган. Улар барча заҳматкаш одамларга ҳасад қиладилар. Магазинлар пештахтаси орқасида, омборларда, базаю трестларда улар кўпроқ. Ўз омадсизлигини, вақтида меҳнат қилмагани, билимсизлигини ўйламай, димоғдорлик қилишади. Бу номақбул кайфият ҳали анча узоқроққа борса керак. Яна у қўшиб қўярди. «Мансабга қараш авж олмоқда. Амалига қараш, «Е, тўним...»ни ўзгинаси. Мансабини алоҳида уқтиравиши, шунга қараб одамларни баҳолаш жонга тегиб кетди!»

Фаррух домла гапни ҳижжалаб, газетада босилган мақоладай текис, грамматик жиҳатдан тўғри, «нинг» билан «ни»ни ажратиб, нуқтада тўхтаб, вергулда ярим тўхтаб, бир меъёрда гапирарди. Баъзан йиғинда ўтирганлардан бири мудраб, калласи бир неча бор тушиб кетса, у қараб қўярди-ю, лекин индамасди. Эзмаланиш — қарилликнинг ҳам қарилиги, деган экан бир доно. Демак, биз кекса эмас, ҳақиқий қариямиз, деди бир куни Фаррух домла. Киши ўзининг эзмаланиб, қариганини сезса — бу, донолик. Аммо, қариганини сезмай, ўз эзмалигию ва бошқа «хислатлари» билан бошқаларнинг жигарини эсса, қийнаса бу яхшилик эмас. Обрўталаблик, сал нарсага ранжиб хафа бўлишлик, ўтмишдаги ишларини такрор-такрор пеш қилиб, мақтанишлик, бу ҳақиқий қарилликдир.

□

Ҳақназар ота билан Онахон Тошкентда яна беш-олти кун ушланиб қолишлари ҳақида уйга телеграмма беришди. Таниш-билишникида тўхтамай, эртасигаёқ «Тошкент» меҳмонхонасидан икки хонали номер олиб, жойлашишди. Бировникида ётиб, юк бўлиб, хижолатбозлик бўлгандан кўра, меҳмонхона беминнат жой, мезбон ҳам қийналмайди, меҳмон ҳам. Меҳмонхонага жойлашиб олиб, невараси билан чой ичиб ўтирган Ҳақназар бува у ёқ-бу ёққа аланглаб, беихтиёр кулди.

— Ҳа, нимага куласиз, бува?— Онахоннинг юзига ҳам кулги қўнди.

— Шу хонами, нариги хонами, ҳар қалай, анави театр деразадан кўриниб турарди,— деди бува, — бунга ҳам анча йил бўлиб кетди. Ўзимиз қатори бир тақирбош одам бўларди. Мен колхоз раисман. У маҳмаданалиги билан ғашимни келтириб юрарди. Худди шундай чой ичиб ўтирганимизда у «Ҳақназарбой, ҳар йили пахта, пахта... деяверадилар. Бир йил йўқки, бу гап айтилмасин! Бу йил пахтадан тоғ қилдингиз. Келаси йилга ҳам тоғ қиласизми?» деб қолди. «Ҳа, албатта,— дедим,— омонлик бўлса келаси йил ҳам тоғ қиламан». «Супа қилмайсиз-а?»— деди,— «Йўқ, дедим, тоғ қиламан!» У бўлса: «Тоғ қилиб, нима қиласиз?»— деди. Мен айтдимки, «тоғ қиламан-да, унинг тепасига чиқиб, сизнинг тақир бошингизга оғзимдаги носимни ташлайман дедим. Шу ҳам бош бўлдим-ю дедим! Бўлди кулги, бўлди кулги...»

Илжайиб турган Онахон ҳам кулиб юборди.

— Ким эди у? Авваламбор, шунақа савол берадими?

— Шунақа савол берадиган одам эди! У ҳозир ҳам бор, аллақачонда ишлайди. Фамилияси Остонакуловми, шунга ўхшаган бир нарса. Менинг партизан бўлганлигимни майнавозчиликка айлантириб гапирарди, чидаб келардим. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлганимдан кейин ҳаммадан олдин азонлаб келиб табриклади. Бу сапчабош кўзимга калтакесакдан ҳам совуқ кўринди. Ушани кўрсам оғзим сув очади, носни унинг бошига ташлагим келаверади. Ё қудратингдан, дейман. Ушанинг бошига чўлп этиб тушишини яхши кўраман. Ҳар йили пахта экишимизни маза қилган кишининг боши жуда ҳам нос ташлашга бопда! Киши маза қилиб ташлайди...

— Ха-ха-ха-ха-а!

— Шунга ҳам тушунмайди-я, хумпар!— деди рўмолчаси билан ёшини артиб ота,— ёки тушунса ҳам атай тушунмасликка соладими? Шунақа одамлар бор, қизим, ҳушёр бўлиш керак! Хўш, ҳар йили пахта экишимиз сенга ёқмас экан, жўна! Далани ҳаром қилма, деворгим келади! Баъзан қизиқишиб сўкиброқ юбораманам. Устимдан ёзишади. Бир ғилайроғи бор эди. Мен уни «ўпка» дердим. Уша «ўпка» игво ёзишга уста.

Деярли кун ора Ҳақназар ота невараси билан адвокат Фаррух домла уйдан хабар олиб туришди. Ҳар сафар уларни ҳовлида, гулзор ичида Эркинжон кутиб оларди. Баъзан телефон қоқишди. Адвокат ўз ҳимоясига олган бошқа ишларидан кўра ҳам Кунтуғмиш иши билан қаттиқ шуғулланди. Ҳумоюн ҳам негадир отасидан «сурхондарёликларга ёрдам беришини» илтимос қилди. «Мусофир бир йигитнинг бунда қамалиб қолиши инсондан эмас! Бобоси қаҳрамон, ризқу рўзимизнинг сабабкори, пахтакор эканини гапирган она ҳам Фаррух домла юрагига ғулғула солди. Ишни судга чиқармасданок, милиция бўлимидан қайтариб олиш керак, бир ойдан буён азоб чекаётгани ҳам етар, деди она. Шунинг ўзи ҳам катта танбеҳ. Бола бечора қўлга тушиб қолган-да, бўлмаса ичиб, ёқалашадиганлар баъзи чойхоналарни обод қилиб ўтиришибди.

Бир ою беш кун дегайда район прокурори санкцияси билан КПЗдан Кунтуғмишни олиб келишиб, унга оғзаки танбеҳ беришди. Бу ерда ўтирган кекса юрист Фаррух Дўстмуҳамедов Кунтуғмишни олиб чиқиб, пастда, ўз «Москвичи»да кутаётган Ҳумоюнга кўрсатди. Улар машинага ўтириб, «Тошкент» меҳмонхонасига келишди. Сочи олиб ташланган, ранги синиқиб кетган Кунтуғмишни кўрган бува йиғлаб бағрига босди. Ҳақназар бува Фаррух домлага ўз миннатдорчилигини қандай қилиб баён этишни билмасди.

— Домла, ташаккуримни қандай айтишни билмаётирман. Бизлар ҳам яхшиликни биладиган одамлармиз. Атаганимиз бор...

— Ҳай-ҳай, айб бўлади! Бизни ким деб ўйлаяпсиз, отахон! Кунтуғмиш у аслида жиноят қилган эмас. Лекин Тошкентда, баъзи ёшлар ўртасида безорилик авж олиб, бунга қарши қаттиқ чора кўрилмоқда. Ана шу йўсинда ишни яхши ўрганишмай, ушлаб туришган. Энди эҳтиёт бўлиш керак. Бу кунлар — бир танбеҳ бўлди ҳисоб.

— Раҳмат, домлажон!— деди бува. Онахон билан Кунтуғмиш ҳам юзида миннатдорчилик ҳаяжони, Фаррух домлага боқиб, дераза олдида тик туришарди. Бир нафасдан сўнг, улар учовлон Фаррух домла билан унинг келишган ўрди Ҳумоюнни пастга, машиналари ёнигача кузатиб чиқишди. Ҳақназар ота чиройли неваре Эркинни бошини силаб қўйди. Ҳақназар отанинг топшириғи билан Онахон Сурхондарёдаги ўз адресларини ёзиб, Ҳумоюнга узатди. Қайта-қайта Сурхондарёга таклиф этди. Фаррух домланинг машинаси юриб кетгунча, улар кўчада

кузатиб туришди. Ундан сўнг, ичкарига қайтиб кириб, Кунтуғмишга яхшилаб чўмилиб олишни айтишди.

Эртасига буваси Кунтуғмиш билан бирга ётоқхонага бориб, ўртоқларига айбисиз эканини, милициядан чиққанини айтди, деканатга ҳам кириб чиқди.

XIII боб

Соғинч ёки она қабрига гул

Кейинги бир ҳафта ичида Ҳақназар ота билан Онахон адвокат ҳовлисига уч бор қатнади. Баъзан бошига иш тушиб, бу ҳовлига келадиган кимсалар билан адвокатни кутиб ўтиришарди. Одамлар билан гаплашишни яхши кўрадиган кампир юраги тўлиб, баъзида нима сабабдан ўғли Ҳумоюн шу ёшгача уйланмай юргани сабабини ҳам айтарди. Уттиз ёшлардан ошган Ҳумоюннинг якка юриши Онахонни ҳам қизиқтирди. Тасодифан танишиб, олижаноблик қилган йигит наинки Онахонни, ўзига таниш бўлган бошқаларни ҳам қизиқтирмай иложи йўқ. «Дадаси уни уйлантирмоқчи бўлармишу, аммо унга ҳеч ким ёқмас эмиш». Кампирнинг бу гапи ҳам қизиқ. Наҳотки Тошкентдек катта шаҳарда унга ёқадиган бирон қиз топилмаса? Онахон Ҳумоюн қисматига қизиқиб қолди. Унинг кўз олдида икки чиройли йигит пайдо бўлди: бири — Жўмард, иккинчиси — Ҳумоюн. Тошкентлик йигит елкалари кенг, кўзлари катта, келишган, гапга ҳам уста эди. Узининг Жўмарди бунчалик кўркам бўлмаса ҳам ниҳоятда садоқатли экани сезилиб турарди. Ҳумоюннинг ўзига нисбатан бошқачароқ қараётгани, Онахонни сергалантирди. Унинг кўз олдидан Жўмард бир лаҳза ҳам узоқлашмасди. Унинг қўлини маҳкам ушлаб тургандай. У, мутлақо Жўмардни эсдан чиқариши, ўрталаридаги муҳаббатга жиндек бўлса ҳам раҳна соладиган қилиқ қилиши мумкин эмас! Бу йигитнинг қисмати билан нима ишим бор, дерди ўзига-ўзи Онахон. Аммо Ҳумоюннинг ойиси, у эшитса-эшитмаса ҳам, Онахонга ўғли бошига тушган мусибатни, нега уйланмай юриши сабабларини айтиб берди. Кампир бу гапни ўзига ёққан бошқа суҳбатдошларига ҳам ҳикоя қилган эди. «Дунёда дардсиз одам йўқ, ҳаммада бир дард...» деб гап бошларди у.

...Дераза пардалари оша кенг, кўркам хонага ташлаб қўйилган қизил гиламлардаги офтоб аста-секин сурилиб, каравотдаги парёстиққача етди. Юмшоқ тўшакка чўкиб, пишиллаб ухлаб ётган тўрт яшар Эркин ҳар гал мана шундай, офтоб юзларига тушмагунча уйғонмасди. Аммо бугун тонг отмасданоқ чўчиб уйғониб кетди. Ёнидаги, ойижони ётадиган каравотга эркаланиб қўл узатди. Ойижони ўрнида йўқ! У сурилиб бориб ойижонини ачомламоқчи бўлди. Тополмади, каравот бўш эди. Эркиннинг кичкинагина юраги шиғиллаб кетди. Ваҳима босди. Ҳа, ойижони йўқ, у ўлган, Эркин карахт, у ёқ-бу ёққа аланглади. Пастда, кўрпача устида буваси ухлаб ётарди. У ойижонининг бўм-бўш каравотига, атлас кўрпачага хомуш тикилди. Ойижони мана шу каравотда оёқларини пастга тушириб ўтирганча тиззасидаги Эркинни бағрига босарди, қайта-қайта ўпарди. Унинг бўйнидаги тилла занжирини Эркин

ўйнар, юзини ойижони кўксига суйкарди, пишилларди, қилиқлар қиларди. Ҳозир у ойижонини жуда ҳам соғиниб кетди. Нима қилиш керак? У ойижонини кўрмаса бўлмайди! У бўғилиб, йиғлагиси кела бошлади. Яна хомуш тортди. Яна йиғлагиси келиб қўллари билан кўзларини ишқалади. Бу дунёда унинг ўзи ёлғиз қолгандек туюлди. У ҳозир ўзини ойижониси бағрига отгиси, унинг тиззаларига бошини, юзларини суриб, эркалангиси келиб кетди. Аммо қани у ойижониси? Қаёққа кетди? Қачон қайтиб келади? Мунча уни соғинтирмаса?! Ойижониси шу каравотда касал ётганида, унинг бошини силаб туриб айтган сўзлари бирдан ёдига тушди: «Эркинжон, мени соғинганимда қабримга гул олиб бориб қўйгин. Мен сени жуда ҳам кўргим келади. Мен сени соғинаман... Гул олиб келиб қўйсанг, мен сени кўргандек бўламан. Катта бўлиб, уйлансанг, албатта хотининг билан бирга келгин. Мен сенинг хотинингни ҳам жуда кўргим келади, тушундингми?» Эркин ўшанда бош қимирлатиб тушунганини билдирган эди...

Нега унинг онаси ўлди? Улмаса нима қиларди? Наҳотки, касал бўлган одам ўлиб кетаверса! Бошқалар ҳам касал бўлади-ку?! Нега унинг ойижони бундай қилди? Бу тўғри эмас! У жуда яхши ойижон эди. У жуда ҳам чиройли, ҳамма ойижонлардан ҳам яхши ойижон эди. У ҳеч кимни урушмаган. У ҳеч кимни хафа қилмаган. Шундоқ яхши ойижони нега ўлади?! Эркин бу воқеага ҳеч тушунмасди. Ойижонисиз бу дунёда юришнинг нима кераги бор? Эркин жуда хафа бўлди. Унинг кичкина юраги вайрон бўлиб, дарду дунёси қоронгилашиб кетди.

Каравотида ёлғиз, карахт ўтирган Эркинжоннинг ўпкаси тўлди. У яна ўзини тутди; унинг ойижони ҳар нарсага ариллаб йиғлайдиган болаларни ёмон кўрарди. У ҳозироқ ўзини ойижони бағрига отиб эркаланишини кўмсади. Аммо, қани у ойижони! Чиройли каравоту гиламлар, девордаги палага биллур қандиллар кўзига жуда ҳам ёмон кўриниб кетди. Унинг ҳеч нарсага қарагиси келмасди. Унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ! Унга фақат ўзининг ойижони керак!

Эркинжон бошини қуйи солиб, каравотида индамай ўтираверди. Девордаги ойижони билан дадажони тушган суратга қаради. Унга бу сурат ҳам керак эмас! Унга ойижони керак! Эркин беихтиёр хўрсинди. Ҳаммаёқ жимжит, деразалар қоронғи...

Ҳали йигирма етти ёшга тўлмаган Раъно (у ҳақиқатан исми жисмига монанд жувон эди) оғир дардга мубтало бўлиб, операция қилинди. Бу, отинг қурғур дард унинг жисмида пайдо бўлганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Оғриқлардан кейин, у иккинчи бор жарроҳ курсисига ётди. Бу иш уч-тўрт ой ичида бўлди. Охири у ўз уйида ётажagini айтди. Врачлар ҳам шуни маъқул кўришибди. Кейинги кунларда унга фақат оғриқни сездирмайдиган, ухлатадиган доридан укол қилишарди. У кун бўйи каравотида тақдирга тан бериб ётар, баъзи кунлари ёстиғи тагидаги дафтарчага нималарнидир ёзиб қўярди. Шундай гўзал Раъно озиб-тўзиб кетганди. Баъзан жинси шим кийиб, келишган қомадини кўз-кўз қиларди. Қани у кўкраклару беллар! Хонатлас устидая яля ёниб, қанчалаб кўзларни куйдиришлар қаёқда қолди! Узун сочи белигача тушиб, кулган дудоқлару бодом қовоқлари, қанот қоқиб турган қалдирғоч қошлар қани? У сарнигун, каравотда ётарди. Ҳар қандай беқиёс ҳусн ҳам вақтинча эканлигини энди пайқайди. Сал-пал тиши оғриб, иситмаси чиққанида оҳ-воҳ қилиб, доктор устига доктор чақиртирган Раъно, ҳозир беомон дард чангалида тақдирга тан бериб, ўлимини кутиб ётарди. Бу руҳий ҳолатни сезган эри, ота-оналари унинг ёнига кирганларида оҳу надоматларини сездирмасалар ҳам ташқарида ич-ичларидан эзилиб, йиғлашарди. Шундоқ қизлари ўлиб кетаверади-ми! Дод дегилари келарди. Раънонинг ўлим олдидаги фавқулодда

жасорати етмиш-саксонга кирганларни ҳам ўйлатиб қўйди. Ёки киши ўлим чангалига тушиб, бундан чиқиб кетиш иложи бўлмагач, шундай баҳодир бўлиб кетармикан? Бу ҳол ҳаммада ҳам бўлаверармикан? Йўқ! Улим чангалидаги жасорат ноёб, ҳамма ҳам бундай бўлавермайди. Бу, кузатилишича, иродали ва фикри тиниқ кишиларга хосдир. Дод-фарёд ақлан заиф кишилар ишидир.

Ичиб-чекиб, вақтида овқатланмай исқирт юрадиганлар эмас, саранжом, озода, ўзига қарайдиган Раъно бу рақ деган дарди бедавога учраганига кишилар ҳайрон. Бу ўзи қанақа дард? Врачлар айтадиган ҳамма ёмон нарсадан Раъно қочар эди, у доно врачлар ўйлаган соғлом киши эди. Буни қарангки, бу дард шу гулга ёпишиб, уни хазон қилди.

Ташқарида тонг отиб, сал-пал кун ёришиб келарди. Бу пайт айвонда юриб, плитада унга сут пишириб келаётган ойижониси бирдан рўпарасидан чиқиб қолаётгандай, Эркин тўхтаб қолди. «Эркиним, жоним болам, ўтир, мана бу сутни ич!»— деган овоз қулоғига эшитилиб кетгандай бўлди. У аланглаб туриб қолди. Ҳамма ухлар, фақат у уйғоқ эди. Ҳозирроқ пайдо бўлиб қоладиган ойижонисини кутди. Лекин ойижони ошхонадаям, ҳовлидаям, айвондаям кўринмайди. Кейин у зинапоёлардан тушиб, гулхонага борди. Ҳовли ўртасида очилиб турган гулларнинг энг чиройлигидан иккитасини узиб олиб, кўча эшикка қараб юрди. Уни ҳеч ким пайқамай қолди. У бир оёғига ботинка, иккинчисига шиппак кийиб олган, ҳамма вақт ойижони кийгизиб қўядиган матросча кўйлагини кийган, ёқаси тугмасини ҳам солиб улгурмаган, дўпписини ҳам қидириб ўтирмаган эди. Шу аҳволда икки дона гулни кўтариб ойижони олдига жўнади. У на кийим, на ботинкани биларди. У юзини ҳам ювгани йўқ, унинг ҳеч нарсага қарагиси келмасди. У фақат ойижонини кўргиси келарди. Унга бошқа ҳеч нарса керак эмас эди.

Эркин жимжит, кичик кўчадан катта кўчага ўтиб, асфальт йўлкада кета бошлади. Унинг қўлида икки дона гул, ойижони олдига борарди. У ўша куни катта машина устида, ойижонини олиб кетишаётганда шу кўчалардан ўтиб, трамвай-троллейбуслар юрадиган катта кўчалар бўйлаб кетган эди. У гўё ҳамма йўлни биладигандай, тонготарда асфальт йўл четида борарди. Катта кўчага чиққанига қадар уни ҳеч ким кўрмади. Фақат бурчақдаги тераклар тагида иккита лайча чопиб юрганини кўрди. Улар ўз ўртоқлариники эканлигини биларди. Катта кўчада супургисини елкасига ташлаб кетаётган кишини ҳам кўрди. Бу одамни танимади. Ундан сўнг, физиллаганча бир машина ўтди. Трамвай ҳам ўтди. Эркин уларга бир қараб қўйди-ю, йўлида давом этаверди. У чарчаганига ҳам қарамай олдинга интиларди, бир оёғида шиппак бўлгани учун қадамни тезлатишга қийналар, шиппаги баъзан оёғидан тушиб қоларди. Асли шу икковини ҳам ташлаб чиқса бўлар экан. У трамвай йўлини кесиб ўтиб, каттакон боғ, сув тўла катта ҳовуз ёнига келганида тонг ёришиб, йўлкаларда одамлар кўпая бошлади. Машиналар ҳам физ-физ ўта бошлади. Гул кўтарган, ёқаларининг тугмаси солинмаган, бошланг болага кўзи тушганлар ҳайрон бўлиб кулиб кетишарди. Сумка кўтарган бир аёл жадал кетаётган йўлида бир лаҳза тўхтаб, Эркинни кузатди, кейин елкасини қисиб яна йўлида давом этди. Эркин катта кўприқдан ўтиб кетаётганда орқасида келаётган папка кўтарган кўзойнакли бир одам ёнма-ён келиб, мурожаат этди:

— Уғлим, қаёққа кетяпсан?

Эркин у кишига бўзрайиб қараб турди-ю, индамади.

— Қимнинг боласисан?

— Дадамларни.

— Нега сенинг ёнингда ҳеч ким йўқ?!

Эркин индамади. У одам ҳам, бу бола шу ердаги кўп қаватли

уйлардан чиққан бўлса керак, деб ўйлади! У ҳам шатиллаганча юриб кетди. Нарироқ бориб, гул қирқаётган кекса кишига уни кўрсатиб, бир нима деб кетди. Ёқавайрон, «митти мятрос» чол ёнига яқинлашганда у сўради:

— Ҳой бола, қаёққа кетяпсан?

Эркин унга ҳам жавоб қилгиси келмади. Нима иши бор! У трамвай йўлига тушаётгани йўқ-ку! Ахир у трамвай ёки машина йўлида юрганида уни чақириб олсалар бўларди. У қўлидаги икки дона гулни ушлаганча, бошини баланд кўтариб кетаверди.

— Ҳей, бола, бу ёққа кел! Мен сенга гул бераман!

— Менга гул керак эмас!— деди Эркин катталардек. У қўлидаги гулни чолга кўрсатди.

— Меники яхшироқ, мана буни ҳам ола кет!

Эркин нарироқ юриб, ўйламосираб тўхтади. Чолнинг гули яхши бўлса, уни ҳам олиш керак. Ойижонига энг яхши гуллардан олиб бориши керак! Эркин орқасига қайтиб, боғбон чол ёнига келди.

— Ма, ол, болам!— чол Эркинга дарҳақиқат яна тўртта ажойиб «президент» атиргулидан берди. Иккитаси қизил, иккитаси оқ. Чол Эркинга бошдан-оёқ тикилиб, яна сўради:

— Эрта саҳарлаб қаёққа кетяпсиз, болажоним?

— Ойижонимнинг ёнларига.

— Ойижонинг қаёқдалар?

— Улганлар...

— Э, бундоқ дегин,— боғбон чол юзига фотиҳа тортди. Бу бола онасини қидириб, ичикиб, тентираб юрганини пайқади. Тентакроқмиқан, деган хаёлга ҳам борди. У соғинч алангасида кетаётганини сезди. Наҳотки шундоқ боланинг тентираб кўчага чиқиб кетганини ҳеч ким пайқамаган бўлса!

— Уғлим, у ер узоқ, ҳозир уйингизга қайтиб кетинг! Эртага дадангиз билан бирга борасиз!

Эркин бошини сарак-сарак қилди.

— Адашиб қоласиз, болам!— чол атай «сиз»ларди.

— Ойижонимнинг олдиларига бораман!

— Йўқ, қайтинг!

Чол ушлаб қолишидан кўрқиб, қушдек учигга тайёр турган Эркин бирдан чопиб, ўзини одамлар ичига урди. У яна йўлида давом этаверди. Одамлар ичига киргач, бир оёғига ботинка, бир оёғига шиппак кийган «матрос»ни кўплар пайқашмади. У катта ҳовуз ва кўкка отилиб турган фавворалар ёнига келди. Бир лаҳза унинг хаёлини майдондаги каптарлар тортди. Уларга анграйиб турди-да, яна бирдан хаёлига ойижони келди. У яна гулини ушлаганича одамлар орасига кирди. Ойижонининг овози қулоғига эшитилгандек бўлди. У ёқ-бу ёққа аланглаб, йўлида давом этди. Бир муддатдан сўнг йўл четдаги магазин ойналари ичига териб қўйилган сут шишаларига қаради. Ичгиси келиб ютindi. Гастроном ичкарасига кириб, сут, пишлоқ сотаётган оқ халатли семиз, дўмбиллаган хотинга тикилди. Сотувчининг қўли қўлига тегмас, чек олиб одамларга сут, кефир берарди. Семиз хотиннинг кўзи Эркинга тушди. «Онаси билан келиб, бу ерда адашиб қолган...» болага ўхшатди.

— Ҳей бола, нима қилиб юрибсан?

Эркин индамади. У кўзини сут-пишлоқдан узмасди. Сотувчи аёл матросча кийиниб, дилдираб турган дўмбоқ болачанинг бошдан-оёғига разм солди.

— Ойинг билан келганмидинг, даданг билан келганмидинг? Адашиб қолдингми?

Эркин бошини сарак-сарак қилди.

— Нима керак сенга?

— Ҳеч нима!

Сотувчи хотин оқ булочка устига икки бўлак япроқланган пишлоқ қўйиб Эркинга узатди. Ярим стакан сут ҳам берди. Эркин стаканни олиб, сутни ичди-да, очиқиб нон билан пишлоқни ея кетди. У жуда мамнун, оқ халат кийган яхши хотинга илжайгандек бўлиб гастрономдан чиқди. У нон чайнаб, яна йўлида давом этди. У яна кўприкдан, трамвай, троллейбуслар юрадиган чорраҳадан ўтиб, кенг асфальт йўлда қадам ташлай бошлади. Унинг қорни тўйди. Лекин оёқлари чалишиб, чарчагандек бўлди. Шу орада, йўлка четидаги ўриндиққа ўтириб, бир лаҳза дам олгиси келди. У ўтириб орқасига суянди. Катта йўлда ғизиллаб ўтаётган машиналарга, йўлкадаги одамларга тикилди. Бир муддатдан кейин боши қийшайиб, ухлаб қолди. У жуда ҳам чарчаган экан, машиналар шов-шувини ҳам сезмай, қўлидаги гулларни маҳкам ушлаганча қотиб ухлаб ётарди. Салдан кейин ўз каравотида ётгандек оёқларини узатиб чўзилди. Йўловчилар гул ушлаб ухлаб ётган болага тикилишар, биров илжайиб қўяр, биров безовталанарди. Эҳтимол, бечора бола бетоб бўлиб қолгандир, а? Бетоб бўлса пишиллаб ухлამасди. Шу атрофдаги шоп мўйловли милиционер ҳам бола ётган скамейка ёнига келиб, унга тикилди. Болани дафъатан уйғотиб юборгиси келмади. У секин скамейканинг бир чеккасида ундан кўзини узмай, қўриқлагандай ўтирди. Аллақандай экскаваторнинг шалдираб, ерни ларзага солиб ўтаётгани Эркинни уйғотиб юборди. У кўзини очиб, тепасида милиционер турганини кўрди. У ялинқираб, бошини кўтарди.

— Ҳа, ўғлим, адашиб қолдингми? Кимнинг боласисан?

Эркин нима деб жавоб беришини билмай, серрайиб турарди.

— Уйингга олиб бориб қўяйми? Уйинг қаёқда?

— У ёқда, деди Эркин кўчанинг нариги томонини кўрсатиб.

— Юр, олиб бориб қўяй.

— Йўқ, мен ойижонимнинг олдиларига кетяпман.

— Ойижонинг қаёқда?

— Улганлар.

Милиционер йўламсираб, болага тикилди. Боланинг ичкиб, уйдан чиқиб кетганини фаҳмлади. Нима қилиш керак, деб лабини тишлади. Эркинга гап қотди.

— Юр, мен ҳам ўша томонга кетаётган эдим, олиб бориб қўяман. Менинг ҳам сендек ўғлим бор.

Эркин телевизорда кўрган энг яхши милиционер шу киши бўлса керак, деб ўрнидан турди-да, баланд бўйли милиционер билан бирга йўлкадан қадам ташлай бошлади. Бир нафасдан сўнг милиционер жуда ҳам чарчаган Эркинни кўтариб олди. Улар ўн беш минутча йўл юриб, милиция идорасига келишди. Эшикдан кириб келишлари биланоқ, навбатчилик қилаётган милиция ходими уларни хурсанд қарши олди: «Шу бола эканми? Отаси ўпкасини қўлтиқлаб, кўчама-кўча юрибди. Уйининг телефонини бериб кетган эди. Оти Эркинми? Ҳой бола, отинг Эркинми?»

Эркин бош қимирлатиб, тасдиқлади. «Ҳозир уйига телефон қилиб, отасини хурсанд қиламиз...»

Эркин бу ердан ҳам жуфтакни ростламоқчи бўлган эди, иложи бўлмади. Уни навбатчи милиционер ёнидаги стулга ўтқазиб қўйишди. Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмас отаси машинасини эшикда қолдириб, хонага ҳовлиқиб кирди. Ўғлини кўриб уни даст кўтариб, бағрига босди. Кўзига ёш олиб:

— Ўғилгинам,— дея олди.

Эркин ҳам йиғламсираб унга тикилинч қилишга тушди.

— Адажон, ойижонимнинг олдиларига борайлик.

— Бўпти! Уғлим, бўпти, борамиз,— деди у ўғлини бағрига қайта-қайта босиб, кейин ҳижолат аралаш милиционерга мурожаат этди:

— Мен эрта билан барвақт аэропортга, меҳмонларни кутгани чиқиб кетган эдим, бувиси билан қолган эди. Яқинда бошимизга бахтсизлик тушган... Кечирасиз...— деди-да, унга ташаккур айтиб чиқиб кетди.

Улар машиналарида уйга қайтиб келиб, бунда «туғиб ўтирган» бувини тинчитишди. Ота Эркинга ҳам тасалли берди. Бирпасдан сўнг ойижони ёнига олиб боришга бошқатдан тайёргарлик кўрди. Юзларини ювди, янги кийим, ботинкаларини топиб беришди. У қорнини ҳам тўйдириб, эшикда турган машиналарига ҳаммадан аввал чиқиб, ўтириб олди. Унинг барча ҳаракатларини кузатиб турган отаси кўзларига ёш олиб, ўпкаси тўлиб, пиқиллаб йиғлади. Ичкари уйга, ундан ваннахонага кириб, юзини ювди. «Кўзига совун кириб, ачиётганини» кампирга ҳам, Эркинга ҳам айтди. Кичик бола учун онанинг ўлиmidан оғир бахтсизлик йўқ, дерди ота ўзига-ўзи.

Бир соатлардан кейин улар яна ҳовлидаги гуллардан қирқиб, каттагина гулдаста ясаб, машинада қабристонга жўнашди.

Ҳали мрамор тош қўйилиб, атрофи панжара билан ўралмаган, тупроқ уйилиб, кетмон билан текислаб қўйилган янги бир қабр тепасига бориб, ота-бола бош эғишди. Қабр устига гулдастани қўйишди. Эркин дадаси ёнида янги қабрга тикилиб турарди. Қани унинг ойижони? Наҳотки уни атлас қўйлаклари билан шу тупроққа кўмишган бўлса? Ахир унинг пальтоси этагига тупроқ тегеа ҳам, чўтка билан эринмай тозаларди. Унинг чиройли юзлари, олтин зираклари, нозик оппоқ қўллари шу тупроқ тагида ётган бўлса? Эркин хомуш турарди.

— Ойижоним бу ёққа чиқмайдиларми?— Эркин дадасига мурожаат этди.

— Йўқ,— деди дадаси ғамгин. У ўғлини овутиш ниятида ёлгон гапирмади.

Ота-бола қабристондан чиқиб, ўз машиналарида уйга қайтиб келишди. Лекин эртасига у шамолладими, иситмалаб, касал бўлиб қолди. Тепасига келган адасига ҳам, бувисига ҳам, бошқаларга ҳам, ойижон, деб қўл чўзиб талпинар эди. Иситма ичида қўлида атиргул, ойижонини қидирарди.

Эркиннинг довдираб, ичкиб юргани Ҳумоюнлар хонаданини ларзага солди. Бувасию бувиси, аммалари Эркин атрофида гирдиқапалак бўлиб қолишди. Хотини қазосидан кейин, «етти»ни ўтказиб, Ҳумоюн хизматга борди. Илгари хушомад қилиб юрадиган баъзи жувонларга ҳам ортиқча сўзамоллик йўқ, қарагиси ҳам келмасди. Унинг кўз олдида ойижонини йўқотган маънос Эркин турар, бу митти боланинг дарду дунёси қоронғи, ҳеч нарсаи қолмагандай кўриниши юрагини эзарди. У на ота ва на бувига қарарди.— Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасди. Унга ўзининг ойижони керак. Ойижонини топиб беришлари керак! Қани унинг ойижони?! Наҳотки унинг ойижонини кўмиб келишди! Наҳотки ойижони уни бағрига босмайди! У, Ҳумоюннинг кўзига ойижонисиз яшолмайдигандай кўринарди.

Адвокат Фаррух Дўстмухамедовлар оиласи мотамсаро, бир кичик жон бутун бир хонадонини ларзага соларди.

Уч йил орадан ўтди, Эркин ҳам мактабга борди. Аммо ҳамон Ҳумоюн уйланмай юрарди. Унинг кўз олдида ҳамон ўша Раъно... Ер совуқ, киши қазо қилгач, қолган кадрдонлари юрагида унинг меҳри секин-аста совийди, дердилар. Бу тўғри эмас экан. Ҳумоюн юрагида Раъно муҳаббати ҳамон яшарди. У, Раънони аяча вақт кетидан юриб, яхши кўриб олган эди. Назарида яна бир бошқа кишини Раъночалик

севишга қурби етмайдигандай туюларди. Бирон кимса юрагида ғалаён қилолмасди. Ҳумоюн уч йилдан сўнг, биринчи марта Онахонни кўриб, юраги «жиз» этиб кетди. Унинг рўпарасида Раъно тургандай бўлди. Унинг бир ери Раънога ўхшашиб кетарди. Овози ўхшармикан? Ҳумоюн ўйлашиб қолди.

XIV боб

Касални бекитсанг иситмаси ошкор қилади

Воқеа яна Сурхон водийсига кўчади.

Шанба куни коридорда, ошналари даврасида кайфи чоғ турган Жўрақулов ҳазил-мутойиба гапдан кейин, кўнглидаги баъзи режаларини гапириб берди. Эртага «Чағаниён» колхозида бўлиши, ундан ўтиб, кўприк қурилишини кўриши, ундан Ҳазарбоғ томонга боришини ҳам маълум қилди. Буни, дўстлар ўртасидаги одатдаги гап деб билди. Бошқалар ҳам шундай ҳисоблайди, деб ўйлади. Икки қўлини шими чўнтагига тиқиб, гувраниб турган Жўрақулов яна бошқа масалани ҳам ошналари билан маслаҳатлашди. Аммо, жойида айтилмаган бу режа кейинчалик тилини тишлаб қолишга сабаб бўлди.

...Урушда бир оёғини йўқотиб, инвалид бўлиб келган Тожибой ака қишлоқни кесиб ўтадиган катта йўл четида чойхона очган эди. «Чағаниён» колхозининг ўша вақтдаги раиси Ҳақназар ота айни хонадонларда мол асраш, битта сигирни иккита қилмаслик, эшаклар қирилган, туялар камайиб кетган бир вақтда Тожибойнинг сигир боқишига, чойхона очишига рухсат берган эди. Рухсат беришга бериб, ўзи ҳам қўрқиб кетган. Кейинчалик анча-мунча қурилиш материаллари билан ҳам қарашди. Уни-буни сотиб олиш учун пул ҳам берилган. Бу ўша вақт... Ҳозир бўлганда колхознинг ўзи қуриб, ҳамма керакли нарсаларни олиб, мана, Тоживой ака, ванғиллатиб чойни қўяверинг, дерди. Ёғочоёғини тақиллатгани билан у жуда ҳам эпчил, жуда ҳам серҳаракат — оёғи бутунлардан тезроқ юарди. Чойхонани безаб, гилам ёзди, турли плакатлар илди. Қизил бўрчак ташқил этди. Одам гавжум бўлавергач, самоварни тўртта қилди. Етмишта чойнак, юзта пиёла тинимсиз хизматда. Колхоз раиси ёки у ёқ-бу ёқдан келиб қолган азиз меҳмонлар учун чойнинг асили — «тўқсон бешинчи»дан дамларди. Бошқа вақт уни «тишининг қавағи»да асрарди. Уғли билан жияни ҳам хизматда. Новвойлар билан келишиб қўйган — иссиқ нон доимо муҳайё, мўйсафидлар учун тўрда алоҳида жой ажратилган. Унинг ўткир овози, ўзи ҳам қотмадан келиб, гапирганида томоғидаги лак-лукиннинг чиқиб-тушиб туриши, дадиллиги, айтганини қиладиган бир сўзлик танти одам бўлгани учун тенгқурлари «хўроз» дерди. Ёшларга уни бундай аташ жоиз эмаслиги маълум. Лекин қишлоқда яна икки Тоживой бўлганлиги сабабли «хўроз» сўзини қўшмасликка илож йўқ. Чойхонадан сал нарироқдаги Солиной сўтакнинг тўрт яшар невараси баъзан нонга чиқиб: «Тоживой хўёз амати, олтита нон бераркансиз» деб қоларди. Оббо саней, валат, деб бош чайқарди Тоживой хўроз. У олтмишлардан ошган, ҳазилни ўта яхши кўрадиган одам. Ўзига ўхшаган яна беш-олти эски фронтовиклар, пенсионер чоллар худони берган куни чойхонада — бу «кунда — шунда»ларни у «правление аъзоларим», дерди. Чойхонада ичкиликбозликка асло йўл қўймас, чунки аскияни яхши кўришига қарамай, унинг жаҳди тез, ғазаби қаттиқ кимса эканидан ҳайқишарди.

Белбоғида қини салкам ярим газ, пойнакли дандонсоп пичоқ осилган. У пичоқ ишқибози. Аллақандай бир одам дамашқий пўлат пичоқни юз етмиш сўмга сотиб кетган. Бу пичоқни тунукага урса тешиб кирарди. Дамашқ усталари бир вақтлар белига камар қилиб боғласа бўладиган қилич ясаганлар. Шундай қиличлар борки, симёғочни узиб туширишлиги мумкин, деб лоф ҳам урарди. Қадимги замондаги паҳлавонларнинг «аламий бирла қалам қилди», «дубулғаси бирла чор пора» қилган қиличлар шу-да, дерди Хўроз. Урушдан олиб келгани ўлга бир ханжарни ҳам бузиб, яхши пичоқ ясаптириб олган. Атай бориб, шаҳрихонлик бир устадан юз йигирма сўмга бир пичоқ сотиб олиб келганини ҳам эшитишган. Гўшт тўғрайдиган, норин қиладиган, мол сўядиган пичоқлари алоҳида. Асл пичоқларини асло хотини, бола-чақаси қўлига бермасди. Пичоқнинг додини хотинлар берар эмиш — дандонсоп пичоқлар хотинлар қўлига тушса юм-юм йиғлармиш... Шу сабабли у энг яхши пичоқларини сандиқда сақлаб, рўзғорга магазиннинг бир сўм етмиш тийинлик пичоғини ишлатарди. «Ана, сабзини мана шунда тўғрайвер!» дерди илжайиб хотинига. «Сенинг уч тийинлик картошкани деб мен сал кам минг сўмлик дандонсоп пичоғимни бузаманми?»

Ошналари билан учрашганида Хўрознинг биринчи сўзи: «Қалай, иштонинг қуруқми?!» бўларди. Шундан сўнг, агар кайфи чоғ бўлса, бир-икки латифа айтарди. Латифани анча келиштириб айтар, ора-чора «ғиййқ» деб кулиб қўярди.

Кўпчилик ичида гапиришга тўғри келиб қолса «Оёқни асранглар, оёқ жуда нозик нарса» дерди. Дангасаларни «Ҳой, мактабдан қочганлар, бундай инсоф билан ишласаларинг бўлмайми? Номусларга ўлдирдиларинг-ку!» деб савалаб қоларди. Шундай хунгозор йигитлар чойхонага кириб қолса, пастроққа ўтқазар, чойни ҳам жиянидан юборарди. Дангаса деб номи чиққанларни мажлисда танқид қилиб ўтириш шарт эмас, раис уларнинг рўйхатини Тоживой хўрозга берса бас. Жазосини у берарди. Баъзан бурнига қўнган пашшани жаҳл билан ҳайдаб, белбоғига осиглиқ дандонсоп пичоғи билан калласини узиб ташлагуси келарди — киши бир ботмон юкни елкасида кўтариб туриши мумкин, лекин бир мисқол пашшани кўтариб туролмайди. Бу ярамас шундай оғир нараси уни ландовурлардан бўлак ҳеч ким кўтаролмайди.

Кейинги пайтларда магазинларда чинни идишлар анча тақчил бўлиб, баъзан лаби учган пиёлачаларни ҳам ишга солар, дарз кетиб чегаланган чойнаклар ҳам топилади. Тошкент чинни заводи ишга тушиб кетди, энди бу ёғи чойнак-пиёла мўл бўлади, деб юрди. Лекин чойнак-пиёла ўша танқислигича қолаверди. Тошкентдек шаҳри азимда каттакон чинни заводи қурилсаю, пахтакор эл пиёлага ёлчимаса! Пахта гулли чинни идишлар олиб сотарларнинг уйида қалашиб ётса! Битта чойнакка отасининг нархини қўйса! «Ё қудратингдан!» деб юраги ёниб, яктаги ёқасидан чиқиб турган кўксидеги жунни қашларди. Лекин шунга ҳам шуқр қилиш керак, дерди. Ахир у оғир, қонли жангдан соғ қайтди. умри ўлжага қолгандек, унча-мунча ташвишларни ташвиш демасди.

Чоршанба куни районимиз каттаси шу томонга ўтармиш деган гап қулоғига чалинди. Хушбичим бир йигит машинада ўтиб кета туриб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Чойхонага ҳам кириб, ҳаммаёқни кўздан кечирди. Хўроз секин бориб, нима гаплигини сўради. У одам Хўрознинг қулоғига шивирлади. Хўроз бош қимирлатиб, бу ишга у ҳам бир танлигини билдириб, сидқидилдан «тайёрмиз» ишорасини қилди. Чойхонани супуриб, тозалаб қўйди. Йўл тузатаётганларга чой элтиб берди. Бизлар ҳам сизларга ўхшаган меҳнаткаш, асли пронтвой, тупроғимиз бир ердан олинган, деди. Катта йўлга асфальт ётқизаётганлар Хўроздан жуда мамнун бўлишди. Шу атроф — ўн километрча йўлнинг штаби Хўрознинг чойхонаси бўлиб қолди. Қора мойга бўялганлар, прорабу техник-

лар бир дам чойхонада ҳордиқ чиқаришарди. «Келаверинглар, мана чой,— дерди Хўроз,— ҳамонки йўлни равон қилар экансизлар, бу одамлар учун керак». Бояги шляпалик хушбичим йигит машинада келиб йўл четига хонадонларга кириб, деворларга ёпиштирилган таппиларни олиб ташлаш, кўча-майдонларда санғиб юрган бузоқларни эртага кўчага чиқармасдан боғлаб қўйиш кераклигини қатъий тайинлади. Айниқса, кулга ағанайдиган ярамас эшакларнинг «танобини» тортиб қўйиш керак, деди. Бу йигит кимлиги, эртага кўчадан ким ўтишини билишмасди. Эшакларни четроқ дала, жар-парга ҳайдаб қўйиш лозимлигини, камроқ ҳангратиш кераклигини айниқса таъкидлади. Қайтоқим чолнинг энсаси қотиб, бу ҳайвон бўлса, унга ҳанграмагин деб бўлади-ми! Айниқса, бизнинг томондаги эшаклар сал-пал хангироқ. Бир ёғлоғи зигир ёғи билан ҳаммасининг овозини ўчириш мумкин, деди тўнғиллаб. Хушбичим йигит баъзи томлардаги хашак ғарамини, айвонларга ёйиб қўйилган ошқовоқ, маккажўхориларни ҳам вақтинчалик йиғиштириб олишни, деворларни оқ бўр билан бўяшни топширди. У Тоживой хўроз чойхонаси олдида ҳам машинасини тўхтатиб, ичкарига кириб, бурнини жийирди. Бу одамнинг чойхонага биринчи киришини пайқаган Хўроз аввал жим кузатиб турди-да кейин тўқиллаб келиб қўл узатди.

— Ассалому алайкум, хуш келибсиз!

— Чойхоначи ким?

— Мен.

— Мунча исқирт!?

— Лаббай?

— Чойхонангиз мунча исқирт, деяпман!

— Унчалик эмас, муллажон. Ҳар куни уборка қиламан, супураман. Хлорга ҳам ювган вақтларим бўлган. Бизда пашша йўқ. Одамлар жуда мамнун. Кечқурун ҳатто жой етишмайди. Раисамиз жуда олижаноб одам, эшитгандирсиз, ёрдам бериб турадилар.

Келган одам чегаланган бир чойнакни олиб, у ёқ-бу ёғига қаради.

— Бу нима?

— Чойнак.

— Минг еридан чегаланиб кетибди-ку! Бу ердан ким ўтаётганини эшитгандирсиз?!

— Ҳа, албатта. (Лекин Хўроз ким ўтишини билмасди. Қўрққанидан «ҳа» деди).

— Бундай исқирт чойнакларга кўзи тушса-я!— у чойнакни ерга уриб чил-чил қилди,— яна борми?

Хўроз индамай, бўйини солиб турди. У одам самовар ёнида қаторлашиб турган бошқа чегаланган чойнак ва пиёлаларни ҳам ерга уриб синдира бошлади.

— Янгисини берамиз, ўксинманг! Булар жуда исқирт экан! Утмиш сарқити...

— Синдирмасангиз, шундоқ белбоғимга солиб уйимга олиб кета қолсам яхши бўлармиди, муллажон?

— Э, буларни йўқотинг! Уйингизга ҳам раво кўрмайман! Бизлар нима ишлар қилаяпмиз-у, биродар, сиз бу эски чегаланган чойнакларда халққа чой беряпсиз! Шу иш тўғрими? Халққа чегаланган чойнакда чой бериш тўғрими? Қани, айтинг! Америка эшитиб қолса нима бўлади? Тушунасизми? Савод борми? Чет элликлар ўтиб қолса нима бўлади?!

— Кечиринг, хато қилибмиз.

— Бир томонда, мана, бульдозер, МАЗлар гуриллаб турса-да, бир томонга чегаланган чойнакларда халқ чой ичса! Анави қафасдаги какликларни олиб ташланг! Падарига лаънат! Бедана ҳам борми? Э, йўқотинг уларни! Булар эскилик сарқитлари!

— Хўп бўлади.

— Анави ўчоқ, қозонлар нима қилиб турибди? Ўчоққа рухсатингиз борми?

— Раисимиз майли деганлар.

— Ҳей, ҳужжатингиз бўлмаса, ёмон бўлади! Ўчоққа ҳужжат керак. Ҳужжатсиз иш қилиб бўлмайди! Тошкентда ўчоққа рухсат олишганини ўз кўзим билан кўрганман.

У яна бир даста чегаланган пиёлаларни ҳам ерга уриб синдирди. Катта сопол лаганни ҳам ерга урди. Хуллас, янгисини берамиз деб, чойхонадаги идишларни йўқ қилди. Бу ердаги одамлар ҳайрон. Мис об-даста, шиша банкаларни ҳам кўздан йўқотиш кераклигини, энг яхши чинни идишлар, сервислар қўйиш лозимлигини тайинлади. «Сизларнинг эски-тускиларни ишлатишингиз жуда ҳам одамни эзиб ташладику» деб хўрсиниб, «ух» тортиб ҳам қўярди. У ўзига ёқмаган эски идишларни синдириб бўлгач, яна машинасида жўнаб қолди. Хўроз шу куни чойхонани ёпиб, ўғли, жияни билан кечгача чинни синиқларини, сополларни, шиша парчаларини тозалашди. «Эҳтимол, каттамиз чойхонага кириб қолар...» Чегаланган чойнакларга кўзи тушса нима бўлади!?»

Рўмолчасидан-хушбўй атир ҳиди анқийдиган бу мансабдор шахнинг гапи қулоғи остида жарангларди. У жуда ҳам фўрум — гулдор галстук тақиб, виқор билан юрганида туфлиси фарчилларди. Соқоли йўқ, ё обдан қиртишланган, ё кўса. Боши тик, тез-тез гапирар, стулга ҳам қўлидаги буқланган газетани ёзиб, кейин ўтирарди. Хўроз олиб келган чойни ичмади, шундоқ қолиб кетди. Бўлмаса пахта гулли чиройли пиёлани обдан ювиб, силқитган эди. Шу куни Хўрознинг саксон фоиз идиши синди. Қолгани билан тирикчилик қилиб бўлмасди. Эски-туски шолчаларни ҳам эшак аравага ортиб уйига олиб кетди. Тўрқовоқдаги беданаю какликларни ошна-оғайниларига улашиб юборди. Янги чинни идишлар қаёқдан келади, буни ҳам билмасди. Шунча хўрозлиги, фронтовойлиги билан Тоживой жуда содда экан — янги чойнак-пиёлаларни ҳақ деб кутди. Шу куни, қайси кунлиги ёдида эмас, райком секретари Жўрақулов катта йўлдан физиллаганча ўтиб кетибди. Унинг назари Тоживой хўрознинг чойхонасига тушдими, худо билади! Лекин Хўроз уйда бағрини ерга бериб, болишини кучоқлаб ётиб хаёлга толди. Янги идиш келмади, ўз ёнидан сотиб олишга қурби етмайди. Колхоз раиси Ҳанифа Бегимқулова олтмишга яқин чойнак-пиёлани нега синди-расиз, кунимизга яраб турувди-ку, деб койиди. Нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмасди. Уша олифта йигитни сўраб, суриштириб билолмади. Қўй бўлмай, ўлай, деди у ўзига-ўзи. Мени одамлар бекорга «хўроз» дейишади, мен аслида «қўй»ман, мени ҳамма сўйса бўлаберади, дерди койиниб. Энг ёмони шу бўлдики, райком секретари Жўрақулов билан ошна эди. Чойхонасида ҳам бўлган. Наҳотки у, ўзининг фронтчи дўсти ўтаётганида, унинг чойнак-пиёлаларини синдиришга буйруқ берган бўлса!

Мана, бир ойдирки чойхона ёпилган. «Хўроз» синган... Одамлар каловланиб борадиган, тўпланиб ҳордиқ чиқарадиган жой йўқ. Бедананинг «ва-вақ, ва-вақ, бит-билиқ»...лари тиниб, файз йўқолган. Ҳамма ҳайрон.

Кунлардан бир куни кимдир унга ҳазил қилди:

— Қалай, Хўроз, иштонинг қуруқми?

Тоживой ака алаmidан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Бу кулиш дарҳақиқат хўрознинг қичқирғига ҳам ўхшашиб кетарди.

Бу гап кейинчалик Жўрақуловнинг қулоғига етди. У ҳайрон. Бу қилиқни ким қилди экан? «Фармонга бардор» бўлиб юрадиган, ўпкаси йўқ ким экан?! Бундай қилиш унга нега керак бўлиб қолди? Чойхоначининг сингани кейинчалик бутун районга тарқалиб, номусларга

ўлай дейишди. Уша ҳовлиқтириб, янгича бир лаганбардорлик қилган кимсани ҳамон қидиришарди. Жўрақулов бундай пайтларда ёрдамини аямайди, деб яна уддабурон Яхшибекка мурожаат этди. Бу ишни ҳам бир-икки кун ичида тўғрилаб, чойхоначига базадан элликта чойнак, икки юзта пиёла ва бошқа чинни идишлар олиб, йўллабди. Лекин ўзи кўриниш бермади. Хўроз хурсанд бўлиб кетганидан овозининг борича қичқириб юборди. Жўрақуловни ҳам, Яхшибекни ҳам дуо қилди. Хайрият, чойхона сақлаб қолинадиган бўлди.

— «Чағаниён»га, Ҳанифа Бегимқулова олдиларига бориб иш чиқаролмай келган эдим, Жўрақулов менинг қаддимни тиклади, кўп яшасин!— деди хурсанд бўлиб кетган Хўроз.

— Ёнларига денг, опамнинг ёнларига борувдим денг!— Яхшибек илжайди.

— Кабинетларига...— деди қийқириб Хўроз, қўллари билан тиззасига уриб,— укажон, сиз ҳам гаплашадиган йигитга ўхшайсиз, шу маҳалгача билмай юрганамга ҳайронман! Дў-ў-ўст! Маладес, укажон! Тожибой — Хўроз акангиз аския этадиган одамларга юз кетади, минг кетади! Бор экансиз-ку! Жўражон! Нега чойхонага келмас эдингиз?

— Давлат иши билан бандмиз-да, биродар!

— Вей, бизни унутманг! Аслимиз Фарғонадан...

— Бўпти. Хайр!

Хўрознинг яна оёққа тургани, Жўрақуловдан мамнун экани Онахоннинг ҳам қулоғига етди. «Тайлоқов бутун одам...» деди Ҳақназар ота. Онахон ҳам қойил қолди. Буни эшитган Ҳанифа Бегимқулова ҳам ҳайратга тушди.

XV боб

Йўқолиши керак бўлган «усул»

Беҳудуд яшил кенгликлар. Уқариқдан тўғри қарасангиз пахтазор беқасам тўн кийганга ўхшайди. Дала ўртасида уч киши турарди; улар Ҳанифа Бегимқулова, Ҳотам Жўрақулов ва Қўчқорбой ака. Бригада бошлиғи етилган чаноқдан нимранг, оқ малларанг ипак пахтани сугуриб олиб, икки қўли билан чўзиб, офтобга солди. Унинг токнинг зангига ўхшаш нотекис, бир бармоғидаги тирноғи ҳам қачонлардир нима бўлиб қийшайиб қолган қўли чаноқни маҳкам тутган. У ипак пахтанинг жуда ҳам нозик, кўзга кўринар-кўринмас толасини офтобга солиб, Жўрақуловга кўрсатди. Мана, бунга қаранг, деди у ярим овозда. Бир нарсага берилиб, диққат билан тикилишдан аввал кўзойнагини қўлга олиб артишга одатланиб қолган Жўрақулов худди шундай қила бошлади. У баъзан асаби бузилган чоғларда ҳам кўзойнагини ўйнаб, рўмолчаси билан бўйнини арта бошларди. Қўчқорвой ака чўзиб тургани ингичка толаи озгига яқин олиб келиб қаттиқ куҳлади. Икки-уч бор куҳлади. Лекин тола узилмай, офтоб нурида йилтираб гураверди.

— Етилибди!— деди Қўчқорвой ака «ўз усулини» Жўрақуловга ҳам ўргатиб. Бу ишни Жўрақулов ҳам қила бошлади. Мана шу қаттиқ куҳлаганимда тола узилмаслиги керак. Агар узилиб кетса етилмаган, яна бир-икки кун сабр қилиш керак бўлади. Мен бу гапни неча бор айтдим, Ҳанифага ҳам айтдим, ҳей, ўртоқлар, ингичка нозик пахта, очилдими, ҳа бўл, ҳа бўл қилиб юборасизлар. Пунктга олиб боришарди, у ерда ўтирганларнинг ҳам қалласи бор, аълога ўтиши ке-

рак бўлган пахтани бир сорт пасайтириб келишади. Ахир пахта пунктида лаборатория бор. Ойшахонлар бор, обдан ўлчашади. Аппаратлар бор, дурбинга ўхшаган асбоблар бор... Етилтирмай шошиб олиб боргандан кўра битта толани офтобга солиб «куҳ» десаларинг бир нима бўлиб қоласанларми дейман, ўртоқ Жўрақулов! Кўп вақт улар менинг айтганимни қилишмайди. Ўзбошимча, ўзларига билагон бўлиб кетишган. Ичимиздан қуямиз. Бўлмаса ўз бригадамдаги иш ўзимга етиб ортади. Бошқаларнинг ишига аралашгим келмайди. Қолхоз битта, ажратиб қолмайман...

— Дарвоқе, бу анча қулай усул экан,— деди қўлидаги толани куҳлаб Жўрақулов,— шунда аниқ билинадими?

— Жуда аниқ. Мана шундай синаб кўрилса, пунктда ҳеч хато бўлмайди.

— Пунктда аппаратлар кўп денг?..

— Анави Ойшахон деган кўркам жувоннинг лабораториясида обдан текшириб кўришади. Қўноқчи қўноқчини кўролмаганидек, ҳалиги Ойшахоннинг кушандаси бизнинг Ҳанифахон... Улар ўртасидаги рақобат азобини биз тортамиз. Бегимқулова колхозидан келган пахтани Ойшахон товукдек титкилайди. Сиз келмасингиздан илгари райкомдаги бир йиғинда мен Ҳанифа билан Ойшахонга мурожаат қилиб, икковинглар ҳам районнинг мўътабар одамларисиз, жамоани ётқизиб турғизадиганлардансиз. Келишиб ишлайлик! Сизларнинг ноаҳилликларингиз бизларга қимматга тушяпти, дедим. «Ингичка»нинг чигити туксизроқ бўлади. Ҳанифахон янги раис бўлганлар-у, «ингичка» экадиган бўлиб қолдик. Намуна учун бир этак чигитни ўшанда раисамиз ёнларига олиб борган эдим, у киши оқ пахта экиб юрган эдиларда, чигитга кўзлари тушиб «ия, туки йўқми?» деб қолдилар. Тил ўлгур ёмон, ўшанда кайфим чоғроқ эканми, нима ҳам бўлиб, «Опажон, сизнинг ёнингизга тукини қириб олиб келдик», деб юборсам бўладими. Опа аввал сал кулган бўлиб, кейин қизариб кетдилар. «Боринг, ўша ёққа! Олиб чиқиб кетинг чигитларингизни! Чигитларинг бошингда қолсин!»— дедилар. Мен нодон бунақа ҳазилни келиб-келиб ўзимизнинг опамизга қиламанми! Ўшандан буён косамиз оқармайди. Ҳанифахонни қайрилма қоши — ханжар, бу ханжар қинидан чиқмасин, агар у қинидан чиқса қонимиз тўкилади... Ўн йилдан бери орден у ёқда турсин, тангадек медаль ҳам ололмаганлар бор... Мана, ёмон ҳазилнинг оқибати!

— Сизда ҳам анча-мунча гап бор экан,— деди Жўрақулов кекса бригадирга тикилиб.— Лекин Бегимқулова жуда яхши раиса, яхши аёл.

— Ўзимизнинг қўлимизда катта бўлган, Ҳақназар отам кўтарганлар. Халқ уни яхши кўради. Жуда зўр жувон.

— Ҳақназар отам кўтарганлар денг?

— Ия, яна қизиқ гапириб қўйибман-ку, ха-ха-ха-ха! Тил ўлсин, шу тил бир куни бошимга етади! Бу, аниқ!

Улар иккови обдан кулишди. Кўзларидан ёш чиқиб, Жўрақулов рўмолчаси билан артиб олди.

— Бурноғи ййли сизларнинг колхозингизда «ингичка» билан ер чатоқ бўлган эканми?

— Ҳа. Намга, ернинг нами кўтарилмай эканмиз. Уч бригадада чигит қириб кетди. Хато иш бўлган. 108—Ф оқ пахтанинг бир тоннасидан саккиз минг олти юз йигирма метр мато тўқилса, ипак пахтанинг бир тоннасидан ўн беш минг бир юз эллик метр қимматбаҳо мато тўқилади. Бунни қаранг! Илғор теримчиларимиз қўл билан бир кунда

бир юз эллик, икки юз килограмм оқ пахта терганида ипак пахтадан олтмиш беш, етмиш килограммдан ортиқ териб бўлмайди. Бу «ингичкамиз» жуда ҳам сермашаққат, чаноқлари учлик, тиконга ўхшайди — қўлни қонатади, тирноқ тепаларини яра қилиб юборади. Оқ пахтадек лўппи бўлиб турмайди. Қийин. Бошқалар тоннани ошириб мукофотлар олганда ипак пахтадан мукофот олиш жуда қийин. Ипак пахтадан мўл ҳосил олиб, медаль билан мукофотланган одамни қаҳрамон деяверинг, ҳақингиз кетмайди!

— «Фузуриоз вильт» деган касал ипак пахтага тез ўтар эканми?
— Ҳа, вильт бор. Енимизда, Қўрғонтепа томонларда ҳам бор эмиш.

□

Шу куни чой устида улар ўртасида яна бир ноқулай иш услуби ҳақида гап кетди. Бу гап: қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит, қабилида эди. Ҳанифа Бегимқуловада сал-пал димоғ пайдо бўлгани бунга сабаб бўлди. Ҳанифахон колхозчилар аризасига уч хил рангли қалам билан имзо чекарди. Бу гап қисман райкомга ҳам етиб келди. Бу қилиқнинг асли бошланиши ҳақида гаплашиб, кулиб қўйишди холос.

Бир машҳур раисимиз меҳмон кутишда котибга уч хил ишора қилар экан: биринчи белги — қошини ё бошини қашлаш... Бу белги колхозга жуда ҳам катта меҳмон келяпти; камида Жавоҳарлал Неру ёки Вальтер Ульбрихт... дегани. Мўйлабини силаб, даҳанини қашлаш, бу, министрлар... дегани. Зиёфатда товуқдан то арман коньягигача, барра кабобдан то қимизгача бўлади. Қафтини ишқалаш белгиси — об-финотдел, ревизорлар, заготскот, заготзерно бошлиқлари, муҳбирлар, хабар қилинмай келиб қолган бошқа мансабдорлар... Улар дастурхонига ароқ, оддий коньяк ва яхшилаб ош дамланиб, кейин туҳфа берилмай кузатиларди. Тўртинчи тоифа меҳмонлар ҳам бор, улар келганида ҳеч қандай белги қилинмас, колхоз секретарининг ўзи бир лаган ош билан хайр-хўшлашиб жўнатарди. Бундай «қаланғи-қасанғи»ларга қўшни колхоздан келганлар, район газетасининг мухбирлари ва бошқалар кирарди. «Ота» уйдан чиқмас, унинг ўрнига «маҳрам» бўлиб кетган секретарнинг ўзи муомала қилиб, бу йил қанча пахта берилгани, центнердан қанча ҳосил олингани, план келгуси йилда қанча бўлиши... шулар ҳақида гапириб, хайр-хўшлашарди.

Уч рангли имзони ҳам машҳур раис кашф этган: аризанинг тепасига қизил қалам билан «берилсин» деб имзо қўйилса, шу заҳоти сўралган нарса ошириб бериларди. Ҳатто ўша нарса ариза берувчининг уйига ҳам олиб бориб қўйиларди. Бинафша ранг сиёҳ билан қўйилган имзо — иккинчи даражали ҳисобланиб, шошмасдан, гали билан ва баъзан ҳафталар ўтказиб ҳал қилинарди. Ариза берувчининг фиғон бўлиши, «ахир ота имзо чекканларига икки ҳафта бўлди-ку, нега ҳал қилмайсизлар», деб ранжишлари ҳам бир пул. «Йўқ бўлса нима қилайлик, яна икки кун кутасиз, келиб қолар...» деган жавобларни ҳам эшитишарди. Лекин ҳар қалай сўралган нарса бериларди. Учинчи имзо — «берилсин» деб ё қора сиёҳ, ё оддий қалам билан чекиларди. Бу — «берилмасин» деган гапнинг ўзгинаси эди. Берилсин деб имзо қўйилгани билан оддий қаламга ё омбор мудури ва ё бош бухгалтер қараб кулиб қўя қолишарди. Раис ҳеч кимга йўқ демасди, лекин мана

шу оддий қалам билан қўл қўя қоларди. Бундай аризани кўтарган одамлар икки дунёда ҳам бирон нарсага эга бўлиша олмасди.

XVI боб

Юракдаги тун ва кун

Кутилмаганда Онахон ёнига, қабулхонага пориллаб тўрт қиз кириб келди. Қизлар бунда ўтирган Райкомхон опа Итолмасова ва бошқаларга ҳам эътибор бермай, тўғри бориб Онахон билан кучоқлаша кетишди. Чехралари гулгун, унча кулги кўзгамайдиган гапга ҳам гурра кулишга тайёр эдилар. Қизлар думбуллиги, дунёга фақат қувноқлик учун келгандай, дарё тошса тўпиқларига чиқмайдиганлардан эканликларини Итолмасова сезиб турарди.

— Яхши қилибсан, дугонажон, райкомга келганинг зўр бўлибди!— деди икки юзи анор, лаблари олуца Маъмура Онахонга. Унинг юзларида ҳаяжон, кулги тўлқинланиб, ўзини қўярга жой тополмасди.— Мен энди обкомга бораман.

— Ха-ха-ха-ха,— қизлар баробар кулишди. Лекин Онахон лабини тишлаб, жим турди. Райкомхон опа қизларнинг думбуллигини кузатиб, завқланарди.

— Сенга ёқибди бу ер. Очилибсан... Вой-бў-ў,— деди Фариди.

— Йўғ-е,— бир оз қизарди Онахон.

— Ҳа, рост!— деди Интизор,— вай-вай-е-е, мен ҳам қачон шунақа ерларда ишларканман! Атлас кўйлагинг ҳам ярашибди.

— Сен бундақа ақлли гапларни қаёқдан биласан-а!— Онахон аввал кинояли, «ақлли» сўзига урғу бериб, кейин ўзини кулгидан тийиб, оғзини бармоқлари билан беркитди. Райкомхон опага жовдираб қарарди. Бу иш ноқулай бўлаётганидан хижолат тортаётган эди. Опа «қўя-веринг, озиб-ёзиб келишибди, кайфини бузманг. Райком мачит эмас, кулги ҳам бўлиши керак» дегандек имо қилди. Аммо бари бир Онахон дугоналарини бошлаб коридорга олиб чиқди. Ичкарида биринчи секретарь ишлаётганини айтди. Онахон ўқишга киролмай Тошкентдан қайтиб келганидан кейин бу дугоналари билан биринчи учрашуви эди.

— Жўрақулов қанақа одам?— деди яна тез-тез гапирадиган, бурни пучуқроқ Фариди жиддий бир тусда.

— Яхши одам,— дарҳол жавоб қилди лўмбиллаган Маъмура,— ёмон одамни райкомга секретарь қиладиларми!

— Биров ундоқ дейди, биров бундоқ,— деди жиккакдан келган, сочларини майдалаб ўриб, дўппи кийиб олган Интизор.

— Яхши одам!— деди Ўғилой кескин,— бизнинг уйдагилар у кишини жуда яхши одам дейишади. Отамлар шундай деганлар.

— Бу кам,— деди Онахон.

— Кам? Нега кам?

— Яхши одамлар кўп,— деди яна Онахон ҳаяжонланиб. Чин юракдан гапираётганини дугоналари унинг чехрасидан шундоқ сезиб туришарди.— У киши ота. Яхши одам бўлиш мумкин, лекин юртга ота бўлиш, менимча, қийин. У кишини отамдек кўраман. Менинг отам урушдан қайтиб келиб қазо қилдилар. Ҳотам Жўрақулович отамнинг ошнаси бўлган, фронтда ҳам бирга бўлишган..

Дугоналар хаёлини жуссаси унча катта бўлмаган, салмоқланиб гапирадиган ёз бўлса сомон шляпа, қиш бўлса барра қулоқчин кийиб юрадиган Ҳотам Жўрақулов тортди. Бу одам офтобда қорайиб, пешонасидан юқори — боши шляпа остида юравериб, оқариб қолган, сези-

лар-сезилмай оқ чўтир, истараси иссиқ киши эканини, узоқ йиллардан буён райком секретари бўлиб ишлаши сабабли қизлар ҳам билишарди.

— Узинг ҳам анча ақлли гаплар айтадиган бўлиб қолибсан,— деди ўчини олиб Маъмура,— отам дерман, дегин!

— Ха-ха-ха-ха!

— Айбга қўшмайсан, жаҳлинг чиқмасин, дугонажон, бизлар сени соғиниб, бир кўриб кетайлик, деб кирдик,— деди Маъмура,— бир кулишайлик ҳам дедик. Бу кунлар ғанимат, дадаларимиз эрга бериб юборса нима қиламиз!

— Ха-ха-ха-ха-а-а!

— Уйнаб, кулиб қолиш керак,— деди Интизор.

— Нима? Жуда эрга теккинг келиб қолдими?— Онахон Маъмура-ни лол қилмоқчи бўлди.

— Иложимиз қанча!— деди кулгидан ўзини тийиб Маъмура. У ноқулайроқ гапга жавоб қилолмай, бир лаҳза сукут қилиб, гапнинг маъзини чақди-да, кейин Онахон кўзларига тикилди.— Анави келяптими?

— Қим?— Онахон ажабланиб, ҳеч нимани билмагандай қаради.

— Ўзимизни гўлликка солмайлик...— деди чапанилардек шерланиб кўксини қўли билан очгандай Маъмура.

— Ҳа, келяпти!— деди шартта танти қиморбозлардай Онахон карта юзини очиб.— Эҳтимол... ҳозир келиб қолиши ҳам мумкин. Эшитдингларми, қизлар, Маъмура менга Жўмард акани шама қияпти. Жўмард ака менга илтифот билан қарайдилар, дарсни яхши тайёрлаганимми, тарихга қизиқшимми, бувамнинг ҳурмати; ишқилиб, у киши менга илтифот кўрсатадилар. Буни қандай тушунтирсам экан. Қандай тушунсангизлар шундай тушунаверинглар. Яширадиган сирим йўқ.

Бир йигит бир қиз кетидан юрса, эҳтимол шайдо бўлиб юрса, бу ёмонми?! Ҳамманинг ҳам кетидан мажнун бўлиб юравермайдиларку! Мана шу андиша юраклардан электр токидай ўтди-ю, қизлар жим бўлиб қолишди. Улар, айниқса Маъмура «анови йигит...» сўзи билан Онахонни мот қилиб, қизартириб, лавлагисини чиқармоқчи эди. Бўлмади. Бу ишда жиндек ҳасад ҳам бор эди. Қақайдида икки кал бор экан. Бири бошининг каллигидан ор қилиб, доимо бекитар, кал сўзига ишора қилиб, ҳазиллашган одамлардан қаттиқ ўч оларкан. Иккинчиси, улфатлар ичига киргач, кал мавзуида ҳангома бошланишини аввалдан пайқаб, дарҳол бошидан рапида шапкасини олиб, ҳаммага бошини кўрсатаркан. Ошналари унинг ёшлигида қирмоч бўлиб, ҳозир ола-була ойнага ўхшаб йилтираб турадиган бошига бир қараб қўйиб, кейин ҳуснлари расо бўларкан. Қал ҳақида мутлақо гап бўлмас экан. Негадир кўнгиллари озиб, кал бошни эсга олишмасди. Қал ҳам ортиқча масхарабозликдан қутулиб оларди. Онахон муҳаббатини ўла қолса «кал ҳангомасига» ўхшатиб бўлмайди, ҳар қалай шакл жиҳатидан ўхшашлик бор.

— Қелинлар, бошқа нарсадан гаплашайлик,— деди Фарида.— Шундай яхши модний костюм чиқибди... Мен, анави Хуморхон опани кўриб, оғзим очилиб қолди. Шундай ярашибдики, ҳеч сўраманглар. Тошкентда тарқалган, деб эшитувдим. Францияники. Йўқ, йўқ, Чехославакияники бўлса керак.— Онахоннинг ҳам, дугонасининг ҳам кўз олдига ялт этиб Хуморхон келди.

Хуморхон ҳақидаги гап-сўзлар районга тарқалган эди. Бу аёл район миқёсидаги мансабдор бир кишининг хотини бўлиб, ўзининг гўзаллиги, лаб устидаги кўк туклардан иборат мўйлабию «мўрчамиён»-лиги билан танилган. Онахон бу хотинни кўрган, танийди. Лекин, авваллари, тулкига чиройли териси ўлим келтиради деганларидек, Хуморхоннинг ҳам фақат гўзаллиги гап-сўзга қўяпти, аслида ҳеч вақо

йўқ, деб биларди. Онахоннинг шу хотири билан танишиб қолгани, уни яхши сўз билан тилга олгани бир куни Жўмардга ҳам ёқмаган эди. Хипча бел, бегона йигитлар олдида устига шода марварид тушиб турган оқ момик кўксини кўрсатишга ва яна ёқаси билан беихтиёр бекитишга одатланиб қолган Хуморхон бу қилиқни Жўмард олдида ҳам қилган эди. У кўксини бекитгани билан аслида атайин бегонанинг диққатини жалб этарди. Буни балоғатга етган қизлар яхши пайқашарди. Йигитчаларнинг дод деб азоб чекишини, қандайдир ҳирс кўзгашни Хуморхон ёқтирарди. «Мўрчамиён»лиги ҳар қандай ҳирс ўлиб қолган кишини ҳам тирилтириб кўнглини бузиб юборарди. Кишининг хаёли қочар, ҳар нарсани ўйлар, бу ноёб жавоҳир кўз олдида ярқираб, ойдек кўл етмас бўлиб узоқлашиб кетарди...

Аммо, аслида бу «мўрчамиён»нинг уй тутиши, уйдаги юриш-туришини кўрсангиз кўнглингиз озарди — ўлгудай исқирт, оёғи тагидаги супургию кир пайпоқлар ҳафталаб коридорда ётарди, устидан ҳатлаб ўтиб кетаверарди. Қоса, тарелкалар ювилмай, овқат қолдиқлари ёпишганча ошхона бурчагида тахланиб қоларди. Стол устидаги ширинликлар, қовун пўчоқлари устида семиз-семиз пашшалар ғужғон урарди. Улар кишидан ҳайиқмас, сур бўлиб, обдан қоринлари тўймагунча стол устидан кетишмасди.

Буни кўрган қайнона хуноб бўлиб:

— Ҳ-о-о-й келин пошша, нима, қўлингиз шол бўлганми? Шу нарсаларга ярим соат вақтингизни берсангиз чиннидай бўлади. Маймоқ-саймоқ бўлсангиз, унда майли эди. Қўл-оёғингиз соғ — тўрт мучангиз бут, эскичасига ҳам, янгичасига ҳам бунақа исқирт бўлиш яхши эмас. Отангиз кимсан фалончи, она томонингиз яна бир яхши одам авлодсиз. Нега бунча кир-пасон бўлиб қолгансиз?! Пешингача пишиллаб ухлайсиз, юз ювмасдан чой ичасиз... Эрингизнинг елкасига миниб, шўрликни енгиб олгансиз. Қелинлигингизда шу эрингиз латта бўлмай, бир-икки қамчиланганда, сизни одам қиларди. Ҳозирги замоннинг ҳамма ишлари яхши-ку, лекин баъзи сизга ўхшаган хотинларнинг эрнини енгиб олиб, билган ишини қилиб юришига ҳеч чидолмайман-да!

— Лекин бари бир, ўзимиз яхшимиз, — деди Маъмура. — Сен ўзинг гўзалсан, Онахоним!

— Уҳ-ҳў-ў-ў! Бирдан мунча! — деди Онахон Маъмуранинг елкасига бошини қўйиб, — биз ҳаммамиз гўзалмиз.

Дугоналари механизаторлар тайёрлайдиган олти ойлик курсга киришган. Улар бу йил теримда, ўз оталари бригадасида ишлашди. Қиши билан ўқиб, апрель ойларига агрегат ҳайдаш гувоҳномасини олишмоқчи. Улар тўпидан фақат Онахон гўё «раҳбарий лавозим»га кўтарилди. Коридордан қизлар кайфи чоғ, чуғуллашиб бино олдидаги гулзорга чиқишди. Шу пайт ялпи салом бериб, ичкарига кириб кетган, қадди қома ти келишган, барра соч Яхшибек Тайлоқов дарҳол қизлар нигоҳини тортди.

— Бу ким?

— Уртоқ Тайлоқов, — деди Онахон, Маъмурага ялт этиб қараб.

— Пасон-ку?!

— Заготскот директори.

— Келишган киши экан.

— Жуда маданиятли, яхши одам.

— Уйланганми?

— Ха-ха-ха-ха! — бирдан гурра кулишди.

— Учта боласи бор. Яхшибек Тайлоқовични мен ҳам шу ерга келиб танидим, — деди Онахон, — умуман яхши одам. Ёмон одамлар йўқ қизда. Сурхондарёда ёмон одам йўқ, яшасин Сурхондарё! Бобомлар, биз қулоқлар, бойлар, босмачилар билан курашиб, колхоз тузганмиз,

қчки душманлар билан курашганмиз, дейдилар. То пенсияга чиққанларигача ҳам курашганлар бобом. Боболаримиз, афтидан, кўп машаққат чекиб, асаблари қақшаган. Мен райкомда ишлаяпман. Бу ерда қанча одамларни кўряпман, одамлар жуда яхши! Масалай, шу Яхшибек Тайлоқовични олайлик, агар унинг меҳрибонликларини кўрсангиз, унга нисбатан жуда ҳам ҳурматингиз ошарди. Райкомга яқин, актив, Ҳотам Жўрақуловичнинг топшириқларини дарҳол бажаради. Бизга шунақа ҳалол ходимлар керак.

— Мунча мақтадинг, бари бир уйланган, учта боласи бор...

— Гап унда эмас,— деди Онахон.

— Дўстлар, биз ҳамма нарсага қилдан қийиқ ахтариб қараймиз. Одамлар биз ўйлагандек ёмон эмас. Мен шу ерга келиб кўряпман. Хуморхон исқирт бўлса Исқиртдир, аммо тўқсон тўққиз фоиз кишилар исқирт эмас-ку! Мана, Итолмасовани олайлик.

— Ха-ха-ха-ха-а!

— Нега унинг фамилияси бунақа? Ўзи ҳам ошқовоқдек хотин экан.

— Шунақа-да,— деди Онахон чақнаб,— нега сенинг фамилиянг Бўриева?

— Ха-ха-ха-ха!

— Ўзбеклар илгари бунақа исмларни қўяверишган-да! Ҳотам Жўрақулович буни тўғри дейдилар. Ҳадеб арабча «Муҳаммад», «Муслим», «Ислоҳ»... қўявериш шартми! «Алфия», «Луиза», «Роберт» деб, дам французча, дам немисча қўйиш ҳам тўғри эмас! Шу болалар катта бўлганида ўксинади, нега отам менинг исмимни шундай қўйдилар, дейди, албатта.

— Биз ҳаммамиз ҳозирдан болаларимизга яхши от қўйишни ўйлашимиз керак демоқчимисан?

— Ха-ха-ха-ха-а.

— Йў-ў-қ, мени тушунмадинглар.

— Тўй қачон, Онахон?

— Яқин...— деди атай бош кўтариб Онахон.

— Исм қўйиш сендан бошланса керак?

— Ҳа. Класскомларинг ҳам мен, биринчи бўлиб мен намуна кўрсатарман!

Коридор эшигини очиб, ташқарига чиққан Райкомхон опа гулзор ёқасида тўдалашиб турган қизлар ичидаги Онахонга имо қилди:

— Сўрашяпти. Уртоқ Жўрақулов сизни сўраяптилар.

— Кетдим. Хайр, қизлар! Яна келинлар, гаплашамиз,— Онахон дугоналари билан ўпишиб, пориллаганча зинапоялардан юқорига кўтарилди...

Якшанба куни район активининг йиғилиши бўлди. Райком зали одамлар билан тўлган. Облаstdан ҳам масъул кишилар келган. Бугун-эрта терим бошланиши муносабати билан бригада бошлиқлари, механизаторлар, раислар бу ерга тўпланишган. Онахон билан ташкилий ишлар бўлими мудирини Райкомхон опа Итолмасова активга хабар қилиш доклад, музокара ва актив қарорини машинкада бостиришда жуда ҳам ғайрат кўрсатишди. Онахон биринчи ва иккинчи қаватнинг анча ноқулай, тик зинапояларида бўзчининг мокисидай югурди. Итолмасованинг пошниси қийшайган туфлисининг тақиллаши, Онахоннинг тез юриши коридорнинг икки томонидаги бўлимларда ишлаётган одамларга эшитилиб турарди. Дам телефонга чопар, дам Жўрақулов ёнига кирар, аллақандай қоғозларни олиб чиқиб, бир зум машинкасини чақиллатар, кейин югурганча Итолмасова кабинетига кирар, яна Жўрақулов... Бўлим улгуролмаган кишиларга ўзи телефон қилиб, уларга соат ўнда актив бўлишини, ўн беш минут олдинроқ келиш зарурлигини қайта-қайта таъкидларди. Термиздан телефон қилганларга актив кун тарти-

бини, докладчи биринчи секретарь Ҳотам Жўрақулович эканини хабар қилиб турарди. Қимлар билан жиддий, кимлар билан мулойим ва баъзан узоқроқ ора-чора ҳазил-мутойиба қилиб гаплашарди. Ҳамма ишлар, унинг назарида, яхши кетаяпти-ю, негадир икки кундан буён Жўмард телефон қилмаётгани юрагининг бир чеккасини ғаш қилиб турарди. Нега у жим бўлиб кетди? Худди шу эртага актив, райкомда иш қайнаган, Онахоннинг қўли-қўлига тегмай турганида, иттифоқ яна бир телефон бўлди. Коридорга чиқиб кетаётган Онахон бу ерда ўтирган Итолмасовага сиз жавоб қилиб юборинг, деб турганида, йўлидан қайтиб келиб трубкани кўтарди.

— Эшитаман. Э, салом-алайкўм! Яхшимисиз?

Трубкадан Жўмард Бойбўсинов овози эшитилиб турганини сезган Райкомхон опа секин ўрнидан турди-да, «хотиржам гаплашаверинг» дегандай қилиб, хонадан чиқиб кетди. Бойбўсиновнинг ўғли билан яқинлиги, у билан учрашиб ёки телефонда гаплашгандан кейин Онахон кечгача хурсанд бўлиб ишлаб, Итолмасова атрофида парвона бўлишини у сезган эди. Бу олов қизининг хурсандлиги Райкомхон опанинг ҳам хурсандлигидек бўлиб қола бошлади. Ҳақназар отанинг невараси сифатида уни айниқса яхши кўриб қолди. Қабулхонага тез-тез кириб туриши, буфетга бирга чиқиши, яхшилаб чой дамлаб бериши — бари Онахон ёқиб қолганидан.

— Иш кўпми?— Жўмарднинг ёқимли овози эшитилди.

— Ҳа. Райкомда доимо иш кўп. Эртага актив.

— Ўзингиз яхшимисиз? Бувингизлар, отангизлар? Биз жуда соғиниб қолдик...

— Отамлар, бувимлар саломат. Қелинг, Жўмард ака, келинг.

— Хўп, албатта, бораман. Хайр! Эртага актив бўлса сизларнинг ишингиз кўп. Хайр!

— Хайр, Жўмард ака! Албатта келинг!

Уларнинг телефондаги гаплари жуда қисқа бўлди. Лекин Онахон у билан кўпроқ гаплашишни, нега келмади, нима ишлар қилиб юрганини билишни истарди. Агар у шундай биз-бизак бўлиб турган пайтда ҳам ҳар қанча гаплашса маълум келмасди. Онахон бу телефонни икки кундан бери кутарди. Нега у жуда қисқа гаплашди экан? Нега у келмади? У актив бўлишини билмас эди-ку, нега қисқа гаплашди?

Эртасига эрта билан соат тўққизга Онахон райкомга етиб келди.

Жўрақуловнинг шахсан илтимосига кўра у Итолмасова ёнида туриб, активга келганларни рўйхатга олди. Райком аъзолари, раислар, бригада бошлиқлари, механизаторлар, маҳаллий Совет депутатлари бирин-бирин рўйхатдан ўтиша бошлашди. Баъзи кишилар Онахонга хушомад қилишар, у билан гаплашишга уринишарди. Баъзилар чеккада туриб, райкомга ишга келган гўзал қизни томоша қилишарди. Унинг чаққонлиги, сўзамол — гап билан енгилмаслигини гаплашишар, «моҳпора» Лаълихон кетиб, ўрнига бир «ойимтилла» эмас, чинакам комсомол активи, олов қиз келганини гаплашишарди. Жўрақулов кадр танлашга уста эканлиги, ўзининг фронтовой дўсти Қиличнинг қизини бориб колхоздан олиб келганини ҳам эшитишган. Бир неча келишган йигитлар Онахон атрофида айланиб қолишди. «Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро...» бўлиб турганлардан бири Онахонга хушомад қилиб, гап ташлаган эди, Онахондан яхшигина жавоб олди: «Эҳтимол орденингизни пеш қилиб, ўргангандирсиз, лекин инсон қалбини сотиб ололмайсиз». Бу гапдан кейин қариллаб, зиёфату катта совғалар билан иш қиламан деган баъзилар кекирган сигирдек бўлиб қолишди.

Активга шахсий машинасида отасини олиб келган Жўмард бир лаҳзага райком биносига кирди. Бу пайт отаси катталар билан мулоқотда бўлаётган эди. У, коридорда, одамлар орасидан ўтиб иккинчи қаватга кўтарилаётганида зина тепасида Онахон аллақандай бир яхши кийинган киши билан чақчақлашиб турганига кўзи тушди. Жўмардни Онахон кўрмади. Жўмард шу лаҳза жойида қотиб, бир-икки қадам орқага тисарилди. Хонатлас кўйлаги устидан костюм кийиб, сочининг чамбар қилиб олган Онахоннинг ниҳоятда кайфи чоғ, суҳбатдоши ўша чиройли йигит билан берилиб гаплашаётгани ўртада ҳазил гаплар ҳам бўлаётгани юрагини шиғиллатиб юборди. Онахон дам атрофида пайдо бўлган кишилар билан саломлашар, дам кимгадир бош ирғаб қўярди. Жўмард зинага кўтарилаверишда бурчакда орқасини ўгирганча туриб, суҳбатга қуроқ тутди. Онахоннинг кулгиси, ёқимли овози юрагига ларза солди. Наҳотки у шу одам билан топишиб олган бўлса?.. Наҳотки?.. Наҳотки?.. Қандайдир қора булутлар унинг дарду дунёсини босиб кела бошлади. У ҳозир шу ердан қайрилиб чиқиб кетиб, Онахон билан иккинчи гаплашмасликка қарор қилди. Юрагининг ярми узилиб кетгандай бўлди. Нафаси қисилиб, кўз олди қоронғилаша бошлади. Наҳотки у?.. Бу олифта йигит ким экан? Қандайдир бир куч Жўмардни итариб, бурчакдан чиқарди. У беихтиёр зинапоядан бориб, юқорига кўтарила бошлади. Ялт этиб кўзи тушган Онахон ёнида турган кишига «хўп, хайр» ишорасини қилиб, зинадан чиқиб келаётган Жўмард томон юрди. Икки поғона пастга тушиб, гўё уни кутиб олгандай бўлди. Онахоннинг суҳбатдоши жойида ҳайрон туриб қолди.

— Салом!

— Ассалому алайкум!— Онахон биринчи бўлиб қўл узатди.

— Отамларни олиб келган эдим. Сизга салом бериб кетай деб кирдим...

— Раҳмат! Қани, бу ёққа!

— Йўқ, соат ўнда мактабда бўлишим керак...

— Э, аттанг, бирпас гаплашардик.

— Сиз активга кирмайсизми?

— Йўқ. Менинг вазифам тугади; рўйхатга олиш эди, олиб бўлдим.

Улар гув-гув одамлар ичида, зинапоя тепасида бир лаҳза гаплашиб туришгандан сўнг Жўмард яна қўл узатиб хайрлашиб, пастга тушиб кетди.

Бу учрашувдан кейин негадир Онахон юраги сиқилди, у Жўмарднинг тезда кетиб қолганидан хафа бўлди. Ўзининг бир иши унга ёқмадимикан? У бугун жуда хурсанд эди — кечадан бери чопқиллаб ишлаб, кеч кетиб, эрта келди. Ўзидан аввал етиб келган Райкомхон опага кўмаклаша кетди. Ўзининг қилаётган ҳар бир иши кўпчилик учун бўлаётганидан мамнун эди.

Соат ўнга қолмай одамлар залга кириб кетди. Коридорлар, зинапоя, ҳовлидаги гулзор атрофида биронта одам қолмади. Фақат Онахон ўз жойида, телефонлари ёнида жимгина хомуш ўтирарди. Унинг хаёли узун тасмадек йўлда физиллаганча кетаётган Жўмард машинаси ортидан учиб борарди.

У хафа бўлди. Ярим соатгина гаплашиб ўтирса нима қиларди?

XVII боб

Хўрозлар жанги

Қўчқорбой ака ўғлини уйлантирди. Тўйга шофер Чўли ҳам таклиф этилди. У қўр тўкиб ўтиравермай унга-бунга қарашиб, тўрда ўтирган кексаларга чой, янги тандирдан узилган, қўлни куйдирадиган куччалардан олиб келиб қўярди. У ҳовлида лапанглаб юрганида бўйнида пати йўқ, тожиси япасқи хўрозга ўхшаб кетарди. Дўлвор Чўлининг бериёғида думлари алвон, тожиси ҳам қип-қизил иккинчи хўроз ҳам ўтиргандай эди. У — Тангриқул. Унинг оғзи гапдан бўшамаслиги, «қанотини оёғига суриб» гердайишидан бевақт қичқираверадиган даканг хўрозни эслатарди. Жувонларни кўрса, «қанотини оёғига тушириб», гердайиб қўқиллар, ўзининг хўроз эканини билдириб қилиқлар қиларди. Бу Чўлининг энасини қотириб ўтирарди. Унг томондаги стол атрофида ўтирган қиз-жувонларга ҳам қараб қўярди. Улар ичида Чўлининг юрагини жиз этиб куйдириб юрган бир қиз ҳам ўтирарди. Унинг кулғиси, қилиқлари, шошиб гапиришлари, қарашлари Чўлини мафтун этган. Бу қиз Чўлининг назарида бутун Сурхон осмонида чақнаб турган юлдуз эди. Шу юлдузга у ҳар замон-ҳар замон бир тикилиб қараб қўяр, унга қўл узатиб қўли етмаслигини ҳам биларди. У жуда баланд осмонда... Кучи фақат тикилиш, рўпара келиб қолганда қуюқ салом бериш эди. Дўлвор, гадир-будир харсанг тошга ўхшаган Чўлиной тўйда ўша «тонг юлдузи»га тикилиб қўярди. «Тонг юлдузи» деган гапни қандайдир бир шеърдан топган. Лекин бу «гадир-будир»ни ҳам бир совуқ тош деб бўлмайди. Унинг бағрида оташ юрак темирчининг дамидек гурсса-гурсса уриб турибди. Бу чақнаган «тонг юлдузи» — эркаланиб ўтирган гул — Онахон. Унинг қорлиқ уруғидан бўлгани ҳам Чўли юрагига оташ солганди. Негадир шу қиз ёқиб қолган, унга садоқат сақлар, ҳурмат қиларди. Узоқ уруғларидан бири ўқиб, партия ташкилотида ишлар экан, нега у фахрланмасин! Чўлилар хонадоғида баъзида Онахон ҳақида гап кетарди. Онасининг айтишича, бу қиз аммавачча бўлар экан. Лекин аслида сал узоқроқ. Қорлиқларнинг ҳаммаси бир-бирига қариндош.

Шу пайт ёнида ўтирган барваста Тангриқул атрофида ўтирган ошналарига қараб керилиб, баландроқ овозда Онахонга тегадиган беибо гап айтиб юборди. Бу йигитни «Тўполонбек» деб ҳам аташарди; у юз грамм ичиб олгандан сўнг, албатта, бир тўполон чиқарарди. Сурбетлиги билан баъзиларни енгган, шу сабабли ҳам унга ботиниб ҳам, бир нима деб бўлмас, зардаси қайнаб кетса тарсаки тортиб юбориши ҳам, куракда турмайдиган сўз билан сўжиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Тангриқул рўпарасида Чиннихол, Маъмура, Интизорлар тўпида ўтирган Онахондан кўз узмас, ёнидаги йигитларга «бу қизни...» «йўли» эканини ярим овозда шивирлаб, гўё ўз «қўлига тушгани»ни мақтаниб гапирарди. Бу қуруқ мақтанчоқлик билан айтилаётган одобсиз гапларни эшитиб турган Чўлининг ғазаби қўзғайди. У Тангриқулга бир-икки хўмрайиб қараб қўйди. Лекин у «лабини қисмай» яна валдирашда давом этди. Онахон ҳеч қачон ва ҳеч вақт у айтгандай ёмон қиз эмас, унинг гаплари пуч, тухмат экани шундай сезилиб турарди. Лекин Тангриқулнинг ёнидаги Жўражон, Бўтажон, Хушкелдилар қиқирлаб кулишар, унинг вайсашига маст бўлиб ўтиришарди. Чўли хуноб, қизнинг бунчалик сиртдан ёмон сўзлар билан ҳақоратланишига чидай олмасди. Йигитлар тўпи ичида отнинг қашқасидек Тангриқулнинг валдираётганини, бу валдираш ўзига қаратилганини сезган Онахон бирдан жим бўлиб қолди. Унинг илгаригидай қизлар ичида чақнаб, сўзамол ўтири-

ши сўниб, хомуш тортди. У ҳатто тўйдан чиқиб кетишга ҳам чоғлана-ётганини, у ёқ-бу ёққа аланглаётганини кўрган Чўли келиб, беихтиёр Тангриқулни туртди. У ялт этиб Чўлига қаради.

— Ҳа, қорақулоқ, нима дейсан?

— Сариқ қулоғингни тутгин, гапим бор,— Чўли Тангриқулнинг қулоғига шивирлади: «Секин ташқарига чиқ! Сен билан гаплашадиган гапим бор!» Тангриқул захархандали илжайиб, Чўлига «хўп» дегандек бош ирғади-да, ёнидаги ошналарига «ҳозир келаман», деб ташқарига чиқиб кетди. Бир лаҳза ўтқазиб, унинг орқасидан Чўли ҳам чиқди. Дарвозадан нарироқ, кўча ўртасида даргазаб гўдайиб турган барваста Тангриқул Чўлига рўбарў бўлди.

— Нима гапинг бор, қорақулоқ?

— Нарироққа бориб гаплашамиз! Жарга борамиз!

— Жарга?

— Ҳа! Уша ерда гаплашамиз. Бировнинг тўйини тўполон қилиб бузиш номардлик! Қани юр! Мард бўлсанг ўша ерда гаплашамиз! Оғзингни эшакнинг оғзидек катта очиб, ҳажикизлик қилаверсанг шу ерда ҳам гаплашаверамиз!

— Мен сени сўкканим йўқ-ку, даюс!

— Қариндошимни ҳақорат қилдинг!

— Юр!— деди Тангриқул гердайиб,— айб ўзингда! Қалтак ейишни тилаб олдинг, мижиғлаб ташлайман, қорақулоқ, эшшак!

— Оғзингни юм, бўлмаса чориқ қилиб кияман!

— Шунақами?! Бўпти! Анчадан бери қўлим қичиб юрган эди...

— Қўлинг эмас, бошқа еринг қичийди.

— Нима-нима?— Тангриқул Чўлининг ёқасидан ушлади.

— Жарга егайлик! Бу ерда одамлар бор. Уша ерда ёқамдан оласан! Бу ерда тўполон чиқариш!.. Жарга етгунча сабр қил!

— Ёнингда пичоғинг борми?— Тангриқул унинг ёқасини қўйиб юборди.

— Мен номард эмасман!

— Мен гапирган бўлсам анави макиённи гапирдим! Нега сенга тегиб кетади?! Жўмард деган олифта билан юрибди...

Чўли миқ этмай қолди. Бўйни, чакка томирлари бўртиб, бир нима электр токидай боши ичида чирсиллаб кетди. Улар икков пастқам жарликка, хонадонлардан анча нари, янтоқзор, кимсасиз пастликқа етишгач: «Мана сенга!»— деб Тангриқул Чўлининг юзига тарсаки тортиб юборди. Чўли гандираклаб кетиб, ўзини тутиб олди. У яқинлашиб келаётган эди, Тангриқул «макиённинг ёнини оладиган сенмисан!» деб иккинчи бор мушт туширди. «Мени жарга судраб, ўзингни полвон ҳисобламоқчи бўлдингми, қорақулоқ!» У югуриб бориб, учинчи бор зарба берди. Ўзини ўнглаб олган Чўли ҳам югурганича келиб, Тангриқулнинг ёқасига ёпишди-да, у қулочкашламоқчи бўлиб турганида, кетма-кет икки калла урди. Тангриқулнинг бурни тирқираб қонаб кетди. У саросимада турган — шу лаҳза яхшилаб даҳанига мушт туширди. Укириб мушт ураётган Чўли Тўполонбекни чалпак қилиб ташлади. Кучли мушт ва калланинг зарбидан Тангриқулнинг кўзи қоронғилашди. Қўйлагига оқаётган қонга кўзи тушган Чўли бир лаҳза ўзини тутди. «Бориб, анави ариқда юйиб кел! Бўлмаса бошқа ёғингдан ҳам қон кетади!» Бу гапга чидолмаган Тангриқул яна ташланиб, Чўлини бўғди. Улар бир-бирларига чирмашиб, дам кўчқордек калла уришар, дам бўғишар, дам оёқларини ишга солиб, тегишга ҳозирланишар эди. Тангриқул эски одатини қилиб, тиззасининг кўзи билан Чўлининг човига қаттиқ тегиб, сулайтириб қўйишни мўлжаллаган эди, ундан олдин сўлақмондай мушт даҳани тагига тушди. Тангриқул орқага гандираклаб бориб, ерга ўтириб қолди.



— Сен номард, бекордан-бекор бир қизнинг номига қора суркадинг!— Чўли ғазабидан ҳаллосларди. Кўзлари ёниб турарди,— Не-не умидлар билан тарбиялаб, катта қилишаётган пахтадай бир қизни ёмонотлик қилипсан! Қилич ака тирик бўлганида, бу гап учун пешонангдан отарди! Ҳайвон! Мақтанчоқ! Ярамас!

Ўрнидан аранг турган Тангрикул шимининг тупроғини қоққан бўлиб, бурни қонини ҳам арта туриб, бирдан яна ёпишди:

— Ҳали адабингни бериб қўяман! Ҳаддингдан ошиб кетибсан!— Улар икков яна тарсса-тарсса солиша кетди.

Бир муддатдан сўнг ниҳоятда чарчаб, сулайиб қолишди. Бир-бирларининг бутларига бошларини тикиб, жангдан чиққан жўжа хўрозларга ўхшашарди. Гўё икковларининг ҳам тожлари қип-қизил қон, икковларининг ҳам паглари тўзиб, тупроққа беланишган эди. Жарликдаги бу жангни ҳеч қим кўрмади, фақат шу атрофда бир ит кетидан изғиб юрадиган қулоғи қирқик олапар билан икки-уч лайча узоқдан кўриб, қочиб кетди. Жарлик ичидаги қайрағочларда тунаётган зағчалар ҳам шўнғиб учиб, қаёққадир гойиб бўлди. Бурни қонаб, лунжлари шишиб чиққан Тангрикулнинг ўнг кўзига мушт тегиб, ҳеч нарсани кўрмай қолди. У орқасига тисарилди.

— Бўлди!— деди у. Чўлидан юзини ўгириб,— кейин гаплашамиз!

— Менга гапирадиган гапинг йўқ! Агар сен яна бировга бекордан-бекорга тухмат қилсанг, ўлдираман!

Тангрикул чўлоқланиб, кўзини ушлаб, бошқа сўқмоқ билан жарликдан чиқиб кетди. У Чўлининг Онахонга кўнгли борлигини сал-пал сезиб қолди. Жарлик ўртасидан оқаётган сой бўйида ғўдайиб турган Чўли Тангрикулнинг қораси йўқолгунча қараб туриб, кейин ариққа энгашиб, юз-қўлини ювди. Кийимларини тўғрилаб, битта-битта қадам ташлаб юқорига чиқа бошлади. У уйига келиб, бўлган синоатни ҳеч қимга сездирмасликка ҳаракат қилди. Лекин онаизор буни сезмаслиги мумкин эмас эди. Онанинг бирдан юраги шопириб кетди:

— Уғлим, кўйлагингга қон тегибди? Ёқаларинг йиртилган? Нима бўлди?

— Ҳеч нима.

— Тўйда ёқалашдингми? Бунақа одатинг йўқ эди-ку?— онанинг ранги ўчиб, эзила бошлади.

— Э, арзимаган нарса. Биттаси мени сўккан эди, озгина ёқалашиб олдик...

— Вай, мен ўлай! Ким экан ўша ярамас?

— Суриштираверманг. Ҳеч нарса бўлгани йўқ!

Она индамай қолди. Чўли ечиниб ўрнига ётди. Уйқуси келавермади. Чой олиб киришди. Она айвон ойнасидан ўғлини аллавақтгача кузатди. У ярим тунгача ухламай, ҳақ деб чўққайиб ўтириб чиқди. Онасининг безовта бўлиб, ухламай ўтирганини сезган Чўли ёлғондан бўлса ҳам «хуриллаб ухлади». Даҳанига, кўксига тушган кучли муштаранини зирқиратиб оғритарди. Айниқса, қовоғи, лунжи жуда оғрирди. Ўрнида тўлганиб ётиб, азонга яқин уйқуга кетибди. Эрта билан ўрнидан туриб ойнага қараган эди, чап кўзи кўкариб, қовоғари чаққандай шишиб кетибди. Шу ҳолда ишга бориш, одамлар ичига киришдан уялди. Она бўлса лунжига пахта куйдириб босди. «Ичкилик ўлсин, шу ичкиликни чиқарганлар худонинг қаҳрига учрасин!» Кампир каловланиб, ўғлининг яна бирон ери оғримаётибдими, деб қайта-қайта сўради: «Шу отинг ўчгур ичкилик — отани боладан, дўстни дўстан жудо қилади. Оилани вайрон қилади. Ичмайман, деб яна ичишади. Бу ичкиликда шайтон бор, у одамни васвасага солиб, ўзи ичиб қўйганини билмай қолади...» деди она куйиниб. Аслини олганда Чўли бир қултум ҳам ичмаган эди.

У икки кун уйда ётди. Учинчи куни далага чиқиб, машинасига ўтирган эди, Қўчқорвой ака атай келиб, Чўлининг аҳволини сўради. Яхши гаплар гапириб, навозиш этди. Унинг Тангриқул билан ёқалашгани, ҳозир шунақа, «тарбияси ёмон, ичкиликбоз кимсалар борлиги»ни айтиб, яна орқасига қайтди. Бу яккама-якка муштлашув сирли бўлиб қолади, деб хаёл қилган Чўли Қўчқорвой ака ортидан ҳайрон бўлиб қолди. Тангриқул шикоят қилдими, деб ҳам ўйлади. У машинасини тўхтатиб, жўякда кетаётган Қўчқорвой ака ёнига тушди:

— Бу ёқалашувни қаёқдан эшитдингиз?

— Қанақа ёқалашув?

— Айтяпсиз-ку?

— Мен ёқалашув-поқалашувингни билмайман! Ҳовлимизга райкомдан телефон қоқиб, «Чўли ака ишга чиқаяптиларми?» деб сўрашди. Қайта-қайта сўрашди. Улар сўрагани учун мен ҳам сўраяпман.

— Қим?

— Қимлигини қаёқдан билай, ука. Тили бийронгина бир қиз. Райкомдай жойдан сени сўрашгандан кейин менинг ҳаддим борми индамай юришга. Шунинг учун соғлигингни сўраб келдим, ука.

Чўли ўйланиб қолди. Қўчқорвой ака икки қўли орқада, жўяк ора-лаб йўлида давом этарди.

(Д а в о м и б о р)

Ҳамид Ғулом

Машираб

РОМАН

БИРИНЧИ ҚИСМ

Эртакчи мажнун

У

нинг маҳаллада пайдо бўлишини болалар тўдаланишиб кутадиган бўлиб қолишди.

У, одатда, жума кунлари пешин намозидан кейин, намозхонлар маҳалла масжидидан чиқиб, уй-уйларига тарқалишгач, тупроғи ўйнаб ётган арава йўлда кўринади. Бўйи баланд, қадди-қомати келишган, ўмрови кенг, қўллари узун, елкасини қоплаган сочи патила-патила. У чориқ киймағанидан узун оёқларининг панжаю товонлари обдан қабариб, қадоқ боғлаб, қорайиб кетган.

Унинг ёши ўн беш билан ўн олти оралигида бўлса ҳам, биринчи марта кўрган одам «камолга етган йигит», деб баҳоларди. Озғинлигидан бўлса керак, сал чўзинчоқроқ юз суяклари туртиб чиққан, кўз косалари ич-ичига кирган, йирик қора кўзларида ички бир шуъла, ботиний бир олов порлаб туради.

Бу ўспириннинг исми Раҳим; аллақачондан шу маҳаллага кўчиб келган бўзчи Мулла Валининг ўғли эканини, онаси Зубайда хола нафис дўппилар тикиб, жума бозорга чиқариб сотишини болалар аллақачон билиб олишган.

Маҳаллада Раҳим каби оёқяланглар кўп бўлса ҳам, унинг бошқалардан фарқ қиладиган икки жиҳати бор: биринчидан, у сочини олдинмай, асл Мажнун қиёфасида юради, иккинчидан, шеър тўқишга, эртак айтишга уста. Шу икки ваздан болалар унга «Эртакчи Мажнун» деб лақаб берганлар. Баъзилар эса гоҳ уни улуғлаб, гоҳ эса, ундан кулиб, «Раҳим бобо», «Бобо Раҳим» деб атайдилар. Хуллас, сал вақт ичида Раҳимнинг исми Бобораҳим деб аталадиган бўлди.

Уни улуглаувчилар аввало, Бобораҳимнинг мадрасада ўқишини назарда тутадилар. Намангандаги машҳур мударрис, «сардори маърифат» Мулла Бозор охундга шогирд бўлиш бу маҳаллада ҳали бошқа ҳеч бир йигитга nasib этган эмас. Ҳатто қишлоқ оқсоқоли Исохўжабойнинг ўғли Пирмат ҳам бундай мартабага етиша олмади. Бўзчининг ялангоёқ ўғли Раҳим эса, мадрасанинг пешқадам муллаваччаси, эл орасида ҳурмати баланд Бобораҳим!

Бугун жума. Ҳаво салқин. Савр ойининг ўрталари бўлса ҳам, кун дурустгина исигани йўқ. Икки ҳафта давомида муттасил ёққан ёмғир тунда ниҳоят тинди. Лекин булутлар ҳамон тарқагани йўқ — узоқ йўл юриб келган карвондай, кўк гумбазида вазмин сургалади... Қийғос кўкарган тол, терак шохлари шамолда майин шовуллайди. Бу шамолда йўллар лойи ҳам анча селгиган, жуда юришлик.

Маҳалла масжидида жума намозини ўқиб чиққан кишиларнинг кўпчилиги уй-уйларига тарқалишди. Фақат беш-ўн чорлик ёш-яланг улфатлар гузардаги чойхонага кириб, одатий палов тадорикини кўра бошладилар.

Шу яқиндаги яланг майдонда бир тўп қизлар копток отишиб ўйнашар, бир тўда ўғил болалар ошиқ отиш билан машғул эдилар. Қийчув, тўпалон, бақириқ-чақириқлар қулоқларни қоматга келтиради. Лекин болалар ўйинга овуниб турган бўлса-да, кўзлари йўлда: Бобораҳимнинг шаҳардан келадиган пайти яқин, у ҳали-замон китобдафтарлари тиқилган оғир жилдини елкасига осиб, жарангдор овози билан ашулани баралла қўйиб, кўзлари чақнаб пайдо бўлади.

Копток ўйнаётган қизлар орасида, айниқса, бири — бўйи анча чўзилиб қолгани — Исохўжабойнинг қизи Тўтихон йўлга ўқтин-ўқтин кўз ташлайди. Дақиқалар ўтган сайин унинг жажжи юраги ҳаприқади, дукиллаб уради. Гўё, Бобораҳим ҳозир йўлда кўринади-ю, болалар томонга чошиб келади. Келади-да, бир чеккада уялиб, ерга қараб турган Тўтихонга кўз қисиб имо қилади ва жон олгувчи ашулаларидан бирини бошлайди. Чунончи:

Мен нечук шод этмайинким хаста кўнглумни букун,
Келди ҳолимни сўраб жон ичра жононим менинг...

Тўтихон шундай ширин хаёл оғушида ёниб турар экан, мўъжиза юз берди: шаҳар йўлидан Бобораҳим кўринди. У ҳар галгидай оёқ яланг, одми бўз кўйлак-лозим кийган, бошида янги дўппи. Катта жилди елкасига осиглиқ. Анча ғамгин кўринади... Лекин, у гузардаги болалар ўзи томон чошиб келаётганини кўриб, қулочини кенг ёзди-да:

— Ассалом, азиз дўстлар! — деб қичқирди ва дастлаб етиб келганлари билан қучоқлашиб кўриша кетди.

Бобораҳим қизлар давраси томонга тикилиб, улар ичида қип-қизариб ерга қараб турган Тўтихонни кўрди ва ғамгин чеҳраси бирдан ёришиб, унга маъноли кўз қисиб қўйди-да, дил тубидан қайнаб чиққан мисраларни баралла ўқиди:

Кокулинг анбар дурур, жон ичида жонон қиз,
Кўзларинг ахтар дурур, юзи моҳи тобон қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,
Барча сэнгаким қулдек, хизматингга қурбон, қиз.

Ғар оразинг гул, сочинг сунбулки, тишларинг дур,
Сарв қадлиғ, қош кўзунг, офтоби даврон қиз.

Бир кўриб сени, золим, қолмади менинг ҳолим,
Танг бўлубдур аҳволим, билмадингму, нодон қиз!..

Тўтихон газални охиригача эшитишга эшитди-ю, соддадиллиги туфайли «нодон қиз» деган жумладан ранжиб, Бобораҳимга: «ажаб бўлибди!» деган маънода латиф бурнини қийшайтирди ва даврадан чиқиб, уйи томонга ура қочди...

Исоҳўжабойнинг қўраси гузардан икки юз қадамча ичкарида бўлиб то сойгача борадиган арава йўл бўйидаги ички-ташқи дангиллама ҳовли. Дарвозахонаси ҳам кенггина. Икки томонга супачалар қилинган бўлиб, оқсоқол иш билан келган кишиларни қўрага олиб кирмай, шу супачада ўтириб суҳбатлашади.

Раҳим бобони ўраб олган болалар:

— Мулла ака, эртақ айтиб беринг!

— Жон ака, хонишингизни соғиндик!

— Акажон, яна газал ўқинг!— деб чуғурлашабергач, у Исоҳўжабой дарвозахонасини чоғлаб олдинга интиларкан:

— Юринглар, эртақ айтиб бераман!— деб болаларни ўзига эргаштирди.

Тўтихон Бобораҳимнинг бу ерга келишини, болаларга эртақ айтиб бериш баҳонасида супачанинг дарвозага яқинроқ ерига ўтириб олиб, ичкарига қулоқ солишини яхши билади. Шу сабабдан бу гал ҳам у дарвоза орқасига чўнқайиб ўтирганча болаларнинг шовқин-сурони тинишини, эртақчи Мажнун ўз эртагини бошлашини кутиб турди.

— Мен бугун сизларга Мўнди Кўза эртагини айтиб бераман.

Бобораҳимнинг чертиб-чертиб айтган сўзларини дарвоза орқасига яширинган қиз ҳаяжонланиб тинглар экан, эртақни яхши уқмоқ учун қулоғини дарвоза тирқишига тутди.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подачи бор экан, умри нурсиз ўтар экан, бир фарзандга зор экан,— деб бошлади эртагини Бобораҳим.— Подасини ҳайдаб, бир кун у яйловга келибди. Уша кун бе-чора муродига етибди. Алқисса, хотини бир бола туғибди. Бундоғ қараса; на ўғил, на қиз — қип-қизил кўза.

— Вой-бу! Кўза-я! Қизиқ экан!— деб болалар чуғурлашишди.

— Она уни сандиқ ичига тиқиб, эридан яширишга аҳд қилибди,— деб Бобораҳим эртагини давом эттирди.— Қош қорайганда подачи чарчаб келиб, хотини билан овқатланиб ўтирса, сандиқ ичидан:

— Аяжон, қориним очди, гўжа беринг!— деган товуш чиқибди.

— Э, хотин, нима гап, ким у гўжа сўраётган?— деб подачи хотинига савол берибди.

— Афв этинг, отаси,— деб тушунтирибди хотин,— худо фарзанд берди, аммо шакли-шамойили нақ кўза...

— Қани, уни сандиқдан олингчи!— буюрибди подачи хотинига.— Қорнини тўйғизайлик!

Хотин кўзани сандиқдан олиб, эрига тутибди.

— Ажабтовур!— дебди подачи кўзанинг у ер-бу ерини силаб.— Фарзандимизга Мўнди Кўза деб от қўяйлик. Нима дейсиз, онаси?

— Ихтиёрингиз, дадаси...— хотин уялиб ерга қарабди.

Подачи товоқдаги гўжани кўзанинг оғзига қуйгач, Мўнди Кўза:

— Раҳмат, дадажон!— дебди-да, думалаб бориб, оғзи очиқ сандиққа тушиб олибди.

— Майли, ухлаб ором олсин!— дебди подачи.

Эртақ шу ерга келганда болалар чуғурлашиб, Мўнди Кўзани, унинг одил дадасини мақтай кетишди.

Бобораҳим дарвоза тирқишидан Тўтихоннинг кинояли товушини эшитди:

— Лоф ҳам эви билан-да! Елғончи!

Эртақчи Мажнун мийиғида қулиб қўйди ва нақлини давом эттирди:

— Эртаси кун Мўнди Кўза кўчага ўйнагани чиқса, бир деҳқон бир тўда болаларни бугдой ўришга бошлаб кетаётган экан.

— Ким бугдойимни ўриб, янчиб берса, кўтарганча бугдой берман!— деб ваъда қилибди деҳқон.

Буни эшитган Мўнди Кўза болаларга эргашиб, думалаб-думалаб далага йўл олибди...

Болалар бир ҳафта бугдой ўрибдилар. Мўнди Кўза хирмонда думалаб-думалаб, уюлган бугдойларни янчиб берибди.

Иш битгач, деҳқон болаларни хирмонга тўплаб:

— Балли, азаматлар, ана энди ҳар бирингиз қопингизга бугдой тўлдириб олингиз!— деб ижозат берибди.

Болалар бир қоп-ярим қопдан бугдой олибдилар, Мўндивой ҳам ўз кўзасини тўлдириб, думалаб-думалаб шаҳарга етиб келибди-да, уйига кириб:

— Ассалому алайкум, аяжон,— дея онасига таъзим қилгач,— мен томга чиқай, туйнукдан бугдой тўкаман, сиз омборга кириб томоша қилинг!— деб онасини қувонтирибди.

Мўндивой томга чиқиб, кўзасидаги бугдойни омборга тўка бошлабди. Омбор тўлибди. Кейин Мўндивой қолган бугдойни маҳалладаги қари-қартанг, бева-бечора, етим-есирларга тарқатиб, эл-юртнинг дуосини олибди.

— Қойил, Мўндивой!— деб қичқирди эртақ эчитаётган болалардан бири.

— Кейин нима бўлди? Айтинг, Мулла ака! Тезроқ айтинг!— деб болалар Бобораҳимни шоширдилар.

— Кун ўтиб, кунлар кетидан ой ўтиб, ойлар кетидан йил ўтиб,— деб эртагини давом эттирди Бобораҳим,— Мўнди Кўза меҳнатда чиниқиб, ақли тўлишиб, камолга етибди. У бундай қараса, маҳалла ариқларида сув қуриб, дарахтлар қуриб, жамъи одамлару жонворлар чалажон бўлиб қолибди. Мўндивой «Ё пирим!» деб қудуқ қазишга киришибди. Етти кеча-кундуз деганда терак бўйи чуқурдан биллурдек тиниқ ширин сув чиқибди. Эл-юрт сероб бўлиб, ҳамма Мўндивойни: «Муроду мақсудингга ет!» деб дуо қилибди. У қудуқ тубига арқон тушириб, пақирда сув тортаётганда: «Балли, йигит! Неки ниятинг бўлса менга айт, бажо қилгум!» деган садо эшитилибди.

Алқисса, Мўнди Кўза камолга етиб, бундоқ қараса, тенгқурлари бирин-кетин хотин олишяпти: бугун Эшвойникида тўй, эртага Тошвойникида тўй, ғат-ғут карнаю така-тум ногора...

— Аяжон!— Мўндивой онасига ёлворибди.— Менга ҳам хотин олиб беринг!

— Хўп, болажоним, кимнинг қизини олиб берай?— сўрабди она бўлажак келинига тикиб ўтирган банорас камзул чокидан кўзини олиб.

— Подшонинг қизини олиб беринг!

— Хўп, болажоним, эртагаёқ совчилликка борганим бўлсин.

Эртақ тинглаб ўтирган болалар орасида яна ола-говур бошланди:

— Вой-бў, Мўндивой катта кетибди-ку!

— Подшо унга қизини бериб бўпти!

— Бекор айтибсан, подшонинг қизи Мўндивойга арзимаиди!

Бобораҳим мийғида кулиб қўйиб, эртагини давом эттирди:

— Онаси Мўнди Кўзани етаклаб подшо саройига кириб борибди. Навкарлар бундоқ қарасалар, бир хотин кўза думалатиб келаяпти. «Ҳойнаҳой, подшомизга кўзада олтин келди», деб хотинга йўл берибдилар. Она олтин тахтда ўтирган подшога рўбарў бориб: «Бу барно йигит менинг ўғлим Мўнди Кўза бўлади. Мен совчи бўлиб келдим. Сен, подшо, ёлғиз қизинг маликаи Дилоромни ўғлимга хотинликка беришинг керак!» дейиши билан подшо: «бу телбанинг жазоси — ўлим!»

деб ҳукм чиқарибди-да, «Жаллод!» деб чақирибди. Лекин, доно вазир ўрнидан туриб, подшога таъзим бажо қилибди:

— Подшойи олам! Бу хотиннинг бошини танидан жудо қилмоқ осон. Аммо, сиз унга шундай шарт қўйингки, адо эта билмай ўз оёғи ила даф бўлиб кетсин.

— Донолигингга офарин!— Подшо вазирининг фикрига қўшилиб, шарт қўйибди:— эй хотин! Тўқсон тўққиз от, тўқсон тўққиз туя, тўқсон тўққиз сигир, тўқсон тўққиз хачир, тўқсон тўққиз қўй ва тўқсон тўққиз эчки ҳозир қилсанг, қизим маликаи Дилоромни ўғлинг Мўнди Қўзага никоҳлаб бергайман!

Онанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, саройдан чиқиб кетаётганда:

— Аяжон, хафа бўлманг!— деб тасалли берибди Мўндивой.— Қудуқ бошига борайлик-чи, шояд муродга етсак!

Она бўйинини эгиб йўлга тушибди. Мўнди Қўза думалаб-думалаб қудуқ бошига етиб келгач, сувга тикилиб, бўлган воқеаларни нақл этибди-да, оби ҳаётдан мадад сўрабди.

— Дарҳол келган йўлингга қайт!— садо чиқибди қудуқ тубидан.— Сен сўраган жами жонворлар йўлда сенга ва онажонингга интизор бўлиб турибдилар.

Мўндивой онасининг олдига тушиб, думалаб-думалаб йўлга чиқиб қараса, дарҳақиқат, оту туялар, молу қўй, хачиру эчкилар тўда-тўда бўлиб, саф тортиб туришибди. «Қуёв тўра» азбаройи севинганидан, ўзи тўқиган:

Чиқсам кўчаларга шоҳсуворим келадур,
Гул ғунчасидек лола узорим келадур...—

деб бошланадиган ғазалини кўйга солиб овозини баралла қўйганча хоши қилиб, йўлни чангитиб рақсга тушиб кетганмиш!

Алқисса, ҳа-ҳу дегунча отларнинг кишнаши, сигирларнинг маъраши, туяларнинг ўкириши подшо саройини ларзага келтирибди. Шунда ҳам подшо шартдан гонмоқчи бўлибди, бироқ доно вазир: «ваъдага вафо қилмасангиз, халқ аросинда шавкатингиз бир пўл бўлур, тақсир!» деб огоҳлантиргандан кейин золим шоҳнинг юртга ош бериб, Мўнди Қўза билан маликаи Дилоромга никоҳ ўқитишдан бошқа иложи қолмабди.

Алқисса, янгалар келинни яантириб, дурри-жавоҳирлар тақиб, атру ифорлар сепиб, чимилдиққа киритишибди. Мўнди Қўза ҳам думалаб-думалаб келиб, маликаи Дилоромнинг рўпарасида йилтиллаб турибди-да, янгалар чиқиб кетгач, яна бир думалаб соҳибжамол йигитга айланибди. Буни кўрган келин қувонганидан қийқириб кулиб юборган экан, янгалар чироқларни пуфлаб ўчиришибди...

Эртак тугагач, болалардан бири чапак чалиб юборди:

— Ана айтмадимми, Мўндивой ишни дўндиради деб!

— Мўндивойни бир кўрсам, қандолат ила меҳмон қилардим!— қорача жажжи бола астойдил ҳўрсинди.

— Жон мулла ака, яна чўпчакларингиздан бирини айтиб беринг!— илтимос қилди дуркунгина пучуқ қиз.

— Дўстлар, энди сизларга жавоб!— Бобораҳим супачадан туриб, болаларни кетишга ундади.— Сиз уйларингизга борингизлар. Мен холи қолиб, бир оз сабоқ ҳозирламоғим даркор.

— Яна қачон келасиз?— болалар ичидаги шаддодроғи сўради.

— Худо хоҳласа, келаси жума кўришурмиз!— Бобораҳим жилдидан Фузулий девонини олиб варақлар экан, болалар кетидан қичқирди:— келгуси жума кўришурмиз, ман сизга эртак айтгум, ғазал ўқи-гум!

У ёлғиз қолгач, яна супачага ўтириб, жон-жонидан севган, ҳеч қа-

чон қўлидан қўймайдиган девон мутолаасига машғул бўлди. Дафъатан, Фузулийнинг «Усанмазму?» радифли ғазали устида тўхтади-да, кўзларини юмиб ўйга толаркан, бу ғазалга назира тўқиди:

Не савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмазму?
Ки банд эттинг аёлларни, яна бандлар ёзилмазму?

Ки ишқ дарёсига банд солмагинг бисёр мушкулдур,
Ки тоқи рўйи олам садди роҳ этсанг сурулмазму?

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмазму?

Жунунни кўзгат, эй Машраб, булар маҳкуму таҳқиқдир,
Ки таҳқиқ сирридин фаҳм этки, зулфидек тугулмазму?

У ўз қалбидан отилиб чиққан бу нолага ўзи қулоқ солар экан, дарвозанинг бир тавақаси қия очилиб, Тўтихоннинг тонг нуридай тиниқ нафис юзи, маъсума шахло кўзлари кўринди.

— Ғазал тўқидингизми?— қизиқиб сўради қизалоқ.

— Ҳа... Ғазални севасизми?— Бобораҳим Тўтихоннинг ботирлигидан таажжубланди.

— Ҳа... Ғазал ўқинг, эшитай!— Тўтихон Бобораҳимнинг яқинига келиб, супачага ўтирди-да, унинг қўлидаги қизғиш нақшин муқовали китобга тикилди.— Фузулий девони сизнинг онангиз — отин оймизда ҳам бор, гоҳи-гоҳида ўқиб берадилар, тўймай тинглаймен...

— Вожаб!— Бобораҳим ёқасини ушлаб, хандон отиб кулди.— Эҳтимол, ғазал ҳам тўқирсиз... Ёшингиз нечада, Тўтихон?

— Ун тўртда... Кулманг!— Қиз аразлаганнамо лабини буриб, тундлашди.— Ғазал ҳам тўқиймен, дутор ҳам чертамен... Ишонмасангиз, сиз ғазал айтинг, мен гатаббуъ боғлай!

— Ё тавба!— Бобораҳимнинг чеҳраси жиддийлашиб, ёнида бамайлихотир ўтирган жажжи парига тикилиб қолди.— Қоғозу қалам берайми, ва ё ғазални ёддан айтасизми?

— Ёддан айтамен...— Тўтихон катталарга хос виқор билан жавоб берди.— Бошланг!

— Маъқул.

Бобораҳим бир оз ўйланиб турди-да, чақноқ кўзларига меҳр нурлари тўлиб ўқиди:

Офати жоним эй санам, қоши қаросини кўрунг,
Икки юзиға чўлғонур зулфи сиёсини кўрунг.

Ҳуру паридин тозадур, шамсу қамар ҳижилдадур,
Ким они кўрса бандадур, ҳусни расосини кўрунг.

Гоҳо қизил қабо кийиб, қирмизи сочбоғин солиб,
Нозу карашмалар қилиб, аҳду вафосини кўрунг.

Гоҳи қошини ёй этиб, киприк ўқи бирлан отиб,
Жоду кўзини ўйнатиб, макри балосини кўрунг.

Машрабки, бенаводурман, васлинг учун гадодирман,
Ҳажр ўтиға куёдурман, ёрнинг жафосини кўрунг.

Тўтихон ғазални эътибор билан тинглаб, шоирга қушбоқиш қилиб сўради:

— Машраб. Бу — тахаллусингизми?

— Балли!

Бобораҳим «қиз анча ўйласа, қийналса керак», деган мулоҳазада турганда, Тўтихон дафъатан:

— Эшитинг, ғазал тайёр!— деди-да, бийрон тили билан ўқий бошлади:

Инсон улуғ, сиз аввало хулқу ҳаёсини кўрунг,
Кўнгил дарёсига боқинг, дурри-ибосини кўринг.

Ҳуру пари ўз йўлига, шамсу қамар ўз йўлига,
Ҳар кимнинг фазли ўзгача, ақли расосини кўринг.

Гоҳ қирмизи қабо кияр, гоҳо қизғиш сочбоғ солар,
Нозу карашмани кўйинг, аҳду вафосини кўринг.

Нечун қошу кўз тавсифи, даркор асил сўз тавсифи,
Қилганда юлдуз тавсифин, ҳар тонг зиёсини кўринг.

Мен бул ғазални ёзмишам, кўнгилга дур тўлғизмишам,
Орзуларим бўлғизмишам, Тўти дуосини кўринг.

— Офарин!— Бобораҳим ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди.— Ҳазор офарин! Тўтихон, мени афв этинг, кўру кар эканмен шу кунгача истеъдодингизни кўрмабмен, ғазалингизни эшитмабмен!

— Сиз эртақда ҳам, ғазалда ҳам, сўзда ҳам лоф урасиз!— Тўтихоннинг пешонасини ҳижолатдан реза-реза тер қолади.— Ғазалда машқларим ҳали нотугал... Сиз... Сиз... Мулла ака, сиз чин шоирсиз!

— Сиз ҳам лоф урдингиз! Мен бир бечора муллабача...— Бобораҳим супачада ўтирган жажжи парига ҳамон тикилар, янги сәйёра кашф этган мунажжимдай, севинчи дилига сиғмай тошар эди...— Мен ҳар жума келиб турамен, ғазал битурмиз, сетору дутор чертурмиз. Шодмен, тангри таоло сизни менга учратди!

Йўлда шу томонга келаётган от туёқларининг дупури эшитилди.

— Дадам!— Тўтихон супачадан сакраб турди-да, Бобораҳимнинг юзига илк бор ботиниб қаради.— Акамни ўзингизга дўст тутинг!— шундай деди-да, югурганча ҳовлига кириб, дарвозани ёпиб қўйди.

Бобораҳим бостирмадан чиқиб, гиштин зиналардан йўлга тушаётганда кўк от келиб тўхтади. Унинг эгарига обдан ўрнашиб ўтирган Исоҳўжабой ўрнидан қўзғалаётганда, Бобораҳим илдам етиб келиб, оқсоқолга елкасини тутди.

— Э, сенми?...— қорин қўйиб, бақбақалари осилган Исоҳўжабой йигитнинг ёрдамида, инқиллаб-синқиллаб отдан тушиши билан жонвор от ҳам белини ростлаб, бошини баланд кўтарганча қалин ёлини эркин силкитди.— Бай-бай-бай, йўл азоби қурсин!— Оқсоқол от жиловини йигит қўлидан олиб тартибсиз ўсган қалин қошлари тагидан синовчан тикилди:— ҳм... Бу ерда не қилиб юрибсан?

— Мадрасадин келаётиб, супачангизда нафас ростладим...— Бобораҳим Исоҳўжабойнинг бесўнақай гавдасини кўздан кечирар экан, нечундир ич-ичидан кулгиси қистади. Кейин базўр ўзини босиб, сўради:— Пирмат кўринмайди, ота?

— Пирмат юмуш ила машғул. Саҳар мардонда қўшчилардан хабар олгали кетган.— Оқсоқол йигитнинг қабашиб кетган оёқларига истеҳзоли тикилди.— Аттанг, бекорчилик оқибати будур... Ҳай, Бозор охунд қандоғлар?— сўради Исоҳўжабой кўк от жиловидан судраб бостирмага кўтарилатуриб.— Зиёратларига бормоқ ниятим йўқ эрмас...

— Домлам саломатлар.

Бобораҳим вазмин жилдини елкасига осганча йўл ўртасида уйи томон илдам қадам ташлаб борар экан, кўз олдига Тўтихон жонланди ва овозини баралла қўйиб хөниш бошлади:

Ногоҳ кўринуб кўзума дилбар боқа қолди,
Парда кўтариб, қошини ул дам қоқа қолди.

Ошиқ эканимни билибон дилбари раъно,
Ақлимни олиб, жонима ўтлар ёқа қовди.

Рухим эритиб ёширин, ваҳ-ваҳ юзи оташ,
Ишқ чақмоғини жонима, найлай чақа қолди.

Тарсобачани кўрдуму дин кетти қўлимдин,
Қил сажда дебон бўйнума зуннор тақа қолди.

Мен они учун кечаю кундуз югурурман,
Ёрим келибон биргина ҳолим сўра қолди.

Айтди: «Не тиларсан?» Мен дедим: «Шамъи жамолин!»
Кўрсатти юзин, мақсуд ҳосил эта қолди...

Арафа

Арафада ҳамма уйда бўлади — бу қадимдан одат. Ҳар бир хонадонда бўғирсоқ, қуштили, ўрама, чўзма, қатлама ва ҳоказо пишириқлар қилинади. Бойларникида анвойи дастурхонлар ёзилиб, қўй сўйилиб, сермасаллиқ палов дамланади. Қамбағалларникида эса, камгўшт, камёғ бўлса ҳам, қора қозонда палов пиширилиши шарт. Хуллас, ҳарвони зиғирмой ҳиди тутади, сабзию зиравор хушбўйи димоқларни қи-тиқлайди.

Элда тотувлик, меҳру оқибат белгиси бўлган яна бир яхши одат бор: қўни-қўшнилари бир-бирларига арафа оши улашадилар. Устига иккита нон босилган бир товоқ палов, турли пишириқлар дастурхонгами, рўмолгами ўралиб, қўшниккига олиб чиқилади-да:

— Ҳайитингиз муборак, қўшнижон! — деб ташлаб кетилади.

Орадан бир оз муддат ўтгач, бу қўшни нариги қўшниккига худди шундай мулозамат билан киради.

Хуллас, ҳайитдан бир кун илгари — чин арафа оқшоми қўшнилари бир-бирларини йўқлайдилар, қутлайдилар, эсон-омонлик, бахт-саодат тилайдилар.

Ўттиз кунлик рўза тугаб, эртаси ҳайит бўладиган кун Исохўжабойнинг уйда эрталабдан тайёргарлик ишлари бошланди. Унинг эпчил хизматкори Азимча боғ этагидаги қўтондан қўйруғи ергача осилган ҳисорий қора қўчқорни судраб чиқди. Гузардаги чойхонадан айтиб келинган «қирқ хунар эгаси» Аҳмад полвон қўчқорни бўғизлаб сўйгач, терисини шилди-да, азим туп ўрик шохига осди.

Ичкари ҳовлида Салима биби оқсочларни ишга солиб, турли юмушларга бош бўлиб юрибди: обдан қиздирилган тандирда уч-тўрт қайта нону патирлар ёпилгач, навбат гўшт сомса, қовоқ сомсаларга етди. Катта қозонда қиздирилган зиғир ёғда турли пишириқлар кечгача давом этди.

Саратон авжида. Ички-ташқи ҳовлиларда йигирмага яқин эркак, аёл хизматкорлар иссиқда эриб, қора терга тушиб, тинимсиз ишладилар.

Вақт намозгарга яқинлашгач, Исохўжабой ичкари ҳовлига кириб, Салима бибини аёллар тўдасидан имлаб чақирди ва ошга ўт ёқиб юборишни буюрди. бинобарин, ўн қадоқ гуруч солишни тайинлаб, маҳалла масжиддан имом бошлиқ беш-ўн эркак киришини билдиргач, меҳмонхонага алоҳида дастурхон ёзиш зарурлигини уқтирди.

Салима биби ўчоқ бошидаги яна бир катта қозонга ўт қалатди ва айвонга чиқиб, тошойна қаршисида ўсма қўйиб ўтирган Тўтихондан:

— Нега акангдан дарак йўқ, сенга ҳеч нима демаганмиди? — деб сўради.

— Йўқ... — Парвосизгина жавоб берди қиз, ингичка чўп учигаги пиликни нозик қошига тортар экан.

— Тезроқ бўла қол, қизим, даданг айтди: меҳмонлар келишар-

миш!— Салима биби қизининг ўйчан юзига тикилди.— Намунча имил-лайсан, менга қарашвор!

— Хўп, аяжон...

Салима биби ўчоқбоши томонга кетгач, Тўтихон ўрнидан эриниб-гина турди, тошойна билан пиёладаги ўсмани токчага қўйди ва нақшин эшикдан уйга кириб, қатор токчалардан бири — китоблар терилган токча олдига борди.

У кеча оқшом Бобораҳимнинг мадрасадан қайтиш пайтини пойлаб кўчага чиққан ва дарвозахонадаги супачада ўтириб, у билан албатта учрашишни, унинг газалларини эшитишни дилига туғиб қўйган эди. Унинг хавфи фақат бир нарсадан: Бобораҳим ёлғиз келмаслиги, акаси Пирмат билан келиши мумкин. Пирмат ўтган ҳафта орзусига етди: ниҳоят, отасидан рухсат олиб, мадрасага ўқишга кирди, демак арафада ҳам улар иккови уйларига бирга қайтадилар. Тўтихон Бобораҳим билан ёлғиз кўриша олмайди...

Дарҳақиқат, Тўтихон ўйлаганча бўлиб чиқди: у дарвозахонадаги супачада соғинган шоирини ўйлаб ўтирганида гузар томондан икки йигит: янги яқтак-лозимда, бошида чуст дўппи, оёғида пўрим этик билан ўрта бўйлик, тўлачадан келган Пирмат ва одми шалвар, нураган кўйлақда, бошида офтобда оқарган эски дўппи, оёқяланг, баланд бўйли, елкалари кенг Бобораҳим кела бердилар. Пирмат елкасига мошранг духоба жилд осган, Бобораҳим бир даста китобу дафтарларини қўлтиқлаб олган. Бобораҳим нималарнидир сўзлайди, Пирмат қиқирлаб кулиб тинглайди.

Улар қўра дарбозасига яқинлашишлари билан Тўтихон супачадан туриб келди ва истиқболларига юриб, таъзим ила салом берди:

— Ассалому алайкум, арафангиз муборак бўлсин!

— Ваалайкум ассалом, сингилжон!— Пирмат кўчага ёлғиз чиққан синглисига шубҳаланиб қараб қўйди.— Қалай, уйдагилар тинч-омонми?

— Худога шукур...— Тўтихон ер остидан Бобораҳимга кўз қирини ташлади. Шалвари, узун оёқлари тупроққа ботган йигитга ачиниб:— Ота-онангиз саломатмилар,— деб кўнгил сўраган бўлди.

— Ташаккур!— Бобораҳим қизнинг кулгичлари шундоққина билиниб турган тиниқ юзига, живир-живир майдатароқ атлас кўйлаги тагидан бўртиб турган нозик сийнасига, елкасию орқасини буткул қоплаган узун сочларига, бошидаги гулдор ироқи дўпписига ҳавасланиб муштоқона тикилди ва қўлтиғидаги китоблардан бирини олиб, унга узатаркан:— Мавлоно Лутфий девонлари...— деди.— Уқингиз!

Тўтихон девонни Бобораҳим қўлидан олди, ўпиб, кўзларига суртди, юзи аллақандай сеҳрли яшнаб:

— Бир дунё гавҳар туҳфа этдингиз!— деди-да, зинапоядан чопқиллаб чиққанча ҳовлига кириб кетди.

Пирмат Бобораҳимнинг елкасига қўлини қўйиб, уни таклиф қилди:

— Оқшом дўстлар жам бўлурлар. Ташрифингизга интизормен!

— Албатта, келурмен!

Бобораҳим йўлдан узоқлашиб кетгунча Пирмат унинг кетидан қараб турди ва дўстининг Тўтихонга илтифоти маъносини тушуна олмай: «Во ажаб...» деб лабини тишлади.

Тўтихон ичкари ҳовлига киргач, дарҳол айвонга чиқди ва ундан уйига кириб, Бобораҳим берган китобни варақлай бошлади. У Бобораҳим девонни шунчаки ўқиш учун бермаганини, девон варақлари орасида, албатта, шоирнинг янги газали бўлишини билар эди. Зеро, уларнинг аввалги учрашувларида ҳам шундай бўлган: Бобораҳим ҳар гал мадрасадан уйига келишида, ёки бошқа муносабат билан Тўтихонга

ғазал бағишлаган ва унинг бундай дил изҳорини қиз ҳар сафар энти-киб кутишга ўрганиб қолган эди...

Тўтихон уй эшигини ичидан беркитгач, моҳир мусаввир қизғиш муқовасини нафис нақшин тасвирлар билан безатган девонни очди. Девон саҳифаларидаги ғазалларни ҳаттот шу қадар нозик битган эдики, кўк, қизил, яшил ҳарфлар живир-живир товланарди. Қиз бу беқийс санъатга маҳлиё бўлиб кўз қадар экан, китоб орасида тўрт букланган зангори бир қоғоз кўринди.

Қиз қалби ҳаприқиб, қоғоз тахларини дарҳол ёзди ва Бобораҳимнинг таниш ҳуснихати ила ёзилган вараққа жон кўзларини тикди.

«Бу машқ, устози бузург ғазалига нўноқ шогирднинг бир назирасидир,— деб бошланарди Бобораҳим мактуби.— Бунини тўпори кўчирма билиб, эҳтимол, менга таъна тошларини отарсиз, Тўтигий ширин забон! Аслида ундоқ эмас... Шакли ўхшару, мазмуни ўхшамас. Икки дарахт бир-бирига ўхшар, аммо мевалари ўзгача: бири оқ, бири қизил... Афтода кўнгил узрини қабул этгайсиз!»

Шу қисқа дебочадан сўнг бундоқ ғазал битилган:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

371

371

Ғам шомини фироқингда кабоб этти фалакни,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ногоҳ сари кўйинг аро бўлдум сенга мойил,
Эй тожи сарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Лаълинг ғамидин кўнглум эрур ғунчалари қон,
Гулбарги тарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Заҳри ғами ҳажринг ўлдурғали етти,
Эй лаб шакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Машраб каби кўйингда бўлуб барқи тажалли,
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Тўтихон ғазални қайта-қайта ўқиди, буткул ёд қилиб олди. Айниқса, бир байт унинг бағрига чўғдай ўрнашиб, жон-дилини омонсиз куйдирди:

Ғам шомини фироқингда кабоб этти фалакни,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...

Демак, шоир уни севмиш... Оҳ, билса эди у Тўтихоннинг ҳам ғазал ўқиб, хониш қилиб бедор ўтказган кечаларини, истиқбол ҳақидаги ширин орзуларини, тонг саҳар кўрган тушларини, пинҳона тўқиган ғазалларини!..

...Қизнинг кеча оқшомдан бери ороми буткул йўқолди. Гарчанд Пирмат кеча улфатларини меҳмонхонада кутган, бу дўстлар суҳбатига Бобораҳим келган; улар тун оққанга қадар чақ-чақлашиб ўтиришган бўлса ҳам, Тўтихон на уларни кўрди, на сўзларини эшитди. Фақат онда-сонда ташқи ҳовлидаги меҳмонхонадан йигитлар кулгиси, танбуру дутор таронаси, Бобораҳимнинг хониши қулоққа чалиниб турди, холос.

Бугун эса, чин арафа — маҳалладагилар бир-бирларини йўқлайдиган кун.

Вақт намозгарга яқинлашиб, кундузги иссиқ бир қадар пасайди, нафас олиш енгиллашди. Тўтихон қошларидаги ўсманнинг қотишини кутиб, уйда токчалардаги ранг-баранг муқоваларни бир-биридан зебо китобларни томоша қилиб турар экан, буларнинг ҳар биридаги нақлу ҳикоятлар, дostonу ғазаллар, қасидаю марсиялар ҳақида ўйлайди. У Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун, Вомиғу Узро, Баҳрому Гуландом муҳаббат тарихини; улуғ баҳодирлар, вафоли ошиқ-маъшуклар тақдирини эслайди, мурғак дили, содда тафаккури билан ажойиботлар

маъносини англашга ҳаракат қилади, ўзи ҳам ақалли оддий чўпон Вомикнинг Узросига ўхшашни орзу этади.

Қиз уй этагидаги ханик бўйида офтобадаги муздай сувга ингичка қошларида қотган ўсмани ювди, бет-қўлларини чайди ва онаси ҳайитга тиктириб берган оқ шоҳи кўйлагини кийди-да, янги ироқи дўпписини бошига қўндириб, айвонга чиқди.

Ҳовлида Салима биби гоҳ у хизматкорга, гоҳ бу оқсочга иш буюриб, ташқари ҳовлидаги меҳмонхонага Исоҳўжабойнинг қирин-кетин кириб кела бошлаган меҳмонларига гардимларда ҳўл-қуруқ мевалар, хитойи чинни лаганларда турли пишириқлар ташиш билан машғул бўлиб юрар эди.

— Акангдан ҳамон дарак йўқ!— Салима биби қизига шикоят қилди.— Қай гўрга йўқолди арафа қуни ул тентак?

— Келиб қолар...— Тўтихон айвон кафшандозида зар ипдан гул тикилган энгилгина кафшини кийди ва ҳовлига тушиб, онасининг ёнига келди:

— Юмушингиз бўлса менга айтинг, қарашворай.

— Ҳадемай ош сузилади, қўни-қўшниларга арафалик олиб чиқиш керак.— Салима биби зорланиб сўзлади.— Аканг бўлса...

У сўзини тугатиб улгурмади: ташқари ҳовлидан башанг кийинган Пирмат кириб келди. Унинг ёқа ва энглари жияк хошьялик яктаги устидан кийган йўл-йўл беқасам тўни обдан ярашибди, янги дўпписининг гуллари яшнаб турибди.

— Қаёқларда юрибсан, такасалтанг!— онаси уни койиған бўлди.— Чин арафани унутдингми?

Пирмат жиндак ширакайф бўлса керак, оғзининг таноби қочиб кулди ва гандирақлаб келиб Салима бибини қучоқлаб:

— Онажоним! Меҳрибоним!— деб тантиғланди.— Баъдаз рўза — олтин кўза. Қорним оч, тўйиб олай, кейин тўнка ёр, десангиз ҳам тайёрман!

— Қоч, уятсиз, бўза ичганингни отанга айтай, шундоғ қамчиласинки!— Салима биби ўглини бағридан итариб юборди.

Пирмат гандирақлаб келиб, айвон пешига ўтириб қолди ва унинг аҳволига ачиниб қараб турган Тўтихонга:

— Ейдиган бирон нарсанг борми, сингилжон?— деб ёлборди.

Тўтихон дарҳол айвонга чиқиб, хонтахта ёнига кўрпача ёзди ва акаси чиқиб ўтиргач, ўчоқбошидан гардимда нон, мева, сомса, пишириқлар келтирди, кейин чой дамлаб олиб келди. Пирмат тансиқ таомларни иштаҳа билан ея бошлади.

Қош қорайгач, ўчоқбошида чироқ ёқилди, кундузи қўй сўйиб, ундан кейин ош дамлаган Аҳмад полвон катта қозон тувоғини очиб, хушбўй паловни қатор лаганларга расамади билан сузиб турди, Азимча лаганларни ташқари ҳовлига — меҳмонхонага ташиб бўлгач, иккови эркак меҳмонлар ёнига чиқиб кетдилар. Қолган ош ичкаридаги хотинларга ва қўни-қўшниларга тарқатиладиган товоқларга сузилди.

Тўтихон бир товоқ ошни айвондаги акасига олиб келганда унинг кўрпачага чўзилиб ухлаб қолганини мусичанинг хонишига ўхшаш ювошгина хуррагидан англаб, беихтиёр кулиб юборди.

Қўни-қўшниларга тарқатиладиган ошу пишириқлар рўмолларга ўраб тугилгач, Салима биби апил-тапил тамадди қилиб олган оқсочу хизматкорлар қўлига биттадан тугун тутқазди, кимникига ким олиб боришини бирма-бир тайинлаб чиқди.

— Зубайда холаникига мен олиб чиқа қолай, отинойим дуо қилдилар,— онасидан изн сўради Тўтихон.

— Майли, қизим, савоб бўлади,— Салима биби қизининг елкасига қоқди.— Зуд бору зуд қайт. Ҳаяллама!

— Хўп, аяжон!

Тўтихон тугунни айвоннинг пешига қўйди ва уйига кириб, зангори бахмал нимчасини кийди, бошига дўпписи устидан оқ шоҳи рўмолини ташлади. У нечундир ич-ичидан қувонар экан, токчадаги Лутфий девонини очиб, ундан бир варақ қоғозни — Бобораҳим ғазалига тунда ёзган жавобини олди-да, авайлаб тахлаб, нимчаси чўнтагига тиқди..

Қиз тугунни кўтариб, Бобораҳим ҳовлисига яқинлашганда унинг эшиги ланг очиқлигини кўриб, ҳовли ўртасидаги бўйрадеккина гулзор орқасида — айвондаги хонтахта атрофида Зубайда биби билан Бобораҳим ясатуғлик дастурхон атрофида ўтирганларини, Бобораҳимнинг бемор дадаси тўрда — баланд ўринда чўзилиб ётганини кўрди-да, пастак шохлари кенг ёйилган, ҳосили қип-қизил пишиб ётган олма дарахти орқасида беихтиёр тўхтаб қолди.

Бобораҳим чордона қуриб ўтирганча қўлидаги танбурни нозик чертар, жоң олгувчи ширали товуши билан аста куйлар эди.

Айвондагилар Тўтихоннинг ҳовлига кирганини сезмадилар шекилли, ҳеч ким бу томонга қарамади. Деворга суялиб ўтирган Зубайда биби эрининг юз-кўзларини силар, ўғлининг мунгли хонишини тинглар эди. Тўтихон гулзор бўйида сеҳрланганча тик туриб қолди. Бобораҳим куйларди:

Чиқсам кўчаларга шоҳсуворим келадур,
Гул ғунчасидек лола узорим келадур.

Ҳар ёнға боқиб, киприк ўқин халқга отиб,
Жонимға ўтни ёқиб, нигорим келадур.

Гулгунлиғидин ишқ майин элга сунубон,
Ўз мастлиғидин кўзи хуморим келадур.

Жонимға етиб ҳар соридин рашк қиличи,
Гўёки манга янги баҳорим келадур.

Садбарг гул каби қон илкида дилбарнинг,
Ким дафъи хуморимға туморим келадур.

Бегонаю ошноси йўқ — барчага ул тенг,
Мужгон ўқини ҳар ён оторим келадур.

Келмай неча кун қайда қарор этти эканким,
Кўнглумдин олиб сабру қарорим келадур.

Ўлмайму бир дарди била, эй ёру ёронлар,
Жоним уйига ўтни ёқорим келадур.

Ҳам зоҳиду фосиқ ўзини сажда қилурға,
Ҳар лаҳзада минг динни бузорим келадур.

Кундуз-кечаси ҳеч маҳал келган эмас ул,
Бул турфа кўрунг, лайлу наҳорим келадур.

Гул барги каби ғам била сарғайди бу Машраб,
Не ғам манга эмди ғамгузорим келадур.



Куй тугади. Тўтихон қип-қизил олмалар тагида шу олмалардан ҳам қизилроқ чеҳра билан яна бир неча дақиқа хаёл оғушида сел бў-

либ турди. Кейин у ўзини базўр ўнглаб олиб, секин йўталди-да, айвон олдига юриб борди.

— Ассалому алайкум, отинойи! Ассалому алайкум, амакижон! Ассалому алайкум, Раҳим оға!— у айвондагиларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида таъзим ила салом бергач, тугунни айвон пешига қўйиб:— хайитингиз муборак бўлсин!— деди.

— Вой мен ўргулай сан кириттон қизимдан!— Зубайда биби ўрnidан туриб келиб, Тўтихонни бағрига босди, юз-кўзларидан ўпиб суйди.— Ҳой дадаси!— она қувончини дилига сиғдира олмай, эрига юзланди:— биз ғарибларни йўқлаб келган фариштани дуо қилинг!

Уччовлари хонтахта атрофига ўтирдилар, бемор ётган ерида дуога қўл очди:

— Илоҳо, юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин, парвардигор ёшларга бахт-саодат ато этсин!

Фотиҳадан кейин Тўтихон уйда меҳмонлар борлигини ваҳ қилиб, ўрnidан қўзғалди.

Бобораҳим уни эшиккача кузатиб чиқди.

— Қоронғи кўкимизда юлдуз чақнади сиз келиб,— деди у, қиз эшикдан чиқиб кетаётганда.

Тўтихон индамади; остонада бир нафас тўхтаб, нимчаси чўнтагидан қоғоз олди-да, Бобораҳимга узатар экан, унга нафис бир табассум ҳадя қилди ва рўмоли билан юзини яшириб, уйи томонга зинғиллаганча чопиб кетди...

Бобораҳим қиз берган қоғоз таҳини ёзиб, шом қоронғисида ўткир кўзлари билан қуйидаги мисраларни ўқиди:

Сен жону таним, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Чин танлаганим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Бир ўзга тикан санчилса жонима, билгил,
Оғрир баданим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон елининг захрига бардош бера билмас,
Сўлгай чаманим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Шояд етажак сенга азиз шоири даврон,
Тўти суханим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

У газални ўқиди-ю, кўчага ўқдай отилиб чиқди. Лекин, Тўтихон аллақачон кўздан ғойиб бўлган, зулматда оёқ изларини илғаш ҳам амримаҳол эди...

Мунофиқ

Наманган мадрасаси деб аталган масжиди жомеънинг кенг ҳовлисида кунчиқар томонга қатор солинган олти ҳужрадаги ўн икки талаба ва Бухорода таҳсил кўриб келган бирдан-бир мударрис Муҳиддин Латифийдан иборат жамъи ўн уч толиби илмдан ташкил топган мадрасага эшон Бозор охунд раҳбарлик қилади. Бундан ўн йил аввал Бухорода истиқомат қилгувчи шайхулислом томонидан Наманган масжидига имом этиб тайинланган, асли насаби Самарқанд яқинидаги Даҳбед аслзодаларига бориб тақаладиган ва ўзининг тақрор-тақрор таъкидлашича, эшони аъзам Офоқ хўжага ота томондан қариндош бўлган Бозор охунд илоҳиёт бобида тафаккурининг зўрлиги ва қуръон ўқишда талаффузининг ўткирлиги билан тез орада донг чиқарди.

Бозор охунд Бухородан Наманганга келиб, масжиди жомеъ ҳужраларидан бирига жойлашган йилиёқ шаҳар бою савдогарлари маблағ жамғаришиб, масжид ҳовлисига туташган бозор этагидаги раста орқасидан — обод маҳалладан икки уй, бир айвонлик шинамгина ҳовли сотиб олдилар ва буни эшонга совға қилдилар.

Бозор охунднинг ёши қирққа яқинлашиб қолган бўлса ҳам, у уйланмаган, бугун ўмрини илму маърифатга бағишлаган, ҳатто бундан кейин ҳам хотин олмай, хокисорона танҳо яшамоқ ниятини дилига туғиб қўйган экан. Унинг бундай фидойилигини ўз оғзидан эшитган қавмлари таркидунё қилган эшоннинг аҳволига ачиниб, кўп афсус-надоматлар чекдилар ва у кўчиб кирган янги ҳовлига айниқса шаҳар аслзодалари тез-тез ташриф буюриб, ҳар гал суҳбат асносида оилавий ҳаётнинг лаззатню фазилатлари ҳақида лўқма ташлаб, нақл айтиб, «Қалилаю Димна», «Минг бир кеча» ва ҳоказо рисоалардан ибратли мисоллар келтириб турдилар. Гарчанд Бозор охунд ўзи очган мадрасада таҳсил кўраётган баъзи хушсурат муллабаччалар васли-суҳбатини хотин билан яшашдан афзал билса ҳам, тўй харажатларини ўз зиммаларига олишни ваъда қилган бою боёнлар қистовига зўр-базўр кўнди-да, Исохўжабойнинг Мастура исмли ёлғиз синглисини ўз никоҳига олишга розилик берди. Бироқ, шунда ҳам у ҳар кун ҳуфтон намозидан сўнг, ё ҳовли тўридаги меҳмонхонасида, ёки масжиди жомеъдаги хосхонасида ҳар оқшом мадраса муллабаччаларидан бири билан алламаҳалгача ҳамсуҳбат бўлади, уларга фойий дунё бевафоллиги, гуноҳу ғам-андуҳлари, жаннат завқ-сафолари ҳақида ривоятлар айтиб, навжувонларни ҳаёлан маст қилиб лаззатланади.

Бозор охунд бўйи икки ярим газ, барваста, елкалари кенг, қўлоёқлари узун, девсифат, айни куч-қувватга тўлган, мабодо бурни чертилса бир челак қон оқадиган барзанги бир одам бўлса ҳам, таажжубки, Мастурадан фарзанд кўрмади. Нозиккина, новчагина, хушрўйгина жувон салкам ўн йилдан буён ҳар кун беш вақт намозни қанда қилмай, худодан зурриёт сўрайди, отинойиларга ўзини ўқитади, табибларга қатнайди: қайнатиб ичмаган гиёси, қилмаган муолижаси қолмади. Бунинг устига, у Бозор охунддан кейинги бир-икки йил ичида эрлик илтифотини кўрмай қўйди — эшон уйига келмай, масжиди жомеъ ҳовлисида тунаб қолишни ўзига одат қилиб олди...

Хуллас, на эшоннинг имому мударрислик шаън-шавкати, на ўн йил давомида тоғ ирмоқларидай тинмай оқиб келиб ғазнасини тўлдириб турган ҳисобсиз давлати Мастуранинг кўзига кўринмай қолди, унинг басавайт эр қош-қовоғига қараб, итоат этиш, гўристондай жимжит хонадонда чўри аҳволида диққинафас бўлиб кун кечирибдан бошқа иложи йўқ.

Бозор охунднинг ўз хонадониди камнамо бўлиб қолганлиги сабабини ҳеч ким билмаса ҳам, баъзи талабалар бу ўзгаришни бундан икки йил аввал Наманганда пайдо бўлган Муҳиддин Латифий билан боғлашди. Эшон уни аслзодалар хонадониди хатна тўйи, ифтор ва ҳоказо мажлисларга бирга олиб бориб, қавмларига таништирар экан, ақлу заковати, шеърий истеъдоди каби фазилатларини кўкларга кўтариб мақтайди, Муҳиддинхон энди йигирма ёшга кирган бўлса ҳам туркий, форсий, арабий тилларига моҳир мударрис даражасига кўтарилганини, шул сабабдан шайхулисломга нома йўллаб, Латифийни ундан сўраб олганлигини айтади.

Муҳиддин Латифий масжиди жомеъ ҳовлиси тўрида Бозор охунд хосхонасининг шундоққина биқинидаги ҳужрага ўрнашган. Мадраса талабаларига турли илоҳий ва дунёвий илмлардан машғулот ўтказиш вазифасини ҳам эшон унга юклаб, ўзи асосан имомат ва ўзга ишлар билан вақт ўтказадиган бўлиб қолди. Бу «ўзга ишлар»: то Ўзгандан Хўқандга қадар шаҳру қишлоқлардаги қавму муридлар ила алоқа, булардан ва масжиду қаландархоналардан тушадиган даромадларни тўплаш, мағриб томон ҳар доим қатнаб турадиган карвонларга қўшилиб Ҳажга боргучиларни кузатиш ва кутиб олиш, эшони аъзам Офоқ хўжага катта-кичик ҳайитларда назру ниёз юбориб туриш...

Шунга ўхшаш кори-хайрлар билан тонгдан шомгача банд бўлган эшон, ниҳоят, қош қорайиб, хуфтон намози ўқилгач, хосхонасига киради ва Муҳиддинхон билан иккови беш шамлик нақшин шамдон ёруғида навбатдаги васл туни лаззатига гарқ бўладилар.

Бозор охунд назарида Латифий ақл ҳазинасининг гавҳари, ҳусн самосининг юлдузи. Уларнинг бу иноқлиги, меҳру оқибати Бозор охунд Бухоро мадрасасида эшон мударрис, Муҳиддин талаба бўлган кезларда бошланган. Мударрис ўз талабасига жон-дилидан муҳаббат қўйиб, уни ўз ҳужрасига ҳамхона қилиб олган. У вақтда ўн беш яшар ўспирин бўлган нозик дидли Латифий туркий ва форсий тилларда битган ишқий ғазаллари билан мударрисни мафтун этган. Мударрис уни ҳеч қачон унутмасликни, тақдир шамоли учириб олиб борган ҳамма ерда шогирди билан ҳамдам, ҳамнафас бўлишини ваъда қилган. У ана шу ваъдасига вафо этиб, Муҳиддинни Наманганга чақириб олди...

Бугун ҳам хуфтон намозидан кейин қавмлар тарқалишгач, эшон масжидда ёлғиз қолди ва Латифий эшик олдида қўл қовуштирганча уни кутиб турган бўлса ҳам, меҳроб қаршисида тасбеҳ ўгириб ўтирганча қимирламай ўтириб қолди.

Латифий ҳамон тик турганича эшоннинг қўзғалишини кутди, лекин у қайрилиб ҳам қарамади. Шунда Латифий кечаги тунни эслади: эшон қавмлар орасида ғаламуслар пайдо бўлганини, ҳар хил нохуш гап-сўзлар тарқалаётганини, ҳайит арафасида бир неча аслзодалар хонадони питрўза бермаганини, ҳатто қаландархонадан Бобо қаландар ҳам зиёратга келмай қўйганини айтиб, шогирдига шикоят қилган, бунинг устига ўтган ҳафта, Офоқ хўжадан келган мактубда эшони аъзамнинг Фаргона музофотининг назру ниёзи камайиб бораётганидан шикоятини билдирган эди.

Бозор охунд, ниҳоят, ўрнидан қўзғалди. Латифий дарҳол югуриб бориб, унинг қўлтиғидан олиб, туришига кўмаклашди. Эшон кафшандозда кафшини қияётганда Латифий токчалардаги шамларни бирма-бир пуфлаб ўчирди ва илдам юриб келиб, эшон орқасидан ҳовлига чиқди.

Улар хосхонага кирдилар.

Эшон тўрга чиқиб, тўрт қават солинган юмшоқ кўрпачаларга ўтиргач, шогирдига буюрди:

— Муҳиддинхон, шамдонни келтиринг!

Латифий токчадаги шамдонни олиб, эшоннинг олдига — хонтахтанинг ўртасига қўйди.

— Утиринг, кечаги суҳбатни давом эттирайлик!— Эшон шогирдига маънос тикилди.

— Хўп, пири комил!— Латифий эшоннинг рўпарасига тиз чўкди.

— Талабалар аҳволи нечук?— Эшон Латифийнинг билинар-билинемас сурма тортилган кўз-киприklarига синчков боқди.— Кеча тунда айтганингиз ноҳўя байтлар...

— Ҳа, пири комил!— Латифий камзулининг чўнтагидан уч-тўрт варақ қоғоз олиб, тахларини текислади.— Аларни талабамиз Бобораҳим битмиш... Ҳай, битса битибди, аммо, пири комил, бу куфрона ғазаллар эл аро тарқалмиш, аларни авом ёд олмиш. Ҳофизлар тўйларда хониш қиладирлар, қаландарлар зикру санода айтадурлар...

— Қани, ўқинг, биз ғофиллар ҳам баҳраманд бўлайлук ул дурри-жавоҳирлардин!— Эшон заҳарханда ила ижирғанди.— Илон бағримизда эркан, биз хобда ётурмиз!

— Машраб таҳаллуси ила эл аро машҳур шоир Бобораҳимдир.— Изоҳ берди Латифий ва кеча Бобораҳим уни устоз билиб, форсий билимидан маслаҳат олмоқ учун ўқишга берган ғазалидан бир байт ўқиди:

Осмон номехоҳад айш дар бани одам,
Жамъ шуд ду кас як жо фитна дар миён дорад.

Яъни, пири комил, талабаи ношукур дейдики, «осмон одам фарзандининг роҳатини хоҳламайди, қаерда икки киши иноқлашса, аларнинг орасига фитна солади».

Бозор охунд иягини қоплаган малларанг калта соқолнини силаганча ўйга толди ва:

— Бачағар зўр битибди!— деб иқрор бўлди.— Ҳай, эмди анинг туркий ғазалларидин ўқинг!

— Аларни ўқимоққа тилим айланмайдир, пири комил!— Латифийнинг қоғоз ушлаган ўнг қўли қалтиради.— Магарчи, ижозат этсангиз...

— Ижозат!— Эшоннинг кўзлари йилтиллади.— Уқунг!

Латифий синиқ товуш билан ўқиди:

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўтгум,
Биҳишту хуру ғилмонни пучак пулга сотиб ўтгум.

— Такрорланчи!— шаъм шуъласида туси докадай оқариб, лаблари қалтирагани сезилиб турган эшон буюрди.

Латифий байтнинг сўзларини дона-дона такрорлагач, навбатдаги байтларга ўтди:

Нетай мен оби кавсарни, нигорим бўлмаса, соқий,
Харобат аҳлига боргум, аларга сўз қотиб ўтгум.

Аё дўзах, мани куйдур, халойиқ куймасин ҳаргиз,
Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг захрин ютиб ўтгум...

— Бас!— Бозор охунд беихтиёр қичқириб юборди.— Ё раббий! Э, Муҳиддинхон, сиз бу куфрона ғазални қаердан топдингиз?

— Мутаваллимиз Маймоқхон бердилар.— Латифий дераза томонга зийраклик билан кўз ташлаб олгач, товушини пасайтириб хабар қилди.— Бобо қаландар хешлари-ла бозорда айтиб юрганда Маймоқхон ёдлаб олибдирлар... Булар ҳам бир нави, пири комил!— Латифий ифвосини давом эттирди.— Бобораҳим оташнафас ҳофиздир. Жумъа оқшом Бухоройи шарифдан келган бир ошнамни йўқлаб карвонсаройга бориб эрдим, Бобораҳимнинг мусофирлар даврасинда сетор ила хо ниши устидин чиқдим. Ул нобакор жамъи кибору аслзодаларни таҳқир этиб, ҳажв қилар эрди:

Жаҳон шайхи, кибору, олиму, қозию ҳам муфти,
Ҳама ўз нафси бирла саргарон, мен беватан келдим...

— Астафирулло! Ахир, Муҳиддинхон, сиз анинг мударриси, таълим бермадингизмиким, бундоғ ғазаллар битмоқ гуноҳи азим бўлур, деб?!

— Куфр анинг қонида бордир...— Латифий бошини қуйи эгиб, шубҳасини баён қилди:— паст пастдур, деб бекор айтмаганлар, пирн комил! Бобораҳим — бўзчининг ўғли. Машойихлар: бўзчи бўзини тўқир, мулло билганини ўқир, деганлар. Анинг дўстлари оёқяланглар: бозордаги ҳаммол дейсизми, ҳаммомдаги гўлаҳгир дейсизми, кўчадаги девона дейсизми; ул ҳеч биридин ҳазар қилмайдир. Индалло айтмоқ даркорким, зеҳни ўткир, муҳокамаси чўнг, овози ҳаминқадар!.. Айни мажнуннинг ўзгинаси, битигини қаранг-а:

Хожаю муфтини йиғиб, олию шайх ҳам мурид,
Барчасидин юз ўгириб, ишқи эрур маломатим...

— Лоҳавло валоқуввато!— Бозор охунд шогирдидан яна сўради:— анинг битиклари эл аро тарқалмиш, дедингизми?

— Тарқалмиш, пири комил, тарқалмиш!— Латифий яна бир варақ қоғозга тикилганча ҳамон паст товуш билан фикрини ривожлантир-

ди:— ул нобакор халқ номидин ёзадир. Ғўё, меҳнат аҳли бечоралару, бою боёнлар, шайху уламолар, аҳли тақвою аҳли тижорат элга зулм қилгувчилардир. Шул сабабдин халқ алардин норози бўлуб, анинг таъбирича, «эл аро ҳой-ҳу нидо», «эл аро раъди садо» пайдо бўлур эрмиш... Мутаввалли Маймоқхон жаноблари Бобораҳимнинг бир мухаммасини қаландарлар зикринда тингламишлар, хотирларинда қолғонини менга айтиб турдилар, мен бул қоғозга битиб олдим.

— Талабамиз ҳаддидан ошмиш!— Эшон қоғозни Латифий қўлидан олиб, шам ёруғига тутиб ўқиди:

Куйдилар ваҳшат ўтиға адл учун бечоралар,
Илки занжирбанд этилмиш, хуши йўқ ҳайроналар,
Зулмат ичра йўл тополмай кўзлари гирёналар,
Титрашуб жон ваҳмидин, ўз жонидин безоралар,
Шул сабабдин халқ аро «Ҳой-ҳу» нидо пайдо бўлур.

Ғам юкидин қад букук, қўлда асо бечора халқ,
Бурда нонга кўз нигорон, жон бузуқ, овора халқ,
Ҳар қадамда юз маломат ўқиға нишона халқ,
Еру кўкни ахтариб, топмай ҳузур, сарсона халқ,
Бас, дамодам эл аро раъди садо пайдо бўлур...

— Садоқатингизга офарин, Муҳиддинхон!— Бозор охунд лўлаболишини тиззасига қўйиб, унга тирсақлари билан суялиб ўтирганча маҳбубига миннатдор кўзларини тикди.— Сиз Бобораҳимдан кўз узмангиз, ёр-дўстларини суриштириб билингиз, мабодо шайтони лаъин йўлдин урғон бўлса, ул талабаий нодонга ҳақиқатдин дарс бермоқ даркор, магарчандики, ҳақ йўлиндин озиб, роҳи фитнаға қадам қўйғон эрса, нобакорни жазоламоқ мақсадга мувофиқдир.

— Фармонингизга ҳозирмен, пири комил!— Латифий алифдек нозик қадини таъзимга букиб, эшонга маъноли жилмайди.— Боз қандай хоҳишлари бор?

— Бул шаб хотирим паришон...— Эшон лўлаболишини кўрпачага ташлаб унга оҳиста ёнбошлади.— Фоний дунё андуҳлари жонимга тикан сончур, беҳол этур... Сизга жавоб, Муҳиддинхон!

— Сиз жанобни, пири комил, парвардигор ўз паноҳида асрасин!— Латифий ўрнидан туриб, шамдонни хонтахтадан олди-да, токчага қўяр экан, шамлардан тўртини пуфлаб ўчириб, фақат бирини ёниқ қолдирди ва оёқ учи билан юриб, хосхонадан чиқди.

Масжиди жомеънинг кенг ҳовлиси жимжит, зим-зиё. Янги ой ўроғи шарқ уфқида кўринган бўлса ҳам, ожиз нури ҳатто тераклар учини ҳам ёритмайди. Онда-сонда милтиллаган юлдузлар сўниб битаётган гулхан кулидаги сўнғги чўғларни эслатади. Ҳужралар ҳаммаси қопқоронғи — талабалар шамларни ўчириб, уйқуга кетишган. Фақат биргина ҳужра дарчаси ёруғ — бу Бобораҳим ҳужраси. Латифий унинг тунлар алламаҳалгача бедор ўтиришини, ё китоб мутолаа қилиши, ёнки, ижод билан машғул бўлишини билади.

Ўз устозининг панд-насиҳатларини дилига тугиб олган навжувон мударрис унинг томонидан ҳозиргина топширилган вазифа ижросига дарҳол киришмоққа бел боғлади ва Бобораҳим ҳужраси эшиги таги-га келиб, уни секин тақиллатди. Бир неча дақиқадан кейин эшик очилиб, яктаги устидан елкасига тўн ташлаган, қўлига савағич қалам ушлаган Бобораҳим кўринди ва қоронғида муғомбирона кулиб турган Латифийни таниб:

— Марҳабо, устоз, қадамингизга ҳасанот!— деб унга йўл берди.

Латифий ҳужрага кириб, кафшандозда кафшларини ечиб ва китобу қоғозлар ёйилган хонтахта юқорисига — кўрпачага ўтирар экан:

— Илҳом парисини қочириб юбормадимми?— деб хи-ҳилаб кулди.

— Илҳом париси кўздан қочур, аммо дилга яширинур!— Латифий

рўпарасига тиз чўкар экан, Бобораҳим лутфга лутф ила жавоб берди.
— Кеча менга берган форсий ғазалингизни ўқиб шод бўлдим. Ҳатто, ёд қилиб олдим...— Латифий деворга суялганча бир нафас сукутга кетди ва ғазални тиниқ талаффуз билан ёддан ўқиди:

Шўх чашми хуснат аз бало нишон дорад,
Абрўи ту дар мужгон — тир дар камон дорад.

Осмон намехоҳад айш дар бани одам,
Жам шуд ду кас як жо фитна дар миён дорад.

Дид моҳи нав мардум рў ба осмон доранд,
Ғарра аст дар олам ҳар ки ним нон дорад.

Оташе зи рухсораш бар даҳони Машраб зад,
Ғунча шуд ниғаҳдори фасли ин хазон дорад.

— Ғоятда зебо ва бениҳоя пурмаъно!— Латифий бундан ярим соат аввал Бозор охундга куфрона битик деб таърифлаган ғазалга энди тамом бошқача баҳо бериб, форсий мисраларни ўзича насрий таржима қилди: «Кўзинг зеболиги балодан нишон беради. Кипригинг устидаги қошинг ўқ қадалган камоннинг ўзгинасидир...» Бай-бай, нақадар нозик, нақадар таъсирчан!.. Баъдаз ёзибсиз: «Осмон одам фарзандининг роҳатини хоҳламайди, қаерда икки киши иноқлашса, аларнинг орасига фитна солади...» Айни ҳақиқат! Бухоройи шарифда таҳсил кўриб юрган чоғларимда Шарифҳожии исмли бир мўътабар зотнинг қизи Зебога кўнгил берганман... Сиз ёзгон осмон, яъни тангри-таолло бул муҳаббатимга раҳна солди, қизни ўзгага никоҳ этдилар... Эҳ, дунёйи бевафой!— Латифий оҳ-надоматлар ила уҳ тортгач, ғазалнинг кейинги мисраларини таржима қилди:— «Янги ой кўрган кишилар кўкка кўз тикадилар. Оламда кимнинг яримта нони бўлса — у шунга мағрур...» Мен ҳужрангизга кела туриб, Бобораҳим, кўкда янги ой кўрдим. Дарҳақиқат, ташбихингиз ўринли: назаримда, яримта ойни эмас, бечоранинг яримта нонини кўрдим...— Латифий ғамгин бир қиёфада бош чайқагач, ғазалнинг охириги байтини таржима қилди: «Юзинг олови-дан бир ёлқин Машраб оғзига тегди. Бул ғунчага кўз ташла: хазон фасли яқин келмоқда...» Офарин! Форсий ғазалингиз мукаммал! Худо хоҳласа, замон шайх Саъдийи бўлурсиз!

Латифий мақтовларининг носамимийлигини хаёлига ҳам келтирмаган Бобораҳим ўрнидан туриб, мударрисга таъзим қилди ва:

— Гарчанд мақтовингиз ўта муболаға бўлса ҳам, устоз, саъйи мададингиз ила доимо машқ қилурмен!— деб миннатдорчилик билдирди.

— Янги ғазал ёзмоқдасиз, чамамда...— Латифий хонтахта устидаги ҳали сиёҳи қотмаган қоғозга синчков тикилди.— Мумкинми, ўқисак?

— Бул ғазал ҳали номукаммал...— Бобораҳим шам ёруғида йилтиллаб турган зангори қоғозни олиб, токчага қўйди.— Туркий ғазал. Энди бошладим... Ташбехлар айқаш-уйқаш... Ниҳоясига етгач, сиз жанобга, албатта, ўқитгум!

— Ҳай, сабр қилурмиз!— Латифий ўрнидан туриб, эшик томонга юрди ва кафшандозда кафшларини кийиб олгач, икки қадам нарида қўл қовуштириб турган шогирдинга кулиб боқди-да, қоронғи ҳовлига чиқди.

Шарқ уфқида, баланд тераклар учиди ой ўроғи ҳамон йилтиллаб турибди. Унинг ённдаги танҳо юлдуз хира нур сочади. Олис-олисларга чўзилган Сомон йўли туссиз камалакдай жимирлайди. Кундузги иссиқ аллақачон қайтиб, тун салқини дилга офом бағишлайди.

Латифий хосхона деразасига қаради. Эшон токчадаги якка шамни ҳам ўчирибди — ухлаган бўлса керак.

Фақат биргина дарича — Бобораҳим ҳужрасининг даричаси ёруғ.
Шоир ижод билан машғул.
Латифий мажҳул бир аҳволда ўз ҳужраси томон юрди...

Наврўз

Наврўзнинг иккинчи куни саҳар паллада осмон устма-уст гулдираб, момақалдироқ Норин тепасига тўпланган булутлар бағрини ёриб, гоҳ у, гоҳ бу юксакликда чақнаган яшиннинг илон изидай оловли эгри чизиқлари порлаб, капалар атрофида яйраб, қийқириб ўйнаётган тўда-тўда болалар учун ҳақиқий томоша бўлди. Орадан ўн дақиқача фурсат ўтар-ўтмас, ёмғир аввал томчилаб; кейин бирдан шариллаб қуйиб берди.

Дарё бўйидаги сайлгоҳда ўтин ёраётган, сув ташиётган, учтадан-тўрттадан йиғилишволиб суҳбатлашаётган эркаклар борми, ўғур туяётган, хамир қораётган хотинлар борми, қирғоқда қувишмачоқ ўйнаб чопқиллашиб юрган болалар, бекинмачоқ ўйнаб, бир-биринга пойлоқчилик қилаётган қизчалар борми, эгаларига эргашиб келган итлар борми — ҳамма ўзини қапа ичига урди.

Бобораҳимнинг отаси Мулла Вали билан онаси Зубайданиса ҳам қапада паналандилар. Лекин, Бобораҳим булутлар бағрини ҳанжардай тилаётган чақинларни кузатар экан, шариллаб қуяётган ёмғир остида қулочини кенг ёйиб:

— Ҳе-хе-ҳей, қуй, қуябер, оби найсан, муборак заминни тўйдирабер! — деб аюҳаннос солиб қичқириб турарди.

Зубайданиса қападан бошини чиқариб:

— Кел, келақол, болам! — деб ўғлини чақирди.

— Оби найсан бу, онажон! — Бобораҳим ҳамон қулочини кенг ёйганча, оғзини катта очиб ёмғир сувини ютди. — Нақадар мазали, нақадар тўйимли бу, оби раҳмат бу!

— Вой боласи тушмагур-эй! — койинди ўғлининг турли қилиқларига ўрганиб қолган Зубайданиса. — Тезроқ кир! — деб таъкидлади-да, бошини қапа ичига олди.

Мулла Валининг қирғоқ чеккасидаги шох-шаббадан тикланиб, тепасига эски қоп-қанорлар ёпилган бу ғариб капасидан ўнг томонда ўнлаб шў каби капалар бор. Бироқ, улардан баландроқда оч яшил чучумалар, бинафшалар, гули сафсарлар, лолақизғалдоқлар очилиб ётган кенг ўтлоқ ўртасида қишлоқ оқсоқоли Исоҳўжабойнинг «шайтон тери» деб аталган қорамтир қора мато тортилиб тикланган кенг, баланд чодир савлат тўкиб туради. Бобораҳим оқсоқол, хотини, болалари ҳаммадан аввал қапага кириб кетганини, оқсоқолнинг катта қизи Тўтихон ўз капаси эшигидан Бобораҳим турган томонга бир-икки мўралаб қараганини кўрди. Балки, йигитчанинг ёмғир тагида қувониб-қувониб ҳайқираётгани шундандир.

Оқсоқол чодирда ҳозир фақат бир киши йўқ — бу унинг ўғли, Бобораҳимнинг оғайниси Пирмат. Ешлари ҳам деярли баробар — бу йил ўн еттига қадам қўйдилар. Тўтихон булардан уч ёш кичик, демак ўн тўртда. Аммо бўйи чўзилиб, ҳусни очилиб қолган, шахло кўзлари сўровчан жилмаяди.

Бобораҳимнинг Пирмат билан дўстлашувига танбур сабабчи бўлди. У болалигидан шеър тўқийди, ўз ғазалига ўзи куй басталайди, овози ҳам ширали; маҳалла йигитлари уни ўз давраларига, гап-гаштакларига чақириб, ғазалини тинглашни, ашуласини эшитишни орзу қиладилар; дутор, танбур, ғижжак, чирманда, неки соз бор — Бобораҳим жуда келтириб, нозик чалади. Бироқ, унинг ўз сози йўқ. Отасининг бўз

тўқиб, топган пули рўзгордан ортмайди, онасининг дўппи тикиб йиққан пули мадрасага.— мударрис Мулла Бозор охунд ҳазратларига аталган. Шу сабабдан Бобораҳим гоҳ у, гоҳ бу оғайнисининг созини омонатга олиб юради.

Пирматнинг танбури бор. Бобораҳимдан икки ҳовли нарида, оқсоқол отасининг ҳашаматли ички-ташқи қўрасида тургувчи бу бадавлат йигит — санъат шайдоси. Яхшигина танбур чертади, маромида равон куйлайди. Бобораҳимга унинг соддалиги, ростгўйлиги, камтаринлиги, шу муомаласи маъқул: оқсоқол ўғли бўлишига қарамай, йигитлар даврасида тўрга чиқмайди, этакда ўлтириб, доим хизматда бўлади.

Бултур қирчиллама қиш палласида зиёфат бериш навбати Пирматга келганда у бошқа улфатлари қаторида Бобораҳимни ҳам уйига таклиф қилди. Қирққа яқин йигит қип-қизил гулдор қашқар гиламлари билан безатилган кенг меҳмонхонада давра қуриб ўтирдилар. Астарига олтинранг сувсар, шерозий қоракўл, қизғиш тулки терилари сирилган почапўстинлик бойваччалар, ёки астарига пахта қавилган беқасам тўнлик шинам йигитлар ичида бўз кўйлак устидан эски қора чопон кийган Бобораҳим ўта ётсираб ўтирди, ҳатто мажлисдан секингина чиқиб кетишга чоғланган бўлса ҳам, унинг ёнига тиз чўккан Пирмат билагидан маҳкам ушлаб олиб:

— Хуш кўрдим, дўстим, келганингиздан шодмен!— деб мулозаMAT қилар, бадавлат йигитлардан кўра бунга:— олинг, дўстим, нонга шинни булаб енг, тут шинниси!— деб илтифот кўрсатарди.— Дўстлар!— деди бирдан Пирмат тиз чўккан ҳолича ғоздай тикланиб.— Бобораҳим созу навода маним устозим бўладилар, илтимос қиламен ўз ғазалларидан куйлаб берсалар!

Бу сўровни эшитган баъзи бойваччаларнинг энсаси қотди, лекин Бобораҳимнинг жонни алғов-далғов қилгувчи ашулаларини тинглаб юрган кўпчилик маҳалла йигитлари:

— Кошки! Эшитайлик! Илтимос!— деб сидқидилдан сўрай бошладилар.

Пирмат нақшин токчадан танбурни олиб, дўстига узатди:

— Ўз танбурингиз, дўстим!

— Балли, Пирматжон!

Бобораҳим танбурни дўсти қўлидан эҳтиром ила олди ва ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғига нохун қадаб, сетор қулоқларини навбатма-навбат оҳиста бураб созлай бошлади. Асбоб созлангач, у ингичка кумуш торларни аста чертар экан, нозик зарблар жаранглаб, дилбар бир оҳанг ҳосил бўлди. Кейин Бобораҳим ҳам сир, ҳам шўхлик тўла сеҳрли овоз билан куйлади:

Улдуройин дермусан, ё куйдуройин дермусан,
Ёна бошимга балолар ёғдуройин дермусан?

Кўзларинг жаллод этиб, мижгонларинг бедод этиб,
Кашмири тил бирла ҳолимни сўройин дермусан?

Осмондан ерга ташлаб, халқ аро расво қилиб,
Қуш каби болу паримни юлдуройин дермусан?

Бобораҳим ҳар бир сўзга алоҳида урғу бериб тиниқ куйларкан, бошидан ўзи кечирган ишқий саргузаштни ҳикоя қилаётгандай, йирик қора кўзлари шуълаланиб, ҳасрат дафтари варақланаётгандай туюлди:

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чулғаманг,
Оҳ, қизил қон бирла кўнглум тўлдуройин дермусан?

Ашуланинг бу байти йигитлар қалбига кучли таъсир қилиб, «Оҳ!» «Камол топ!» «Дард кўрма!» деган хитоблар эшитилди.

Сендин ўзгани агар кўнглима солсам, эй пари,
Тасмадек ушбу танимни тилдуройин дермусан?

Бу муҳаббат шўриши жонимдин ўтди вой-вой,
Ишқи йўқ бедардларни қирдиroyин дермусан?

Ашула охирлаганда йигитлар орасида Бобораҳимнинг сози ва овозига бефарқ бир кимса қолмади. Фақат тўрдаги бойваччаларни бу хуштаб йигитнинг юпун кийингани ва ғайри-табiiй қиёфаси: кўпдан буён олинмаган сочининг патила-патила ўсиб елкасини қоплагани, олов тўла кўзларининг бежо чақнаши ажаблантирарди.

Зиёфат қизигандан қизиди. Ғазалхонлик, куй, ҳазил-мутойиба ярим кечагача чўзилди. Мажлис охирида Пирмат ўрнидан туриб Бобораҳимга таъзим қилди ва танбурни унга тутиб:

— Дўстим, бу арзимас туҳфани қабул этгайсиз!— деб илтимос қилди.— Бу сетор сизга ҳамиша ёр бўлғай!

Уша кундан бошлаб буларнинг дўстлиги тагин ҳам шиббаланди. Пирмат Бобораҳимнинг камбағаллигини билдирмай, унинг кулбасига деярли ҳар куни саҳар паллада келар, уни мадрасага қадар кузатиб қўяр, йўл-йўлакай қизиқ-қизиқ нақллари, янги ғазалларини эшитар, айниқса, Мулла Бозор охунд каби юртга донг таратган мударрис қўлида таълим олишига ҳавас билан боқар, ўзи ҳам яхши тайёрланиб, бу йил албатта мадраса даргоҳига қадам қўйиш орзуси билан муштоқона умр кечирар эди. Бобораҳимни Пирмат билан яқинлаштирган яна бир сабаб, балки асосий восита — унинг синглиси Тўтихон бўлса ҳам, на Бобораҳим, на Пирмат бу ҳақда оғиз очишга журъат этар эдилар..

Бобораҳим шариллаб қуяётган баҳор ёмғири остида қулочини кенг ёйиб турар экан, оқсоқол капаси эшигидан мўраллаган Тўтихон эшитсин деб, бор овозини қўйиб ғазал ўқиди:

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқди жаҳон мулкина яғмо қилайин деб.

Машшота била жилвада кўргузди қадини,
Мендек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Зулфини тараб қошу кўзин жилвагар этти,
Ошуби бело, фитнани барпо қилайин деб.

То айладим олдиға бориб, арзи ниёзим,
Чин солди жанибиға, таманно қилайин деб.

Бошимни кесиб олғилу хушхол бўлуб кет,
Қонимни мени лолаи саҳро қилайин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали келди,
Ғавғои қиёматни ҳувайдо қилайин деб...

Оқсоқол чодирини эшигидан шаддод қизнинг чинни пиёла жарангидай қувноқ кулгиси эшитилди.

Аммо, шу пайт дарёнинг қуйи оқими томондан аллакимнинг дод солиб ёрдамга чақирган аянчли овози таралди. Бобораҳим Пирматнинг бундан ярим соатча аввал дадасининг кўк отини чўмилтириш учун пастга — тегирмон томонга ўтиб кетганини эслади. Эслади-ю, беихтиёр даҳшатга тошиб, лойқа суви қирғоққа тошиб ҳайқириб оқаётган Норин бўйлаб Пирмат овоз берган ёққа чопди...

Капалардан ярим чақиримча нарида, Норин тўғонни ўпириб юборадиган даражада тошиб, ҳайқириб қутураётган жойда Бобораҳим кўк от бошини ва унинг бўйнидан қучоқлаб олган Пирматни кўрди-да, устбошини ечишни ҳам унутиб, ўзини дарё тўлқинларига отди.

Бобораҳим тишимсиз қайнаётган пўртана тошқинида қулочини кенг ёзиб сузиб борар, ҳар тўлқин устига қалқиб чиққанида тошқин билан олишаётган, бироқ бўйнига осилган одамнинг оғирлигидан сузиб чиқишга кучи етмаётган от бошини кўздан қочирмасликка ҳаракат қилар эди. Унинг яна бир ташвиши: ишқилиб, Пирмат яна бир неча дақиқагина чидаб берсин, от бўйинини қўйиб юбормасин!

У бор кучини ишга солиб, отга яқинлашди ва унинг жиловини топибоқ чап қўлига олди-да, ўнг қўли билан сузиб, қирғоқ томонга интилди. Отга жон кирди: бошини кўтариб силкинди, ғайри-оддий пишқириб, ғоввос бошлаган томонга сузди.

— Пирмат! Пирматжон!— Бобораҳим дўстини ҳушёр тортдириш учун унинг оёғига тепди.— Узангига оёқ қўйинг! Эгарга миниб олинг! Қойил-ей, от чўмилтирадиган одам аввал уни эгар-жабдуқдан бўшатмайдами! Э, тавба...

Лекин Пирматдан садо чиқмади. У жуда қўрқиб кетган бўлса керак, бақрайиб тикилган кўзлари ҳеч нарсани англамас, ранги докадай оқарган эди.

От қирғоққа яқинлашиб, олдинги оёқларидаги тақалар тошга тегиши билан қаттиқ бир силкиниб пишқирди-да, фавқулодда бир куч билан олдинга интилди. Бобораҳим от жиловини қўйиб юбориб, Пирматнинг белидан маҳкам ушлаб ўзига тортди. Чалажон йигит шилқ этиб қумга чўзилди. Бобораҳим унинг юзи, манглайи, чаккаларини силай бошлади.

— Кўзингизни очинг, чавандоз!— деб Бобораҳим дўстининг қонсиз юзларига шапатилаб урди.— Йигит киши ҳам бу қадар шалви-рар эканми! Бир қаранг-чи, бу мен, дўстингиз Бобораҳиммен!

Пирмат сал ўзига келиб, кўзларини секин очди, дўстини таниди, енгилгина ихраб, яна кўзларини юмди...

Орадан бирор соат ўтгач, у ҳушига келган Пирматни отга миндириб, ўзи от жиловидан ушлаб оқсоқол чодирига яқинлашганда ёмғир анча пасайган, баъзи капалардан ўтлоққа чиққан оёқяланг болалар бир-бирларини қувлашиб юришар эди. От шарпасига чодирдан аввало Тўтихон чопиб чиқди ва овозининг борича чодир ичига:

— Акам келди!— деб қичқирди-да, чаққон келиб, от жиловини Бобораҳим қўлидан олди.

Чодирдан эғнида банорас тўн, бошида яшил духоба дўппи, оёғида амиркон махси-ковуш, қўлида қаҳрабо тасбеҳ билан йўғон гавдалик барваста Исохўжа оқсоқол салмоқлаб чиқиб келди ва ўғлини отдан суяб тушираётган Бобораҳимни ва от жиловини ушлаб турган Тўтихонни кўргач, кўзлари олаганиб:

— Бу не ҳол?— деб сўради.

— Тинчлик. Ўғлингизни олиб келдим,— деди Бобораҳим дўстини суяб, чодир эшигидан киритар экан.— Мен борай, ота-онам ташвишда бўлсалар керак.

У дуркун баданига ёпишган шалаббо кўйлак-лозимидан хижолат чекиб ерга боқди ва оқсоқолга таъзим қилиб, ўз капаси томонга илдам юриб кетди.

— Тавба...— Оқсоқол лўппи юзини қоплаган ёйиқ малла соқолини силади.— У сенга ҳеч нимарса демадим, Тўти?

— Демадилар...— Тўтихон от жиловини дадасининг қўлига тутди.— Қумғон қайнаган, акамга чой дамлаб берай.

— Боракалло, қизим!— Оқсоқол ёришиб келаётган осмонни кўздан кеçирди.— Хайрият, очилди. Ҳалимни бошласак бўлаверади!

У кўк отнинг жиловидан етаклаб, чодир орқасидаги бостирма томонга кетди...

Бобораҳим қапага қирганда бемор отаси кўрпага ўралиб ётар,

онаси ўглининг кечагина ювиб қуритилган эски қора чопонини ямаб ўтирарди.

— Вой, болагинам-эй, қаёқларда юрибсан!— Зубайданиса ип қатини тиши билан узар экан, ўғлига синовчан тикилди.— Мунча кўкариб кетмасанг! Дарҳол уст-бошингни алмаштириб ол, мана, тўнинг ҳам тайёр!

Зубайданиса тўнни Бобораҳимга бериб, бўҳчасини титди, янги дўппи билан кўйлак-лозим олиб, буларни ҳам ўғлига тутди:

— Наврўзи олам, болагинам!— она боши қапа шипига тегиб турган бўйдор ўглининг келишган қадди-бастини фахрланиб кўздан кечирди.— Бу дўппини сенга атайлаб тикканман.

У янги чувтнусха дўппини ўглининг бошига ўз қўли билан кийги-зиб қўйди.

Бобораҳим қапа бурчига ўтиб, уст-бошини янгилаб олди, тўнни кийди ва онасини бағрига босиб:

— Ташаккур, онагинам!— деди, кўнглига келган бир байтни ўқиди:

Ажойиб меҳрибонимсан, менинг оромижонимсан,
Муроду ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам!

— Қорнинг очгандир, ёвғон қайнатдим!— Зубайданиса ўглининг елкасига қоқиб қўйди.— Отанг сени йўқлади, ёнига ўтир, мен сизларга дастурхон ёзай!

Янги уст-бошдан кўнгли равшан тортган, бадани исиган Бобораҳим дадасининг ёнига ўтириб, қонсиз рангпар юзига разм солди. Унинг кўзлари юмуқ, азбаройи озиб кетганидан юз суюклари туртиб чиққан, нафас олиши ҳам бежо.

Бобораҳим унинг бошига эгилиб, манглайини қоплаган реза-реза совуқ терни артиб қўйди, бетартиб ўсган соқол-мўйловини силаб текислади.

Мулла Вали бошига эгилган ўглининг иссиқ нафасини сизди, кир-тайган кўзларини аста очди ва териси суюгига ёпишган озғин ўнг қўлини кўрпадан чиқариб, ўглининг қўлларини топиб ушлади:

— Бобораҳим...— деди ожиз товуш билан Мулла Вали.— Суянган тоғим... Сендан розиман!

— Отажон, иншоолло, тузаласиз!— Бобораҳимнинг ўпкаси тўлиб, кўзларини қайноқ ёш куйдирди.

— Вақт-соатим тугади...— Мулла Вали бошини секингина сарак-сарак қилди ва:— сени худога, онангни сенга топширдим,— деди-да, кўзларини юмиб, оғир-оғир нафас олди.

Бобораҳим бемажол ётган отасининг юз-кўзларини силаб ўтирар экан, кейинги бир йил ичида сочи оппоқ оқарган онасининг дастурхон ёзиб, нон, қатиқ қўйганини, қапа бурчагидаги қозондан косаларга ёвғон сузиб келтирганини кузатди, унинг ҳам отаси каби озиб, устихон бўлиб қолганига жон-жонидан ачинди. «Эй бевафо фалак!— нола қилди унинг аламли дили.— Бечора бошимга зулм тошларини беҳад ёғдиурсан!»

Дардим ўтига ёру биродар чидаёлмас,
Гар нола қилсам, ҳазрати довар чидаёлмас.

Дардимдан агар зарра асар қилса фалакка,
Ўтлар қақилур, чархи мудаввар чидаёлмас...

— Ол, болам, овқатинг совумасин!— Зубайданиса ўглининг қаршисига тиз чўкиб, нон ушатди.

Бобораҳим бир бурда нонни оғзига солиб, сопол товоқдаги қайноқ ёвғондан ҳўплади.

Зубайданиса бир қошиқ суюқ ошни пуфлаб, эрининг оғзига тутди.

Бироқ Мулла Вали, буни сезган бўлса ҳам, лабини очмади-да, бошини билинар-билинемас чайқаб қўйди.

Зубайданиса лабини тишлаб, дил-дилидан ҳўрсинди. Бу аҳволдан ўта эзилган Бобораҳимнинг иштаҳаси обдан бўғилган бўлса ҳам, онасининг кўнгли учун ёвғонни охиригача симирди ва фотиҳа ўқиғач, ўрнидан турди.

— Онажон, ҳалимга ўтин ёриб беришни ваъда қилган эдим. Ижозат берсангиз, мен борай!

— Бор, ўғлим, бор!— Зубайданиса эрининг юзини беозоргина силаркан, ўғлига жавоб берди.— Мен отанг ёнида бўлай, сен борақол!

Бобораҳим қападан чиқиб, булутлар анча тарқаганини, ҳаво ёришиб, улкан қонталаш қуёш баркаши уфқ тубига ботиб бораётганини кўрди.

Ҳалим учун белгиланган жой Исоҳўжа оқсоқол чодирининг орқасига омонат қўндирилган кенг бостирма бўлиб, бу ерга ўчоқ қазилиб, катта маҳалла қозони қурилган. Бобораҳим етиб келганда бир бурчига оқсоқолнинг кўк оти боғланган бостирма тагида уч-тўрт эркак ҳалим учун кеча бозордан келтирилган танани бўғизлаётган қассобга кўмаклашаётган эдилар. Қассоб тананинг оёқларига арқон боғлаб тортиди, семиз дуркун тана ўнг ёнбошига гурсиллаб йиқилди. Қассоб тиззаси билан унинг елкасидан босиб, йўғон бўйнини шу ерда қазилган чуқурга ростлади-да, пичоқ қўйиб юборди. Тана бўйнидан қипқизил қон шариллаб оқди.

Бостирма тагида турган эркаклардан бири — қора чопон кийган, белбоғига носқоқ билан пичоқ қини осган девсифат одам — Аҳмад полвон Бобораҳимдан сўради:

— Қалай, отанг дурустми, жиян?

— Мазалари йўқ...— Бобораҳим бостирма тагидаги гўлалардан бирини думалатиб суратуриб жавоб берди.

— Мулла Валининг дарди оғир,— қассобнинг чаптастик билан қилаётган ишини кузатиб турган кекса уста — Мўмин фаранг болтанинг бир зарби билан чайир гўлани иккига ажратган Бобораҳимнинг кучидан завқланиб гапирди.— Балли, йигит, ҳунаринг бор экан!— кейин қўшиб қўйди.— Мулла Вали дўконини тўхтатганига мана, олти ой бўлди. Устани зотилжам йиқитди...

— Ҳой, жиян, ростини айт-чи,— деб гапга аралашди Аҳмад полвон,— оқсоқолнинг ўғли минан отини сувдан олиб чиқибсан, деб эшитдик?

— Ҳа, дарвоқе,— полвоннинг сўзини Мўмин фаранг қувватлади,— оқсоқол жар солиб юрибди бўзчининг ўғли боламни ўлим чангалидан қутқарди деб. Ўзи нима гап?

— Ҳеч гап...— Бобораҳим ўтин ёришда давом этди.— Тошқин отни оқизиб кетибди. Пирмат дод солди... Етиб борсам, сув отни тўғон тагига тортиб кетяпти, Пирмат бехуш... жиловидан судраб чиқдим.

— Оббо, азамат-эй!— Аҳмад полвон Бобораҳимга завқланиб тикилди.— Оқсоқол бошингдан олтин сочса арзийдиган ботирлик қилибсан!

— Э, у занғардан қора чақа ҳам чиқмайди!— Мўмин фаранг қиҳ-қиҳлаб кулди.— Оқсоқол ўзганикени юлади!

— Қани, Исоҳўжа эримай кўрсин!— Аҳмад полвон қалин ўсган мўйловининг учларини буради.— Уни саҳар паллада қозон устида элга шарманда қилгум!

— Уйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!— Мўмин фаранг яна қиҳ-қиҳлаб кулди.— Аҳмад полвон, сен курашда енгилмаган бўлсанг ҳам, Исоҳўжа қовургангни қайириб қўяди.

— Кўрамиз!— Полвон бўш келмади.— Ким бўпти ўша оқсоқолнинг! Бузоқнинг югургани сомонхонагача!

Эркаклар ҳаҳолаб кулишди. Қассоб тана баданини пуфлаб шиширгач, терисини шила бошлади.

Бобораҳим тўнкаларни ёриб, ўтин тайёрлаб бўлгач, отасидан хабар олиш учун қапага келди. Мулла Вали ҳамон кўрпа ичида кўзларини юмганча чўзилиб ётар, нафас олиши тагин ҳам оғирлашган эди — кўкрагининг баланд-баланд кўтарилиши шундоққина кўриниб турибди.

Ўғли қапага кириб отаси ёнига тиз чўкканидан фойдаланган Зубайданиса кўрпага ўраб қўйган хамирини кўздан кечирди ва унинг ошганига қаноат ҳосил қилгач, супра ёзиб, нон ясашга тутинди. У қапа яқинига келаётган одам шарпасини сезиб, ўғлига имо қилди:

— Қарачи, ўғлим, биров келаяпти, шекилли.

Бобораҳим ўтирган еридан сакраб туриб, қападан чиқди. Билагига янги банорас тўн ташлаган Пирматни ва унинг ёнида атлас қўйлақда, гулдор ироқи дўппида, йилтироқ ковушда яшнаб келаётган Тўтихонни кўриб, ичида офтоб ёришгандай қувонди.

— Хуш кўрдик, азиз меҳмонлар! — Бобораҳим қулочини кенг ёзиб, дўстининг истиқболига интилди. — Бахт қуёши Саодат юлдузи бирла ташриф буюрибдир, тасанно!

Тошқинда ғарқ бўлаётганда ҳушидан айрилиб, дўстини танимаган Пирмат энди ўзига келгач, чеҳраси очилиб, у билан янгидан қучоқлашиб кўришар экан:

— Энди мен то умрим охирига қадар сизга бурчлиман, дўстим! — деди.

Бобораҳим меҳмонларни қапага бошлаб кирди.

— Холажон! — Пирмат елкасидан қучиб кўришаётган Зубайданисага миннатдорчилик билдирди. — Дўстим бугун дарёда мени нақд ўлимдан сақлади. Халоскоримга мана бу арзимас тўнни кийдиришни ота-онам менга буюрдилар.

Пирмат Бобораҳимга тўнни кийдириб, унинг белидан қучиб кўтармоқчи бўлди, лекин кучи келмади:

— Тошқин мадоримни қирқди, — деб иқрор бўлди-да, Зубайданиса ёзган кўрпачага ўтириб, синглисини ҳам ёнига такдиф қилди.

Ҳаммалари ўтиришгач, она фотиҳага қўл очиб, ёшларга умр, бахт-саодат тилади ва қумғон қайнатиш учун қўзғолди.

Тўтихон беҳуш ётган беморга ачиниб тикилиб турганда, Мулла Вали кўзларини аста очди ва келганларни таниди шекилли, рангпар юзи кулимсираб, ожиз бир товуш билан деди:

— Ўғлим, танбур чертиб, хониш қил, соғиндим...

— Хўп, отажон!

Бобораҳим қапа қозигига илиб қўйилган танбурни олиб, Тўтихонга зимдан қараб қўйди ва кўнглидаги завқи бармоқларига югуриб, созни ўзи севган шўх оҳангда чертиб, қўйлади:

Сетор деманг ҳоли дилим сўргувчи танбур,
Кўнглум гиреҳин, ғамларини ёзувчи танбур.

Бир неча рақиблар сўзидин ғамзада бўлсам,
Ҳамдард бўлиб оғушима киргувчи танбур.

Кутюҳназар халқ муни қадрини билмас,
Даргоҳи азалдин хабаре бергувчи танбур.

Ғар ёр жамолини кўриб пардага солсам,
Нағмаси они сийнахарош этгувчи танбур.

Ҳам ёр жамолидек они нашъаси бордур,
Ҳайрат ўтидин маҳви санам қилгувчи танбур.

Ошиқ юрагидин чиқиб ўттек келибон ул,
Бир учқунига жумлани кўйдиргувчи танбур...

Агар мен дарёда ғарқ бўлсам, созингизни ҳам, сўзингизни ҳам тинглаш насиб этмас эрди, дўстим!— Пирмат ёш ғилтиллаган кўзлари билан Бобораҳимга миннатдор тикилди. Кейин Зубайданисага қаради:— бизга жавоб беринг, холажон, иншоолло, тонг-саҳар қозон бошида учрашурмиз.

Қумғонга чой дамлаётган Зубайданиса ўринларидан турган акасингилдан:

— Чойни ташлаб кетасизларми-я?— деб гина қилган бўлди.— Бошимиз кўкка етди, айланайлар! Ана шундай келиб, йўқлаб туринглар! Пирмат билан Тўтихон қападан чиққач, уларни кузатиб бораётган Бобораҳимни онаси ташвишли товуш билан чақирди:

— Ўғлим, қайт, даданг...

Бобораҳим меҳмонлар билан тонгда, ҳалим чоғида кўришишга ваъдалашиб, шоша-пиша хайрлашди-да, орқасига қайтди.

У қапага кирганида отасининг аҳволи оғирлашганига бир қарашдаёқ ишонди. Зубайданиса Мулла Валининг бошини тиззасига қўйиб ўтирар, юзи ва пешонасини силар, бедорликдан толиққан кўзларидан дув-дув ёш оқар эди.

Онасининг имоси билан Бобораҳим пиёлада сув тутди. Зубайданиса дока рўмолининг учини ҳўллаб, эрининг оғзига томизди. Мулла Вали ожизгина тамшанди-да, кўзларини абадий юмди... Зубайданиса эрини ўринга аста ётқизди. Бобораҳим совғага келган янги тўнни отасининг жасадига ёпди...

Тонг-саҳарда наврўз сайлгоҳида ҳалим қозон атрофидаги кенг ўтлоқ одамларга тўлди. Байрам шарафига чалинган қарнай ғат-ғути, ноғоралар така-туми кенг қирғоқни янгротди. Шодиёна энди бошланган, ясан-тусан ёшлар тўда-тўда гурунглашиб турган бир пайтда Мулла Вали капаси томондан аёл йиғиси эшитилди. Кўпни кўрган кексалар воқеани дарҳол тушунишиб, қарнаю ноғораларни тўхтатдилар. Мўмин фаранг:

— Мулла Валига наврўз насиб этмади,— деб бош чайқади.

Кексалар бўзчининг сайлгоҳ чеккасидаги капаси томон оқиб бора бошладилар.

Шу пайт ўша томондан Бобораҳимнинг кўнгилларни ларзага келтирувчи мунгли фарёди янгради:

Не ғурбатларни чектим, чархи бибунёд, дастингдан,
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдан.
Мудом мотамда бўлдум, бўлмадим дилшод дастингдан,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдан!

Кўзумнинг оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,
Дилимнинг қуввати руҳи равонимдан аюрдилар.
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдин аюрдилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдан!

Чаманда булбули бехонумонман, ошёним йўқ,
Мисоли чўғдек вайронада ҳаргиз маконим йўқ.
Азизимдин жудо бўлдим, бошимга соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки ман ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдан!

Ќулфат

Исоҳўжабой меҳмонхона тўрида кўрпага ўралганча иситмалаб ётибди. Унинг кўзларига олов тўлган, боши қаттиқ оғриди.

Куз эрта бошланди. Шимолдан босиб келган булут қарвонлари осмонни буткул забт этиб, қуёш юзини кўрсатмай қўйди. Уч кундирки, кетма-кет ёмғир қўйиб, кўзни очирмайди. Боғларда кечки олма, нок, узум ҳали узилгани йўқ. Соининг нариги қирғоғидаги пахтазорда ўтган ҳафта бошланган терим таққа тўхтади.

Бунинг устига, бойнинг энг ишонган қароли Обид васвас «хунар» кўрсатди. У шолиси ўрилган далада похол ғарамлашни пайсалга солгани учун бой дарғазаб бўлиб, унинг юз-кўзига қамчиси билан уч-тўрт солди-ю, балога қолди. Обид похолни ғарамлаб, унга ўт қўйди ва ўша онда ўзи ҳам кўздан ғойиб бўлди. Бойнинг уни қидиртирмаган жойи қолмади: на шаҳардан, на атроф қишлоқлардан йзи топилди. Маймоқ сўфи (Исоҳўжабой эшон Бозор охунд имомлик қилиб турган масжиди жомеънинг мутаваллиси Муҳаммад Маймоқ ҳазратларини соддагина қилиб шундай деб атайди) Обидни қаландархонада, аллақадан келиб тунаган қаландарлар ичида кўрганини хабар қилди. Дарғазаб бой дарҳол отини эгарлатиб, қаландархонага этиб борди. Бироқ қаландарлардан асар ҳам йўқ: улар саҳар мардонда шаҳардан чиқиб кетибдилар.

Бир томондан энг ғайратли қаролидан айрилгани, яна бир томондан унинг «кўрнамаклик» қилиб, похолга ўт қўйиб кетганлиги, бунинг устига, ёғингарчилик бошланиб, ҳосил нобуд бўлаётгани Исоҳўжабойга қаттиқ таъсир қилди. У ўзи барча қаролларини бола-чақалари билан қўшиб далага ҳайдаб бориб, ёмғир тагида ишга солди. Натижада, қаттиқ шамоллаб, ётиб қолди.

Унинг бирдан-бир таянчи Пирмат ҳам энди ёнида йўқ. Мадрасада ўқишни ҳавас қилиб, Бозор охунд хизматига бел боғлади. Энди ундан қора чақалик фойда йўқ.

Ташвиш ёлғиз юрмайди, шерикларини етаклаб юради, деганлари шу.

Исоҳўжабой ўз ёғига ўзи қовурилиб, хумдондаги ғиштдай қизиб ётар экан, Маймоқ сўфи томоғини қириб йўталганча ҳансираб кириб келди.

— Оқсоқол бува, бормисиз? — у кафшандозда лой чаплашган ковушини еча туриб, нимқоронғи меҳмонхонада кўрпага ўралиб ётган бойга укқиникидай сарғимтир шилпиқ кўзларини қадади. — Ассалому алайкум, бойбува! Ҳизирни йўқласангиз ҳам бўларкан, эшони ҳазрат ўз оёқлари билан этиб келдилар.

— Келинг, Маймоқвой! — ўз куёви Бозор охунд номини эшитган бой тирсагига суялиб сал кўтарилди. — Ҳазратим қанилар?

— Отларни ҳовлингизга киритдик. — Маймоқ Исоҳўжабойнинг ёнига тиз чўкиб, қўл томирини ушлади. — Бай-бай, томир уришингиз бежо... Қизингиз ҳазратимга таҳорат суви бердилар, эшони аъзам пешинни шу ерда ўқимоқчилар. Мең қизингизга айтдим, тушдиққа юмшоққина шовла тайёрлангиз деб... Вой-бў, иссиғингиз баланд, Кўз тегди сизга, оқсоқол бува! Тақсиримга астойдил ўқитиб юборинг!

Очиқ эшикдан Бозор охунд кириб келди. Кенг ва узун янги кўк мовут чакмон, улкан оқ шоҳи салла ўраган, қўлида қаҳрабо тасбеҳ. Кафшини кафшандозда қолдириб, юмшоқ маҳсисида қип-қизил ғиламга чиқди.

Исоҳўжабойнинг бутун аъзон бадани қақшаб оғриётган бўлса ҳам, ўрнидан чайқалиб туриб, ҳам ўз куёви, ҳам ўғлининг мударриси — эшоннинг истиқболига юриб борди.

— Ассалому алайкум, ҳазратим!

Унинг узатган қўлларини Бозор охунд олиб, бош чайқади:

— Бай, бай, бай... бамисоли қизиган тандир. Тобингиз қочгани рост экан. Мана, биз зиёратингизга келдик, қайноға!

— Қуллуқ, тақсирим. Бошим кўкка етди, — Исохўжа меҳмонларни хонтахта атрофидаги кўрпачаларга таклиф этди. — Марҳамат қилингиз, азизлар!

— Сиз ташвишланманг, оқсоқол, бу ер ўз уйимиз. — Бозор охунд тўра чиқиб, бамайлихотир чордона қуриб ўтирди, Маймоқ оёқроққа ўрнашди.

Исохўжабойнинг боши айланиб, дафъатан йиқилишига оз қолди. У ўрнига базўр етиб олиб, инқиллаб-синқиллаб чўзилди.

— Илоҳи омин, — Бозор охунд фотиҳага қўл очди, — парвардигори олам мўмин мусулмонларини ўз паноҳида асрасин, содиқ бандаси Исохўжабойга шифо ато этсин. — У камзулининг чўнтагидан зарҳал ҳарфлар билан оят тикилган қизил духоба халтача чиқариб, ундан тумор шаклида тахланган сарғимтир қоғозлардан бирини олди. — Бу дуо ёзилган эзиб ички. Бир пиёла чойда эритиб ичиб юборсангиз, иншоолло, дардингиз аригай.

— Қуллуқ, тақсирим. — Исохўжа шипга қараб ҳансираб ётганча жавоб қилди. — От сўйсам келмайдирган улуғимсиз. Сизни менга худо етказди. Кейинги вақтда ишим чаппасига кета бошлади, пирим. Ўқийсизми, кўчириқ қиласизми, худо хайрингизни берсин, балолар юзини тескари қилинг, сал энгил тортай.

— Биз ҳам корихайр важдидан келдук, Исохўжа! — Бозор охунд меҳмонхонага оёқ учида юрганча салом бериб кирган ва хонтахтага дастурхон ёзиб, иссиқ нону патирлар, ликопларда қанду новвотлар тераётган Тўтихоннинг алифдай келишган қадди-бастига суқланиб тикиларкан, беихтиёр тамшаниб, малларанг калта соқолини силаб қўйди.

Қизил хонатлас кўйлақда, почаси ҳошиясига гулдор жияк сирилган атлас лозимда, бошига оқ шоҳи рўмол ташлаган қизча ишини эпчиллик билан бажариб, чойнак билан пиёлаларни Маймоқнинг яқинига суриб қўйгач, меҳмонхонадан орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бозор охунднинг бароқ қошлари остидаги хира кўзлари нечундир ёшланди, тупугини ютуниб:

— Во дариг... — деб қўйди.

Бозор охунднинг Исохўжабойникига келиш сабабидан воқиф бўлган Маймоқ мийиғида кулди-да, қайноқ жиззалик нонни «бай-бай»лаб ушатди ва чой қўйиб узатар экан:

— Пирим, йўл юриб келдилар, тановул қилсинлар! — деб охундни дастурхонга ундади.

Бозор охунд бир тишлам нонни шинни мураббога булаб, анчагина тиши тўкилиб, милки очилган оғзида ямлар экан, назарида елдиримай тез ўтиб кетган йигитлигини афсус-надомат билан эслаб, такрор:

— Во дариг... — деди-да, Исохўжабойга юзланди. — Шу ёз, Қошғарда, аъло ҳазрат Офоқ хўжа жанобларининг зиёратларида ҳозир нозир бўлдум. Ул жаноб Фарғона музофотиндаги аҳволни мендин батафсил суриштурдилар. Бинобарин, обдан койиндиларки, олло таолло таборақ йўлинда қавмлардин тушум озайиб борадир. Хону беклар, бою боёнлар, жамъи фуқародин, инчунин сизу биздек яқин қавмлардин тушатурғон олтину кумуш... Мусулмонлар ўз фарзандларини аъло ҳазрат хизмати-муборақлариға юбормай қўйғонлари ул жаноб кўнгулға гумон чўғини солмиш. Ана, иним Исохўжа, эл-юрт бошиға ёғлиб турғон балолар қаердандир! Иншоолло, сиз мусулмони комилсиз, — деб Бозор охунд кўзлари олаланган бойнинг ўтига сув сепди. — Масжиду

мадрасалар эҳтиёжлари сиз янглиғ қавмларимиз гарданиндадир. Жамъи машиқ мусулмонларининг пири комили Офоқ хўжа аъло ҳазратимизни ранжитмаслик, билъакс, ул жанобни шод этмоқ тадорикини кўрмоғимиз даркор.

— Бизга не хизмат буюрадилар, тақсирим?— Исохўжабой ётган ерида қўлларини кўкрагига қовуштирди.

— Э, иним Исохўжа!— Охунд беморга истеҳзоли тикилди.— Сизу биз қайдаю Офоқ хўжа қайдалар! Биз — ер, ул жаноб.— осмон. Ман ўз кўзим бирла кўрдим, бир қасри олийда истиқомат этурларки, остона мармарлариға лаълу жавоҳирлар қадалмиш. Сарою боғлари нақ арши-аълонинг ўзгинаси. Икки содиқ навкарлари ҳозир нозир: бири — Боқий охун, яна бири — Соқий охун. Ҳар бири монанди вазири-аъзам. Сиз бирла биз, иним Исохўжа, ул олий ҳазрат қаршисинда мисоли хору хас. Арабу Ажамдан, Чину Хўтандан ул жанобнинг қавмлари карвон-карвон назру ниёзлар келтургондарини чашми ожизим ила кўрдум.

— Епира-я...— Исохўжа ёқасини ушлади.— Биз осий бандаларнинг қўлимиздан нима келар эрди, тақсирим!

— Ундоғ деманг, иним!— эшон бойни койиган бўлди.— Олтиннинг тоғи ҳам олтин, зарраси ҳам олтин. Сизнинг бир халта танга кўтариб боришингиз шарт эрмас. Аввало, эътиқодингиз мустаҳкам бўлмоғи даркор.

— Иншоолло...— мўмай харажатни эшитган Исохўжабойнинг боши айланиб, кўзлари тина бошлади. Маймоққа қўлини узатиб:— чой беринг?— деди.

Маймоқ пиёладан илиқ чой тутиб, бойга ҳўплатди.

— Жоним қийноқда...— Исохўжабой ингради.— Лаҳза-лаҳза ўзимдин кетиб борамен...

— Ноумид — шайтон!— Бозор охунд ўтирган ерида сурилиб келиб, бойнинг терлаган пешонасига йўғон кафтини босди.— Нафсиламир дардингиз оғир... Бай-бай-бай...— у бир нафас рукуга кетди-да, кейин пичирлаб дуо ўқиб, уч марта куф-суфлаб қўйди.— Худо хоҳласа, енгил тортасиз.

— Қошки...— Исохўжабой кўзларини юмганча хўрсинди.— Ҳисори қўчқор атаганман сизга, тақсирим.

— Боракалло,— эшон бойнинг тепасига эгилиб, қулоғига шивирлади.— Жон атамоқ, қон чиқармоқ даркор. Парвардигор ўз тобе бандасини шафоатидин фориг этмагай...

Меҳмонхона эшиги секин очилиб, буғланиб турган чинни лаганни икки қўлида авайлаб кўтариб кирган Тўтихон хушбўй шовлани Маймоққа узатди-да, яна орқаси билан юрганча чиқиб кетди.

Қизча бу гал ҳам эшоннинг назарига нойил бўлди.

— Маслаҳатимға юрасизми, қайноға?— сўради Бозор охунд бойдан.

— Вужудим қулоқ!— деди Исохўжабой кўзларини катта очиб.

— Балли!— эшон ҳамон шивирлаб уқтирди.— Офоқ хўжа аъло ҳазратнинг зиёратларига бормоғингиз даркор. Ҳали ёз, йўл очиқ. Иншоолло, қор тушгунча етиб оласиз. Бизга атаган қўчқорингиз ҳам дуруст. Бироқ, ул жанобнинг яйловларида лак-лак оту қўйлар қайнаб тошиб ётадир. Хазиналари ҳам бисёр. Улуғроқ назру ниёз ҳозирламоғингиз зарур, бой!

— Тақсирим, йўл кўрсатинг!— Исохўжабойнинг олов тўлиб ёнаётган кўзлари эшонга умидвор қадалди.

— Аввал таом, баъдаз калом!— деди-да, Бозор охунд беморни жумбоғ чигалига тугиб, ўзи дастурхон ёнига сурилиб келди-да, Маймоққа:

— Ол, иним, овқат интизор бўлмасин!— деб, ҳоври анча кўтарилган сергўшт шовлани катта-катта олиб юта бошлади.

Исохўжабой ўйга толди: «Не назрим Офоқ хўжамга муносиб бўлар эркан? Кўк отим ул жаноб кўнглини хушнуд эта билармикин? Лаклак отлари бор эрмиш... Ҳа, олтин... Олтин кетса кетсин, садқай сар! Бош омон бўлсин!»

— Оқсоқол буво, шовладан озгина едирайми?— Маймоқнинг бу саволидан Исохўжабой ҳушёр тортиб, бошини қимирлатди:

— Иштаҳам йўқ...

Бозор охунд лаган тагини ялаб бўлгач, қўлини сочиққа артди ва пиёладаги чойни ҳўплади-да:

— Алҳамдилиллоҳ худога шукур,— деб бамайлихотир кекирди.— Кўп лаззатли таом бўлибди, пиширганнинг қўли дард кўрмасин.— У камзулининг катта чўнтагидан кумуш занжирли соатини олиб кўздан кечирди:— жойнамоз ҳозирланг, мутавалли жаноблари, пешинни ўқиб юборайлук.

Маймоқ меҳмонхона тўрида меҳроб шаклида қурилган ойнаванд жавон рўпарасига жойнамоз ёзди. Бозор охунд ўрнидан туриб имоматга ўтди, иккови намоз ўқидилар. Салом-аликдан кейин Эшон бойнинг ёнига келиб омонатгина ўтирди, жойнамозни йиғиштираётган Маймоққа:

— Сиз отларни йўлга ҳозирланг!— деб буюрди ва у меҳмонхонадан чиқиб кетгач:— Бой!— деди Исохўжанинг терлаган бошини силар экан.— Ҳосилингиз нобуд бўлганлиги, хирмонингизга ўт кетганлиги, қаролингиз Обиднинг бетингизга оёқ қўйганлиги, яқонгизга ёпишган бул дард — жамъи ҳаводислар худонинг қаҳридан далолатдир.

— Осий бандамиз, тақсир...— Исохўжабойнинг кўзларига ёш қалқиб чиқди.— Пиримсиз, йўл кўрсатинг!

— Балли, бой!— эшик орқасида шарпа сезган Охунд товушини пасаитириброқ сўзлади.— Азиз фарзандларингиздан бирини худо йўлида аъло ҳазрат хизматларига топширмоғингиз даркор. Мен бул борада кўп марта тафаккурга бордим. Уғлингиз Пирматнинг мадрасада таҳсили дуруст бошланди. Бобораҳим иккови китобдан бош кўтармайдилар. Иншоолло, алар мулла бўлгайларки, вақти-соати бирла Офоқ хўжамнинг васли муборакларига етгайлар. Иккиламчи фарзандингиз қиз бўлиб, ҳали-замон таҳорат суви бергонида сўрадим, ўн тўртга тўлибдир. Парвардигор қизингизни хушхулқ ва зебо яратибдир. Иним Исохўжа, бул фоний дунёмиз бебақодир, фақат оллога эътиқодимиз — ишқи илоҳий абадийдур. Оллонинг суюкли бандалари мардон бўлмоқлари даркор, аларга арши аъло қопқаси доимо очикдир. Олло даргоҳида гуноҳдин пок бўлмоқни ихтиёр этсангиз, иним, сиз қизингизни Офоқ хўжамга назр этмоғингиз даркор.

— Ёлғиз қизимни-я?!— Исохўжабойнинг кўзлари яна олаланди ва ўзини тута олмай, пиқ-пиқ йиғлай бошлади.— Кўзимнинг оқу қораси. Ноёб гавҳарим!..

— Балли, Исохўжа, ана энди ўзингизга келдингиз — эшон мамнун жилмайди.— Жигарингиз бир парчасини оллога бахшида этмагунча анинг марҳаматига ноил бўла билмасликни онгладингиз. Эй гуноҳкор банда, мең сизга беҳишт йўлини кўрсатдим. Қизингиз балоғат бўсағасинда. Сиздан лозим анинг юзини ёпмоқ, шарму ҳаёсини сақламоқ, Офоқ хўжамга сидқидилдан назр қилмоқ! Бинобарин, аъло ҳазратга, ул жанобнинг катта хотунлари хоним Пошшоойимга шоҳона саруполар ҳозирламоқни фаромуш этмагайсиз... Қани, дуога қўл очингиз!

Бозор охунднинг ўнгидан тамом боши айланган Исохўжабой қўллари катта очишга мажбур бўлди.

— Илоҳи омин.— эшон кўзларини юмиб, ғирт саводсиз Исохўжага

кудуқ тубидай қоронғи бўлган ёт тилда узундан-узун дуо ўқиғач,— парвардигори олам содиқ бандаси Исохўжа ибн Фозилхўжанинг назру ниёзини ўз даргоҳида қабул айласин!— деб қўлларини юзига суртди ва ўрнидан тураркан:— назрингиз муборак бўлғай, бой!— деб уни қўтлади.

Исохўжабой ожиз товуши билан эшоннинг сўзларини такрорлади:
— Даргоҳида қабул айласин!

Бозор охунд:

— Энди бизга жавоб!— деб эшик томон юриши билан эшик орқасидан Тўтихоннинг:

— Дод! Шўрим қуриб қолди-е!!!— деган фарёди эшитилди.

Беморнинг сакраб ўрнидан туриб кетганини кўрган Бозор охунд дарҳол орқасига қайтиб, уни босиб ўринга ётқизди.

— Бой, қизларнинг одати бул...— у босиқ сўзлади.— Худо йўлига қилган кори-хайрингизни онасига онглатингиз. Онаси қизини йўлга солади. Сиз мусулмонсиз, қайноға, лафзингиз ҳалол. Иншоолло, кори-хайрингизни зудлик билан адо этгайсиз.

Бозор охунд зарда билан шундай деди-да, меҳмонхонадан лопиллаб чиқиб кетди...

Кузатув

Томоғи қаттиқ шамоллаб яллиғланиб шишган Исохўжабой бир ҳафта давомида иссиғланиб ётган бўлса ҳам, хотини Салима ва хизматкори Азимчага ҳар куни ҳисобсиз топшириқлар бериб, сафар тадорикини кўра бошлади. Салима биби чеварларни уйига чақириб, эшони аъзам Офоқ хўжага қимматбаҳо саруполар ва унга назира этиладиган қизи Тўтихонга қўша-қўша либослар тикдирди. Азимча аравасоз устларга тут ёғочидан янги мустаҳкам соябон арава ясаттирди, аравага қўшиладиган ва бой миниб борадиган икки отни алоҳида боқувга қўйди. Исохўжа эшони аъзамга ва Қашқар боёнларига совға-салом қилиш учун шаҳар растасидаги дўконларидан атласу кимхоблар келтирди.

Ниҳоят, сафар куни белгиланди. Эртага чоршанбада бомдод намозидан сўнг йўлга чиқилади. Андижонга етгач, Исохўжанинг дўсти Миразимбойникида тунайдилар, пайшанба оқшом Ушга етиб борадилар, жума эрталаб тахти Сулаймонни зиёрат қиладилар ва шундан кейин йўлда давом этадилар.

Шу бир ҳафта ичида Исохўжабой хонадонида содир бўлган икки ҳодисадан бири ҳурматли ўқувчига маълум. Яъни, Пирмат мадраса талабалигига қабул қилиниб, Бобораҳимнинг ҳужрасига кўчиб борди. Ўғлининг фақат савдо-сотик билан шуғулланишига аҳд қилган Исохўжанинг бунга ижозат беришига аввало мударрис эшон Бозор охунднинг панд-насиҳатлари сабаб бўлган бўлса, Пирматнинг дўсти Бобораҳимнинг уни илму фан, шеъряту мусиқийдан жонфизо суҳбатлари туфайли ўғлининг отасига ёлборишлари ҳам аҳамиятсиз қолмади. Исохўжанинг ўз ўғлини хонадондан узоқлаштиришга яна бир важ ҳам борки, бу ҳақда бой лом-мим демаса ҳам, унинг яқинлари, айниқса Салима биби буни сезиб турдилар. Севимли синглиси, ҳамсуҳбати, ҳамдарди Тўтихоннинг Офоқ хўжага назира этиб жўнатилаётганига жон-дили билан қарши турган Пирмат ўз фикрини отасига рўй-рост айтди, айтдигина эмас, уни бу йўлдан қайтариш учун қўлидан келган

ишни қилди: онасига, амаки-тоғаларию амма-холаларига такрор-такрор ёлбориб, Тўтихонни кутаётган фожианинг олдини олиш учун йиғлаб-сиқтади, ҳатто ўзини ўлдиражагини айтиб қўрқитди ҳам.

Шу сабабларга кўра Исохўжабой эшон Бозор охунд билан учрашди-да, ўғлини мадрасага жўнатиб, қизини Қашқарга олиб кетишга қарор берди.

Лекин, олис Қашқарга, довруғи оламни тутган Офоқ хўжадай эшони аъзам зиёратига бориш Хўқанд ёки Тошкентга тижорат иши билан бориш деган гап эмас. Бу сафар эл назарида Маккаий мукаррамага бориш билан баробар. Бунинг устига, фақат Наманганда эмас, Фарғона музофотининг узоқ-яқин шаҳарларида «Кимсан? Исохўжабой!» деб ном қозонган давлатманд зот учун ҳеч кимга билдирмай аравани қўшиб кетавериш уят. «Шовла кетса ҳам овра кетмасин» деганларидай, Исохўжабой юртга ош тортиб, худо йўлига қилаётган кори-хайридан довруқ солишни дилига тугди ва шу мақсадда сафар арафасида, сешанба пешин намозидан кейинга казо-казоларни зиёфатга чақирди. Мадрасадан Бозор охунд ва унинг хеш-ақраболари, Наманган бойларию атроф қишлоқларнинг оқсоқоллари, қози калондан масжид мутаваллисигача беш юздан ортиқ меҳмонларга жой тайёрланди. Албатта, бу хабар мадраса талабаларига ҳам етиб келди. Зиёфат сабабидан яхши хабардор бўлган Пирмат ҳужрадаги ҳамхона дўсти Бобораҳимга воқеани батафсил ҳикоя қилиб бергач, икковлари дарҳол йўлга чиқдилар.

Булар зиёфат аини қизиган, ички ва ташқи ҳовлиларни тўлдириб ўтирган меҳмонларга ош тортилаётган пайтда қўрага кириб келдилар. Пирматни бир тўда ясан-тусан ёшлар — бойвачча улфатлари ўраб олишиб, мадрасага ўқишга кирганлиги, эшони Бозор охундга шогирд бўлганлиги билан қутладилар. У муборакбодларга кўпда эътибор бермай, йигитлар даврасидан чиқиб, ичкарига — шу кунларда бир неча марта уйдан қочиб кетишга уринган синглиси Тўтихон том маънода қамаб қўйилган уй томонга интилди.

Йигитлар юпун кийинган Бобораҳимга эътибор бермадилар. У бир чеккада қимтиниб турди-да, қўранинг ланг очиқ дарбозасидан кўчага чиқди. Бу ерда, девор тагида узун қилиб ёзилган бўйралар устида Бобораҳимга таниқ бўлган маҳалла кексалари — усталар, бўзчилар, ямоқчилар, чоракорлар ва ҳоказо камбағаллар тўда-тўда ўтиришиб, ош тортилишини кутишарди. Шулардан бири — Аҳмад полвон исмли аравасоз уста Бобораҳимни чақирди:

— Кел, жиян, даврамизга кел, паловхонтўрани бирга тановул қиламиз!

Бобораҳим Аҳмад полвон тўдасига яқин келиб, даврадагиларга салом берди ва оёқроқ бир ерга — эски бўйрага омонатгина тиз чўқди.

— Хизрни йўқласак бўлар экан. — Аҳмад полвон сўзида давом этди. — Шу топда сени эслашиб ўтирувдик. Раҳматлик отангдан кейин онанга ҳам, сенга ҳам қийин бўлди. Зубайданиса тун-кун чок тикади, ишқилиб, ўғлим мулло бўлсин, деб. Сен бечора эртаю кеч эшоннинг хизматида сўп-устихон бўлиб кетибсан... Аммо, бултур наврўз хонишларингни эшитдик, булбулигўё йигит бўлибсан, азамат! Асли-ку, мадрасани оқўйиб, тирикчилик йўригини тутганинг маъқул эди-я! Майли, косиблик қил, майли ҳофизлик! Нима, мадраса тупроғини ялаб, мачитга сўфи бўлармидинг?

— Полвон, тўғри сўзламадингиз! — даврадаги оқсоқоллардан бири унга эътироз билдириди. — Илм бамисли дарё, одамзод ташналигини қондиради. Тобакай қора иш ила кун кечирамиз, маърифат нуридан баҳраманд бўлмоқ даркор.

— Бу сўзингизда ҳам жон бор, ва локин...— Полвон яна алланималар ҳақида гапира бошлади.

Бобораҳимнинг эса хаёли тамом бошқа нарсада. Мана, бир неча кундирки, у Пирмат билан ҳамнишин, ҳамхона; ҳар соат, ҳар дақиқа унинг Тўтихон тақдири ҳақида бир-биридан мудҳиш ҳикояларини эшиттади: эшон Бозор охунднинг Исохўжа билан шу ҳақдаги суҳбати; Исохўжанинг Салима бибига дўқ-пўписалари; Салима бибининг Тўтихонни Қашқарга кетишга рози этиш учун «рўзи қиёмат», «жаннат ҳурлари» тўғрисидаги ёлғон-яшиқлари; маҳаллада «нафаси ўткирлиги» билан машҳур Ойпошша исмли отинийнинг Тўтихонни рози қилиш учун тун-кун панд-ўғитлари; аллақайси гўрдан келган аъзайимхон эшонга қизин чилгарон қилиб ўқитганлари ва ниҳоят, уйдан бир неча марта қочган Тўтихонни гоҳ қўни-қўшниларникидан, гоҳ дарё бўйдан, гоҳ пастқам жар-ўрлардан топиб келиб, ўлар даражада калтаклаганликлари ва шу кунларда уни қоронғи бир уйга қамаб қўйганликлари...— Бобораҳим шуларни ўйлайди ва даврадаги ҳамсуҳбатларининг мадраса, тирикчилик, ҳоказо ҳақдаги фикр-мулоҳазаларига одоб юзасидан қулоқ солса ҳам, бош қамирлатиб маъқуллаган бўлади-ю, ёлғиз бир хаёл.— Тўтихон хаёли бутун вужудини қамрайди, танҳо бир ўт — ачиқ алам ўти қалбининг тубини омонсиз куйдиради.

Халқ тили билан айтганда, «икки оворадан», яъни икки кишига бир лагандан юпқа сузилган, устига қарға тилидай бир чимдим гўшт қўйилган ош тортилди. Аҳмад полвон Бобораҳим билан ҳамтовоқ бўлгани учун шериги нафсини бир қадар қондирди, чунки Бобораҳим иштаҳаси йўқлигини баҳона қилиб, товоққа қўл ҳам тегизмади.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, кўчадаги бўйраларда олма чой ичиб ўтирганлар кўранинг очиқ дарбозасидан эшон Бозор охунднинг йўғон овозини илғаб, фотиҳага қўл очдилар.

— Илоҳи омин, парвардигори олам мусулмони қобил Исохўжабой. Фозилхўжа ўғлининг баҳовиддин йўлига эҳсон муборақини ўз даргоҳида қабул этсин, анинг ҳазрати эшон аъзам Офоқ хўжам дийдори мунавварини кўрмак борасинда сафари мўътабар бехатар бўлсин!

Фотиҳадан кейин ошхўрлар тўда-тўда бўлиб, гурунглашиб тарқалишди.

Аҳмад полвон Бобораҳимнинг елкасига қоқиб:

— Бардам бўл, жиян, онаий зорингни ёлғиз ташлаб қўйма!— деб насиҳат қилди.

Обид васвас Исохўжанинг похол ғарамига ўт қўйиб, ғойиб бўлган кундан бошлаб отхона иши ўз зиммасига тушган Азимча эшон Бозор охунднинг пастаккина қўнғир йўғасини ташқи ҳовли этагидаги отхонадан етаклаб чиқиб, дарвозаҳонада Пирматни кутганча мунғайиб турган Бобораҳимга жиловни тутқазди:

— Тақсиринг тулпорини ушла, девона, ҳозир чиқадилар, мингазиб юбор!

Бобораҳим Азимчанинг киноясига парво қилмади, от жиловини унинг қўлидан олди ва дарвозаҳонанинг қизғиш ҳарсанг тошлар терилган зинапояларидан отни етаклаб йўлга тушди-да, кўчага ёзилган дастурхону бўйраларни йиғиб олаётган хизматкорлардан берироқда эшоннинг қўрадан чиқишини кутиб турди.

Ҳамма нарса йиғиштириб бўлинди. Қароллар йўлга сув сеппиб, супурдилар. Хачирдан ҳам паканароқ серёл қўнғир от бўйинини эгганча пинағици бузмай турди. Бироқ, эшондан ҳамон дарак йўқ.

Бир маҳал йиғидан кўзлари қизарган, ранги қумдай оқарган Пирмат чиқиб келди.

— Саҳар мардонда йўлга чиқар эканлар,— деди у Бобораҳимнинг ёнига келиб.— Қулфат онам бечорани буткул букибди, сочи оқарибди,

кўриб танимадим. Тўтини бир уйга қамаб қўйибдилар, ёнида — отино-йи. Эшикни қоқдим, чақирдим, ёлбордим, бўлмагач, ўт қўяман, деб таҳдид қилдим. Қани, қоровул жодугар додимга қулоқ солса! Отам қамчи кўтариб қувди, мана, қочиб чиқдим. Оҳ, дўстим, энди не қиламиз, маслаҳат беринг, йўл кўрсатинг!

Пирмат шундай деди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Дўстининг ночор аҳволига жон-жонидан ачинган, бироқ унинг саволларига қандай жавоб қайтаришни билмай боши қотган Бобораҳим ҳовлидан чиқиб келаётган икки басавлат киши: дев гавдали барваста эшон Бозор охунд билан боши елкасига қапишган бақ-бақалоқ Исохўжабойни кўриб, Пирматга кўз қисиб қўйди. От жиловидан судраб, уни пастки зина ёнига ўнглади.

— Боракалло!— Зинапоядан тушиб келаётган Бозор охунд бема-лол кекирди-да, Бобораҳимни таниб, унинг хизматидан миннатдорлигини билдирган бўлди. Кейин ўнг оёғини узангига қўйгач, Бобораҳимнинг бақувват қўлини қўлтиғида сезиб:— ё, пирим!— деб эгарга ўтириб олди. Сўнгра мойдан йилтиллаган малларанг соқол-мўйлабини гўштдор кафти билан силаб, мийиғида кулди-да, қўшиб қўйди:— кексалик қурсин, тан вазни жонга малол келур эркан!

— Пирим, ундай деманг, худо умр берса, ҳали узоқ яшайсиз!— Исохўжа эшон-куёвга хушомад қилди.— Кучингиз кўп, бақувватлигингиздан от жониворнинг бели майишади-я!

— Ҳи-ҳи-ҳи...— Эшон роҳатланиб кулди.— Хайр-хўш, Исохўжабой, Офоқ хўжамга биздин алоҳида дуойи салом етказурсиз. Худо хоҳласа, келгуси йил баъда рамазони шариф ҳайит намозини ўқирмизу биз ҳам даргоҳларига етиб борурмиз. Илоҳи омин, парвардигор сизни ўз паноҳида асрасин, оллоҳу акбар!.. Дуодан сўнг эшон отнинг жиловини тортиб сағрисиغا қамчи урди.— Чу, жонвор!

Бозор охунд кўздан узоқлашгач, Исохўжа ўғлига ҳўмрайиб тикилди-да:

— Мадрасада олган таълимнинг шуми?— деб, бақирди.— Эл-юрт олдида шарманда қилдинг-ку, шумтака! Синглинг эшони аъзам Офоқ хўжам даргоҳи муборақларига йўл топса, биз гуноҳкор бандаларга ул жаноб туфайли беҳишт эшиги очилади, сен нобакор бўлсанг, аюҳаннос ила дод соласан! Сен ака бўлиб, синглинга насиҳат қилиш ўрнига, шайтон васвасасига учасан, уни ҳақ йўлдан оздирмоқ бўласан!

— Отажон, ҳақ йўлдан озган мен эрмас, билъакс сиздурсиз...— Пирмат бошини эгиб, синиқ товуш билан гапирди.— Бозор охунд қизингизни Офоқ хўжа шаҳватига қурбон қилиб, ўзини эшони аъзамга содиқ этиб кўрсатмоқчи. Наҳотки, ҳар нарсага етган ақлингиз, шу ҳақиқатни англашда ўтмаслашиб қолса?!

— Ҳой бола, бундоқ дема, кофир бўласан!— Исохўжа ўғлига ўшқирди.— Шайтон лаъин васвасасига учма! Эй, лодон, хабаринг йўқмидирки, экинларимиз қуриди, боғларимиз сўлиди, хирмонимизга ўт кетди... Буларнинг бари оллонинг қаҳри ғазабидан, эшони аъзамнинг дуойи-бадларидин!.. Сен такасалтанг, ўйин-кулги, улфату маишатдан ўзгага майлинг йўқ!

— Дадажон!— Пирматнинг кўзларида ёш филтиллаб, отасига ёлборди.— Тўтини ўтга ташламанг!.. Бу йил ҳосил бўлмаганлиги — кўпга келган тўй... Хирмонга ўт кетганлигига ўзингиз сабабкор — қаролингиз Обид акани ўринсиз ҳақоратлаб урдингиз. Бу йил бугдой битмаса, келгуси йил битар. Булар Тўтихонни аждаҳо комига ташламоқ учун асос бўлолмайди!

— Аждаҳо комига?!— Исохўжа Пирматнинг чап қулоғи тагига зарб билан шапалоқ урди.— Сен эшони аъзамни «аждаҳо» дедингми, нонкўр! Мана сенга «аждаҳо коми!»— Исохўжа ўғлининг ўнг юзига

ҳам шапалоқ туширди.— Йўқол кўзимдан! Йўқол, турқингни кўрмай, иблисвачча!

— Хўп, мен кетаман,— деди ўнг қулоғи ва бурнидан тирқираб қон оқа бошлаган Пирмат.— Аммо, отажон, кейин пушаймон ейсиз, бироқ афсус-надоматларингиздан фойда бўлмайди. Хайр, берган тузингизга рози бўлингиз!

Пирмат шундай деди-да, гузар томонга тез юриб кетди. Бобораҳим унга эргашди. У дўстига етиб олгач, орқага — Исохўжа турган ерга қаради: бой зинапоя ҳарсанг тошига ўтириб, бошини чангаллади. У азбаройи ғазабининг зўрлигидан қақшаб қалтираяптими ёки аламига чидаёлмай ҳўнграб йиғлаяптими — буни билиб бўлмас эди...

Бобораҳим дўстини ўз уйига бошлаб келди. Булар эшикдан киришлари билан ҳовли ўртасидаги мўъжазгина гулзор ёнида чўнқайиб ўтирганча райҳон тераётган Зубайданисани кўрдилар. У ўғли билан Пирматни кўрди-ю, ўрнидан туриб булар истиқболга юрди.

Эрининг вафотидан кейин сочи оқарган, манглайида, кўз қобоқларарида ажинлар пайдо бўлган она ўғлини бағрига босиб, юзу елкаларини силади:

— Зап келдинг, болам, сен суядиган гўжа пиширдим,— деди ва кейин Пирматнинг елкасига қоқиб, у билан ҳам кўришди.

Пирматнинг йиғидан қизарган кўзлари, докадай оқарган юзидаги ғусса аломати Зубайданисага аён. Маҳаллада каттадан кичикка қадар тирик жонки бор, Исохўжа ёлғиз қизи Тўтини Офоқ хўжага назара қилиб Қашқарга олиб кетаётганидан хабардор.

Бу хабар маҳалла аёллари ичида айниқса Зубайданисага оғир таъсир қилди. У ўғлининг Тўтихонни севишини зимдан кузатиб юради. Наврўз сайлида, Пирмат дарёга чўкаётганда Бобораҳим уни тўлқинлар қаъридан олиб чиққанда, Пирмат буларнинг чайласига сингисини бошлаб келгани ва ўшанда Бобораҳимнинг еру кўкка сиғмай хониш қилгани ҳамон онанинг ёдида... Албатта, элда: «тенг тенги билан, тезак қопи билан», деган матал бор... Исохўжабой қайда-ю, бўзчининг беваси Зубайданиса қайда!.. Икки орадаги қудачилик подачининг тушига кирган подшоликдай қуруқ рўё, хомхаёл!.. Аммо, булбул гулга ошиқ... Буларга на бойлигу на камбағаллик, на қасри олий, на бузуқ кулба чикора!..

Бобораҳим дўстини айвонга бошлади, пастаккина хонтахта атрофига кўрпача ёзди. Булар ўтирдилар. Она ҳам омонатгина чўққайиб, ёшларни дуо қилди, уларга соғлиқ, омад тилади. Кейин дастурхон ёзиб, гардим қўйди-да, уни иккитагина зогора нон, бир ҳовучдан жийда, туршак, майизу ёнғоқ билан тузатди.

Она чой дамлаб келгач, чойнак-пиёлаларни ўғлининг олдига қўйиб:

— Олинглар, эрмак қилиб ўтиринглар!— деди ва ўзи гўжа сузиб келиш учун айвон ёнбошидаги ўчоқбоши томонга кетди.

Бобораҳим нон ушатди, пиёлага чой қуйиб дўстига узатди ва ўзи ниҳоятда эзилиб ўтирган бўлса ҳам, Пирматнинг кўнглини кўтариш учун:

— Улимдан ўзга нарсанинг чораси бордир. Пирматжон!— деди.— Чамамда, отангизга ҳам осон эмас... На чораким, бойнинг кўзи кўр, қулоғи қар... Гурунгда эшитдим: Қашқарга онангиз ҳам борар эмишлар, хайрият, Тўтихонга йўлдош бўлурлар... Олинг, дўстим, мана бу неъматлардан тотинингиз, иссиқ чой танни яйратадир... Баъдаз ақлни пешлаб, мундоқ ўйлаб кўрайликчи, шояд нажот йўли топилгай!

Зубайданиса хушбўй райҳон кёртиб солинган гўжани сопол товоқларда келтирди, ёшлар иштаҳа билан ичдилар, она ҳам ўғлига тикилатикила роҳатланиб овқатланди.

Дастурхон йиғиштирилгач, Зубайданиса Пирматни мадраса талабаси бўлиши билан қутлади ва ўғли эндиликда ҳужрада ёлғиз эмаслигини, жума кунлари таътилга йўлдош бўлиб келишидан шод эканлигини айтиб, ўз аҳволдан сўзлай кетди:

— Шукр, қўни-қўшнилар мени ёлғиз қолдирмай, тез-тез хабар олиб туришади. Бозорга ҳам бормай қўйдим, шогирдим Сарвинисо тикқан дўппиларимни ўзиникига қўшиб сотиб бераяпти. Шогирд қизларим ҳам кўпайиб қолишти. Ўғлим, сенга бир оз ақча жамлаб қўйдим, жумъайи қиёматда эшонингга берурсан, кўнглинг тўқ бўлсин.

— Қуллуқ, онажон!— Бобораҳим онасига таъзим қилди ва: тирикчилик бир гап, бўлар...— деди-да, юрагини очди:— Пирматжоннинг ҳам, менинг ҳам кўнглимга чироқ ёқсалар ёрмайди. Букун юртга ош бермадилар, заҳар бердилар. Тонгла Тўтихонни Қашқарга олиб кетдилар. Шўрлик қизни тириқлайин кўмадилар...

— Ҳар ким пешонасидагини кўради, болам...— Зубайданиса ўйчан бир аҳволда ух тортди.— Аммо, ўйлаб ўйим тагига ета билмаймен... Наҳотки, оқсоқол гулдай қизини била туриб ўтга отса!..

— Отамнинг бағри тош...— Пирмат ўпкасини боса олмай ҳўнграб йиғлаб юборди.— Ялиндим, ёлбордим, қани қулоқ солса! Билъакс, мени даргоҳидан қувди!

— Э, товба...— Зубайданиса ёқасини ушлаб, Пирматга ачиниб тикилди.— Ўз фарзандига кулфат соғинган отани биринчи қўришим...

Дарду алам юрагида қайнаб тошдими, дўстига тасалли бермоқчи бўлди, Бобораҳим девор қознига осиглиқ танбурни олди ва қулоқларини бураб, аста созлар экан:

— Худо ҳофиз,— деди йирик қора кўзлари шуълаланиб.— Дунёда ҳақ бор, ҳақиқат бор. «Сендан ҳаракат, мендан баракат...» Қараб турмасмиз, ҳаракат қилурмиз. Отангиз, Пирматжон, сизни жаҳл устинда қувдилар. Жаҳл келгач, ақл кетур... Жаҳл кетгач, ўкинурлар. Келинг, хониш қилайлик, дилимиз чигалини ёзайлик. Сўнг маслаҳатни бир ерга қўйиб, йўлга чиқурмиз, аларга соядек эргашурмиз. Ҳижрон кечаси узун, дўстим, бироқ тонги бор!

Бобораҳим шундай деди-да, дўстининг рўпарасига тиз чўкиб, тиниқ созланган танбурини оҳиста чертар экан, аввал резаланган шўх куй бирдан ўзгариб, мунгли оҳанг янгради ва у ёқимли товуши билан хониш қилди:

Ярайдурменки, ҳижрон илкидин фарёдлар қилсам,
Бориб ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам...

— Қўшилинг, дўстим!— Бобораҳим куйлашдан бир нафас тўхтаб, дўстига тикилди.

Лекин, Пирмат куйга қўшилиш ўрнига бошини чангаллаб, пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

Бобораҳим илк байтни такрорлаб, хонишини давом эттирди:

Ярайдурменки ҳижрон илкидин фарёдлар қилсам,
Бориб ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам.

Агарчи додима етса чоқибон ишқ чақмоғин,
Фалакнинг уйига ўтлар кўюб, барбодлар қилсам.

Мени бир дам халос эт, эй биродар, ғуссау ғамдин,
Они ёди билан ҳар дам кўнгулни шодлар қилсам.

Менинг ҳолим агар ишқ аҳли кўрса зор йиғлайдур,
Агар дарду ғамимдин заррае бунёдлар қилсам.

Ушалким ғарқи дарёи муҳаббат бирла Машрабман,
Дилу жоним билан ҳар дам агар фарёдлар қилсам.

Бобораҳимнинг хониши охирига етмасданоқ Пирмат чаккаларини муштлаб дод сола бошлади. Зубайданиса унинг боши, елкаларини силаб:

— Жоним болам, сабр қилинг, сабр таги — мурод,— деб ҳар қанча таскин бермасин, Пирматнинг дарди енгиллашмади.

— Қани, Пирматжон, юринг!— деди Бобораҳим ўрнидан туриб, танбурни қозиққа илар экан.— Гузарга чиқайлик, ёр-дўстлар ила кўришайлик шояд бирор чора ўйлаб топармиз!

— Бора қолингиз, болаларим!— она ҳам ёшларга далда берди.— Кўз ёшидан фойда йўқ, ақлу идрок йўлдошингиз бўлсин!

Улар кўчага чиққанда қоронғи туша бошлаган, йўл бўйидаги те-ракларда чумчуқлар чирқиллар, гузардаги дўконлар ёпилган, чойхона сўрисида, тол шохига осилган қора чироқ шувъласида уч-тўрт оқсоқол чойхўрлик қилиб, суҳбатлашиб ўтиришар эди.

— Ассалому алайкум, отахонлар!— Бобораҳим оқсоқолларга салом бериб, сўрининг бир чеккасига ўтирди ва дўстини таклиф қилди:— Келинг, Пирматжон!

Пирмат Бобораҳимнинг ёнига омонатгина ўтириб, чоллар суҳбати-га қулоқ солди.

Чойхоначи — чуваккина кўса йигит патнисда нону қандолат, чойнакда чой келтириб, йигитлар олдига қўйди.

Оқсоқоллар суҳбати Исохўжабойнинг бугун юртга берган оши ва эрта азонда Қашқарга кетаётгани ҳақида бораётган бўлса керак, унинг ўғли Пирмат бойвачча келиши билан тўхтади.

— Куз эрта тушди...— оқсоқоллардан бири суҳбат мавзуини бошқа ёққа буриб, шикоятмуз сўзлади.— Ҳали узумни узмасимиздан қор босди...

Аммо, чоллардан бошқа бири:

— Бул оллонинг иродаси,— деди-да, яна бояги суҳбат мавзуига қайтди:— оқсоқол йўлга бевақт чиқаяпти. Қиш ўтсин кўклам келиб кун илисин, йўл очилсин... Ахир, ёв қуваётгани йўқ-ку!

— Эшони пирим Бозор охунд шундоқ маслаҳат берибдилар,— учинчи оқсоқол гапга аралашди.

— Ҳай, биз оми бандалар, не билибмиз?...— тўртинчи чол афсусланиб бош чайқади.

Чойхоначининг йигитлар олдига қўйган нони нонлигича, чойи чойлигича қолди. Улар ўринларидан туриб, йўлга чиқдилар.

— Дўстлардан ҳеч ким йўқ... Қўрангиз томонга ўтайлик, Пирматжон!— Маслаҳат берди Бобораҳим.— Қоронғида ҳеч ким кўрмас. Мен панада кутай, сиз онангиз ила тагин бир маслаҳатлашиб кўринг.

Қоронғи қуюқлашиб, ўн қадам наридаги одамни кўриб бўлмас даражага етди. Толу терак шохларига қўнган чумчуқлар чириқлай-чириқлай мудраб уйқуга кетдилар. Йўл жимжит. Милт этган чироқ йўқ.

Икки дўст қўра дарбозаси олдига келиб, унинг ёпилиб, ичидан танбаланганини кўрдилар. Қўра атрофини ўраган тўққиз пахсалик баланд деворлар тагида у ёқдан-бу ёққа югуриб юрдилар, лекин на ташқи, на ички ҳовлига кириш мумкин бўлган биронта тешик топдилар. Буларнинг шарпасига фақат қўрғондан итлар вовуллаши, отлар киш-наши эшитилди.

Қўра орқасидаги ўқариқ бўйида, каллакланганидан сўнг новдалар чиқара бошлаган тут дарахти ёнида тўхтаб, Пирмат:

— Онам сўйи шу девор орқасида, Тўтихон ҳам шу ерда бўлса керак,— деди.

Бобораҳим юлдузлар майда чўғлардек йилтиллаб кўрина бошлаган қорамтир осмонга тикилиб қулочини кенг ёзди-да, нола қилди:

— Ё парвардигор, агар сен бор бўлсанг, бизга мададкор бўл!

Олис бир ердан икки ошифтаҳол аёлнинг мунгли фарёди йигитлар қулоғига етиб келди. Бу йиғи эгалари ичкари зиндонига қамалган она билан қиз эканлиги Бобораҳим билан Пирматга энди сир эмас эди.

— Шаҳардан чиқамиз,— Бобораҳим дўстига маслаҳат берди.— Қарвон йўлида кутамиз. Кўришмак учун бошқа манзил йўқ, Пирматжон! Бобораҳим қўрғон орқасидан чиқиб, йўл томонга тез юриб кетди. Йиғидан кўзлари хиралашган Пирмат унга эргашди...

Улар шаҳар ташқарисида, Андижон йўлида деворлари нураган эски қўрғон тагида тонг отдирдилар.

Кун ёришгач, отлич, эшаклик йўловчилар, беда, похол ортган аравалар ўта бошлади. Ниҳоят, узоқда булар кутган соябон арава кўринди.

Аравага қўшилган кўк отга пўстин кийиб, бошига теллак бостирган Азимча миниб олган. Арава ёнида келаётган саман от устида — сувсар ёқалик почапўстинда, бошида ҳам сувсар қалпоқ, йўғон гавдалик пакана Исохўжабой эгарга бафуржа ўрнашиб олган.

Тун бўйи совуқда «шафтоли қоқи» бўлган, юзлари кўкариб, лаблари гезарган Пирмат билан Бобораҳим йўл ўртасига чиқиб, отличларнинг яқинлашишларини кутиб турдилар.

Буларни кўрган Исохўжабой ҳам, Азимча ҳам от жиловларини тортиб тўхтадилар.

— Бойбува,— деди Бобораҳим Исохўжабойга салом бериб,— кеча ўғлингизни ноҳақ дуойибад қилдингиз. Сафарингиз узоқ, йўлингиз хатарли. Мабодо дунёга устун бўлмоқ орзуйингиз эрса-да, ўз жигарбандингиз дилини ранжитиб кетманг. Охиратни ўйлангиз, тақсир! Рўзи қиёматда бою камбағал, шоҳу гадо баробадир. Инсоф кўнглингизни тарк этмасин. Ижозат этингиз, синглиси ила видолашсин!

Исохўжабойнинг қовоғи осилиб, Пирматга хўмрайиб ёвқараш қилди-да:

— Ижозат,— деди.

Пирмат арава орқасига ўтиб, соябон пардасини кўтарди ва ўзида фавқулодда куч ҳис этиб, аравага сакраб чиқди. Сандиғу тугунлар орасида қисилишиб ўтирган она билан қиз Пирматни икки ёндан қучоқлаб, дод солиб йиғлади.

— Шўрли ўғлим, бахти қаро бўлмай мен ўлай!— деб Салима биби фарёд кўтарди.

— Акажон!— Тўтихон ёшли кўзлари билан Пирматнинг юзини ювди.— Алvido, акажоним, кўришолмасак, мендан рози бўлинг!

— Кўришамиз! Худо хоҳласа, албатта кўришамиз!— Пирмат синглисининг пешонасидан ўпиб йиғлади.— Мен сени ахтариб бораман, Тўтижон!

Тўтихон соябон араванинг ним очиқ пардасидан Бобораҳимни кўриб қолди:

— Алvido, шоири замон, мен афтодани унутманг!— дея олди холос, чунки отининг бошини арава орқасига буриб келган Исохўжабой Бобораҳимнинг елкасига қамчи солди ва ўғлининг оёғидан тортиб, аравадан ерга улоқтирди.

— Ҳайда!— Бой Азимчага ўшқирди.

Арава тез юриб кетди. Исохўжабой отига қамчи босиб, илдам илгарилади.

Аравадан ерга судраб туширилган Пирмат беҳуш йиқилди.

Арава то узоқлашгунча ундагилар Бобораҳимнинг еру кўкни ларзага солган ноласини эшитиб бордилар:

Жамолинг соғиниб шому саҳар мен зор йиғларман,
Жунун саҳросида девона мажнунвор йиғларман.

Сенга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўк,
Паришон ҳолу саргардону дил афгор йиғларман.

Юзунг шамсу, зиҳи моҳи мунаввар, эй пари пайкар,
Лабинг лаълу лисонинг шаҳду шаккарвор, йиғларман.

Ҳадинг боғи баҳору лолаю сарви суман эрди,
Ки мен чун булбули шўридаи гулзор йиғларман.

Кўрай деб орзу бирла жамолингни мен, эй зебо,
Турубдурман эшигингда, аё ғамхор йиғларман.

Кўзумдин мавж уриб селоби ашким тўла қон оқди,
Агар ёдимға тушса, эй пари рухсор, йиғларман.

Илоҳи маҳрифат дарёсидин Машрабни шодоб эт,
Ҳамиша, шайълилоҳ, деб қаландарвор йиғларман...

Ҳақиқат излаб

Бозор орқасида, йўл бўйидаги кўримсиз бир кулбада қаландархона — тарки дунё қилган сўфийлар макони. Саҳни чорак таноб келар-келмас бу ҳовлининг эгаси Саттор фаррош, унинг хотини ва етти боласи бундан йигирма йилча муқаддам вабо касалидан ўлиб кетганлар. Ҳовли, ундаги бир уй ва бир айвон ўн йилча қаровсиз ётган, қўни-қўшни, таниш-билиш, қариндош-уруғлар бу ҳовлига қадам қўйишга ҳам журъат эта билмаганлар.

Бундан ўн йилча аввал Қашқар томондан келган Бобо қаландар ва унинг беш-олти ҳамроҳлари марҳум Саттор фаррошнинг ташландиқ ҳовлисига жойлашгач, Наманган ва унинг атрофидаги қаландарлар ҳам Бобо қаландар довруғини эшитиб, бирин-кетин кела бошлаганлар ва натижада бу ташландиқ кулбаи вайрона қаландархонага айланган.

Бобо қаландар Қашқардан келган бўлса ҳам, асли фарғоналик. У марғилонлик вофуруш савдогарнинг ўғли бўлган, отаси уни Бухорога юбориб, мадрасада ўқитган, лекин у шеърятга берилиб, ғазаллар бита бошлаган, кейин сўфийлар билан танишиб, ҳаётини ҳақиқат, шарият ва тариқат йўлига бағишлашга аҳд қилган. Бунга яна бир фожиа ҳам сабаб бўлган: Бухорода у севиб, ҳуфёна кўришиб юрган Барно исмли қизни отаси — амир бекларидан Салоҳиддин, болта билан чопиб ўлдирган. Шундан сўнг Бобо қаландар (асли исми Қодиржон) Марғилонга қайтиб келмай, қаландарлар тўдасига қўшилиб, аввал Балхга, ундан Қашқарга йўл олган.

Уша воқеадан буён орада бир йигит умричалик, яъни йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди. Одамни киндик қони тўкилган ер ўзига тортмай қўймайди. Гарчанд Бобо қаландар эл аро иззатда, ҳатто эшони аъзам Офоқ хўжа даргоҳида ҳурматда бўлса ҳам, гарчанд қаландарлар эндиликда ёши элликдан ошган пири сўфиён, яъни сўфийлар пирини эъзозлаб Бобо қаландар деб атасалар ҳам, Фарғонанинг тиниқ ҳавоси, ширин суви, сўлим боғлари, хуштаъб одамлари тун-кун чақираверди.

Мана, ўн йилдирки, Бобо қаландар Наманганда, Саттор фаррошнинг эндиликда «қаландархона» номини олган ва ғариб-ғураболарнинг зиёратгоҳига айланган кулбасида. Бу йиллар давомида у ўз қавмлари билан Фарғона музофотини неча-неча марталаб кезиб чиқди. Ҳўқанду Андижон, Ушу Марғилон — булар бормаган шаҳру қишлоқлар қолмади. Марғилонда, бозор тўридаги растада у ўз отасининг дўкони олди-дан ҳам қайта-қайта ўтди. Ёши саксондан ошган, соч-соқоли оппоқ оқарган чол бозор ўртасида зикру сано қилган қаландарларга эҳсонлар улашди, улардан марҳума хотини Фотимабиби руҳига дуо қилишни сўради, лекин ўғли Қодиржонни — Бобо қаландарни танимади...

...Айвон тўрида Бобо қаландар жандапўшда, кулоҳини бошига бостириб, ўй суриб ўтирибди. Худди Бобо қаландар каби кийинган қирққа яқин қаландар юзини унга ўгириб, тиз чўкканча мўте бир аҳволда унинг оғзига тикиладилар. Бобо қаландар бетартиб ўсган мош-гуруч соқол-мўйлабини ўнг қўлининг кафти билан силайди ва сал бўғиқ, маъюс товуш билан ғазал ўқий бошлайди:

Доғи ҳижрон дардини Яъқуби Конъондин тила,
Партави анвори ҳақни чашми гирёндин тила.

Қаландарлар бу байтни такрорлайдилар, Бобо қаландар иккинчи байтни ўқийди:

Толиби дийдори ҳақсан, кулбаи эҳсонда бўл,
Юсуфи Сиддиқни сен чоҳи занаҳдондин тила.

Қаландарлар бу байтни ҳам баралла такрорлайдилар. Бобо қаландар яна ўйга толади. Кейин ҳаяжонланиб, хониш қилади:

Маъдани баҳри вужудинг ичрадур ғоввослик,
Гавҳари якдонани дарёи уммондин тила.

• Қаландарлар бу гал байтни такрорламай, сукут сақлайдилар. Бобо қаландар давоМ этади:

Масуво бўл молу мулку хснумондин айрилиб,
Икки олам матлабини лутфи ғуфрондин тила.

Мўътамад бўлма ҳавои худнамои ҳодиға,
Манзили асрорни дарвиши урёндин тила.

Толиби шавқи шароби бодаи Мансурсан,
Ошиқи девонани дўкони урфондин тила...

Бўлмағил тангри таола раҳматидин ноумид,
Маърифат фармонини султони бурҳондин тила...

Қаландарлар ғазалга эътибор билан қулоқ соладилар, баъзилари: «балли, балли!» «ҳовва, ҳовва!» деб таҳсин айтадилар.

Бобо қаландар ўз хонишидан ўзи шавқланиб, овози анча очилиб, тиниқ жаранглайди:

Муддаои дину ойин қилма кофардин тамаъ,
Бодаи жоми муҳаббатни Сулаймондин тила.

Энди қаландарлар ўтирган ерларида баравар тебраниб, елкалари ни силкитиб, оҳ-воҳ қила бошлайдилар. Бобо қаландар ҳам тебраниб, чайқалиб, хонишни баланд пардага кўтаради:

Андалиби хушнавони боғ ила бўстонда кўр,
Булбули ошуфтани саҳни гулистондин тила...

Ғазал шу кейинги байтда чала қолди, чунки эшик очилиб, баланд бўйли, елкалари кенг, қўл-оёқлари узун, сал чўзинчоқ чиройли юзидан нур ёғилиб турган, йирик қора кўзлари чақнаган, тўни эски бўлса ҳам, ўзига ярашган, бошида эски телпак, оёғида ағдарма битов кўн этик — ёш бир йигитча кириб келди.

Ҳовли этагидаги ўчоқ бошида болта билан тўнка ёраётган Обид қаландар ҳовлига кирган йигитни дарҳол таниб, болтасини зарб билан уриб тўнкага қадади-да, қулочини кенг очиб, йигит томонга чопди:

— Э, Бобораҳим, келинг, қариндош, баҳай? Не шамол учириб келтирди?

Икковлари кучоқлашиб кўришдилар.

— Сизнинг шамолнингиз, Обид ака! — Бобораҳим Обид восвоснинг кучоғидан чиқиб, унга бошдан оёқ разм солиб тикилди: Исохўжабойнинг қароли, донғи кетган чапани жандапўшу кулоҳда қаландар бўлибди-қўйибди. — Биз ҳам дунёни кўтирдан кечиб, қаландархонани паноҳ тортиб келдик.

— Во ажаб!— Обид восвос ёқасини ушлади.— Бизнинг-ку бой ила муросамиз тўғри келмади. Сиз бўлсангиз, мадраса талабаси, шоир-ри замон!.. Ё, тавба, не кори-ҳол юз берди?

— Э, Обид ака, сиз сўраманг, мен сўзламай!— Бобораҳим уҳ тортди.— Бир кеча-кундузда дунё тескари бўлиб кетди. Шу келишда бой дуойибад қилиб қалтаклаган чалажон Пирматни мадрасамиз ҳужрасига ётқизиб келаётирман.

— Ёпирай! Нега энди бой ёлғиз ўғлини бу аҳволга солди?

— Бой Тўтихонни Офоқ хўжага назира қилиб олиб кетди...— Бобораҳимнинг кўзларига ёш қалқиб чиқди.

— Ҳа, бундоғ денг...— Обид восвос афсусланиб лабини тишлади.

— Бой сизни қидиртиряпти, Обид ака, хайрият бул ерда экансиз. Мен ҳам Бобо қаландарга сиғиниб келдим, қабул этурмиканлар?— Бобораҳим Обид восвосга умидвор тикилди.

— Арзингизни айтинг, иншоолло, қабул қилурлар!

Обид восвос Бобораҳимнинг қўлидан етаклаб, қаландарлар ўтирган айвонга яқинроқ олиб борди.

Бобораҳим Бобо қаландар ва унинг ҳамсуҳбатларига қўл қовуштириб салом берди.

— Кел, бўтам, не кулфат боисиндин бу ғарибхонага юз тутдинг?— сўради Бобо қаландар йигитга синчков тикилиб.

— Тақдир тақозоси, пири комил!— Бобораҳим ҳамон қўл қовуштириб жавоб берди.

— Бул навжувон — эшон Бозор охундининг муллабаччаси.— Обид восвос Бобораҳимнинг аҳволини тушунтирди.— Уста Мулла Валининг ўғли. Худо раҳмат қилгур отаси кўп яхши одам эрди. Шоирлиги ҳам бор, хонишиндин тош юраклар ҳам эрийдир!

— Боракалло!— Бобо қаландар афтода йигитга мамнун жилмайди.

— Кел, бўтам, даврамизга ўт!— деб илтифот қилди.

Бобораҳим айвонга чиқиб, кафшандознинг шундоққина пешига, жулдур жандапўш кийган исқирт қаландар ёнига тиз чўқди.

— Бизлар сухан гадоси, ғазал шайдоси, хониш қил, бўтам!— Бобо қаландар Машрабга буюрди.

Бобораҳим тиз чўкиб ўтирганча бир нафас ўйга толди-да, аста хониш қилди:

Даргоҳингга бир ожизи афгор келибман,
Арзи дилими айтмак учун зор келибман.

Йўқдур менинг илгимда сенга тухфаи лойиқ,
Жуз зилли гуноҳ, эл ичида хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалигимдин
Расвои жаҳон, кўчау бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,
Жон нақди била сенга харидор келибман.

Лутф бирла карам айла, дардимга даво қил,
Дармон тилабон соҳиби озор келибман.

Зор тавалло қиладур Машраби мискин,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.

Таъби нозик, фикри тиниқ, сўзи равон, талаффузи равшан йигитчанинг хониши қаландарларга шундай таъсир қилдики, кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, офаринлар айтдилар. Айниқса, бошидан кўп савдолар кечган шоиртабиат Бобо қаландар:

— Нафасинг оташ, туркий тилинг мукамал эркан, бўтам!— деб таҳсин билдирди.— Иншоолло, ашъоринг соҳиби таъбларга маъқул ўлғай, халойиқ ичра ошуби гулгула солғай. Оре, эшон Бозор охундга шогирд ўлмишсан, Қошғар борсанг эшони аъзам Офоқ хўжам илло, се-

ни назарга илғайлар. Илму саводинг шу даража рўшнолик топмишким, сени сўфийлар мажлисинда саволга тутмоққа ҳожат йўқдир. Эй бўтам, агарчандики, бизни паноҳ тортиб, маърифат, тариқат ва ҳақиқат излаб келмушсан, муродинг йўлдошинг бўлғай. Қани, ҳозирийўн афтодаҳол қаландарлар, бандаи мўмин Бобораҳимни дуо қилайлик. Илоҳи омин, тангри-таоло бул жувонбахтни ўз панбҳида асрасин, ўтлуғ абётлари мавж уриб; парвардигор ишқи оташи бирла омухта бўлсун, биз, сўфийлар эрсак, Бобораҳим Машрабни ўз маслакимизга қабул қилғаймиз, оллоҳу акбар!

Фотиҳадан кейин Бобо қаландар ўнг ёнида рукуга кетиб ўтирган озғингина ранглар қаландарга буюрди:

— Мулла Зобил, Бобораҳимга қаландарлик либоси келтирингиз!

Зобил ўрнидан туриб, айвонда зич ўтирган қаландарлар орасидан авайлаб ўтди-да, уйга кириб, жандапўш билан кулоҳ олиб чиқди.

Бобо қаландар ўрнидан қўзғалиши билан бошқа қаландарлар ҳам гурр этиб оёққа турдилар.

Бобо қаландар жандапўшни Зобилнинг қўлидан олиб, Бобораҳимнинг елкасига тутди. Шоир чопони устидан жандапўшни кийиб олди ва Зобил берган кулоҳни телпаги ўрнига бошига бостирди.

Қаландарлар янги қавмларини табрикладилар:

— Сўфийлик муборак!

— Сарупо қутлуғ бўлсин!

Бобораҳим қаландарларга таъзим ила миннатдорчилик билдиргач, Бобо қаландардан ижозат сўради:


— Пири комил, рухсат этсангиз, мадрасага борсам, бетоб дўстим Пирмат Сеторийдан хабар олсам!

— Рухсат!— Бобо қаландар Бобораҳимнинг елкасига қоқиб далда берди.— Боракалло! Қори хайрни ҳеч қачон фаромуш этмағайсиз!

— Ташаккур, пири комил!

Бобораҳим ҳовлига тушиб, ўчоқбошига борди ва катта қозон тепасида узун ёғоч чўмич билан шовла ковлаётган Обид восвосга:

— Пирматнинг аҳволи оғир,— деди.— Мен зудлик ила етиб бормоғим даркор. Ул ўзини бир нимарса қилиб қўймоғидин қўрқамен..



Обид восвос чўмичини қўлида ушлаганча Бобораҳимга синашта кўз тикди:

— Мабодо, мен даркор бўлсам, тезда етиб келингиз. Фақат, жиян, маним бу ердалигимни жин ҳам билмасин. Сизга ишонаман!

— Қиёматли ака-ука бўлайлик, Обид ака!— Бобораҳим унги қўлини кўкрагига босиб сўзлади.— Мен ҳам сиз каби ҳақиқат излаб юрамен. Қашқарга кетиш мақсадим ҳам йўқ эмас, насиб этса, ҳамроҳ бўлурмиз.

Обид восвос бармоғини лабига босиб, «айвондагилар эшитмасин» деган ишорани қилди ва товушини пасайтириб:

— Деворнинг ҳам қулоғи бор, жиян,— деб қўйди.

Бобораҳим эшикдан чиқди ва бозор орқасидаги тор кўчадан борар экан, бугунги ишлари ҳақида: «Нима қилиб қўйдим? Танлаган йўлим ҳақиқат йўлидир?» деб ўйлар ва дилида туғила бошлаган газални хиргойи қилиб куйлар эди:

Ўлдуройин дермусан, ё куйдурайин дермусан?
Ена бошимга балолар ёғдуройин дермусан?

Кўзларинг жаллод этиб, мужгонларинг бедод этиб,
Камшири тил бирла ҳолимни сўройин дермусан?

Юз сарой, боғи жаҳон юзини бир-бир кўрсатиб,
Казбаи кўйингга охир бордуройин дермусан?

Осмондин ерга ташлаб, халқ аро расво қилиб,
Қуш каби болу паримни юлдуройин дермусан?

Шоҳибози ломакон кўнгил қушини овлабон,
Табл уруб, долбой қоқиб, ҳам кўндуройин дермусан?

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чулғаманг,
Ул кизил қон бирла қўйнуи тўлдуройин дермусан?

Мансури Хайлождек¹ ичиб шароби антаҳур,
Судрабон дор остиға олиб борайин дермусан?

Бу ҳама дарду балоларники солди бошима,
Ишқ, Машраб, дўзах ичра куйдуройин дермусан?

Бобораҳимга йўлда учраган кишилар унинг ўз-ўзича куйлаб бораётганини кўриб, йигит чиндан ҳам девона бўлибди, деган фикрга келдилар...

Бадарға

Фира-шира тонг паллада Бобораҳим туш кўрди. Тўтихон олис бир манзилда — тоғ бағридаги арчазорда, тиниқ булоқ бўйида маъюс ўтирганмиш. Унинг жоду тўла шаҳло кўзлари ёшли, тинимсиз қайнаб турган чашмага тикилиб, аллакимни излармиш... Бирдан сув энгил чайқалиб, унинг кўзгусида юзи тандирдаги ширмондай қизарган, йирик қора кўзлари чақнаган, мўйлаби сабз ура бошлаган, сочлари патила-патила йигитча кўринибди. Қиз унга интилиб:

— Шойрим, тез келинг, мени кулфатдан халос этинг!— деб хитоб қилибди.

Тунда Пирмат билан узоқ суҳбатлашиб кеч ётган Бобораҳим сесканиб уйғонди. Хужра туйнугидан сурмаранг тонгнинг хира шуъласи тушиб турибди. Мадраса қаторидаги масжид минорасидан меъфининг бомдод намозига чақирган азони эшитилади. Муллаваччалар ҳар кун шу пайтда уйғониб, мадраса ҳовлисига чиқадилар-да, шоша-пиша таҳорат қилиб олгач, масжидга чопадилар.

¹ Мансур Халлож — ҳақиқат излагани, зулм ва бидъатга қарши кўрашгани учун Балхда дорға осиб қатл этилган сўфий.

Бобораҳим ўрнидан туриб, кўрпа-тўшагини йиғгач, кафшандоз ёнидаги ханик пешида турган обдастандан бет-қўлини ювди ва ҳозиргина кўрган туши таъсирида хонтахта четига келиб ўтирди. У хомуш, хаёли паришон... Балки, тунда Тўтихон ҳақида Пирмат билан узоқ суҳбатлашгани учун қиз тушига киргандир. Эвоҳ, фалак бевафо, тақдир қаттиқ бўлмаса, умид юлдузи, илҳом париси Тўтихондан жудо қилармиди!

У довотни олдига суриб, қўлига қалам олди-да, беихтиёр ёза бошлади:

Оқ юзунгда холу хат кўз кўрмағайди, кошки,
Кўнглума юз доғи ғамни қўймағайди, кошки.

Ишқ бир оҳ айлагач, кетти путур дин уйидин,
Бодани беғаш кўрубон ичмағайди, кошки.

Чун Наманган шаҳридан парвоз айлаб мурғи рух,
Донаи холин кўрибон қўнмағайди, кошки.

Ёр жилва бирла боқди, руҳу жон бўлди кабоб,
Ушбу ҳодисни бошимға солмағайди, кошки.

Айрилиқнинг дардидин жоним кетар бўлди мағар,
Ушбу доғи айрилиқни кўрмағайди кошки.

Кошки, жонимни олса, доғи ҳасрат қўймаса,
Доғи ҳасратдин фароғим олмағайди, кошки.

Машрабо, ёр хизматини айла жону дил била,
Ушбу даврон ҳам ғанимат ўлмағайди, кошки.

Эшик секин тақиллади. Бобораҳим бошини кўтариб қаради-ю, жойидан ҳам қўзғолмади, товуш ҳам бермади.

Кейинги кунларда эшон Бозор охунднинг Бобораҳимга нисбатан тўнни тескари кийиб олганлиги эндиликда жамоа учун сир бўлмай қолди. У яқиндагина севиб, ардоқлаб, бошқа муллаваачаларга ибрат этиб кўрсатиб келган шогирдига қуюқ бароқ қошлари тагидан ёвқараш қиладиган бўлиб қолди. Тунда бу ҳақда сўз борганда Пирмат эшоннинг ғазабига Бобораҳимнинг қаландарлик жандасини кийганини сабаб қилиб кўрсатди. Лекин, аслида бундай эмас. Бобораҳимнинг қаландарлик мазҳабига кирмоғига эшоннинг ўзи сабабчи бўлган, у ўзи масжиди жомъеда қавму муридлари ҳузурида сўфийликни ҳақгўйликнинг амалиёти деб таърифлаган, зикру саноларга бош бўлган, қаландарларни дуо қилиб, хуржинларини бўшатиб олган.

Ёинки Тўтихон сабаб бўлдимиз эшондаги терс ўзгаришга? Дафъатан келган бир фикр унинг бошида чақмоқ чақди.

Исохўжабой қизини Офоқ хўжага назру ниёз этмоқ учун уйдан олиб кетганидан кейин Пирмат Бобораҳимдан эшон Бозор охундга арз қилишни ёлвориб сўради. Икки дўст эшоннинг хосхонасига кириб, унинг этагини ўпиб, Тўтихонга раҳм этишни сўраганларида эшоннинг тасбеҳ ўгириб, аллақандай истеҳзоли таважжуҳ билан:

— Роҳи куфрга қадам қўймангиз, бўталарим, худонинг қаҳри келади!— деган сўзлари ҳамон Бобораҳимнинг дил-дилини тилади...

«Куфр йўлига қадам қўймангиз...» Наҳотки, адолат, инсоф, ҳақиқат куфр бўлса?!»

Демак, Бобораҳим инсофу адолат ҳақида оғиз очиб, эшоннинг раъйига зид борганлиги учун унинг ғазабига дучор бўлибди-да?

Бобораҳимнинг эти увишиб, қозиқдаги жандапўшни олиб елкасига ташлади ва кеча мударрис мавлоно Латифий берган сабоқни эслади:

— Машраб, форс шевасинда бир ғазал битингиз!

Бобораҳим деворга суялганча бир нафас хаёлга чўмиб ўтирди-да, кўнгли ларзага келиб, тез-тез ёза бошлади:

Аналҳақ ғўи эжодам, ташаллипарварари ишқам,
Мудом аз хуни Мансурам зи дурри соғари ишқам.

Шаби ғайро кунад равшан чароғи дуди оҳи ман,
Занад таъна бари хуршеди маҳшар ахтари ишқам.

Ба саҳро оҳи Мажнунам, ба дарё ашки Фарҳодам,
Набошад ҳамчу ман девонаи баҳру бари ишқам.

Намакпарвардаи оҳам, шароромодаи доғам,
Матои дарди умр дорам ба каф савдоғари ишқам.

Шудам пайғамбари савдо, мани девонаи Машраб,
Шафоат мекунад аҳли жунунро маҳшари ишқам!

Эшик секин тақиллади. Бу — албатта Пирмат. У бомдод намозини ўқиб қайтган бўлса керак.

Илҳом мадорини буткул сўриб қуритган Бобораҳим ўрнидан туриб, эшикни очди.

— Ассалому алайкўм! — ранги қумдай оқарган Пирмат ҳужрага ҳовлиқиб кирди.

— Ваалайкўм ассалом! — ҳамон ғазал завқидан маст Бобораҳим дўстининг елкасидан кучди. — Нечун кайфсиз кўринасиз?

— Эшон дарғазаб... сизни йўқлайдир! — Пирмат хонтахта устидаги қоғозларни кўздан кечирди. — Сиз ижод ила машғул... Янги ғазал муборак бўлғай!

— Сизга ҳам! — Машраб қоғозни олиб, форс тилида битилган ғазални дўстига овоз чиқариб ўқиди-да, илова қилди: — ҳамон вужудимда титроқ.

— Мен бир омидирмен, нодир ташбеҳларингиз маънисини мукамал уқа билмадим, афв этгайсиз... — Пирмат дўстига ҳавасли кўзларини тикди. — Кейин, албатта, онглатарсиз! Бу соатда эшон хосхонасида сизга мунтазир...

— Оромимиз вайрон бўлмиш, дўстим! — Бобораҳимнинг ёниқ кўзларида гумон учқунлади. — Маймоқ янглиғ ғаламуслар бор экан, сулҳ қопқаси беркилур.

— Бу тонг ҳам намоздан сўнг эшоннинг Маймоқга айтган сўзлари қулоғимга чалинди: «Ман ани тавба-тазарруғга маҳкум этгум!» Сиздан не гуноҳ ўтмиш, дўстим?

— Арпасини хом ўрмадим, чамамда... — Бобораҳим кулиб, Пирматнинг елкасига қоқди. — Хай, борай, жумбоқ ечилар. Сиздан рижо этамен, бул ғазални мавлоно Латифийга берсангиз, балки ул жанобдин ортиқ сабоқ ола билмасмиз...

— Лаббай? — Пирмат қоғозни олишга олди-ю, Бобораҳим айтган бу сўзларни эшитган қулоқларига ишонмай дўстига таажжубланиб боқди. — Англамадим, дўстим?

— Ғазални мавлоно Латифийга топширингу ҳужрага қайтингиз. — Бобораҳим жандасини кийиб, кулоҳини бошига бостирди. — Жаҳолат, фисқу фужур бор ерда ҳар балони кутмоқ жоиз.

¹ Таржимаси: «Мен ижодимни аналҳақдан (ҳақлигимдан) деб биламан: ишқ ёлқинини ёқлайман. Ишқим косасининг дури Мансур (Халлож) қонидандир. Оҳим тутунининг шуъласи ғам тунини ёритади. Ишқим юлдузи маҳшар кўз ёшидан ҳам ўт-кирлик қилади.

Мен куйфри ҳам истамайман, исломни ҳам орзу қилмайман. Ишқим ўти Каъба ва бутхонани бир-бирдан фарқ этмайди.

Саҳродаги Мажнун тортган оҳлар — мен, Фарҳод тўккан кўз ёшлари дарёси — мен. Қуруқлик ва денгизда мендай ишқ телбаси йўқдир. Тотган тузим фақат оҳдир, доғларимдан учқунлар сачрайди. Умр деган матоҳ билан савдо-сотик қиладиган савдогарман.

Мен, девона Машраб, кўргиликлар пайғамбариман. Ишқим қиёмат кунни телбаларга шафоат қилади.

Булар ҳужрадан чиққач, Бобораҳим Бозор охунднинг ҳовли тўридаги хосхонасига, Пирмат мавлоно Латифий ҳужрасига йўл олдилар.

Хосхона эшигининг бир тавақаси очиқ. Ичкари нимқоронғи. Суҳбатлашиб ўтирган икки киши товушлари эшитилади. Бобораҳим айвон кафшандозидида бир дақиқа тўхтаб, нафасини ростлагач, остона ҳатлаб хонага кирди.

Эшоннинг суҳбатдоши, Бобораҳим тахмин қилгандек, Маймоқ сўфи бўлиб, келгувчининг шарпасини сезибоқ гапи чала қолди-да, қаландар муаллаваччага хўмрайиб тикилди.

Бобораҳим эшонга салом бериб, таъзим бажо қилгач, Бозор охунд унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Кел, бўтам, бундоғ ўтир!— деб жой кўрсатди эшон товушига мулойимлик бахш этишга уриниб.

Бобораҳим эшон кўрсатган жойга — дераза тагига солинган кўрпачада юмшоқ маҳсиси қўнжини силаб ўтирган Маймоқдан қуйироққа тиз чўкди.

— Намозни канда қилмоқ — шайтон васвасасига гўш тутмоқ, роҳи куфрга қадам қўймоқдир!— Эшоннинг кўзларида совуқ нафрат йилтиллади.

— Ҳужрайи хосда мавлоно Латифий сабоқлари ила машғул эрдим,— жавоб берди Бобораҳим.

— Бас!— Эшон Бобораҳимнинг сўзини шартта кесиб, овозини кўтарди:— Олло таоло таборак бандасини тобеъликка яратгандир. Иншоолло, мусулмон фарзандларимиз...— Эшон малларанг ёйиқ соқолини силаб, хонтахта устидаги қоғозларга кўз югуртирди.

— Тақсир, мавлоно Латифий сабоғини ҳозирладим...— жавобини такрорлади Бобораҳим.

— Аввал намоз, баъдаз кор!— эшон жаҳл отига қаттиқ миниб олди.— Шариат ўз йўлига, шеърият ўз йўлига!.. Ё алҳазар! Ё, алҳазар!.. Мана бул битикларни инкор этмассен?

— Қай битиклар?— Бобораҳим хонтахта устига ёйиб қўйилган қоғозларни кўздан кечирди.— Булар — маним ғазалларим, тақсир...

— Қаландарбаччалар бозору кентларда эл-юрт аросинда хониш этатурғон беимон битиклар!— Бозор охунд қоғозларни қўлида гижимлаб, Маймоқ сўфига отди.— Қани, мутавалли жаноблари, сиз ўқунг, биз эшитайлук!

Маймоқ сўфи қоғозлардан бирини текислаётиб, чўғ ушлаган кишидай ўта тоқатсизланди-да, чўтир юзини бужмайтириб, ҳижжалаб ўқий бошлади:

Қаландар Машрабингман, икки... икки олам...

Бобораҳим ғазални Маймоқнинг қўлидан тортиб олиб, эшондан:

— Тақсир, ижозат этсангиз, мен ўзим ўқисам!— деб илтимос қилди.

— Уқунг, садқайи ғазал кетсун!— Эшон ижирғаниб, қўл силқиди.

Бобораҳимнинг ранжиган дили ўртаниб, қоғозга қарамасданоқ, ғазални қироат билан хониш қилди:

Қаландар машрабингман, икки оламни тешиб ўтгум,
Биҳишту ҳуру гилмонни фучак пулга сотиб ўтгум.

Нетай мен оби кавсарни, нигорим бўлмаса соқий,
Харобот аҳлиға бордум, аларға сўз қотиб ўтгум.

Аё дўзах, мани куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз,
Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг захрин ютиб ўтгум...

— Ана, қаноат ҳосил қилдингиз, пирим!— Маймоқ кўкрагига уриб, найсай кетди:— «Биҳишту ҳуру гилмонни фучак пулга сотиб ўтгум». Беимоннинг битигини кўринг! «Икки оламни тешиб ўтгум...» Лоҳавло

валоқуввато... Ана, тақсир, гуноҳга ботган осий қулингизнинг иқрори!..

— Тақсир!— Бобораҳим тиз чўкиб ўтирган ерида бир қалқиди.— Ишқи илоҳий беназирдир, анга ҳеч бир тўсуқ бас кела билмас! Оллони мадҳ этмоқ халойиқни улуғламоқдир, «Аё дўзах, мани куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз» демоқдин: «ман гуноҳқорман» маъносини англолма-син. Бу эл-улус машваратинда фидоийлик рамзидур!

Маймоқ хонтахтадаги қоғозлардан бирини олиб эшонга тутди:

— Қиблагаҳ, назари мубораклари бирла бул макруҳ битикка боқ-синлар!

Эшон қоғозни деразадан тушиб турган кун шуъласига солиб, ҳиж-жалаб ўқиди:

Бир жунуне бор манга юз маҳшаристонни бузар,
Ул ҳадис оят сўзи мункири «Қуръон»ни бузар.

Неча юз минг ғулу дад ишқ лангари бўлғайму деб,
Барқи мастон хез-хези хайли осмонни бузар.

Куйдурур ошиқни оҳи дўзаху ҳафт иқлимнинг,
Бу хумодур ахгари ҳам курси, осмонни бузар.

Ёрдин юз минг саломи, ҳам паём бўлғайму деб,
Лашкари файзи саҳар васвоси шайтонни бузар.

Машрабо, сен иқтидоми, бандаларга улфат ўл,
Сенга ҳамроҳ бўлмаса, албатта имонни бузар.

— Жунунингиз пурзўр, шоир! Во дариғ, шайтон сизни ўз домига олмиш.— Бозор охунд Бобораҳимдан юз ўгириб Маймоққа буюрди:— туринг, мутавалли жаноблари, мударрису талабалар, дарвишу қаландарларни майдонга жам этинг, ман аларга ваъз дегаймен!

— Бош устига, тақсир!— Маймоқ ўрnidан туриб, хосхонадан қўл қовуштирганча чиқиб кетди.

Эшон ўйлаган ишни ҳали тагигача англаб етмаган Бобораҳим бо-шини кўтариб, унга боқди, боқди-ю унинг укки кўзларини эслатувчи йилтирок кўзлари ўзига тикилиб турганини кўриб:

— Тақсир, ман на қилай?— деб сўради.

— Парвардигорнинг марҳамати беҳудуд...— Эшон тасбиҳини ба-майлихотир ўгириб ўтираркан, Бобораҳимга ҳамон синчиков тикилар эди.— Мусулмонки бор, саволига қуръони шарифдан жавоб топгай.— Шундай деди-да, эшон кўзларини юмди.

Демак, ортиқ сўзга ўрин қолмади.

Бобораҳим ғазалларини тахлаб буклади ва ночор ўрnidан туриб, одати бўйича қўл қовуштирганча хосхонадан чиқиб кетди.

У мадраса ҳовлисига тушиб, ўз ҳужраси эшигида кутиб турган Пирмат билан Латифийни кўртач, қадамини тезлатди.

Латифий қулочини кенг ёйиб, Бобораҳимни бағрига босди. У ни-ҳоятда ҳаяжонланар, ўзбек ва тожик сўзларини аралаштириб:

— Ғазали шумо бисёр хуб аст!.. Офарин!.. Сермазмун ғазал битиб-сиз, мавлоно!— деб шоирни ардоқлар эди.

Асли Хўжанддан бўлиб, Бухорода таҳсил кўрган, эшон Бозор охундининг хоҳиши ила Наманганга келган бу ёш мударрис Бобораҳимнинг форс тилини ўрганишдаги, форсий ғазалнависликдаги муваф-фақиятларидан қувониб юрар, Саъдий, Ҳофиз, Бедил девонларини у билан биргаликда мутолаа қилишар эди. Айни вақтда у эшоннинг хуфияси эдики, Бобораҳим бундан беҳабар эди, албатта.

Бобораҳимнинг бугунги ғазали унга қаттиқ таъсир қилган бўлса керак, у қўлидаги қоғозга тикилиб, тўлқинланиб ўқиди:

Шаби ғамро кунад равшан чароғи дуди оҳи ман,
Занад таъна бари хуршеди маҳшар ахтори ишқом.

— Ғазале беқиёс будааст! Бисёр хубааст!..— оғзини кўпиртириб мақтади Латифий.

Бобораҳим Латифий билан Пирматни ҳужрага таклиф қилди:

— Марҳабо, азизлар!

Улар ҳужрага кириб, эшик беркитилгач, Пирмат ташвишланиб сўради:

— Дўстим, не гап?

— Бир ғилофга икки шамшир сиғмас эркан,— меҳмонлар кўрпачага ўтиришгач, Бобораҳим кўлидаги қоғозларни хонтахтага қўйди.— Маним газалларимдан қуфр ила шаккоклик топмишлар. Эшон жаноблари кетимиздин Маймоқни мўралоғич қўюб, кўчаю бозорлардаги, дўстлар даврасидаги хонишу мушоираларимиздин айб топмиш, шеърятдаги муболағаларимизни беимонлик санамिश...

— Астағфируллоҳ!— Латифий ўзини ҳайратланган кўрсатиб ёқасини ушлади.— Сиз забони форсада битмиш бул газалга эшон не баҳо берур эрканлар?

— Эшон жамоани тўпламоқ борасинда Маймоққа фармойиш берди...— Бобораҳим ич-ичидан эзилиб уф тортди.— Мақсади мани эл аросинда изза қилмоқ кўринадур. Бу кўргулик ҳам бор эркан бечора жонимга...

— Балқи, иш у даражага бориб етмас.— Пирмат дўстига тасалли бермоқчи бўлди.— Дўстим, шайтон васвасасига ён бермоқ сизга муносиб эрмас!

— Ё олло, бу қандай адолатсизлик!— Латифий гўё ўта ачинган қиёфада ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди.— Эшонни инсофга давват этмоқ даркор. Ҳай, мен хосхонага кириб, эшонга рижа этай, сизлар-ла баъдаз учрашурмиз.

Латифий ҳужрадан ҳовлиқиб чиқиб кетди. Икки дўст хаёл сурганча жим ўтириб қолдилар.

Бозор охундининг бояги кўрс муомаласидан, дарғазаб итобидан кейин Бобораҳим у билан ортиқ мурасага келиш амримаҳол эканига, мударриснинг эшиги унинг учун буткул ёпилганига ишонч ҳосил қилди. Унинг учун энди ягона чора — мадрасани тарк этиш, онаизорини ёлғиз ташлаб, Намангандан бош олиб кетиш... Узоқ-узоқ элларга сафар кўрдан буён унинг орзуси бўлса ҳам, елкасига товқилаънат ортиб жўнашни у хаёлига ҳам келтирган эмас. У дилига тугиб қўйган сафарини Тўтихон кетган йўл билан, қўнадиған охириги бекатини севгилиси тўхтаган манзил билан боғлаган — Қашқарга, Офоқ хўжа даргоҳига бориб, Тўтихон нафас олаётган ҳаводан нафас олиш ниятини дилига тугиб қўйган.

У деворга суялиб ўтирганча хўрсиниб, кўзларини юмди. Шу онда гўзал рўё кўринди унга: Исохўжабой дарбозахонаси, пастаккина сунача, унда омонатгина ўтирганча газал ўқиётган қизчаниннг тиниқ шаҳло кўзлари... Ғойибдан унинг ширин товуши эшитилди:

Инсон улуғ, сиз аввало ҳулку ҳаёсини кўринг,
Кўнгул дарёсига боқинг, дурри ибосини кўринг...

Бобораҳим кўзларини очиб, Пирматнинг маънос тикилиб турганини кўрди.

— Дўстим, кож тақдирдан нолимоқ бефойда.— Пирмат ҳужранинг қия очидиб турган эшигига ишора қилди-да, товушини пасайтириб гапирди.— Отам синглимни Офоқ хўжа даргоҳига ўз қўли билан олиб кетган кезлари тун-кун нола қилиб йиғладим. Не фойда кўрдим? На отам бағри юмшади, на синглим қайтиб келди... Мениннг ҳам бир маслаҳатимга юринг, дўстим: эшон машваратига борманг, эшоннинг дашномига гўш тутманг! Ҳозироқ ҳужрадан чиқайлик, орқа кўча билан сой бўйига тушайлик-да, шаҳардан бош олиб кетайлик!

Бобораҳим Пирматга ишонқирамай тикилди:

— Ота-онангиз кейин не дер эканлар?

— Худога солдим.— Пирмат дадил жавоб берди.

— Йўл машаққатларига бардош бера оласизми?— Бобораҳим дўстининг билагидан маҳкам ушлади.

— Иншоолло, кучим бор.

— Офарин!— Бобораҳим дўстининг ўйчан юзига синовчан боқди.— Бу йўл — оғир йўл, ҳаёт-мамот йўли, биродар! Яна бир карра ўйлаб кўринг!

— Уйчи ўйига етгунча тўйчи тўйига етибди!— Пирмат кўрпачадан сакраб турди.— Кетдик!

— Шошмангиз!— Бобораҳимнинг кўнглида мардлик олови ёниб, кўзлари порлади.— Қочмоқ — марднинг иши эрмас. Майли, сиз майдонга чиқмангиз. Сиз, Пирматжон, уйингизга боринг, йўл тадорикини кўрингиз-да, киндик қонингиз тўкилган муборақ тупроқдин бир қафт туғиб олингиз. Ҳа, дарвоқе, сеторни ҳам фаромуш этмангиз — йўлда ҳамроҳ бўлади. Мен сизни қош қорайгач, хуфтон намозидан сўнг сой бўйида, толзорда кутгаймен. Сизга жавоб, дўстим, мен эрсам, майдонга боргум. Эшонни аъзам ўгутини тингламоқ муридларининг бурчидир.

— Майдонга чиқмоғингиз жоиз эрмас...— Пирмат дўстига ёлборди.— Эшоннинг нияти бузуқ... Худо кўрсатмасин...

— Бас!— Бобораҳим ўрнидан туриб, ўнг қўлини Пирматнинг елкасига қўйди.— Пешонада битилганини кўргаймен. Боринг, дўстим, вақт ганиматдир.

Пирмат ҳужрадан чиқиб кетгач, Бобораҳим хонтахтани бурчакка суриб, кўрпа-кўрпачаларни йиғиб тахлади. Кейин токчадаги бир нечта китоб, дафтар, довоту савағич қаламларини кенггина жилдга тиқиб, елкасига осди.

У ҳужра шифти, туйнуги, токчалари, ерға солинган бўйралар, ханик чеккасидаги обдастагача ҳамма нарсаларни бир-бир кўздан кечириб, бари билан фикран видолашди ва ҳовлига чиққач, эшикни зич ёпиб қўйди.

Эшон хосхонасининг қўштавақа нақшин эшиги баралла очилиб, ерға судралган кенг банорас тўнда, шинам ўралган улкан оқ шоҳи саллада, янги махси-кафшда, ёйиқ малларанг соқоли кўкрагини қоплаган, баланд гавдали Бозор охунд виқор билан чиқиб келди. У мадраса ҳовлиси ўртасидан тик босиб ўтар, орқасидан келаётган нозиккина Латифийга ҳам, чеккада қўл қовуштириб турган Бобораҳимга ҳам парво қилмас эди.

Эшон қўлидаги тасбеҳни шошмасдан ўгирганча мадраса дарбозасидан чиқиб кетди. Латифий қадамини секинлатиб, эшондан орқада қолди ва Бобораҳимнинг ёнига келаётиб, лабини тишлаб қўйди.

— Охунд важоҳати ёмон, — деди у бошини сараклатиб.— Ғаломуслар фикрини заҳарлаганлар. Харчанд сизни таърифладим; парво қилмайдулар...

— Жонингизни койитманг, мавлоно!— Бобораҳим маънос жилмайдди.— Майдонга чиқайлик.

Дарвозадан аввал Латифий, унинг кетидан Бобораҳим чиқиб келганларида жомъе масжиди олдидаги майдонга анчагина одам тўпланганини кўрдилар. Қосиблар, қаландарлар, муллаваччалар, гадойлар, савдогарлардан ташкил топган каттагина оломон ичида Маймоқ у ёқдан-бу ёққа чопиб юрибди. Айниқса, у яқинлашиб келаётган эшонни кўриши билан оломон орасига кириб, одамларни иккига ажратди-да, йўл очди.

Эшон оломон орасидан ўтгач, жомъе зиналаридан бир-бир кўтарилиб, ўзига эргашиб келаётган бир нечта казо-казоларни имлаб ёнига қақирди. Латифий ҳам Бобораҳимни одамлар ичида қолдириб, эшон тўдасига қўшилди.

Қаердандир етиб келиб, эшон ёнида пайдо бўлган Маймоқ қўлларини баланд кўтариб:

— Халойиқ, жим бўлингиз!— деб қичқирди.— Қулоқ берингиз, эшони аъзам ваъз айтурлар!

Гувуллаб турган оломон шовқини бир оз пасайгач, Бозор охунд йўғон овоз билан:

— Мусулмонлар!— деб ваъзини бошлади.— Сизларни масжиди жомъега бевақт даъват этмоқдан мақсад олло таоло таборак йўлига шак келтирган, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом панди-ўғитларига зид борғон бир шаккокни дуоибад қилгонимизда гувоҳлигингиз заруратидандир. Бул банда мадрасай муборақимиз даргоҳинда талабалик мартабасига ноил кўрилғон, боз қаландарлик роҳиға қадам қўйғон Бобораҳим ибн Мулла Вали оташнафасдурким, шайтон васвасаси ила куфру шаккоклик йўлидан борур. Кўрингиз, халойиқ, ана ул бандай ношукур!

Одамлар эшон бармоғини бигиз қилиб кўрсатган томонга гурр этиб ўгирилдилар. Устига жандапўш, бошига кулоҳ кийган, елкасига каттагина жилдини осган, қадини ғоз кўтариб, йирик қора кўзлари чақнаб, эшонга дадил тикилиб турган Бобораҳимга баъзилар ачиниби, бошқалар нафратланиб қарадилар.

Маймоқ Бозор охундининг қулоғига алланималар деб пичирлади.

Эшон Бобораҳимга қараб хитоб қилди:

— Эй, мусулмон фарзанди, шоири оташнафас, қаландари навжувон! Ғайридин, ғайриимон битукларингдин воз кечиби, халойиқ қаршисинда тавба қилурсанми?

Эшоннинг шу саволидан кейин ҳамманиннг кўзи Бобораҳимга тикилиб қолди.

Бобораҳим оломон этагида турган еридан қимирламади, аммо қалбларни титратувчи жарангдор овози билан хониш қилди:

Ажаб Мажнундимаң, ҳар дашту ҳар саҳроға сиғмамдур,
Дилим дарёи нурдир, мағж уриб дунёға сиғмамдур.

Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадур мавжуд,
Чунон султони азмдурман, арши аълоға сиғмамдур.

Халил осо бу йўлда оташи Намруҳу меърожим,
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дарёға сиғмамдур.

Ризо мулкидаман ҳалқумни тутдим тиғи Акбарға,
Бу йўлда сийнаи поки забехуллоға сиғмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим мен каъбаи зоҳир,
Тариқат ҳожисидурманки Байтуллоға сиғмамдур.

Ғаҳи бўлса фақирман, ғаҳ шоҳман, ғаҳ гадодурман,
Ажаб девонаман, фардоки маҳшаргоҳға сиғмамдур.

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,
Жунун бозорида мастманки, истиғноға сиғмамдур.

Ғаҳи ўрус, ғаҳи черкас, ғаҳи мўминдуман, гоҳи
Не кавлайсан миёни лоу иллоллоға сиғмамдур!

Эшон ҳам, унинг гумашталари ҳам бир четда қолиб кетди. Оломон Бобораҳимни ўраб олиб, унинг овози сеҳрига буткул берилиб, ғазалга қулоқ солди. Бозор охунд турган ерида талвасаланиб, алланималар деб бақирди. Лекин ҳеч ким қулоқ солмади.

Бобораҳимнинг хониши тугаб, у оломон ичидан чиқиб кетаётганида Маймоқ:

— Ушланглар беимонни!— деб қичқирди.— Шаккокни уринглар!— У ўзини оломон тўлқинига отиб, Бобораҳимнинг кетидан чоғди.

— Дуойибад! Дуойибад!— эшоннинг йўғон овози момақалди роқ-

дай гулдиради.— Илоҳи омин, парвардигори олам шаккокнинг жазосини ўзи бергай!

Эшоннинг сўзига учиб, Маймоққа эргашган бир неча саллалик киши Бобораҳимнинг кетидан тошу кесак отиб, бақириб-чақириб қолдилар.

Бобораҳим майдон этагидаги қатор дўконлар орқасига ўтиб, шу ердаги тор кўчалардан бирига кириб кўздан ғойиб бўлди...

Видолашув

Бобораҳим дўсти Пирмат билан учрашиш учун эгри-бугри жин кўчадан пастликка — сой томонга бурилиб, тез юриб борар экан, беш йил давомида кундузни кундуз, кечани кеча демай тинимсиз қилган хизматини инobatга олмаган, ғазалларида ҳақиқатни қуйлагани учун эл олдида дуойибад этган эшон Бозор охунднинг дарғазаб важоҳати кўз олдида шундоққина гавдаланиб турар, унинг тўхматига учган одамларнинг тош отиб қувганлиги жон-жонига алам игнасини санчар эди.

Ўтин ёришдан сув ташишгача, қаландарлиқ қилиб пул топиб келишдан масжид ҳовлисини супиришгача турли юмушлар ўспиринлик кучи жўш уриб турган Бобораҳимга аввал билинмаган бўлса ҳам, бултур отаси вафот қилганидан кейин малол келиб қолди. Ёлғиз онаси ҳам тирикчилик учун, ҳам мадрасага «жумалик» ҳозирлаш учун эртаю кеч дўппи тикади, Исохўжабой хонадонининг нонини ёпади, кирини ювади, маҳалла қизларини ўқитади... Ўттиз бешга кирган жувон озиб-тўзиб, сочи оқарди, уни кўрган одам, «кампир» дейди.

Бугунги шармандаликдан кейин Намангандан буткул кетишга, ёш умрини Хўтан даштларида ўтказишга қатъий қарор берган — мусофирчиликни бўйнига олган Бобораҳим киндик қони тўкилган азиз диёрини тарк этаётган аччиқ соатларда аввало онасини, танҳо суюнчиғи — муштипар оназорини ўйлади ва у билан видолашув нақадар оғир бўлмасин, унинг оқ фотиҳасини олмасдан йўлга чиқмасликка аҳд қилди-да, кетаётган йўлидан орқасига қайтиб, жин кўчадан ўнгга — маҳалласига олиб борадиган йўлга бурилди.

У йўл бўйидаги оқ терак шохларидан шитир-шитир узилиб ерга тушаётган сарғиш барглари кўрмайди, онда-сонда учраб салом берган кишилар саломига беихтиёр алик қайтаради, бошида бир дунё хаёл, юрагида тубсиз армон билан жиққа ёшга тўлган кўзлари хиралашиб, эски гулдор хуржунини елкасига осганча шитоб юриб боради.

Бобораҳим маҳалласига қош қорайганда кириб келди. Гузардаги дўконлар ёпилган, чойхона ҳам одамлардан холи, шохлари тарвақайлаб ўсган қатор учта азим туп сада-қайрағочларда сон-саноқсиз чумчуқлар чирқиллайди. Аллақаерда сигир маърайди, аллакимнинг ити ўқтин-ўқтин вовуллайди. Йўлнинг тупроғи ўйнаб ётибди. У ҳар қадам босганда чориг қўнжигача тупроққа ботади.

Ана, Исохўжабойнинг қўштавақалик баланд дарвозаси. Балки, Бобораҳимнинг онаси шу ерда, бой хонадонининг юмушидадир. Балки, Пирмат ҳам уйига етиб келгандир, лаш-лушини йиғиштираётгандир. У ҳозир қўрага кирсамикан, онасини йўқласамикан, бир йўла Пирмат билан бирга йўлга чиқсамикан?

Бобораҳим шундай хаёллар билан тупроқ кечиб бораётганида бой дарвозасининг бир тавақаси аста очилиб, икки кўзи лик тўла хуржун елкасини босиб турган, қўлтиғига танбур қистирилган Пирмат чиқиб қолди ва шу томонга келаётган дўстини кўриб, шошиб сўради:

— Э, ваъда қандоғ бўлувди?

— Онам ила видолашгали келдим...— Бобораҳим ёшли кўзларини дўстидан олиб қочиб, ютинди.— Узингиз... осонликча чиқдингизми?

— Хайрият, Азимчадан ўзга ҳеч ким йўқ эркан...— Пирмат дарво-захона зиналаридан бир-бир тушиб келди.

— Қашқар бориб, синглимни кўриб келурмен, дедим, йўл харжи-ни ҳам ростладим,— у вазмин хуржунига ишора қилди.

— Онам бу ерга келмабдиларми?

— Йўқ.

— Сиз аста кетаберингиз, юкингиз оғир.— Бобораҳим дўстининг янги чодони, шинам этиги, савсар телпагини ҳавасланиб кўздан кечир-ди.— Мени карвонсаройда кутингиз. Онам ила видолашиб, зуд етиб боргаймен.

— Маъқул. Отхонадан икки от олиб чиқсам, не дерсиз?

— Отлиқ қаландарлар...— Бобораҳим мийиғида кулди.— Отларга ем керак, сув керак. Йўл олис. Яёв юрайлик.

Тоққа чиқмагунча дўлона қайда,
Жон чекмагунча жонона қайда?

— Доносиз, дўстим!— Пирмат мамнун бош қимирлатди.— Балки, тонгда Қашқарга карвон юрар, қўшилармиз.

— Шояд...

Икки дўст икки томонга йўл олдилар.

Бобораҳим ҳовлисининг пастқам деворини, чанг босган эшигини кўрибоқ дил-дилидан жўшиб куйлади:

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Мани учун адо бўлгон юроки, бағри қон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирла,
Эшитгил арзи ҳолимни, мен айтай санга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мани ором жонимсан,
Муроди ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам.

Мани бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этди,
Қади сарву санубар, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти савдоси, бўлибман булбули шайдо,
Шабистони жаҳонда кумридек шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,
Мани охир хароб этти, гулистони жаҳон онам.

Илоҳи афв қилгил Машрабинг қилгон гуноҳини,
Туфайли онаизорим, ғарибу нотаваон онам.

Бобораҳим эшикни очиб, мўъжазгина ҳовлига кириши билан антиқа гуллар хушбўйи димоғига гун этиб урилди. Ҳаммаёқ сув сепиб супирилган, ҳаво мусаффо, ҳовли этагидаги бир туп олма дарахтининг шохлари ҳосилини кўтаролмай, ергача осилиб ётибди. У пиёладай бир дона олмани узиб ҳидлади, тансиқ исидан боши айланди. Бўйрадай саҳндаги гулзор ҳам антиқа: раъно, намозшом гуллар, оши райҳон, ҳо-жи райҳон, сада райҳонлар, жамбиллар...

Ҳовли тўрида бир уй ва бир айвон бўлиб, айвонда шом қоронғи-сида хаёл суриб ўтирган она ўғлининг хонишини эшитиб, аллақачон ўрнидан турган, тоқчадаги қорачироқ пилигини ёқиб улгурган эди. У кафшандоздаги кавушини апил-тапил кийиб, унинг истиқболига ин-тильди:

Бобораҳим елкасидаги хуржунни айвон пешига отиб, қулочини кенг ёйганча онасининг бағрига кирди:

— Онажоним, муштипарим, омонмисиз?

Она ўғлининг қуёшда қорайган озгин юзидан, ёш тўла кўзларидан ўпди, суяклари бўртиб чиққан елкаларини силади:

— Шоирим! Ҳофизим! Суянган тоғим!— деб ардоқлади.

Кейин она-бола хонтахта атрофидаги кўрпачаларга юзма-юз ўтирдилар. Она фотиҳага қўл очиб, ўғлига узун умр, бахту иқбол тилади.

Бобораҳим қўлидаги қизил олмани тўйиб-тўйиб ҳидлар экан, она-сига жилмайиб боқди-да:

— Обдон пишибди, териб олмабсиз!— деди.

— Сени кутдим, ўз қўлинг ила узиб, қишга сақларсен деб,— онанинг чарчоқ кўзлари ғилтиллади.— Йўлдан толиб келдинг, ором ол, мен палов дамлайин.

— Хўп, онажон. Сиз палов пиширинг, мен олмани узай!— Видолашув соати бир соатга бўлса ҳам, ҳарна кечикканига қувониб, Бобораҳим ўрнидан турди.

— Қоронғида-я?— она ҳайрон бўлиб, ўғлига термулди.

— Бугунги ишни эртага қўйма, деган машойихлар.— Бобораҳим кулиб, устундаги қозиққа илиб қўйилган саватни олди-да, ҳовлига тушди.

Шарқ уфқидан кўтарилган тўлин ой кўчадаги терак учига қўнгандай олтин баркаши йилтиллади. Унинг шуъласи олма шохларини ҳам ёритади. Бобораҳим пастки икки шохдан авайлаб узиб олган олмалар билан сават тўлди. У саватни уйга олиб кириб, кигиз устига бўшатиб чиқди. Яна олма теришда давом этди.

Зубайданиса айвон орқасидаги ўчоқбошида ўт ёқиб, ёғ қиздириш, сабзи, пиёз тўғраш билан машғул бўлди. Енгил шамол зиғир мойининг тўюн ҳидини ҳавога ёйди.

Орадан икки соатча вақт ўтгач, Бобораҳим олмани териб, уйга саранжомлаб бўлди-да, жандапўшининг чангини қоқиб, бет-қўлини ювиб, айвонга чиқди. Бу вақт Зубайданиса ҳам паловни чинни лаганга сузиб келтирди.

Она-бола ошни иштаҳа билан едилар, хушбўй олмачой ичдилар, кейин дастурхон йиғиштирилди.

— Мен ўрин солай, сен тўйиб ухла, ўғлим!

Зубайданиса ўрнидан тураётганда Бобораҳим унинг тирсагини юмшоққина ушлаб:

— Ўтиринг, онажон!— деб илтимос қилди.— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, сизга бир сўз айтамен.

— Айт, ўғлим, айт!— онанинг кўнгли ёмон бир нарсани сезгандек орқасига тортиб кетди.

— Онажон!— Бобораҳим онасининг сертомир озгин қўлларини силаб, мулойим гапирди:— одам сочилган туз-насибасини териб ер эмиш. Маним туз-насибам олис-олисларга сочилганга ўхшайдир...

— Мени ёлғиз ташлаб кетмоқчимисан, ўғлим?— Зубайданисанинг ўпкаси тўлиб, товўши титради.— Раҳминг келмайдами?

Бобораҳим Бозор охунд билан мижароси она кўзида ҳеч нарса эмаслигини ўтқир зеҳни ила фаҳмлади-да, кўзларини ерга қадаб:

— Тўтини соғиндим...— деди.— Тўтийи ширин забонимни соғиндим, онажон!

— Вой, ўлмасам!..— Зубайданиса лабини тишлади.— Тўтихонни отаси эшони аъзам Офоқ хўжамга назира этган. Сен у мазлумани ҳеч қачон кўра билмассан, ўғлим! Гуноҳ ишни ўйлабсан, бу йўлингдан қайт!

— Ташвишланманг, мен ёлғиз эмасмен. Пирмат йўлдошим бўлур.— Бобораҳим босиқ сўзлади.— Маним бу ишим гуноҳ эмасдир, онажон! Пирмат ўз синглисини, мен ўз маъшуқамни асоратдан халос этурмиз.

— Э, худойим-эй, нималар деб вайсаяпсан, ўғлим? Девона бўлиб қолибсан!

Бобораҳим онасининг соддалигидан завқланиб хаҳолаб, кулди-да, ғазал ўқиди:

Сахро юзи кўкармас то ёз бўлмагунча,
Булбул тараннум этмас то гунча кулмагунча.

Кўз абридин сув тўкғил имонинг ҳам очилсун,
Боғу-чаман кўкармас ёмғур ёлмагунча.

Мақри рақиб бирлан ҳасрат ўтиға туштум,
Ғам решаси узулмас то ёр ўлмагунча.

Юз йил тирик югурсанг, охир бир кун ўларсен,
Афсус ила кетарсан то охир ўлмагунча.

Эй Машраби қаландар, яхшиға банда бўлғил,
Холвайтар тузалмас то шаккар ўлмагунча.

— Масхарабозликни тўхтат!— Зубайданиса ўғлини койиб берди.— Офоқ хўжам қайдалар, сен қайдасан! Эшонни аъзамнинг лак-лак муриду навкарлари бор эмиш! Олтину жавоҳирлари дунёга татир эмиш! Канизақлари малойикалардай жаннатмакон эмишлар! Сен бир телба шоир, қаландар ҳофиз...

— Шариат, тариқат, ҳақиқат йўлини танладим, онажон! Эл аро ҳақ ва адолат уругини сочгум!— Бобораҳим айвон пешида турган хуржун кўзидаги китобу қоғозларини кўрсатди.— Менга оқ йўл тиланг, онажон!

— Ҳозир кетмоқчимисан?!— ўғлининг қарори қатъийлигига ишонч ҳосил қилган Зубайданиса бир баҳя паст тушиб, кўзларига ёш олиб сўради.— Ақалли нон ёпиб берай...

— Мен сизни ҳеч қачон унутмаймен, онажон!

Ўғлининг бир сўзлигини яхши билган Зубайданиса фотиҳага қўл очишга мажбур бўлди:

— Илоҳи омин, сафаринг бехатар бўлсин, ой бориб, омон келгил!

Улар ҳовлига тушгач, Зубайданиса ўғлини бағрига босиб, хўнграб йиғлаб юборди.

Бобораҳим онасининг бағридан чиқиб, қўлидаги олмани хуржундаги китоблар орасига тикди:

— Наманган олмаси...— деди хўрсиниб.— Йиғламанг, онажон, вақт — елдирим, ҳа-ху дегунча ойлар ўтади. Албатта, дийдор кўришармиз!

— Айтганинг келсин, ўғлим!

Бобораҳим онасини яна бир қучиб, ўпиб, хуржунини елкасига ташлади-да, ҳовлидан шитоб чиқиб кетди.

Гулзор бўйида ёлғиз қолган она кўчадан ўғлининг янгроқ хонишини эшитди:

Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?
Ғариблар шаҳрида юрсам, мени йўқлар кишим борму?

Қани қавми қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,
Кўзумдин оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?

Мухаббат шарбатин ичдим, қозондек қайнабон тошдим,
Бу фоний дунядин кечдим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузи ишқдин ғавго,
Ўзиға айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Турарға тоқатим йўқдур, юрарға ҳолатим йўқтур,
Юракда ишқ ўти чўхдур, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабнинг киши ҳолини сўрмайдур,
Бу ердан бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

...У шаҳарга ярим кечада кириб келиб, карвонсаройга йўл олди. Бозорнинг шарқи-жанубида жойлашган, баланд пахса деворлар билан ўралган, савдогарлар, мусофирлар макони бу карвонсарой ҳар қачонгидай, бугун ҳам гавжум. Улкан дарвоза очик. Кенг ҳовли ўртасида юки бўшатишга қатор аравалар лайлак қилиб қўйилган. Бир чеккадаги узун бостирма тагида отлар қурт-қурт беда чайнайди. Баъзи ҳужралар даричаси қоронғи бўлса ҳам, баъзилари ёруғ; шароб, наъки ва ҳоказо шариат ман этган, кайфу сафонинг ҳаммаси авжида...

Бобораҳим карвонсаройга кирганда чап томондаги даричаси қоронғи биринчи ҳужранинг очик эшигидан кучук эргаштириб Пирмат чиқиб келди:

— Келдингизми, дўстим?— Бобораҳимни кўргач, чеҳраси ёришган Пирмат пешонасида оқ қашқаси бўлган қорачагина кучукка ишора қилди.— Манави итвачча этагимга ёпишиб олди, ҳеч нарига кетмай-дир, ўлгудай шилқим, бамисоли хира пашша...

Бобораҳим хуржунини ерга қўйиб, кучукни қўлига олди:

— Э, бечора, оч кўринадир, нон беринг, йўлга ола кетамиз, ҳамроҳ бўладир. Вой, қитмир-эй, кўзлари чақнаб турадир.

— Йўлга от олмадик, ит олаемизми!— Пирматнинг энсаси қотди, бироқ яна бир нарсани эслаб, сал дадиллашди.— Дўстим, сиздан бемаслаҳат бир эшак харид қилдим, ана ароба ёнида турадир.— Қўқон-арава ғилдирағига боғланганча мўдраб турган: қўлоқлари узун, пастаккина жонворга ишора қилди.— Юкимизни енгил қилур!

— Бу ишингиз бажо,— Бобораҳим Пирматнинг елкасига қоқиб қўйди.— Яна не хушхабар топдингиз?

— Қашқар томонга карвон йўқ.— Пирмат кучукни ҳамон бағрида эркалаётган Бобораҳимга яқинроқ келиб, унинг ўнг қўлига шивирлади:— мусофирлар ичинда бирини танидим— отамнинг қароли Обид восвос... Мендан сизни сўради. Қаландархонада кўришган эркансиз. Ул кундуз масжиди жомъеда Бозор охунд нутқини тингламиш... «Ма-бодо, Бобораҳимни кўрсанг, айт, мен анга мадад бергум», дейдир.

— Дуруст, ани ҳамроҳ қилурмиз!— Бобораҳим Пирмат кутмаган ишонч билан сўзлади.— Бамаъни, бақувват йигит, бизни бало-қазодан асрагай!

— Маъқул,— Пирмат кулди.— Бир ит, бир эшак, бир восвос...

— Бир девона шоир ва бир бойвачча Пирмат!— Бобораҳимнинг хандаси қоронғи саройда жаранглади.— Бу бечора кучукнинг оти Қитмир бўлсин!— у кучукни ерга қўйди.— Бор, ўйна, яйра, жаҳонгашта ит!— Кейин у хуржунини ердан олиб, беҳисоб юлдузлар чарақлаб турган қорамтир осмонга боқди-да, ҳужра эшиги томонга юрди:— бир оз мизғиб олайлик, саҳар мардонда йўлга чиқурмиз!

...Тонг қоронғисида Бобораҳим билан Пирмат Қитмирни эргаштириб ҳужрадан чиқиб келганларида эшик ёнида деворга суялганча чўққайиб ўтирган Обидни кўрдилар. Булардан ёши анча улуг — ўттизга яқинлашиб қолган, гавдаси ҳам буларнинг ҳар бирига уч баробар келадиган, қўллари паншахадай улкан, устига кенг қора чопон кийиб, катта бошига қирғизча қалпоқ бостирган азамат йигит ўрнидан туриб, Бобораҳимга қўл қовуштириб салом берди:

— Балли, ота ўғли, кеча эшони пирымни бошлаб тузладингиз! Қо-йил! Сафар жабдуғини ростлабсиз, йўлдош бўлсам не дейсиз?

Бобораҳим Обид восвосга бошдан-оёқ разм солиб чиққач, қисқагина қилиб:

— Эшакни эгарланг!— деди.

Обид восвос бош қимирлатиб, «маъқул» ишорасини берди ва лайлак арава ёнига бориб, эшакни эгарлашга киришди.

Пирмат ҳисобсиз юлдузлар тандир қўридай жимирлаб турган баланд мовий осмонга тикилиб:

— Ватандан айрилиш оғир... — деб уфлаб юборди.

Хуржунларни эшак устига ташлаб, юкларни унга боғладилар.

Бобораҳим танбурни Пирмат қўлидан олиб созлаётганда, Қитмир кулоқларини динг қилиб, митти кўзлари жовдираганча тикилиб турди.

Беш йўлдош: Бобораҳим, Пирмат, Обид восвос, ювошгина эшак ва жажжи Қитмир карвонсарой дарвозасидан чиқиб кетаётганларида, Бобораҳим овозини баралла қўйиб хониш қилди:

Мурудинга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам захрин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Оғиздан куф сочай десанг, шароби даҳр ичай десанг,
Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Васод аҳлин қувай десанг, кетига бир тепай десанг,
Кафан тўнин бичай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,

Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг,
Жаҳонни сайр этай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Тазаллум куйдирай десанг, залолат ўлдурай, десанг,
Ҳамани кулдурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Бу тақводин кечай десанг, сири зуҳд фош этай, десанг,
Ҳақиқат йўл тутай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Қаландар бўлки, қандоғ бўл, мисоли аждаҳодек бўл,
Ки Машраб шоҳдек бўл, қаландар бўл, қаландар бўл.

Қаландар хонишини эшитган сарой ҳужраларидаги мусофирлар апил-тапил кийиниб, ҳовлига чиқа бошладилар. Бир нафасда қий-чув, шовқин-сурон кўтарилди. «Қани қаландар? Қаландарлар қани?» деган саволлар ёғилди. Ҳаракат кучайди, отлар кишнай бошлади. Лекин ҳеч ким: «Мен қаландарни кўрдим», деб жавоб бера олмади.

Бу вақт Бобораҳим ва унинг ҳамроҳлари шаҳарнинг шарқий дарбозасидан чиқиб улгурган, Ушга олиб борадиган йўлга чиқиб олган эдилар...

(Охири келгуси сонда).

Рамз Бобожон

Йосиф ва Зулайхо

ёки ғоза-иницаф адовати

ДРАМАТИК ПОЭМА

Биринчи боб

1

Б
иҳор қаҳ-қаҳаси Боғи чиройда...
Боисин айтурға бормикан ҳожат?..
Мағриб султониға тобе саройда
Мабодо,
ел юрса, сўрар ижозат..
Соҳиби салтанат,
ҳазрати олий
Бугун
хушнудликни этмиш ихтиёр.
Эвоҳ!
Чеҳраларда кулгудай толе,
Аммо,
қовоқлардан ёғиларди қор..
Сарой аҳли нотинч ғала-ғовурдан,
Бевақт бегонадир кўзларга уйқу.
Саҳархез шивалаб ўтган ёмғирдан
Япроқлар ям-яшил, тип-тиниқ туйғу.
Бошин қуйи солган напармон гуллар
Кундузга боққандай серишва,
серноз...

Хуширўй,

тахтиравон хибон —

ийллар

Ўзига берарди жилва ва пардоз...

Баҳор чечаклардан

кийдиргудай тож

Зулайҳо устида бўлиб парвона...

Таймус шоҳ қалбида бир олам қувонч,

Лекин сир бермайди, такаббуруна...

ТАЙМУС

Мана,

мен Таймус шоҳ —

мағриб султони,

Шухратим шоҳ китоб, соҳиби қирон...

Давлатим беҳисоб, қудратим улуғ,

Хазинам олтину нуқрага тўлуғ,

Оёғим остида ҳулкар поёндоз...

Қани,

сиз,

ҳей, дўстлар, жонимга оро,

Руҳимга порому қалбимга малҳам!

Бугун наинки ер, ҳатто арш-аъло

Мени эзгулик-ла қутлови лозим!

Наҳотки,

сипоҳлар бефарқ,

бепарво,

Донолар ғафлатда, нодонлар доно?!

Зулайҳо юрарди гулзор оралаб,

Қизларга чап бериб, бир ўзи ёлғиз,

Ёмон туш кўрдими?!

Безовта ҳаргиз

Ортидан борарди Меҳри,

қоралаб...

МЕҲРИ

Сизни адаштириб қўйдим, маликам...

ЗУЛАЙҲО

Найлай,

Кўзларимга қоронғу олам,

Қайда тақдиримнинг ёруғ юлдузи?

МЕҲРИ

Тангри паноҳида асрасин ўзи,

Маликам,

жонгинам, хуш кўрдим, хушвақт!

Илоҳим,

бахт қуши олиб келсин бахт,

Бадбахтлик юзини қилсин тескари!

ЗУЛАЙҲО

Найлай!

Юрагимни кемирар бир ғам...

М Е Х Р И

Бугун тонготардан еллар сарсари,
Чечаклар жилвагар, қушлар сайроқи,
Қадаҳ узатади сизга, малиқам,
Ўн олти чамандан ўн олти рангда
Гуллардан ясалган алвон заррангда
Ўн олти навбахор...

қутлуғ, дугонам,
Ўн олти ёшингиз, якка-ягонам!

З У Л А Й Ҳ О

Ийқ,
наздимда баҳор, хазонрез куздай,
Осмон шўрхоқ босган беподён саҳро,
Юлдузлар юлдузмас, мисоли кўзёш...
Ой эса совуқдан тўнғиган бир тош,
Шамоллар телбадай тентиб юради...
Қани у, қалбимга оромбахш офтоб?
Таймус шоҳ шарпаси янгради ногоҳ.

Т А Й М У С

Қизим,
бахти бекам!

З У Л А Й Ҳ О

Салом алайкум!..

Т А Й М У С

Ваалайкум салом, ардоқлим,
эркам!
Чехрангда ҳамиша кўрайин кулгу,
Тақдирингда қувонч, кўзингда ёғду...
Ўн олти ёшингни қутлайман,
қизим!..

З У Л А Й Ҳ О

Ўн олти ёшимда юрагимда ғаш.

Т А Й М У С

Ғаш деб ўйлаганинг,
ғаш эмас, оташ!

Таймус саройида наврўзи олам,
Гуллар адвон-алвон, қучоқ ва қучоқ...
Оёқлар остига тўшалган гилам
Олис-олислардан кутади қўноқ.
Боғ деса, дегулик,

элларга машҳур!
Эҳтимол, топилмас ариши ағлода?!
Яшил япроқларда жилоланган нур
Фақат ярқираши мумкин маъвода.
Сувлар шарқирайди,
ўйнар фаввора...

Табиат жамоли ўзгача ҳатто.
Бугун тонготардан нотинч,

овора
Мағриб ҳукмдори кекса Таймус шоҳ.

Гўзал Зулайҳонинг туғилган куни.
 Торлардан таралар сеҳрловчи куй,
 Ошиқ юракларда севги ёлқини,
 Ҳислар силсиласи кўрсатгудай бўй!
 Бари соҳибжамол қизнинг шағнига,
 Мусиқий оҳанглар,

баланд мақомлар...

Севинч сиғмагудай сарой даҳнига,
 Денгиздай тошади қутлов,

саломлар...

Бу эса, белофу, бемуболаға,
 Жаҳонни ҳайратга солгудай бир кун!
 Ун олти ёшда у,

тин олар зўрға,

Кўкрак қафасига қамалган тўлқин...
 Сир эмас, гўзаллик тиниқ самода
 Порлаган юлдуздай учрамас тез-тез!
 Ун олти ёшда у,

ҳусни зиёда!

Фақат эртакларда куйланар эс-эс...
 Олам ташвишидан, эҳтимол, ҳоли,
 Бир умр яшаган беғам,

бепарво...

Ҳамиша рўпарў чиққандир толе
 Фақат яхшиликни кўргандай раво...
 Нақадар париваш,

нақадар гўзал!

Ким билсин,
 ундан ҳам гўзаллар бордир...

Лекин,

назокатда абадул азал —

Зулайҳо бахтига ҳамиша зордир.
 Хаёл дарёсида оқмоқда умри,
 Айрилиқ, жудолик нелигин билмас!
 Булоқдай жўшади қизлик ғурури,
 Пасту баландликни назарга илмас...

Гарчи номи тансиқ

яқин-йироққа,

Мумкинми бу кўркни кўздан яширмоқ?!
 Кимлар кўксин бериб ётар тупроққа,
 Кимдир ўз бўйнига

солгудай сиртмоқ!

Иигитлар қалбида ўйнатар ҳавас,
 Таймус шоҳ даргоҳи оҳанграбодай!
 Қуввати жозоба,

ҳар тош муқаддас,

Элчилар изғийди акси садодай...

Бири келиб,

бири кетиб туради...

Аслзодалару арқони давлат —
 Мам-ман деганлардан совчи юради
 Совға-салом билан тўқишиб савлат...
 Таймус такрорларди

бир гапни ўқдай!

Аввал бўйи етсин...

ўзи ҳам ҳали —

Ўз қизи меҳрига қонганча йўқдай,
Еши ўн олтидан ошсин ақалли!
Олтин боғнинг қуши,

у ҳали эрка,

Ҳали тайёр эмас ота уйидан,
Қуёшли қадрдон денгиз бўйидан
Парвоз этмоқ учун бегона юртга.
Мана, ўн олтига ниҳоят тўлди,
Авжи мақомида юракдаги дард...
Вақт етди —

ота ҳам,

қизи ҳам энди —

Қатъий бир қарорга келмоқлари шарт!
Ҳеч ким етолмайди сон-саногига
Саройдан ноумид кетган совчининг...
Иши юрмагандай овда овчининг
Табассум тепмасди ол ёноғига.
Ҳамон совчиларнинг кети узилмас,
Саройдан аримас аслзодалар,
Остона супирар кимхоб, банорас —
Либос эртаклари,

сўнги модалар... *либослар!*

Аммо,

арзигудай Азиз шавкати

Молу давлат десанг

ундан ҳам бисёр...

Қарвон тортиб келган кувёв иззати —
Бир жуфт ширин сўзга эди интизор.
Қазо-қазолардан уни фарқ қилиб,
Таймус шоҳ кўнглига

тушгандай маъқул,

Совға-саломларин муқаддас билиб,
Бош устига уни этарди қабул.
Мағрибдан машириққа кетган шуҳрати,
Ёшлик йилларининг шўхлик шукуҳи...
Айни шу кунларда Азиз қудрати
Дўстларнинг қувончи,

душман андуҳи...

Жангу жадалда ҳам,

тинч маҳалда ҳам,

Беқиёс донишманд,

тенгсиз саркарда

Ев она тупроққа қўйдими қадам,

Жангга отларди тонгдан,

сахардан...

Ҳар қандай оғир жанг унга енгилдай,
Ғанимни парчалаб, ғолиб қайтарди
Нили муборак ҳам завқи зўр дилдай
Баҳодир шаънига қўшиқ айтарди.
Бахти қулган эди —

мардлик,

донолик,

Бадавлатлик эса ундан зиёда!

Гўзал Зулайҳога лутфан шайдолик

Таймус шоҳга манзур,

нозик имодай...

Бирдан енгил тортди —
 елкасидан юк,
 Оғир бир юк дарҳол қулаган каби.
 Суюклар ичидан гўё энг суюк
 Бир қуёв топгандай жилмаяр лаби...
 Шундай қарор билан ўзи-ўзича
 Қадам қўйган эди Зулайҳо сари —
 Таймус,
 ёввош тортиб худди қўзича,
 Келди...
 жориялар кетишди нари.

ТАЙМУС

Қизгинам,
 танишдир, эҳтимол, сенга,
 Жўмард Азиз номи,
 унинг ўзи ҳам,
 Элчи юбормишдир эҳтиром ила,
 Ордидан совға-ю салом-ла қарвон...
 Лутф ила сўратмиш сенинг қўлингни.
 Қўпларни рад этдик, ўзинг биласан,
 Балки,
 энди келди вақту соати...
 Менинг назаримда арзигулик у,
 Жанларда шон-шараф қозонган зотдир!
 Йигитга безакдир юздаги чандиқ,
 Тимқора кўзида куч ва эҳтирос
 Тундаги машғалдек ёниб туради.
 Хуллас, уни сенга тақдир йўлламиш,
 Тақдир ўзи, зеро, бахтингни очгай...
 Эркак ардоғида сурур топарсан,
 Балолардан сени этгай ҳимоя!
 Совға-саломин кўр, ҳеч бўлмаганда...
 Таймус имо қилди,
 тетик сиёқи,
 Дарвоза очилди —
 қоп-қора қуллар
 (Фақат ярқирарди кўзининг оқи)
 Саф тортиб,
 таъзим-ла эҳтиром йўллар.
 Сеҳрли,
 беқиёс шоҳи-атласлар
 Тўлдириб юборди кўшкнинг ичини,
 Тўти қуш сайраган олтин қафаслар
 Обод қилди кўҳна сарой кечини...
 Йўлбарсу арслон терилари ҳам
 Тўшалди оёқлар остига ногоҳ,
 Қути-қутичалар кўркам,
 сёрҳашам,
 Зару забаржаддан гангир Таймус шоҳ.
 Нодир тош нуридан хона чароғон,
 Кўкдаги юлдузлар тортади хира!..
 Олмос қиррасида қуёш хиромон,
 Феруза кўзларга осмон асира...
 Мана,
 бунисида саратон ранги,

Самовий саринлик бошқа бирида.
Унисда лабнинг оташ оҳанги,
Ҳақиқми,

шафақми нигоҳ қаърида?!

Яна бошқасида юлдуз ёниши,
Бошқа бири эса тун каби сокин.
Базми маросимда ҳофиз хониши
Сўкарди минг йиллик сукунат, чокин.
Ҳарир пардаларнинг нафис юзида
Акс этган қушчалар қанот қоққудай,
Нубиялик қора қуллар кўзида
Нақшлар чақмоқ чақиб,

олов ёққудай...

Яна оқиб келар ипак гиламлар —
Дала-ю даштларнинг ҳусни жамоли.
Оёқ қўйсанг, ботиб кетар қадамлар,
Барқут мисоли!..
Йўқ!

Булар ҳадянинг ҳаммаси эмас,
Ҳамир учидан бир патирдай холос!
Ғаройиб бир узук уйғотар ҳавас
Уммоннинг тубидан топгандай ғаввос!
Эҳтимол,

бир маъно касб этар бу ҳол,
Қўша қаришликка олтин никоҳдай...
Зулайҳо қошида тақдир тили лол,
Сиру синоатдан воқиф,

огоҳдай,

Азиз никоҳига ўтган йўқ ҳали,
Розилик билдирса,

не бўлар, билмас...

Ҳаёл денгизида мағриб гўзали
Ғарқ бўлган кемадай жойидан жилмас...
Сарой ҳайрат ичра сақлайди сабр,
Саф ўтиб тугади —

сўнги қатори...

Таъзим билан кирди
нуроний Нофур —
Азиз саройининг доно сардори,

Т А Й М У С

Хўш, қани қизгинам,
не жавоб айтай

Ҳурматли совчи —
Улуғ меҳмонга?

З У Л А Й Ҳ О

Бир сўз қайтармоққа ҳаддим йўқ,
ота,

Сизнинг иродангиз —
мен учун қонун...

Т А Й М У С

Ўзимга не гуноҳ орттирмагайман,
Зўрлаб узатмасман, сени Зулайҳо!
Таклиф гар туюлса кутилмагандай —

Кундуз — сергавғодир,
 тун эса сокин...
 Тун бўйи ўйлаб кўр!
 Майли, эртага
 Жавобин берурсан севиклим,
 эркама...

Байрам эҳтироси жўшарди ҳамон,
 Базмга жўнади шоҳ билан меҳмон.

2

«Меҳри, Меҳри!» дея, Зулайҳо нотинч...
 Жория югуриб—елиб келади —
 Малика қошига ўта шошилишч,
 Бир боқишда дардин дарҳол билади.

З У Л А Й Ҳ О

Найлай!
 Енаётган дарахтман гўё...

М Е Ҳ Р И

Малиқам,
 бу юрак ҳароратидан,
 Бундай кунни бекор ўтказмоқ гуноҳ!..

З У Л А Й Ҳ О

Ҳеч қачон бунчалик толиқмагандим...

М Е Ҳ Р И

Ҳеч қачон бунчалик сурур бўлмаган!
 Бунчалик ўзига сизмаган ҳеч ким!

З У Л А Й Ҳ О

Шундай денг?
 Ҳа, майли, сен айтганча ҳам...
 Мени-чи, негадир, уйқу элтади,
 Толиқиш сезаман борлиғим билан,
 Нимадир жазм этар,
 ғашимга тегар...

Деразани ёпиб, қолдиргин ёлғиз
 Иложи топилса, мизғиб олайн...

Мана оромгоҳда ғира-шира тун,
 Шамол шивирлаши, узук бир товуш —
 Хаёл тузоғида Зулайҳо тутқун,
 Ивир-ғивир ухлаб, кўрар, эди туш...
 Наҳотки,

 борлиқни қила олмас ҳис,
 Наҳот, қитиқламас қалбин бир япроқ,
 Наҳотки,

 ошиқлик дардидан олис,
 Наҳотки,
 бегона кўринар тупроқ!

З У Л А Й Ҳ О

Маъзур тут, она ер!
 Кечир, юлдузлар!
 Лоқайдлик гуноҳи тарк этсин мени!

Эшитиб турибман,
 Сезиб турибман,
 кеч эмас ҳали!
 Ерга қўнмоқдамиз акс садо бериб...
 Шабнам шивирлашин эшитмоқдаман,
 Уруғлар унушин пайқаб турибман.
 О гуллар,
 япроқлар,
 кечиринг мени
 Сизнинг кўркингизман,
 юрагингизман,
 Ҳаммамиз бир уруғ,
 бир оиламиз!..
 Оилам,
 сен юпанч этгил армуғон,
 Сахий куз сафоси сингари,
 дилга!..
 (Вужудин чулғамиш ажиб бир туйғу,
 Оёқ қўйса, тойиб кетарди гўё...
 Ақли бовар этмас,
 қалбида қўрқув,
 Утган соатларми,
 лаҳзаларми ё?
 Иўлда адашгандай
 у бўлар ҳайрон,
 Олис-олисларда чайқалар зиё,
 Сарой деворларин суриб ҳар томон —
 Кенгликка қулочин отарди дунё.
 Қошки,
 англайолса
 ё ҳазиллашиб,
 Ё ғазабдан, кимдир, беамру фармон
 Пойига поёндоз тўшарди шошиб,
 Оромгоҳ шиплари юлдузли осмон...
 Шарбат ер қаъридан қайнар булоқдай,
 Илдизлар атрофга соларди қулоқ,
 Олам кўринарди
 сирли жумбоқдай
 Уй энди уй эмас,
 бепоён ўтлоқ!
 Зулайҳо сочилган уруғ мисоли
 Она ер бағридан кўтарарди бош.
 Тилларда дostonдир ҳусни жамоли.
 Наҳотки,
 севгига бўлолмас сирдош!?)
 Тайёрман заррага айланмоққа ҳам:
 Мана мен —
 кўкатман,
 томчи,
 Зулайҳо!
 Оташга айланган бутун вужудим!
 О, она ер...
 менга сеvgи эт ато!
 (Олам
 Ой шугласи билан йўғрилган,

Ер юзин қоплаган
 жаннат шукуҳи...)
 — Орзу-хаёлларим,
 тарк этинг мени!
 Бир қиз сизни чорлар тун қучоғида...
 Мана бу баҳодир —
 Қумуш қанотли,
 Гўё оқ отли
 Кўз-қароғимда
 Парвоз этаётир —
 Майсалар узра...
 Эй тангрим!
 Наҳотки, мана у...
 мана...


(Утлардан йўртади,
 сувда бўртади...
 Бир дам ўтар-ўтмас,
 гийҳ нафаси —
 Одам ҳансираши,
 одамнинг саси!..
 Нега, қиз жим қолди,
 чиқмайди пешвоз
 Қўнғил берган ўша барно йигитга?
 Боиси ҳаёми ё карашма, ноз?...
 Қадам олға эмас,
 кетарди кетга...
 Севги! Беғубор севги!..
 — Оҳ, жоним!
 — Жонгинам!..
 — Наҳот сен?
 — Наҳот?..
 Фақат

шундай дерди нозик дудоқлар.
 — Мана,
 мен Зулайҳо!
 Қалбим сўроқлар,
 Кўз ёшим мавжидан топмишсан бунёд!
 Азизим,
 қувончим,
 севгим,
 севганим,

Фахримсан,
 бахтимсан,
 ширин жонимсан!
 Оппоқ-ойдин рангли совут кийганим,
 Зулматли йўлларда чароғбонимсан!
 Мана,

мен Зулайҳо!
 Қучоғингга бос,
 Туйғулар жўш урар худди шалола...
 Бағрингда жон берсам,
 шунинг ўзи бас!
 Утли муҳаббатим сенга ҳавола!

Қимнидир чорларди уйқусираб қиз,
 Меҳри эса эснаб турарди ҳаргиз.



МЕҲРИ

Ҳой, маликам, бу иш сизга ярашмас,
Либосда ётибсиз!

Уйқу келарми?
Қовоғингиз салқиб чиқади, эвоҳ!
Ечиниб, бемалол ётинг!..

ЗУЛАЙҲО

О-оҳ!.. Меҳри...
Демак, мен ухлабман...

МЕҲРИ

Ҳа, худо ҳаққи...

ЗУЛАЙҲО

Ухлабу, уйғониб кетибман...
нега,
Улмадим, ўлай деб турган чоғимда?

МЕҲРИ

Нима? Улаётган вақтингиздами?

ЗУЛАЙҲО

Тентак! Бахт тагида ўлаётгандим,
Тушимга кирибди, тушимга у...

МЕҲРИ

У?

ЗУЛАЙҲО

Уша менинг севгим...

МЕҲРИ

Нима гап ўзи?

ЗУЛАЙҲО

Оҳ, шундай барно йигитки, барно!
Қошкийди...

МЕҲРИ

Садқайсар бундай барнолар!
Яхши, ухланг, майли!
Ярим кечада —
Маликам, бемаҳал қандай маш-маша?
Эртага ўзингиз кўрасиз, ахир,
Беҳуда йўртмаган бу ерга ўша!..

3

Саҳро баҳорининг оқшоми кўркам,
Юлдузни учуриб кетмаган шамол.
Қайга юриб,
қайга қўймагил қадам —
Ҳар ерда сен билан самовий жамол.

Хаёл оғушида сирли бир туйғу,
Тубсиздай кўринар ложувард осмон,
Балки,

тубсизликка қопқа ўзи у,
Сен эса чўпонмас,
бир дарвозабон.

Юлдузлар юлдузмас,
сурув-сурув қўй,
Яйлов кечасини жондан севаман...
Сону саноғи йўқ!

Яхшиликка жўй!
Эҳтимол барига ўзинг эгасан.
Эрта тонготардан жазирама кун,
Тандирдай қизийди сувсиз,
ташна чўл.

Елғизлик йўлдошинг,
ҳаммадан устун,
Буни ҳис этмоқлик,
нақадар мушкул!

Нақадар тун қора,
юлдузлар ёрқин,
Истиқбол эшиги яқин-яқиндай...
(Чўпон йигит нафас олару, ҳорғин,
Идрок данагини чақар чақиндай...)
Чўлу даштдан нари —
адрни бўйлаб,

Тоғларга интилсанг, таажжуб эмас!
Майли,

сирли олам ташвишин бўйлаб,
Уни бардош билан енга олсанг бас!
Кошки,

шунинг ўзи қилса кифоя,
Фақат орзу билан яшаса, инсон?
Қўй-қўзилардан бўлак ҳимоя —
Сенга насиб эмас,
эй шўрлик чўпон!

Ўзингни,
ақлингни қийноққа солиб,
Бошингни қашлашга ҳожат йўқ,
демак,

Юлдузлар тўпини мўлжалга олиб,
Кўкларга қўл чўзиш
не учун керак?

Сенга насиб этмиш фақат бир юлдуз,
Фақат битта тақдир,
биттагина йўл;

Кўю-қўзи боқмиш кечаю-кундуз,
Қора манглайингга ёзилган шу чўл,
Фақат, битта юлдуз...

эҳтимол ўша —
Бошқалардан кўра ёрқин кўринар,
Кунларнинг тош бағрин ёриб ҳаммиша,
Ҳаётинг йўлини ёритиб турар!
у,

севги юлдузи бўлса,
эҳтимол?

Унинг такрорланмас излари

Ўктам —
Одамлар қалбидан ўтган безавол,
Балки, шунинг учун азиз,
мукаррам!

Дейдиларки,
севги ардоқлаган дил

Қордай оқ,
гулдай пок,
офтобдай иссиқ...

Муҳаббат пойига йиқилмиш ақл!
Ҳолбуки,

гавҳари тиниқдир,
тиниқ...

Кун узун,

тун қисқа:

Вақт фалсафаси
Ҳаёт фалсафаси билан чамбарчас.
Боғи чирой ичра наврӯз нафаси —
Кимгадир эркинлик,
кимгадир қафас!..

Яна ўша юлдуз,

бир юлдуз порлар,
Юлдузлар ичида ўтли, нўрафшон.
Ошиқ юракларни ўзига чорлар,
Дардли юракларга солар ҳаяжон...
Сен ҳақсан,

азизим,

баркамол Юсуф,

Қўзичоқ териси — ёпинчоғингдир,
Ухласанг,

ширин туш овунчоғингдир,

Аммо, билолмайсан сенга не насиб?!
Ҳали бошда бордир не-не савдолар,
Не-не ғавғолар!..
Ўз фолингни ўзинг очдинг дафъатан,
Қалб косасидан дард аримай туриб,
Бахтингни панага олгандай бўлиб,
Бош тортдинг йилларнинг жаримасидан...
Тақдиринг устидан чиқардинг ҳукм,
Ҳали билмас эдинг,

сени не кутар,

Гўё адоватга бошладинг ҳужум,
Ким билсин, бу жангда

ким кимни ютар?!

Шошил:

Ортинга боқ,

кузат,

қудоқ сол!

Қўю-қўзиларинг омонми, омон?
Тақдиринг китобин ўқиганинг рост,
Такрорласанг,

Юсуф, бўлмасди ёмон!

Бир лаҳза ҳушёр торт,
кўзларингни оч,

Ой эса овчидай чўл осмонида,

Олтин балиқ тутар кўк уммонда,
Кумуш тўрин ёйиб қулоч ва қулоч...
Мудраган мавжудот гунгдай,
хангу манг...

Ажиб ҳол рўй берди,
уйқусида у

Туш кўрди...

Тушими — ўнг?

Билмас ўзи ҳам!
Шундай бир лавҳаки,
баҳордай туйғу...

Қалбдан олов олиб,
парпираган шам —

Назокат...

Латофат...

Ю С У Ф

Мен биламан,
бу —

Сенсан,

бахти қаро
сирли муҳаббат!

Енимда,
Жонимда яшардинг тилсиз,
Нигоҳлардан
нари тутардинг ўзни,
Боболар кулбаси ортида —
тоғда,

Ундан ҳам нарида —
оёқ етмаган

Йўлларда,
Чўлларда ҳамиша борсан,
Сен борсан юлдузлар қўнар жойларда...
Тириксан,
Тетиксан,

бир қучоқ гулсан...

Чўққилардан оққан кучли шалола...
Танимаган бўлсам,
азизим,

кечир!

Мен —

ташна чўпонман,
меҳрингдан ичир!

Найлай!

Бир саҳройи,
дил тўла армон...

Зеро,

сен воқифсан ҳамма нарсадан!

Кел,

бағримни исит,
ақлимни пешла,
Кўзларимга нур бер,
қўлимга қувват...

Юрагимга кир!..



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

ШАРПА

Адашма, севгилим,
эй барно йигит,
Кошки,
воқиф бўлсам, ҳамма нарсдан!
Мен
кечагина бир дардсиз қиз эдим,
Кун кўрардим отам қармоғида.
Кулги қучоғида —
теримга сиғмай...
Ҳали билмас эдим ҳаёт маъносин,
Қувончининг сўнгидан
қувонч кутардим,
Никоҳ гулчамбарин йўлаб ўтардим...
Ногоҳ
севги нақли кўзёшдай ювди
Рухсоримнинг сохта бўёқларини!
Аммо беҳабарман,
билганим фақат —
Лабларим ёнмоқда,
лабинга ташна,
Қўлларим талпинар
қўлларинг сари,
Қучоқлар қучоққа қовушса,
нетар,
Олмос қиррасидай жилоларга бой
Севги сарғузашти,
хилват сирлари...

ЮСУФ

Сен ҳақсан... Ҳақлисан!..
Аммо, не учун —
Узоқлаб борасан,
о гўзал ҳилқат,
Тўхта!.. Тўхта...
қайдан топарман сени,
Қачон
ва қандай?
Айтгил, исмингни?
Ортидан югурди, афсуски,
афсус,
Шарпа йироқлашди,
икки орада
Кенглик пайдо бўлди,
толиқарди кўз —
Тикилсанг...
ҳа, яна ўша савдо-да!
Аранг илғаб олди сўнги ундовни,
Акси садони:
«...лайҳо!»
«...лайҳ-о!...»
Бебурд
қофиялар қалашганидай
Қалашиб ётарди узоқ товушлар...

4

Юсуф уйғонди-ю,
 тун ўтмас ҳамон,
 Оқ-ойдин кечанинг чароғбони ой
 Енган шамга бир-бир уфургансимон
 Гуж-гуж юлдузларда сўнарди чирой...
 Ўша соҳибжамол, балки, қошида?..
 Балки,
 бир кўрару тарқалар хумор...
 Тонг
 ҳали тун билан кун талашида,
 Офтобни қутгандай интиқ,
 интизор...
 Ой совуқ нур сочар ёқимсиз боқиб
 Малика турарди гўё гиргиттон —
 Қулига қош қоқиб,
 дилга ўт ёқиб,
 Ҳолбуки, ўликдай лоқайд ва бежон...
 Начора!
 Бир нафас ухламоқ керак!
 Уйқуда тушига кириб, эҳтимол,
 Тасалли топса, ҳеч ажабмас,
 юрак!..
 Уйқуни кўзлардан ҳайдарди хаёл!..
 Қўйлар маърашарди. Ит эса хушёр...
 Шаббода эсарди ҳорғин,
 бедармон,
 Атрофда сокинлик эди ҳукмрон,
 Юсуф мудраб, кетди уйқуга ночор...
 Чўчиди...
 тўсатдан уйғотди кимдир...
 Қўю-қўзисидан безовтами ё?
 Қўзларини йириб очди-ю,
 жимдир,
 Бўлмағур ваҳима кўнглида пайдо...
 Қарийсида кўрди икки жуфт оёқ,
 Осмонга устундек турар гўдайиб...
 Ерда ётган —
 қонга бўялган пичоқ
 Гўёки қарарди унга ўқрайиб.
 Юсуф дод солгудай бўлди ғазабнок...
 Дарҳол ўзин тутди,
 таниди барин,
 Таниди отанинг нақшдор ханжарин,
 Лекин,
 бу ханжардан ким бўлуր ҳалок?!
 Боқса,
 оғалари турар қошида
 Ва ётар териси шилинган қўзи...
 Бўғзидан
 бўғилиб чиқмасди сўзи.
 Бирдан
 қонли қўллар ёпишди унга,
 Нима гап?
 Кошкийди боисин билса!

Е ғафлат босдим,
алданиб тунга?!
Умрида биринчи бундай ҳодиса...

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Дамингни чиқарма, эркатой,
энди!

ЮСУФ

Нима гуноҳ қилдим,
айтинг, оғалар!

ИККИНЧИ ОҒАСИ

Ҳаммасига
ҳозир жавоб берасан!..

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Яна тилин тиймай, гапиради-я,
Гўёки,
ҳеч нарса билмас кишидай...
Хусни жамолингни экиб қўяман,
Эртага кўкариб чиқади...
эшит!

Ҳа,
падаримизнинг кўзин тиндирган,
Бошин гангитган ҳам,
шу сенинг ҳуснинг,
Барнолигинг,
Донолигинг...

Оқибат —

Биз шумшайиб қолдик
йўл ёқасида —
Ётган тошдай беқадру қиммат...
Сенинг гуноҳларинг
бизга ёзилди,
Қилмишинг жабрини тортдик тобора...
Отамиз
у ёққа—бу ёққа ўтса,
Гепкилаб ўтарди,
қақшатиб,
хўрлаб,
Назар-писанд қилмай меҳнатимизни!
Сен-чи, сен?
Ҳамиша кўз қароғида...
Сенга насиб бўлди таҳсин,
эътибор,
Инъому мукофот,
эъзозу, икром...
Яна булар етмаганидай,
яна...

ИККИНЧИ ОҒАСИ

Ҳа, яна...

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Яна сен, падаримизни —
 Чалғитиб,
 гангитиб,
 тойдириб йўлдан,
 Бутун бир мероснинг улкан улушин
 Узингники қилиб олдинг ҳаромхўр!
 Ҳолбуки,
 ҳаммаси шу оғаларинг
 Тадбиркорлигидан,
 манглай теридан
 Дунёга келмиш...
 ҳа... сеңинг даҳлинг йўқ!

ЮСУФ

Худо ҳаққи,
 менинг даҳлим йўқ,
 даҳлим!

ИККИНЧИ ОҒАСИ

Даҳлим йўқ эмиш!

ЮСУФ

Ҳа!
 Онт ичаман!!!

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Онтми? Онт ичасанми?!
 Сен —
 иблис,
 илоннинг ёғини ялаган...

ЮСУФ

О, оға, оғалар!
 Нечун, бу зўрлик?..
 Отам пойига бош қўйиб,
 сўрайман,
 Сизга буюрсин у топган молу мулк,
 Менга ҳожати йўқ бир чўпини ҳам!

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Яна доғулилик қилаяпти-я!..
 Биласан-да,
 отамизнинг феъли-атворин,
 Сен айтдингми,
 тамом — вассалом,
 Бебахра қилади ҳамма нарсадан!..
 Йўқ! Йўқ!
 Бизни энди макр қармоғига —
 Илнтиролмайсан осонликча сен!
 Биз нодон эмасмиз,
 Бунга йўл қўйиб,
 Яна отамизга дуч қилсак сени!
 Энди,
 отамизни кўрмайсан асло!

ЮСУФ

Е раббим!..

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Сўнг,
дарров, мана бу сўйилган қўзи —
Қонига бўяб ол уни!

ЮСУФ

Оғажон!

Нима қилмоқчисиз?.. Гуноҳ-ку,
гуноҳ!

Наҳотки

бир қорин талашиб тушган —
Одам бир-бирининг гўштиги еса,
Қорақуртдан

нима фарқи бор унинг?!
Чидаб бўладими
бундай даҳшатга?!

Малъунлик эмасми,
оға-инини —

Улдириш,

қон тўкиш!

Сўнг юволмайсиз,

Юволмайсиз,

хайҳот!

Ҳеч вақт,

ҳеч қачон —

Қўлни ювган каби юрак қонини!!!

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Сен

бу гуноҳнинг ташвишин тортма,
Ўзингни ўйлагил, ўзингни!

Лекин

Илоннинг қонидек сенинг қонингга
Ўзни булғамоқни истамаймиз ҳеч!
Само ўзи берсин сенинг жазонгни!
Бизга

фақат қолди оёқ-қўлингни
Маҳкам боғлаб, сувсиз қудуққа ташлаш!
Бошқасин—ташналик,

ҳўл ҳарорати
Ҳал қилади ўзи...

ҳа, қани, боғла...

Кейин, кўрсатамиз надаримизга
Қонга бўялган бу усту бошингни...
Деймизки, қандайдир ваҳший ҳайвонлар
Саҳрода шўрликни ғажиб ташлабди...
Биров

сени излаб ўлтирмайди ҳам!...

ЮСУФ

Жаҳаннам қаъридан чиқдимиз овоз?!

Ажал ҳансираши —

эшитганларим...

Сиз — инсон эмассиз,
 йиртқичнинг ўзи!..
 Йиртқичдан баттарсиз!
 Мен ҳали ёшман, —
 Яшашни истайман!
 Англадим энди,
 Сизни тутоқтирган менинг ёшлигим!!!
 Кўркам ёшлигимни кўра олмайсиз,
 Қалбингиздан биров узиб олгандай!
 Тақдир косасини тўнтариб, тўккан,
 Мен эмасман, ахир,
 сизнинг ўзингиз
 Ҳаромдан беҳазар —
 макруҳ қўлингиз!
 Ақлу идрок билан иш тутмадингиз,
 Нодир,
 ноёб шароб юқини,
 ҳайҳот!
 Укангиз қони-ла қориштирдингиз...
 Энди
 ўтли ғазаб ва ўчдан ўзга —
 Туйғулар тўлқинин қондиролмас у.
 Ҳақ гап!
 Шароб захрин кесгуси шароб...
 Гуноҳ —
 бу беқидё ташналик ҳаври!..

ИККИНЧИ ОҒАСИ

Эшитдингми,
 оға?

БИРИНЧИ ОҒАСИ

Сафсата сотса,
 Сотаверсин,
 майли, сен қудуққа элт!..
 ...Баробар олайлик елкага
 қани...
 Уч,
 қасос юзига тупурдим,
 менга —
 Мерос керак,
 мерос!

5

Эски бир мавзу,
 Кигиз китоблардан қолган бу нақл...
 Найлай! Гоҳ идрокдан зўр келар туйғу,
 Гоҳ ҳисси жиловлаб туради ақл!
 Уша қаҳрамонлар, ўша ҳодиса
 Уша жараёнда,
 ўша замонда..
 Гарчанд
 китобхонга қиссадан ҳисса —
 Қуёш кўрингандай қиш — қаҳратонда...
 Қандай тузоқ қўйма одам зеҳнига,

Фақат илингани бўлади аён,
 Ахир
 қалб қуш эмас,
 даврон саҳнига —
 Эскирган услубда тикласа ошён...
 Эски йўлдан ўтган бўлсам ҳам,
 аммо
 Чанг тўзонда қолиб кетганимча йўқ...
 Эски мавзуларда янги муаммо
 Ҳал бўлса ажабмас,
 зотан, кўнгил тўқ!
 Аруздан чекиндим, бармоққа ўтдим,
 Маснавий қўл келмай қолди...
 бепарво —
 Қофия кечикса,
 кутмай иш тутдим,
 Оқ шеър жонимга киргандай оро!..
 Ҳазрати Дурбекка илтижоим бор,
 Мавлоно Жомийдан сўрайман узр!
 Қимни кўрган бўлсам бу йўлда —
 зинҳор
 Ундан ўтинаман,
 тутишин маъзур!
 Кўҳна ривоятлар бағрин очса ҳам,
 Лекин унга руҳан кирмоқлик қийин.
 Зиддиятлар аро топмасман барҳам,
 Ўтмишим барқарор,
 тарихим тайин —
 Яралгандир ҳаёт силсиласида,
 Улоқтириб ташлаш кўзлардан нари —
 Шаку шубҳаларнинг зилзиласида
 Қурбон бергандай гап айни маҳали...
 Яна ўша Юсуф,
 Зулайҳо нақли...
 Яна ўша оғир, чалкаш йўл, ҳатто,
 Эътироз билдирса танқидчи ҳақли,
 Ҳамдард бўлолмаса дилдан, мабодо!
 Баҳсга ҳожат борми?
 Балки йўқдир, йўқ!
 Ҳожат бор деса-чи, кўрмайман
 иллат.
 Давру даврон эса мисолга тўлиқ,
 Тарих кошонаси қаватма-қават...
 Тортинманг,
 кўз ташланг,
 ҳар бир қавати —
 Замону заминдан беради дарак.
 Инсон тарихга бош суққан соати —
 Бахс алангасида ёнади юрак,
 Яна
 ҳамма нарса бошланар бошдан
 Гўё ўтмиш йўқдай,
 эзгулик йўқдай...
 Тўғридай туюлар қарасанг ташдан,
 Тўғри эканига кўнгил ҳам тўқдай,
 Яна, яна ўша эски бир жумбоқ,

Тарих қонуни шу,
 йўл-йўриғи шу...
 Мол-мулкка,
 кўркка ким
 хирс қўймас, бироқ —
 Ундан гўзал ёшлик,
 ўктамлик бор-ку!
 Ёшлик —
 нурдай тиниқ
 тонгдай оппоқлик
 Шалоладан учган қатрадай олмос!
 Ёшликни кафтда тут,
 умри ардоқли,
 Эй, одам,
 одимни ўйлаб,
 ўлчаб бос!
 Наҳотки,
 тарангдир яна асаблар!
 Наҳот,
 тарих ўзи бўлмаса сабоқ,
 Олчоқлик қолдирган наслу насаблар
 Тун қўйнидан чиқса,
 қўлида яроқ!
 Наҳотки, тафаккур адашса йўлдан?!
 Жаннатни қўйса-ю, кирса дўзахга,
 У дунё турса-ю,
 бу дунё қўлдан —
 Кетса,
 ҳожат қолмас, ҳатто изоҳга!
 Йўқ!
 Тиним билмайди ҳаёт дарёси,
 Эски ўзанлардан
 янги йўл топар,
 Инсон эҳтироси —
 замон нидоси
 Буюк бир театр эшигин қоқар —
 Саҳналар алмашар,
 ўша драма,
 Уша ўйинчи-ю,
 ва ўша ўйин...
 Гарчи,
 узмаса ҳам кўзини ҳамма
 Бир хил ўйин кўриш,
 эҳтимол,
 қийин!
 Лекин,
 режиссёрнинг ҳушёрлигидан,
 Уйдан.
 дидидан —
 таҳсин,
 гулдурос...
 Юрагида сўнмас ўт борлигидан
 Нигоҳида ёнар идрок, эҳтирос...
 Тарих ғилдираги босар олдинга,
 Уни ўз ортига қайтариб бўлмас!

Йўл-йўлга на ўхшар,
ойдин ойдинга!

Менинг
шеърим йўли —
зулматли йўлмас!..

Демак,
ривоятнинг мазмунига боқ,
Утмишининг йўллари чалкаш бўлса ҳам,
Йўлдан адашмаслик йўлчига синоқ,
Манзил-манзилларда ёқиб ўтгай шам...
Яна

йўлда йўлчи этади давом,
Тарих ғилдираги айланар тинмай...
Изларни из босар алмашгандай ном,
Замон турар гўё маррадан жилмай,
Воқеалар фақат жой алмаштиради,
Ёзиб улгуролмас шоир қалами...

Қани,
қувиб кетдик,
йиллар қадами —
Қувган билан етмас,
кўз қамаштирар!..

Йўл-йўлакай қанча талофат,
қурбон,
Аммо ўлжадан ҳеч дарак йўқ,
дарак!

Уша ўзимизгй яқин,
қадрдон
Юсуф, Зулайҳони қўмсайди юрак.

(Давоми бор)

Равшан Қодиров

ФАРЗАНД

ҲИКОЯ

— Амаки, ўн тийин бериб тулинг... — тасоّدифан келган овоздан ҳайратланиб орқамга қарадим. Катта қора сумка кўтариб олган ўн ёшлардаги бола кўзини пирпиратиб, менга тикилиб турарди.

— Нима қиласан?

— Бувимлар манави бинонинг орқасидаги касалхонада ётибдилар. Ҳар куни келиб, ўша ердаги кичкина бозорчадан нон олардим. Ўзимнинг пулим бор, фақат битта нонга етади. Бувимлар нонни тоқ обориб бўлмайди, дейдилар. Бугун автобусда ёмон кондуктор экан, билет оласан, деб туриб олди. Шунинг учун... Мен эртага яна келаман. Агар эртага келсангиз, пулингизни албатта олиб келиб бераман. Ишона қолинг... — дея бидирлай кетди болакай. Мен чўнтагимдан йигирма тийинлик танга олиб унга узатдим.

— Бу кўп-ку, амаки! — бола ажабланиб менга қаради.

— Бошқа майдам йўқ экан, олавер ука, кейин ҳисоб-китоб қилармиз, — дея ҳазиллашдим. У пулни олиб:

— Раҳмат амаки, эртага албатта олиб келаман! — деди-да, касалхона томонга қараб кетди.

— Бу ғалати учрашувдан кайфиятим кўтарилиб, газета олиш учун киоскага яқинлашдим. Сотувчига тангаларни узатдим. Соқоллари силлиқ таралган, қорачароқ чол чақаларни олди-да, менга қараб мийиғида кулиб қўйди:

— Ўғлингизми?

— Қимни айтяпсиз? — ҳайрон бўлиб чолга қарадим.

— Қимни бўларди, ҳалиги сиз пул берган болани айтяпман-да. Назаримда, касалхонада кимидир ётса керак, бир ойдан бери қатнайди. Барака топсин, бояқйш.

— Э, уни айтяпсизми? Йўқ, ҳеч кимим бўлмайди...— мен бирдан нохуш тортидим. Доим шунақа: биров фарзандим бор-йўқлиги ҳақида сўраб қолса, айб иш қилиб қўйган одамдай мулзам бўламан. Хотиним-ку, туғишга туғади, аммо бола турмайди. Пешона экан...— Отахон, ҳозирча ўзимда бола йўқ, худо хоҳласа... Болаларни яхши кўраман... Ҳалиги боланинг бувиси касалхонада экан, нонга пули етмай қолипти, шуни...

— Э, яшанг, жуда савоб иш бўпти, умрингиздан барака топинг,— чол тахлоғлиқ газеталардан битта-битта ола бошлади.

— Узиям одобли бола кўринади. Эртага шу ерга келинг, пулингизни албатта олиб келаман, деди.

— Ҳа, яхши бола экан. Албатта, келинг!— чол менга газеталарни узатди. У билан хайрлашиб, машинага ўтирдим-да, уйга кетдим.

Эртасига бола айтган вақтда ўша киоска ёнига келдим. Киоска берк. Бола ҳам кўринмайди. Чорак соатча кутдим.

Ҳайрон бўлиб энди ортимга қайтмоқчи эдим, кўзим мен томон келаётган болага тушди. Қўлида кечаги қора сумкаси. Изғириндан кўзлари ёшланиб, бурни қизариб кетибди. Бола ёнимга келди-да, бурнини энги билан артиб, салом берди. Мен ҳам саломлашдим.

— Амаки, боядан бери сизни пойлаяпман. У ёқда бувимлар кутиб қолдилар...— дея қўлида ушлаб турган йигирма тийинлик тангани узатди.

— Қўявер, ука, ўзингга олавер, морожний олиб ерсан,— кулиб қўйдим-да, узатган тангани олмадим.

— Амаки, мен бировларнинг пулини олмайман. Агар кўчадан топиб олсам ҳам, олмайман. Манг, олинг!— у шундай дея яна тангани узатди.

— Нега олмайсан?— қизиқсиниб сўрадим.

— Бувимлар айтганлар: агар бировнинг пулини олсам, бир кунмас-бир кун бўйнимдан ўсиб чиқар экан. Кейин бошим узилиб тушади...— у хўрсиниб қўйди. Мен эса унинг содда тасаввуридан баралла кулиб юбордим.

— Агар биров сенга ўзи рози бўлиб пул берса-чи?

— Бунисини айтмаганлар. Кейин ҳеч ким бекордан-бекорга пул бермайди,— деб яна бир бор пулни узатди.

Мен пулни олмаслик учун ҳарчанд баҳона қилмай, у ўз сўзида туриб олди. Қарасам, хафа бўладиган, бунинг устига, юпунгина кийингани учун совуқ қотиб кетаётибди. Ноилож тангани олдим. У:

— Раҳмат, амаки,— деди-да, қора сумкасини кўтариб, кета бошлади. Сумка энгиллигига қарамай, анча қўпол бўлгани учун юришига ҳалал берарди.

— Тўхта!— деб юбордим беихтиёр. Бола тўхтаб менга ўгирилди.

— Юр, обориб қўяман!— бориб қўлидан сумкасини олдим. У менга қараб, ҳайратини яширолмай кўзларини пирпиратиб қўйди.

— Юр, машина турибди. Яхши бола экансан. Менга ёқиб қолдинг,— дея уни машина томон етаклай бошладим. Бола ажабланиб индамай тураверди. Кейин бирдан қўлимдаги сумкага ёпишиб:

— Раҳмат амаки, яқин-ку, ўзим боравераман,— деб сумкасининг бандини ушлаб олди.

— Қўрқма, овора бўлмайман, ўзим ҳам ўша томонга кетяпман. Оғайнимни кўриб чиқишим керак. Юр тезроқ! Бозорча ёпилмасдан етиб олайлик,— деб уни яна судрай бошладим.

Бозорчанинг ёпилиши дарагини эшитган бола шошиб қолди шекилли, индамай орқадан эргашди. Биз машина олдига етиб келдик. Мен эшикни очиб уни ўтиришга таклиф қилдим. У бир оз ийманиб турди.

Иккинчи марта айтгандим индамай ёнимга ўтирди. Сумкасини орқа ўриндиққа ташлаб қўйдик.

— Сумкангда нима бор?— деб сўрадим машинани юргиза туриб.

— Шовла,— секингина жавоб берди бола.

Биз бозорчага етгунча жим кетдик. Машина ҳали қуримаган асфальтда шивиллаган овоз чиқариб, физиллаганча кетарди. Кун қисқа бўлгани учун қуёш ботиб, қоронғи тушиб қолган эди. Шаҳар чироқларини ёқмоқда. Симёгочлардаги неон лампалар аста липиллаб туриб бирдан ёришиб кетди. Қўча йўлкалари одамлар билан гавжум. Қасалхона рўпарасидаги кичик бозорча ёнида тўхтадик. Буни бозорча ҳам деб бўлмади. Кострюлда қатиқ сотаётган аёллар билан нефурушларни ҳисобга олмаганда, бозорчиларнинг кўпчилиги хонимфуруш хотинлар; олма, апельсин сотаётган чайқовчилар эди. Биз машинадан тушдик. Бола хўрозқанд сотаётган чолнинг ёнидан ўтиб, дастурхонга ўралган сават олдида турган жувонга яқинлашди. Жувон уни кўриши биланоқ саватга энгашиб:

— Вай, Мўмин, нега бугун кеч қолдинг? Боятдан бери кутяпман. Нон ҳам совиб қолди. Келарсан деб ҳеч кимга сотмадим,— жувон шундай деб дастурхонни очди-да, охири иккита нонни болага узатди. Мен чўнтагимни ковлаётган эдим, бола мендан олдин тайёрлаб қўйган тангаларни унга берди. Аёл пулни олиб, ёнидаги чолга:

— Яхши қолинг, ота,— деб бўш саватини кўтарганича жўнаб кетди.

— Мўмин,— дедим сумкасига нон солаётган болага.

— Лаббай,— дея менга юзланди. Шу топда бу думалоқ юзли, кўзлари маъюс боқувчи озғин болага меҳрим ортиб кетганди.

— Бувингни бир хурсанд қилмаймизми?

— Қандай қилиб, амаки?— ҳайрон бўлиб сўради Мўмин. Мен индамай уни олма сотаётганлар томон бошладим.

— Икки кило тортинг!

Мўмин индамай менга тикилиб турарди.

— Мана, брат!— деди хушмуомалалик билан мўйловли йигит. Кейин қоғоз халтачага олмаларни солиб қўлимга тутқазди.

— Неча пул бўлади?

— Олти сўлкавой берсангиз, бас. Биз рози!— дея тилла тишларини кўрсатиб тиржайиб қўйди. Иккита уч сўмлик олиб йигитга узатдим. У пулни олиб суфлади-да, пештахта устидаги қоғозни кўтариб тагига ташлади, яна бир бор тиржайди. Мен анқайиб турган болакайнинг қўлидан тортиб:

— Қани кетдик,— деб сумкани кўтардим. У жимгина кетимдан эргашиди. Бир оз юргач, мени тўхтатди.

— Амаки, олмаларни нимага олдингиз? Сиз бувимларни танаймасиз-ку?

— Танаймасам нима бўпти, таништириб қўясан,— деб кулиб қўйдим.

— Йўқ, амаки, бувимлар мени уришадилар!



— Уршмайдилар! Мен олмани совғага олиб келдим, дейман. Уғлингиз яхши бола экан, менга ёқиб қолди, дейман.

— Ростданми?— ишонқирамай сўради Мўмин.

— Ростдан.

— Сиздан пул сўраганимни ҳам айтасизми?

— Айтайми?..— деб синамоқ мақсадида сўрадим. У бир оз икки-ланиб турди. Кейин кўзларини юмиб бир нарсаларни пичирлай кетди.

— Қанақа дуо ўқияпсан?— ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Майли, айта қолинг, пулингизни қайтариб берганимни ҳам айтинг!— деди-да, кўзини очди. Унинг бу ғалати қилигидан ажабланиб тургандим, у:

— Амаки, сиз яхши одам экансиз-а,— дея менга тикилди.

— Шунақа бўлса керак,— дедим кулиб.

— Мана кўрасиз, бувим жуда хурсанд бўладилар,— деди ва қирқлаб кулишга тушди. У жудаям ширин кулар экан. Мен учрашганимиздан буён биринчи марта унинг кўзлари порлаганини кўрдим. Мўмин болаларга хос завқ билан куларди. Мен унинг нима сабабдан кулаётганини тушунмасам ҳам беихтиёр унинг кулгисига қўшилишга мажбур бўлдим. У сумканинг бир бандидан ушлаб:

— Кетдик амаки!— деди қувноқлик билан. Иккаламиз сумканинг икки бандидан ушлаб олганча касалхона томонга юра бошладик.

Қасалхона катта, кўп қаватли эди. Ҳовлисида бир нечта фавворалари бўлиб, атрофи гулзор билан ўралганди. Ён томонини тўп-тўп дарахтзорлардан иборат боғ қоплаганди. Темир панжарали девор, рўпарадаги тунука дарвозага туташиб кетганди. Дарвоза ланг очиқ.

Биз ичкарига кирдик. Мўмин мени баланд бинога бориб туташган ойнаванд йўлак томонга бошлади. Шу пайт орқамиздаги аёл кишининг:

— Мўмин,— деб чақирган овози эшитилди. У ялт этиб орқасига қаради-да, тўхтаб қолди. Мен ҳам орқамга ўгирилдим. Оқ халат устидан кўк пальто кийиб олган хушрўйгина жувон биз томон келарди. У ёнимизга келганда Мўмин хурсанд овозда салом берди. Аёл зўраки жилмайиб алик олди ва нарироқда кутиб тур, деган маънода Мўминга ишора қилди. У индамай сумкасини кўтариб нари кетди. Аёл мен билан саломлашгач, руҳсиз бир тарзда гап бошлади:

— Келганингиз яхши бўлди. Мен Мўминни йўлакдаги қоровулхонада кутиб тургандим. Қандай айтишни билмай жуда бошим қотди. Минг қилса ҳам бола бола-да. Бундан уч кун аввал хотинингиз келганди. Ушанда аҳволлари оғир, тез-тез хабар олиб турунглар, деб тайинлагандим. Икки кунлардан кейин тоғалари ҳам командировкадан келиб қолади. Ёлғизлагани қўймаймиз, деб гапиргандай бўлувди. Командировкадан эрта тугабгани ҳам яхши бўлибди...

— Тинчликми?— дея аёлнинг гапини бўлиб сўрадим. У бир оз индамай турди. Мен эндигина Мўминни тоғаси эмаслигимни гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим, аёл гап бошлаб қолди:

— Нима ҳам дердим. Сиздан яширадиган жойим йўқ. Кампир рак эканлар... Бунинг устига, бирортангиз ҳам ундан хабар олмадинглар. Яхшики, невараси Мўмин бор экан, ўша бечора... Мени кечирасиз, нохуш бўлса ҳам айтаман. Мен аммангизни даволовчи врач эдим. Бугун пешинда кампир оламдан ўтдилар...

Биров бошимга оғир бир нарса билан ургандай бўлди.

— Мўмин!!!— жон ҳолатда қичқирдим ойнаванд бино рўпарасида мени кутиб турган болага.— Бу ёққа кел!

Мўминнинг келаётганини кўрган врач тез-тез гапира бошлади:

— Уй-жойни Мўминга васият қилдилар, васият қоғозни эртага келганингизда мендан оласиз. Соат ўн бирларда жасадни олиб кетишингиз мумкин. Майли, узр, мен кетақолай.

Мутлақо гангиб қолгандим. Врачни тўхтатиб бор гапни айтмоқчи ҳам бўлдим, лекин бунинг бефойда эканлигини ҳис қилгач, фикримдан қайтдим. Бу орада Мўмин олдимга етиб келди.

— Амаки, дўхтир опамни қаёқдан танийсиз?— деб илжайиб сўради-да, сумканинг осилиб турган иккинчи бандидан ушлади. Мен индай олмадим, худди тилим танглайимга елимланиб қолгандай эди.

— Юра қолинг! Бувим кутиб қолдилар-ку!— эркаланиб гапирди Мўмин. Мен аста унга тикилдим, унинг аввалги маюс кўзларини шодлик қоплаганди. Афтидан, врачнинг мен билан гаплашгани уни суюнтириб юборганди. Иложсиз жилмайдим.

— Биласанми... ўша дўхтир опанг биздан хафа...

— Нега?— ҳовлиқиб сўради, кейин кўзларини пирпиратиб аёл кетган томонга қараб қўйди. Томоғимга тикилиб қолган бир нарсани ютишга ҳаракат қилиб, яна гапимни давом эттирдим:

— Бугун буving шовла эмас эканлар...— дея олдим зўрға.

— Бўлмаса олмаларни берамиз. Биладан, олмаларниям емайдилар. Синглинг билан ўзинг егин, деб қайтариб юборадилар. Мен бари бир бир халтачадаги олмаларни уларга қолдираман. Юрақолинг энди,— деб у яна мени тортқилай бошлади. Тиззаларим қалтираб кетди. Юрагим сиқила бошлади. Ҳолатимни сездирмаслик учун совқотган киши бўлиб қафларимга уфладим-да:

— Мўмин!— дедим.

— Лаббай, амаки!— деб у юзимга қаради.

— Даданг қаерда ишлайди?

— ...

Боланинг жовдираб турган кўзлари бирдан ўзгарди. Юпқа лаблари титраб кетди. У совуқ еган қулоқларини ишқалади-да, ерга қараб олди. Мен аҳмоқона савол бериб болани ўкситиб қўйганимни сездим.

— Амаки, сиз яхши одамсиз-ку! Нега ундай қилиясиз?— дея у қўлимдан сумкани олди. Ичини очиб қоғоз халтачадаги олмани менга узатди. Мен довдираб қолдим.

— Жойига солиб қўй!..— дедим жаҳлим чиқиб, аммо унга раҳмим келаётгани, ночор бир аҳволда эканлигимни Мўмин сезиб тургандек эди.

— Керак эмас, бари бир бувим емайдилар, қаттиқ экан,— у шундай деди-да, олмаларни қўлимга тутқазиб аста ойнаванд бино томон кета бошлади.

— Тўхта!

У индамасдан кетаверди.

— Тўхта. Тўхта деяпман сенга! Тўхтасанг-чи...— Мўмин гўё мени эшитмагандек, бошини ҳам қилганича, индамай кетиб борарди.

Қўнглимга «майли, бораверсин, эртами кечми, бари бир бу шум хабарни эшитади-ку. Мендан эшитди нима-ю, бировдан эшитди нима, ахир эшитади-ку!» деган ўй келди. Энди орқамга қайтмоқчи эдим, иккинчи бир ўй мени тўхташга мажбур қилди. «Йўқ, мен анови доктор аёл олдида нима деган одам бўламан? Айтмайдимми, қандай разил, қандай қабиҳ одам экан, деб. Агар ҳозир биринчи дуч келган ҳамшира томдан тараша тушгандек, Мўмин, буvingлар ўлиб қолди, энди уйингга кетавер, деса-чи?.. Бечора бола... Йўқ, энг яхшиси уни тоғасининг олдига олиб боришим ва унга бор гапни айтиш керак!»

Мўминнинг орқасидан чопдим. Бола бинога етмасданоқ, унинг олдини тўсиб, қўлидан сумкани тортиб олдим. У ҳайрон бўлиб менга қараб қолди.

— Мўминжон, ука, жуда ғалати экансан. Ахир мен сенга айтдим-ку, бугун буvingлар шовла емайдилар, деб. Буни дўхтир опанг айтди менга!

— Нима ер эканлар?— ҳайронлигини яширолмайд сўради Мўмин.

— Ҳозир биз сен билан тоғангникига борамиз. У ердан бувингга хўрда олиб келамиз. Дўхтир опанг мендан, Мўминжонни тоғасиникига машинангизда обориб келинг, деб илтимос қилди. Бувингга суюқ овқат керак экан,— дея қўлимдаги олмаларни сумкасига солиб қўйдим.

— Амаки, тоғам уйда йўқлар, командировкага кетганлар,— у маънос хўрсиниб қўйди.

— Келинойинг-чи?

— Келинойим мени ёмон кўрадилар.

— Дўхтир опанг бугун Мўминжоннинг тоғаси командировкадан келди, деб айтди-ку!

— Ростданми!!!— қичқириб юборди бола.

— Ростдан.

— Бўлмаса мен ҳозир бувимларга айтиб чиқай,— деди-да, яна хурсанд бўлиб бино томон талпинди. Мен зўрға унинг қўлидан ушлаб қолдим.

— Сен ақлли боласан-ку, Мўмин! Агар бувижонингнинг олдига ҳозир кирсанг, у сени тоғангникига юбормайди. Мен учун овора бўлиб юрадим, бечора, деб ўйлайди-да, қўявер, қорним тўқ, эртага олиб келарсан, дейди. Дўхтир опанг бугун олиб келинглар, деди. Юр тезроқ борайлик, агар кечга қолсак, кейин бизни киргизишмайди...— деб уни дарвоза томонга етаклай бошладим. Гапларим таъсир этди шекилли, индамай орқамдан эргашди. Мен унинг қўлидан маҳкам ушлаб олгандим. Бир қўлимда эса унинг қора сумқаси бор эди. Биз машинага етгунча индамасдан етаклашиб бордик. Мен эшикни очиб, аввал Мўминни ўтказдим, кейин ўзим ўтириб, шошилганимча машинани жойидан қўзгатдим. Ниятим тезроқ шу даргоҳдан узоқроққа кетиш эди. Машинанинг силтаниб, физиллаганича тезлик олиши Мўминга таъсир этди чамаси, завқланиб мени мақтаб қўйди:

— Амаки, машина ҳайдашга уста экансиз-а!

— Хоҳласанг сенга ҳам ўргатаман,— дедим эркалаб.

— Алдамайсизми?— ишонқирамай сўради Мўмин.

— Йўқ, фақат ҳозир эмас, каникулга чиққанингда ўргатаман.

— Бўпти,— деб севинганича жилмайиб қўйди у. Унинг кўзлари яна шодликка тўлганди. Мен унинг хурсанд бўлиши, завқланиб қулиши учун олдиндаги машиналарни қувиб ўтардим.

Мўмин орқада қолган машиналарга қўлини кўтариб илжайрди. Чорраҳага шу зайлда етиб келдик. Кейин мен у кўрсатган томонга бурилдим. Марказий кўчага чиқиб олганимизда юриш анча қийинлашди. Автомобилларнинг кўплигини, олдиндаги турнақатор троллейбусларнинг тиқинини кўриб, тезликни камайтирдим-да, ўнг томонга ўтиб олдим.

Мўминнинг тоғасиникига етиб келганимизда ёмғир томчилай бошлаганди. Мен у кўрсатган хонадон рўпарасида машинани тўхтатдим.

— Амаки, юринг!— деб қистай бошлади Мўмин.

Машинадан тушдим-да, эшикни ёпиб, оқланган девор чеккасидаги қизил дарвоза томон юра бошладим. Сумкасини кўтариб олган Мўмин ортимдан эргашди.

Хаёлимда, агар тоғаси командировкадан келмаган бўлса, келинойисига ҳамма нарсани тушунтириб, Мўминни уларникида қолдириб кетаман, деб ўйлаб, дарвозага яқинлашдим. Дарвозанинг бир табақаси ланг очиқ бўлиб, тепасидаги шиша қалпоқли чироқ хирагина нур сочиб турарди. Ҳовлига эндигина мўраламоқчи бўлиб тургандим, ичканидан беқасам тўн кийган нуроний қария чиқиб келди. Унга йўл бе-

риш учун ўзимни четга олиб саломга оғиз жуфтладим. Отахон мени гапиртиришга ҳам қўймай:

— Жон болам, таъзияга намозшомдан кейин бориб бўлмайди...— дея бошини бир-икки чайқаб, бино бурчидаги муюлишга қараб кетди. Ҳеч нарсани тушунолмади, тонг қолдим.

— Амаки, отамлар нима дедилар? Нега ичкарига кирмаяпсиз? Юрий деди-да, Мўмин остона ҳатлаб ҳовлига кирди.

— Тоғангни чақириб чиқа қол!— деб эшик рўпарасига туриб олдим. Мўмин бош ирғаб ичкарига кириб кетди. Ойнаванд айвон зинасидан тушиб келаётган, белини рўмол билан боғлаб, қора кийиб олган аёл Мўминни кўриши билан:

— Вой, Мўминжон, тоғанг ўлиб тоғасиз қолдинг!..— деб уввос тортиб йиглаб юборди. Бу кутилмаган ҳолдан довдираб, Мўмин жойида тахта бўлиб қолди. Воқеанинг бундай тус олиши мени гангитиб қўйди. Ўзимни ўнглаб олгач, остона ҳатлаб ҳовлига қадам қўйдим. Мўмин кўрқиб кетганидан қалт-қалт титрарди. Тунука томнинг бўғотидан томаётган ёмғир унинг яланг бошини, сочларини ҳўл қилиб юборганди. Бола жуда ҳаяжонланганидан бўлса керак, ивиб кетганини сезмасди. Уни четга тортди.

Айвон зинасида челақ кўтариб турган хотин ёнимизга келиб:

— Бандалик-да! Шўрлик жуда ёш кетди. Учта боласи бор эди-я. бечоралар сағир қолишди. Эй худо-ей...

— Қачон?..

— Кеча кечқурун Самарқанддан ўлигини олиб келишди. Машина уриб кетибди. Бугун эрталаб азонга чиқаришди. Қариндош-уруғлариям кўпи беҳабар қолишди... Ўзиям ҳеч кими йўқ экан! Қасалхонада аммаси ётган экан, бечора бир ҳолатда бўлгани учун ҳозирча унга ҳабар қилишмади. Сиз ҳам эшитмай қобсиз-да... Майли, худо сабр берсин,— деб уф тортди-да, аёл кўча эшик томонга йўналди.

Афтидан, бу хотин қўшниси бўлса керак, у мени марҳумнинг бирор яқинларидан деб ўйлади. Ҳовлида яна иккимиз қолдик. Мен бирор бир одам ичкаридан чиқиб қолармикан, деган умидда зина томон юрдим. Шу пайт орқамдан эркак кишининг томоқ қириб йўталган овозини эшитиб, ўгирилдим. Беқасам тўнга ўралиб олган, қорачадан келган, қуюқ бароқ қошлари яққол кўзга ташланиб турадиган қирқ ёшлар чамасидаги киши биз томон келарди. Қўл бериб саломлашдик. У Мўминга:

— Бандалик-да, жигар! Дунёнинг ишлари шунақа экан! Бувинг тузукмилар ишқилиб?— деб суриштира бошлади. Кейин Мўминнинг қўлидаги сумкани олиб, зина ёнига келди-да:

— Хосият!— деб кимнидир чақирди.

Ичкаридан белини қора рўмол билан боғлаб олган, юришлари чаққон, кўринишидан серҳаракатлиги сезилиб турган дўмбоққина жувон чиқди. Йиғлайверганидан қовоқлари шишиб, бурни қизариб кетганди. У жувонга сумкани берди, кейин Мўминни чақириб, уни ҳам ичкарига киритиб юборди. Ўзини йўқотиб қўйган бола нима гаплигига тушунмай индамасдан аёлнинг кетидан эргашди. Бароқ қошли киши ёнимга келиб, мени ичкарига қистай бошлади.

— Ташқарига чиқайлик!— дедим-да, кўча томонга юрдим. Кўчага чиқиб машина олдида тўхтадик. Ёғаётган ёмғир ҳўл қорга айланиб, ер юзини оқартира бошлаганди. Мен бароқ қошли кишини марҳумнинг божаса эканлигини билгач, бўлган воқеани қисқа қилиб тушунтириб бердим. Киши Мўминнинг бувиси вафот этганини эшитиб:

— Эй худо!— деди-да, бошини чангаллаганича гандираклаб келиб, машинага суяниб қолди. Биз анчагача жим қолдик. Кейин у ўзини ўлга олиб, гап бошлади:

Эртага соат ўн бирларга дедингизми?

— Ҳа.

— Сиздан илтимос, ҳозирча буни Мўминга айтмайлик. Бола бечорага оғирлик қилади! Бошлаган савоб ишингизни охиригача етказасиз энди. Мўминни бир амаллаб уйига олиб борасиз. Ўша ерда маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашасиз. Мен эртага машина топиб, кампирни опкегани касалхонага борарман,— у шундай деб хўрсиниб қўйди.

— Кечирасиз, сўраганинг айби йўқ! Мўминдан отасини сўраганим, жаҳли чиқиб кетди... Кейин онасини сўрашга ботинолмадим. Улар ҳаётми?

— Отаси билан онаси ажралиб, икковлариям оила қуриб кетган...

— Бунга анча бўлганми?— ийманибгина сўрадим.

— Икки йилча бўлди, ўзиям кўп ичарди. Охири пайтларда ҳаром пул топиб қутуриб кетганди,— деб гижиниб қўйди.

Дарвозадан ҳиқиллаганча қора сумкасини кўтариб Мўмин, кетидан ҳалиги аёл чиқиб, биз томонга қараб юришди. Аёл етиб келгач, мен билан саломлашди. Кейин Мўминнинг бошини силай туриб:

— Амакиси, сиз яхши одам экансиз. Мўминнинг тоғаси ўлганини ҳозирча бувисига айтмай қўя қолинглар, тузалиб кетсалар, кейин айтармиз. Яна сиқилиб, касаллари зўрайиб кетмасин! Мўмингайм тайинладим. Банкага қопқоғини ёпиб ширин мошхўрда солиб бердим, совиб қолмасдан обора қолинглар,— деб куюниб гапирди-да, ҳиқиллаб йиғлаётган Мўминни машинага ўтқазиб қўлига сумкасини тутқазди.

— Бувингга мендан кўндан-кўп салом деб қўйгин. Ўпиб қўйишни унутма! Ҳа, айтганча, нега келган экан, деб сўрасалар, шундай бир хабар олгани, деб қўйгин, хўпми?

— Хўп,— зўрга овоз чиқарди бола.

— Майли, хайр, яхши боринглар,— деди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди. Сўнгра менга юзланиб:

— Минг раҳмат сизга. Мўмин ҳаммасини гапириб берди. Бечоранинг кўнглини ўкситмасдан шунча яхшилик қилибсиз. Биздан қайтмаса, худодан қайтар, ишқилиб... Майли, мен бора қолай. Ҳа, кампирни безовта қилмай қўяқолинглар. Кейин сал ўзларига келсалар, ўзимиз...— Биз иккимиз ерга қараб индамай турардик. Аёл яна нималарнидир гапирди, кейин ҳовли томонга қараб кетди. У дарвозадан ичкарига кириб кетгач, бароқ қошли киши мендан секингина:

— Жанозага келарсиз?— деб сўради.

— Албатта,— шундай деб машина ойнасини қоплаган қорларни қўлим билан сидириб тушира бошладим. Ойнани қордан тозалаб бўлгач, эшикни очиб рулга ўтирдим. У индамай турарди. Афтидан, менга нимадир айтмоқчидек туюлди. Мен ҳам эшикни ёполмай унга тикилиб қолдим. У бир оз хўрсиниб:

— Хўп, майли, омон бўлинг!— деб қўлини узатди. Хайрлашдик.

Машина жойидан қўзғалганда, қор ер бағрини анчагина оқартириб қўйганди. Асфальт юзасидаги қор пилчиллаб, қиёмига етмаган хол-вайтарга ўхшаб кетганди. Мўмин орқа ўриндиқда жим ўтирарди. Мен ҳам индамай, машинани атайин секин ҳайдардим. Қатта йўлга чиқиб олганимизда, кўчадаги қатнов камайиб, шаҳар сукутга чўмгандек туюлди. Аҳён-аҳёнда ҳўл қорни шилдирашиб машиналар бизни қувиб ўтарди. Чорраҳадан ҳам ўтдик. Энди ўнг томонга бурилиб, касалхонага борадиган кўчага тушиб олишимиз керак. Мен машинани тўғрига ҳайдадим. Йўналиш ўзгарганини пайқаган Мўмин ҳайратланиб:

— Амаки, бу йўлдан ҳам борса бўладими?— деб сўради.

— Йўқ!— хотиржам жавоб бердим мен.

— Бўлмаса нега буёққа...

Мен унинг гапини бўлиб:

— Ҳув анави бинони кўряпсанми, ўша ерда кўп телефонлар ўрнатилган, бориб уйга кўнғироқ қиламизда, кейин бувингнинг олдига борамиз,— дедим.

У индамай бошини қимирлатаб қўйди. Мақсадим вақтни чўзиш эди. Ярим соатдан сўнг келган одамларни касалхонага қўйиш тўхтади. Мўминни касалхонага бормасдан туриб, бошқа йўл билан алдаб, уйга олиб боришнинг иложи йўқ эди. Зотан, унинг мурғак қалбига даги яккаю ягона ардоғи — бувиси. Бувиси унга ҳам ота, ҳам она. Аммо, энди унинг бувиси йўқ...

— Амаки, бувимларнинг олдларида йиғлаб юборсам-а?— деб қолди Мўмин. Машинани йўл четига бурдим-да, шартта тўхтатдим. Сўнг ўгирилиб:

— Мўминжон ука, мен ҳам шунга йўлаб кетаётгандим. Агар бувисининг олдида йиғлаб юборса кейин нима қиламиз, деб ҳайрон бўлиб бошим қотаётганди...— дедим. У кўзларини пирпиратиб, менинг оғзимни пойлаб турарди, гўё мен гапирадиган сўз сеҳрли бўлиб, унга битмас-туганмас нажот бағишлаши мумкиндек эди. Мен пешонамни бир оз қашиб турдим-да, кейин унга тикилдим. Унинг маънос боқувчи кўзлари янаям ғамгин бўлиб, дўмбоқ юзларидаги кулдирғичлари ҳам йўқолиб кетгандек туюлди.

— Мўмин,— дедим аста.

— Лаббай, амаки!

— Бувингни жудаям яхши кўрасанми?

— Жудаям, амакижон!

— Сенга ростини айттайми?

— Майли, амаки.

— Агар бувингни чиндан ҳам яхши кўрсанг, менинг айтганларимни қиласан, ҳўпми?

— Ҳўп.

— Бўлмаса эшит: ҳозир бувингнинг олдига бормаймиз! Биринчидан, кеч қолдик, кирғизишмайди; иккинчидан, сен ростгўй боласан, бари бир йиғлаб юбориб, сирни ошкор қилиб қўясан. Кейин... уйда сингнинг ёлғиз қолган. Менда дўхтир опанинг телефон номери бор. Кўнғироқ қиламиз-да, эртага эрталаб борамиз, деймиз. Мен азонда сенинг олдинга келаман, бирга борамиз, ҳўпми?

У индамай бошини ҳам қилиб олди. Гапни чўзиш фойда бермаслигини англагач, машинани қўзғалтириб, телефон будкалари томон ҳайдадим. Троллейбус бекати ёнига ўрнатилган қатор автомат телефонлари олдида тормоз бердим.

— Мўмин, сен ўтира тур, кўча совуқ. Яна шамоллаб қолмагин. Сени ўзим чақираман,— дедим-да, эшикни ёпиб, автомат телефон будкаси томон кетдим. Уйга кўнғироқ қилиб, хотиним билан гаплашдим. Унга ҳамма гапни борганимда тушунтириб беришимни айтиб, врач аёл ролини ўйнаб беришни илтимос қилдим:

— Қисқаси, «Мўминжон, бувингга овқат олиб келиб овора бўлма. Биз карам шўрва бердик. Ҳозир ухляптилар. Эртага эрталаб келарсан», деб хайрлашиб, трубкани қўйиб қўясиз,— деб уқтирдим. Хотиним рози бўлди. Мен Мўминни чақирдим. У хомушгина ёнимга келди.

— Аллө-аллө... бу дўхтир опаи? Ҳа, ҳа, мана ҳозир. Мўминжон сиз билан гаплашмоқчи!— шундай дея трубкани унга ўзатдим. Мўмин трубкани олмади. Ажабланиб унга тикилиб қолдим. Трубкани дума-лоқ қулоғидан бўғиқ овоз эшитиларди.

«Тезроқ бера қолинг болангизга, ошхонада ёғим куйиб кетяпти, бўла қолсангиз-чи...» Мен Мўминга қарадим. Кўзлари жиққа ёш эди.

— Амакижон, тўғриси айтинг. Бувимлар...

Бўғзимга келган ҳайқириқни аранг ютиб, трубкани илдим.

— Амакижон, энди нима қиламан!!!— деб додлади-да, тиззала-римдан кучоқлаб олиб, хўнграб йиғлай бошлади. Менинг ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди. Уни шартта кўтариб, бағримга босганча, машина сари юрдим...

□

— Анави, ёнингдаги тангани олиб қўй, ўғлим,— деб олдинги бўш ўриндиққа тушиб қолган ўн тийинлик тангани кўрсатдим.

Мўмин бир қўлда рулни ушлаганча иккинчи қўли билан тангани олди-да, чўнтагига солиб қўйди.

— Дада, хомушсиз? Ахир шундай кундаям хафа бўладими киши, боятдан бери жим келяпсиз?

— Нега хомуш бўлар эканман. Ҳали замон сени табриклагани синглинг билан куёвинг келишади. Бугун уйимизда бўладиган байрамни ўйлаяпман,— деб яна хаёллар, хотиралар оламига шўнғидим.

...Бу ўша думалоқ юзли, кўзлари маъюс боқувчи, бувижонисини жондан севувчи, кичкина Мўмин эди. Бугун у — катта одам. Менинг севикли фарзандим. Машҳур рассом.

Кўз олдимда яна Мўминнинг ёшлиги намоён бўлди, қўлоғим остида беихтиёр шу сўзлар жаранглаб кетди:


— Амаки, ўң тийин бериб туринг?

— Нима қиласан?

— Бувимларга нон олмоқчийдим...

Тошкент.





Анвар Эшонов

ЧЎЛДА ВАТАН ҚИЛГАНЛАР

Жиззах чўлини ўзлаштириш ишлари кенгайтирилсин дейилганди КПСС
... XXV съезди қарорларида.

Орадан беш йил ўтди. Мамлакатимиз партияимизнинг янги — XXVI съездиди катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Икки съезд оралиғида Ўзбекистон, хусусан Жиззах харитасидаги сувсизликдан ҳансираб ётган жигарранг белгилар зиллолланди. Яқин келгусида олтмиш минг тонналик хирмон кўтарадиган қўриқ Зарбдор райони XXV съезднинг кенжа фарзандларидандир. Қуйидаги ҳикоямиз ана шу районнинг айрим пахта усталари ҳақида...

Сухбатимиз шундоқ бошланди:

— Вужудимдан ҳали ҳам ўқ-дори ҳиди кетган эмас, — деб дўпписини тўғрилаб қўйди Аҳмаджон Валиев. — Агар қўлимни қулоғимга тутмасам, сўзингизни аниқ эшитолмайман. Кантузиянинг асорати. Ҳай, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Марҳамат, қулоғим сизда.

— Аҳмаджон Валиевич, бир шоир: «билмадим насибамга неча йилу неча ой, неча соат битилмиш», деганакан. Ҳар қалай, умр — бу нисбий тушунча. Аммо, Нодирабегим: «Мақсад на эди жаҳона келдинг кайфиятинг бээн этиб кет», деб ёзганда мутафаккир эди. Замондош эди. Бу сатрлар шу куннинг ҳам шиорига ўхшайди: дарҳақиқат, инсоннинг қандоқ яшаб ўтиши — бу ижтимоий масала. Мана, сиз умрингизнинг, онгли ҳаётингизнинг ялакат мағзи нимада, деб биласиз?

Валиев бир оз ўйланиб қолди. Кейин:

— Дарҳақиқат, «инсон замонда яшар — инсонда яшар замон», деганида шоир жуда ҳақ эди, — деди. — Зотан, ҳар бир инсон ҳаётида давр руҳи акс этади. Мен умримнинг мазмунини қардошлиқда, деб биламан. Қардошлиқ! Дунё-дунё бўлгандан бери инсониятнинг энг буюк сиймолари қардошлиқни орзу этдилар. Аммо, ўзинг учун ўл етим, деган замонда қардошлиқ умид эди, шоирона тараннум эди. Қардошлиқ! Бу дунёни ҳаракатга келтирувчи бир кучким, «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», деган пурҳикмат афоризмга айланиб кетган бу шоир инсоният доҳийлари томонидан бежиз ўртага ташланмаган эди, албатта. Фақат, бизнинг жамиятдагина бу тушунча кишининг маънавий эҳтиёжига айланди. Бизнинг мамлакатимиздагина қардошлиқсиз бирор нарсани тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Ахир, ўзингиз ўйланг. Спартак қўзғолони, Сарбадорлар исёни, атиги 72 кунгина умр кўрган Париж коммунаси ҳақида ҳалигача фалсафий, назарий, илмий баҳслар юритилмоқда. Карвонга юк бўларли китоблар ёзилмоқда. Қардошлиқнинг сарчашмаси, революция фарзанди — Совет ҳокимияти ва СССРнинг тақдиримиздаги моҳияти ҳақида мен мукаммал бир нима дейишим мумкинми? Шоир айтгандай, миллион жилдли китобдур инқилобнинг талқини! Фақат шуни айта оламаник, тўрт ҳарфли — жаҳоннинг тўрт томонига нур сочаётган СССР ва унинг тўнғич фарзандларидан «Ўзбекистон» деган калиманинг ялакат мағизи, гимнимизда айтилганидек, биз — «Хур республикаларнинг енгилмас Иттифоқи» граждандарларимиз!

— Шахсан ўз ҳаётингиздан лўнда-лўнда мисоллар келтирсангиз?

— Мен — пахтакорман! Пахта! Қатрада қуёш акс этганидек, биргина шу сўзнинг ўзийёқ, қардошлиқ туйғуларини ялт этиб келтирмайдими? Олисга бормайлик-да, ўзимиз-

нинг чўлни олайлик. Чўлнинг буюк фазилати ҳам шундаки, ерга ер кўшилади. Бу — масаланинг моддий, иқтисодий, деҳқончилик томони. Энг муҳими, элга эл кўшилади. Бу — масаланинг жуда катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий-маънавий-маданий томони. Икки сой бирлашса дарё бўлгандай, аслида, бу кўшилишдан яхлит бир бутунлик — интернационализм, қон-қардошлик, ватандошлик туғилиб, янги кўриқ заминида янги давр, янги замон кишиси — Совет кишиси камол топади.

Совет кишиси! Леонид Ильич Брежнев КПСС XXV съездида сўзлаган нутқида «Ўтган олтиш йилнинг энг муҳим якуни — Совет кишисидир», деган эди. КПСС XXV съездининг бир делегати сифатида, коммунист сифатида, Совет Иттифоқи граждани сифатида ана шу сўзларнинг маъзини чақар эканман, қалбим ғурурга тўлади. Совет кишиси! Инсониятнинг энг порлоқ, энг буюк, энг революцион идеалларини кўзлаган совет кишисиде олмос қирраларидек, асил мўмиёнинг таркибидек ажойиб фазилатлар уйғунлашиб кетган.

«Соддагина деҳқоннинг сўзлари олимнамо-я!», деб ажабланманг. Ер юзини эр очар, дейди халқимиз. Валиев илк бор Меҳнат Қизил Байроқ ордени, кейин Октябрь революцияси ордени ва ниҳоят пахтачиликни юксалтиришдаги хизматлари учун Ленин ордени ва Олтин Юлдуз медали — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланганда унинг кўнглини асқартоғдай баланд қилган халқига, қамолини рўй-рост кўрсатган партиясига бўлган чексиз миннатдорчилигини юртнинг катта минбарларидан туриб сўзлаган деҳқон. «Правда»нинг мухбирларидан тортиб, район газетасининг ходими-мигача у ҳақда ёзган. Телеэкран, эфир орқали чўл ҳақида, пахта ҳақида кўп сўзлаган. Узи эккан пахтасига ошиқона термулиб кўп расмга тушган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатгунча пахта илмидан неча марта имтиҳон берган. Энг муҳими, съезд делегати сифатида, юртнинг сара деҳқонлари орасида, ветеран чўлқуварлар даврасида юриб одам таниган, давримизнинг алломалари билан ҳамсухбат бўлган заргар деҳқон. Ҳар қанақа суҳбат ҳам пахта билан бошланиб, чўл билан тугаган. Оз-оздан ўрганиб доно бўлади, дононинг умрида маъно бўлади, дейди халқимиз. Валиев ҳам ер, сув, пахта илмини Пахтакор районидеги «Пахтакор» совхозининг бригада бошлиғи кезлари, шу райондаги Кичанов номли совхознинг директори бўлиб юрган чоғида — гоҳида тонг отиши, гоҳида кун ботишига қараб об-ҳавони уч кун илгари чамалаб, бир қисим чўл тупроғини кафтида уқалабоқ қанча ҳосил олиш мумкинлигини рентгендан чиққандай аниқ айтиб бера оладиган, вужудини этни жунжитувчи чўл шамоллари тоқнинг зангидай заранг, ўзини улоқчи отдай таранг қилиб юборган устоз бободеҳқону мумтоз момодеҳқонлардан ўрганди. У ҳам ўз навбатида билганини ўргатди.

Қатлам-қатлам заминдан сизиб чиққан булоқ бу
Булоқ ҳам топгунча йўл олис юриб тиниққай.
Аслида ҳар неъматнинг онаси шу тупроқ-ку.
Зар то зар бўлмагунча не оташда чиниққай...

Инсоннинг табиатида олтин билан булоқнинг бирлигини кўрасан киши. Зотан, олтин ўтда, одам меҳнатда билинади. Ҳа, одам боласи ҳам юзга чиққунча етти қават ер остидан сизиб чиққан булоқдай олис йўл босади. Валиев ҳам ҳаётда йўлини кўп излади. Сўқмоқлар катта йўлга олиб чиққандай умр йўли чўлнинг сомон йўлига келиб туташибмагунча тиниб-тиничмади. Кўнгли таскин топмади. Бир куни Валиев даладан ҳориб қайтиб, симёғочга суяниб ўтирганида радио уруш бошланганини эълон қилди. Чарчоғи ҳам эсидан чиқиб, гузарга чопди.

— Уртоқлар, бугун тонготарга ўтар кечаси уруш бошланди.— Райком вакилининг овози титраб чиқди. Орага оғир сукунат чўкди.— Колхоз сомон беради. Йигитлар томини суваб қўйсин, кейин вақт бўлмайди. Утинни ҳам, дон-дунни ҳам, анча-мунчага етадиган қилиб ҳамлаб қўйинглар, мол-қолга қаранглар. Ота-онанглар уриниб қолмасин. Энди ҳамма оғирлик аёлларнинг гарданига тушади. Йигитлар шай турсин!

Аҳмаджон ўйланиб қолди. «Тўй нима бўлади?» Узи жангдан қайтадими, йўқми? Ўз хаёлларидан ўзи чўчиб кетди. Ҳар қалай онасининг айтганини қилиб, эртарақ ўйланиб олса бўларкан. Ёши ҳам ўн саккизда. Аини севги ёшида. Онасининг ёлғиз ўғлиди. Борди-ю, қайтмаса, орқасидан чироғини ёқадиган одам қоларди...

Пахта чопиқ кезлари кетмонини эгатларда қолдириб, жўяклардан тўппа-тўғри кўнгилли бўлиб ҳарбий комиссарликка борган Валиев озмунча жанг қилдими? Шоир: «Кўксиде медалдан ўқ изи кўпроқ», деганидай Ленинград мудофаасида енгил-еппи яраланган йигит Орёлда ўқ текканда неча ойлаб госпиталда шипга қараб ётмадими? «Жасурлиги учун» медалининг биттасини биттасида, иккинчисини госпиталдан чиқиб, поездга тушиш олдидан олди. Аммо Аҳмаджон Валиевнинг ҳам бир тутам махоркани бирга баҳам кўриб, бир бурда нонни тенг бўлишиб еган, солдат флягасидаги бир қултум сувни бўлишиб ичган оқолдош дўстларининг қанчадан-қанчаси ҳар минути ўлим билан юзма-юз бўлган 1418 кунлик Ғалабанинг йўлларида — ботқоқлик чеккасидаги қайин тағида, номсиз тепалиқларда, дарё бўйида, қоя остиде шаҳид ўлароқ, буюк эпопеянинг бир сатри бўлиб қолдилар.

Пулемётчи Валиев инқилоб бешиги мудофаасида қатнашгани билан фахрланади. Оғир ярадор бўлиб, госпиталда уч ой ётди ва 1944 йилнинг гилос пишиғида Самар-

қандаг қайтиб келди. Умри бино бўлиб бунақанги иззат-икромни кўрмаган эди. У одамлигини, одамларга зарур эканини ўшанда яна чуқур ҳис қилди. Тўппа-тўғри обкомга кирди.

- Утиринг,— деди обком котиби.
- Утиролмайман.
- Нега?

— Белгинамдан куйисини ҳам операция қилишган. Менга тикка туриб ишлайдиган иш берсангиз...

Милицияда хизмат қилишга йўллашди... Қарисан-қартасан, аслингга тортасан, дегандай от айланиб қозиғини топаркан.

1966 йилга қадар милиция ходими бўлган Аҳмаджон Валиев кўпдан кўмасатиб юрган далаларнинг бағрига кириб келганига ўн беш йил бўпти. Ўн беш йил! Айтишгагина осон. Ўн беш йил бадалида озмунча чўл қувалаб, озмунча манглай тери туяқорин энлаган бу чўлларнинг шўрхоқ, захкаш бағрига сингиб кетдимиз? Саратонда ҳарорат 47 даражага кўтарилиб, кўлмакнинг четига узала тушган илоннинг иссиқдан тили осилиб, тошбақалар ҳансираган ерларда неча-неча қарвонга юк бўларли, она сўтидай ҳалол, озмунча пахта етиштирдими? Ўн беш йил давомида чивини чақса ҳўкиз бўкирадиган бу чўлларда кўсақларнинг тирс этиб ёрилишини пойлаб озмунча тонларни бедор ўтказдимиз!?

Назаримда, 15 йилдан бери қадим Жиззах чўлларини қадам-бақадам кезиб, қаричма-қарич ўзлаштираётган Аҳмаджон Валиев билан унинг дилбар рафиқаси Муҳаббатхонимдан тортиб тўққиз фарзандигача қўриқ эпопеясининг қўш саатрига ўхшайди. Аҳмаджон Валиев билан Муҳаббатхоним Валиевалар ҳам ўз-ўзидан кўпайиб, чуқурроқ илдиэ очиб, чуқурроқ томир ёйиб ток зангидай чўлни энлаб бораварди.

Дамлаб қўйган ошини қўшнисига, сузиб олинг, дегандай чўл юриб, чўл юрса ҳам мўл юриб, яна ер ўзлаштириб чўлнинг ичкарисига кириб кетаверди...

«Джиззакстепстрой» территориал бошқармаси Аҳмаджон Валиевни «Прогресс» совхозининг директорлигига тайинлаганида янглишмаганди. Валиев бир йилдаёқ яна узоқ-яқинга танилиб қолди. Негаки, Мақсуда Фозилова, Энвер Сулаймонов, Жониқул Урозов, Жумабой Қурбонов, Маман Муродов, Асадулла Убайдуллаев каби ўнлаб дала донишмандларидан ташкил топган совхозда худди шахмат тахтасидаги сипоҳлардек ҳар бир мутахассиснинг ўз йўлини билиб юриши, ҳар кимнинг ўз аравасини ўзи тортиши натижаси ўлароқ, давлатга биринчи йилиёқ пландаги тўққиз юз тонна ўрнига бир минг олти юз тонна пахта етказиб берди. Чўққи ошган яна ошмас дейди. Бу йилгиси бир минг бир юз элли гектардан — уч минг тўрт юз элли тонна!

Шу ўринда Аҳмаджон Валиев ундай қилди, мундай қилди, деб гоҳ тонг отар, гоҳ кун ботар ўтказган мажлисларидан кўчирма ва юзлаб буйруқлардан нусхалар ҳам келтирмоқчи эмасман. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиманки, план ҳам, мажбурият ҳам виждон иши, имон иши, бурч иши, партиянинг планлари — халқнинг планлари эканлигини одамларга оқилона тушунтириб, «Темирни қизигида бос» деган бобо деҳқон нақлига ўз вақтида амал қилди.



«Прогресс» совхозининг қайси бир деҳқони ҳақида маълумот олмоқчи бўлсангиз, совхоз парткоми Маман Муродовдан сўрайверинг. Аниқ жавоб беради.

— О, Асадулла Убайдуллаевми? Зўр деҳқон у! — дерди Маман Муродов йўл-йўлакай. — Олий маълумотли агроном бўлиб зўр бўлмаса уят ҳам бўлади-да. Лекин, қуруқ дипломдан бўлак ҳеч вақоси йўқ агрономларни ҳам кўрдик. Далани бир айла-нади-ю, бўйнини қисиб даврадан чиқаверади. Асадуллага келсак, тошбақанинг юришига қараб об-ҳавони уч кун илгари айтиб беради. Тажриба бор-да, тажриба. Маълумки, билим билан тажрибани омухта қилиб юборган деҳқон кўзда ер чизмайди. Ҳосил байрами кўни минбарнинг тўри ўшаники. Тажриба ҳам мисқоллаб йиғилади, оғайни. — Маман Муродов, тўғрими, дегандек менга ўгирилди. — Асадулла бу чўлларни қадам-бақадам кезиб чиққан, десаам хато қилмасман-ов.

Хўш, Асадулла Убайдуллаев меҳнатга коммунистик назар билан қарашни кимдан ўрганди? Энг аввало, ўттиз йил муаллимлик қилган отаси Убайдулла Мўминовдан, онаси Басибидан ўрганган. Умуман, асли зоминлик сулоланинг қарийб ҳаммаси деҳқон. Асадулланинг рафиқаси Қизларой боғчада тарбиячи. Демак, у ҳам деҳқон болаларининг хизматида. Болалари Баҳром, Илҳомжонларга қандоқ қараса, қандоқ ардоқласа, қандай севса — деҳқон болаларига ҳам худди ўша кўз билан қарайди.

Хўш, сўзимиз тажриба ҳақида эди. Убайдуллаев Дўстлик районидagi Саржисов номли совхозда бўлим агрономлигида ҳосилдорлик йигирма етти центнерга кўтарилди. Ильич районидаги Гагарин номли совхознинг биринчи бўлимига бошқарувчилик қилганида ўн центнер ўрнига йигирма уч центнердан пахта берилди. «Прогресс» совхози тузилгач, йўлланма билан келди. Узимизда бош агроном. Қўшнинг парвози унинг қанотларида-да! Бош агроном Убайдуллаевнинг сўзларини дэдил, парвозини баланд қилган бўлим агрономлари, заршунос деҳқонлар. Шундаймасми?

Сал наридаги картадан миқтидан келган, бўлали йигит/чиқиб келарди. Блокнотни ёпдим. Сўрайдиган нарса қолмаганди.

— От боққанинг — улоққа, қўй боққанинг — қўноққа, деган мақолни совхознинг биринчи бўлим бошқарувчиси Жониқул Урозовга чиқарган.

Дарҳақиқат, план тўлган кунлари қуйруғи ерга теккан ҳисори қўйлар энг биринчи Жониқул Урозовнинг бўлимида сўйилди. Дошқозоннинг каттаси Канибой Урозовнинг бригадасида осилиб, кейин бригадама-бригада кўчиб юрди. Айрим кунлар бригадалар олдинма-кетин маррага келиб, дошқозон талаш бўлган пайтлар ҳам бўлди.

Кўпдан бери «қуллуқ бўлсин»га келаётганларнинг кети узилмайди. Бургут билан бургут учишар, деганларидек меҳмонларнинг кўпчилиги чавандозлар. Сабаби, Жониқул Урозов отнинг қоринбоғига тушиб қолганда ҳам, улоқни тишлаб олиб чиқса ҳамки, маррага биринчи келган. Агар пахтадан сал қўли бўшаб, сайлларга келиб қолса, курашда елкаси ер искамаган полвонларнинг ҳам юраги дов бермай туради. Тулпорлари кўкка сапчир ман-ман деган чавандозлар ҳам отининг жиловини бир силтаб тортиб орқасига тисарилади. Узиям баданидан сув қочсин, деб отига беданинг гулини юлиб ташлаб, чўпини беради-да. Негаки, беданинг пулига шабнам кўнгани-чун унча-мунча нам бўлади-да. Айтишларича, рафиқаси Шарофатхон Жониқулнинг 1962 йилдаги улоқ пайтида кўриб қолганмишу кўнгил қўйганмиш. Ёлғизгина қизини ҳам улоқ кўни тўққанмиш. Жониқул Урозовни зоминликлар ана шундай таърифлашади. Бу гапларнинг ҳаммаси чин. Мамуболаға. «Туси яхшидан тортинма», деганларидай Жониқул Урозов кўринишидан оёқ белага деб турган тим қора, қотма, қамчиндай йигит.

Сут билан кирган жон билан чиқади. Пахтачиликда ҳам ҳали улоқни бировга олдирганича йўқ. Унинг пахтага ишқи тушганига роппа-роса уч йил бўлди. Бурноғи йили Зоминдаги «ХХV партсъезд» совхозида бригада бошлиғи эди. Планини икки план қилиб бажарди. Утган йили 3-совхознинг бўлим бошқарувчиси эди. У ерда ҳам маррага биринчи бўлиб келди. «Прогресс»да ҳам биринчи: 300 гектардан 14,5 ўрнига 30 центнердан орттириб ҳосил берди чавандоз.

Бўлимда республикада хизмат кўрсатган механизатор Энвер Сулаймонов, ВЛКСМ XVIII съезди делегати Мақсудахон Фозилова, Канибой Урозов, Яхшибой Холмуродов, Ёрли Ҳайитбоев каби бригада бошлиқлари бўлгандан кейин Жониқул Урозов биринчи бўлмай, ким бўлсин!

«Прогресс» совхози тузилди-ю Холбувиҳоннинг ороми бузилди. Негаки, Мичурин номи ўрта мактабнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, йигирма икки йиллик педагог — эри Жумавой Қурбоновнинг пахтага ишқи тушиб қолди. Муаллим Жумавой Қурбонов билан унинг дилбар рафиқаси Холбувиҳон 17 йил бадалида бир маромда яшашар эди. Жумавой айтмоқчи, ҳамма иш «уй жадвали»да ёзилгандек бир вақтда бошланиб, бир вақтда бажарилар эди...

— Мен туғилган қўрғончада,— деди унга биринчи кўни Валиев.— Бир чойхона бўларди. Ёш-яланг бедана уриштирганини томоша қилардик. Бир хил беданалар даврани гердайиб бир айланарди-ю, иккинчисига келганда «вит», деб қочарди. Тагин ўша беданадай...

— Йўғ-э, Аҳмаджон ака, бўйним узилгунча бир олишаман-да.

— Раҳмат,— деди Валиев.— Бир синаб кўрай дедим-да.

— Йигит кишининг нимасини синайсиз?

— Йигитнинг мўртини ҳам кўрганман, Жумавой. Одамнинг марди бор, номарди бор. Аввалига бор чўларга ҳўроздай қичқириб келиб, мижозига тўғри келмай, сўриб гашланган анорд бўб кетганларни ҳам кўрганмиз. Хуллас, мазоийхлар, бошлиқ бўлиш осон, бошқариш қийин, деганда ҳақ экан. Жумавой, ҳали дўл, ҳали сел, ҳали гармсел, ҳали ёмғирда чиритмай чигит ундириб, нимжонгина фўзани парвариллаб, ҳар бир чаноқдан она сутидек ҳалол ҳосил ундириб олиш, турли-туман характердаги кишилар билан муомала қилиш қийин. Пахта нима, инсон нима, қадрига етиш керак, оғайни.

Валиев ўйланиб қолди: «Хўш, ўзим ким эдим-у, ким бўлдим? Жумавой Қурбонов ҳар қалай олий маълумотли педагог-ку. Айрим одамлар бошлиқ бўламан деб, кавушининг жағи йиртилиб кетгунча у ёқдан-бу ёққа югуриб юради-ку. Жуман Қурбонов ўрта мактабнинг директор муовинлигидан кечиб, йигирма икки йиллик муаллимлик стажига қарамай, пахта экман, деябди-ку? Пахтага эътиқод бундан ортиқ бўладими?»

Жуман Қурбонов иккинчи бўлим бошқарувчилигига тайинланди. Унинг бўлими биринчи йиллик етиштирган ҳосилини ўн икки иш кўнида териб, уч юз ўн тонналик планини беш юздан орттириб бажарди. Бўлимнинг талантли агрономи Эгамберди Мисиров, Раҳмон Кўчиев, Исмаи Мустафоев, Кўчмурод Эшбоев каби бригада бошлиқлари, бункеридан 120—150 тонна дур тўққан Холбўта Назаров, Жазфарали Мухторовдек дарғалари бор экан, бўлимда бундан ҳам юксакроқ чўққилари забт этилади.

Меҳмон келса, ичимликнинг шисасини сочиқ билан ушлаб, ҳар бир қамаҳдан кейин кўлини чайиб келадиган Зиёдулла Шукуров ҳозирча қассир Ҳозирча деганимки, хелинг, яхиси бир бошдан бошлайлик.

Кимсан, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери пойариқлик Абдуолим Маликовнинг қизи Дилбархонга совчилар кела бошлади. У кезларда Абдуолим Маликов «Оқ олтин» районидаги Усмон Юсупов номли совхознинг илғор бригада бошлиқларидан эди.

1970 йилнинг кеч кузаги.

— Отаси, қизлик уйга қирқ от бойланаркан. Дилбархонга совчилар келяпти,— деди она.

— Кимлар экан?

— Ҳар хил. Сариқ этигиям бор, қизил этигиям бор. Дилбархон ҳам уни ўпоқ, буни сўпоқ, дейди-ю, Зиёдулланинг номини эшитса, анор гулидай қизариб индамай тураверди. Қизингиз ҳам ўн йилликни тугатди, ахир.

— Ҳай, сукут аломати — ризо. Зиёдулласи кимакан? Суриштирдингми?

— Э, ипидан игнасиғача суриштирдим. Узимизнинг Галлаоролдаги Ғафур Ғуллом номли совхозданакан. Қирқ олтинчи йил туғилган бўлса, нечага кирган бўлади? Ҳай, Олимхон деганнинг ўғлиякан. Онасини Кумушхон дейишаркан. Отаси ҳам, онаси ҳам ўкаси икковини ёлғизлатиб кетганакан. Самарқанд медицина билим юртини тугатганакан. Каттагина касалхона ходимиякан. Ёмонмас.

— Ёмонмас-ку, йигит деган деҳқончилик қилса-да. Пахта экса-да.

— Шу сизнинг доянгиз танглайингизни пахта билан кўтарган-да. Шунча йил бўптики, бир лаган ошни сиз билан мундай эр-хотинлардай бирга еганимни билмайман. Ҳали дўл, ҳали сел, ҳали қатқалоқ, ҳали кўсак қурти.

— Булбулигўёлик қилма. Деҳқоннинг топгани баракали бўлади. Фақатгина маошига қараб, эри-хотин бир-бирига латифа айтиб ўтиргандан нима фойда?

— Ҳа-я, совчиларга нима дей?

— Қизингнинг айтганини қил.

Тешик қулоқ гап эшитмай қолмайди. Абдуолим Маликовнинг сўзларини Зиёдулла ҳам эшитганди.

— Дилбархон,— деди у кейинги учрашувда.— Отангиз деҳқон бўл десалар, деҳқон бўламан. Чўпон бўл десалар, чўпон бўламан.

— Касбдан касбнинг фарқи йўқ-ку?

— Тўғри-ю, Дилбархон, лекин пахта менинг ҳам кўнглимдан кетганмас-да.

Хуллас, Зиёдулла билан Дилбархоннинг ширингина тўйлари бўлиб ўтди. Улар, бирдан олдин, бирдан кейин, дегандай сокингина яшардилар. Соғломлаштириш пункти мудирини Зиёдулла Шукуров аниқ бир пайтда ишга кетиб, аниқ бир пайтда келарди.

1976 йилнинг декабри эди. Чўлдан келган Аҳмаджон Валиев Зиёдулладан мол-хол, ҳол-аҳволни сўрагач, мақсадга кўчди:

— Чўлга одам керак, Зиёдулла, сувдай керак.

Эртаси кунини Зиёдулла Шукуров бошлиқ йигитлар яхоб сувини сипқораётган далаларни ёқалаб Кичанов номли совхозга кириб келганларича от совутар қилмасдан енг шимариб ишга тушиб кетдилар.

Ешгина бригада бошлиғига пахтамызнинг элломаларидан, уста деҳқон Бобоқул Сариев нимани билса шуни ўргатди. Зиёдулла бошлиқ бригадада икки юз гектарнинг ҳар гектаридан эллик ярим центнердан хирмон кўтарилди. Зиёдулланинг ўзи эса 1977 йилни икки қаторлик машина билан 205 тонна пахта териб якунлади.

Аҳмаджон Валиев, Жиззах область, Зарбдор район, «Прогресс» совхозига директорликка тайинлангач, «қадринг билган устезингдан айрилма» деб бирга келаверди.

Зиёдулла Шукуров «Прогресс» совхозида ҳозирча кассир. Ҳозирча деганимки, унга шундай топшириқ берилган. Ҳали совхоз ерлари етти минг гектарга кенгайиб, янги-янги бригадалар ташкил этилганда у ҳам бирор бригадани бошқариб Мақсудахон Фозилова, Исмат Мустафоев, Абдусамад Алибеков, Яхшибой Холмуродов, Нурали Сафаров, Раҳмонқул Кўчиевлар билан бир беллашиб кўради. Мана, мени айтди дэр-сиз: От айлиниб қозигини топади-ку!

Барот Исроил

«БАМ»ДА

«Байкал — Амур магистралада кўп иш қилинган, лекин қилинадиган ишлар кўпроқ. Партия ёшларга ишонади».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Стиланник ер бағирлаб қолибди, анови ўсимликка қаранг,— Николай Иванич нович шувоққа ўхшаб тўп бўлиб ўсган ўсимликни кўрсатди.— Тез кунда қалин қор ёғади.

Николай Иванович Артамонов «БАМ строймеханизация» трести ишлаб чиқариш бўлимининг бошлик ўринбосари бўлиб ишлайди. У марказий БАМдаги деярли ҳамма-ни танишига қойил қолгандим. Лекин қор ёғишини ҳам айтиб берганидан ҳайрон бўлдим.

— Қаёқдан билдингиз?

— Стиланник ёз бўйи тўп бўлиб тик туради, қиш яқинлашган сари зонт сингари ҳар томонга ёйила бошлайди. Ер бағирладими, демак, қор тушиши аниқ.

— Ажойиб ўсимлик экан. Гуллайдими?

— Баҳорда гуллайди, ўзига яраша меваси ҳам бор.

— Ётган ҳолича-я?

— Кўклам келиши билан аста-секин ердан бағрини кўтаради. Биламизки, стиланник «харакат»га тушибди. Совуқ чекинади, об-ҳаво ҳам исиб кетади. Қарабсизки, кўк-лам келади.

— Стиланник ўрмон термометри экан-да,— дедим унга. Яхши ўхшатиш топганим-ни эътироф этишди шофёр Саша ва Николай Иванович иккаласи.

Тўп-тўп қалин стиланник тағларида баъзан айиқлар қишлашини ҳикоя қилиб берар экан, Николай Иванович бирдан шофёрга буюрди.

— Унгла бур!

Физиллаб келаётган енгил УАЗ машинаси секинлаб ўнгла бурилди-да, ғулалар тўшалган ботқоқлик устидан тўқирлаб ўта бошлади. Агар ғулалардан сал тойиб кетсак тайга ботқоғига ботиб кетиш ҳеч гап эмас.

— Хавотир бўлманг,— юпатган бўлади Саша кўнглимдагини сезиб.— Бунақа йўлларда тўрт йилдан бери юраман. Машинанинг олдинги икки ғилдирагини энлайдиган йўлак бўлса бас, эплаб ўтиб кетаман.

Икки ёнимизда зич ўсган тилоғоч. Яқин орада ҳеч нарса кўзга чалинмайди. Қаердандир трактор овози эшитилади.

— Бу ҳамюртингиз Назирбек Обидов бошқараётган бульдозернинг овози,— деди

менга юзланиб Николай Иванович.— У илгари ғарбий БАМда ишларди. Яқинда шимолий БАМга чақирдик.

УАЗ ғўла ташланган йўл тугагач, тўхтади. Йиқилган дарахтлар устидан ҳатлаб-ҳатлаб, бир километрча пиёда юргач, бульдозерчи ёнига етдик.

— Хорманг! — дедим ўзбекчалаб ва қўл чўзиб исм-фамилиямни айтдим.

— Э, саломат бўлинг,— жавоб берди у қўлимни қисиб ва исми-шарифини айтди.

— Нима камчиликлар бор? — раҳбарларга хос жиддий сўради Николай Иванович.— Бульдозер қандай ишляпти?..

— Чакки эмас! — текисланган майдонга, сўнг кўтарма поезд йўлига ишора қилди Назирбек.— Мотор яхши ишляпти, фақат ўрмаловчи занжирнинг бир ҳалқаси дарз кетибди. Яна бирор кун чидаш бериши мумкин. Пайванд қилиш керак.

Артамонов бульдозерни бир айлениб чиқди. Дарз кетган занжир ҳалқасига қараб бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра Назирбекка ниманидир уқтириб, менга «ҳозир келаман» деб, шофёри иккаласи УАЗик томонга шошилди.

— Кўшни участкадан пайвандчи олиб келишмоқчи,— деди уларга ишора қилиб Назирбек.— Дарвоқе, қандай шамол учирди буёқларга?

— Сизга ўхшаган БАМ қаҳрамонларини излаб келдим,— ҳазиллашган бўлдим.

— Ҳе, қаҳрамон қаёқда-ю, мен қаёқда. Битта бульдозерни шунчаки эплаб юрибман.

Мен эътироз билдирган бўлдим.

— Аслида БАМга келишни жуда қизиқ бўлган,— камтарлик билан сўзида давом этди у, — ўша пайтда Туямўйин гидроузелида ишлардим. Бир куни «Бамга боришни хоҳлаганлар комсомол комитетига кирсин!» деган эълонни ўқиб қолдим. Кечқурун ётоқхонага бориб, ўртоқларим билан маслаҳатлашдим. Уша оқшом тонг отгунча ўйлаб чиқдим. Ахири бир қарорга келдим-да, эрталаб тўғри комсомол комитетига кириб ёзилдим. Бобомлар: ёшлигингда юрт тани, деганлар. Ҳали ёшмиз, қаерда эл-юртга кўпроқ фойдамиз тегса, биз ўша ердамиз. Тўғриси айтсам, БАМга келиб яхши қилибман. Кўп ерларни кўрдим. Энг, муҳими Сибирь шароитини билдим. Мангу музлаб ётадиган бу жойларни ларзага келтириб, тайга ўрмонларининг сокинлигини бузиб, ботқоқликлар устида пўлат из кўраётган дўстларим билан фахрланаман. Турксиб йўллари қурган, Мирзачўлни ўзлаштирган, Улуғ Ватан урушида кўксини қалқон қилган, Қозоғистоннинг қўриғини очган, машҳур Братск ГЭСини, КамАЗни бунёд этган Ленин комсомолининг издошлари улар. Шундай фидойи авлод сафида борлигимдан мағрурланаман. Энди БАМни қуриш бизнинг навбатимиз.

— Қанийди, барча комсомоллар, сиз айтгандек, ўз бурчини тўғри тушунса!..

— Бизга биров тушунтирибдими? Сиз мени кечиринг,— Назирбек берилиб сўзларди.— Ота-онасининг пинжидан чиқмаган йигитлар озми, улар ҳам комсомол.

Назирбекка ҳавасим келди. Атрофимизни қуршаган ўрмон гўё сўзимизга қулоқ солаётгандай, сукут сақларди.

— Узимизнинг С-100 бульдозерими, сал бошқачароққа ўхшайди! — сўхбатни бошқа ёққа бурдим.

— С-100 нинг ўзи, фақат бир оз реконструкция қилинган,— бульдозерга яқинроқ борди Назирбек.— Ўрмаловчи занжирига эътибор қилинг, эми бир метр келади! Акс ҳолда ботқоққа ботиб қолиши мумкин. Асосан, С-100 жуда кучли, ҳар қандай шароитда ишлашга мослашган. Фақат кабинаси совуқроқ. Шимол томонларда бульдозерчи бир оз қийналади. Конструкторлар шунга ҳисобга олишмаган, шەкилли. Ғарбий БАМда ишлаганимда, Тинда шаҳрида бир ой ўқиб келганимдан кейин Америка маркаси билан Японияда ишланган «Катерпиллер—9Н» бульдозерини беришди. У иш унуми, кучлилиги жиҳатдан С-100 га яқин, лекин кабинаси яхши ишланган, Сибирга мослашган, қишда бемалол енгил кўйлақда ишлай оласан.

Назирбек Обидов Бухоро областининг Қоракўл районидан. Август ойида отпусқа олиб онаси ёнига борибди. Кўнгил қўйган қизини ота-онаси мажбур қилиб бошқа кишига узатишганини йиғлагудек бўлиб ҳикоя қилди. Жаҳл устида онаси ва укэлэри билан дурустроқ хайрлашганига, уларнинг ёнида отпускасини ўтказиб дийдорларига тўёлмаганига афсусланди.

Иккаламиз бирдан жимиб қолдик. Назаримда гаплашадиган гапимиз қолмагандек, Нима дейишимни билмайман. Ёнида ўзимни ортиқчадэй сездим. Назирбек баянгиз яқка ўзи ўрмонда ишлаётган арслондек йиритга ўхшамай қолганди. Тавба, дард кишини қанчалик ўзгартириб юборади-я!

Хайриятки, Николай Ивановичлар электр пайванд машинасини КраЗга тиркаб келиб қолишди. Уларни кўриб Назирбекнинг тунд юзи бир оз ёришди. У қўлига катта болғани олиб, бульдозер занжирини бўшатишга киришди. Хаш-паш дегунча дарз кетган ҳалқани ажратиб пайвандчига узатди. Қани энди уни электрпайвандчи пайвандлай олса, роса уринди. Мотор ишляпти, бироқ ток бермаяпти.

— Нега бузуқ электросварка мсторини олиб келдинг,— деди жаҳли чиқиб Артамонов.

— Узингиз кўрдингиз, бинойидек ишлаётганди,— ўзини оқлаган бўлди пайвандчи. Балки йўлда келаётиб бузилгандир.

— Биз доимо йўлдамиз,— Николай Ивановичнинг баттар жаҳли чиқди, сўнг қайси мехколоннада ишлаганини суриштирди.

- Бир юз эллик беш!
 — Фамилиянг нима?
 Пайвандчи исми шарифини айтди.
 — Моторист ким?
 Пайвандчи индамади.
 — Демак, ҳам пайвандчисан, ҳам моторист?

— Эшитиб ол, шу бугундан бошлаб мотористлик ойлигингни қирқаман, мукофотдан маҳрум этаман. Энди буёғини эшит,— Николай Иванович буйруқ оҳангида гапирди.— Ҳозир бориб моторни тузатасанми, бошқа электросварка топиб келасанми, ишим йўқ. Бугун бульдозернинг занжирини пайвандлайсан. Гап тамом, кетишинг мумкин.

Назирбек ҳам, мен ҳам нима қилишимизни билмай Артамоновнинг оғзига қараб қолдик. Шу пайт бир юк машинаси келди. У Назирбекни тушликка олиб кетиши керак экан. Биз Назирбек билан хайрлашдик. Кечкурун Беркакитда учрашадиган бўлдик. Пайвандчи йигит ҳам агрегатини тиркаб Назирбек билан кетма-кет кетди. Беркакитга келар эканмиз, Артамонов билан келишиб олдик. У мени Расулов Қўлдошнинг вагон уйига ташлаб кетадиган бўлди. Узи эса, бир-икки соатлардан сўнг, мен билган ва ҳали таниб улгурмаган ўзбекистонликларни йигиб келишга кетди.

Кечкурунги пайт эди. Қўлдош вагон-уйида магнитофон қўйиб, ўзбек ҳофизлари ижросидаги қўшиқларни тинглаб, чой ичиб ўтирган экан. Салом-алиқдан кейин бир пасда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

— Шундай қилиб, Тўйтепаданман, денг!

— Қаранг, иккимиз бир жойдан эканмиз.— Қайтадан қучоқлашиб кўришдик. Қўлдош ўрта бўйли, миқти йигит экан.

— Одамнинг томири ажриққа ўхшаб тарқаб кетиши ҳақ эканлигига энди ишондим,— дейди Қўлдош.— Ахир сиз қаёқда эдингиз-у, мен қаёқда эдим. Ҳар қалай орқа-воратдан эшитганим бор. Аммо юзма-юз учрашмагандик. Урта Чирчиқ районини беш панжамдай яхши биламан.

— Тўйтепа катта жой. Ҳозир шаҳар,— дейман мен,— районингдаги ҳамма одамни таниш қийин. Бундан ташқари анча йилдан бери касбхор тақозоси — Тошкентда яшаймиз. Айтмоқчи, БАМга келганингизгэ анча бўлдимми?

— БАМ комсомолларнинг Бутуниттифоқ қурилиши, деб эълон қилинмасдан илгарги келганман.

— Қандай қилиб?!

— 1972 йилда Шимановский уй қурилиш индустриал комплекси ва темир-бетон заводи қурила бошланган. Ҳозир у БАМга энг зарур қурилиш материалларини етказиб беради: темир-бетон трубалари, уй-жой қурилишига панеллар, кўприк учун бетон устунлар, тўсинлар... Хуллас, БАМ учун бир база родини ўйнайди... 1971 йилда армиядан қайтиб келсам, укам Совет Армияси сафида хизмат қилишга кетибди. Уни кўргани бордим, «Уралмаш»да ишлаб қолдим. Уша ердан бир гуруҳ комсомоллар билан Шимановский комплекс қурилишига йўлланма олдим. Ҳали-ҳали эсимда. Қаҳратон киш, саройга ўхшаган бир уйга жойлашдик. Тўғриси, яқин орада ундан бўлак уй кўринмасди ҳам. Сарой эса «Пўлат қандай тобланди» киносида кўрсатилган баракнинг ўзинаси. Тахта девор тишқидан ғувиллаб изғирин кирарди. Қаравотлар жўр бўлиб ёғирларди. Ушанда ир танламасдик. Нимаки буюрилса бажарардик. Кинодагидай романтикага тўла давр эди. Ҳамма қийинчиликларни еғдик. Ёзга чиқиб ўзимизга уйлар қуриб олдик. Шимановский комплексида асосан монтажчи вазифасида ишладим. Бир куни Целинограддаги техника билим юртига ўқишга бориш-бормаслигимни сўрашди. Мен рози бўлдим. У ерда тўрт ой ўқиб, ўрмаловчи кранлар машинисти касбини эгаллаб қайтдим. Практикани БАМ магистрлида ишга қўшиб ўтказдим. Устам Юрий Михайлович Богданов билан бирга 596-қурилиш-монтаж поездига қарашли «Ж.Д.Э.—163» темир йўл кранида БАМ — Тинда — Беркакит линиясига пўлат из звеноларини ётқиздик. Аслида бу касбга менда меҳр уйғотган киши биринчи устозим Александр Павлович Маскалов бўладилар. Ҳозир у кишини миннэтдорлик билан эслайман.

Орага жимлик чўкди.

— БАМ ишлари шумоқа,— деди Қўлдош ёқимли хид таратаётган тўқсон бешинчи чойдан пиёлага қуяркан.— Келинг, энди Ўзбекистондан гаплашайлик. Пахта қалай?

— Ҳар қалай ёмон эмас. Лекин, кўклам серёмғир келди. Фарғона водийсидаги областларда чигит тўрт-беш марта қайта экилди. Икки қулоқ бўлган ғўзаларни дўл савалаб, жала қатқалоқ қилиб кетди. Июнь ойи бошларида ҳам чигит эккан районлар бор.

— Баҳор ёмон келибди-да,— деди Қўлдош тин олиб.— Умуман, ғўза ниҳолининг авжи қанақа, тузук ўсяптими?

— Куз соз келса ҳеч гапмас,— тасалли бердим.— «Оқ олтин» ерда қолмайди, халқимиз бир граммни ҳам нест-нобуд қилмай териб олади.

— Энг ёмон томони шундаки,— деди ўйчан аҳволда Қўлдош,— қардошларимиз халқимизнинг миллион-миллион тонналик улкан хирмони уч граммлик чаноқлардан кўтарилишини тасаввур қилишмайди. Бир вақтлари Шимановскийда бирга ишлов юрган ўртоқларимга пахта етиштириш машаққатиникийинчилигини айтиб бергандим ишонилмади. «Лақиллатма, пахтани машинада экишиб, машинада териб олишади. Фильмларда

кўп кўрганмиз», дейишганди. Ушандан кейин ёзувчи ва журналистлар пахтакорлари-мизнинг заҳматини кўрсата олмаётганидан афсусландим. Қиш аёзида белигача сув кечи-б, шўр ювган, ҳар бир чигит униб чиққунча ерга термилтириб сарғайтирадиган — ғў-зани яганалашдан тортиб, то оппоқ чаноқлар жилмайгунча қилинадиган майда, лекин, тоғдай оғир ишлар кўринмай қолиб кетмоқда. Режиссерлар эса тракторнинг ер ҳай-дашини, терим машинасини пахта теришини ва илғорларга бериладиган Қизил байроқ-ларни такрор кўрсатаверадилар...

Шу аснода эшик тақиллаб, Назирбек ва мен илгари танишган қашқадарёлик шо-фёр Фарҳод Зокировлар уч кишини бошлаб келишди.

— Танишинглар,— деди кира солиб Фарҳод,— Темирбек Жўрабоев! Монтажчи. Уэлари Андижондан. Бу киши эса, оҳангаронлик Владимир Яковлевич Сулеймо. Бу-лар эса,— Фарҳод учинчи одамни кўрсатди,— жамбуллик Абдуваҳоб Раимбоев, ме-нинг ҳамқасбим!

Қўл олишиб сўрашганимдан кейинроқ гапимиз дарров қизиб кетди. БАМни ўз-бекистонликлар эгаллаб олибди-да, деган мазмунда ҳазил мутойиба қилдик.

Темирбек Жўрабоев Андижон область, Пахтаобод райони Озод қишлоғида туғил-ган экан. Эллик ёшлардаги бу одам Совет Армияси сафида ўз бурчини ўтагандан сўнг Қримда қолиб заводда ишлабди. Ҳозирги турмуш ўртоғи Анна Тимофеевнага уйланиб-ди. Валентина исмли қизи ва Андрей, Ёдгор, Дмитрий номли ўғиллари борлигини би-либ олдим. Темирбек ака «БАМстройпуть»га қарашли 595-қурилиш-монтаж поезди-нинг монтажчилар бригадирини бўлиб ишларкан.

БАМни қураётган юздан ортиқ миллат вакиллари бир-бирига ака-укадек гапхўр. Бирининг оғирини бири енгил қилади. Бирлашганлар ҳар қандай мушкулни енгилга қодирлигини БАМ магистрали қурилиш ишчилари исботлашмоқда.

— Мана яқинда давразимизга келиб қўшилган Артамонов ҳам худди юз йиллик қадрдонлардек сингишиб кетди,— деди Темирбек ака Николай Ивановичга ишора қи-либ.— Баъзан етти ухлаб тушга кирмаган одам билан бир ондан туғишгандек қадрдон бўлиб қоласан. Қайларда юрганги хаёлингга ҳам келмайди.

— Юрган дарё, ўтирган бўйра, деганлари жуда тўғри-да,— Абдуваҳоб ака ўтирган ерида алп қақдини ростлади,— ахир, сизлар қаёқда эдинглар-у, мен қаёқда эдим. Жамбулда юрсам-юраверардим. БАМга келиб ёмон бўлмадим. Гарчи Жамбул Тош-кентга яқин бўлса-да, лекин шунки аниқ айтманки, балки танишган, балки танишма-ган бўлардик.

Абдуваҳоб ака ҳақида суриштирдим. Унинг жуда заҳматқаш шофёр эканлигини билдим. Гап орасида, ундан сентябрь ойида олган машинасини сўраб қолишди.

— Қанча бўларди, ҳар галгидай! — шунчаки жавоб берди Абдуваҳоб ака.— 977 сўм 59 тийин.

— Ҳозир ҳисоблаймиз,— келганидан буён гапга аралашмай ўтирган Николай Иванович Артамонов қўлига қоғоз-калам олди.— Бунинг 70 процентини «БАМ коэффи-циенти» десақ, 40 проценти «колесний» учун, 20 проценти «Северный», демак, бундан ташқари ортиқча ишлаган соатлар ва 1-класс шофёрлиги учун ҳам процент.

— Бухгалтер бўлиб кетинг-э! — дейман мен Артамоновга қараб.

— Бошлиқ бўлгандан кейин билади-да! — қочирим қилди Сулеймо. Артамонов ўзининг шаънига айтила бошланган мақтовни тўхтатиш учун гапни бурди.

— Бу Қўлдошни уйлантириб қўйсанглар бўлмайди? Узбек қизлари шунақа чи-ройли эканли; шунча вақтдан бери бўйдоқ юрипти.

— Бу йил Қўлдошни уйлантираемиз! — гап қистирди Темирбек ака.

— Узбекларнинг тўйи зўр бўлади! — изоҳ бера бошлади оҳангаронлик Сулеймо Артамоновга,— тўйга бир сўким сўймаса, юз кило гурунч дамламаса, тўй қилдим де-майдилар.

— Тўғри айтди у, Ўзбекистонда яшаган-да,— Темирбек ака Сулеймонинг фикри-ни тасдиқлади.

— Мен ҳали БАМда ишламоқчиман, уйланиш эса бир гап бўлар,— камтарона жавоб қилди Қўлдош.— яхшиси Темирбек ака тўғрисида гапиринглар. У киши итти-фоқимиздаги жуда кўп зарбдор қурилишларда меҳнат қилган. Урушдан сўнг Севасто-полни тиклашда қатнашган. «Молдав ГРЭС»ни қурган. Павлодардаги Ермаков ГРЭС»-ни бунёд этган. «Кишиневпромстрой»да монтажчи бўлган. Ва ниҳоят БАМда Беркэ-кит станциясини бунёд этапти.

— Уртоқлар,— деди Абдуваҳоб ака Қўлдошнинг гапини бўлиб,— биз иккита ши-ша олиб келгандик. Ҳозир, мана, ош тайёр бўлади. Шишаларни пиёлаларга қуйиб, битта қадэх сўз айтсак.

Бу гапга ҳамма жон-дилидан кўшилди.

— БАМда ишлаётганларнинг,— деди Абдуваҳоб ака, биринчи гапни ўзи олиб.— Қандай иш қилаётганлигидан қатъий назар, уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим касб эгала-ри. Владимир Яковлевич — слесарь-моторист, Темирбек ака — қурувчи, агар қурувчи-лар турар-жой қуриб бермаса, қаерда яшардик. Ҳозир «Водазабор»ни қуришяпти.

— Мана, Владимир Яковлевич машиналаримизни вақтида ремонт қилмаса гараж-дан чиқолмай қолардик,— кўнглидаги гапини сўзлади Фарҳод,— Абдуваҳоб аканинг умр йўлдоши Рая кеннойи диспетчеримиз, хуллас, бир-биримизнинг ишимизни тўл-дираемиз, давом эттираемиз.

— Бизлар бир карвонга ўхшаймиз,— Темирбек ака бўшаган пиёласини Қўлдош-

га узатди,— қаерга қўнсақ, ўша жой обод бўлади. Беркакит станцияси қурилишини та-
момлаб 1980 йилнинг охирларида катта БАМ трассасига ўтамиз. Ҳали олдинда қилина-
диган ишлар мўл. Назаримда, Чарага ўтсак керак, шундайми Николай Иванович.

— Ханига, Чарага, Усть-Нюкжого «десант» туширилган,— изоҳ берди Артамонов
менга қараб.— Улар, тайгада БАМ трассаси ўтадиган зонанинг қаерига посёлка, қае-
рига техника жойлаштириш масаласини ва бўлғуси темир йўлга ташиладиган шағални
қаердан олиш кераклигини ўйлашмоқдалар. Десантчилар автотрасса ўтадиган жойлар-
ни ҳам белгилашади. Чунки, энг аввал автомобиль йўли қурилади. Ундан кейин БАМ
магистралига ҳужум бошланади. Ана ўшанда кўрамиз Фарход билан Абдуваҳоб ҳай-
даётган «КраЗ» ва «Магирус» машиналарининг кучини. Қўлдошнинг звеноларни қанча-
лик тез улашини.

— Бўпти-да, ҳамиша тайёрман,— Қўлдош астойдил гапирди,— сиз билан Сибир-
нинг хоҳлаган нуқтасида ишлашга розиман. Энди бир илтимос, ўзбекча шеър эшитсак.

Уларга бир неча шеър ва ғазаллар ўқидим. Савол-жавоблар бошланди. Назарим-
да Ўзбекистоннинг бирор сўлим чойхонасида ёки меҳмонхонасида гурунглашиб ўтир-
гандекман. Улар билан эртага хайрлашагимни хаёлимга келтираман. Бир ҳафтадан
бери менга БАМни кўрсатиб юрган Николай Ивановичнинг қандайдир меҳригиёси бор-
лигини ҳис этаман.

Ҳамюртларим билан хайрлашар эканман, кўнглимнинг бир чеккасида уларга нис-
батан чексиз меҳр-муҳаббат туйдим. Яна қайта учрашармиканмиз, деган орзу туғилди
кўнглимда. Ҳа, тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади. Албатта яна
қайта кўришамиз.

БАМ — Тинда — Беркакит — Тошкент.

Мураббий масъулияти



шанда 1955 йил эди. Рихситилла ака Тошкентнинг Богдан Хмельницкий кўчасидаги собиқ 24-хунар-техника билим юртида директорлик қиларди. Кунлардан бир кун унинг ҳузурига бир киши ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги болани етаклаб кириб келди. Салом-алик қилгач, ўзини таништирди:

— Исми Расулжон, арпапояликман. Икки қиз, бир ўғлим бор. Мана шу ўғлим бўлади, исми Аҳмаджон,— Расулжон ака ёнидаги болани имлаб кўрсатди.— Шу десангиз, Аҳмаджон полвон шўхроқ, ўқишга тоби йўқроқ чиқди. Сизни сирдан танийман, Рихситиллажон, сиз ҳақингизда одамлардан кўп яхши гаплар эшитганман. Болаларни тўғри йўлга солишга жуда устамишсиз. Йўқ демасангиз, Аҳмаджон кўлингизда касб ўрганса, деган ниятим бор. Эскичасига йўл тутсангиз: урсангиз, сўксангиз ҳам майли. Эти сизники, устихони бизники, ишқилиб одам қилиб берсангиз бўлгани.

Бу гапдан Рихситилла аканинг кулгиси қистади. Ўзини базўр босиб.

— Бизнинг болаларни урадиган ҳам, сўкадиган ҳам одатимиз йўқ, Расулжон ака. Қолаверса, шундай полвон, келишган йигитчанинг бирон-бир ножўя иш қилишига ишонмаймиз ҳам,— деди.

Рихситилла аканинг гапи қизариб-бўзариб ўтирган Аҳмаджонга мойдай ёқди. Рўпарасидаги киши кўзига ажойиб кўриниб кетди. Расулжон ака тўсатдан айтган гапдан хийла хижолат бўлиб ютинди:

— Энди гапнинг сирасини айтаман-да, ўғлим одам бўлармикан дейман-да...

— Мен ер сузиб юрадиган писмиқ боладан шўх бола аъло деб биламан. Негаки, шўх боланинг юрагида ўти бўлади... Биз ҳам ёшликда шўх бўлганмиз. Қани, Аҳмаджон, айтчи, қайси хунар ёқади сенга: слесарликми, ғишт терадиган уста бўлишми ёки сувоқчиликми?

— Ғишт теришга ўқиганим маъқулроқ, кўзим анча пишган. Бултур тоғам уй қурганида устага ўн беш кун ғишт олиб беришганман.

— Балли, кўрарканмиз-да, ҳали қандай усталигингни.

Шундай қилиб, Аҳмаджон Расулов 24-хунар-техника билим юртининг талабаси бўлди. Болада жисмоний меҳнатга иштиёқ зўр эди. Бир йилда танланган касбини дурустгина ўрганиб олди. 3-разрядли ғишт терувчи дипломига эга бўлгач, Тошкентдаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлай бошлади.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач, Расулжон ака билим юрти коллективини тўйга айтиб келди. Аҳмаджон қурилишда ишлаб қисқа вақтда пешқадам бинокорлар сафидан ўрин олибди, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланибди. Шундан кейин кўрсангиз, Расулжон ака хотини билан бамаслаҳат, ўғлини уйлантириш ҳаракатига тушибди, қидириб-қидириб ақлли, чиройли келин топишибди. Шанба кuni тўй экан.

Аҳмаджоннинг тўйига 24-хунар-техника билим юртининг Рихситилла Ҳусанов бошлиқ ўнга яқин педагоги борди. Узиям тўймисан тўй бўлди.

Орадан яна бир-бир ярим йил ўтгач эса Рихситилла ака нохуш хабар эшитди. Аҳмаджон 1962 йилнинг ёз кунларидан бирида автомобиль фалокати натижасида ҳалок бўлди. Бу пайтда Рихситилла ака Куйбишев районидаги 40-хунар-техника билим юртида ишларди. Бу ерда икки йилча директорлик қилгач республика Давлат хунар-техника таълими комитетига бўлим мудирини бўлиб ишга ўтди.

1966 йилдаги зилзиладан кейин партия ва ҳукумат Ўзбекистон пойтахтини тубдан қайта қуриш, янги Тошкентни бунёд этиш вазифасини қўйди. Шаҳар улкан қурилиш майдонига айланди. Аини вақтда Тошкентда малакали қурувчи кадрларга эҳтиёж ҳам

кескин ортиб кетди. 1967 йилда Чилонзорда республика Давлат хунар-техника таълими комитетининг «Главташкентстрой» базасида сувоқчи, дурадгор, бўёқчи, ганчкор, ўймакор усталар, электр-газ пайвандчилари тайёрлайдиган таянч-намуна хунар-техника билгим юрти учун майдон ажратилди. Бу билим юртига Рихситилла Хусанов директор этиб тайинланди.

Зилзиладан кейинги давларда Тошкентда асосий эътибор турар-жой қурилишига қаратилганди. Шунинг учун ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланган, маблағ ажратилган бўлишига қарамай 63-билим юрти қурилиши учун зарур бўлган ишчи кучини, қурилиш материалларини «уришиб-таллашиб» юриб ундиришга тўғри келарди. 400 ўринли 1-ётоқхона салкам икки йилда, зўр-базўр битказилди. Ҳали яна устахоналар комплексини, маиший блокни, ўқув корпусини, 400 ўринли 2-ётоқхонани қуриш керак. Иш шундай суръат билан давом этса...

Шунда Рихситилла Хусанович республика Давлат хунар-техника таълими комитети раҳбарлари олдига, билим юртига ўқувчилар қабул қилиш лозим, деган таклифни қўйди.

— Жой бўлмаса, ўқув машғулотларини қаерда ўтказасиз?

— Ётоқхонанинг ўзида ўқитаверамиз. Бир-иккита хонанинг ўрталиқ деворларини олиб ташлаб синфга айлантирса бўлади. Ўқувчилар шу ерда ўқиб, амалий машғулот-ларидан ўзларининг билим юртларини қуришади. Менга яхши ишлаб чиқариш таълими мастерларидан ўн-ўн беш нафарини топиб берсанглар кифоя...

Бу таклифга раҳбарлар кўнишди. Шу йили билим юртига 400 ўқувчи қабул қилинди. Уларнинг ўқиши ҳам, амалиёти ҳам бир жойда бўлди. Қурилиш суръатида бурилиш ясалди. 1969 йилда билим юрти батамом битказилди. Йиллар ўтган сайин ўқувчилар сонини ҳам орта борди, ҳозирги кунда билим юртида 1800 ўқувчи таълим оляпти. 1970 йилдан бу ерда республикадаги қурувчи кадрлар тайёрлайдиган билим юртлари орасида биринчи бўлиб, талабаларга ўрта маълумот ҳам берилмоқда.

...1975 йилнинг август ойи эди. Рихситилла Хусанов ҳузурига арпапоялик Расулжон ака яна бир ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги болани етаклаб келди. Чол ёнидаги бола невараси — Аҳмаджоннинг ўғли эканлигини, отаси вафот этганида онасининг қорнида қолганлигини кўз-ёш қилиб айтarkan, деди:

— Отасини тарбияладингиз, энди боласини ҳам тарбияланг, деб келдим. Бу йил сўққизинчи синфини битирди. Расулжон ота неварасига юзланди. — Бу одам ҳам буванг бўлади, отанга таълим берган. Сен шу одамга ўхшаб юргин деб исмингни Рихсивой қуйганман...

Рихсивой 63-билим юртининг сувоқчилик бўлимига кириб ўқиди. Қўлига етуклик аттестати ва учинчи разрядли сувоқчи дипломини олгач, 153-қурилиш трестининг 14-қурилиш бошқармасида ишлаб бошлади.

Орадан бир ой ўтгач Расулжон ота яна Рихситилла аканинг ҳузурига келиб, икки рўмолчага алоҳида-алоҳида ўралган пулни столга қўйди:

— Бу пуллarning бири 100 сўм, иккинчиси 115 сўм. Биринчисини неварам икки ҳафта бурун, иккинчисини кеча келтириб берди. Дастлаб пул олиб келганда бувиси қўшниларимизга: «Неварамиз ўн беш кун ишлаб юз сўм топиб келди», деган экан, баъзи аёллар: «Ҳеч замонда кечагина иш бошлаган бола ўн беш кунда 100 сўм топармишми? Неварангиз қимор-пимор ўйнаб ютган бўлса керак, суриштириш керак», де-йишибди. Кеча яна юз ўн беш сўм олиб келганида ўзим ҳам шубҳаланиб қолдим. Бир бориб Рихситилладан тайинини билиб келай, яна неварамнинг ёмонларга қўшилиб кетгани рост бўлмасин, дедим.

Чолнинг гапини эшитиб Рихситилла ака кулди:

— Кўнглингизни тўқ қилинг, ота, Рихсивой яхши бола. Уни уч кун бурун «Халқлар дўстлиги» кўчаси яқинида ишлаётганини кўрдим. Олдимга келиб салом-алик қилди, сизни сўрадим...

Бу гап чолни қаноатлантирмагандек бўлди.

— Қани, юринг ота, неварангиз ишлаётган жойга олиб бораман.

Енгил автомобилда Рихсивой ишлаётган объектга боришди. Участка прорабидан боланинг қандай ишлаётганлигини сўрашгани, у «Қани, энди ҳамма қурувчилар Расулловдай интизомли, ғайратли бўлса, участкамиз бошқармадагина эмас, трестда пешқадам бўларди», деб чолнинг кўнглини тоғдай кўтарди.

Шундан кейин бошқарма бухгалтериясига боришди. Одамга бурни учига кўз-ойнаги устидан қарайдиган татар бухгалтер Рихсивой бир ойда 238 сўм 50 тийин иш ҳақи топганлиги, шундан 23 сўм 50 тийин даромад ва бўйдоқлик солиғи сифатида ушлаб қолниб, қўлига 215 сўм берилганлигини ипга маржон тизгандай қилиб тушунтиргач, чолга ҳазиллашди: «Неварани тезроқ уйлантиринг, бобой, тўй ошини есақ солиғини ҳам камайтирамиз».

Расулжон ота димоғи чоғ бўлиб кампири ҳузурига шошилди.

Бу — Рихситилла Хусановнинг хунар-техника таълими соҳасидаги мураббийлик фаолиятидан бир лавҳа, холос. У қарийб қирқ йиллик тарбиячилик фаолиятида Рихсивой Расулов сингари ота-онасини ҳам, эл-юртни ҳам рози қилган ишчи кадрлардан минглаб тарбиялади. Булар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Холхўжа Баҳодиров, Ҳамид Қорабоев, Ленин ордени кавалери, М. Чориев, Ленин ва Октябрь революцияси орденлари кавалери Ш. Норқулов каби донгдор кишилар бор.

1979 йил 1 мартда Тошкент шаҳрига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришганлиги учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширганлиги, 1978 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш планини муваффақиятли бажарганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилганда байроқни қабул қилиб олиш учун саҳнага кўтарилган шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг олдида 63-хўнара-техника билим юртининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рихситилла Хусанов бор эди. Бу албатта, бутун умрини ишчилар синфига ёш ўринбосарлар тайёрлашга бағишлаган фидокор инсонга шаҳар партия ва совет органларининг ҳурмати белгиси эди. Ҳозир Рихситилла Хусановнинг шоғирдларини Тошкент шаҳридаги қарийб ҳамма қорхоналар ва қурилиш ташкилотларида учратиш мумкин. Фақат 63-билим юртининг ўзи ташкил этилгандан бери, Тошкент шаҳри қурилишлариға 6 мингга яқин малакали ишчи кадр тайёрлаб берди.

Маълумки, КПССнинг сўнгги съездлари қарорларида тарбия ишиға комплекс ёндашиш, яъни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг муस्ताҳкам бирлигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу залда инсоннинг ғоявий, меҳнат ва ахлоқий позициялари бир сафта тизиб қўйилди. 60-йилларнинг охиридан бутун мамлакат миқёсида ташкил этишға киришилган ўрта маълумот берадиган хўнара-техника билим юртлари мана шу катта вазифани амалға ошириш йўлидаги навбатдаги қадам, ҳозирги ҳаётимизнинг муҳим янгилigidир. Таълимнинг бу системаси катта истиқболға эға.

Аммо ҳаётда ҳар қандай янгилик ҳам ўзига қийинчилик билан йўл очади. Жумладан, бундай қийинчиликларни, хўнара-техника таълимининг янги системасида ҳам кузатиш мумкин. Гап шундаки, болаларини бу билим юртлариға юборишни ҳамма ота-оналар ҳам хоҳлайвермайди.

— Очиқ айтиш керак, ўрта мактаблардан билим юртимизға ўйинқароқ, ўқишға қизиқиши суст болаларни «қутулиш» мақсадида юборишади, — дейди Рихситилла Хусанович. — Шунинг ўзи хўнара-техника таълимининг ҳозирги ҳаётимиздаги аҳамиятини ҳали ҳамма ҳам яхши тушуниб етмаганлигини кўрсатиб турибди. Ҳар йили 2 сентябрда билим юртиға ўқишға кирган болалардан диктант оламиз. Бу диктантда уларнинг аксарияти ёмон баҳо олишади. Группа раҳбарлари шу диктантни сақлаб қўйишади. Орадан бир йил ўтғач, болалардан яна диктант оламиз. Шунда уларнинг аксарият қисмида ўзғариш юз бергани кузатилади.

Хўш, билим юрти педагогика коллективи бундай ўзғаришға қандай муваффақ бўляпти? Аввало, бу ерда юксак малакали педагогларнинг аҳил, жиқсланган коллективи юзаға келтирилган. Барча ўқитувчилар махсус олий маълумотға эға. 56 ишлаб чиқариш таълими мастерининг 18 нафари олий, қолгани ўрта махсус маълумотли кишилар, уларнинг кўпчилиги сиртдан олий ўқув юртларида ўқишади.

Билим юртининг моддий-техника базаси йилдан-йилға бойиб боряпти. 10 та ўқув устахонаси, 37 кабинет ва лаборатория энг янги усқуналар, таълимнинг техник воситалари билан жиқозланган. Бу ўқув планлари ва программаларини муваффақиятли бажариш учун қулай шароит яратэди.

Билим юрти ўз фильмотекасиға эға. Ҳозир унда 116 номдаги кинофильм ва 500 дан кўпроқ диафильм бўлиб, улардан назарий машғулотларда ва ишлаб чиқариш таълимида муваффақиятли фойдаланиляпти.

Билим юртиға «Главташкентстрой» катта ёрдам кўрсатяпти. Биргаликда ҳаракат қилиш натижасида ўнинчи беш йилликда таълимнинг техник воситаларини кенг жорий этиш, янги ўқув кабинетлари, лабораториялар ва устахоналар ташкил этиш, кўргазмали қуролларни кўпайтириш, педагоглар ва ўқувчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш эвазига ўқув жараёни такомиллаштирилади.

Билим юртида ўқув-тарбия жараёнини илмий ташкил этиш бўйича Кенгаш ишлаб турибди. У ўқитувчиларға, ишлаб чиқариш таълими мастерлариға ўз педагогик маҳоратларини ошириш, бўлажақ малакали бинокорларни ўқитиш ва таълим беришнинг янги формаларини қидиришда ёрдам беради.

Билим юрти асосан пардозловчилар тайёрлаши муносибати билан бу ерда бўёқчилар учун бажариладиган ишларнинг мураккаблиги ҳисобға олинган ҳолда учта ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилган. Бу устахоналарда махсус машқ шчитлари ўрнатилган, буларда бўлажақ бинокорлар иш усулларини ўрганишади.

Электр-газ пайвандчилари устахонаси қошида дастлабки ва сўнгги инструктажларни ўтказиш учун кабинетлар ташкил этилган. Бу ерда кўргазмали қуроллар, ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатлари, ўқувчилар томонидан тайёрланган пайвандлаш аппарати бор. Ишлаб чиқариш таълими мастери телеобъектив ёрдамида ўтирган жойидан пайвандлаш жараёнини экранға тушира олади. Бу пайвандлаш ишларини осон намойиш этиш, шунингдек ўқувчилар бажараётган ишларни назорат қилиш имконини беради.

Бўлажақ қурувчилар ишлаб чиқариш практикасини республикамиз пойтахтидаги бинокорликнинг индустриал методлари, янги материаллар, замонавий технология жорий этилаётган йирик қурилишларида ўтказишади.

Билим юрти коллективиға ишлаб чиқариш илғорлари.— йигирма-ўттиз йиллаб меҳнат стажига эға бўлган мураббий ишчилар катта ёрдам беришади.

Шундай ҳақли савол туғилади. Хўнара-техника билим юртларида ёшларға билим

бериш даражаси умумтаълим мактабларигаидан ортиқ бўлса ортиқки, кам бўлмаса, болалар бу ерда ўрта маълумотли бўлишдан ташқари касб ўрганса, олий ўқув юртиларига киришда имтиёزلарга эга бўлишса, уч йил мобайнида болаларни боқиш, кийинтиришни давлат ўз зиммасига олса, нега ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам болаларини бу ерга юборишни иставермайди?

Бунда аввало, бизда ҳали касб-ҳунар пропагандаси дуруст эмаслиги салбий таъсир кўрсатяпти. Кўпгина ота-оналар техника тараққиёти ва умуман ҳаётнинг барча соҳасидаги юксалиш натижасида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ҳўртасидаги тафовут камайиб бораётганлигини, жисмоний меҳнат кишиси учун қулай шароитлар яратилаётганлигини ҳисобга олишмаяпти. Албатта, орзули дунё. Ишчи фарзанди инженер бўлишини истайди, инженер эса, фарзандининг ҳеч бўлмаганда инженер бўлишини истайди. Шунинг учун кўпчилик ёшлар етуклик аттестати олгач, олий ўқув юртиларига ҳужжат топшириб, ўз бахтларини синаб кўришади. Социологик тадқиқотларга кўра, шаҳарларда юқори синф ўқувчиларининг саксон фоиздан ортиги олий мактабга кириб ўқишни истайди. Ҳақиқатда эса ўн йилликни тугатиб чиққанларнинг бешдан бир қисмидан сал кўпроғигина, техникумлар билан қўшиб ҳисоблаганда эса, учдан бир қисмига яқини ўқув юртига ўқишга киради. Шундан кейин қарабсизки, ўқишга киролмаган йигит ва қизлар (корхоналар ва курилишлар малакали ишчиларга зарурат сезаётган бир шароитда) нима қилишларини билмай анча вақтгача бошлари қотиб юради.

Илгари ўзбекларда уйланмоқчи бўлган йигитнинг қўлига болта бериб, катта гўла ўтинни самовар тараша қилдириб кўришар экан. Шу билан йигитнинг мустақил ҳаёт кечеришга, оила тебратишга қай даражада тайёрлиги синаб кўрилган. Ҳозир эса баъзилар учун жисмоний меҳнатга нўноқлик айб бўлмай қолди. Айниқса, ақлий меҳнат кишилари орасида рўзғордаги жуда оддий юмушларга ҳам ташқаридан одам тақлиф этадиганларни истаганча топиш мумкин. Бу албатта, инсоннинг тўла камолга етмаганлиги белгиси ҳисобланади. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой ҳам «қўл меҳнати барчанинг бурчи ва бахти» эканлигини таъкидлаб, «жисмоний меҳнатдан фанга ва санъатга ғоят қизиқишни баҳона қилиб бош тортадиганларни маъқулламайман», деб ёзганди. Зотан, улуғ ёзувчининг ўзи ақлий меҳнатни қай даражада севса, жисмоний меҳнатга ҳам шу даражада ўч эди.

Халқимизда бир йигитга қирқ хунар оз, деган нақл бор. Ота-она, фарзандининг ишчи бўлишини хоҳламаган тақдирда ҳам бола слесарлик ёки сувоқчиликни ўрганиб қўйса, келгусида ҳеч бўлмаганда ўз уйини ремонтдан чиқарганда бировга мурожат қилмайдиган бўлади-ку. Бу ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойда-ку. Қолаверса, хунар-техника билим юрти ёшларининг истиқболини чеклаб қўймайди-ку. Аксинча, у йигит ва қизларнинг олий маълумотли бўлишларида қўл келади, интилувчан, қатъиятли инсоннинг шаклланишига, тўғри касб танлашга ёрдам беради. Ахир, ўз касби ўзига манзур бўлмаган врачни, ўз ишига қизиқмайдиган инженерни, болалар билан ишолмайдиган ва ишлашни истамайдиган педагогни бахтли деб бўламайди? Улар бу касбларда ўз пайтида ота-оналари: «Фарзандимиз олий маълумотли бўлсин», деб орзу қилганликлари учун ҳам ишлашга мажбурдирлар.

Рихситилла Ҳусанович билан мана шулар хусусида гаплашиб ўтирганимизда, у киши бир воқеани сўзлаб берди. Бир куни Чилонзор район халқ маориф бўлими Рихситилла акани мактаб ўқувчиларининг ота-оналари билан учрашувга тақлиф этибди. У киши кўпчилик олдида 63-билим юрти ҳақида гапириб берибди. Шунда бир аёл ўрнидан туриб:

— Яхши агитатор экансиз, Рихситилла Ҳусанович. Энди савол беришга рухсат этинг. Ишчи бўлиш болаларимизга нималар беради? — дебди.

— Кечирасиз, касбингиз нима?

— Магазинда фаррош.

— Яхши, оилангиз неча кишидан иборат ва неча хонали квартирада яшайсиз?

— Оилада тўрт жонмиз, уч хонали квартирада турамыз.

— Жуда соз. Сўзсиз, қўшниларингиз орасида олий маълумотлилари бордир...

Уларнинг ҳар бири турар-жой шароитида сизнинг оилангиздан ортиқроқ қулайликка эга эмаслигини бориб кўрмасам ҳам биламан. Кўринишингиздан иккимизнинг ёшиمиз ўртасидаги фарқ катта эмасга ўхшайди. Энди яна бир савол беришга рухсат этинг. Нега олий ёки ўрта махсус маълумотли эмассиз?

— Ёшликда ўқишга шароит бўлмаган?

— Бу гапингизга қўшилолмайман. Сабаби, мен ҳам ишчидан чиққанман. Аввал фабрика- завод таълими мактабида ўқиб, артелда, заводда ишладим. Кейин сиртдан ўқиб олий маълумот эгаси бўлдим. Агар гапим сизни қаноатлантирмаса, партия XXV съездидаги мандат комиссияси раисининг нутқи билан танишиб чиқишингиз мумкин. Унда съездда қатнашган министрларнинг қарийб ҳаммаси ишчидан чиққанлиги таъкидлаб ўтилган.

Аёл нима дейишни билмай сукут сақлади. Рихситилла ака сўзида давом этди.

— 1978 йилда Тошкентдаги юридик техникумга студентлар қабул қилинганда бир ўринга 240 ариза тушибди. Албатта, касбнинг ёмони йўқ. Ҳар ким хоҳлаган касбини ўрганиш ва хоҳлаган соҳасида ишлаш ҳуқуқига эга. Лекин юридик техникумни битирган кишилар олаётган маошни кўринг-ку, бизнинг хунар-тенхика билим юртини битириб ишлаётган ёшлар олаётган маошни кўринг... Сувоқчилик ва бўёқчилик қилаётганлар

220—230 сўмга етказиб, ганч ўймакёрлигида ишлаётганлар 280—300 сўмга етказиб маош олишяпти. Ишчининг қанча пул топиши билан кучига, ғайратига боғлиқ. Меҳнат билан топилган нон эса ҳамisha тотли, беминнат бўлади... Фарзандингиз профессор бўлишини, истайсизми? Марҳамат! Министр бўлишини истаймизми? Марҳамат! Хунар-техника таълими ҳеч бир ёшнинг истиқболини чеклаб қўймайди...

— Фарзандига хунар ўргатишни таклиф этсанг «бурнини жийирадиган» ота-оналар билан суҳбатлашганимда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин, Балтика кemasozлик заводининг тоқари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. В. Чувев, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова каби мамлакатимизга машҳур кишилар ёдимга келади,— дейди Рихситилла ака.— Ахир улар, хунар-техника билим юртларининг sobиқ талабаси бўлган оддий меҳнаткашларку. Бу кишиларнинг обрўси, ҳурмати қайси профессор ёки министрикидан кам?

Дарвоқе, бизнинг жамиятда энг муҳими, қандай касб эгаси бўлиш ёки қандай мансабни эгаллашда эмас, балки танлаган касбининг қай даражада севишингда, шу касбда бир умр ихлол ва ғайрат билан меҳнат қилишда, тинмай изланиб, олға интилишингда. Жумладан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, хунар-техника таълими аълочиси Рихситилла Хусанович Хусановнинг ҳаёти ҳам бу фикримизнинг яхши исботи бўла олади.

Рихситилла аканинг отаси «Тоштрам»да ишчи бўлган. Уғил ҳам ота йўлидан борди. 1935 йилда еттинчи синфни битиргач, Тошкентдаги sobиқ Бауман номли 37-хунар-техника билим юртига кириб ўқиди. Кейин «Ўзпромсовет»нинг Чорсудаги артелида слесарь бўлиб ишлаб, педагогика институтининг кечки бўлимида маълумотини оширди. У қирқ йилдан ортиқ меҳнат фаолиятида ўнга яқин жойда ишлади. Нега шундай бўлганлигини унинг меҳнат дафтарида қараб билиш мумкин. Унда ҳар бир янги вазифага ўша жойини кадр билан мустаҳкамлаш, ишни яхшилаш учун ўтказилганлиги таъкидланган.

Уруш бошланиб кетгач, Рихситилла ака район ҳарбий комиссариатининг йўлланимаси билан Тошкентга янги кўчириб келтирилган Чкалов номли самолётсозлик завоидига бориб, мастер бўлиб ишлаб бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай уни шу завод қошидаги 14-хунар-техника билим юртига ишлаб чиқариш таълими мастерлигига таклиф этишди. 1948 йилдан эса 34-хунар-техника билим юртига катта мастер бўлиб ўтди. 1950—1962 йиллар мобайнида 11, 14, 24, 40-хунар-техника билим юрларида директорлик қилди.

Рихситилла ака Тошкент шаҳридаги қирқдан ортиқ билим юрти директорлари орасида энг тажрибалиси саналади. Шаҳарда хунар-техника таълими соҳасида ишлаётган кишилар орасида Рихситилла ака билан бирга ҳамкорлик қилиб, у кишидан тажриба ўрганган, яхшилик кўрганлар кўп. Жумладан, 63-билим юртининг ўзидан қисқа вақт мобайнида олти киши билим юрлари директори ва директор ўринбосари лавозимларига кўтарилиб кетишди. Шулардан бири 139-билим юртининг директори. Миробид Самиговдир.

— Бу ерга ишга ўтганимга қадар менга директорлик лавозимини икки марта таклиф этишди,— дейди Миробид ака.— Лекин икки тал ҳам Рихситилла акамдан ажрагим келмади. Учинчи марта таклиф этишганида ҳам йўқ демоқчи бўлгандим, Рихситилла акам рози бўлмадилар: «Ҳар бир яхши кадр ўсиши керак. Ҳамон сизга ишонч билдириляётган экан, бу ишонччи оқлашингиз лозим», дедилар. Мен раҳбар сифатида бирон бир яхши фазилатга эга бўлсам, булар учун аввало Рихситилла акамдан қарздорман.

Рихситилла Хусанов раҳбар бўлган хунар-техника билим юртида қурилиш билим юртлири раҳбарларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб, унга бутун мамлакатдан тажриба ўргангани келишди. Бу ютуқлар табиийки, раҳбардан қатта ташкилотчилик ва коллективдан уюшқоқлик билан аниқ мақсад сари дадил интилишни тақозо этади.

Рихситилла ака билан кўп йиллардан бери ишлаб келаётган Собир Орипов шундай воқеани эслайди: «Рихситилла ака 11-фабрика-завод таълими мактабидан янги мактабга ишга ўтадиган бўлиб юрган пайт эди. Шунда у киши мактаб территориясида боғ барпо этиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Мен: «Ахир Сизга нима зарурати бор бу ишга бош қотириб, эрта-индин кетадиган одам бўлсангиз. Янги директор келса қилар, десам», у киши ёлкамга қўл ташлаб: «Собиржон, ҳар ким ўзидан кейин боғ, гулзор қолдирса ҳаёт кўркам бўлади», дедилар.

Бу гап ўз умрини ишчилар динфига ўринбосарлар тайёрлашга бағишлаган Фидокор инсоннинг бутун ҳаёти мазмунини ташкил этади. Ҳа, у қаерда ишдамасин ўша жойини обод қилди, ўзидан яхши ном қолдирди. Партия ва ҳукуматимиз эса, Рихситилла Хусановнинг кўкрагига Олтин юлдуз медалини тақиб қўйди.

Мингларнинг устози ҳамон сафда, қизгин меҳнат қучогида. Бир қарасанг, у билим юртига янги ўқув-техника воситалари келтириш ташвишида юрган бўлади, бир қарасанг, дарс таҳлилида ўтирган бўлади, яна бир қарасанг, пойтахтдаги қурилишларда прәктика ўтказаятган билим юрти ёшлари орасида юрган бўлади. Рихситилла ака игна билан қудуқ қазишдек қийин, аммо шарафли мураббийлик каби тинмай ижодий изланишни талаб қилишини, ҳозирги ҳаётнинг ҳар бир инсон олдига қўядиган талаблари фоят юқори эканлигини чуқур англайдиган одам. Шунинг учун ҳар доим ҳаётини мана шу талаблар даражасида ташкил этишга интилади, атрофдагилардан ҳам шуни кутади.



БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

ХАМ БИР БУЮК ИНСОН ХАЛҚНИНГ ДАРДУ ҲАҚИДА ТУҒИЛГАН КУНИГА 525 ЙИЛ ТҒЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ар бир буюк инсон халқнинг дарду ҲАҚИДА ТУҒИЛГАН КУНИГА 525 ЙИЛ ТҒЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

(рассом яшаган даврда 1455—1536-37 йилларда) бўлиб ўтганлигини эсласак, Беҳзоднинг юқоридаги иши ўзига хос бир жасорат эканлиги равшан бўлади.

Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кам маълумотлар mavжуд. Шунинг учун бўлса керак, бадий асарларда ҳам у кўпинча эпизодик образ сифатида тасвирланади. Ойбекнинг «Навоий», Лидия Батнинг «Ҳаёт бўстони», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романларида Беҳзод буюк Алишер Навоий фаолиятини кўрсатишда ёрдамчи образ бўлиб келиши бунга мисолдир. Аслида эса, Беҳзод бундан кўра улуғ қисматга молик шахсдир.

Халқимиз орасида шундай ривоят бор. Эмиш, Беҳзодга баъзилар: «Чизган одамларнинг нариги дунёда ўз жонларини сўрайдилар, төпиб беролмасанг, дўзахда қуясан», деярд эканлар. Бу хил гаплар жонига теккан мусаввир душманларидан ўч олишга аҳд қилибди. У: «на фақат одам тасвирини чизганлар, балким ўша тасвирни кўрган киши ҳам гуноҳга ботади», дейдиган дсмладан бошлабди бу ишни.

Беҳзод ўз уйининг деворига ичиб, айширлат қилиб ўтирган кишиларнинг суратини солибди. Суратдаги одамларнинг ҳаммаси ширакайф, кўзлари сузилган. Улар орасида домла ҳам ўтирган эмиш, қўлла-рида қадаҳ билан...

Расм тайёр бўлгач, деворга парда тортиб, Беҳзод домлани меҳмонга таклиф этибди.

Зиёфат айни авжига чиққанида, келишилганидек Беҳзоднинг икки дўсти кириб пардани очишибди. Улардан шўхроғи:

— Э, домла почча, зиёфат куюқ-ку, бир томонда нозу неъмат, иккинчи томонда майхўрлик. Ҳа, бундоқ улфатларни зиёфатга таклиф қилмайсизми?— деб суратга ишора қилибди. Домла салла-тўнни кўтарганча қочган экан.

Кейинчалик домла Беҳзоднинг жазосини бериш учун бўлиб ўтган гапни овоза қилай деса, калтакнинг бир учи ўзига тегади. Тишини тишига босиб, жим юришга мажбур бўлган экан.

Агар мазкур воқеа Мирзо Улуғбекнинг мешъум қатлидан (1449) салгина кейин

Камалиддин Беҳзод (Беҳзод — зоти яхши дегани) бўлиб, унинг тахаллусидир) 1455 йили Ҳиротда қосиб оиласида дунёга келади. Болалигидан ота-онасидан етим қолиб, синглиси билан бирга Ҳиротда шайх азимда йўқчиликнинг аччиқ сабоқларини бошидан ўтказади. Аввалига ўқсоз, сўнгрқ Хусайн Бойқаро кутубхонасининг китобдори бўлган Мирак наққош уни ўз қарамоғига олади. Беҳзод Мирак наққош хонадонидан тирандозликнинг ҳам наққошликнинг илқ сабоқларини олади.

Камслиддин Беҳзод ижоди ҳақида гапирганда машҳур Мирзо Бойсунқурнинг ҳунар ваа санъат мактабини эсламай ўтиб бўлмайди. Негаким, Ҳирот тасвирий санъат мактаби номи билан шўхрат қозонган нафосат ижодхонаси Шохруҳ Мирзо замонида (хукмронлик йиллари 1409 — 1447) асос топди. Бу ишда Шохруҳнинг ўғли ва вазири Мирзо Бойсунқур (1397—1434) нинг хизматлари катта. Алишер Навоий «Мажолис ун нафосис» асарида у ҳақда: «Бойсунқур Мирзо хуштабъ ва сахий ва айёш ва хунарпарвар подшоҳ эрди. Ҳатот ва наққош ва созанда ва гўяндадин (бахши, ҳикоячи) мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидан сроға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлғай». Дарҳақиқат, Мирзо Бойсунқур вазирилиги даврида (1416-20)

Хиротда кутубхона ташкил этади. Ўз даврининг машҳур ҳаттотлари, наққош ва мусаввирлари, саҳоф ва заркорларининг қирқ нафарини тўплаб илмий ва ижодий иш олиб боради.

Камолиддин Беҳзод ана шу мактаб анъанасида тарбияланган тасвирий санъат усталирининг асарларини кунт билан ўрганди. Мирак наққош билан биргаликда Султон Ҳусайн даврида қуриб битказилган иморатларнинг пештоқларига китобалар ёзиш билан машғул бўлди, меъморлар, бинокорларнинг ўзига хос ҳунарлари сирларини ўрганди. Алишер Навоий бошлиқ Нигористондаги олиму фузалоларнинг «фирдавсимонанд мажлис»ларида иштирок этди. Соҳиб Доро, Мавлоно Фасиҳиддин, Мавлоно Бурҳон каби Алишер Навоийнинг донишманд дўстлари маслаҳатларини олди. Булар Камолиддин Беҳзод дунёқарашининг шаклланишида, мусаввир сифатида камол топишида шубҳасиз катта роль ўйнайди.

Беҳзод чизган суратлар «Нигорхона» мажлисларида муҳокама этилганлиги, Хондамирнинг «Мақоримул ахлоқ» асарида мисоллар билан келтирилган. Бироқ Алишер Навоийнинг Астрободга сургун қилиниши (1487 йилнинг бошлари) билан илм-санъат аҳли дарғасиз жемадек бўлиб қолади. Шунинг назарда тутиб ва Беҳзоднинг илм-санъат аҳли орасида тулган мавқеини англаб, Султон Ҳусайн уни ўз саройида ишлатишни лозим кўради ва кутубхонасининг раиси қилиб тайинлайди.

Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин (1506) олий ҳокимият унинг ўғиллари Бадиуззамон ҳамда Музаффар Ҳусайн (Музаффариддин)ларга тенг тақсимланиб, Жомеъ масжидида шу икки ҳоким номига хутба ўқилади. Бироқ ҳар икки теурий ҳам яқин ҳукмрон бўлиш иштиқиди ёнадилар. Салтанатда ўзаро ички кўрашлар авже элади. Салтанат ҳалокат ёқасида қолади...

Теурийлар ҳукмронлиги шу билан барҳам топгач (1507), Хиротда ва бутун Ҳуросонда санъатга шикаст етди. Машҳур наққош ва мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб ёки Шайхзода Маҳмуд Бухорога кўчиб кетди. Чиннисозлик корхонаси яратган, идишлари Хитой чиннисидан қолишмайдиган, Хондамирнинг таърифича «турли фанлар ва илмлар соҳасида катта маҳоратга эга, бунинг устига ғаройиб ҳаёлот нақшлари устаси ва турмуш, рўзгор буюмларига лавҳалар чизган, тасвир ва тазҳиб фанида тамом маҳоратлик», сандиқли соат яратган одам — Мавлоно Ҳожи Муҳаммад наққош Шайбонийхоннинг ҳужуми пайтида вафот этади. Машҳур мусаввир, Беҳзод корхонасининг наққоши Дарвиш Муҳаммад ибн Муҳаммад Муъмин форс ўлкасига кўчиб кетади. Наққош ва мусаввир Султон Муҳаммад Табриздан паноҳ топишга мажбур бўлади...

XVI аср бошидаги мазкур воқеалар Беҳзод ижодида чуқур ўйчанлик, нозик лиризм кайфиятларида ўз аксини топди. Бундай суратлар Хисрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидан (Ленин-

граддаги Салтиков-Щедрин кутубхонаси) жой олган. Бу китобдаги суратлар, биринчидан, Беҳзоднинг юксак ижодий ва маънавий камолотидан дарак берса, иккинчидан, унинг тасвирлари мазмуни бойиб борганлигини кўрсатади. Бу китобдан жой олган Лайлининг Мажнун бошини тиззасига қўйиб ўтирган мунгли суратдан Беҳзод замондошлари кўплаб нусхалар кўчиришган, ҳатто бу манзара тасвири туширилган гиламлар ҳам пайдо бўлган...

1510 йили Марв яқинида сафавийлар қўшини билан бўлган жангда Шайбонийхон ўлдирилади. Ҳирот 1512 йили Эрон шоҳи — Исмоил Сафавий (Сафавий — Сафавия тариқати асосчиси, шайх Сафийдин Исҳоқ номидан олинган) томонидан босиб олинди. Шайбонийхон даврида қатағон қилинган шиъа мазҳабидаги кишилар қасоскорона бош кўтардилар. Шайбонийхоннинг барча ишларига фатво берган саксон ёшлиқ қария Шайхулислом Тафтазанийни қизилбошларга тутиб берадилар. Қизилбошлар чолни халойиқ олдига судраб чиқади ва сунни мазҳабидан шиъага ўтишни буюрадилар. Тафтазаний бунга кўнмайди. Уни кўчадаги дарахтга осиб ўлдиришади, жасади дарахт билан бирга қўшиб ёқиб юборилади. Муаррих Зайниддин Восифийнинг хабар беришича «Бадоеул вақое» — «Нодир воқеалар», қизилбошлардан мингга яқин киши Абдурахмон Жомий мазори бошига боришиб, қаерда эшик, дераза, курси, тахта бўлса, ҳаммасини мавлавий (Жомий) қабри устига ўйганлар ва баландлигини мазор айвоничалик қилиб ўт қўйганлар.

Сафавийлар бу билан қаноатланмадилар. Илм ва санъат аҳлини аввал ўн икки таёқдан урдириб, сўнг шиаларнинг ўн икки ймоми руҳлари жо бўлган деб саналувчи саллани ўптириб мажбуран ўз мазҳабларига ўтказганлар. Бош торганлар маҳалласи ғорат ва қатлиом қилинган.

Бу воқеалар, албатта, санъаткорлар ҳаётида фожиавий роль ўйнаган. Ҳирот мактабида реалистик тасвир инқирозга учраб, сафавийлар тазйиқи остида яна диний мазмундаги суратлар чизила бошланди. Машҳур мусаввир Қосим Алтининг Муҳаммад ибн Зайд ибн Арабшоҳнинг «Беайб» имомлар тарихи» асарига чизилган миниатюралари бунга мисолдир. Уларда Абу Бакир, Умар ва Усмон каби халифалардан азият чеккан Али қисмати тасвирланади...

Заҳириддин Муҳаммад Бобир «Бобирномаси»да 925 йилда Ҳиротда бўлганида рабиулохир ойининг 19-куниди (1519 йил, 25 апрель) Беҳзод ҳовлисига ташриф буюрганлигини ёзади. Камолиддин Беҳзоднинг 1522 йилгача Ҳиротда яшаганлиги ҳақида тарихий далиллар мавжуд.

1522 йил Беҳзод Табризга кўчишга мажбур бўлади. Буни биз шоҳ Исмоилнинг Беҳзодни Табриз кутубхонасининг китобдори этиб тайинланиши тўғрисидаги фармондан ҳам кўришимиз мумкин. Фармон шундай сўзлар билан тугайди:

«...Устод яна омонат сурати ва диёнат чеҳрасини хотири лавҳига ва мунаввар

мусаввирлиги дили саҳифасига чизмаслиги лозим. Ушбу хизматга ростлик йўли билан киришуви, икки юзламлилик майлидан ўзини йироқ тутиб, содиқлик ва савоблик қондасидан четланмаслиги керак; атрофдагилар ҳам шу йўлдан борсинлар. Мазкур шаҳаншоҳ ҳукми муҳри ва имзо билан мунаққаш этилган, олий мансабдорлар воқифлигига эътимод тутилсин. Тажрири 27 жумодил аввал, 928 ҳижрий (1522 йил, 24 апрель).

Бундан шох Исмоилнинг, Бехзодни нечоғлик ҳурмат қилмасин, унга тўлиқ ишонч билан мазкур масъулиятни топширмаётганлиги, балким Бехзоднинг эл орасида тутган обрў-эътиборидан фойдаланиб ўз шухратини ошироқ ниятида эканлиги англашилади. Дарҳақиқат, шох Исмоил буюк Бехзодни ўз саройида бўлмаслигидан қўриқшигидан ташқари, уни бошқа шохлар саройига «безак» бўлиб қолишдан чўчиди. Бу ҳақда шундай нақл ҳам мавжуд: эмиш, шох Исмоил турк султони Султон Салим 1 (1512 — 1520) ўртасида катта жанг воқеъ бўлади. Шох Исмоил жангга кетиш олдидан: «Ким билади, тақдиримда нима бор. Жангда душман ғолиб келса ўларман, ёки қочиб қутуларман. Мамлакат вайрон ва талон-торож қилинар. Бироқ Бехзодни Султон Салим Румий қўлига тушишини асло хоҳламайман», деган андишаларга боради. Шох Исмоил учун ўз мулки ва хазинасининг хавфсизлигидан кўра, Бехзоднинг саломатлиги муҳимроқ бўлган. Мазкур нақл Камолиддин Бехзоднинг ноёб таллант эгаси эканлигидан далолат беради.

Бехзод Табризда ўзи билан бир гуруҳ иствъодли шогирдлар олиб кетди. У ерда ижодий ишларини давом эттирди. Ҳирот тасвирий санъат мактаби аъёналари Табризда ҳам ўзининг мустаҳкам илдиларини ёйди. Султон Муҳаммад, Қосим Али Чехракушо, Абдулазиз Исфохоний, Шайхзода Хуросоний ва бошқалар Бехзоднинг ёнида бўлишиб нодир тасвирий санъат асарларининг дунёга келишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Исмоил Сафавий вафотидан сўнг давлат унинг ўғли шох Тахмосп (1524—1576) «қўлига ўтди». Шох Тахмосп ўн бир яшарлигида тхтга чиққан бўлиб, тарихчилар уни жуда ҳам қаттиққўл ва тантиқ бўлганлигини қайд этадилар. Муаррих қози Аҳмад Мир Мунший ўзининг ҳаттолик ва тасвирий санъат намояндалари тўғрисидаги рисолада: «Устод Бехзод фаолиятининг равнақи Мирзо Султон Ҳусайннинг қувончли кунларидан шох Тахмосп ҳукмронлигининг биринчи кунларига ҳам давом этди», деб ёзади. Шох Тахмосп мавлоно Музаффар Али наққош (Бехзод синглисининг ўғли)нинг ишларини Бехзодниқидан устун қўйиб, уни масҳара қилишгача бориб етганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бу ҳол ўша даврда етмиш ёшларда бўлган Бехзодга қаттиқ таъсир қилади, руҳан эзади.

Рассом ҳаётининг сўнги йилларига оид шох асарларидан бири икки туянинг олишуви манзараси ақс эттирилган суратдир. Мазкур суратнинг асл нусхаси Истамбул-

даги Гулистон санъат кошонасидаги мураккаб (альбомда) сақланмоқда. Суратда оқ ва қора туя олишмоқда, икки киши уларнинг арқонларидан ушлаб турибди. Кузатувчилар ва туялар ҳолатидан ҳақиқий «жанг» бўлганлиги англашилади. Мусаввир мураккаб ҳаракатларни усталик билан тасвир эта олган. Саҳифанинг юқори бурчида тўрт бурчак ичида «шикаста қаламли, нормурод фақир Бехзод умри етмиш ёшга етгандан кейин, кучли тажриба натижасида шу ишга қўл урган»лиги ёзилган. Шунга кўра бу сурат 1525 йили чизилганлиги ва Бехзод 1455 йилда туғилгани аниқ бўлади.

Шундан кейин жиянининг бетоблигидан хабар топиб, Бехзод ўзи туғилиб ўсган Ҳирот шаҳрига йўл олади ва ўша ерда вафот этади. Табризда яшаган наққош Дўст Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳаравий ўзининг Баҳром Мирза альбомига ёзган шарҳида (951 х, 1544 м) Бехзоднинг вафоти ҳақида Дўст Ҳошимий томонидан ёзилган «Назир афкан бе ҳоки қабри Бехзод» деган хронограммани келтиради. Бунга кўра, Бехзод (942 х,) 1536-37 йилларда вафот этган бўлиб чиқади. Қози Аҳмаднинг фикрича Бехзод Ҳиротдаги Қўҳи Мухтор мавзеининг хушманзарали жойига дафн этилган.

Партия ва ҳукуматимизнинг халқлар тарихини ўрганишга курсатаётган ғамхўрлиги туфайли буюк ўтмишдошимиз йиллар ҳоки ичидан мана мен деб чиқиб келмоқда. Ажаб эмаски, унинг таваллуди Беруний, Форобий, ибн Сино юбилейлари сингари жаҳон халқларининг байрами даражасида ўтказилса.

Камолиддин Бехзод Озарбайжон (Табриз), Хуросон (Ҳирот) ва Мовароуннаҳр (Самарқанд, Бухоро) мусаввирлик мактабининг аъёна ва ижодий ютуқларини ўзида мажассамлаштирди ва уларнинг таъсирчанлик қувватини оширди, янги аъёналар билан бойитди. Бехзоднинг новаторлиги шундаки, у ўз асарларида миниатюра санъатининг ўзига хос бадиий принципларини сақлаган ҳолда табиат манзаралари ва воқеаларни, одам ва жониворларнинг ҳаракатларини жонли, ҳаққоний, ҳаётий қилиб тасвирлайди. Кўп кишилик сўзна асарларининг ёрқинлиги, ҳаракатчанлиги, жўшқинлиги, одамийлиги, бўёқларнинг жилсдор, уйғун ва монандлиги; чизикларнинг нозик ва мусиқийлиги билан Бехзод ижоди жаҳондаги буюк рассомларнинг ижодий аъёналарига ҳам оҳангдир. Урта шарқ халқларининг ижтимоий эстетик идеаллари, интилиш ва ташунчалари Бехзод асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Унинг ижоди ўз давридаёқ рассомлик мактаби бўлиб қолган. Ундан таълим олган Қосим Али Чехракушо, Мақмуд Музаҳиб, Дарвиш Муҳаммад, Мақсуд, Мулла Юсуф, Ҳўжа Абдулазиз наққош кэби кўплаб шогирдлари, кейинчалик унинг ишларини давом эттириб, Ўрта Осиё рассомлик санъати шухратини жаҳон бўйлаб ёйдилар.

Шукр ҚҰРБОНОВ.



УЛКАН ОЛИМ

МУҲАММАДЖОН ҚОРАТОВ 70 ЁШДА

Кадим ўтмишда қозоқ чўлларида ҳамisha ғамгин ва маънос юрган Ҳасан Қайғу деган кимса ҳақида ривоят тўқилган. У бутун ҳаёти давомида яйловларида кўм-кўк ўтлар ястанган, булоқларидан оққан сувлар кўз ёшидек тиниқ ва тоза, тўрғайлар, кўзичоқлар елкасига ин кўйган, халқлари кенглик ва эркинликда яйраган бир юртни орзу қилиб, излаб ўтган экан. Бироқ йиллар, асрлар ўтибди. Ҳасан Қайғу қанчадан-қанча ерларни кезибди. Орзу қилган мамлакатини топмабди.

Бу ривоятда менинг халқимнинг эзгу орзулари ифодаланган. Агар Октябрь инқилоби бўлмаганда бу орзу чиройли бир эртак бўлиб қолаверар эди...

Қозоқ совет адабиётининг йирик вакили, атоқли адабиётшунос ва танқидчи, ўзбек адабиётининг яқин дўстларидан бири Муҳаммаджон Қоратов ўзининг «Кўп миллатли совет адабиёти» сарлавҳали мақоласини ана шундай сўзлар билан бошлайди.

Зотан, у ўзининг деярлик барча адабий-танқидий мақолаларида социалистик қозоқ маданияти ва адабиётининг шаклланиши ва ривожига Октябрь ғоялари, буюк рус маданиятининг таъсири ва бошқа қардош халқлар адабиётининг ўйнаган буюк роли ҳақида зўр эҳтирос билан ёзади.

Кўп миллатли қардош халқлар адабиётининг барча йирик вакиллари сингари Муҳаммаджон Қоратовнинг ҳам ижодий камолотида буюк рус тили, рус адабиётининг роли беқиёс бўлди. «Қозоқ маданияти ва адабиётини рус тилисиз, рус маданиятисиз тасаввур қила олмайман»,— деб ёзади у ўз ижод йўли ҳақида сўзлар экан. Бунда у Қозоғистоннинг илғор фикрли кишилари XIX асрдаёқ рус тилининг қудрати ва гўзаллиги ҳақида зўр фахр билан илиқ сўзлар айтганларини ҳам кўзда тутди. «Руслар жаҳонни кўради. Агар сен улар тилини эгалласанг, сенинг кўзинг ҳам кенг жаҳонни кўра олади. Рус маданияти ва санъатини ўрган. Бу ҳаёт-

нинг калитидир»,— деган Абай Қўнанбоевнинг сўзларини эслар экан, Пушкин, Лермонтов, Крилов асарлари билан қозоқ ўқувчисини биринчи бор Абай таништирганидан фахрланади. Биринчи қозоқ олими, сайёх, фольклорист, публицист Чўқон Валихоновнинг Достоевский билан таниш бўлгани, Чернишевскийнинг дўсти ва мухлиси экани, ўзининг барча асарларини рус тилида яратганлигини ғурур билан эслайди. Уларни ўзининг биринчи устози деб билади. «Эс таниганимданоқ русча сўзлаша олган одамни кўрсам жуда ҳавасим келар эди. Ана шундайлардан бири ўзимнинг отам эди. У киши Оқ маҳитга саксовул сотгани бориб келиб юриб бир оз русча сўзлашни ўрганган эди»,— деб эслайди у.

Рус тилига ҳавас, рус адабиётига муҳаббат ёш Муҳаммаджонни эски мактабни тарк этиб, қўшни разъездларнинг биридаги мактаб-интернатга кириб ўқишга



ундайди. Янгикўрғондаги мактаб-интернатда бошланғич маълумотни олиб, 1925 йилда Оренбургдаги медицина техникумида ўқишни давом эттиради.

Мазкур техникумда бошқа фанлар қатори адабиёт ҳам ўқитилар ва бу фандан дарс берган техникум директори Михаил Васильевич Баталов унинг қалбиди катта умид учқунларини ёққан эди. Бу ҳақда ўзининг «Танқидчиликдаги сўқмоқ йўллари» асариди шундай эслайди: «Баталов менинг кўлимдан етаклаб осмониди Пушкин ва Лермонтов, Тютчев ва Некрасов, Гоголь ва Тургенев, Лев Толстой, Достоевский, Белинский, Чернышевский, Чехов ва Горький каби ёрқин юлдузлар порлаб турган рус бадий ижодиётининг нурафшон, мусаффо ғоявий-маънавий дунёсига бошлаб кирди».

Бир сўз билан айтганда унда адабиётга бўлган муҳаббат, қизиқиш медицина техникумида ўқиб юрган кезларида ҳам, ундан сўнги мустақил ўқиш даврида ҳам кучая борган. Бу эса 1930 йилдан бошлаб Олмаота педагогика институтиди ўқий бошлаган кезлари эйниқса аниқ кўринади. Бу ерда академик Е. Тарле, профессор Н. Фатов, М. Баталовлар билан бирга атоқли қозоқ ёзувчилари Сакен Сейфуллин, Мухтор Аvezовлар ҳам дарс берар эди. Шундай қилиб бўлажак олим қозоқ совет адабиёти улкан арбобларининг бевосита тарбияси ва таъсирида вояга етди. Бу давр адабиётнинг ғоявийлиги учун курашининг долзарб даври бўлди. Барча республикаларда бўлганидек қозоқ пролетар ёзувчиларининг ассоциацияси (Каз АПП)нинг жуда кўп йиғинлари ҳам кескин мунозара билан ўтар ва бу баҳсларда қозоқ совет адабиётининг асосчилари Бейимбет Майлин, Илёс Жонсуғуров, Мухтор Аvezов, Ғабит Мусрепов, Собит Муқонов, Тоир Жароқовлар фаол иштирок этардилар. Бундай йиғинлар адабиётшуноснинг дунёқарашида муҳим роль ўйнади.

Муҳаммаджон Қоратоевнинг биринчи адабий-танқидий мақоласи 1934 йилда эълон қилинган бўлиб, бу ёш танқидчига катта ишонч ва умид туғдиради, ўша давр адабий жамоатчилигининг эътиборини тортади. Мақолада Сакен Сейфуллиннинг қолхоз қурилиши мавзуга бағишланган «Қизил от» поэмаси ҳақида гап борарди. Поэмада республика хўжалигига катта зарар келтирган баъзи раҳбарлар танқид қилинган эди. Асар моҳиятини тушунмаган айрим танқидчилар шоирга ҳужум бошлашади. Ёш танқидчи бу ҳолга бефарқ қарай, олмайди ва «Қизил от» ва социалистик реализм» номли мақоласини эълон қилади. Мунаққид воқеликни ҳаққоний тасвирланган мазкур асар ғоясини ва ундаги «қизил от — янги ҳаёт кураётган қозоқ халқининг символик образи» эканини нотўғри талқин қилган мақолаларни кескин рад этган ҳолда поэмага марксистик нуқтаи назардан тўғри ёндашади. Бу мақола унинг танқидчиликдаги илк муваффақияти эди.

Шундан кейин танқидчининг қозоқ совет адабиётининг илк намуналарига бағишланган материаллари чиқа бошлайди. Мухтор Аvezовнинг «Кураш» пьесаси, Собит Муқоновнинг «Ударник», Бейимбет Майлиннинг «Шуъла» повестлари ҳақида дастлабки тадқиқотлар Муҳаммаджон Қоратоев қаламига мансубдир. Шундай қилиб у ҳали педагогика институтиди ўқиб юрган чоғидаёқ қизғин ижодий ишга шўнғиган эди. Унинг бахти ва омади ҳам шундаки, у қозоқ зиёлиларининг илк вакилларидан бири сифатида янги типдаги социалистик қозоқ адабиётининг пойдеворини қўйган ижодкорлар муҳитиди, улар тарбиясиди шаклланди, вояга етди. Йирик ёзувчиларнинг кўплари билан ҳамдард ва ҳамнафас, маслаҳатдош бўлди. Ўзининг билими ва қобилияти билан улар ишончини қозонганди. Шунинг учун ҳам ана шу йиллари Қозоғистон ёзувчилари союзининг ташкилий комитети унга масъул секретарлик вазифасини юклади. Айни чоғда Сакен Сейфуллин, Илёс Жонсуғуров, Бейимбет Майлин, Ғабит Мусреповлар билан бир қаторда «Қозоқ адабиёти» газетасининг редколлегияси аъзолигига сайланди. Буларнинг ҳаммаси унинг учун ижодий мактаб бўлди. Лекин ўз касбини севган ёш мунаққид назарий билимларини мустаҳкамлаш, адабий танқидчилик сирларини пухта эгаллаш мақсадида, марксча-ленинча фалсафа асосларини ва рус адабиётини чуқур ва мукаммал эгаллаш ниятида Ленинградга аспирантурага йўл олади. Машхур адабиётшунос Н. К. Пиксанев раҳбарлигиди «Пушкин ва қозоқ адабиёти» мавзуда илмий иш ёзишга киришади. Муҳаммаджон Қоратоев аспирантлик давридаёқ қозоқ совет ёзувчиларининг дастлабки авлоди қаториди СССР ёзувчилар союзининг аъзолигига кандидат қилиб қабул қилинади. Танқидчи М. Горький имзо чеккан кандидатлик билетини кўз қорачиғидек сақлаётганлиги ҳақида фахр ва ғурур билан ёзади. 1936 йилда аспирантуранинг сўнги курсидан Олмаотага чақириб олинган Муҳаммаджон Қоратоев Қозоғистон ёзувчилар союзининг масъул секретари ва Абай номидаги қозоқ педагогика институтининг адабиёт кафедрасига мудир қилиб тайинланади. Энди у республика адабий ҳаётига янада актив қатнашади, адабий баҳслар ва мунозараларда иштирок эта бошлайди.

1937 йилда Муҳаммаджон Қоратоев Қозоғистон ёзувчилар союзининг I пленумиди «Қозоқ адабий танқидчилигининг аҳволи ва вазифалари» мавзуда доклад қилади. Доклад фактларга бойлиги, назарий жиҳатдан бақувватлиги, ўша давр адабий ҳаётдаги энг долзарб масалаларни қамраганлиги, танқидчиликнинг галдаги вазифаларини, аниқ белгилай олганлиги билан катта қизиқиш уйғотади.

1937 йилда ёш танқидчи Қозоғистон ёзувчилар союзи правлениесининг раиси қилиб сайланади. Айни чоқда «Қозоғистон адабиёти» журналининг бош редактори вазифасини бажаради. Бу даврда

Муҳаммаджон Қоратоев қозоқ совет адабиётининг ҳассос тарғиботчиси сифатида Бутуниттифоқ адабий жамоатчилигининг эътиборини қозонади. Шунингдек, 1937 йилнинг декабрида Тбилисда СССР ёзувчилар союзининг кўчма пленумида Жамбул поэзияси ҳақидаги маърузаси ва 1938 йил январиди Москвада СССР Ёзувчилар союзида Қозоғистон ёзувчилар союзининг фаолияти ҳақидаги докладлари билан йирик совет ёзувчиларининг диққатини ўзига тортган Муҳаммаджон Қоратоев Жамбул асарларини ёзиб олиб, нашр этиш, уни кўп миллатли совет халқлари тилларига таржима қилишни ташкил этишда ҳам жонбозлик кўрсатди...

Муҳаммаджон Қоратоев узоқ танаффусдан сўнг 1954 йилдан бошлаб янада қизғин ижодий ишга киришади. Дастлаб бадий наشريётларда ва педагогика институтида, 1960 йилдан бошлаб эса республика Фанлар Академиясида ижодий фаолиятини давом эттиради.

Унинг «Абай» романининг сўнгги китоби («Абай йўли») нашр этилиши муносабати билан эълон қилинган «Биринчи қозоқ эпосеяси» номли мақоласи фақат қозоқ адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида эмас, балки умумсовет адабий ҳаётида муҳим роль ўйнади.

Мунаққиднинг «Саҳий талант», «Классик — ўқитувчи» номли мақолалари ҳам Мухтор Аvezов ижодига бағишланган бўлиб буюк санъаткорнинг мукаммал адабий портретини яратишда кўп жиҳатдан асос бўлди. Бундан ташқари Муҳаммаджон Қоратоев қозоқ совет адабиётининг қатор йирик вакиллари ижодини таҳлил этувчи мақолалар ёзди ва уларнинг маҳорат қирралари ҳақида фикр юритди. Мунаққид Сакен Сейфуллин асарларидаги революция оҳанглари уфуриб турган ички ритм, кўтаринки пафос, Бейимбет Майлинга ҳос бўлган майин лириклик, фалсафий теранлик, Собит Муқонов асарларидаги эпиклик хусусиятларини алоҳида таъкидлаш билан уларнинг ҳар бирининг ўзига ҳос бўлган индивидуал услубларини очишга ҳаракат қилади. У айти чоқда рус классик ва совет ёзувчилари ҳақида жўшқин ва самимий, чуқур илмий-назарий фикрлар баён қилинган қатор мақолалар яратди. Булар орасида «Пушкин қозоқ адабиётида», «Пушкин ва Абай», «Россия Прометейи», «Ижодий ҳақиқат машъали», «Константин Федин ва Қозоғистон» каби мақолалари характерлидир. Уларга асос қилиб олинган ижодкорлар фаолиятини танқидчи қозоқ адабиёти билан боғлашга ҳаракат қилади. Шу нарсени алоҳида қайд қилиш керакки, танқидчининг кўпчилик мақолалари умумсовет адабиётининг муҳим масалаларига бағишланган бўлиб, бутуниттифоқ адабий жамоатчилигини ўзига жалб этиб келади. Унинг «Услуб ҳақида ўйлар», «Танқид ҳаводек зарур», «Барҳаёт халқ поэзияси», «Партиявийлик ва бадий ҳақиқат», «Эстетик тарбияда адабиёт ва санъатнинг роли», «Умуммиллий фаҳр»

мақолалари адабиётшуносликнинг муҳим назарий проблемаларига бағишланганлиги, буларда кўп миллатли совет адабиётининг тажрибалари умумлаштирилганлиги билан айниқса характерлидир.

Танқидчининг «Октябрда туғилган», «Қозоқ адабиёти», «Дунёқараш ва маҳорат», «Чўққилар олдинда», «Адабиёт ва эстетика», «Эпосдан эпоеягача» номли китоблари Москва ва Олмаотада рус тилида нашр этилиб, ўқувчиларга манзур бўлгани, унинг «Чўққилар олдинда» асари 1974 йилда Қозоғистон ССР Давлат мукофоти билан тақдирланганлиги бунинг яққол исботидир.


1964 йилда Муҳаммаджон Қоратоевга «Қозоқ прозасида социалистик реализмнинг шаклланиши» монографияси учун филология фанлари доктори илмий даражаси берилди. Адабиётшунос олим ҳозир Қозоғистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси сифатида муҳим илмий проблемалар устида ишламоқда. У Қозоқ Совет Энциклопедиясининг бош муҳаррири сифатида ҳам масъулиятли вазифани адо этиб келди.

Муҳаммаджон Қоратоев ўзининг эллик йиллик ижодий фаолияти давомида она-Ватанга садоқат, сидқидиллик ва ҳалол меҳнат намунасини кўрсатиб келмоқда. У танқидчи сифатида бутун онгли ижодий ҳаётида буюк рус революцион демократлари ва ўзи жуда катта эътиқод қўйган, совет адабий танқидчилигининг отаси А. В. Луначарскийнинг танқидчининг вазифаси ва бурчи ҳақидаги таълимотига содиқ бўлиб қолди. Сакен Сейфуллиндан тортиб то Ўлжас Сулаймоновгача бўлган қозоқ совет адабиёти намуналари ҳақида фикр юритар экан, танқидчининг ҳалол ва принципиал бўлиши, у адабиёт тараққиётининг етакчи ғамхўрларидан бири эканлиги ҳақидаги таълимотга чуқур амал қилади. «Танқидчилик ҳақида гап кетганда...» мақоласида «Ҳаққонийлик бор ерда ранжиш, жанжал ва адоватга ўрин йўқ. Ҳаққоний танқидга ранжиган ёзувчи адабиётни севмайди, ҳақиқатдан қўрқади, ўқувчини ҳурмат қилмайди. Бундай «ёзувчилар» ўз шахсини, ўз мешчанлик манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди, бундай ёзувчи ҳеч қачон ўсмайди»,— деб ёзган Муҳаммаджон Қоратоев барча танқидий асарларида шу принципга амал қилиб келади.

Мунаққид ўзбек адабиётини ҳам чуқур билган, унинг тараққиёт босқичларидан хабардор бўлган, совет адабиётининг қатор йирик вакиллари билан яқин ижодий алоқа ўрнатган санъаткордир.

Шу кунларда адабий жамоатчилик, мунаққид, олим ва таржимон, моҳир ташкилотчи, ажойиб инсон Муҳаммаджон Қоратоевнинг етмиш йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Шу қувончли дамларда ижодкорнинг барча муҳлислари чиндилдан қутлаб, унга катта ижодий муваффақиятлар тилаб қолади.

Ғаффор МУМИНОВ,
филология фанлари кандидати.



Одил Ёқубов

ТАНҚИДЧИНИНГ КАМОЛОТИ

Б

УМАРАЛИ НОРМАТОВ 50 ЁШДА

Бъзан адабиёт аҳли орасида «ҳозир танқидчи бўлиш қийин, танқид қилиш осон эмас», деган гаплар эшитилиб қолади. Камина бу гапларга сира қўшила олмайман. Нега? Чунки бирорта мажлисда минбарга чиқиб, танқид керак эмас, деб гапирган бирорта одамни кўрмадим, танқидни хушламаган бирорта ёзувачини учратмадим!

Дарҳақиқат, шахсан мен танқидчилар ҳақида ўйлаганимда халқимизнинг «дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб» деган доно наклини эслайман. Албатта, ачитиб гапиришдан кулдириб гапириш, бошқача айтганда танқид қилишдан кўра мақтов сўзларини айтиш осонроқ. На чора, ожиз банда, аччиқ ҳақиқатдан кўра сохта бўлса ҳам мадҳия-ю ҳамду саноларни кўпроқ хушлар экан. Лекин табиатнинг адолатли томони шундаки, ҳаёт учун фақат ширинлик кифоя қилмаскан, ҳаёт учун ҳамма неъматлар, жумладан қалампир ҳам зарур бўларкан. Ҳатто заҳар ҳам, агар у меъёр билан ишлатилса, ўлим келтиргувчи оғудан инсонга шифо келтиргувчи дорига айланаркан. Ҳамма гап меъёрда экан.


Фикримча, бугун элликка кирган таниқли олим ва танқидчимиз, профессор Умарали Норматовнинг бир фазилати шундаки, у танқид аталмиш аччиқ қалампирнинг меъёрини жуда яхши билади, билгани учун, баъзи танқидчиларга ўхшаб бу бадҳазмроқ неъматни қадоқлаб эмас, мисқоллаб ишлатади, уни ўз асарларига мисқоллаб солади. Шу боисдан Умарали Норматовнинг танқидлари бадҳазм эмас, аксинча, ҳазми енги, хушбўй-хуштъам емишни эслатади.

Эллик ёш — адиб ва олим учун яхши сана, яхши ёш, яхши тўйдир. Тўйда эса жиддий гаплардан кўра кўпроқ кулги, ҳазил-мутоиба қилгиси келади киши. Аммо гапнинг чини шуки, каминага ўхшаб мушкул қишлоқ муҳитидан «ўрмалаб» чиққан оддий қишлоқ йигити Умарали Норматов бугун таниқли ўзбек олими даражасига кўтарилди. Унлаб китоблар ёзди, фан доктори деган унвон олди,

профессор бўлди. Биз Умаралини кўнгилмизга яқин олганимиз учун, уни бирда ука, бирда дўст деб юрганимиз учун гоҳо ҳаддимиз сиғиб ҳазиллашиб ҳам қўямиз, аслида эса... Умарали Норматов ҳазилакам олим эмас. Бугунги ўзбек танқидчилигини Умарали Норматовсиз, унинг юзлаб танқидий мақолалари, ўнлаб танқидий китобларисиз тасаввур этиш қийин.

Албатта, дўстим Умарали келгуси асарларида танқид деган ҳазми оғир неъматнинг мисқолини янада камайтирса яна ҳам яхши бўларди, каминага ўхшаган қалампирга тоқати йўқ адиблар учун айни муддао бўларди. Умуман, барча танқидчи дўстларимиз меъёр масаласида Умарали Норматовдан ибрат олишса ёмон бўлмасди.

Дўстим Умарали! Ҳорманг, доим бор бўлинг. Сиз беқалампир, хушбўй-хуштъам асарларни кўпроқ ёзаверинг, биз уларни ўқиб, хурсанд бўлиб юраверайлик! Омон бўлинг, дўстим!



ТАҲЛИЛУ БАҲСЛАР ҚУДРАТИ

У

марали Норматовнинг қарийб чорак асрлик танқидчилик фаолиятини кўздан кечирсангиз шунга амин бўласизки, у қайси асар тўғрисида фикр юритмасин, қайси ёзувчининг ижодига муносабат билдирмасин, ҳамма вақт адабиётга чинакам муҳаббат, ижодкорга хайрихоҳлик, ғамхўрлик талаблари асосида дилидаги гапларни ўртага ташлайди.

Тўғри, унинг барча ёзганлари бирдек юқори даражада дейиш қийин. Чунки, бир мақоласида муайян асар моҳиятини ишонarli очиб берса, иккинчиси юзакироқ, бирёқламароқ, учинчиси эса, оригинал, салмоқли мазмунга эга ва ҳоказо. Бу — табиий. Ҳатто даҳо санъаткорлар ижодида ҳам шундай ҳолни кўришимиз мумкин. Бироқ гап бунда эмас. Умарали Норматовнинг аксари адабий-танқидий мақолаларида халқ ҳаётини ҳаққоний ёритган реалистик асарларга, чинакам истеъдод соҳибларига бўлган тоза, самимий меҳр-муҳаббатни ҳис қилиб турасиз. Мунаққид қалб даъвати билан ўзига ҳам, ўзгаларнинг изланишларига ҳам юксак талабчанлик билан ёндашишга, ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, фикр устида етти ўйлаб, бир кесишга интилади.

Бу ҳолат Умарали Норматовнинг «Ўзбек адабиёти масалалари» (1959) тўпламига кiritилган «Ғафур Ғулом поэзиясининг эстетик принциплари» номли биринчи йирик мақоласидаёқ кўзга ташланган эди.

Очигини айтганда, олдин у нималарни ёзганини эслолмайман, лекин шу мақолада буюк шоир дунёқарашининг * шаклланиши, ҳаётни поэтик ҳис этишдаги ўзига хослиги, миллий бўёқлардан унумли фойдаланганлиги, «Турксиб йўлларидан», «Сен етим эмассан», «Кўкан батрак» сингари ўлмас асарлар яратгани, айнаи чоқда ижтимоий маънавий тараққиёт мураккаблиги, зиддиятларини баъзан чуқур ёритиш ўрнига айрим шахсларнинг тарихдаги мавқеини ҳаддан ташқари бўрттириб ифодалагани тўғрисида анча дадил мулоҳаза юритади.

Шуниси диққатга сазоворки, Умарали Норматов шоир ижодини таҳлил этган олимлар билан жиддий баҳслашишдан чўчиб ўтирмайди. Жумладан, Ғафур Ғуломнинг ҳаётни тадиққ этиш принципларини бирёқлама талқин этган адабиётшунс Бердиали Имомовнинг қарашларини жиддий танқид қилади. Бироқ ёш мунаққид ўз даъволарини илмий далиллашдан кўра, кўпроқ эҳтирос тўлқинларига «ғарқ» бўлиб, конкрет

таҳлилни амалга тўла оширилмагани сезилади. Шунингдек, у ҳамма фикрларини мантикий изчиллик билан қоғозга туширолмагани ҳам кўришиб туради, лекин буларга қарамай, «Ғафур Ғулом поэзиясининг эстетик принциплари» мақоласи адабиётшунслик илмига ўз сўзи, ўз мустақил фикри бўлган янги мунаққид кириб келганини кўрсатди.

Айниқса эллигинчи йилларнинг ярмидан бошлаб Умарали Норматов жуда кўп мақолалар, тақризлар ёзиб, ўзига хос таҳлил услубини яратаётган изланувчи, ҳаракатчан, заҳматкаш ижодкор эканлигини исботлади. Орадан кўп вақт ўтмай, у ўша пайтларда жамоатчиликка танилган Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафидинов каби танқидчилар сафига қўшилди.

Мунаққид истеъдоди «Жанр имкониятлари», «Насримиз уфқлари», «Насримиз аъналарини», «Гўзаллик билан учрашув», «Талант тарбияси» каби китобларида, Саид Аҳмад, Шухрат ижодига бағишланган рисолаларида ёрқин намоён бўлди. Бу рангбаранг асарларда акс этган илмий-эстетик олам кўлами ниҳоятда кенг ва чуқур. Шунинг учун унинг ижодий қиёфасини белгилувчи муҳим омиллар, муайян хусусиятлардан айримларига диққатингизни жалб этамиз.

Авалло шуки, у инсон сифатида ёқимтой, хушчақчақ табияти билан бутун қиёфасида балқиб турган қандайдир нур, ёғду билан диққатингизни тортади. Бир қарашда уни танқидчи, олим деб ўйламайсиз, лекин яқиндан танишиб, фикр-мулоҳазалари, кузатишларининг ич-ичига «сингиб» кетишингиз билан Умарали Норматовнинг ўз халқи, қадрдон эл-юрти, миллий адабиётини бутун вужуди билан севадиган жанговар курашчи эканлигига ишонасиз. Яна шунисини англайсизки, у ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам гўзаллик, эзулик излайди, асарларнинг ёруғ, нурли саҳифаларини таҳлил этишга куч-қудрати, вақти, имкониятларини аямайди. Унинг ўткир мунозараларда, қизгин баҳсларда ўзини йўқотиб қўймаслиги, муҳолифларига нисбатан ҳурмат билан қараб, сабр-чидам билан фикр «жанг»ларини давом эттириши бежиз эмас. Чунончи, йккаламиз умумий фикрга эга бўлишимизга қарамасдан бир қанча масалаларда баҳслашиб турамиз. Жумладан, Саид Аҳмаднинг «Уфқ», «Келинлар қўзғолони» ёки Пиримкул Қодировнинг «Мерос», «Олмос камар» каби

асарлари хусусида жиддий мунозара қилган вақтларимиз бўлди. Зотан, ҳаётнинг, ижодий жараённинг ўзи ҳар бир масалага мустақил ёндашишни талаб қилади. Мулоҳазалари, кузатишлари, баҳсларида объектив, ўзига хосликдан маҳрум бўлган мунаққид ўз қиёфасини йўқотади, ижтимоий-бадий тараққиётга таъсирини ўтказолмайди.

Умарали Норматовдаги баҳсга, мунозарарага мойиллики нега алоҳида таъкидлаб, муҳим фазилат сифатида баҳолаяпмиз?

Гап шундаки, ҳар хил қаламқашлар, шу жумладан айрим мунаққидлар оддий ҳақиқатни эътироф этиш ўрнига мулоҳазалари, кузатишларини ҳамма бир оғиздан тўғри деб қабул қилишини хошлайдилар, бироқ адолату ҳақиқатнинг юзага чиққани ёки юзага чиқмаганига қизиқмайдилар. Адолат ва ҳақиқат эса кўпинча мунозараларда, баҳсларда туғилади, баҳслар мунозаралар эса фикрлар, ҳукм-хулосаларнинг тўқнашуви натижасида пайдо бўлади.

Кейинги пайтларга келиб, дўстона баҳслар, тортишувлар, мунозараларга кенг йўл очилди, лекин офаринбозлик асоратларидан ҳамон қутилмаяпмиз. Ҳатто аллақачонлариёқ ўз йўли, ўз услубини топиб олган, тажрибали мунаққидлар ҳам кўпроқ ижодий фактлар ҳақида гапиримиз деб мавжуд нуқсонлардан онгли равишда кўз юмадилар ёки уларни хаспўшлаб ўтадилар-да, оқибат-натижада мадҳиябозликнинг бир кўрнишини келтириб чиқарадилар. Ҳолбуки бу йўл адабиётга фойда келтирмайди.

Буни яхши англаган Умарали Норматов олди-қочди, майда-чуйда гаплар юзасидан баҳслашмайди. У энг муҳим, принципиал масалаларни ҳал қилиш керак бўлган «жанг»га киришади. Бунинг маъноси, у йўқ ердан чанг чиқариш учун уринмайди, зарурат бўлган тақдирда чин қалбдан самимий мунозарарага киришади, доимо ҳақиқатнинг тантанаси учун курашади.

Хуллас, Умарали Норматов ҳаёт тақозоси билан мунаққидлар билан ҳам, ёзувчилар билан ҳам баҳслашиб туради ва ўзининг мустақил қарашларини марксистик эстетика принциплариға суянган ҳолда олдинга суради. У баҳс давомида муҳолифларининг иззат-ҳурматини сақлаган ҳолда, уларнинг фикрларидаги чалқашлик юзакилик, бирёқламаликларни очиб ташлашга алоҳида аҳамият беради. Чунончи, у адабиётшунос Б. Имомовнинг йигирманчи йилларда ўзбек ёзувчилари, хусусан, Абдулла Қодирий социалистик реализм принципларини чуқур ўзлаштирилмасдан, танқидий реализм доирасида қолди, деган фикрни ҳаққоний далиллар орқали рад этади. Олим яна ўша мунаққид ҳамда С. Мирвалиевнинг адабиётимизда характерларнинг бир-бирлари билан ошқора тўқнашуви конфликтнинг анъанавий тури, қаҳрамоннинг ички дунёсидаги ўз-ўзи билан олишуви, яъни ички коллизия эса, конфликтнинг янгидан кашф этилган оригинал тури, деган даъволари

мустақкам заминга эга эмаслигини ҳам етарли далиллар асосида кўрсатади.

Ҳа, у мунаққиднинг шахсиёти билан эмас, балки фикрлари, қарашлари, хулосалари билан тўқнашаётганлигини унутмайди. Лекин ундаги бу изчилликка баъзан путур етганини ҳам кўраимиз. Масалан, Одил Ёқубов бир мақоласида, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»да ҳам, «Меҳробдан чаён»да ҳам қалбларни ларзага келтирадиган манзаралар яратади, ҳаққоний образларга жон ато қилади, ammo қаҳрамоннинг, хусусан Отабек билан Анварнинг жуда мураккаб, чигал қийинчиликларни енгиб, бартараф этиб чиққанликларини баъзан шунчаки баён этиб, чуқур асосламайди, деб айтган фикрини Умарали Норматов рад этади-ю, ammo ўз қарашларини етарли даражада исботлашга ҳаракат қилмайди. Бугина эмас, бошқа ёзувчилар, танқидчилар билан баҳслашаётганда ҳам гоҳида шундай вазиятга тушиб қолади. Бироқ унинг адабиётимизнинг янада зўр юксакликларни забт этиши учун, баркамол асарлар яратилиши учун жон куйдираётганини ҳамisha сезиб тура-сиз.

Умарали Норматов баҳслари яна шуниси билан диққатимизни жалб қиладики, улар бевосита адабий жараён, ижодий ҳаёт билан боғланиб, кенг ўқувчилар оммасини маънавий жиҳатдан юксалтириш вазифасига табиий равишда уланиб кетади. Ана шундай ўринларда ҳақиқатни қарор топтирувчи адабий танқиднинг ёрқин аломатлари, муҳим хусусиятлари кўзга яққолроқ кўринади. Бунга Умарали Норматов Матёқуб Қўшжоновнинг «Ҳаёт ва маҳорат», Озод Шарафиддиновнинг «Замон. Қалб. Поэзия» китобларидаги янги, оригинал таҳлил принципларини ижодий ўзлаштириб эришган ва ўзига хос адабий-танқидий йўлини яратишга муваффақ бўлган. Бу ҳолни унинг «Талант тарбияси» китобида аниқ кўриш мумкин.

Яна шуну ҳам алоҳида айтиш керакки, ўзбек танқидчилигида баҳс-суҳбат деган янги жанр туғилиб, раvнақ топишида Умарали Норматовнинг хизмати катта бўлди.

«Талант тарбияси» китобида у Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби кўзга кўринган ўзбек адибларини суҳбатга тортиб, улар билан хилма-хил ижодий муаммолар юзасидан фикрлашиб олади. Ижодкор билан мунаққид ўртасидаги бундай суҳбатлар қизгин, дўстона руҳда ўтади. Мунаққид ёзувчиларнинг фикрларини тасдиқлаш, ўрни желганда улар билан мунозарарага киришиб, қўлга киритилаётган ижодий муваффақиятлар моҳиятини чуқурроқ ёритишга интилади. Бундай суҳбат-баҳсларда Умарали Норматовнинг ўзига хос услубини белгилайдиган хусусиятлар ифодаланган.

Адабий танқидчиликнинг кучи илмий-эстетик кузатишлар, фикрлар мазмунида, таҳлилда намоён бўладиги, бунга Умарали Норматов фақат мақолаларида, тақ-

ризларидагина эмас, балки мунозараларида ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Шу жиҳатдан Умарали Норматов билан Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Эркин Воҳидовлар ўртасида бўлиб ўтган баҳслар ўз савиясига кўра Бутуниттифоқ танқидчилигида ташкил этилаётган баҳслар даражасига анча яқин туради. Бунини адабиётшунос олим ҳозирги истеъдодли рус совет танқидчиларининг тажрибасини ижодий ўзлаштираётганлиги билан изоҳлаш керак бўлади.

Худди шу ўринда Умарали Норматовга хос бўлган яна бир хусусиятни таъкидламоқчимиз: мақолалари, тақризлари, нутқларида қандай фикр билдирмасин, у ҳеч қачон бунини бошқаларга мажбуран эътироф эттиришга уринмайди, айтганларини мутлоқ ҳақиқат деб даъво қилмайди. Мулоҳазалари тўғри бўлиб чиқса севинади, хато бўлса, жоҳилларча ўжарлик қилмайди.

Мантиқий изчиллик билан юракдан қувониб, мулоҳаза юритиш қобилиятини Умарали Норматов эпик асарларни таҳлил қилаётганда ҳам, шеърият юзасидан мулоҳаза юритаётганда ҳам, драматургияга мурожаат этганда ҳам муваффақиятли ишлатади. Бироқ унинг диққат марказида кўпроқ эпик асарлар туради. Шунинг учун бўлса керак, Умарали Норматов шеърият билан саҳна санъатидан кўра прозани ҳис қилишда етук мунаққид эканлигини кўрсатмоқда. Унинг изланиш-интилишларининг

кўлами, миқёси ўзбек классик адабиётининг муҳим саҳифаларидан то социалистик реализмни тўла ўзлаштириб олган янги типдаги миллий сўз санъатимизнинг туғилиш, шаклланиш, камолотга кўтарилиш босқичларигача бўлган воқеаларни қамраб олади. Бу фаол курашчан, жанговар мунаққиднинг фаолияти адабиётимиз тарққиёти тарихига узвий боғланиб, «пайвандланиб» кетади, унинг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ўзига хос ўрни, мавқеи, ўзига хос илмий-эстетик дунёси бор...

Табииyki, Умарали Норматов қиёфасини белгиловчи, омилларнинг ҳаммасини кўрсатиш қийин.

Унинг салкам йигирма йилдан буён В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетида доцент, кейинчалик профессор, кафедра мудири сифатида олиб бораётган баракали ишлари, мураббийлик фаолияти оддий инсон сифатидаги таржиман ҳоли ҳақида ҳам кўплаб самимий гаплар айтиш мумкин.

Ҳа, таниқли мунаққид ва адабиётшунос олим энди турмуш ва ижоднинг камолот босқичига кўтарилди. Бинобарин, унинг бундан кейинги фаолияти, ҳаракати ҳозиргидан ҳам баракалироқ бўлишга, истеъдодининг янги-янги қирралари очилишига, ҳаётимизда катта воқеа бўладиган адабий-танқидий асарлар яратишига умид билдирамыз.



МАРКС ВА ЭНГЕЛЬС САНЪАТ ҲАҚИДА

Санъат ва адабиёт тараққиёти жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳодисадир. Маркс ва Энгельс томонидан жамиятнинг тараққиёт қонунлари кашф этилди. Натижада санъат ва адабиётнинг тараққиёт қонунларини ҳам илмий асосда ҳал этиш имконияти туғилди. Марксизм таълимоти адабиёт назарияси, эстетика фанларининг илмий асосда шаклланишига ва ривожланишига замин бўлди. Буржуа ревизионистлари Маркс ва Энгельснинг эстетикага оид махсус асарлари йўқлигини далил қилиб, марксизм асосчиларининг эстетик таълимотини рад этмоқчи бўлганлар. Тўғри, Маркс ва Энгельс эстетикага оид махсус асар яратган эмаслар. Лекин уларнинг санъатнинг ижтимоий характери, синфийлиги, партиявийлиги, унинг тарихий тараққиёт маҳсули ҳамда инсон меҳнатининг бир кўриниши эканлигини ва реализм тўғрисидаги фикрлари, бадиийлик, тенденциозлик, драматик поэзия турларидан трагедия ва комедия ҳақидаги мулоҳазалари, Европа адабиёти вакилларининг ижоди бўйича кузатишлари ва уларга берган баҳолари, қадим грек ва шарқ адабиётининг специфик хусусиятлари борасидаги қайдлари материалистик эстетиканинг туб масалаларини қамраб олади, адабиёт ва санъатга оид ҳодисаларни конкрет тарихий баҳолаш принципларини ўргатади ва яхлит эстетик концепцияни ташкил қилади.

Бу фикрларни Маркс ва Энгельснинг санъат тўғрисидаги қарашлари жамланган икки жилдлик китоби исботлайди. Маркс ва Энгельснинг санъат тўғрисидаги фикрларининг ўзбек тилига таржима қилиниб икки жилдга жамланган чиқарилиши¹ маданий ҳаётимизда шубҳасиз катта аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир.

Жилднинг биринчи томига Маркс ва Энгельснинг бадиий ижоднинг умумий мақсадлари тўғрисидаги фикрлари, маданият тарихини материалистик тушуниш, синфий жамиятда санъатнинг характери,

бадиий ижод ва эстетик идрок, коммунизм ва санъат тўғрисидаги мулоҳазалари, антик цивилизация, ўрта асрлар, уйғониш даври, маърифатпарварлик даври, романтизм ва реализм вакилларининг ижодлари тўғрисидаги қарашларини мужассам этган асарлари киритилган. Шунингдек бу томдан Маркс ва Энгельснинг рус адабиёти, XIX аср Европа адабиёти ва санъати тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам ўрин олган.

Иккинчи томнинг бутун бир бўлими Эжен Сюнинг «Париж сирлари» романининг танқидий таҳлилига бағишланган, иккинчи бўлимида эса Маркс ва Энгельснинг немис «ҳақиқий социализмининг поэзия ва прозада акс этиши муносабати билан айтган фикрлари ўрин олган. Шунингдек бу томда бадиий адабиётда реакцияч ғояларини фош этувчи ва адабиётда ишчилар синфи партияси ва буржуа хулқ-атвори масалалари юзасидан айтган мулоҳазалари ҳам киритилган. Бу томнинг энг қизиқарли қисмларидан бири Маркс ва Энгельснинг хатлари ва ёшлиқда ёзган асарларидан келтирилган парчаларни ўз ичига олган бўлиmdir. Бундай хатлар асосида Маркс ва Энгельснинг интилишлари, характерлари, дунёқарашларининг, шаклланиш жараёни ва таржимаи ҳолига оид қизиқарли маълумотлар олиш мумкин. Маълумотларни китобнинг сўнгги — Маркс ва Энгельс ҳақидаги хотиралар боби яна ҳам тўлдирди.

Марксизм таълимотининг пайдо бўлиши инсоният тафаккури тараққиётининг олий босқичидир. Марксизм санъат ва адабиёт назариясини диалектик материализм билан қуроллантирди.

Эстетиканинг муҳим назарий проблемаларини материалистик асосда талқин қилди. Жумладан, Маркс эстетиканинг гносеологик масалаларидан бири эстетик тафаккурнинг пайдо бўлиши ва тараққиқ этиши тўғрисида фикр юритар экан, эстетик тафаккур Гегель айтганидек абсолют руҳнинг кўриниши эмаслигини, балки инсоннинг амалий фаолият жараёнида шаклланишини исботлаб беради.

Маркс санъат ижтимоий ишлаб чиқа-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, I том, 1975 йил, II том, 1977 йил.

ришнинг бир тури эканлигини таъкидлар экан, бу ишлаб чиқаришнинг натижаси маънавий маҳсулот бўлади, деб ёзади. Ҳамда санъат предмети яъни санъат маҳсулоти, бу предметни санъатнинг гўзаллигини тушуна оладиган субъектни, бадий диди такомиллашган инсонни ҳам вужудга келтиради, деб баён қилади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш инсонни такомиллаштиргани сингари санъат предмети яратиш жараёнида ҳам инсон такомиллашиб боришини Маркс инсоннинг борлиқ билан актив амалий фаолияти тарзида тушунади ва «инсон воқеликни гўзаллик қонунларига биноан қайта қуради», деб таърифлайди.

Маркс санъат асарининг гўзаллигини ҳис этиш учун бадий диди тарбияланган киши бўлиши лозимлигини айтади ва «музиканинг фарқига бормайдиган қулоқ учун энг гўзал музика ҳам маъносиздир»,— деб ёзади. «1844 йилги иқтисодий — философия кўлёмалар» деган асариде эса «Агар сен санъатдан ҳузур қилмоқчи бўлсанг, у ҳолда сен бадий маълумотли бўлишинг керак», деб қайд этади. Шунингдек, Маркс эстетик ҳиссиёт билан буржуа жамияти ўртасидаги қарама-қаршилиқни, капиталистик тузум ўз моҳияти билан гўзаллик моҳиятига зид эканлигини ҳам таъкидлайди: «Қўлоқ амалий эҳтиёжга қаратилган ҳиснинг маъноси чекланган бўлади... Ташвишдан гангиб қолган, муҳтож одам энг гўзал томошани ҳам кўргуси келмайди; минерал билан савдо қилувчи киши фақат унинг қийматиға эътибор бериб, минералнинг гўзаллиги ва ўзига хос табиғатиға қизиқмайди; унда минерални ҳис қилиш деган нарса йўқ». Ҳақиқатан ҳам капиталистик тузум инсондаги гўзаллик туйғуларини чеклаб қўяди. Қашшоқ киши муҳтожлик изтироблари туфайли эстетик ҳиссиётдан бебахра бўлса, бадавлат кишининг бойлик ҳирси уни гўзаллик ҳиссидан маҳрум қилади. Шунинг учун Маркс хусусий мулк мавжуд бўлган жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатлар ва инсоннинг туйғулари тўла озод бўла олмаслиги ҳақида тўхталади. Марксизм асосчилари бу озодлик социалистик тузумдагина амалга ошади деб, орзу қилдилар ва хусусий мулкнинг бекор қилиниши ҳамма инсонлик ҳис-туйғулари ва фазилатларининг тамомила озод қилиниши демакдир, деб тушунгиздилар.

Марксизм таълимотида санъатнинг ижтимоий моҳияти, санъаткор истеъдодининг камолотга етишишида ижтимоий ҳаётнинг роли каби масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Немис идеалист файласуфлари, жумладан, Штирнер санъат тараққиётида, санъаткор талантининг ривожиде ижтимоий ҳаёт ҳам роль ўйнашини бутунлай инкор қилдилар. Бундай қарашларни танқид қилиб Маркс ва Энгельс «Немис идеологияси» номли асариде шундай ёзади:

«Агар у Рафаэлни, Леонардо да Винчи ва Тициан билан таққослаб кўрганда эди, Рафаэлнинг бадий асарлари Флоренция таъсири остида Римнинг ўша вақтда гуллаб-яшнаганлигиға нақадар боғлиқ бўлганлигини, Леонардонинг асарлари Флорен-

ция шарт-шароитиға боғлиқ бўлганлигини, сўнгра Тицианнинг асарлари тамомила бошқа бир характерға эға бўлган Венеция тараққиётиға боғлиқлигини кўрарди... Рафаэль сингари индивиднинг ўз талантини ривожлантира олиш-олмаслиги тамомила талабға боғлиқ, талаб эса, ўз навбатида, меҳнат тақсимотиға ва шу меҳнат тақсимоти келтириб чиқарган кишиларнинг моддий-маърифий шарт-шароитларига боғлиқ».

Марксистик эстетиканинг энг катта ютуқларидан бири Энгельс томонидан реализмға берилган таърифдир. Энгельс Маргарита Гаркнесснинг «Шаҳарлик қиз» номли асарини таҳлил қилганда асар етарли даражада реалистик эмаслигини бу асарнинг энг катта камчилиги деб билади. Энгельс асардаги образларнинг реалистик характерда эканлигини қайд этади, аммо бу қаҳрамонларни кўраб турган шароит ва ўлар ҳаракат қиладиган муҳит типик эмаслигини таъкидлаб ўзининг реализм ҳақидаги классик таърифини келтиради: «Реализм деталларнинг ҳаққонийлигидан ташқари типик характерларнинг типик шароитларда ҳаққоний тасвирланишини ҳам тақозо этади». Энгельс бу фикрни Бальзакнинг «Инсон комедияси» асарини таҳлил қилиш орқали тушунтиради. Ёзувчининг бу асариде Париж юқори доираларининг йигирма икки йиллик ҳаёти реалистик тарзда тасвир этилади. Шунинг учун ҳам Энгельс бу асардан мазкур давр француз ҳаёти ҳақида ҳар қандай тарихий, иқтисодий ёки статистикларнинг асарларидан кўра кўпроқ маълумот олганлигини қайд этади. Шу билан бирға Энгельс реализмнинг устунлиги муаллифнинг дунёқараши билан унинг ижодий методи ўртасидаги қарама-қаршилиққа олиб келиши мумкинлигини ҳам кўрсатиб беради. Бальзак реализми мана шундай реализм эди. Чунки Бальзак асарларида ўзининг сиёсий қарашларига бутунлай қарама-қарши бўлган ғояларни ифода этади. У ўз сиёсий қарашларига кўра легитимист¹ эди, ўзи мансуб бўлган аристократия манфаатларини кўзларди, аммо асарларида бу аристократиянинг ҳалокатға маҳкумлигини, ана шу аристократияға қарши кўзғолон кўтарган кишилар келажакнинг ҳақиқий қаҳрамонлари эканлигини тасвирлаган. Энгельс мана шу ҳолатни реализмнинг энг катта ютуғи ва кекса Бальзакнинг энг буюк ҳислатларидан бири сифатида юқори баҳолайди.

Маркс ва Энгельс рус тилини ўрганишға ва бу тилда яратилган бадий асарлар ҳазинасидан баҳраманд бўлишға чақирганлар. Улар Пушкин, Грибоедов, Чернишевский, Герцен, Салтиков-Шчедрин, Тургенев асарларини ўқиб рус маданияти, рус халқининг маънавий бойлигини ўзлари учун кашф этганлар.

¹ Легитимистлар — Францияда 1792 йили ағдарилган, дворян эгаларининг манфаатини ифодалаган Бурбонлар сулоласининг катта авлоди тарафдорлари.

Маркс ва Энгельс жаҳон маданияти тарихининг буюк билимдони бўлганлар. Улар фақат Европа адабиётигагина эмас, балки шарқ адабиётига ҳам қизиқиш билан қараганлар. Шарқ халқлари ҳаётига, тарихига ва адабиётига оид материаллар Маркс ва Энгельс томонидан эътибор билан ўрганилган. Маркс ва Энгельс Гесиод ва Геродот асарларидаги шарққа оид маълумотлар билан, таржимада мавжуд бўлган шарқ адабиёти намуналари билан, немис, француз, инглиз шарқшуносларининг тадқиқотлари билан батафсил таниш бўлганлар. Шарқ адабиёти классикаларидан Фирдавсий, Ҳофиз ижоди билан жуда қизиққанлар. Айниқса «Минг бир кеча»ни мукаммал билганлар. Маркснинг қизи Элеонора Маркс — Эвелинг отасининг уларга Гомерни, «Нибелунглар» ҳақидаги «Күшик», «Гудрун», «Дон-Кихот» ва «Минг бир кеча»ни ўқиб берганлигини хотирлайди.

Маркс «Эжен Сюнинг «Париж сирлари» романининг танқидий таҳлили» деган асарининг икки жойида «Минг бир кеча»да тасвирланган Бағдод халифаси. Хорун-ар Рашидни эслатиб ўтган. Маркс Эжен Сю романининг қаҳрамони Рудольфни Хорун-ар Рашид билан қиёслайди ва Рудольфнинг саҳийлиги ва исрофгарчилиги Бағдод халифасиники сингари эканлигини таъкидлайди.

Маркс ва Энгельснинг асарларида фақат шарққа мансуб бўлган асарлар ҳақидаги фикрларгина эмас, шарқ халқларининг тарихига оид материаллар, шарқнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти тўғрисидаги қайдлар ҳам бор. Маркс ва Энгельс асарларида Турон ҳокими Афросиёб, эрон ҳокими Гидарн ва машҳур Александр Македонский (Искандар) ва Амир Темура ҳақида муносабат билдирилиши бу қизиқиш анча чуқур бўлганлигини кўрсатади. Энгельснинг 1853 йил 6 июнда Марксга ёзган мактубида ҳақиқатан ҳам улар шарқ тарихи ва адабиётини махсус ўрганганликларини кўрсатади. Энгельс бу мактубда бир неча ҳафтадан бери шарққа оид материалларга ўралашиб қолганлигини ва шу вақтнинг ичида форс тилини ўрганиш билан машғул бўлганлигини ёзади.

Энгельс шу мактубида: «тили анча жараңдор кўҳна ишратпараст Ҳофизни оригиналда ўқиш анча ёқимли»,— деб таъкидлаши форс тилини ўрганиб, Ҳофиз асарларини асл нусхада ўқиганлигини исботлайди. Энгельс форс прозасини, жумладан, Мирхонднинг «Равзат-ус-сафо» асарини ҳам ўқиган. Асарга нисбатан ижобий муносабат Энгельс фикрларининг руҳидан сезилиб туради, лекин «Равзат-ус-сафо»нинг ҳаддан зиёд муболағадор, дабдабали услуби унча хуш келмайди ва у форс прозаси даҳшат. Масалан, олижаноб Мирхонднинг форс қаҳрамонлик эпосини образли, лекин тамоман бемаъни тил билан ҳикоя қиладиган «Равзат-ус-сафоси»,— деб ёзади. Услуби хуш келмаганидан қатъий назар Энгельс бу асарни чуқур ўрганган, ундаги образли фикрлардан парчалар келтирган.

Маркс ўзининг «Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги» деган асарида Ҳиндистонда патриархал тузумнинг емирилиши тўғрисида фикр юритади ва Англияни Ҳиндистондаги социал революцияни амалга оширишда қабиҳиятларни кўзда тутганлигини фош этар экан шундай ёзади: Инсоният Осиёнинг социал шароитида туб революция қилмасдан туриб ўз зиммасидаги вазифани бажара оладими,— гап мана шунда. Агар бажара олмаса, Англия қилган барча жиноятларига қарамасдан шу революцияни келтириб чиқариб, тарих қўлида онгсиз курол хизматини қилган бўлади. Лекин бундай ҳолда, қадимги дунёнинг хонавайрон бўлаётганини кўриб шахсан нақадар қайғурсак ҳам, тарих нуқтаи назаридан, Гёте билан биргаликда бундай деб ҳисоб қилишга ҳақлимиз:

Агар азоб шодлик қалити бўлса,
Унга қарши курашармиди инсон?
Ахир, беҳисоб кўп тирик жонларни
Янчиб ташламаганмиди Темуранг?

Маркс ва Энгельс араб адабиёти ҳақида ҳам маълумотга эга бўлганлар. Уларнинг асарларида Жазоир маъмурларининг топшириғи билан бонапартизм руҳидаги памфлетларни ўз она тилига таржима қилган араб публицисти Да-Да номи эслатиб ўтилади. Маркс ва Энгельснинг «Олтинчи Рейн Ландтагининг баҳслари» номли асарида Ҳаририйнинг:

‘Бу беқарор ва муваққат
Фоний заминда
Қурганни эмирмаган
эрур барқарор.

мисралари келтирилган. Умуман Маркс ва Энгельс шарқ адабиётидаги ижобий фазилатларни қадрлаганлар ва уларга юқори баҳо берганлар. Энгельс Европа Ренессансига таъриф берганда унинг шаклланишида шарқ фалсафасининг таъсири бўлганлигини қайд этганди:

«Черковнинг маънавий ҳокимияти синдирилди, герман халқларининг кўпчилиги черков маънавий ҳокимиятини елкаларидан улоқтириб ташлаб, протестантликни қабул қилдилар, ҳолбуки, роман халқлари ўртасида араблардан ўтиб келган, янги кашф қилинган грек философиясидан озиқланиб турган ҳамда XVIII аср материализмининг ҳозирлаб берган ҳаётбахш эркин тафаккур тобора илдиэ ота бошлади».

Маркс ва Энгельснинг диалектик материализм асосида фикр юритишлари бутун жаҳон маданияти тарихини яхлит бир жараён деб тушунишга, Фарб ва Шарқ маданиятининг тараққиёт жараёнидаги ролини ва ўзаро муносабатларини конкрет, тарихий ёритишга имконият бергани сабабли марксизм таълимоти ҳозирги кунда ҳам эстетика ва адабиётшунослик фанларининг методологик асоси бўлиб қолмоқда.

Нодира ҚАЮМОВА.

Нажмиддин Комилов,

филология фанлари кандидати

ИБН СИНО ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Шарқ олимларининг кўпи бадий ижод билан шуғулланганлар. Улар фалсафада шоир, шеърятда эса файласуф эдилар, нозик таъб билан яратган ашъорларида буюк қалбнинг изҳори, нафис ҳис-туйғулар, замон ва замин дардини ифодаловчи фикрлар акс этган.

Улуғ файласуф ва табиб Шайхурраис Абу Али ибн Сино шарқда фалсафий адабиётнинг бошловчиларидан бири эди. Унинг ажойиб рубоий ва қитъалари, ғазал ва қасидалари, тамсилий ҳикоя, қиссалари ўша давр адабиётининг ёрқин намуналари ҳисобланади. Бундан ташқари, олим тиб илмини шеър билан мухтасар баён қилиб «Уржуза» асарини яратган. «Ал қонун», «Аш шифо», «Ан најот» каби ўнлаб илмий асарлари қатори унинг бадий ижоди ҳам халқ орасида шуҳрат қозонган эди. Ибн Сино асарлари ўз даври ва ўздан кейинги адабиётга сезиларли таъсир кўрсатди. Умар Хайём илмда ҳам, ижодда ҳам ўзини Ибн Синонинг шогирди деб ҳисоблаган, унинг дунёга машҳур теран мазмунли тўртликлари Ибн Сино рубоӣётининг мантиқий давомидир; уларнинг баъзилари шу даражада ўхшашки, ҳатто кейинчалик бир-биридан ажратолмасдан, кўшиб юборганлар. Абулмажид Саной, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, хусусан Мирзо Абдулқодир Бедил Ибн Синонинг фалсафий қарашлари ва инсонпарвар ғояларини тарғиб этган ашъоридан баҳраманд бўлганлар. Олимнинг муҳаббат ҳақидаги фикрлари Низомий Ганжавий, Шота Руставелиларнинг бадий асарларига ҳам сингиб кетган.

Ибн Синонинг адабиётга таъсири фақат шарқ билан чекланмайди. Унинг хилма-хил фалсафий асарлари, тенгсиз қийматга эга бўлган «Ал қонун» лотин тилига қилинган таржималари орқали ғарбий Европа халқлари қўлга ўтиб, у ерда янги мазмундаги илғор илм-фаннинг ҳамда шеърятнинг

шаклланиши ва ривожига тўртки бўлган. «Шоирлар — олам шаҳзодалари... яъни руҳ ҳокимларидир»,— дейди улуғ олим ўзининг Арастуниг «Шеър илми» асарига ёзган шарҳида (Бу шарҳ Герард Кремоний томонидан XII асрда латинчага таржима қилинган). У тахайюл ва туйғунинг, интим ҳолатларнинг шеърда ифодаланишини таҳлил қилиб адабиёт инсонни инсон қиладиган омиллардан бири деб қарайди, чунки «руҳнинг қуввати», инсонни комил қилувчи воситалардандир. Адабиётга бундай юксак баҳо бериш бадий-эстетик тафаккур тарихида илк илмий ҳулоса эди ва у Европа Уйғониши вакилларининг фикрига бориб уланади. «Инсон ақлининг шеърни бунёд этганига икки сабаб бор. Бунинг бири тақлид қилишдан лаззатланиш ва гўдакликдан тақлидга майлнинг мавжудлигидир. Ана шу инсонни тилсиз ҳайвондан мумтоз қилади ва шу учун ҳам инсон бошқа тирик мавжудотларга қараганда тақлидга қобилиятлидир». Ибн Синонинг бу фикри бир неча асрдан сўнг Флоренция Фанлар академиясининг аъзоси Бенедетте Варки (1503—1565) тилидан қўйидагича изҳор этилди: «Шоирнинг мақсади инсон руҳини комил қилиш ва хушбахт қилишдир, шу жиҳатдан унинг вазифаси тақлид, яъни намойиш қилиб кўрсатишдир. Яъни инсонни яхшироқ, неҳўлқроқ ва ниҳоят хушсаодат қиладиган нарсаларни акс эттиришдир».

Ибн Сино фалсафасининг ғарбий мухлислари кўп эди. Булардан Сигерий Брабантий, Улуғ Алберт, Рожар Бэкон, Жильбер де ля Порреларни кўрсатиш мумкин. Улар Авиценна (Ибн Сино номининг латинлашгани) ва Аверроэс (Ибн Синонинг буюк шогирди Ибн Рушад номининг латинлашгани) тарафдорлари сифатида черков таъқибига учраганлар, айримлари сазойи этилган ва қатл қилинган, Шоирлардан Гильом IX граф Пуату, герцог Аквитанский, Гвидо Кавалканди шарқ

маданиятининг кучли таъсирида яшаганлар. Кўпчилик тадқиқотчилар шуни эътироф этмоқдаларки, Европа лирикасининг биринчи оқими — турбадулрлар шеърияти (куртозий адабиёт) Андалусин билан туташ бўлган араб дунёси таъсирида шаклланган.

Ибн Синога ихлос қўйган, унинг асарларини кўнгил билан мутлолаа қилиб, кенг баҳраманд бўлган европалик адиблар орасида улуғ италийан шоири ва мутафаккири Дантенинг (1265—1321) номи алоҳида ажрალიб туради. Буюк ижодкорларнинг табиати шунақа: улар ажиб бир қобилият билан ўзларигача яратилган ва замондошларининг фикри-ўйи, қалб-шуурини банд этган бутун маданий-адабий ютуқларни ўрганиб, ўзлаштиришга бел боғлайдилар ва уларни бебаҳо асарларида жамулжам этиб, янги бадий ҳаёт бағишлаб, китобхонларга тақдим қиладилар. Данте шундай адиблардан эди. Шунинг учун Гёте у ҳақда: «Данте бизга буюк бўлиб кўринади, ammo унинг орқасида неча асарларнинг маданияти ётибди»,— деб ёзади. Улуғ шоир меросида, айниқса ўлмас асари «Илоҳий комедия»да ғарбий Европа халқлари ҳаёти ҳамда гуманистик ғоялар тантанасини бошлаб берган янги замон нафаси билан бирга кўп асрлик қадимги шарқ маданияти мевалари, адабий-илмий аънаналар ҳам ўз аксини топган. Данте бу икки улкан маданий меросни қабул қилиб, ўз ижодида синтезлаштиради ва уни янги бадий чўққига олиб чиқади.

Данте Ибн Синони жаҳоннинг улуғ донишмандларидан бири деб ҳисоблаб, пешқадам салафлари Софокл, Эсхил, Гераклит, Гиппократ, Афлотун, Арастулар қаторида «Илоҳий комедия»да эъзозлаб тилга олишдан ташқари (Дўзах, IV, 142—144), «Базм»да унинг фалсафий фикрларидан иқтибос келтиради, бошқа файласуфлар билан баҳсга чорлайди. Шарқ олимнинг олам ҳақидаги қарашлари, хусусан Ақли кулл (Абсолют ақл) ва унинг агентлари (интеллигенция — ақллар) тўғрисида айтган фикрлари Дантега жуда маъқул тушади («Базм», П, 3 ва III, IV). Зеро, мазкур таълимот унинг шоирона руҳига эш бўлиб, хаёлий дунёсини мантиқий асослашга ёрдам берарди. Иккинчи томондан, Ибн Синонинг муҳаббати ва унинг умумжаҳоний хусусияти ҳам шу таълимотдан келиб чиқарди. Ишқ-муҳаббат, аллома наздида, руҳни камолотга элтувчи, инсонни эзгулик ва хайрга мушарраф қилувчи кучдир. У жамики мавжудодни ўз қонунига итоат эттиради, ҳаракат ва ўзгаришларга сабаб бўлиб, ривож ва такомиллашнинг манбаидир. Данте бу назарияни Ибн Синодан олганини «Базмда» бир неча бор таъкидлаб ўтган (қаралсин: «Базм» II, 3; II, 9; III, 15 ва бошқа ўринлар). «Илоҳий комедия»да эса ишқнинг моҳияти фақат фалсафий жиҳатдан тушунтирилибгина қолмасдан («Аъроф» XVII, 94 ва «Жаннат», 1, 76—77) балки асарнинг ахлит композицияси ҳам шу ғоя асосига қурилади: «Дўзах» — тубанлашиб, ёвузлик сари йўналган руҳнинг азоб-уқубатларга мустаҳиқ бўлгани, «Аъроф»на тўлиқ покдомон бўлган, на

батамом ёвузлашган руҳлар насибаси, «Жаннат» — эзгуликка кўнгил қўйган, Мутлақ Хайр ошиқлари бўлган руҳлар фароғати. Руҳнинг муҳаббат туфайли бундай табақаланиши Ибн Синонинг «Рисола фил ишқ» асарида ёрқин баён қилинган. «Инсон руҳи икки юздидир, дейди Ибн Сино, бир юзи билан тубанликка қараган бўлиб, агар у жоловланмаса, хирс, ҳасад, фаҳш каби жирканч ишларга берилиб, оқибатда тамоман ёвузлашади. Унинг иккинчи юзи эса юқорига қарагандир ва у Мутлақ Хайрга бўлган муҳаббат туфайли камол топиб, фазилат ва шарофат касб этиб, эзгу амалларни бунёд этади. («Рисола фил ишқ», 46-бет). Руҳнинг бу камолотига ақл раҳнамолик қилади.

Руҳнинг ишқ туфайли фазилат топиши ва ақл камоли ҳақидаги назария, «Рисола фил ишқ»да зикр этилган бошқа фалсафий фикрлар Ибн Сино бадий асарларининг ҳам марказий мавзуларидандир. Агар у «Айния» қасидасида руҳ табиатидаги зиддиятларни очиб кўрсатиб, нокас ва ножинс шахсларни нафрат билан тилга олган, жаҳолат ва қабоҳатни танқид қилган бўлса, «Ҳайи ибн Яқзон», «Ат тайр», «Саломон ва Ибсол» номли фалсафий қиссаларида бир қатор тамсиллий образлар ижод этиб, ҳаётдан олган кузатишларини кўп маъноли мушоҳадалар тарзида ўртага қўяди. Бу қиссаларнинг ҳаммасида ҳам инсон тўғрисида, комил инсон фазилати ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифнинг фалсафий маънолари ғоят теран ва кўп маънолидир. Фарддон зиндонда ёзилган «Ат тайр» (Қуш) ҳикояси тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, олимнинг ўз аҳволини ифодаловчи асардир: туқинликдаги азоб-уқубат, душманнинг тинимсиз таъқиб рамзий йўсинда шунга ишора. Ammo бу ҳикоянинг маъноси яна кенгрок — унда руҳнинг жисм тузоғида туқинликда азоб чекиши, унинг дўстлари — ақл ва билимнинг баъзан бевафолик қилиб ёрдамга келмаслиги, уни душман — нафс домида қолдиришлари айтилган. Шунинг учун муаллиф дўстлик ва одамийлик зийнатлари ҳақида гапирарди, биродарлик шартини ўртага қўяди: «Эй биродарлар, эш-ҳушингизни жамланг ва дўстларингиз учун юздан пардани кўтаринг: қачонгача бир-бирингизнинг ички сирларингизни яширасиз, пардани очиб, бир-бирингизнинг камолига сабабчи бўлинг... Эй биродарлар, одамларнинг энг аблаҳи ўз камолидан орқада қолади».

Бу ғоялар адибнинг «Ҳайи ибн Яқзон» (Уйғоқ ўғли Тирик) қиссасида рамзий образлар билан анча батафсил ифодаланган. Ибн Сино ақл кучига катта баҳо беради, ақл ва руҳнинг иттифоқи инсонийлик моҳиятини белгилайди, деб тушунтиради у. Ақл ва ишқ туфайли руҳ қувват олиб покланиб, танин яйратсади, ҳаловат бағишлайди. Бу қарашлар асарда оламнинг тузлиши ҳақидаги таълимот фонидан изоҳланган.

Қиссадаги Ақл тимсоли бўлган «Ҳайи ибн Яқзон» инсонни тубан хислатлар ва номақбул хулқдан поклашга йўл кўрсатадиган

кучдир. Ёзувчи ғазаб, хирс ва ҳасад сингарии ёмон хислатларни қоралайди, уларни одамнинг ёвуз душмани деб эълон қилади. Чунки бу салбий ҳулқ инсонни тубан қилишдан ташқари унга дунёни тушунишга, олий мақсадларга интилишга ҳам тўққинлик қилади. Фаросат ва мантиқ инсон қўлидаги энг кучли қурол, «оқар чашма». Унга ҳумилсанг, сувидан ичсанг — билимлар денгизида бемалол сузаверасан. Кишининг камолоти, покляниши ҳам шу илм ва ақлга садоқатидир. Хулқдаги, феъл-атвордаги ёмон хислатлар умрни бекорчи ишларга сарфлаб ҳароб қилади...

«Ҳайй ибн Яқзон»нинг Ақл рамзи сифатидаги фаолияти, бажарган миссияси «Илоҳий комедия»да тасвирланган Вергилий ва айниқса Беатриче хислатларига жуда ўхшаш. Поэманинг «Дўзах» ва «Аъроф» қисмида устози Вергелий раҳномолик қилса, «Жаннат» қўшиқларида уни севгилиси Беатриче олиб юради. «Ҳайй ибн Яқзон» қиссасини таҳлил қилган профессор Е. Э. Бертельс қайд этган эди: «Бунда биз гўё Данте «Илоҳий комедия»си асосий мотивининг тахминий ланини кўргандай бўлэмиз, фарқ шундаки, Вергилий вазифасини Ҳайй бажаради ва ўз шоғирдини олға бошламасдан, балки бу қийин йўлни чизиб беради, холос. Шу тариқа «Илоҳий комедия»нинг маъно-мазмунини, асосий ғояларини яъни ҳаёлан сафарга чиқиб, оламни саёҳат қилиш усули ҳам Ибн Синода борлиги маълум бўлади.

Ҳайй: «Оламни кезиб саёҳат қиламан, лекин юзим ҳамиша отам томонида бўлади», дейди. Бу билан файласуф ақли фаолнинг олий қудрат — сабаби аввалга боғлиқлигини таъкидламоқчи бўлади. «Дўзах»нинг учинчи қўшиғида келтирилган ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳ тўғрисидаги гапларнинг мазмуни ҳам шу тасаввурнинг акс-садосидир. Мазкур «учлик» аслида қадимги Зардуштий оташпарастлар ва Моий мазҳабининг самовий асотирларига, бориб тақалади.

«Ҳайй ибн Яқзон»даги осмон жисмларига саёҳат, улардаги хусусиятлар тасвири билан «Жаннат»нинг шоирона манзаралари орасидаги ўхшашлик ҳам кишини ҳайратга солади.

Ибн Синонинг ёзишчи сайёраларга кўтарилган руҳлар орасида тотувлик, ҳамжиҳатлик бор, уларнинг ҳаётлари фароғатли, ўзлари серҳаракат, хушхулқ. Уторудда олимлар, санъаткорлар, Зухрода—хушфеъл гўзал кишилар истиқомат қилишади, улар сафо ва севгига ўч: соз чалиб оҳанглар оғушида яшайдилар. Дантеда ҳам: Ой — фароғатли руҳлар макони, Меркурий — шарафпарастлар, Зухро — ишқибозлар, созандалар, хушсурут кишилар жойи. Ибн Синода: Миррих — жангари, урушни, қотилликни севувчилар макони, Дантеда: Марс — дин учун жанг қилувчилар урушқоқ зотларнинг қароргоҳи.

Ибн Синонинг тасвирлари соф асотирлар тўғрисидаги тасаввурларга асосланса, Данте бу мифологияни диний қарашлар-

га боғлаб, асаридаги бош ғоя ва пафосга мувофиқлаштириб тасвирлаган.

«Ҳайй ибн Яқзон»да тўққизинчи осмон белгилари ҳақида фикр юритилади. Ибн Сино дейди: «Инсон руҳи у ерга тушмайди, фақат унга ёндош мамлакат аҳлига у ердан амру фармонлар келиб туради». Бу фармонларни фаришталар етказиши, Олим бу ерда «Рисола фил ишқ»да айтган фикрини такрорлаган. Данте ҳам «Базм»да, кейин «Илоҳий комедия»да тўққизинчи осмоннинг мавжудлиги ва унинг дахлсиз бўлиб, бутун оламга ишқ ва нур таратишини қайд этган.

«Ҳайй ибн Яқзон»да тасвирланган мамлакат — ниҳоят покиза, шаффоф, ёқут ва забаржад билан зийнатланган жуда обод жой. Унинг подшосини кўриш мумкин эмас. Лекин ундан оқадиган нур дарёсидан атрофдагилар баҳраманд «Унинг жамоли ҳуснининг пардасидир. Худди қуёш озроқ ниқобланганда очилиши кўпроқ талаб қилингандай, ошкорлиги унинг яширинлигига, нур сочиши бекиклигига сабабдир. Қуёш нурига тикилиб қарамоқчи бўлсангиз нури нурига парда бўлиб қолади». Улуғ алломанинг бу чиройли тасвири «Илоҳий комедия»нинг «Жаннат» қисмидаги муҳаббатнинг кўзни қамаштирувчи зиё ва сафосини мадҳ этувчи, сернур, ёрқин тасвирларга, қуёш ҳарорати билан йўғрилган шеърый сатрларга қанчалик монанд!

Ибн Сино қиссасидаги бош зиддият «ёмон ошналар»—тубан феъл-атвор, нопок руҳ ва унинг йўлбошчиси — ақл орасидаги курашдир. Муаллиф буни ана шу мазмунда бир киши фитратига мавжуд қарама-қарши йўналишдаги кучлар (яхши ва ёмон хислатлар) кураши тарзида ҳам, шундай хусусиятга эга турли одамлар орасидаги кураш тарзида ҳам талқин қилади. «Илоҳий комедия»даги асосий конфликт ҳам ёмон ва яхши ахлоқни, эзгулик билан ёвузликни («дўзахийлар» ва «жаннатийлар»ни) қарама-қарши қўйиб тасвирлашда намоён бўлган. Шарқ олими буни рамзий-тамсилый образлар воситасида ихчам қилиб баён этса, ғарблик шоир ўз замонасининг реал ҳаётига боғлаб, тарихий шахслар тақдирини кўрсатиш орқали эса қолдиган қилиб гавдалантирган (Айниқса «Дўзах»да бу очик кўзга ташланади).

Шундай қилиб, Ибн Синонинг фалсафий-назарий асарлари, жумладан «Рисола фил ишқ»даги фикрлар улуғ Дантенинг муҳаббат концепциясига асос бўлиб, «Илоҳий комедия» мазмун-маъносига сингиб кетгандир. Руҳнинг ақл раҳнамолигида камол топишини бадий-тамсилый образлар орқали тасвирлаш ва буни ҳаёлан саёҳат қилиш усулида амалга ошириш нуқтаи-назаридан эса Данте поэмаси «Ҳайй ибн Яқзон»га қариндош бўлиб чиқади. Беатриче гўё Ҳаййнинг туғишган синглисидай, уларнинг характерларида ҳам, вазифалари ва дунё қарашларида ҳам умумийлик бор: зотан иккаласи ҳам ақли фаолнинг рамзи. «Беатриче Ибн Сино ва Ибн Рушднинг ақли фаолининг тимсолидир»,— деб эътироф этган эди буни Франческо Перец ўзи-

нинг «Беатриченинг очилиши» номли китобида.

Хаёлан оламни саёхат қилиб асар ёзиш шарқда Ибн Синогача ҳам мавжуд бўлган. Эроншунно олим Э. Блохэ «Илоҳий комедия»нинг шарқий манбалари номли мақоласида айтиладики, Дантенинг нариги дунёга сафари Зардуштий динидаги тақводор Вираф тушларининг таъсирида пайдо бўлган, шоир буни ислом орқали қабул қилган бўлиши керак. Араб, форс ва туркий тиллардаги кенг тарқалган «Меърожнома» ҳам шундай асарлардан эди. Унда Муҳаммад пайғамбарнинг осмонга кўтарилиб, дўзах ва жаннатни айланиб чиқиши, гуноҳкорларнинг илтижо-нолалари, «покломон» руҳларнинг эса бихиштдаги роҳат-фароғати тасвирланган. Диний мақсадларни кўзлаб ёзилган бу хаёлий қиссада жонли тафсилотлар ва эпизодлар бор.

IX аср араб шоири машҳур Абуабло Ал Маарри «нариги дунё» тўғрисидаги диний афсоналардан фойдаланиб, «Рисолатул ғуфрон» («Мағфират китоби»), «Рисолатул малоиқ» (Фаришталар китоби) деган достонлар ёзди ва уларда замонасининг жоҳил, нодон руҳонийларию ҳовлиқма одамларининг образларини тавдалантиради. Киноя ва кулги унинг севган кууроли эди. Абуабло гўё ўзи нариги дунёга саёхат қилиб, у ерда муҳолифларини учратади, уларнинг янғили аҳволини кўзатиб, ҳажв остига олади.

Хаёлан сафар қилиш X аср форс шоири Авҳадуддин Кирмоний ижод этган «Мисбоҳул арвоҳ» достонида ҳам мавжуд. Академик А. Н. Веселовский ёзишича, бунақа асарлар ўрта аср христиан адабиётида ҳам, шарқ адабиётида ҳам кўп бўлган. Чунончи, гўдаклигида руҳлар у дунёга олиб кетган бола ҳақидаги осетин эртаги, ўлдирилган акасини излаб, дўзахга йўл олган Кубайко исмли қиз тўғрисида ҳикоя қилувчи татар халқ эртаги ва баъзан ҳинд афсоналари «Илоҳий комедия» параллелларини ташкил этади. Дантенинг замондош шоирлари Брунетто Латини, Алберик ҳам шу усулда асар ёзганлар.

Ибн Сино шарқда яратилган бадий асарларнинг кўпи билан ошно эди, албатта. Унинг даврида Бухорода форс-тожик ва араб тилларида яратилган катта адабиёт бор эди. Шеърийатга ихлосманд улуг олим бундан бебаҳра қолмаган. Узининг адабиётшуносликка оид асарларида у Ал Бухтурий, Абу Нувос, Абу Таммом, Абуабло ижоди билан таниш эканини кўрсатган. Унинг «Меърожнома» номли қисса ёзганини эътиборга олсак, эсхатологик (нариги дунёга саёхат) сюжетдан ўз мақсадида фойдалангани маълум бўлиб қолади. Шунинг ҳам айтиш керакки, «Ҳайй ибн Яқзон» билан «Саломон ва Ибсол»нинг сюжети ҳам Ибн Синогача мавжуд бўлган. Ҳайй саёхати ҳақидаги ҳикояни Хунайн ибн Исҳоқ (IX аср) юнон тилидан арабчага таржима қилади, Саломон қиссаси эса қадимги яҳудийлар фольклоридан кириб келган. Аммо Ибн Сино бу сюжетларни қайта ишлаб, бутунлай янги

мазмун билан бойитди. Шунинг учун унинг асарлари ўз навбатида бошқа шоир-ёзувчилар ижодига таъсир этди. «Ат тайр»даги рамзий-аллегорик тасвир тарзи образлар талқини билан Фаридиддин Атторнинг «Мантикут тайр» ва Алишер Навоийнинг «Лисонут тайр» достонлари орасида яқинлик бор, Атторнинг Ибн Синодан таъсирлангани аниқ, Навоий эса ўз асарини «Мантикут тайр»га жавобан ёзган. Абулмажид Санойининг «Сайрул ибод илал маод» (Бандаларнинг сайр қилиб ўз жойига қайтиши) номли асари «Ҳайй ибн Яқзон» қиссасига назира тарзида ёзилган. Санойий достони ўз мазмуни, тузилиши ва образлари характерида кўра «Илоҳий комедия»га яна ҳам яқинроқ. 23 фасл ва хотима бобдан иборат бу асарда шоирнинг хаёлан «нариги дунёга» саёхати Ибн Синонинг руҳ тўғрисидаги фалсафий қарашлари замирида ҳикоя қилинади.

Бу асар ҳақиқатдан ҳам ўз таркиботи билан «Илоҳий комедия»га жуда ўхшаш, айрим тасвирлар ажиб бир тарзда Данте «Дўзах»ини эсга солади» (Е. Э. Бертельс), бугина эмас, асосий мотивлар, пафос ва етакчи ғоялар бўйича ҳам «Сайрул ибод» Данте поэмасига яқиндир. «Илоҳий комедия»га чуқурроқ назар солсак, Санойий бошидан кечирган, кўзи билан кўрган манзаралар, воқеаларнинг шоҳиди бўлаемиз. Биринчи кўшиқда Данте зимзиё ўрмонда адашиб қолади. Урмон — даҳшатли, ҳалокатвор қилиб тасвирланади. Улим ваҳимаси шоирни қамраб олади. Қандай кириб қолганини билмайди — туш билан ёлғон мени адаштиради, дейди у. Тун қоронғилиги, орқага йўл йўқ. Кейин баҳайбат қоплон, очикқан шер ва чиябўри ўкириб шоир йўлини тўсишади. Ақл тимсоли Вергилий уни қутқудан халос этиб, олға етаклайди. Буларнинг ҳаммаси — шартли тимсол ва образлардир. Урмон, қоронғилик, тун — модда, материя (руҳсизлик) учта дарранда — ҳайвоний ҳиссиётлар (очкўзлик, ғазаб, ҳасад ва бошқа салбий ҳислатлар) — номус, муҳаббат ва ақл идрокнинг душмани. Вергилий олиб кирган «дўзах» шу бад ҳислатларнинг оқибатлар — бегоналашган, тубанликка кетган, руҳнинг жазоладир. «Сайрул ибод»да ҳам Санойий айнан шундай усулни қўллагани маълум. «Дўзах»даги азоб усуллари, жирканч маҳлуқлар суратининг тасвири «Сайрул ибод»га жуда ўхшаш. Санойий ўз пири билан сайр этса, Данте устози Вергилий билан кезиб чиқади. Бундан ташқари, ички психологик тасвирнинг ажиб бир тарзда бирлигини қаранг: Санойий ҳам, Данте ҳам даҳшатли маҳлуқлар, жирканч манзараларни кўргач, кўрқувга тушадилар, юракларини ваҳимэ босади, лекин албатта йўлбошчилари тадбир қўллаб, балони даф этадилар. «Сайрул ибод»даги мўйсафид ва «Илоҳий комедия»даги Вергилий ярим йўлдан орқага қайтишади. Бу шунинг кўрсатадики, Данте поэмаси, айрим олимлар қайд этганидай, фақат ташқи тузилиши билан шарқ адабиёти намуналарига ўхшаш бўлиб қолмасдан, балки бу яқинлик ғоя ва маз-

мунда, муаллифларнинг нияти ва интилишларида, ички, пафос, деталларнинг қўлланиши, тасвирдаги усул-усулбларда ҳам кўзга ташланади. Бу эса ғоят муҳим. «Шакшубҳа қолмайдики, Данте ўз «Илоҳий комедия»сининг ташқи қурилишини тузишда ислом маданиятидан бир қадар, фойдаланган. Аммо «Илоҳий комедия»нинг ички мазмуни нуқтаи назаридан ҳам Данте шарқ таъсиридан холи қолмади» дейди А. Баузани.

Ҳўш, шарқ адабиёти, жумладан Ибн Сино асарлари билан Данте поэмаси орасидаги бундай яқинлик қандай юз берди? Бу тасодифий ўхшашликми ёки италян шоири шарқ эсхатологик адабиёти ва Ибн Сино фалсафий қиссаларидан хабардор бўли улардан таъсирланганими? Мазкур масала анча йиллардан буён илмий тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Испан арабшуноси М. Асин Паласиос «Илоҳий комедия»да мусулмон эсхатологияси» номли китоб ёзиб, «Меърожнома», «Рисолатул ғуфрон» ва бошқа манбаларни таҳлил қилиш орқали Данте шарқдан баҳраманд бўлган, деган қатъий фикрни олдинга сурди («Арабская средневековая культура и литература», Издательство «Наука», Москва — 1978, 204-бет). Бироқ А. Паласиоснинг фикрлари кўпчиликини ишонтирмади, чунки унда таъсирни кўрсатадиган ашъвий далиллар жуда кам. Академик И. Ю. Крачковский Абуъло асарлари Андалусияда машхур бўлиб, унга жавобан назирлар ёзган (И. Ю. Крачковский, Избранные труды. Том II, изд. Ан. СССР, М.—Л, 1956, с. 184) деб маълумот беради. Агар бу ҳақиқат бўлса, унда араб шоирининг асарлари гарчи улар лотин тилига таржима қилинмаган бўлса-да, мазмуни ва сюжети роман халқлари орасида ёйилган бўлиб чиқади. Чунки Дантенинг устозларидан шоир Брунетто Латини араб ҳокимлари саройида анча йиллар элчи сифатида хизмат қилган ва кўп нарсани ўрганган эди. Бундан ташқари, Данте Раймонд Лулли, Ринальдо Кроче деган миссонерлар билан доимий алоқада бўлиб, улардан шарққа оид маълумотларни одиб турган. Ва ниҳоят А. Паласиоснинг илмий фаразияларини кейинги изланишлар тасдиқлади. «Меърожнома», «Либер скала» (Кўтарилыш китоби) номи билан аввал кастил, сўнгра лотин ва француз тилларига таржима қилиниб, XIII асрда бутун Европага тарқалади. Данте бу таржималар билан шубҳасиз таниш бўлган, дейди Энрико Черулли. Чунки шоирнинг шогирди Фарцио Уберти асарларида «Меърожнома» тилга олинади, «Данте нафақат бу асар билан таниша оларди, балки танишиши шарт эди».

«Ҳайй ибн Яқзон»нинг Европага ёйилиши ҳам тахминан шу йўлдан борган. Курдобалик араб файласуфи Ибн Туфайл (XI аср) шу номда катта фалсафий роман яратган. Сюжетни Ибн Синодан олганини у ўз муқаддимасида қайд қилади. Ибн Туфайл воқеаларни кенгайтириб, мазмунга анча ўзгаришлар киритган. Ҳайй унда Робинзон Крузога ўхшаб кимсасиз оролда

яшайди ва ҳикмат тўплаш билан шуғулланади. Мутлақ Дониш сирларини билишга жаҳд қилади. Бу асар ўша вақтда испан тилига ўгирилиб, саргузашт роман сифатида қизиқиш билан ўқилган.

Бу борадаги муҳим фактлардан яна бири шундаки, талай фалсафий шеърлар муаллифи олим ва таржимон Ибн Эзро (1092—1167) Ибн Синонинг «Ҳайй ибн Яқзон» қиссасини эркин усулда яҳудий тилига таржима қилади ва унга «Ҳайй бин Маниц» деб ном қўяди. Ибн Эзро Толедо ва Римда яшаган, шунингдек Испания ва Италиянинг яна кўп шаҳарларини кезиб, араб тили ва адабиётидан дарс берган. У бухоролик улоғ алломанинг содиқ издошларидан эди. Шунинг учун ҳам унинг фалсафий қарашларини тарғиб қилиб юрган (БСЭ, том IX, с. 619 — 620). Бу маълумотлар Ибн Эзро Ҳайй ибн Яқзон ҳақидаги қиссани ғарбда тарқатганлардан бири бўлган, деган фикрни дадил айтишга ҳуқуқ беради. А. Н. Веселовский диққатни жалб этган Дантенинг кекса замондоши Алберик ва буюк шоирнинг ўзи ҳам бу асардан хабардор бўлишлари мумкин эди. Чунки яҳудий тилидаги адабиёт ўша даврда Европада анча обрўли бўлган. Яҳудий тили лотин тили билан бир қаторда ўрганилган. Аксарият арабча асарлар аввал ибрий тилга ўгирилиб, кейин испан ва француз тилига таржима қилинганини, таржимонлардан кўпчилиги яҳудийлар бўлганини эътиборга олсак, бу фикримиз янада қувватланади. Ибн Туфайл ва Ибн Эзро нусхалари мазкур сюжетнинг халқ орасида тарқалиб, оғзэки намуналарнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлаган — бу ҳам бизни қизиқтираётган масала нуқтаи назаридан муҳимдир. Яқинда Германия Демократик республикасида Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланиб халқаро анжуман ўтказилди. Немис олими доктор Г. С. Штеймаер ўз маърузасида «Ҳайй ибн Яқзон»нинг яҳудийча нутхаси «Илоҳий комедия»нинг аллегорик ғояларига таъсир этганини қайд қилган («Узбекистон маданияти» газетаси, 1980 йил, 18 апрель сони). Шундай қилиб, Ибн Синонинг жаҳоний шуҳрати, унинг асарларининг халқаро тарихий аҳамияти борган сари кўпроқ аён бўлиб бормоқда.

Халқаро адабий жараён тарихи мураккаб ва сермазмундир. Бунда алоқа ва таъсир, анъана ва новаторлик, тарихийлик ва шахсий ташаббус, ижодий қобилият сичгари факторлар биргалиши амал қилади; маданиятлар оқимининг учрашуви ва қўшиливи, бир доирага бирлашиши ва яна турли томонга қараб таралиши, янги босқичда ривожланиб мукамаллашиш ҳодисалари юз беради. Шунинг учун ҳам адабий алоқа ва таъсир ҳақида гапирганда фақат бадий асарнинг бадийи асарга, ёзувчининг ёзувчига таъсирини кўзда тутиш бир ёқламалиқдир. Шоир ёки ёзувчига бошқа халқларнинг илму фани, авваламбор философияси катта таъсир кўргизади. Узаро баҳрамандлик кенг маънодаги маданий муҳит ичида олиб қаралиши лозим. Шу нуқтаи назардан фикр юритадиган бўлсак,

Данте ва шарқ мавзуининг илдизлари жуда чуқур экани маълум бўлади. Бу масала маданиятлар ривождаги умумжаҳоний ирсиятнинг бир босқичи, халқаро адабий алоқанинг муҳим ҳалқаси деб қаралса, кенг миқёсдаги ақлий силжишлар бағрида олиб текширилса, масала яна ҳам чуқурроқ ойдинлашади. Пайти келар, ҳаёлий саёҳат асосида ёзилган асарларнинг шарқ-ғарб вариантларини бир ерга тўплаб, қиёсий таҳлил қилиш имкони туғилар, балки, шунда бу адабий усулнинг тарихи, этимологиси ва инкишофи бутун қирралари билан кўзга ташланиб қоладди. Умуман олганда эса «Илоҳий комедия» ёки «Декамерон» сингари ўрта аср Европаси баъдий обидаларини шарқ аъналарини четлаб ўтиб, тўғри ва тўлиқ тадқиқ этиш мумкин эмас. Бу масалани ҳатто соф типологик аспектда олиб ўрганган одам ҳам мазкур асарларнинг мазмун ва сюжетидаги кўп жиҳатлар улардан анча олдин шарқда яратилган адабиёт намуналарига бориб уланишини қис этади ва натижада беихтиёр қиёсий усулга мурожаат қилиб, ғарблик адилларнинг у ёки, бу даражада шарқдан баҳраманд бўлганини тан олади. «Илоҳий комедия»даги умумий маъно ва композицион тузилишигагина эмас, балки ички деталлар, рамзу ишора, шартлилиқ ва романтикликка ҳам шарқ аъналарининг таъсири бор. Буни эътиборга олмаган айрим тадқиқотчилар бу хусусиятнинг қаердан келиб чиққанини билмасдан Дантени ўта мураккаблик ва мавҳумликда айблаб юрадилар. Академик А. Н. Веселовский «Илоҳий комедия» тузилишига Алберик ижодининг таъсирини таҳмин қилиб, «нариги дунё» сафарини шоир ўшандан олган бўлиши керак, деган фикрни баён этади («Дантовские чтения — 73», Издательство «Наука», Москва, 1973, 455). Аммо: «Дантедаги олий даражада ранглар ва соялар ҳиссиёти Алберикда йўқ, деб таъкидлайди атоқли олим, улуг шоирда зулумот манбаига яқинлашган сари соялар (қоронғилик) қуюқлаша боради, ранглар қораяди, кейин улар аста-секин равшанлашади ва ҳар қадмдан сўнг ёрқинлашиб боради». Худди ана шу хусусият «Ҳайи ибн Яқзон» ва «Сайрул ибод»да мавжуд эканини юқорида кўрдик. Чунки бу тасвир мазкур асарларнинг фалсафий мазмуни ва тамсилий талқинидан келиб чиққан эди.

Албатта, биз Данте ўз ғояларини, ижодий усулларни бутунлай шарқдан олди, демоқчи эмасмиз. Мутлақо. У аввало христиан Европасининг шоири. Н. Г. Чернишевский Дантени «халқ афсоналарининг компиляторлари бўлган» буюк ижодкорлар си-

расига бежиз киритмаган. У ҳақиқатан ҳам ўз даврининг жуда кўп соҳаларини — афсона ва ҳақиқатлар, ривоят ва сиёсат, космогония ва философиянинг беқиёс тафаккури билан ўзлаштириб, омухта қилиб, шоирона қудрати билан муаззам поэма-сига жойлаштира олди. Бу асардаги идея ва ҳиссиётлар биргина Дантега тегишли эмас, улар бир неча даврга, бир неча гуруҳ кишиларга, ҳатто бутун жамятга тегишлидир, дейди академик В. Н. Веселовский. Фалсафа, ҳиссиётлар, эҳтирослар унга Арасту ва Ибн Сино, Ибн Рушд таснифлари бўйича тузилган ҳаёлий дунёнинг ҳамма қатламларини кезиб чиқишга имкон берди. Шоирона шуури, руҳий инстинкти эса унга реал тасвирлар, образлар дунёсини яратишга йўл очди. Дантенинг «нариги дунёси» ғоят тугал иморат. Унинг тархи энг майда қисмлари, нақшу гулигача ўйлаб чиқилган. Буларнинг ҳаммаси — каттадан кичигигача ўша замон кишиларининг ҳаёт, коинот ҳақидаги тасаввурлари инъикосидир. Бу тематик ва астрономик аниқлик, сонлар, жисмлар символикаси (баъзан майда-чуйдаларгача эътибор бериш) — шоирнинг ўрта аср дунёқарашидаги «ҳамма нарсани қамраб олиш» истагидан ҳосил бўлган.

Ибн Сино жаҳон илм-фани кашфиётлари ҳосиласини ўзлаштириб, уни ўз ақлининг қудрати билан яна бир поғона баландга кўтарди ва авлодларга узатди. Шу билан бирга у юнон, ҳинд, араб ва форс адабиётини ўрганиб, сермазмун баъдий асарларида бу ютуқларни жамлади — синтезлаштирди. IX—XII асрлар шарқ маданияти, жумладан Форобий, Беруний, Ибн Сино мероси Шарқ ва Ғарб қўшилувининг биринчи глобал ҳодисасидир. Бу ҳодиса мисли кўрилмаган маданий тараққиётни вужудга келтирди. Бахтни қаранг-а, буюк Ибн Синонинг меросхўри фақат муаззам шарқ халқлари бўлиб қолмадилар. Шарқдан борган ривожланиш, ҳаракат байроғини қабул қилган Ғарбий Европа ҳам бу меросдан тенг шерик баҳраманд бўлди. Қанчадан-қанча алломалар унинг таълимотидан дарс олдилар. Булар ичида улуг шоир Данте ҳам турибди. У янги тарихий шароитда жаҳон маданиятини ўз ижодида синтезлаштирган янги даҳо бўлиб майдонга чиқди. Демак, маданиятлар қўшилиши, пайвандлашиш ҳамиша ижодий фаровонлик туғдирган, ширин ҳосил берган. Ибн Сино ва Дантенинг сиртдан дўстлашуви, ҳамфикр-ҳаммаслақлиги башарий ғояларнинг, гуманизмнинг ҳаётийлигига, ўлмаслигига гувоҳдир.



ТОНГ БИЛАН ТУН ТЎҚНАШУВИ

[БИР АСАР ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА УЙЛАР]

Осуда ҳаёт кечираётган мамлакат билан тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашистларнинг жанг майдонида учрашуви тонг билан туннинг тўқнашуви эди. Одамларнинг меҳнат майдонидан қўлларига қурол олиб жангга кириши, ҳали она сути оғзидан кетмаган мактаб ўқувчиларининг бошига не бир қора кунлар тушиши тонг билан туннинг тўқнашуви эди.

Султонмуроднинг оч бўри билан юзма-юз келишининг ўзи ҳам худди тонг билан туннинг тўқнашуви эди. Ёвузлик билан яхшилиқнинг, эзгулик билан худбинликнинг, гўзаллик билан қонхўрликнинг тўқнашуви эди.

Унинг узоқ ўлкалар тўғрисидаги, қонли ва қиронли жангга кетган отаси ҳақидаги, оилалари ҳамда ўзида беғубор, беайб тиниқ тасаввурлари, Мирзагул бикач хусусидаги ўйлари, орзу-умидлари кунба-кун турмуш ташвишларига кўмила борди.

Урмонга ўт кетгудай бўлса бири эмас, бари ёнар дегандай, бундай ташвиш, бундай кўргуликлар, бундай қора кунлар биргина Султонмуроднинг эмас, барчанинг бошига тушган эди. Султонмурод билан бирга синфдошларининг ҳам, муаллима Инкамол опанинг ҳам, колхоз раиси, фронтвик Тиналиевнинг ҳам, бригадир Чекиш билан темирчи Парпи оғанинг ҳам, бешикдаги боладан тортиб боболарнинг ҳам кўзлари ёшли эди. Бирининг отаси, бирининг оғаси, бирининг боласи, бирининг бош паноҳи урушда. Бағри бутун одамнинг ўзи йўқ. Биров оч, Биров юпун. Фақат барчанинг орзу армони: уруш тезроқ тугай қолса. Қўшинларимизнинг қўли баланд келса. Ёруғ кунлар яна барчага бирдай насиб қилса. Биргина орзунинг ўзи билан иш битмаслигини ҳам ҳамма тушунади. Бунинг учун тинимсиз ишлаш кераклигини, урушдагилар учун озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериш кераклигини ҳам барча билади. Бошқа йўли ҳам, йўриғи ҳам йўқ. Арғамчига қил қувват.

Шундай қилиб колхоз раиси Тиналиевнинг ташаббуси билан олис қирғиз қишлоқларининг биридаги мактабнинг еттинчи синф ўқувчилари Онатой, Эркинбек, Қубатқул, Эргашлар Султонмурод бошчилиги-

да икки юз гектарлик Оқсой даштига бахорги буғдой экадиган бўлишди. Бунинг учун куздан бошлаб тайёргарлик кўриш керак. Ҳар бири ўзларига бириктилган отларни тайёрлаши, парвариш қилиши, кечаю кундуз еми-сувидан хабардор бўлиши, эгар-жабдуқларини, плуг ва унинг тишларини шай қилиб қўйиши керак. Раис Тиналиев собиқ жангчи бўлгани сабабли топшириқ ҳам ҳарбийча бўлди. Иш ҳам ҳарбийчасига кетди. Йигирма от — Оқсойга ташланган десант. Султонмурод — десантчилар командири. Чопдор билан Чонтор — Султонмуроднинг отаси Бекбой оғанинг аравага қўшиб юрадиган отлари. Бекбой оға урушда. Шу сабабли Султонмурод бу отларни суюб, уларга суянади. Гўё улардан отасининг иси уфуриб тургандай туюлади. Отларнинг феъл-атворини, ҳар бир қилиғини, ҳар бир одатини беш бармоқдай билади. Икки от — икки қаноти. Оқдум билан Бурул ҳам Султонмуроднинг қарамоғида. Чопдор билан Чонторга қандай қараса буларга ҳам шундай қарайди. Биргина бу эмас, синфдошлари учун ҳам, плуглар учун ҳам, борлиқ от-уловлару эгар-жабдуқлар учун ҳам Султонмурод жавобгар. Ахир у десантчилар командири. Шунинг учун ҳам барига бирдай қараши, барини бирдай кўриши керак. Биргина бу эмас, ҳар бирининг қувончига ҳам, қайғусига ҳам шерик бўлиши, ҳамнафас, ҳамдард бўлиши лозим.

Десантчилар Оқсойга жўнаш олдидан Онатойнинг отасидан қора хат келди. Чекиш чол уларни чақириб панд-насихат қилган бўлди:

— Начора! Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортиш эрта бошларингга тушди, чироқларим. Ҳар қалай сизлар энди ёш бола эмассизлар. Гўдакларга ўхшаб Онатойни ёнида ҳиқиллаб ўтирманглар. Ҳамонки йиғлар экансизлар чинакамига қаттиқ овоз чиқариб катта одамларга ўхшаб йиғланглар. Онатойнинг содиқ дўстлари йиғлаётгани аниқ билиниб турсин.

Султонмурод ҳам, унинг шериклари ҳам Онатойларникига катта одамлардай овоз чиқариб боршиди. Қон ютиб, қақшаб бо-ришди. Ҳа, энди Онатойнинг отаси уруш-

дан қайтмайди, ҳеч қачон, ҳеч ким уни кўрмайди. Шундай қилиб Эркинбек билан Қуббатқулнинг бошига тушган кун Онатоининг ҳам бошига тушди. У ҳам етим бўлиб қолди.

Ниҳоят, Оқсойда иш қизигандан қизиб кетди. Отларнинг иш ниҳоясига етмагунча ҳолдан тоймайдиган чўти бор. Десантчилар учун энг муҳими ҳам ана шу. Уловларнинг еми ҳам, хашаги ҳам деярли етади. Узлари оч қолса майли, юпун қолса майли. Фақат отлари — асосий ишчи кучлари ҳар жиҳатдан беками-кўст бўлса бўлгани. Шундагина уларнинг уйдагилари олдида, жонажон мактаблари билан ҳамқишлоқлари қаршисида юзлари ёруғ бўлади.

Баҳор ҳавоси. Кўклар нафаси. Ер кўм-кўк. Осмон мовий. Десантчиларнинг табиати бир қадар тиниқ. Фақат зарур иш билан қишлоқда қолган Эргаш билан Қуббатқул бугун келса бўлгани. Шунда уларнинг бағри тўлгандай бўлади. Шунда бутун десант ишга тушади. Иш унгандан унади.

Ер ҳайдаётган Султонмуроднинг кўзи узоқдан келаётган отликқа тушди. Елкасида милтиқ. Бошида паҳмоқ телпак. Бир оздан сўнг яна бир отлик ўтди. Унинг ҳам қуроли бор. Иккаласи ҳам ҳўмрайиб ўтиб кетишди. Бир оздан сўнг бундай нохуш, совуқ ҳолатнинг ўрнини турналарнинг овози эгаллади. Болалар қувончи ичига сиғмай қийқиришди, бир-бирини қутлашди:

— Турналар, турналар...

Султонмурод шерикларига, турналарнинг эрта келиши яхшилик аломати эканлигини, бу йил ҳосилнинг мўл бўлишини қайта-қайта таъкидлаган бўлди. Улар турналар томонга чопишди. Бундан ғазабланган ҳалиги отлиқларнинг бири уччаласини тутдай тўкиб ташлашга чоғланмоқда эди. Тайёр ўлжа — турларни отишга плугчиларнинг халақит бераётганидан очбўридай ғазабланмоқда эди. Кўзлари қонга тўлиб, қўллари тепкини босмоққа чоғланарди. Бу «беақл» болаларнинг эса бундан хабари йўқ. Улар фақат турналарни яқиндан кўрса бас. Бироқ турналар тобора юксакликларга кўтарилиб борарди...

Ҳар қалай бу ҳол болалар билан баҳор элчиларининг — турналарнинг тўқнашуви эмас, туташуви эди.

Уру қирни қоронғилик қоплаб олди. Ҳолдан тойиб, ҳориган қўшчилар қўноқлашга тутинди. Негадир бу оқшом Султонмурод учун кўрқинчли туюлмоқда. Айни пайтда ширин хаёллар, афсонавий орзулар кўнглининг бир чеккасидан ўтиб ҳам қўяди: отаси келса, уни кутиб олгани чиқса, биринчи бўлиб бу хушхабарни етказганга бор бисотидагини берса, шундай бахт унга тезроқ насиб қила қолса. Шуларни ўйлаб Султонмуроднинг кўзлариде маржон-маржон ёш қалқди. Ниҳоят, уйқу ғолиб келди. Бир маҳал босиқирагандай бўлди... Овчилар Султонмуроднинг қўлини орқасига боғлаб, оғзига латта тиқиб улгурган эди. Онатоий билан Эркинбекни ҳам шундай қилиб, тўрт отни ҳайдаб зулмат қўйнига ғойиб

бўлишди. Уч десантчи уриниб-суришиб бир-бирининг қўлини ечишди. Онатоий хабар бергани қишлоққа жўнади. Эркинбек ўтовда турадиган бўлди. Султонмурод Чопдорни миниб от ўғриларининг орқасидан тушди. Етай-етай деганда ўқ овози Султонмуроднинг қулоғига чалинди. Ўқ қиладиганини қилиб бўлганди. Султонмуроднинг оти йиқилди. У отидан эмас, гўёки энг яқин одамидан, эътиқод, имонидан айрилган эди...

Чор-ночор орқасига қайтишга мажбур бўлди.

Иссиқ қон ҳидини сезган бўри отга яқинлашарди. Қора қонга беланган Чопдорнинг тепасида турган Султонмурод қадрдон отининг жилловини аранг ечиб олишга улгурди. Бу унинг сўнгги қуроли. Бўри тобора ўз ўлжасига интиларди. Султонмурод эса қўлда сувлиғи билан кекса бўрини таъқиб этарди.

Шундай қилиб, бу тонг билан туннинг, ҳаёт билан мамонтнинг, ёруғлик билан зулматнинг, ёвузлик билан ёлғизликнинг, кут билан қонхўрликнинг тўқнашуви эди.

Машҳур совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Эрта келган турналар» қиссаси ана шундай драматик ҳолат, фожиавий ҳодиса билан тугайди.

Асар ўқувчининг кўз олдига ўша машҳур уруш йилларининг алғовли-далғовли, хавfli-хатарли кунларини, оғир кўргуликларини яққол гавдалантиради.

Султонмуроднинг отидан айрилгани, юқориде айтилгандай, унинг энг яқин одамидан айрилгани эди. Гап бу ерда биргина от — Чопдор устиде эмас. Ҳар ким учун бу ёруғ олам ўзи турган ердан, киндик қони тўкилган тупроқдан, оиласидан, овулидан бошланади. Шунинг учун ҳам Султонмурод бўри билан биргина оти учун эмас, оиласи, овули, маънавий олами учун ҳам юзма-юз келганди. Бу жўрўят, бу мэхру муҳаббат, унинг қонига, жонига она сўти билан кирган эди. У кўрқоқлик, қўчоқлик қилиши мумкин эди. Шундай қилмади. Чунки ҳеч қачон нур соядан, зиё зулматдан чекинмайди. Ёруғлик қоронғиликни маҳв этади. Бу — она табиатнинг қонуни.

Чингиз Айтматов қирғиз ва рус тилларида баббаравар ижод қилади. «Эрта келган турналар»ни ўқиганда адиб бу асарини ўзбек тилида ёзибди деган фикр хаёлдан ўтади. Қиссани таржимон Асил Рашидов моҳирлик билан таржима қилган («Шарқ юлдузи» журнали, 1980 йил, № 2). Ёзувчининг барча асарлари сингари бу қиссани ҳам Асил Рашидов кунт ва сабот билан, мэхру муҳаббат билан ўгирганки, бундан фақат миннатдор бўлиш керак. Шу ўринда китобхонларнинг истакларига қўшилган ҳолда таржимондан ёзувчининг — «Денгиз соҳилидаги тарғил кучук» асарини ҳам ўзбек тилига таржима қилишларини илтимос қилгинг келади.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Тўра СУЛАЙМОН.**

ТЕРАН ҲИКОЯЛАР

Зайниддин МАҲ-МУД ВОСИФИЙ. «БА-ДОЕЪУЛ ВАҚОЕЪ», Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1979.

Урта Осиё халқлари орасидан Наршахий, Нисавий, Шарафиддин Али Яздий, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Бобир, Мирзо Ҳайдар, Биноий, Восифий каби кўпгина етук забардаст воқеанавислар (тарихчилар), қиссанавислар, илму-фан ва санъатнинг порлоқ юлдузлари етишиб чиққан. Улар ўзларининг беқиёс тафаккурлари билан йўғрилган ўлмас асарларини кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирганлар.

Ана шундай аждождаримиздан бири буюк Навоийнинг ватандоши ва замондоши, зукко олим ва машҳур адиб Зайниддин ибн Абдужалил Восифийдир. У зўр иқтидор, ҳар томонлама чуқур билим, ўткир ақлу заковатга эга бўлиши билан ўз замонасидаёқ сўнги те мурийлар ҳукмронлигининг пойтахти, Навоий бошчилик қилган Ҳирот адабий муҳи-тида оғизга тушиб, шуҳрат топган эди.

Маълумки, Зайниддин Восифийнинг ҳаёти, хусусан, унинг ҳам серзавқ, ҳам серташвиш йигитлик дамлари, ижодий фаолиятининг гуллаган палласи XV аср охири ва XVI аср бошларида авж олиб, кучайиб кетган шарқий Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрдаги ўзаро феодал урушлар, тўс-тўполонлар шиддатли тус олган даврларга тўғри келади. Бутун-бутун мамлакатларни қамраб олган омонсиз қир-

ғинлар талайгина илм-фан дарғаларининг ёстиғини қуритган бўлса, уларнинг бир қисмини жаҳолат қурбонларига айлантирди. Тарих саҳифалари Мирзо Ҳайдар, Бобир, Биноий, Султон Али Машҳадий, Беҳзод сингари ажойиб сиймоларнинг ҳаётлари нақадар аянчли, фожиали бир тарзда кечганидан ҳикоя қилади. Биз номини зикр қилган Зайниддин Восифий ўзининг «Бадоеъул вақоеъ» («Нодир воқеалар») номли асарида худди шу нарсаларга кенг ўрин берган.

XV асрнинг охирлари ва XVI асрнинг биринчи чоракларига оид аксари тарихий воқеалар, жумладан, муаллифни фалакнинг гардиши билан сарсон-саргардонликка гирифтор бўлиши, не-не азоб-уқубатларни бошидан кечириши, аввало Мовароуннаҳрда, сўнгра Хуросонда кечирган ҳаёти, ўз кўзи билан кўрган воқеалари юксак бадиий маҳорат билан ғоятда жонли, романтик тарзда тасвирлангандир.

Зайниддин Восифий умрининг ярмидан кўпроқ қисмини Урта Осиёда ўтказди. У Мовароуннаҳрнинг Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Шохрухия каби кўпгина шаҳар ва жойларида содир бўлган воқеалар, бировлардан эшитган ёки халқ орасида тарқалган қисса ва ривоятлар воситасида яратмоқчи бўлган мазкур асарининг мазмунини бойита борган. Китобни кўздан кечираётган эканмиз, ҳамиша илм ва ижод иштиёқи билан ёнган қиссанависни биз бирга мадраса талабалари, ёхуд деҳқон аҳли, гоҳ эса, ҳунарманд — косиблар даврасида кўрамиз. У маҳаллий ҳоқимлар саройида хизмат

қилиб юрган чоғларида турли-туман илму фан соҳиблари билан бевосита мулоқотда бўлган. Маърифат, маданият ва адолат йўлида жонқуярлик билан жуда кўп иш қилгани ушбу китоб орқали бизларга маълум бўлади. Бу улкан қалб эгаси сарсон-саргардонликда ҳаёт машаққатларини торта-торта, ниҳоят шайбонийлар сулоласи ҳукм сурган Тошкентда турғун бўлиб қолди ва шу ерда 1566 йили 81 ёшида вафот этди.

Зайниддин Восифий асарида тасвирлаган воқеа-ҳодисалар орқали ўзи яшаб, ижод этган ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол билан китобхонни таништирар экан, ўрта аср шароитидаги турли табақаларга мансуб халқ вакиллари-нинг шонли сиймоларини моҳирона гавдалантиради.

Юқорида биз Зайниддин Восифий умрининг айна навқиронлик йиллари ҳар иккала мамлакатда бесаранжомлик авж олган даврга тўғри келгани ҳақида гапирган эдик. Булардан бири адибнинг она ватани бўлмиш Ҳиротнинг даставвал 1507 йили Муҳаммад Шайбонийхон (1451—1510 йил) томонидан босиб олиниши бўлса, иккинчиси, 1510—11 йилларда Эрон шоҳи шоҳ Исмоил Сафавий томонидан истило қилиниши эди. Тарихнавис адиб бу зах-шиёна талон-торож ва қир-ғинларнинг жонли гувоҳи бўлди ва халқ бошига тушган даҳшатли фожиаларни ўз кўзи билан кўрди.

«Бадоеъул вақоеъ»да тарихан баён қилинишига кўра, те мурий ҳукмдорлар ўртасидаги зиддиятлар Дашти Қипчоқдан пайдо бўлган кўчманчи ўзбеклар

хони Шайбонийхоннинг на фақат Мовароуннахр пойтахти Самарқандни, балки бутун шарқий Хуросонни босиб олишига бевосита сабаб бўлган. Султон Хусайн Бойқаро (1439—1507 йил) вафотидан кейин Хуросонда тож-тахт учун давом этган беҳуда курашлар, ўзаро феодал урушлар янада кескинлашиб, охир-оқибатда давлатда қўш ҳокимиятчилик вужудга келади. Бу билан Хуросон чок-чокидан сўкилиб, тамомла инкирозга юз тутаети. Эндиликда у ҳар қандай вазиятда ҳам хоҳ ички, хоҳ ташқи кучларга қарши курашиш қудратидан маҳрум бўлиб қолган эди. Ҳокимларнинг бебошлигидан, юртдаги тартибсизликлардан тинкаси қурган, хонавайрон бўлган шаҳар фуқароси ҳар иккала мамлакатда ҳам Шайбонийхонга қарши курашда теуурий ҳукмдорларини қўллаб-қувватламади. Феодаллар ўртасидаги тинимсиз низо-жанжаллардан бениҳоя азият чеккан ва маҳаллий нуфузли табақалар дастидан сиқилган бадавлат шаҳарликлар эса, тўғридан-тўғри қўли баландроқ ҳукмдорга бўйсунушни афзал билди. Шундай қилиб, Шайбонийхон туфайли дастлаб Самарқандда қандай ҳол рўй берган бўлса, Ҳирот босиб олиниши арафасида ҳам худди шундай ҳолат юзага келганлигини кўраимиз.

Хуросоннинг иккинчи марта эрон қўшинлари томонидан ишғол қилиниши ҳақида ҳикоя қилинар экан, китобнинг «Ҳазрати Султон Аъзам Султони Муҳаммаднинг халифалик тахти ва қойиммақомлик маснадида ўлтирмоғи» номли бобида муаллиф ўзининг шиара-растлар қиличидан шаҳид бўлаёзганини, фақат бир тасодиф туфайлигина омон қолганини баён этади.

«Бадоеул вақоеъ» бениҳоя қимматли асар бўлиб, XV асрнинг иккинчи чораги, Шоҳруҳ ҳукмронлиги даврига ҳамда ундан кейинги ва сўнги теуурийзодалар, Мовароуннахрда Султон Али Мирзо ва Бобир, Хуросонда Хусайн Бойқаро замонидаги муҳим аҳамият касб этувчи тарихий воқеа-

лар ҳақидаги маълумотлар унда салмоқли ўрин эгаллаган. Жумладан, энг қалтис пайтларда ҳам бир ёқадан бош чиқара олмаган теуурий ҳукмдорлар ўртасидаги жанжаллар, айниқса, Хусайн Бойқаро ҳукмдорлик қилган Хуросон пойтахти Ҳиротда ўша замонларда одди воқеа бўлиб қолган низо, беғуноҳ қон тўкишлар ўқувчи диққатини тортмай қолмайди. Масалан, китобда «Султон Хусайн Мирзонинг Хуросон вилоятидаги вазири Низомулмулк Хавофий ҳикоятини» деган қисмида келтирилган ҳикоятдаги жоҳил амалдорнинг вазир этиб тайинланиши, шубҳасиз, давлатни ҳалокатга бошловчи кескин бурилиш бўлган. Бу бобда баён қилинишича, шоҳ саройидаги фитна, фиқс-фужур, шаҳзодаларнинг тож-тахт учун қонли курашлари янада жиддийлашади. Жумладан, 1498 йил сентябрида Мурғоб дарёси ёқасида турган Хусайн Бойқаро мастликда ўз хотини Ҳадичабегим ва Низомулмулкнинг фитнасига учиб набираси Муҳаммад Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши ҳақидаги буйруққа имзо чекиб юборади. Эртаси кун подшо ўзига келиб, қилиб қўйган ишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, азият чекади, аммо энди кеч бўлганди. Бу машъум воқеадан кейин кўп ўтмай, Хусайн Бойқаро Низомулмулкни унинг яқинлари билан қўлга олади: Низомулмулкнинг кўз ўнгида аввал унинг икки ўғлини қатл эттириб терисига сомон тикдиради, сўнг унинг ўзи (Низомулмулк) ва яқинларининг терисини шилдириб, танасини остириб қўйган. Зайниддин Восифий бу воқеа рўй берган маҳалда отаси билан қалъа (Ихтиёриддин қалъаси) ичкарасида бўлганлигини ва буларнинг барини ўз кўзи билан кўриб турганини асарида алоҳида қайд этиб ўтади.

Ниҳоят, юқорида айтиб ўтилганидек, теуурийлар салтанатининг қўлдан кетиши кўпгина зиёбахш қалб эгаларининг, жумладан, асар муаллифининг ҳам дарбадарлик, саргардонлик даври бошланишига сабаб бўлади. Зайниддин Восифий-

нинг Самарқандга келгандан кейинги бошдан кечирганлари, 1511—1512 йиллардаги воқеалар, Бобирнинг сўнги бор Нажми Соний бошлиқ кучли эрон қўшинлари ёрдамида Самарқанд тахтини эгаллаши ва яна кўп ўтмай Убайдуллахон бошлиқ шайбонийлар томонидан қувилиши, шаҳар аҳолисининг қиш даҳшати, очлик, муҳтожлик ва муҳориба туфайлидан қирилиб кетиши каби фактлар мазкур асарда ўз аксини топгандир.

Зайниддин Восифийнинг бу асарини икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи тоифа ҳикоя ва қиссаларга адиб ўзи ҳақида ва кўрган, бошидан кечирган воқеа-ҳодисалари тўғрисида ҳикоя қилувчи воқеалар, иккинчи тоифага халқ орасида кенг тарқалган қисса ва ривоятларни киритиш мумкин. Шарқнинг улуғ гуманистлари Фирдавсий Тусий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ҳақидаги ва бошқа тарихий ҳикоялар «Бадоеул-вақоеъ»нинг мазмундорлигини янада оширган.

Асарнинг марказий қисмида Зайниддин Восифийнинг ўзи туради. У ўзи ҳақида сўзлар экан, ўзида ажойиб фазилатлар билан биргаликда салбий хусусиятлар ҳам мавжудлигига иқдор бўлади. Бу унинг фоятда очикқўнғил, самимий, беғараз инсон эканлигидан далолат беради.

Восифий китобхон кўз олдида феъл-атвори мулоим, боибо, самимий муҳаббат эгаси бўлиб гавдаланади.

Зайниддин Восифий асарини дастлаб XVIII аср охирларида асли хоразмлик, замонасининг забардаст алломаси, маърифатпарвар шоир ва тарихчи Диловархўжа туркий (кўхна ўзбек) тилига тўла таржима қилган эди. Лекин замона зайли билан бу таржима ҳозирда бирмунча эскириб қолган. Утган йили истеъдодли шарқшунос олим, тарих фанлари кандидати Наим Норқулов томонидан сўзбоши, қисқача луғат ва изоҳлар билан, форс-тожик ти-

лидан ўзбек тилига қайта таржима қилиниб, нашр этилди. Бу эса кўп сонли китоб мухлисларининг олқишига сазовор бўлди.

Мазкур таржима ҳали Зайниддин Восифий қўлёзмасини тўлалигича қамраб ололмайди. Таржимон бу нодир асарнинг фақат бир қисминигина танлаб олган, холос.


«Бадоеъул вақоеъ» муаллифи XV аср ўрталаридан XVI асрнинг бошларига қа-

дар, яъни 1532 йилгача ўтган Урта Осиё, жумладан, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда кечирган ҳаётини чуқур эҳтирос билан реал тасвирлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам, ўз вақтида бу нодир асардан совет шарқшунослигининг етук намояндалари: В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, А. Ю. Якубовский, С. П. Толстов, Я. Ф. Фуломов, Т. Н. Қори-Ниёзий, атоқли ўзбек адибларидан Ойбек, Уйғун,

Иззат Султон, Шайхзода ва бошқалар ўз ижодий ишларида кенг фойдаланганлар. Садриддин Айний бу асар хусусида «Урта Осиё ва Хуросон халқлари тарихининг кўзгусидир» деб ёзган эди. Шунга кўра Зайниддин Восифийнинг ушбу асари вақти келиб тўла таржима қилинади ва нашр этилади деган умиддамиз.

**Ҳабибулла
ЗАЙНИДДИНОВ.**

Тўққайчи



Камолнинг камоли

[БАЪЗИ ТАҚРИЗЛАРГА УХШАТМА]

Еш ва талантли шоир Камол Пўлатнинг «Бир папка шеър» деб номланган янги тўплами нашрдан чиққанига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин тўплам аллақачон ўз ўқувчиларини излаб топди, уларнинг китоб жавонларидан муносиб жой олди.

Камолнинг янги тўплами автор ўз устида қунт билан ишлаётгани, изланаётганидан дарак бериб турибди. Ҳа, шоир диди нозик шеърхонлар қалбига йўл топиш мақсадида тинмай изланмоқда. Фикримизнинг далили сифатида «Изланаман тунда ҳам» сарлавҳали шеъридан бир тўртлик келтирамыз:

«Ухламасдан тунлари
Газет ва журнал титаман.
Вир сатр битмоқ учун,
Тонггача илҳом кутаман».

Шоир — гўзаллик шайдоси. У ўз шеърларида табиат манзараларини, она юрти, ёр ва диёр гўзалликларини ёрқин бўёқлар билан чизиб беришга, ўқувчилар қалбида завқ уйғотишга интилади.

«Қирлар бағри ям-яшил,
Қуёш кўндан сочар шуъла.
Шовуллаб оқар анҳор,
Болалар ташлар калла».

(Ёзда)

Ҳар бир ижодкор адабиётда ўз овози, услубига эга бўлишга ҳаракат қилади. Камолнинг шеърларида ҳам бу ҳолини кўрамыз. Бунга унинг «Мен нечун севаман у гўзал қизни!» сарлавҳали сўзсиз шеъри

мисол бўла олади. Шеър фақатгина сарлавҳадан иборат. Китобхонни мустақил фикр юритишга ундовчи бу шеърни ўзбек совет шеърляти илк бор қўлланаётган услубда тўқилганлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Ютуқ бор жойда камчилик ҳам бор, деганларидай тўпламда ҳали ижод қозонида обдан пишиб етилмаган машқлар ҳам йўқ эмас. Бундай хом асарлар оз бўлсада китоб хуснига доғ бўлиб, ўқувчини ранжитади. Шоирнинг «Бизнинг кўча» шеъридан шундай мисраларни ўқиймиз.

«Кўчамизда толлар қатор,
Копток тепар боллар қатор.
Суҳбат қураб чоллар қатор,
Ўтлаб юраб моллар қатор».

Кўчада болаларнинг ўйнаши, чолларнинг суҳбат қуриб ўтиришлари типик ҳол, албатта. Бироқ, молларнинг ўтлаб юриши сира китобхонни ишонтирмайди. Ахир, моллар толларни ғажиб қўйишлари мумкин-ку! (Таъкид бизники — М. О.) Бу ҳолга болалар бефарқ қарасалар ҳам, оқсоқол чоллар йўл бермасалар керак.

Тўпламдан жой олган «Сигир ва тигир» шеъри ҳам меъёрига етказилмаган. Автор фақат қофия учунгина йўлбарс сўзини рус тилида ишлатган. Бу эса, бизнингча, сира шеър қондасига тўғри келмайди. Шунингдек, «Жонона ва баҳона» шеъри ҳам қуруллардан ҳоли эмас. Авторнинг баён қилишича, йигит бир гўзал қизга муҳаббат изҳор этади. Бироқ қиз унинг севгисини рад қилади. Тушкунликка учраган йигит ала-



«Гулқайчи» почтасидан

1. ТЕАТР МУХЛИСИНИНГ МАКТУБИ

Мен 21 май куни телевизор орқали берилган «Назм ва наво» театри спектаклини кўрдим. Шунчалар мароқли, шунчалар инсон қалбининг нозик торларини чертадиган спектакль. Мен буни эшитиб, кўриб туриб, роса ух урдим, фарёд чекдим. Назм билан Навонинг мусаффо севгисига, пок туйғуларига ҳавасим келади! Лекин уларнинг ҳазон бўлганига ачинаман ва чуқур таъзия изҳор қиламан.

Менинг қалбимда шундай савол туғилди: нима учун ўша вақтдаги ёшларнинг қалби соф, беғубор бўлган, улар севгини ҳурмат қилганлар, авайлаб-асраганлар? Нима учун ҳозирги ёшлар севгини бир ўйинчоқ билади, бугун бирини севса, эртага бошқасини севади, дили бошқа, тили бошқалик қилади? Аввалги (бойлар замонидаги) ёшлар билан ҳозирги замондаги ёшларнинг фарқи нимада?

Саволимга жавоб берсанглар.

Спектакль кўрсатувчилар, саломат бўлинглар!

2. «БИР ГАЛА» КИТОБСЕВАРЛАР САЛОМНОМАСИ

Ушбу арзимас саломимиз тез кунлар ичида етиб, ойдек равшан бўлсинки, ўшал гўзал редакция эшиттирувчиларига алангали салом!!!

Ушбу редакция, сизлади кўп эшиттиришларингдан кўпдан мамнунмизки, ҳар редакция аъзоларининг ўзлари ичларидан тўкиб эшиттирган китоблар ҳақидаги радио иннестронопкаларнинг бизни қизихтиради. Айниқса, «Ҳазратли инсон», «Марат қози» деган иннестронопкаларининг ҳар эшиткандан маза қиламиз. Сизлар бизга янги-янги қаҳрамонлар ва ватанпарвар инсонлар ижодидан хотиралар эшиттирсаларинг, бизга анча пойда бўларди: китопти сотволиб вақт кеткизиб ўқигандан кўра, эшитганимиз абзал. Шуларни ҳурмат билан илтимос қилип: сизларни безовта қилган китоб мухлислари... область,... шаҳридаги № ... мактабнинг бир гала X синф ўқувчилари.

мидан ичиб, ҳушёрхонага тушади. Буни эшитган қиз кейинги учрашувда: «Сиз пиёниста эканси!» деб йигитнинг устидан кулади. Автор қизни қоралаш ўрнига ҳамма айбни йигитга тўнкайди. Бу, албатта, нотўғри. Қолаверса, воқеликни бузиб кўрсатиш. Чунки, қиз унинг севгисини рад этмаганда, у ҳушёрхонага тушмасди.

Бундай жузъий камчиликлардан қатъий назар, изланишлар маҳсули бўлган тўплам Камол Пўлатнинг шеъриятда камол топаётганидан дарак бериб турибди. Биз Камолга шеъриятда юксак парвозлар тилаймиз.

Муқимжон ҚОДИРОВ,
Анджон область,
Бўз районидagi 3-ўрта
мактаб ўқитувчиси.

3. «ИСТАК».

Урматли редакция!

Сизлардан сўранаман, якшанба куни радиодан 16/12 минут ўткандан кейин Маҳкам ака билан Ботир акани телфонда суйлашганини эшитип қолдим. Шу адабий эшиттиришни бошдан қўйип беришларингди сўранаман деп Қызил-су қишлоғида яшап турган Муротова Ҳожиниса.

Экки мартаба қайталап айтип турип бошлангизлар, мен беҳабар қолмайин.

Эшиттириш охирида талап ва истакларингни ёзиб юборинг, деганларинг учун ёздим. Хайир бўлмаса.

17/III-1980 — года. Якшанба
куни соат 5 да ёзилди.



ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛЛАРИ



УЙГУНГА

Кўнгли баҳор, баҳорларнинг шайдоси,
Шеъримизнинг оқсоқоли, доноси.




Профессор Л. ҚАЙОМОВГА

Муҳолифлар бўхтон қилар, қилмас ҳақнинг
ёдини,
Шунда домла жаҳон кезиб бериб келар
додини.



Э. ОХУНОВАГА

Охунова Эйтибор шеърда топди эйтибор,
Очерку наср учун учланган қалами бор.



Б. ПАРМУЗИНГА

Соч текислаб ўлтирдими, кўнгли тўлар,
Хаёллари дoston бўлар, роман бўлар.

П. МУМИНГА

Ажабтовур шоирдир-о, Пўлат Мўмин,
Шеърлари ҳам ўзларидай ғалат, мўмин.



Маданий ҳаёт

СССР Олий Совети Президиумининг 28 ноябрь Фармонида биноан Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан олим ва драматург **Иzzат Султонов** [Иzzат Султон] Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланди.

* * *

5 декабрда Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениеси секретариатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилари Союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов** ёзувчиларнинг КПСС XXVI ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездлари арафасидаги вазифалари ҳақида гапирди.

Секретариат йиғилишида 1981 йилда СССР Давлат мукофотига тавсия этиладиган асарлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

1981 йилда **Иzzат Султонов**нинг 70 йиллигини, **Мирмуҳсин**нинг 60 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг 22 декабрь Фармонида мувофиқ Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан ёзувчи **Асқад Мухтор Халқлар дўстлиги** ордени билан тақдирланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 16 декабрь Фармонида биноан Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан ёзувчи **Асқад Мухторга Ўзбекистон халқ ёзувчиси** деган фахрий унвон берилди.

* * *

23 декабрь куни Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида **Асқад Мухтор**нинг 60 йиллик юбилейига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Кечани шоира **Зулфия** кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раис ўринбосари **Г. М. Орлов** юбиларни муборак ёши билан қизғин қутлади ва

унинг кўксига олий нишон — **Халқлар дўстлиги ордени** ва **Ўзбекистон халқ ёзувчиси** унвони нишонини тақиб қўйди.

Филология фанлари доктори **У. Норматов** адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилари Союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов**, СССР Ёзувчилари Союзининг секретари **Римма Казакова**, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Мустай Карим**, татар шоири **Муса Ғали**, тожикистонлик адиб **Жалол Икромий**, Туркменистон ёзувчилари вакили **Саидниёз Отаев**, **Г. Нажимов**, **З. Есенбоев** ва бошқа ўртоқлар дил сўзларини изҳор этдилар.

* * *

1980 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи секретариатининг мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишга раислик қилган Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов**, СССР Ёзувчилар Союзининг VII Пленуми қабул қилган «Мамлакатимиз ёзувчилари ташкилотларининг КПСС XXVI ва СССР Ёзувчиларининг VII съездларига тайёргарликлари ва вазифалари тўғрисида»ги қарорининг республикамиз қалам аҳли томонидан қандай амалга оширилаганлиги хусусида гапирди.

Йиғилишда қўшиқ санъатининг ривожига янада кўпроқ ҳисса қўйиш ниятида **Қўшиқ совети тузилди**. Қўшиқ советининг раиси қилиб Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Туроб Тўла** сайланди. Унинг составига бир қанча етакчи қўшиқ ёзувчи шоирлар киритилди.

Секретариат мажлисида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари драматургларининг Ашхободда ўтказилган фестивали якунлари тўғрисида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, драматург **Улмас Умарбеков**, Бутуниттифоқ танқидчиларининг Москва шаҳрида ўтказилган семинари якунлари тўғрисида танқидчи **А. Расулов** ҳисобот бердилар.

СССР Ёзувчилар Союзи Адабиёт фонди Ўзбекистон бўлимининг директори қилиб **Ғ. Толипов** таъдиқланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи секретариати мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлими сектор мудир **Б. Бойқобилов** иштирок этди.

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, ҲАМИД ҒУЛОМ, САР-
ВАР АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАИЗИЙ,
Н. НАРЗУЛЛАЕВ, ТУРОБ ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редак-
тор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕ-
ДОВ, ЎЛМАС УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИР-
ЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИ-
ПОВ, НОСИР ФОЗИЛОВ (масъул секретарь).

© Шарқ юлдузи, 1981.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 1.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1981

Рассом Э. Рўзиев. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

Теришга берилди 29.10.1980 й. Босишга рухсат этилди 2.1.1981 й. Р — 02705.

Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Қабарик босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21.
Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 210109 нусха. Заказ № 4290.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700129, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ № 1

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК —
332479, РАССОМЛИК — 330918.